

Т.С.МАЛИКОВ, П.Т.ЖАДЫЛОВ

БЮДЖЕТ-СОЛНИҚ  
СИЁСАТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Т.С.МАЛИКОВ, П.Т.ЖАЛИЛОВ**

# **БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ**

Тошкент  
«Akademnashr»  
2011

**УДК: 65.261.3**

**М22**

**Мааликов, Т. С.**

Бюджет-солиқ сиёсати / Т.С.Мааликов, П.Т.Жалилов; Т.С.Мааликовнинг умумий таҳрири остида ; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тош. молия ин-ти. – Т. Akademnashr, 2011. – 472 б.

1. Жалилов, П.Т.

ББК 65.261.3+65.261.4

Монография Тошкент молия институтининг магистратурасида чуқурлаштирилган ва мунозарали тарзда ўтиладиган «Бюджет-солиқ сиёсати» фани (курси) ўқув дастури асосида ёзилган бўлиб, унда замонавий бюджет-солиқ сиёсатининг мазмун-моҳияти, турлари ёки таркибий қисмлари (йўналишлари), долзарб муаммолари, фундаментал асослари ва уни такомиллаштириш йўлларига оид масалалар ўз аксини топган.

Монография иқтисод йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрлар, аспирантлар, профессор-ўқитувчилар, мамлакатнинг молия-бюджет-солиқ тизимида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ҳамда бюджет-солиқ сиёсати муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

*Монография иқтисод фанлари доктори, профессор Т.С.Мааликовнинг таҳрири остида ва унинг баён услубини тўлиқ сақлаган ҳолда нашр қилинмоқда.*

**Тақризчилар:**

**О.К. Иминов,**

иқтисод фанлари доктори, профессор,

**Н.Ҳ. Ҳайдаров,**

иқтисод фанлари доктори, профессор

*Тошкент молия институти Илмий-услубий кенгаши қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-397-03-3

© Т.С.Мааликов, П.Т.Жалилов  
«Бюджет-солиқ сиёсати»  
«Akademnashr» нашриёти, 2011 йил.

## КИРИШ

«Бюджет-солиқ сиёсати» олий таълимнинг 340000 – «Бизнес ва бошқарув» таълим соҳасидаги 5A340601 – «Давлат молиясини бошқариш» магистратура мутахассислиги учун мўлжалланган фан (курс)<sup>1</sup> ҳисобланади. Уни ўқитишдан мақсад магистрларга бюджет-солиқ сиёсати борасида чуқур назарий билимлар бериш, уларда атрофлича амалий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Бунинг учун соҳанинг бўлғуси магистрлари бюджет-солиқ сиёсатининг моҳияти, унинг таркибий қисмлари (йўналишлари), ҳозирги даврдаги бюджет-солиқ сиёсати ва унинг ўзига хос хусусиятлари, бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш воситалари, бюджет дефицитини камайтириш – бюджет сиёсатининг марказий масаласи, замонавий солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг фундаментал асослари, солиқ юкини енгиллаштириш – солиқ сиёсатининг энг долзарб муаммоси, солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш – солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлашнинг гарови эканлиги, бюджет-солиқ сиёсатининг замонавий долзарб муаммолари, уларга нисбатан билдирилаётган эътирозлар, муаммоларни ҳал қилиш йўллари, Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари) тўғрисида аниқ тасаввурга ва мустақам позицияга эга бўлмоқлари лозим.

Магистрлар бюджет-солиқ сиёсатига доир халқаро майдондаги ўзгаришлардан ҳам хабардор бўлиб туришлари даркор. Бунда, энг аввало, ўтиш иқтисодийётига эга бўлган мамлакатлар бюджет-солиқ сиёсатида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганини кузатиб бориш муҳим аҳамият касб эта-

<sup>1</sup> «Бюджет-солиқ сиёсати»нинг «фан» ёки «курс» деб аталиши мунозарали ва ягона тўхтама келинмаган масала. Унинг айнан нима эканлигини аниқлаш монографиямизнинг мақсади ва унга эришиш учун бажарилиши лозим бўлган вазифалар доирасидан четга чиқади. Бу ерда «фан» (курс) варианты танланганлигининг боиси ҳам ана шунда.



ди. Мазкур масалада жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида қандай қарорлар қабул қилинаётгани, уларнинг қандай оқибатларга олиб келаётганлиги хусусидаги маълумотлар ҳамда уларнинг қиёсий таҳлили магистрларнинг назаридан четда қолмаслиги керак.

Айни пайтда, «Бюджет-солиқ сиёсати» фани (курси)дан олинган билимлар асосида магистрлар жаҳоннинг илғор мамлакатларида рўй бераётган бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари хусусида ҳам атрофлича ва чуқур илмий ва амалий аҳамиятга эга хулосалар чиқаришга қодир бўламоқлари лозим.

«Бюджет-солиқ сиёсати» фани (курси)ни ўрганиш асосида қўлга киритилган билимлар келажакда бюджет-солиқ сиёсати амалиётига оид кундалик фаолиятда учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ва жуда кўплаб ҳаётий саволларнинг жавобини топишда қўл келиши шубҳасиз.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган монография ўзига хос таркибий тузиламага эга. Уни шартли равишда беш қисмга бўлиш мумкин. Монографиянинг дастлабки қисми (1-боби) «Бюджет-солиқ сиёсати: нималарни ва қандай ўрганамиз?» деган масалага аниқлик киритишга бағишланган. Иккинчи қисмда (2-бобда) бюджет-солиқ сиёсатининг фундаментал асоси ҳисобланган молиявий сиёсатга тегишли масалалар ўз аксини топган. Бюджет-солиқ сиёсатининг ва шунга мос равишда молиявий сиёсатнинг ҳам таркибий қисми бўлган бюджет сиёсатига даҳлдор масалалар монографиянинг учинчи қисмида (3 – 5-бобларда) кўриб чиқилган. Монографиянинг тўртинчи қисмида (6 – 8-бобларда) молиявий ва бюджет-солиқ сиёсатининг нисбатан мустақил ва энг муҳим кўриниши бўлган солиқ сиёсатига доир масалалар мужасамланган. Бешинчи қисм (9 – 10-боблар) бюджет-солиқ сиёсатининг долзарб муаммолари, унга нисбатан билдирилаётган эътирозлар, муаммоларни ҳал этиш ва эътирозларни юмшатиш йўллари ҳамда Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари)га бағишланган.

1-БОБ.

## **БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ: НИМАЛАРНИ ВА ҚАНДАЙ ЎРГАНАМИЗ?**

Сиёсат – жуда нозик ва мураккаб масала. Унинг оддий кўз илғамайдиган ёки ақл бовар қилмайдиган томонлари жуда кўп. Сиёсатда «коса тагида – нимкоса», «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» каби ҳолатлар кўплаб учрайди. Шунинг учун уни тўғри тушунишга ҳамма ҳам ҳар доим етарли даражада тайёр бўлавермайди. Шундай экан, унга нисбатан муносабат билдираётганда жуда эҳтиёт бўлмоқ лозим.

Аслида, сиёсатни тушунишга тайёр бўлмаганлар (тушунмаганлар) унга муносабат билдирмаганлари маъқул. Чунки бу жараёнда «қош қўяман» деб, «кўз чиқариш» ҳеч гап эмас. Ҳатто сиёсатга нисбатан фикр билдиришим керак деган қарор қабул қилинганда ҳам етти ўлачаб, айрим жойларда эса етмиш ўлачаб, бир кесиш лозим. Аксинча иш тутганлар, ҳаёт тажрибаси ва ҳақиқатининг кўрсатишича, умрининг охиригача қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қоладилар.

Сиёсатнинг жуда кўп ёки хилма-хил турлари (кўринишлари) мавжуд. Улардан бири бюджет-солиқ сиёсатидир. Бу сиёсат айрим ҳоллардагидек қуруқ гап билан эмас, балки пул маблағлари ҳаракати билан бевосита боғлиқ. Ундан доимо пул маблағларининг ўзига хос ўтқир «ҳид»и уфуриб туради. «Пул бўлса, чангалда шўрва», «Вақт – бу пул» деган мақоллар бекордан-бекорга қундалиқ ҳаётимизга шиддат билан кириб бориб, тобора долзарброқ аҳамият касб этаётгани йўқ. Ижобий маънода «Ҳаммасини пул ҳал қилади» деб ҳам бежизга айтилмапти.

Бюджет-солиқ сиёсатини пул маблағларининг ҳаракатидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Борди-ю шундай қилинса, у ўз кучини ва таъсирчанлигини йўқотиб, сиёсатга эмас, балки оддий сафсатага айланади-қолади. Шунинг учун у ниҳоятда мураккаб, нозик, масъулиятли ва қалтис сиёсат ҳисобланади. Шу боис ҳам бу сиёсат билан «ўйнашиб» бўлмайди. Акс ҳолда, у чиндан ҳам «қиммат»га тушиши мумкин.

Соддароқ қилиб айтганда, бюджет-солиқ сиёсати, бир томондан, бюджет даромадларини (оқилона) шакллантириш, иккинчи томондан, бюджет харажатларини (самарали) сарфлаш билан боғлиқ. Аслида, бюджет сиёсати том маънода ўз ичига солиқ сиёсатини ҳам қамраб олади. Бироқ амалиётда кўпчилик ҳолларда бюджет даромадларини шакллантиришга қаратилган сиёсат солиқ сиёсати<sup>2</sup>, бюджет харажатларини сарфлашга қаратилган сиёсат эса бюджет сиёсати<sup>3</sup> деб юритилади. Шу маънода бюджет-солиқ сиёсатини шартли равишда бир-биридан нисбий жиҳатдан мустақил бўлган бюджет ва солиқ сиёсатлари мажмуи сифатида ҳам эътироф этиш мумкин.<sup>4</sup>

Бироқ мазкур сиёсат бекордан-бекорга ягона ном билан аталиб, бюджет-солиқ сиёсати деб юритилмайди. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Бу сабабнинг негизида уларни бир-биридан мутлақо ажратиб бўлмаслиги ётади. Бюджет сиёсатидан абсолют мустақил бўлган ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқилган солиқ сиёсати мавжуд эмас ёки аксинча. Навбатдаги молия йилида солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва унда содир бўлиши мумкин бўлган баъзи бир ўзгаришлар, бошқа баъзи бир сабаблар билан бир қаторда, ўша йилга даҳлдор бўлган бюджет харажатлари қўламининг қандай эканлигига бориб тақалади. Ўз навбатида, шу йилдаги бюджет сиёсатининг асо-

<sup>2</sup> Бюджет даромадларининг маълум бир кичик ёки сезиларсиз қисми солиқсиз даромадлар ҳисобидан шакллантирилаётганлиги инобатга олинган тақдирда ҳам бу сиёсатни ўзгача атаб бўлмайди. Чунки айнан солиқлар бюджет даромадларининг тақдирини белгилаб беришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

<sup>3</sup> Бу сиёсатнинг бошқа жиҳатларига монографиянинг кейинги ўринларида яна бир неча бор эътибор қаратилади.

<sup>4</sup> Лекин бундан бюджет-солиқ сиёсатини алоҳида олинган бюджет сиёсати ва солиқ сиёсатининг механик тарзда қўшилишидан вужудга келган сиёсат сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Аниқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида монографияда бюджет сиёсати ва солиқ сиёсатининг алоҳида-алоҳида кўриб чиқилганлиги ҳам уларнинг абсолют мустақил сиёсат эканлигини кўрсатишга асос бўлолмайди.

сий йўналишларини ва унда содир бўлиши мумкин бўлган айрим ўзгаришларни, шакл-шубҳасиз, бюджет даромадлари ҳажмининг (миқдорининг) қандай эканлиги белгилаб беради. Шу маънода бюджет сиёсатисиз солиқ сиёсатини ёки солиқ сиёсатисиз бюджет сиёсатини тўғри тасаввур этиб бўлмайди. Иккаласининг ўзаро муштараклиги, бири-бирини тақозо этиши ва вобасталиги бюджет-солиқ сиёсатининг ягоналигидан дарақдир.

Ифодали қилиб айтганда, бюджет сиёсати оққуш сингари кўкка парвоз қилаётганда солиқ сиёсати чўрганбалиқ каби денгиз томон ёки қисқичбақага ўхшаб қуруқлик сари йўл олмаслиги керак. Акс ҳолда, арава ўрнидан қўзғалмаганидек, бюджет-солиқ сиёсати самарадорлиги пастлигича ёки «0»га тенглигича қолаверади.

Бюджет-солиқ сиёсати тўғри ва оқилона юргизилса, бир сўмлик маблағ сарфлаб, ўн сўмлик самара кутса бўлади. Аксинча бўлганда эса миллиард-миллиард сўмлик маблағлар самарасиз, «қумга сув сингиб кетгандек» ғойиб бўлиши мумкин. Тўғри ва оқилона юргизилаётган бюджет-солиқ сиёсати (албатта, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда) ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига, солиққа тўғри базасининг кенгайишига, маблағларнинг самарали сарфланишига ва ҳ.к.ларга олиб келса, аксинча ҳолатда бу сиёсат иқтисодий тараққиётга тўсиқ, хуфёна иқтисодиёт кўламини кенгайтириш, маблағларни талон-торож қилиш ва шу каби салбий ҳолатлар вужудга келиши омилига айланиши турган гап.

Бундай вазиятда «Бюджет-солиқ сиёсатининг ўзи нима, унинг асосини нима ташкил этади, таркибий қисмлари нимаардан иборат, бу сиёсат ишлаб чиқилаётган пайтда нимаарга эътибор бериш керак, унинг замонавий долзарб муаммолари нималар ва уларни қандай қилиб ҳал этиш мақсадга мувофиқ?» каби кўплаб саволларга аниқлик киритиб олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу ва шунга ўхшаш яна бир қатор ҳаётий саволларнинг мавжудлиги мазкур монографиянинг таркибий тузилмасини белгилаб (аниқлаб) берди. Шунингдек, монографиянинг таркибий тузилмасини белги-

лашда таълим тизимининг нисбатан мустақил босқичи бўлган магистратурада ўқув жараёнининг ўзига хос хусусияти (жумладан, алоҳида долзарб мавзуни «ипидан-игнасиғача» ёки чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш) инобатга олинди. Хусусан, монографияда таълим тизимининг бакалавриат босқичида муҳокама этилган «молиявий сиёсат» масаласини атрофлича кўриб чиқишга ҳаракат қилинди. Бунда асосан унинг икки жиҳатига, яъни бюджет ва солиқ сиёсатлари мажмуидан иборат эканлигига жиддий эътибор қаратилади.

Бироқ бу ерда яна бир масалага ойдинлик киритиб олиш керак. Гап сиёсатнинг нисбатан мустақил бўлган бир тури сифатида бюджет-солиқ сиёсатининг қаердан «старт» олиши, унга тегишли бўлган бошланғич «нуқта»нинг қаерда эканлигини аниқлаб олиш хусусида кетаяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки айрим ҳолларда бюджет-солиқ сиёсати макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қаралса, бошқа ҳолларда у молиявий сиёсатнинг ажраалмас қисми сифатида талқин қилинади. Шу муносабат билан ушбу масалага аниқлик киритишда, бизнингча, унинг қуйидаги жиҳатларига эътибор бермоқ лозим:

♦ макроиқтисодий сиёсат иқтисодий сиёсатнинг таркибий (бир) қисми. Унинг бундай кўриниши иқтисодий сиёсат турлари (кўринишлари)ни маълум бир белгиларга (иқтисодий сиёсатнинг қайси даражада кетаётганлиги) қараб туркумларга ажратиш натижаси ҳисобланади;

♦ молиявий сиёсат ҳам иқтисодий сиёсатнинг таркибий (бир) қисми. Унинг бундай кўриниши иқтисодий сиёсат турлари (кўринишлари)нинг бошқа бир белгиларга (иқтисодий сиёсатни амалга оширувчи инструментларга) қараб туркумларга ажратиш натижасидир;

♦ баъзи бир истисноларни ҳисобга олмаганда, молиявий сиёсатни бир вақтнинг ўзида иқтисодий сиёсатнинг ҳам, макроиқтисодий сиёсатнинг ҳам таркибий қисми сифатида эътироф этиш мумкин;

♦ халқаро амалиётда макродаражада фискал сиёсат тўғрисида гап кетганда, унинг конкрет мазмуни бюджет-солиқ сиёсати орқали намоён бўлаётган бўлишига қарамас-

дан, бу нарса бюджет-солиқ сиёсатининг фақат ва фақат макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида эътироф этилишига етарли даражада асос бўлолмайди. Чунки ўшанда ҳам макродаражадаги фискал сиёсатни молиявий сиёсатдан ажратиб бўлмайди. Кўп ҳолларда хориж амалиётида «фискал сиёсат» дейилганда «молиявий сиёсат» назарда тутилади ёки аксинча;

♦ бюджет-солиқ сиёсати молиявий сиёсатдан ажралган ҳолда, мустақил равишда, иқтисодий сиёсатнинг ҳам, макроиқтисодий сиёсатнинг ҳам таркибига бевосита (тўғридан-тўғри) киролмайди;

♦ иқтисодий сиёсат доирасида бюджет-солиқ сиёсати хусусида гап кетганда молиявий сиёсат тўғрисида гап кетма-япти, деб бўлмайди;

♦ макроиқтисодий сиёсат доирасида ҳам бюджет-солиқ сиёсати тўғрисида гап кетганда уни молиявий сиёсатдан айро ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас.

Юқоридаги мулоҳазалардан «айланганда ҳам, ўргилганда ҳам» бюджет-солиқ сиёсатининг «старт» оладиган «жойи» ёки «таянч нуқта»си молиявий сиёсатдир, бюджет-солиқ сиёсатининг макроиқтисодий сиёсатдаги ўрни умумий молиявий сиёсатнинг доираси билан белгиланади (амалга оширилади) деган мантиқий хулоса чиқиб келиши, табиий.<sup>5</sup>

Бюджет-солиқ сиёсати молиявий сиёсат доирасида ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади. Қолаверса, унинг туб

<sup>5</sup> Гарчи бу ерда биз «бюджет-солиқ сиёсати»нинг «макроиқтисодий сиёсат» ва «молиявий сиёсат»га нисбатан муносабати хусусида «куйиб-пишиб» мулоҳаза юритаётган бўлсак-да, хориж амалиётида бу муаммо алақачон ўз ечимини топган. У ерда масала кун тартибига «Бюджет-солиқ сиёсати қаердан «старт» олади? Унинг бошланғич «нуқта»си қаерда?» тарзида қўйилмайди. Макроиқтисодий сиёсат нуқтан назаридан «бюджет-солиқ сиёсати» хусусида гапирилаётганда унинг молиявий сиёсатнинг таркибий қисми эканлиги бир дақиқа ҳам эътибордан четда қомайди. «Бюджет-солиқ сиёсати» молиявий сиёсатнинг ажралмас қисми эканлиги тўғрисида фикр билдирилаётганда унинг макроиқтисодий сиёсатга тегишли жиҳатлари ҳам, албатта, назарда тутилади. Ваз устига, умумий қилиб айтганда, хориж амалиётида жуда кўпчилик ҳолларда «макроиқтисодий сиёсат» ва «бюджет-солиқ сиёсати», «макроиқтисодий сиёсат» ва «молиявий сиё-

асосини ёки фундаментини ҳам молиявий сиёсат ташкил қилади. «Бюджет-солиқ сиёсатини молиявий сиёсатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Усиз бюджет-солиқ сиёсати хусусида гапириш маънога эга эмас. Бу сиёсат молиявий сиёсатдан келиб чиқади ва уни янада конкретлаштиради» деган фикрлар ўзида объектив реалликни акс эттиради. Шунинг учун ҳам олдин молиявий сиёсатнинг маъно-мазмунига ёки моҳиятига<sup>6</sup> тушунмасдан туриб бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан шундай уриниш бефойда ҳисобланади. Шу муносабат билан монографиянинг 2-боби ана шу масалага ба-

сат», «макроиқтисодий сиёсат» ва «фискал сиёсат», «молиявий сиёсат» ва «бюджет-солиқ сиёсати», «молиявий сиёсат» ва «фискал сиёсат», «бюджет-солиқ сиёсати» ва «фискал сиёсат» ўрталарида тенглик ёки баробарлик белгилари қўйиб ишлатилаверади. Бундан ҳеч ким ҳайратга тушмайди, «масала»га «аниқлик» киритишга ҳам ҳаракат қилмайди. Бу уларнинг, қандай ибораларни ишлатишидан қатъи назар, «бир тил»да гаплашаётганидан далолатдир.

<sup>6</sup> Мазкур ўринда бу сўзлар эркин тарзда ёки ихтиёрий равишда ўз-ўзидан ишлатилаётгани йўқ. Улар шаклан бир-биридан фарқ қилса-да, мазмунан бир-бирига жуда ўхшайди. Шунинг учун гарчи монографиямизнинг олдига қўйилган вазифалардан бир оз четга чиқишга тўғри келса-да, қуйидагиларни қайд этиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Хусусан, «маъно» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида мазмун, тушунча ва ғояни англатади. У а) сўзнинг мазмун томони, сўз билан ифодаланган тушунча; б) айнан мазмун; в) баъзи ҳаттиҳаракат ва ш.к.дан англашадиган нарса; ифода; г) бирор нарсанинг моҳияти, нима эканлиги; моҳиятни билдиради. «Мазмун» ҳам арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида мундарижа ёки маънони англатади. У а) ақл, фикрлаш билан тушуниладиган, мантикий мундарижа; бошқа белги билан ифодаланган ички мундарижа; б) иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к.ни белгиловчи асос, моҳият; в) бирор ҳодисанинг моҳиятини белгиловчи, нарсаларни айнан шу нарса сифатида ифодаловчи муҳим элемент ва ўзгаришларнинг йиғиндиси, асосини билдиради. «Маъно» ва «мазмун»га ўхшаш «моҳият» ҳам арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида ҳақиқат, ҳар нарсанинг асли, туб негизини англатади. У а) бирор нарсанинг замиридаги туб, энг муҳим маъно, ички мазмун, мағиз; б) нарсаларнинг ички мазмуни бўлиб, уларнинг турлатуман хоссаларини ва муносабатларини яхлит акс эттиради. Булар тўғрисида батафсил қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. 2-жилд. – В.525 – 526, 565 – 566, 621.

ришланди. Бунда молиявий сиёсатнинг мазмуни ва принциплари, унинг таркибий қисмлари (йўналишлари), ҳозирги босқичдаги молиявий сиёсат ва унинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор берилади.

Молиявий сиёсат доирасида амал қиладиган бюджет-солиқ сиёсатининг маъно-мазмунини ўқувчига (айниқса, магистрларга) қандай тушунтириш мақсадга мувофиқ? «Ҳамма нарса ва ҳеч нарса» тарзидами ёки айрим ҳоллардагидек «омихта» қилибми? Балки «ҳар соҳадан бир шинги» қабилда тушунтириш керакдир? Мамнуният ила қайд этиладиган жойи шундаки, мустақиллик шарофати ила қўлга киритилган ютуқлардан баҳраманд бўлган ҳозирги кундаги кўплаб ўқувчиларнинг билим савияси жуда баланд, диди нозик. Улар ўз олдларига қўйилган ҳар қандай таомни истеъмо қилавермайдилар (буни «қўлларига тушган ҳар қандай китобни ўқийвермайдилар» деб тушунинг). Шу боис монографиянинг кейинги қисмларида масаланинг ана шу жиҳатлари эътиборга олинди ва бюджет-солиқ сиёсати ҳамда унга тегишли бўлган муаммолар алоҳида-алоҳида, яъни бюджет сиёсати ва солиқ сиёсати кесимларида кўриб чиқилди. Уларнинг ҳар бири тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлган ўқувчи бюджет сиёсати ва солиқ сиёсатини муваффақиятла бирлаштириб, ягона бюджет-солиқ сиёсатини мустақил равишда вужудга келтириш вазифасини удалайди деб ўйладик ва буни ўқувчилар ихтиёрига қолдирдик.

Бюджет сиёсати бюджет-солиқ сиёсатининг ва шунга мос равишда молиявий сиёсатнинг ҳам энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва унга нисбатан бирламчи характерга эга. Бу нарса масаланинг «солиқ-бюджет сиёсати» тарзида эмас, балки айнан «бюджет-солиқ сиёсати» тарзида қўйилганлиги билан ҳам белгиланади. Бу ерда «Алихўжа» – «Хўжали» эмас. Шу муносабат билан мазкур масалага монографияда кенг ўрин ажратилди. Хусусан, монографиянинг 3-бобида бюджет сиёсатининг маъно-мазмуни ва моҳияти; бюджет харажатлари – бюджет сиёсати намоён бўлишининг асосий шакли; бюджетдан молиялаштириш ва бюджет сиёсати; бюджет сиёсати ва бюджет нормалари (меъёрлари),



харажатлар сметаси ва бюджет кредити; бюджет харажатларини сарфлаш масалалари ва вазифалари, уларнинг бюджет сиёсати билан ўзаро боғлиқлиги ёритилди.

Бюджет тизими, бюджет тузилмаси ва бюджет жараёни орқали бюджет сиёсати ўзини намоён этади.<sup>7</sup> Шу боис улар бюджет сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос воситалари ҳисобланади. Ана шундан келиб чиқиб, монографиянинг 4-бобида бюджет тизими ва бюджет тузилмаси, уларнинг бюджет сиёсатини амалга оширишдаги роли, бюджет жараёни ва бюджет сиёсатининг ўзаро вобасталиги масалалари ўз аксини топди.

Бюджет сиёсати доирасидаги энг долзарб муаммоларнинг барчаси беихтиёр бюджет дефицитига бориб тақалади. Биргина унинг даражасига қараб туриб бюджет сиёсатининг аҳволига макродаражада баҳо бериш мумкин. Таъкидлаш ўринлики, бюджет дефицити даражаси ҳар қандай давлатнинг молиявий мустақиллигини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. У маълум бир даражада (меъёрда) бўлмоғи лозим. Бюджет дефицити даражаси умумэтироф этилган (умумий қабул қилинган) даражадан (меъёрдан) ошса, у мамлакатнинг мустақиллигига жиддий хавф солади. Бу эса, ўз навбатида, ҳозирги шароитда бюджет дефицитини камайтириш бюджет сиёсатининг марказий, айрим ҳолларда эса «ҳаёт-мамот» масаласи бўлиб қолганлигини аниқлатади. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда, у билан боғлиқ муаммолар монографиянинг 5-бобида ўзига хос тарзда кўриб чиқилди.

Солиқ сиёсати бюджет-солиқ сиёсатида салмоқли ўринга эга. Шунинг учун монографиянинг мазкур масалага тегишли қисмида (6-бобда) дастлаб замонавий солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг фундаментаал асосларига жиддий эътибор қаратилди. Улар солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатидаги вазият; солиққа тортиш назариясининг энг долзарб муаммолари ва солиқ сиёсати; солиқ тизими, солиққа тортиш ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳуж-

<sup>7</sup> Аслида, бу фикр фақат бюджет сиёсатига дахлдор бўлиб қолмасдан, балки бюджет-солиқ, ҳатто яхлит тарзда олинган молиявий сиёсат учун ҳам тааллуқлидир.

жатлари принциплари, уларнинг солиқ сиёсати ҳаётийлигига таъсири; иқтисодий тартибга солиш инструменти сифатида солиқлар ва солиқ сиёсати; солиқ сиёсати ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари кесимида баён қилинди.

Солиқ юкига муносабат масаласи солиқ сиёсатида муҳим ўрин тутди. Амалиётда унга нисбатан бефарқ бўлган солиқ тўловчини топишнинг иложи йўқ. Қўпчиликнинг назарида барча иқтисодий муаммоларнинг ечими охир-оқибатда солиқ юкига бориб тақалади. Айрим ҳолларда солиқ юкини енгиллаштиришга барча иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг «сеҳраи таёқча»си сифатида қарамоқда. Солиқ юкини енгиллаштириш солиқ сиёсатининг энг долзарб муаммоси бўлганлиги учун монографиянинг 7-бобида унга алоҳида эътибор қаратилди.

Солиқ сиёсатидаги энг мунозарали муаммолардан яна бири солиқ имтиёзларига тегишли. Солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Шу муносабат билан монографиянинг 8-бобида ушбу масала солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш принциплари; солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш учун ҳисобга олинadиган ҳолатлар; солиқ ва имтиёз диалектикаси; солиқ имтиёзларининг салбий жиҳатлари; солиқларни тўлаш – қўллик эмас, ҳўрлик белгиси аспектида (йўналишларида) муҳокама этилди.

Бюджет-солиқ сиёсатининг замонавий долзарб муаммолари, уларга нисбатан билдириладиган эътирозлар, муаммоларни ҳал этиш ва эътирозларни юмшатиш йўллари монографиянинг 9-боби бағишланди. Бу бобнинг материаллари ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Унда тор доирадаги иқтисодчи олимларни эмас, энг аввало, кенг жамоатчиликни, оддий фуқароларни, тadbиркорларни, ҳўллас, барча оддий солиқ тўловчиларни қизиқтирувчи ҳаётий саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинди. Мазкур бобда баён қилинган фикрларнинг барчаси муаллифларнинг шахсий қарашларини акс эттиради. Етарли даражада объектив асосига эга бўлишига қарамай, биз бу ерда кўр-кўрона уларга итоат

қилиниши, уларнинг маъқулланиши ёки қўллаб-қувватланиши тарафдори эмасмиз. Аксинча, бу бобда библириланган фикрларнинг ҳар бирига ўқувчиларнинг катта шубҳа билан қарашларини, уларни ўзига хос «пстик»да қарши олишларини истардик. Айна пайтда, ўқувчилар мазкур бобда библириланган фикрларнинг айримларини рад этишга ўзларини тайёр деб ҳисоблашдан олдин шошиламасдан ўз-ўзларига: «Нима учун муаллифлар бундай фикр библириляпти? Унинг асосида нима ётибди экан? Бунинг бир «бало»си бўлса керак-ов?» қабалидаги саволларни бериб, уларнинг холисона жавобларини топсалар, айна муддао бўлур эди.

Бюджет-солиқ сиёсати догма эмас. Гарчи «шамолнинг қай томондан эсаётганлиги» унга айтарли таъсир кўрсатмаса-да, ҳаётнинг ўзи ўзгарувчан бўлганлиги учун у ҳам ўзгариб туради. Кишилик жамияти тараққиётида бир босқичдаги вазифалар муваффақиятли ҳал этилагач, навбатдаги вазифалар кун тартибига қўйилади. Янги вазифаларни «эски» бюджет-солиқ сиёсати доирасида бажаришга уриниш ҳамма вақт ҳам муваффақият келтиравермайди. Янги вазифаларга нисбатан янги бюджет-солиқ сиёсати зарур. Шунинг учун ҳам вақт ўтиб такомиллаштириш тақозо этилмаган бюджет-солиқ сиёсати мавжуд эмас. Бунда эса «бошни ҳар тошга урмасдан», дастлабки кунларданок бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари)ни аниқлаб олиш принципиал аҳамият касб этади. Уларни аниқлашга монографиянинг 10-боби бағишланди.

Бироқ бу ерда Американи кашф этишга ҳаракат қилинмади, велосипедни ихтиро қилишга ҳам уринилмади. Аксинча, Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари аллақачон яратилганлиги ёки устувор йўналишлари белгиланганлиги қайд қилинди. Энг муҳими, уларнинг ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтганлиги ва ўтаётганлиги, бизни эса буюк келажак сари ишонч билан етаклаётгани эътироф этилди.

Яна бир муҳим нарсаси. Масала кун тартибига «Бюджет-солиқ сиёсати: нимааларни ва қандай ўрганамиз?» шаклида

қўйилганда, аввало, нималарни ўрганиш муҳим ва у биринчи даражали аҳамият касб этиши табиий. Бироқ мазкур жараёнда унинг қандай ўрганилиши ҳам ундан камроқ бўлган муҳимлик ва аҳамият касб этмайди. Шу муносабат билан эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу «лойиҳа»ни биз «ўйлаб-нетиб» ўтирмасдан ёки сира иккиланмасдан монография деб атаган бўлсак-да, у билан танишиш жараёнида, бир томондан, унинг монография эканлиги ўқувчида «шубҳа» туғдирса, иккинчи томондан, шундай деб эътироф этилганда ҳам, унинг ўзига хос «монография» эканлиги маълум бўлади. Тегишли мутахассислар эса ушбу «лойиҳа»нинг аслида нима эканлигини аниқлашга астойдил киришсалар ва «пўстагимизни қоқиш»га ҳаракат қилсалар, биз бунга сира ажабланмаймиз. Чунки у сиз билан биз ўқиб, алақачон кўникиб қолган бошқа монографияларга, юмшоқроқ қилиб айтганда, унчалик ўхшамайди. Фикримизнинг тўғри эканлигини узоққа бормасдан, «лойиҳа»мизнинг 2 – 6-бобларини (бу бобларда «қандай ўрганиш»га ёндашувнинг анъанавийлигини сақлашга ҳаракат қилинган) унинг 1-, 7 – 10-боблари (бу бобларда эса, аксинча, ёндашувнинг ноанъанавийлиги устувор) билан таққослаш натижасида аниқласа бўлади.

Албатта, анъанавий тарзда эътироф этиб келинаётган ва ўзига хос зиё манбаи бўлган монографиянинг олдига маълум бир талаблар қўйилишидан биз ҳам огоҳмиз. Бироқ ана шундай талабларнинг қўйилиши монографияга нисбатан ўқувчида қандай муносабатни шакллантироқда? Бу талаблар, бир томондан, унинг сифатини оширишга астойдил ҳизмат қилаётган бўлса, иккинчи томондан, улар ўқувчи назарида монографиянинг «иштаҳа» билан ўқилмайдиган, ўзига жалб этмайдиган ва қўлдан-қўлга ўтмайдиган «зерикарли китоб» номини олишига ўзининг «муносиб» ҳиссасини қўшмаяптими?.. Хуллас, фойдали ёки керакли китоб сифатида унинг жозибадорлигини етарли даражада таъминламаяптику!? Боз устига, таълим тизимининг бакалавриат босқичидаги монографиялар магистратура босқичидаги монографиялар билан бир хил бўлиши керакми ёки фарқлангани мақсадга мувофиқми? Хусусан, магистратурада бакалавриатга

нисбатан кенгроқ, чуқурроқ, мустақкамроқ ва кучлироқ билим бериладиган бўлса, бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Айнан бакалавриятдаги усулларни қўллаш биланми ёки...? Балки анъанавий «қолип»дан чиқиш керакдир!?

Юқоридаги реал ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда «қандай ўрганиш» масаласи бу ерда ўзгача ҳал қилинди.<sup>8</sup> Хусусан, ўта принципиал аҳамиятга эга бўлишига қарамай, монографиянинг бошланғич қисмида анъанавий тарзда ўз ўрнини эгаллаши лозим бўлган баъзи масалалар, яъни бюджет-солиқ сиёсати фанининг (махсус курсининг) предмети, ўрганиш объекти, методлари, мақсади, вазифалари ва ҳ.к.лар онгли равишда эътибордан четда қолдирилди. Буларни мустақил равишда аниқлашни ўқувчи ихтиёрига қолдирдик ва мазкур вазифани бажаришга уларни қодир деб ҳисоблаймиз.

Монографиянинг катта қисми ўзига хос услубда ва тилда ёзилган. Ундаги айрим масалаларни муҳокама этишда анъанавий усуллардан фойдаланилмади, сунъий равишда босиқлик қилинмади, табиий тарзда ётиги билан тушунтирилмади. Чунки ҳозирги шароитда, ҳаёт тажрибасининг кўрсатишича, баъзи бир объектив сабабларга кўра, анъанавий, оддий, монотон баён этиш ва тушунтиришлар иам толибларига сезиларли таъсир қилмай қолди. Бундай «вариант»да иш тутиш уларнинг талабларига етарли даражада жавоб ҳам бермаяпти. Уларда бефарқлик, ҳафсаласизлик кайфиятини тундираяпти, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича кескин қизиқиш уйғотмаяпти, мантиқий фикрлашга олиб келмаяпти (жалб қилмаяпти) ва ҳ.к.

Аксинча, ҳис-ҳаяжон билан, эҳтиросларга берилиб, «провокацион» йўллар орқали муаммоларни ҳал этиш ва мақсадга эришиш ҳамма вақт ҳам оқилона йўл эмаслигини олдиндан билса-да, баъзи бир объектив сабабларга (жумладан, ўқувчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилиш, уларнинг «мудраб» ўтирганларини «уйғотиш», қизиқиш уйғотиш, бефарқлик кайфиятидан халос этиш ва б.) кўра, муаллифлар

<sup>8</sup> Бироқ бу тасдиқ монографиямизнинг барча боблари учун ўринли эмас. Баъзи бир сабабларга кўра биз ҳам бу масалада бир оз «қўрқоқлик» қилдик.

шу йўллارни танлади. Чунки оқилик чегараси кесиб ўтил-маса ёки мезёрга қатъий риоя қилинса, айрим оратор но-тиқларнинг ўқув-педагогик амалиёти бу йўллارнинг ҳам ижобий самара бериши мумкинлигини ва улар бизнинг кўзлаган мақсадимизга тезроқ етиб боришга холисона хиз-мат қилиши мумкинлигини кўрсатапти.

Бундан ташқари, монографияда бюджет-солиқ сиёсати-га бевосита дахлдор бўлган бир қатор муаммолар ўқувчи-ларга оддий кўринишда билдирилиб, онгли равишда один-дан очиқ қолдирилди. Бундан мақсад – халқона ва ҳаётий «ҳар каллада – ҳар хаёл» принциpidан ижодий ва ижобий фойдаланган ҳолда, тегишли муаммоларни ҳал этиш йўлла-рини қидириб топишда ўқувчининг фаол иштирок этиши-ни таъминлашдир. Ҳеч бўлмаганда, монография шу мақсад-га эришиш учун бир оз хизмат қилса, муаллифлар вазифа бажарилган деб ҳисоблайди.

Монографияда ҳар бир мавзунинг материаллари баён этилганидан сўнг баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар-ни ифодалашга ҳам жиддий эътибор берилди. Уларда одат-дагидек 5-6 та саволни шаклантириш билан чекланима-ди. Аксинча, саволларнинг мавзу материалларини тўлиқ қамраб олишига эришишга ҳаракат қилинди.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун қўшимча саволлар:**

- ◆ Сиёсатнинг нозиклиги нимада?
- ◆ Сиёсатнинг қандай кўринишлари (турлари) бўлиши мумкин?
- ◆ Бюджет-солиқ сиёсатининг ўзига хос энг муҳим хусу-сияти нимадан иборат?
- ◆ Бюджет-солиқ сиёсатини пул маблағларининг ҳаракат-тидан айро ҳолда тасаввур этиб бўладими?
- ◆ Энг умумий ва содда тарзда бюджет-солиқ сиёсати ни-малар билан болаиқ?
- ◆ Бюджет сиёсати том маънода ўз ичига солиқ сиёсатини ҳам қамраб оладими?
- ◆ Кўпчилик ҳолларда қандай сиёсат бюджет ва қандай сиёсат солиқ сиёсати деб юритилади?

♦ Бюджет-солиқ сиёсатини шартли равишда бир-биридан мустақил бўлган бюджет ва солиқ сиёсатлари мажмуи сифатида ҳам эътироф этиш мумкинми?

♦ Нега мазкур сиёсат ягона ном билан аталиб, бюджет-солиқ сиёсати деб юритилади? Бунинг ўзига хос сабаби борми? У нимадан иборат?

♦ «Бюджет сиёсатидан абсолют мустақил бўлган ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқилган солиқ сиёсати мавжуд эмас ва аксинча». Шу фикр тўғрими? Тўғри бўлса, уни исботлашга ҳаракат қилинг-чи?

♦ Бюджет-солиқ сиёсати тўғри ва оқилона юргизилса, унинг оқибатларини қандай тасаввур этиш мумкин? Аксинча бўлса-чи?

♦ «Бюджет-солиқ сиёсати» фани (курси)нинг таркибий тузилишини нималар аниқлаб бериши мумкин?

♦ «Бюджет-солиқ сиёсатини молиявий сиёсатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Усиз бюджет-солиқ сиёсати хусусида гапириш маънога эга эмас. Бу сиёсат молиявий сиёсатдан келиб чиқади ва уни янада конкретлаштиради» деган фикрлар ўринлими? Фикрингизни асослаб бера оласизми?

♦ Молиявий сиёсат доирасида амал қиладиган бюджет-солиқ сиёсатининг маъно-мазмунини ўқувчига (айниқса, магистрларга) қандай тарзда тушунтириш мақсадга мувофиқ?

♦ «Бюджет сиёсати бюджет-солиқ сиёсатининг ва шунга мос равишда молиявий сиёсатнинг ҳам энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва унга нисбатан бирламчи характерга эга» деган тасдиқни қўллаб-қувватлайсизми? Агар қўллаб-қувватласангиз, уни тушунтириб беринг-чи?!

♦ Бюджет сиёсати намоён бўлишининг асосий шакллари нималардан иборат?

♦ Бюджет тизими, бюджет тузилиши ва бюджет жараёни орқали бюджет сиёсати ўзини қандай намоён этади?

♦ Чиндан ҳам бюджет сиёсати доирасидаги энг долзарб муаммоларнинг барчаси беихтиёр бюджет дефицитига бориб тақаладилми?

♦ Нега «бюджет-солиқ сиёсати» фани (курси)да замонавий солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ

этишнинг фундаментал асосларига жиддий эътибор қаратиш керак? Уларни қандай аспектларда ўрганиш мақсадга мувофиқ?

♦ «Бюджет-солиқ сиёсати» фани (курси)да солиқ юкини енгиллаштириш масаласига нега жиддий эътибор қаратилиши керак?

♦ «Бюджет-солиқ сиёсати» фани (курси)нинг мазмунини «солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш – солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлаш гарови» деган тушунчасиз тасаввур этиш мумкинми? Бу масалани қайси аспектларда кўриб чиқиш лозим?

♦ Бюджет-солиқ сиёсатининг замонавий долзарб муаммолари, уларга нисбатан билдириладиган эътирозлар, муаммоларни ҳал этиш ва эътирозларни юмшатиш йўллари «бюджет-солиқ сиёсати» фани (курси)да ўрганилиши керакми? Нега?

♦ Нега бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари)ни аниқлаш «бюджет-солиқ сиёсати» фани (курси)да принципиал аҳамият касб этиши керак?

♦ «Бюджет-солиқ сиёсати» фани (курси)да масалаларни қандай тартибда ўрганиш мақсадга мувофиқ? Анъанавий тарздами ёки ноанъанавий? Нега?

♦ «Бюджет-солиқ сиёсати» фани (курси)да масалаларни ноанъанавий тартибда ўрганишнинг афзааликлари нималардан иборат? Бунда нималарга эътибор бериш керак-у, аксинча, нималарни эътибордан четда қолдириш зарур?

♦ Монографиянинг бошланғич қисмида анъанавий тарзда ўз ўрнини эгаллаши лозим бўлган баъзи масалалар, яъни бюджет-солиқ сиёсати махсус курсининг предмети, ўрганиш объекти, методлари, унинг мақсади, вазифалари ва ҳ.к.ларга онгли равишда эътибор берилмагани ва уларни мустақил равишда аниқлаш ўқувчилар ихтиёрига қолдирилганини қандай баҳолайсиз? Бу вазифаларни мустақил равишда бажаришга магистрларни қодир деб ҳисоблаш мумкинми?

♦ Халқона ва ҳаётий «ҳар каллада – ҳар хаёл» принциpidан ижодий ва ижобий фойдаланиш масаласига қандай



қарайсиз? Унинг ижобий ва салбий томонлари хусусида нималар дея оласиз?

◆ Баҳс-мунозара ёки назорат учун қўшимча саволлар сонининг монографияда кескин қўпайтирилганига муносабатингиз қандай? Бу яхшими ёки...?

## 2-БОБ.

## МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ – БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АСОСИ

### 2.1. Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва принциплари

Бюджет-солиқ сиёсатининг маъно-мазмунини астойдил билишга интиланган ҳар бир ўқувчи, аввало, молиявий сиёсатнинг маъно-мазмунидан огоҳ бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, унинг барча саъй-ҳаракатлари бесамар кетади. Чунки молиявий сиёсат бюджет-солиқ сиёсатининг ўзига хос фундаменти (негизи, асоси) ҳисобланади. Қурилган бинонинг мустаҳкамлиги унинг фундаментига борадиқ бўлганидек, бюджет-солиқ сиёсатининг мустаҳкамлиги ҳам унинг фундаменти ҳисобланган молиявий сиёсатга бориб тақалади. Оддийроқ қилиб айтганда, бюджет-солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг «устига» ёки «ичига» қурилади ва шу сиёсат доирасидагина амал қилади. Молиявий сиёсатнинг чегарасидан чиқиб кетган бюджет-солиқ сиёсати мавжуд эмас. Бундан кўриниб турибдики, ҳажм (қўлам) жиҳатидан олиб қараганда, молиявий сиёсат доим бюджет-солиқ сиёсатидан катта (кенг) ҳисобланади ва улар ўртасидаги боғлиқликни математик тилда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$M_c > B_{Cc} \quad (1)$$

Бу ерда:  $M_c$  – молиявий сиёсат;

$B_{Cc}$  – бюджет-солиқ сиёсати.

Маълум маънода бюджет-солиқ сиёсати молиявий сиёсатдан кичик ва унинг «ичидаги» сиёсат экан, юқорида таъкидланганидек, унинг маъно-мазмунини молиявий сиёсатдан айро ҳолда ва унинг маъно-мазмунисиз тасаввур этиб бўлмаслиги аниқ. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, молиявий бошқарувнинг барча тизими давлатнинг молиявий сиёсатига асосланади. Шунинг учун ҳам молиявий сиёсат молиявий бошқарув тизимида энг асосий элемент ҳисобланади.

Молиявий сиёсат давлатнинг молиявий муносабатлар соҳасидаги мустақил фаолиятидир. Бу фаолият давлатнинг у ёки бу иқтисодий ва социал ривожланиш дастурини тегишли молиявий ресурслар билан таъминлашга қаратилган.

Социал ривожланиш деганда фақатгина маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа социал эҳтиёжларнинг ривожланиши эмас, жамиятнинг социал тузилмаси ҳам тушунилади. Шунинг учун молиявий сиёсатни фақат иқтисодий сиёсатга боғлаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас.

Сиёсат давлат фаолиятининг барча йўналишларини қамраб олади. Сиёсий таъсир объекти ҳисобланган ижтимоий муносабатлар соҳаларига боғлиқ равишда иқтисодий ёки социал, маданий ёки техникавий, бюджет ёки кредит, ички ёки ташқи сиёсат тўғрисида гапирилади.

Молиявий сиёсат ўз-ўзини босиб турувчи мустақил аҳамиятга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида ижтимоий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу ерда унинг иқтисодиёт, социал соҳа, ҳарбий ислоҳотлар ёки халқаро муносабатлар бўлиши принципнол аҳамиятга эга эмас.

Сиёсат, сиёсий таъсир ва сиёсий раҳбарлик қўйидаги уч элементдан таркиб топади:

♦ бош мақсадни аниқлаш ва қўйиш ҳамда жамият ҳаётининг маълум бир даврига хос қўйилган мақсадларга эришиш учун ечилиши зарур бўлган истиқболдаги ва яқин кунлардаги вазифаларни конкретлаштириш;

♦ қўйилган мақсадларга қисқа муддатда эришиладиган, яқин кунлардаги ва истиқболдаги вазифалар эса оқилона тартибда ҳал қилинадиган муносабатларнинг методлари, воситалари ва конкрет шаклларини ишлаб чиқиш;

♦ белгиланган вазифаларни ечишга қодир бўлган кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, вазифаларнинг бажарилишини ташкил қилиш.<sup>9</sup>

Демак, такрор ишлаб чиқаришнинг алоҳида эҳтиёжлари-

<sup>9</sup> Бу ерда қандай муаммолар маъжуд? Уларни ҳал қилиш учун нималар қилиш керак?

ни қондириш ва узуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёни-ни молиявий ресурслар билан таъминлаш учун ижтимоий бойликни шакллантириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнига йўналтириладиган мақсад ва вазифаларнинг ечи-лишини аниқлашга молиявий сиёсат дейилади.

Молиявий сиёсатга содда қилиб қуйидагича таъриф бериш ҳам мумкин: молиядан фойдаланиш методлари, уни ташкил қилишнинг амалий шакллари ва методологик принциплари мажмуига (йигиндисига) молиявий сиёсат дейилади.<sup>10</sup>

Айрим ҳолларда молиявий сиёсат давлатнинг ўз функци-яларини бажариш учун молиявий муносабатлардан фойда-ланиш билан боғлиқ бўлган давлат органларининг маълум бир фаолияти сифатида талқин қилинади. Бундай талқин ўзида бир неча хавфни мужассамлаштиради. Боиси шун-даки, миллий хўжалик тараққиётида давлатнинг роли тўғри-сидаги жамиятда ҳукмрон бўлган тасаввурларга мувофиқ равишда давлатнинг вазифалари ва функциялари ҳам ўзга-ради, трансформацияланади. Масалан, мамлакат иқтисоди-ётига давлатнинг аралашуви, аҳоли турмуш даражаси, со-циал-иқтисодий шароитларини тенглаштириш ва шу каби давлат функциялари ва вазифаларини аниқлайдиган бошқа бир қанча масалалар ҳамон мунозаралигича қоламоқда. Боз устига, молиявий сиёсатдан фақат давлатнинг функци-яларини бажариш воситаси (инструменти) сифатида фой-даланиш давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан молия тизимининг бошқа субъектлари, яъни мамлакат аҳолиси ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари ўртасида қарама-қаршиликни келтириб чиқаради.

Масалан, кўплаб мутахассислар, шу жумладан, давлат ҳокимияти органлари вакиллари томонидан амалдаги солиқ механизмининг самарасиз эканлиги, бизнеснинг айрим со-ҳалари учун эса унинг оқибати жуда ёмон натижаларга олиб

<sup>10</sup> Ягона нарсага, молиявий сиёсатга, нега икки хил таъриф бе-риламоқда? Мазкур таърифлар ҳам шаклан, ҳам мазмунан бир-бири-дан фарқ қилади-ку! Бунинг сабаблари нималардан иборат?

келиши мумкинлиги илмий ва амалий жиҳатдан асослансаю, молиявий сиёсат узоқ вақт давомида ўзгармасдан қолаверса, амалга ошириладиган солиқ ислохотлари унинг моҳиятини ўзгартирмаса, давлатнинг молиявий сиёсати давлат ҳокимиятининг тегишли органаари томонидан фаол равишда ҳаётга татбиқ этилаётган алоҳида шахслар гуруҳининг молиявий сиёсатига айланади, қолади.<sup>11</sup>

Юқорида баён қилинганлардан қуйидаги уч мантиқий хулоса келиб чиқади:

♦ биринчидан, молиявий сиёсат фақат ўз манфаатларини кўзда тутадиган ҳокимият органларининг у ёки бу мақсадга эришиши инструменти эмас, балки жамиятнинг социал-иқтисодий вазифаларини ечиш воситаси бўлиши керак;

♦ иккинчидан, давлатнинг молиявий сиёсати фақат давлат ҳокимият органларининг эмас, балки молия тизимидаги барча субъектларнинг манфаатларини ҳисобга олиши лозим<sup>12</sup>;

♦ учинчидан, давлат молиявий сиёсати ва давлат ҳокимият органларининг молиявий сиёсатини фарқлаш зарур.<sup>13</sup>

Шундай қилиб, давлат молиявий сиёсатига мамлакат молия тизимининг барча бўғинларида молиявий ресурсларнинг ўсишини баланслаштирилган (мутаносиблаштирилган) ҳолда таъминлаш бўйича давлат социал-иқтисодий сиёсатининг бир қисми сифатида қараш керак. Хорижий тажрибаларнинг кўрсатишича, молиявий ресурсларнинг баланслаштирилган (мутаносиблаштирилган) ҳолда ўсиши зарурлигини инкор этиш мамлакат молия тизимининг деградициялашувига, иқтисодиётнинг емирилиши ва вайрон бўлишига олиб келади.

Молиявий сиёсатнинг энг асосий хусусияти шундан иборатки, у мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишига ва иқтисодий муваффақиятларга узлуксиз равишда таъсир кўрсатиб туришга йўналтирилган бўлиши керак.

<sup>11</sup> Мисоллар келтиринг-чи.

<sup>12</sup> Нега?

<sup>13</sup> Бу нима дегани? Изоҳлаб бера оласизми?

Бундай сиёсат аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлайди, давлат даромадлари манбаини кўпайтириб, молиявий хўжаликка нисбатан энг юқори натижаларни бериши мумкин. Молиявий сиёсатнинг ана шунга йўналтирилиши орқали унинг қуйидаги энг асосий мақсадини аниқлаш мумкин: жамиятнинг социал-иқтисодий тараққиёти, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун молиявий шароитларни яратиш.

Агар гап корхоналарнинг молиявий сиёсати хусусида кетадиган бўлса, бу нарса корхона молиявий менежерларининг бизнесни юритиш мақсадига йўналтирилган фаолиятини англатади. Корхона молиявий сиёсатининг мақсади қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин<sup>14</sup>:

- ◆ рақобат шароитида корхонанинг соғлом ҳаёт кечиришига (фаолият кўрсатишига) эришиш;
- ◆ йирик молиявий муваффақиятсизликлардан ва банкротга (касонда) учрашдан қочиб қутулиш;
- ◆ рақобатчилар билан курашда етакчиликка (лидер бўлишга) эришиш;
- ◆ корхонанинг бозор қийматини максималлаштириш;
- ◆ корхона иқтисодий салоҳиятининг ўсиш суръатларини барқарор ўстириш;
- ◆ ишлаб чиқариш ва реализация ҳажмини ошириш;
- ◆ фойдани максималлаштириш;
- ◆ харажатларни минималлаштириш;
- ◆ рентабелли фаолиятни таъминлаш ва бошқалар.

Корхона молиявий сиёсатининг у ёки бу мақсадларидаги устуворлик, энг аввало, бизнесни юритиш мақсадларига мувофиқ равишда аниқланади. Қўйилган мақсадларга эришиш учун тегишли молиявий механизмдан фойдаланилади.

Молиявий сиёсат молиянинг ўзида (бошқарув объектларида) бевосита мужассам бўлган бошқарув имкониятларини, шунинг конкрет методлари, молия тизимининг (бошқарув субъектлари) органларини ташкил қилиш билан ягона

<sup>14</sup> Бундай мақсадларга эришиш осонми? Бунинг учун нималар қилиш керак?

жойга боғашга имкон беради. Дунёнинг барча мамлакатларида молиявий сиёсат молия тизими орқали амалга оширилиб, унинг фаолияти қуйидаги принциплар асосида қурилади:

- ◆ молия тизими бўғинларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб молиявий бошқарувни амалга ошириш;
- ◆ барча молиявий муассасалар функцияларининг умумийлиги;
- ◆ барча қўйи бошқарув органларининг фаол иштирокида марказдан умумий бошқариш.<sup>15</sup>

Молиявий сиёсатни амалга оширишнинг (ўтказишнинг, ҳаётга татбиқ этишнинг) асосий методологик принциплари қуйидагилардан иборат:

- ◆ пировард мақсадга боғлиқлик;
- ◆ ҳўжалик барча тармоқларининг макроиқтисодий баланслаштирилганлиги (мувозанатлилиги, мутаносиблиги);
- ◆ жамият барча аъзоларининг манфаатларига мувофиқлиги (мос келиши);
- ◆ реал (ҳақиқий) имкониятлар асосида ички ва ташқи иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш.<sup>16</sup>

Молиявий сиёсатнинг амалга оширилишини давлат функциялари ва дастурларини (узoқ, ўрта ва қисқа муддатли) бажариш учун молиявий ресурсларни мобилизация қилиш (жалб қилиш), уларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашга йўналтирилган давлат тадбирлари мажмуи таъминлайди. Бу тадбирлар орасида молиявий муносабатларнинг шакллари ва нормаларини ҳуқуқий регламентация қилиш (тартибга солиш) муҳим ўрин тутди.

Ўз-ўзидан молиявий сиёсат яхши ёки ёмон бўлиши мумкин эмас. Унинг яхши ёки ёмон эканлиги жамиятнинг (ёки унинг маълум бир қисмининг) манфаатларига қанчалик мувофиқлиги ва қўйилган мақсадларга эришиш ҳамда аниқ вазифаларнинг ечилишига қанчалик таъсир кўрсатганлиги билан белгиланади.

<sup>15</sup> Бу ерда қандай муаммолар мавжуд ва уларни қандай қилиб ҳал этиш мумкин?

<sup>16</sup> Амалиётда бу принципларга қай даражада риоя қилинапти?

Ҳукуматнинг молиявий сиёсатига баҳо бериш ва уни ўзгартириш (корректировка қилиш) бўйича рекомандация (тавсия) бериш учун, биринчи навбатда, бутун жамият манфаатлари ва аҳолининг алоҳида гуруҳлари манфаатларини ажратган (тақсимлаган) ҳолда жамият тараққиётининг аниқ дастурига, ечилиши лозим бўлган масалаларнинг муддатлари ва методларини аниқлаган ҳолда истиқболдаги ва яқин йиллардаги вазифаларнинг тавсифига эга бўлмоқ лозим. Фақат ана шундай шароитдагина молиявий сиёсатни амалга оширишнинг конкрет механизмини ишлаб чиқиш ва унга объектив (холисона) баҳо бериш мумкин.

Молиявий сиёсат ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларини, жамият бутун қатлаамлари ва алоҳида гуруҳларининг манфаатларини, конкрет тарихий шароитни ва ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини қанчалик кўп (юқори даражада) ҳисобга олса, унинг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Айни пайтда, молиявий сиёсатнинг муваффақияти мувофиқлаштириш механизмнинг сифатли ишлаб чиқилиши, жамият турли қатлаамлари манфаатларининг мужассамлаштириши ва давлат ихтиёрида бўлган объектив имкониятларнинг мавжудлигига, яъни жамият социал тузилмасидаги ҳамда ижтимоий онг ва кишилар психологиясидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишига, айрим ҳолларда бир-бирига қарама-қарши таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсиридан ҳар томонлама фойдаланиш механизмининг ишлаб чиқирилишига бевосита боғлиқ.

Молиявий сиёсат, энг аввало, молиявий ресурсларнинг максимал ҳажмини шакллантиришга йўналтирилган (қаратилган) бўлиши керак. Чунки айнан молиявий ресурслар ҳар қандай ўзгаришларнинг моддий асосини ташкил этади.<sup>17</sup> Шунга мувофиқ равишда молиявий сиёсатни аниқлаш ва уни шакллантириш учун давлатнинг молиявий аҳволи тўғрисида ишончли маълумотлар зарурдир. Ҳукуқий-демократик давлатда молиявий статистиканинг кўрсаткичлари кенг

<sup>17</sup> Гап бу ерда нима тўғрисида кетаяпти? Тушунтириб бера оласизми?



жамоатчиликка ҳам тегишли бўлиши керак. Молиявий ҳисоботлар эса доимий, ўз вақтида бериладиган, ҳамма олиши мумкин бўлган, асосийси, ишончли бўлмоғи лозим.<sup>18</sup>

Молиявий сиёсатнинг мазмуни у қамраб олиши мумкин бўлган молиявий муносабатлар ривожланиши йўналишларининг умумий комплекси билан белгиланади. Уларнинг таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- ♦ молиявий сиёсатнинг умумий концепциясини (унинг мақсадлари, принциплари, вазифалари, амалга ошириш босқичлари ва энг самарали методларини) ишлаб чиқиш;

- ♦ макродаражада ва бозор иқтисодиётининг субъектлари даражасида иқтисодий ўсишни рағбатлантирадиган бозор иқтисодиётининг ривожланишига мос (адекват) бўлган динамик ҳолдаги молия механизмини шакллантириш;

- ♦ марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ресурслар ва молиявий оқимларнинг самарали бошқарилишини ошириш бўйича чоралар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ♦ ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни истиқболли реструктуризация қилишдаги ролига мувофиқ равишда социал-иқтисодий тизимнинг барча даражалари ва соҳалари бўйича молиявий ресурсларни оқилона (оптима) тақсимлашни ташкил этиш;

- ♦ иқтисодий ўсишнинг жорий ва истиқболдаги молиявий салоҳиятини шакллантириш.

Шунингдек, молиявий сиёсатнинг мазмуни, унинг асосий йўналишлари жамият тараққиётида давлатнинг роли тўғрисидаги фаннинг ривожланиш даражаси ва иқтисодиётни бошқаришда давлат иштироки даражасини аниқлайдиган тегишли назарий концепциялар, молиявий сиёсатни амалга оширишнинг алоҳида инструментларидан фойдаланиш, яъни молиявий муносабатларни ташкил этишнинг конкрет шаклларида намоён бўлади. Шунга асосланиб таъкидлаш ўринлики, йигирманчи юз йилликда жамият тараққиётида

<sup>18</sup> Бу масалада ўз муносабатингизни билдиринг-чи, кўз одингизда қандай манзара намоён бўлар экан.

давлатнинг роли тўғрисидаги масала мумтоз буржуазия сиёсий иқтисодчилари А.Смит (1723 – 1780), Д.Рикардо (1772 – 1823) ҳамда инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнс (1883 – 1946) ва уларнинг издошлари томонидан аниқланган.

Мумтоз сиёсий иқтисод асосчилари бўлган А.Смит ва Д.Рикардолар концепциялари моҳияти шундан иборатки, давлат иқтисодиётга аралашмасдан, эркин конкуренцияни (рақобатни) сақламоғи лозим ва жамият хўжалик ҳаётини тартибга солишда асосий роль бозор механизмларига ажратилиши (берилиши) керак. Ана шу принципларни инобатга олган ҳолда XX асрнинг 20-йиллари охирига қадар молиявий сиёсат давлат харажатлари ва солиқларни чеклашга, давлатнинг мувозанатли (баланслаштирилган) бюджетини таъминлашга қаратилди. Шу мақсадларга мувофиқ равишда молиявий муносабатларни ташкил этиш, асосан, ҳарбий, бошқарув ва давлат қарзини қайтариш ҳамда унга хизмат қилиш харажатларини бюджетдан молиялаштириш орқали давлат функцияларининг амалга оширилишини таъминлади. Бюджет даромадлари эса, асосан, эгри (биавосита) солиқлар ёрдамида (ҳисобидан) шакллантирилди.

XX аср 20-йиллари охириларидан бошлаб кейнсчилик назарий концепцияси устунлик қила бошлади, унда иқтисодиёт тараққиётида давлатнинг ролини такрор ишлаб чиқариш жараёнининг циклик ривожланишига аралаштириш ва уни тартибга солиш орқали кучайтириш зарурлиги асосланди. Бундай молиявий сиёсатни амалга оширишнинг асосий инструменти сифатида янги иш жойларини яратишга йўналтирилган давлат харажатлари майдонга чиқдики, бу нарса бир вақтнинг ўзида бир неча иқтисодий ва социал вазифаларнинг ечилишига имкон берди: аҳолининг бандлик даражаси ортди, ишсизлик камайди; тадбиркорлик фаолияти ўсди; кўшимча талаб шакллантирилди; МД кўпайди (ортди); социал эҳтиёжларни молиялаштиришда катта имкониятлар пайдо бўлди ва ҳ.к.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви давлат бюджети харажатлари ошишига олиб келди, бир вақтнинг ўзида давлат даромадларининг оширилишини таъминлашга қаратилган

молиявий чоралар кўрилади. Даромад солиғи давлат даромадларини оширишнинг асосий манбаига айланди. Уни ҳисоблашда солиққа тортишнинг прогрессив ставкалари қўлланилади. Солиқларнинг бундай тизими МДни тақсимлашда давлатнинг роини оширишга олиб келди.

Молиявий йўналишда икки назарий концепция ўртасидаги фарқ моҳиятан бюджет дефицитининг турли ҳилда (равишда, тарзда) баҳоланиши билан белгиланади. Агар биринчи концепция дефицитсиз бюджетни шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг зарурлигидан келиб чиққан бўлса, иккинчи концепция бюджет дефицитининг бўлиши мумкинлигига йўл қўйган, қолаверса, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда бюджет дефицитига алоҳида ўрин ажратган.

XX асрнинг 30 - 60-йилларида кейинча молиявий сиёсат деб ном олган сиёсат Фарб мамлакатларида ўзининг самардорлигини исботлади. Давлат иқтисодиётга аралашувининг кенгайиши ва давлатнинг тартибга солувчи функцияси кучайиши оқибатида молиявий муносабатларни ташкил қилиш мураккаблашди. Давлат харажатларини дефицитли молиялаштириш сиёсати давлат кредитининг ривожланишини белгилаб берди. Узоқ ва ўрта муддатли қарзларни жалб этиш ссуда капиталлари бозорининг ривожланишига олиб келди ва ўзининг аҳамияти бўйича давлат молиявий ресурсларини шакллантиришнинг иккинчи манбаига айланди. Бунинг натижасида МДни қайта тақсимлашда молиянинг роли янада кучайди.

XX асрнинг 70-йилларида иқтисодий назариянинг неоклассик йўналиши молиявий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди. Бу концепция давлатнинг тартибга солувчи ролидан воз кечмаса-да, унинг иқтисодиётга ва социал соҳага аралашуви даражасини бир оз чеклади. Амалда эса давлатнинг аралашуви камаймади, аксинча, бир оз кучайди. Чунки бундай аралашув эндиликда фақат давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари орқали эмас, балки пул муомаласини, валюта курсини, ссуда капиталлари ва қимматли қоғозлар бозорини ҳам тартибга солиш орқали содир этилди. Натижада давлатнинг таъсир доираси

кенгайди, капиталлар оқимида унинг роли кучайди. Буларнинг барчаси тараққиётнинг қайта қурилиш тузилмасига ва социал омилларига ўз таъсирини кўрсатди.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларнинг молиявий сиёсати замонавий назариялар остида бўлиб, бу назариялар амалда тартибга солиш икки тизимининг конвергенциясидан (қўшилиб кетганлигидан, аралашувидан) иборат. Шунга мувофиқ равишда айрим мамлакатлар давлат томонидан тартибга солишнинг ҳам кейнсчилик, ҳам некейнсчилик тизимининг турли-туман элементларидан фойдаланади.

Совет давлатида ва социалистик ориентацияда (йўналишда) бўлган барча мамлакатларда молиявий сиёсат К.Маркс (1818 – 1881) ва В.Лениннинг (1870 – 1924) назарий концепциялари таъсирида шаклланди. Социалистик давлатнинг моҳияти ва функциялари ҳақидаги марксча-ленинча назария Совет давлати молиявий сиёсатининг асосий принципи, молиявий марказлаштиришни белгилаб берди.

Фақат давлат ихтиёрида молиявий ресурслар катта қисмининг тўпланишинигина (концентрация қилинишинигина) эмас, балки молиявий муносабатларни ташкил этишда давлатнинг монополиясини (якка ҳокимлигини) кўзда тутувчи молиявий марказлаштириш заруриятга айланди. Чунки давлатнинг функциялари шу қадар кенгайтирилдики, уларнинг энг асосийлари хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий функциялар бўлиб қолди.

Совет давлати иқтисодиёт ва социал соҳанинг эҳтиёжларини бюджетдан тўлиқ молиялаштирди. Жамият тараққиётини таъминлашда давлатнинг роли кескин ошди. Чунки иқтисодий ва социал ривожланишининг давлат режалари ёрдамида у ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларига бевосита раҳбарлик қилди. Бу, албатта, хусусий мулк шакллари-нинг давлат (умумхалқ) мулкига айланиши билан белгиланади. Шунга мувофиқ равишда давлат МДни қайта тақсимлашнинг солиқ шакллари-дан ишлаб чиқариш соҳасида тўғридан-тўғри тақсимлашга ва давлат бюджети орқали қайта тақсимлашга ўтди.

Молиявий марказлаштириш яна шунда намоён бўлдики, давлат бевосита ва монопол равишда баҳоларни шакллантириш, пул муомаласи, ҳисоб-китоблар тизими ва кредит муносабатларини ҳам тартибга солди. Шундай қилиб, бошқарув тизимининг барча қиймат элементлари бутун ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариб турувчи ягона маъмурий-буйруқбозлик тизимига амалда бирлаштирилди.

Бунақанги молиявий сиёсат бир ижтимоий муносабатлар тизимидан инсоният тарихи учун мутлақо янги бўлган иккинчи ижтимоий муносабатлар тизимига ўтилишини, Совет давлати олдида турган ва фаолиятининг турли босқичларида вужудга келган социал-иқтисодий муамоларнинг ечилишини кафолатлади. Бу молиявий сиёсатни етарли даражада самарали бўлган молиявий сиёсат дейиш мумкин. Чунки чор Россиясидан, фуқаролар урушидан, чет эл ҳарбий интервенциясидан мерос қолган фавқулодда мураккаб молиявий вазиятга қарамай, фашистлар Германияси билан уруш арафасида Совет давлати етарли даражада кучли иқтисодий салоҳиятга эришди, урушда ғалаба қозонди ва қисқа муддатларда урушдан вайрон бўлган халқ ҳўжалигини тиклади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Совет давлатининг молиявий сиёсати Ғарб мамлакатлари, энг аввало, АҚШ билан қуролланиш пойғаси ва космосни тадқиқ этишдаги мусобақани (рақобатни) молиявий жиҳатдан таъминлашга қаратилди.

Бир вақтнинг ўзида социалистик лагерь мамлакатларига жуда катта миқдордаги молиявий ёрдамлар кўрсатилди:

- ◆ уларнинг тараққиётида социалистик ориентацияни (йўналишни) таъминлаш учун;
- ◆ социалистик мамлакатларни сансати ривожланган мамлакатларга айлантириш учун;
- ◆ кучли ҳарбий иттифоқчиларни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун.

Бу мақсадларга эришиш учун хомашё базасини, энг аввало, нефт ва газ қазиб чиқаришни юқори суръатларда ривожлантириш талаб этилди. Янги қазилма бойликларни ўзлаштириш (уларнинг географияси шимоли-шарқ томонга

қараб кенгая бошлади) жуда катта миқдордаги молия ресурсларини тақозо этарди. Чунки янги ҳудудларни ўзлаштириш ўша туманларга ишчи кучи миграцияси (меҳнатга ҳақ тўлашнинг оширилган нормалари билан), нефть ва газ қувурларини қуриш билан уйғунликда давом этди. Халқаро бозорда нефть ва газ баҳоси юқори бўлиб турган пайтларда уларни экспорт қилиш харажатларни маълум даражада қоплаган эди. Шунга қарамай, бу каби молиявий сиёсатни амалга ошириш МДнинг тегишли тарзда қайта тақсимланишини талаб қилди. Натижада мамлакатда ҳарбий-саноат комплекси тараққий этган бир томонламали иқтисодиёт яратилди.

Давлат томонидан белгиланган мақсадлар нуқтаи назаридан урушдан кейинги даврнинг молия сиёсати ва уни амалга ошириш чораларини самарасиз деб айтиш унчалик тўғри бўлмайди. Ҳукумат дастураарида аҳоли турмуш даражаси ошганлиги эълон қилинганлиги, албатта, бу бошқа масала. Аҳоли турмуш даражаси меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва енгил саноат, фуқаролик қурилиши ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар ривожига боғлиқ. Ҳарбий-саноат комплексида (мамлакат аҳолисининг каттагина қисми шу соҳада банд эди) меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси қиёсий жиҳатдан юқорироқ бўлишига қарамай, ҳатто унда банд бўлган аҳоли ҳам ўз истеъмол талабларини қондириш имкониятига эга эмас эди. Шунинг учун истеъмол бозорининг ривожланишида ортда қолиш урушдан кейинги даврда Совет давлати молия сиёсатининг самарадорлигини кескин пасайтирди.

Молиявий сиёсатни ишлаб чиқишда молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш негизида қуйидагиларнинг ётиши принципаал аҳамиятга эга:

- ◆ тақсимлаш муносабатлари субъектларини, яъни молиявий ресурсларнинг эгалари ва тақсимловчиларини танлаш;
- ◆ юридик шахслар ва аҳолининг ўз эҳтиёжларини қондиришдаги мустақиллик даражаси ва давлатнинг функцияларига боғлиқ равишда давлат ихтиёридаги молиявий ресурсларнинг марказлаштирилиш даражасини аниқлаш;

♦ биринчи даражали ижтимоий эҳтиёжлар ва уларни қондириш чораларини аниқлаш ва шуларга мос равишда молиявий ресурслардан фойдаланишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

♦ молиявий ресурсларни шакллантириш манбалари ва методларини танлаш.

Молиявий сиёсат кўп ўлчамли тушунча ҳисобланади. Агар унинг соҳаси жамият тараққиётининг алоҳида босқичларида ҳукмронлик қилган назарий концепциялардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ва социал соҳаларни бошқаришда давлатнинг иштирок этиш параметрлари билан аниқланса, унинг қиймат муносабатлари элементлари бўйича дифференциация қилиниши (табақаланиши) молия тизимининг ривожланганлиги ва унинг айрим (алоҳида) бўғинлари мустақиллигига боғлиқ бўлади.

## 2.2. Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари (йўналишлари)

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари (йўналишлари) қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин<sup>19</sup>:

- ♦ бюджет сиёсати;
- ♦ солиқ сиёсати;
- ♦ пул сиёсати;
- ♦ кредит сиёсати;
- ♦ баҳо сиёсати;
- ♦ инвестицион сиёсат;
- ♦ социал-молиявий сиёсат;
- ♦ бож сиёсати.

Ўз навбатида, молиявий сиёсат давлатнинг иқтисодий ва социал сиёсатини амалга оширишнинг воситаси ҳисобланади ва шу маънода ёрдамчи ролни ўйнайди. Бир вақтнинг ўзида давлат сиёсатининг бошқа: миллий, геосиёсат, ҳарбий йўналишлари ҳам мавжудлигини эсдан чиқармаслик керак. Ана шу беш йўналишнинг (иқтисодий, социал,

<sup>19</sup> Бу фикр қанчалик ўринади? Унинг мунозарали жойлари борми? У қандай эътирозларга сабаб бўлиши мумкин? Фикрнинг тўғрилигини тасдиқлашга ёки уни рад этишга уриниб кўринг-чи.

милий, геосиёсат, ҳарбий) йиғиндиси (мажмуи) давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий инструменти сифатида хизмат қиладиган молиявий сиёсатни аниқлаб беради.

Молиявий сиёсат молиявий бошқарувнинг таркибий қисми сифатида бошқарувнинг юқори (олий) органларига тегишлидир. Мамлакат субъектлари даражасида молиявий сиёсат борасида қарорлар қабул қилиниши чекланган ва маҳаллий ҳокимият органлари функциялари унчалик катта эмас. Уларнинг функциялари бюджет ва маҳаллий солиқлар билан чегараланади.

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида давлатнинг бюджет сиёсати, энг аввало, ҳар бир мамлакат Конституцияси ва бюджет жараёнида ҳамда қонун ижодкорлигида алоҳида ҳокимият органларининг функцияларини белгиловчи бошқа қонуналар мажмуига мувофиқ аниқланади. Ўзининг ҳажми ва муҳимлиги жиҳатидан энг катта иш бўлишига қарамай, бюджет сиёсатини фақат бюджет жараёнига<sup>20</sup> тегишли деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас. Қонун бюджет жараёнида ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижроия органлари функцияларини, мамлакат субъектлари функцияларини, бюджет жараёни субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва ҳ.к.ларни аниқ белгилаши керак. Бироқ бюджет сиёсати шу билан чекланмайди. Бюджет сиёсати бюджетда концентрация қилинадиган (тўпландиган) ЯИМ ҳиссасини аниқлашда, мамлакат юқори ва қуйи органларининг ўзаро муносабатларида, бюджет харажатлар қисмининг таркибий тузилишида, турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимлашда, давлат қарзини бошқаришда, бюджет дефицитини қоплаш йўллари аниқлашда ва ҳ.к.ларда ифодаланади.<sup>21</sup>

Солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг энг муҳим қисми (йўналиши) ҳисобланади. Беш юз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида замонавий молия фани солиқларга нисбатан му-

<sup>20</sup> Бюджет жараёни деб нимага айтилади ва у ўз ичига қандай бошқичларни олади?

<sup>21</sup> Бюджет сиёсатига тегишли бўлган бу ва қолган бошқа ҳолатлар монографиянинг кейинги қисмларида батафсил кўриб чиқилади.



носабатини аниқ белгилаш имконига эга бўлган. Бу муносабатлар қуйидагилардан ташкил топади:

♦ солиқларсиз давлатнинг фаолият кўрсатиши мумкин эмас;

♦ солиқни ундириш қатъий ўсиш тенденциясига эга;

♦ оқилона солиқ остонасидан ўтилганидан сўнг табиий такрор ишлаб чиқариш жараёни бузилади – иқтисодийнинг ўз-ўзидан бузилиши (емирилиши) содир бўлади<sup>22</sup>;

♦ таназзул даврида солиқлар мумкин қадар минимал даражада ўрнатилмоғи лозим. Бунинг натижасида мамлакатнинг иқтисодий механизми ички инвестицион салоҳиятни сафарбар этиш ҳисобидан тикланади;

♦ солиқнинг юқори остонаси капиталнинг четга чиқиб кетишига олиб келади<sup>23</sup>;

♦ иқтисодий давлат томонидан тартибга солиниши керак, албатта. Бироқ суммар ўлчовларда соф даромаднинг 30% дан ортиқ қисми ундирилишида мамлакат иқтисодий ўсиши тўхтайд;

♦ солиқ имтиёзлари очиқлик характерига эга бўлиши ва барча такрор ишлаб чиқариш субъектлари учун тенг бўлиши керак<sup>24</sup>;

♦ солиқ тизими конфискацион характерга эга бўлмаслиги лозим. Фақат индивидуал даромадларнинг ўсишида ифодааланган миллий бойликнинг ўсиши солиққа тортиладиган базанинг (асоснинг) барқарор ўсишини таъминлаши мумкин;

♦ қонулар ва қоидаларнинг барқарорлигини давлат кафолатлаган иқтисодий тизимда солиқларнинг суммар ўлчови барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлади. Барқарорлик кафолати сифатида давлат ўзининг мажбуриятларини бузишни бошладими, капитал хуфёна иқтисодийга ёки хорижга ўтишни бошлаб, бюджетнинг даромадлар базасини (асосини) қисқартираверади;

<sup>22</sup> Оқилона солиқ остонаси дейилганда нима назарда тутилаяпти? У қачон (қандай даражага етганда) оқилона бўлиши мумкин?

<sup>23</sup> Нега?

<sup>24</sup> Шу фикр тўғрими? Ишотлаб беринг-чи.

♦ солиқ тизими оддий, очиқ ва самарали бўлавери лозим. Солиқлар сонини, солиққа тортиш объекталарини кўпайтириш, кўп босқичли солиқларни жорий этиш солиқларни ундириш бўйича харажатларнинг ортиши, жарималарнинг ўсиши, пировардида мулкни қамоққа олиш, солиқ тўловчиси касод деб эълон қилиш ва ҳ.к. йўллар орқали иқтисодиётнинг емирилишига олиб келади<sup>25</sup>;

♦ солиққа тортиш эгри (билвосита) тизимининг устуворлиги бюджет даромадларини шакллантириш нуқтаи назаридан қулай ҳисобланади. Лекин бу нарса охир-оқибатда мамлакат аҳолиси асосий қисмининг қашшоқлашишига олиб келади. Чунки бундай солиқларнинг юки товарлар ва хизматларнинг якуний (охирги) истеъмолчиси гарданига (зиммасига), яъни яшаш минимуми даражасида ёки социал тирикчилик даражасида даромадга эга бўлган аҳолининг 80 – 90% қисмига юкланади. Бу парадокс даромадларнинг турли даражаларида истеъмолнинг нисбатан бир хил даражасига асосланган<sup>26</sup>;

♦ эгри (билвосита) солиқлар тизимининг хавфлилиги шундаки, бу тизимда аҳолининг асосий қисмидан жамғармалар олиб қўйилади, бу, ўз навбатида, кредит тизими ва иккиламчи молиявий бозор тизимининг асосларини бузади. Эгри (билвосита) солиқлардан воз кечган АҚШ тажрибаси бунга яққол тасдиқдир;

♦ эгри (билвосита) солиқларни соғлиқ учун зарарли бўлган товарлар, зебу зийнат буюмлари, айрим ҳолларда импорт қилинадиган товарлар ва хизматлар ҳамда бошқа бир қанча ўзига хос бўлган махсус ҳолатларга нисбатан жорий этиш зарур;

♦ даромад ва мол-мулкдан олинadиган солиқлар солиқ базасининг асосийси ҳисобланиши (хизмат қилиши) керак. Уларни пропорционал солиққа тортиш принципларига асосан қурмоқ лозим.

<sup>25</sup> Бу тасдиқ қанчалик тўғри? У илмий-техника тараққиётининг ҳозирги даражаси ва унинг оқибатлари билан қандай мувофиқлаштирилиши мумкин?

<sup>26</sup> Буни сиз қандай тушунасиз? Изоҳланг-чи.

Бозор иқтисодиёти шароитида шахсий ташаббуссиз ва жамият барча аъзоларининг самарали меҳнатисиз иқтисодиётни тиклаш мураккаблигича қолаверади. Солиқлар бозор иқтисодиётида меҳнатнинг асосий рағбатлантирилишини (мотивация қилинишини) олиб қўяди (сусайтиради), яъни меҳнат даромад келтириши лозим. Мамлакат иқтисодиётига солиқ сиёсатининг таъсири бевосита намоён бўлади – юқори солиқ оstonаси такрор ишлаб чиқариш жараёнининг инвестицион имкониятларини қисқартиради (торайтиради), жамиятда истеъмол даражаси пасаяди, бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва хизмат секторлари ўсиш базаларининг (асосларининг) пасайишига олиб келади.<sup>27</sup>

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларидан (йўналишларидан) яна бири пул сиёсатидир.<sup>28</sup> Агар муомаладаги пул миқдори товарлар массаси миқдорига (пулнинг айланиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда) мос келмаса, пул массасининг етмаган қисми қозғоз пуллар (пулларнинг суррогати) ҳисобидан ёки хорижий валюта ҳисобидан тўлдирилади (тикланади). Аксинча, агар пул массаси унга бўлган талабдан ортиқ бўлса, ё пул массасининг мамлакатдан четга чиқиши (оқиши), ё миллий валютанинг қадрсизланиши содир бўлади. Табиийки, бу вариантларнинг барчаси мамлакат қонунчилигига ҳам бевосита боғлиқ – мамлакатда хорижий валютанинг муомалада бўлишига рухсат бериладими ёки йўқми, миллий валюта конвертация қилинадими ёки йўқми ва ҳ.к.

Товарлар массаси чекланганда пул эмиссияси бошқа мамлакатларнинг пул бирлигига нисбатан миллий пул бирлигининг қадрсизланишига олиб келади.

Эмиссия сиёсати ва миллий валютанинг барқарорлиги пул сиёсатининг таркибий қисмларидир (йўналишларидир). Эмиссион сиёсат муомала учун зарур бўлган пулнинг миқдорини аниқлашдан ташқари, яна бошқа бир йўналишга эга. Бу йўналиш бюджет даромадларини кўпайтиришдир. Ана шу йўналиш алоҳида эҳтиёткорликни талаб этади. Чунки

<sup>27</sup> Солиқ сиёсатига тегишли бошқа ҳолатлар монографиянинг кейинги қисмларида батафсил кўриб чиқилади.

<sup>28</sup> Бу тасдиққа ишонасизми? Балки...

маълум бир миқдорий чегарадан ўтилгач, пул тизими инфляцияга мойил (таъсирчан) бўлиб қолади, яъни бюджет даромадларининг реал қадрсизланиши содир бўлиши мумкин. Агар қандайдир сабабларга кўра давлат ўз пул тизимини тартибга солишга қодир бўлмаса, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига путур етади. Чунки бундай шароитда мамлакатнинг миллий валютаси бошқа кучли валюталарнинг экспансиясига қарши туролмайдиган ва миллий бойликдан маҳрум бўлиб қолиш мумкин (ўзаро ҳисобга олишлар, акцияларни сотиб олиш ва ҳ.к.лар орқали).

Кредит сийесати ҳам молиявий сийесатнинг таркибий қисми (йўналиши)<sup>29</sup>дир, унинг намоён бўлиши мамлакатнинг кредит тизими орқали амалга оширилади. Кредит тизими ссуда капиталининг фаолият кўрсатишини таъминлайди. Ўз навбатида, ссуда капитали такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишнинг муҳим шarti ҳисобланиб, айланма маблағларни тўлдириш ва инвестициялар учун маблағларнинг қарзга олинишини таъминлайди. Иқтисодиётнинг кредит сектори ўртача фойда нормасини тенглаштириш учун ҳам хизмат қилади. Фоииз ставкаси даражаси жамиятдаги иқтисодий фаолиятка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. У асоссиз даражада юқори бўлса, қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- ◆ кредит ресурсларининг қайтариламаслиги;
- ◆ ишлаб чиқариш сектори ва хизматлар секторида маҳсулотлар нархининг ўсиши;
- ◆ қарзга олувчилар рентабеллик даражасининг пасайиши ва оқибатда солиққа тортиладиган базанинг қисқариши;
- ◆ ишлаб чиқаришнинг қисқариши;
- ◆ такрор ишлаб чиқариш жараёни субъектлари даромадларининг пасайиши натижасида ички истеъмол бозорининг торайиши.

Аксинча, кредит ресурсларининг арзонлашуви ишлаб чиқаришнинг соғломлашувига, товарлар массасининг ортишига, товарлар ва хизматлар баҳосининг пасайишига, ана шу-

<sup>29</sup> Бааки бу тасдиққа нисбатан шубҳангиз бордир? Аргументларингизни келтира оласизми?

ларнинг натижасида эса такрор ишлаб чиқариш жараёни субъектлари даромадларининг ошишига, солиққа тортиш базасининг кенгайишига ва бюджет даромадларининг кўпайишига олиб келади.

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида давлатнинг баҳо сиёсати<sup>30</sup> монопол товар ва хизматлар баҳоси ва тарифининг коррективировка қилиниши (ўзгартирилиши) орқали ифодаланади. Ер ости бойликлари, сув ҳавзалари, темир йўллар, электр узатиш тармоқлари, нефть ва газ қувурлари давлатнинг монопол эгалигидадир. Бу тармоқлар товарлари ва хизматлари баҳосининг ўсиши (ортиши) миллий хўжалик барча бошқа секторларида баҳоларнинг ўсишига олиб келади. Бу ерда боғланиш шунчалик аёнки, ҳеч қандай изоҳга ҳожат йўқ. Шунинг учун ҳам баҳо сиёсати иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим омили<sup>31</sup> ҳисобланади.

Инвестиция сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларидан (йўналишларидан) бири бўлиб, энг аввало, мамлакат иқтисодиётининг реал секторига ўз ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун шароит яратиш бўйича тадбирлар комплексидан иборат.<sup>32</sup> Бу сиёсат давлат бошқаруви ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқаришнинг турли даражаларида амалга оширилади. Инвестицион сиёсатнинг асосий вазифаси мамлакат иқтисодиётига инвесторлар томонидан молиявий ресурсларни киритиш (жойлаштириш), мамлакатдан капиталнинг «қочиб» кетмаслиги, аксинча, мамлакатга хорижий капиталлар оқимининг кириб келиши учун шароит яратиш орқали ифодаланади.

Социал-молиявий сиёсат Конституцияга мувофиқ мамлакат аҳолисининг ҳуқуқларини молиявий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда бу сиёсат, ўз навбатида, пенсия сиёсати, иммиграцион сиёсат, аҳоли айрим социал гуруҳларига молиявий ёрдам кўрсатиш сиёсати ва бошқа сиёсатларни ўз ичига олади.

<sup>30</sup> Бунинг ўзи мустақил сиёсат тури эмасми? Нега?

<sup>31</sup> Амалий мисоллар келтира оласизми?

<sup>32</sup> Бундай тадбирлар комплекси нималардан иборат бўлиши мумкин?

Бож сиёсатига молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида қараш билан биргаликда уни солиқ ва баҳо сиёсатларининг ҳам бир қисми сифатида эътиборга олиш керак. Чунки солиқлар ва божлар (бож йиғимлари) товар ва хизматларнинг баҳосига бевосита таъсир кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида бож сиёсати мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос усулига ҳам эгадир. Унинг ўзига хослиги шундаки, бу сиёсат, бир томондан, мамлакат ички бозорига импорт қилинаётган товарлар ва хизматларни кенгайтириши ёки чеклаши, иккинчи томондан, мамлакатдан товарлар ва хизматлар экспортини рағбатлантириши ёки унга тўсқинлик қилиши мумкин. Масалан, мамлакатда ўқшаши бўлмаган технологик асбоб-ускунани импорт қилишга 20% ли бож йиғими ўрнатилса, бу нарса мамлакатдаги ишлаб чиқарувчиларнинг инвестицион имкониятларини камайтиради, ички ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини пасайтиради, импорт қилинадиган маҳсулотларнинг салмоғини оширади.

Ҳар қандай мамлакатнинг бож сиёсати бумеранг ҳаракатига эгадир. Чунки бож ундиришнинг чекловчи ёки рағбатлантирувчи ставкалари жорий этилиши худди шундай жавоб чораларининг қўлланилиши билан кузатилади. Бож сиёсати йўналишининг танланиши мамлакатнинг иқтисодий аҳволига мос келиши керак. Агар биз бугун озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж товарларининг импорт қилинишига боғлиқ бўлсак, бу бож ставкаларида ўз аксини топмоғи лозим. Аммо бож ставкалари рағбатлантирувчи бўлса, у ҳолда мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчилар хорижий товарлар билан рақобат қила олмай қолади.

Умуман олганда, аксарият ҳолларда мамлакатнинг бож сиёсати божхона божлари ва тўловларини оширишга йўналтирилган бюджет сиёсатига боғлиқ бўлади.

Хуллас, молиявий сиёсат ва унинг таркибий қисмлари (йўналишлари) илмий жиҳатдан асосланган, маълум бир мақсадларга эришишга йўналтирилган, мувофиқлаштирилган, такрор ишлаб чиқариш субъектларининг манфаатларига зид бўлмаслиги керак. Унинг муваффақиятли амалга оши-

рилиши давлат ички ва ташқи қарзларининг камайишига, давлатнинг олтин-валюта захиралари ортишига, инфляцияни жиловлашга, бюджет дефицитининг камайишига, ЯИМ кўпайишига, мамлакат товарлари рақобатбардошлагининг кучайишига олиб келмоғи лозим.

### **2.3. Ҳозирги босқичдаги молиявий сиёсат ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Яқин ўтмишда, яъни шўролар даврида мамлакатимиз иқтисодий ва социал тараққиётига тўсқинлик қилган молиявий сиёсат юргизилди. Боз устига, шу давр мобайнида мамлакат тараққиётини таъминлашда фаол молиявий сиёсатнинг ролига етарлича баҳо берилмади. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, энг аввало, иқтисодий соҳада молиявий муносабатларнинг роли бузиб кўрсатилди. Молия ва молиявий дастакларнинг фаол роли инкор этилиб, молиявий сиёсат мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган зарур усулларни ишлаб чиқишга ожизлик қилиб қолди. Ривожланишнинг узоқ даврига мўлжалланган ва илмий жиҳатдан асосланган концепцияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, кам самара берадиган, қисқа муддатли фойда олишни кўзлаб амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётни қийин аҳволга олиб келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, иқтисодий ривожланишда бозор муносабатларига юз тутар экан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби молия ва молиявий муносабатларда ҳам чуқур ислохотларни амалга оширишга тўғри келди. Белгиланган стратегик вазифалар давлатнинг тактик чора-тадбирлари асосида бажарила бошланди.

Товарлар ва хизматларнинг мамлакатлараро ҳаракатини тартибга солиб турувчи, миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган бож сиёсати ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Бу сиёсат ҳозирги кунда мамлакат ички бозорига паст сифатли, инсон саломатлигига пу-тур етказувчи товарлар кириб келишининг олдини олиш ва илғор технологиялар, фан-техника ютуқлари натижалари-

нинг мамлакат иқтисодиётига кириб келишини рағбатлантириш йўлидан оғишмай амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда молиявий сиёсатнинг ҳозирги кундаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ◆ давлат бюджетдаги дефицитни йўл қўйилган энг кам даража доирасида (ЯИМнинг 3 – 4% атрофида) чеклашга йўналтирилган қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш<sup>33</sup>;

- ◆ давлат харажатларининг, биринчи навбатда, иқтисодиётдаги зарур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг ўсишини кўзлаб йўналтиришни таъминлаш;

- ◆ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг конституция билан кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминловчи молиявий базани яратиш, эркин меҳнат ва ишбилармонлик асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- ◆ ижтимоий ҳимоянинг адресли бўлишига, молиявий маблағларнинг ижтимоий ёрдамга ҳақиқатда муҳтож аҳоли қатламларига етиб боришини таъминлаш;

- ◆ давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳолининг барқарорлигини таъминлаш;

- ◆ бюджет интизомига қатъий риоя қилиш<sup>34</sup>;

- ◆ солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқларнинг иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида:

- ◆ солиқ тизимининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсирини ошириш;

- ◆ корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш,

<sup>33</sup> Бундай шароитда мамлакатимиз бюджетининг кейинги йилларда дефицитли қабул қилиниб, молия йили натижаларига кўра профицитли ижро этилаётганлигини қандай баҳолайсиз? Бунинг сабаблари нималардан иборат?

<sup>34</sup> Унинг аҳоли қандай?



қўшилган қиймат ва фойда солиғидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш ва шу асосда ишлаб чиқаришни жонлантиришга туртки бериш;

◆ солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш.<sup>35</sup>

◆ маҳаллий бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш<sup>36</sup>;

◆ давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бириктириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини мустаҳкамлаш<sup>37</sup>;

◆ солиқ сиёсати белгилаб берган чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этувчи тегишли молия-солиқ механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

◆ ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз молия сиёсати муаммолари қаторига унинг ҳаёт (давр) билан ҳамнафаслигини, давлатимиз ривожланишининг ўзгарган шароитларига тезда мослаша билишнинг таъминлаш, ўз ечимини кутаётган вазифаларни ҳал этиш учун керакли усулларни ўз вақтида топа билиш, стратегик концептуал ечимларни ишлаб чиқиш, маблағларга қараб янаш талабига риоя этилишини таъминлаш, фуқаролар ижтимоий талаб-эҳтиёжларини қондиришнинг молиявий базасини (асосини) белгилашда қолдиқ ёндашувидан (усулидан) ижтимоий харажатларнинг адреслилигини таъминлашга ўтиш каби тадбирлар кирди.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқилган давлат молия сиёсати концепциясининг мақсади иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш асосида жамият аъзоларининг

<sup>35</sup> Ушбу йўллар билан қўзланган мақсадларга эришилаётганими ёки йўқми?

<sup>36</sup> Бу нима дегани? Улар ўртасида таъкидланган чегара ўтказилганими ёки йўқми?

<sup>37</sup> Бунга нисбатан амалдаги аҳвол қандай?

турмуш фаровонлиги даражасини таъминлашдан иборат. Молия стратегиясининг ижтимоий йўналтирилганлиги хақ фаровонлигини оширишга юбориладиган молия ресурсларини кўпайтириш имкониятларини қидириб топишда намоён бўлибгина қолмай, иқтисодий сиёсатнинг бош мақсадига бутунлай янгича ёндашувда ҳам намоён бўлади ва эндиликда аҳоли турмуш даражаси ва ишлаб чиқаришнинг ўсишини, молия ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналишларини белгилайди.

Ижтимоий ҳимоя, биринчи навбатда, кам таъминланган фуқароларни, шунингдек, бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни ҳам назарда тутди. Ижтимоий ҳимоя, энг аввало, даромадларни индексациялаш воситасида (ёрдамида), яъни бюджет маблағлари ҳисобига, баъзан эса компенсацияларни истъмоал индексига муфовиқ ошириш йўли билан таъминланади.

Жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий соҳасига молиявий таъсир ўтказишнинг асосий услублари солиқ солиш, молия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, молиялаштириш, молия бозори ва бошқалар ҳисобланади. Ҳозирги молия сиёсати молия стратегияси талаблари асосида ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Хўжалик юритишнинг турли-туман шаклларида фойдаланиш жамоат талаб-эҳтиёжларини яхшироқ қондириш, ресурсларни тежаш, маҳсулот ассортиментни ва техника базасини янгилаш, меҳнат жамоаларининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш йўлида рақобатни ривожлантириш, ташаббускорлик кўрсатиш учун шарт-шароитларни яратади.

Ижтимоий ва бошқа эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган молия ресурсларининг ўсишига, энг аввало, рентабелли фаолият кўрсатиш орқали эришилади. Бироқ сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароит ўзгариши билан давлат харажатлари доимо ўсиб боради. Шу муносабат билан ҳозирги молия сиёсати давлат молия ресурсларининг мунтазам ўсишини таъминлашга қаратилган тадбирларни назарда тутди.<sup>38</sup>

Бюджетга тушаётган тўловлар ҳажмини оширишнинг заруриги хўжалик бўғинларининг ишчан фаоллигини жонлантиришга қаратилган молия сиёсатининг ҳаётга татбиқ этилишини талаб қилади.

Молиявий сиёсатни фаоллаштириш мақсадида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш амалиётини тубдан ўзгартириш катта аҳамиятга эга. Бюджет воситасида, шунингдек, юқори ташкилотлар орқали амалга ошириладиган «вертикал» услубга қарама-қарши молиявий ресурсларни молия бозори орқали «горизонтал» қайта тақсимлаш ҳам борган сари кенг ривож топади. Маблағларнинг ўтказиб турилиши эса молиявий ресурслардан талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда фойдаланишни назарда тутаяди.

Молия бозорининг ривожланиши муносабати билан миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва умумдават эҳтиёжларини қондириш учун аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг пул даромадлари ва жамғармаларини жалб этиш зарур. Шу муносабат билан давлат облигациялари ва хазина билетларини чиқариш ҳам давлат ресурсларининг ҳажмини кўпайтиради.<sup>39</sup>

Молиявий сиёсат реал молиявий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва татбиқ этилиши зарур. Сарфлар (харажатлар) молия ресурслари кўпайгандагина ўсиши мумкин.<sup>40</sup> Бу, энг аввало, ишлаб чиқаришни молиялаштиришни билдиради. Иқтисодий ва молиявий сиёсатнинг ҳамма тадбирлари, бир томондан, аҳолига ўз даромадларини ошириш имкониятини бериш, иккинчи томондан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун мақбул шароитларни яратишга қаратилиши керак.

Молиявий сиёсатнинг тубдан ўзгаришига мос равишда молия механизми ҳам қайта қурилмоғи лозим. Молия механизмини қайта қуришнинг мақсади бозор муносабатлари асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига унинг таъсирини кучайтириш, молия ресурсларидан фойдаланиш

<sup>38</sup> Бу тадбирлар нималарни қамраб олади?

<sup>39</sup> Шу масала тегишли бўлган вазиятни (ҳолатни) қандай баҳолайсиз?

<sup>40</sup> Шу тасдиқ тўғрими?

самарадорлигини оширишни таъминлашдир. Молия механизмини қайта қуриш негизда корхона, ташкилотлар ишининг яқуний натижаларини яхшилаш учун хўжалик ташаббускорлиги ва масъулиятини бутун чоралар билан кучайтириш талаб қилинади.

Бозор иқтисодиётида корхоналарнинг ишлаб чиқариш омилларида иложи борича яхшироқ фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш учун алоҳида молиявий услублардан фойдаланиш зарурати йўқолади. Бозор рақобати корхоналарни ишлаб чиқариш самарадорлиги, молиявий ресурслардан фойдаланиш устидан ички хўжалик молия назоратини чуқурлаштириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилишга мажбур этади. Бир вақтнинг ўзида давлат томонидан бозор муносабатларини молиявий бошқаришнинг аҳамияти ҳам ошади. Молиявий бошқариш корхоналарга солиқ солиш, қўшимча солиқларни (масалан, экспорт ва импорт солиғини) киритиш, меҳнаткашлар даромадларига солиқ солиш, мақсадли дастурларни молиялаштириш воситасида амалга оширилади. Хўжалик шартномалари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат параметрларини бузганлик учун, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя қилмаслик учун молиявий жарималар тизимига талабчанлик оширилади. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги молиявий мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик ёки тўлиқ бажармаслик, фойда ва бошқа солиқ солиш объектларини яширганлик учун жарима (санкция)ларнинг даражаси ва миқдори кучайтирилади.<sup>41</sup> Аудиторлик молия назорати кенг ривож топмоғи лозим.

Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ижтимоий соҳа муассасалари ва ташкилотларида янги хўжалик механизми жорий этилган. Ижтимоий соҳа муассасаларига пулли хизмат кўрсатиш, хўжалик фаолияти билан шуғулланиш, олинган даромадларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи берилган.<sup>42</sup>

Давлат молия механизмига туб ўзгаришлар киритилди.

<sup>41</sup> Бу соҳадаги ҳозирги аҳвол қандай?

Давлат бюджети даромадларини шакллантириш солиқ асосига ўтказилди, бюджет буромадлари таркиби ва бюджетдан молиялаштириш тизими бутунлай ўзгарди. Бюджетдан ташқари жамғармалар тизими кенг тарқалди. Бозор муносабатларининг ривожланиши мулкий ва шахсий суғуртани ташкил этиш ва бошқариш соҳасида ижобий натижаларга олиб келди: кооператив (ширкат) суғуртаси ривожланипти, акционерлик суғурта жамиятлари вужудга келяпти, суғуртанинг янги турлари пайдо бўлаяпти.

Молия механизмини қайта қуриш жараёни тегишчан базани (асосни) яратиш билан бирга содир бўлаётир. Охириги йилларда молиявий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган қатор қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.<sup>43</sup>

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун қўшимча саволлар:**

♦ Бюджет-солиқ сиёсатининг маъно-мазмунини астойдил билишга интилаган ҳар бир ўқувчи нега аввало молиявий сиёсатнинг маъно-мазмунидан огоҳ бўлмоғи лозим?

♦ «Молиявий сиёсат бюджет-солиқ сиёсатининг ўзига хос фундаменти (негизи, асоси) ҳисобланади» деган фикрга муносабатингиз қандай? Уни қўллаб-қувватлайсизми ёки рад этасиз? Нега?

♦ Молиявий сиёсатнинг чегарасидан чиқиб кетган бюджет-солиқ сиёсати мавжуд бўлиши мумкинми?

♦ Ҳажм (кўлам) жиҳатидан олиб қаралганда, молиявий сиёсат билан бюджет-солиқ сиёсати ўртасидаги боғлиқликни математик тилда қандай ифодалаган бўлар эдингиз?

♦ Нима учун молиявий сиёсат молиявий бошқарув тизимида энг асосий элемент ҳисобланади?

♦ Молиявий сиёсат деб нимага айтилади ва у нимага қаратилган бўлади?

♦ Сиёсат, сиёсий таъсир ва сиёсий раҳбарлик қандай элементлардан таркиб топади?

<sup>42</sup> Буларнинг оқибатлари қандай бўлаяпти?

<sup>43</sup> Уларнинг бир нечасини санаб беринг-чи.

◆ Молиявий сиёсатга оид уч мантиқий хулоса нималардан иборат?

◆ Молиявий сиёсатнинг ўзига хос энг асосий хусусиятларига нималар киради?

◆ Нималар молиявий сиёсатнинг энг асосий мақсади ҳисобланади?

◆ Корхона молиявий сиёсатининг мақсади нималардан иборат бўлиши мумкин?

◆ Молиявий сиёсат нима орқали амалга оширилади ва унинг фаолияти қандай принциплар асосида қурилади?

◆ Молиявий сиёсатни амалга оширишнинг (ўтказишнинг, ҳаётга татбиқ этишнинг) асосий методологик принциплари нималардан иборат?

◆ Молиявий сиёсатнинг натижаллиги нималарга боғлиқ?

◆ Молиявий сиёсат, энг аввало, нимага йўналтирилган (қаратилган) бўлиши керак ва нима учун?

◆ Молиявий сиёсатнинг мазмуни, унинг асосий йўналишлари нималар орқали намоён бўлади?

◆ Мумтоз сиёсий иқтисод асосчилари – А.Смит ва Д.Рикардолар молиявий сиёсатга оид концепцияларининг моҳияти нимадан иборат?

◆ XX асрнинг 20-йиллари охирларидан бошлаб кейнсчилик назарий концепциясига мувофиқ молиявий сиёсатнинг асосий йўналишларига нималар киради?

◆ XX асрнинг 70-йилларида иқтисодий назариянинг неоклассик йўналиши молиявий сиёсатнинг ўзига хос қандай хусусиятларини белгилаб берди?

◆ Шўролар давлатида ва социалистик ориентацияда (йўналишда) бўлган барча мамлакатларда молиявий сиёсатнинг ўзига хос белгилари нималардан иборат эди?

◆ Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Совет давлатининг молиявий сиёсати нималарга қаратилган эди?

◆ Молиявий сиёсатни ишлаб чиқишда молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг негизида қандай принципларнинг ётиши муҳим аҳамиятга эга?

◆ Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларига (йўналишларига) нималар киради?

♦ Қандай беш йўналишларнинг йиғиндиси (мажмуи) давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий инструменти сифатида хизмат қиладиган молиявий сиёсатни аниқлаб беради?

♦ Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида давлатнинг бюджет сиёсати, энг аввало, нималарга мувофиқ равишда аниқланади ва унинг мазмуни нималардан иборат?

♦ Замоनावий молия фани солиқларга нисбатан муносабатини аниқ белгилаш имконига эга бўлган. Бу муносабатлар нималардан ташкил топади?

♦ Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларидан (йўналишларидан) яна бири бўлган пул сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

♦ Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) бўлган кредит сиёсатининг мазмуни нималардан иборат ва у нима орқали амалга оширилади?

♦ Амалга оширилаётган кредит сиёсатига мувофиқ фоиз ставкаси асосиз даражада юқори бўлса, у қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин?

♦ Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида давлатнинг баҳо сиёсати нималар орқали ифодаланади?

♦ Инвестиция сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларидан (йўналишларидан) бири сифатида қандай тадбирлар комплексидан иборат бўлиши мумкин?

♦ Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида социал сиёсат яна сиёсатнинг қандай кўринишларини ўз ичига олади?

♦ Бож сиёсатининг мазмуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

♦ Ўзбекистонда молиявий сиёсатнинг ҳозирги кундаги асосий вазифалари нималардан иборат?

♦ Ҳозирги шароитда ишлаб чиқилган давлат молия сиёсати концепциясининг мақсадини нималар ташкил этади?

♦ Ҳозирги босқичдаги молия сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари нималар билан характерланади?

### 3-БОБ.

## БЮДЖЕТ СИЁСАТИ – МОЛИЯВИЙ (БЮДЖЕТ-СОЛИҚ) СИЁСАТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

### 3.1. Бюджет сиёсатининг мазмун-моҳияти

Бюджет сиёсати молиявий (бюджет-солиқ) сиёсат(и)нинг нисбий жиҳатдан мустақил бўлган бир қисми ҳисобланади. Шунингдек, бюджет сиёсатини молиявий (бюджет-солиқ) сиёсат(и)нинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ҳам эътироф этиш мумкин. Математик тилда ифодаланадиган бўлса, бу ўринда қуйидаги тенгликлар ўринлидир<sup>44</sup>:

$$BCc = Bc + Cc \quad (2),$$

бундан

$$Bc = BCc - Cc \quad (3)$$

Бу ерда: **BCc** – бюджет-солиқ сиёсати;

**Bc** – бюджет сиёсати;

**Cc** – солиқ сиёсати.

Энг умумий тарзда, бюджет сиёсати ўз ичига:

- ♦ давлат бюджети даромадларини шакллантириш манбаларини;
- ♦ бюджет харажатларининг устувор йўналишларини;
- ♦ бюджет номувозанатлилиги (нобаланслилиги, балансизлиги)нинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегараларини;
- ♦ бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини;
- ♦ бюджет тизимининг алоҳида бўгинлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар принципларини аниқлашни қамраб олади.

Ана шу қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда, бюджет сиёсатининг мазмун-моҳиятини аниқловчи қуйидаги таърифни бериш мумкин: давлат бюджети даромадларини шакллантириш манбалари, бюджет харажатларининг устувор йўналишлари, бюджет номувозанатлилиги (нобалансли-

<sup>44</sup> Бу формулаларнинг қандай мунозарали жойлари мавжуд?



лиги, балансизлиги)нинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаралари, бюджет дефицитини молиялаштириш манбалари ва бюджет тизимининг алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг принципларини аниқлашга бюджет сиёсати дейилади.<sup>45</sup>

Ўз навбатида, бюджет сиёсатининг таркибида қуйидагилар нисбий мустақилликка эга бўлиши мумкин<sup>46</sup>:

- ◆ солиқ сиёсати;
- ◆ инвестицион сиёсат;
- ◆ давлат қарзларини бошқариш сиёсати;
- ◆ бож сиёсати ва бошқалар.

Айрим ҳолларда бюджет сиёсатига қуйидагича таъриф ҳам берилади: турли даражадаги бюджетлар ўзаро алоқаларини (таъсирчанлигини) таъминлаш (амалга ошириш) бўйича тадбирлар мажмуига бюджет сиёсати дейилади.<sup>47</sup> Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бюджет сиёсати:

- ◆ бюджет харажатлар қисмининг таркибий тузимасида;
- ◆ турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимлашда;
- ◆ бюджет дефицитини қоплаш манбалари ва усулларида;
- ◆ давлат қарзларини бошқаришнинг шакллари ва методларида намоён бўлади.

Юқорида қайд этилган масалаларни ҳал этиш характерига қараб бюджет сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий йўналувчанлиги аниқланади.

Ҳар бир давлатнинг бюджет сиёсати унинг Конституцияси, бюджет тизими хусусидаги тегишли қонуни (масалан, Бюджет кодекси, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун ва бошқалар), бюджет жараёни ва қонун ижодкорлигида ай-

---

<sup>45</sup> Бу берилган таърифни янада аниқлаштириш имконияти борми? Бир уриниб кўринг-чи.

<sup>46</sup> Уларни молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари билан таққослаб кўринг-чи, ўхшашлик ёки фарқлари бормикан?

<sup>47</sup> Бюджет сиёсатига берилган бу таърифнинг унга берилган олдинги таърифдан фарқи жиҳатлари мавжудми? Сизнингча уларнинг қайси бири тўғрироқ?

рим ҳокимият органларининг функцияларини белгилаб берувчи бошқа қонулар мажмуига мувофиқ аниқланади.

Ҳажми ва муҳимлиги жиҳатидан катта бўлишига қарамасдан, бюджет сиёсатини фақат бюджет жараёнига дахлдор қилиб қўймаслик керак. Шунга мувофиқ равишда, энг аввало:

- ♦ ҳокимият ижроия ва қонунчилик шаклларининг бюджет жараёнидаги функцияларини;
- ♦ мамлакат субъектларининг (масалан, вилоятлар, туманлар ва б.) функцияларини;
- ♦ бюджетдан молиялаштириш принципларини;
- ♦ бюджет жараёнида мамлакат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва ҳ.к.ларни қонун аниқ белгилаб қўйиши лозим.

Бюджет сиёсати:

- ♦ бюджетда концентрация қилинадиган (тўпланадиган) ЯИМ саамовини аниқлашда<sup>48</sup>;
- ♦ марказий ҳокимият ва мамлакат субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда;
- ♦ бюджет харажатлар қисмининг таркибий тузилмасида;
- ♦ турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимлашда;
- ♦ консолидациялаштирилган бюджетнинг умумий суммасида республика бюджетининг ҳиссасида;
- ♦ давлат қарзини бошқаришда;
- ♦ бюджет дефицитини қоплаш йўллари аниқлашда ва ҳ.к.ларда ифодаланади.

Демократик давлатда бюджет қонун тарзида тасдиқланадиган ҳужжат ҳисобланади. Унда давлатнинг ўз функцияларини бажариш мақсадида давлат қўлида концентрация қилинган (тўпланган) пул маблағларининг ҳаракати ўз ифодасини топади. Давлат сиёсати аниқлаб берадиган мақсадларга эришиш учун пул ресурсларини йўнаштириш бюджет сиёсатининг устуворлигини ташкил этади. Агар мақсадга

<sup>48</sup> Бу ўзида нимани ифодалайди?

эришиш миллий иқтисодиёт таъминлайдиган маблағлардан кўп маблағ талаб этса, давлат қўшимча даромадларни шакллантиришнинг қуйидаги фавқулодда усуларини қўллашга мажбур бўлади: ички ва ташқи кредитлар, миллий бойликни сотиш, бойлик ва мол-мулкни ижарага бериш ва концессиялар.<sup>49</sup> Бюджетнинг даромадлар қисмини тўлдиришнинг фавқулодда чоралари иқтисодий мустақилликнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Буни ҳисобга олган ҳолда ҳокимиятнинг қонунчилик органлари қарз олишнинг чегарасини олдиндан белгилайди.

### **3.2. Бюджет харажатлари – бюджет сиёсати намоён бўлишининг асосий шакли**

Бюджет сиёсатининг мазмуни аксарият ҳолларда бюджет харажатлари ва унинг таркибий тузилмаси орқали намоён бўлади. Шу муносабат билан бу ўринда бюджет харажатларининг мазмун-моҳияти, таркиби, тузилмаси ва классификацияси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатнинг ўз функциялари ва вазифаларини бажариши билан боғлиқ равишда вужудга келган чиқимлар бюджет харажатлари дейилади. Бу чиқимлар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан турли йўналишлар бўйича фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Бюджет харажатлари умумий молиявий категория – бюджет кўринишларидан бири бўлиб, унга тегишли умумий хусусиятларга эгадир, яъни улар тақсимлаш характерига эга, ифодаланишнинг пул шакли хос, пул фондларининг амал қилиши билан боғланган ва давлат томонидан ташкил қилинади. Шунингдек, бюджет харажатлари бир бутуннинг ўзига хос қисми бўлганлиги учун улар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан фойдаланиш ва тегишли фондларни шакллантириш билан боғлиқдир. Бу тақсимлаш муносабатларининг моддий-буюмлашган шакли турли

<sup>49</sup> Буларнинг ҳар бирига қисқача тавсиф бера оласизми?

соҳаларга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг ҳаракатидан иборат.

Бюджет харажатларининг иқтисодий моҳияти унинг тури-туман кўринишлари (турлари) орқали намоён бўлади. Харажатларнинг ҳар бир тури ўзининг миқдорий ва сифат хараakterистикасига эга. Уларнинг сифат хараakterистикаси воқеликнинг иқтисодий табиатини ифодалаб, бюджет харажатларининг мўлжалланганлигини, миқдорий хараakterистика эса уларнинг ўлчамини (миқдорини, ҳажмини) аниқлашга имкон беради.

Бюджет харажатлари чиқимларнинг конкрет турлари орқали намоён бўлади. Бюджет харажатлари конкрет турларининг хиёма-хиёлиги эса, ўз навбатида, қуйидаги омилларнинг мавжудлиги билан белгиланади:

- ◆ давлатнинг иқтисодий табиати ва функциялари;
- ◆ мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси;
- ◆ бюджетнинг миллий иқтисодиёт билан боғланганлиги;
- ◆ иқтисодий муносабатларнинг ривожланганлик даражаси;
- ◆ бюджет маблағларининг намоён бўлиш шакллари ва ҳ.к.

Бу омилларнинг қўшилиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг маълум бир босқичида ҳар қандай давлат бюджет харажатларининг у ёки бу тизимини вужудга келтиради.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида бюджет харажатларининг ва шунга мос равишда бюджет сиёсатининг роли ва аҳамиятини аниқлаш учун уларни маълум белгиларга кўра туркумлаштириш мақсадга мувофиқ. Назария ва амалиётда бюджет харажатларини классификация қилишнинг бир неча белгилари мавжуд. Улар ўзларининг:

- ◆ иқтисодий мазмуни;
- ◆ функционалиги;
- ◆ ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги роли;
- ◆ ишлаб чиқариш тармоқлари ва фаолият турлари ёки идоравий бўлиниши;
- ◆ ижтимоий мўлжалланганлиги;

- ◆ ҳудудий туркумланиши;
- ◆ маълум мақсадлари;
- ◆ юридик нуқтаи назардан ёки давлат бошқаруви даражасига кўра алоҳида гуруҳларга ажратилиши мумкин.

Иқтисодий мазмунига кўра бюджет харажатлари капитал ва жорий харажатларга бўлинади. Бу харажатлар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига уларнинг қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини ифодалайди.

Бюджетнинг капитал харажатлари инновацион ва инвестицион фаолиятга йўналтирилган харажатлардир. Бу харажатларнинг таркибига:

а) тасдиқланган инвестицион дастурга мувофиқ ҳаракатдаги ёки янгидан ташкил этилаётган юридик шахсларга инвестициялар учун мўлжалланган харажатлар;

б) юридик шахсларга инвестицион мақсадлар учун бюджет кредитлари сифатида бериладиган маблағлар;

в) кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ капитал таъмирлашни амалга ошириш харажатлари ва шу билан боғлиқ бошқа харажатлар;

г) амалга оширилиши давлат мулкига тегишли бўлган мулкни ошириш ёки уни янгидан яратишга олиб келадиган харажатлар;

д) бюджет харажатларининг иқтисодий туркумланишига мувофиқ бюджетнинг капитал харажатлари таркибига киритиладиган бошқа харажатлар киреди.

Бюджетнинг капитал харажатлари таркибида тараққиёт бюджети шакллантирилиши мумкин.

Давлат ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бюджет ташкилотларининг жорий фаолиятини таъминлашга йўналтирилган бюджет харажатлари, бошқа бюджетлар ва иқтисодиёт алоҳида тармоқларига дотация, субсидия ва субвенция шаклида кўрсатиладиган, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар ва бюджет харажатларининг туркумланишига мувофиқ капитал харажатларнинг таркибига киритилмаган бошқа харажатлар бюджетнинг жорий харажатлари дейилади.

Аниқроқ айтганда, бюджетнинг жорий харажатлари таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ◆ давлат истеъмоли харажатлари (иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани, миллий хўжаликнинг давлат тармоқларини сақлаш, фуқаролик ва ҳарбий характердаги товарлар ва хизматларни сотиб олиш, давлат муассасаларининг жорий харажатлари);

- ◆ ҳокимиятнинг қуйи органлари, давлат корхоналари ва хусусий корхоналарга жорий субсидиялар;

- ◆ трансферт тўловлари<sup>50</sup>;

- ◆ давлат қарзлари бўйича фоизларни тўлаш;

- ◆ бошқа харажатлар.

Бу харажатлар оддий бюджетда ёки жорий харажатлар ва даромадлар бюджетида акс этган чиқимларга мос келади.

Такрор ишлаб чиқаришдаги ролига кўра бюджет харажатлари миллий иқтисодиётга (хўжаликка) қилинадиган харажатлар ва ижтимоий соҳа ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларига бўлинади. Бу харажатларга, энг аввало, давлат корхоналари ва давлат улуши бор бўлган корхоналарнинг устав капитални шакллантириш, уларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш, давлат моддий захираларини яратиш харажатлари киради.

Бюджетнинг ижтимоий соҳа ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳам ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган харажатлардир. Бу харажатлар истеъмол фондларини шакллантириш билан боғлиқ. Уларнинг бир қисми жамият аъзоларининг индивидуал эҳтиёжларини, бошқа бир қисми эса бутун жамиятнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. Бу ерда бюджет харажатлари ижтимоий истеъмол фондларини (мамлакатнинг мудоффаа фонди, илмий тадқиқотлар фонди ва бошқалар) шакллантиришни тўлиқ, шахсий истеъмол фондларини эса қисман (номарказлаштирилган молиявий ресурслар билан биргаликда) таъминлайди. Шунингдек, бюджет маблағларининг катта қисми шахсий истеъмол фондларининг ижтимоий

<sup>50</sup> Бу ерда нималар назарда тутилмапти?

истеъмоал фондларига (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар баҳоси ўртасидаги фарқларни қоплаш, кўп болали ва кам таъминланган oilаларга нафақалар фондлари ва бошқалар) тегишли бўлган қисмини шакллантиришда кенг фойдаланилади.

Функционал нуқтаи назардан бюджет харажатларининг классификация қилиниши пул маблағларининг ижтимоий фаолият соҳаларига йўналтирилганлигини акс эттиради. Бунда бюджет харажатлари қуйидаги йирик гуруҳларга бўлиниши мумкин:

- ◆ давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш;
- ◆ суд ҳокимияти;
- ◆ халқаро фаолият;
- ◆ миллий мудофаа;
- ◆ ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;
- ◆ фундаментал tadқиқотлар ва илмий-техника тараққиётини таъминлаш;
- ◆ саноат, энергетика ва қурилиш;
- ◆ қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик;
- ◆ атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, гидрометеорология, хариташунослик ва геодезия;
- ◆ транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика;
- ◆ уй-жой коммунал хўжалиги;
- ◆ маориф;
- ◆ соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия;
- ◆ маданият, санъат ва кинематография;
- ◆ оммавий ахборот воситалари;
- ◆ давлат қарзига хизмат қилиш;
- ◆ бошқа даражадаги бюджетларга молиявий ёрдам;
- ◆ мақсадли бюджет фондлари;
- ◆ давлат захиралари ва резервларини тўлдириш;
- ◆ ижтимоий сиёсат;
- ◆ бошқа харажатлар.

Бюджет харажатларининг юқоридаги тартибда класси-

фикация қилиниши ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги бюджет сиёсати ва давлатнинг ролини кўрсатади.

Бюджет харажатларининг тармоқ белгиси бўйича гуруҳларга ажратиш асоси сифатида миллий иқтисодиёт (хўжалик)нинг умумэтироф этилган тармоқларга бўлиниши қабул қилинган. Шунга мувофиқ, бюджет харажатлари саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, давлат бошқаруви, муҳофаа ва ҳ.к. харажатларга бўлиниши мумкин. Бюджет харажатлари миллий иқтисодиёт (хўжалик) тармоқларининг пул фондларини шакллантиришда мустаҳкам молиявий асос яратиш билан биргаликда, харажатларнинг тармоқлараро бўлиниши молиявий ресурсларни тақсимлашдаги нисбатларни аниқлашга ҳам имкон беради, миллий хўжаликнинг тармоқ таркибий тузилишини керакли йўналишда ўзгартиради. Масалан, ҳозирги пайтда мамлакатимизда яратилган миллий даромаднинг ҳажми бюджет маблағларининг катта қисмини ижтимоий соҳа ва аҳолини бевосита ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш имконини беради. Бир вақтнинг ўзида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини (машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, электроэнергетика ва бошқалар) катта қўламада бюджетдан молиялаштириш ҳам таъминланади.

Идоравий белгига кўра бюджет харажатларининг классификация қилиниши бюджет ассигнованияларини олувчи вазирлик, бошқа давлат муассасаси ёки юридик шахснинг ажратиб олинishiга имкон беради. Бюджет харажатларининг ана шундай классификация қилиниши натижасида бошқарув тизимининг ўзгариши билан боғлиқ харажатлар тузиламасидаги ўзгаришлар ўз вақтида кўрсатилади.

Ижтимоий мўлажалланганлиги бўйича бюджет харажатларининг иқтисодий гуруҳларга ажратилиши давлатнинг тоифаси ва у томонидан бажарилаётган функцияларни бюджет сиёсати орқали ўзида акс эттиради. Ана шунга мувофиқ равишда бюджетнинг барча харажатларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:



- ◆ ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- ◆ миллий хўжаликка (иқтисодиётга) харажатлар;
- ◆ ҳарбий (мудофаа) харажатлар(и);
- ◆ бошқарув харажатлари;
- ◆ ривожланаётган мамлакатларга субсидиялар ва кредитлар тақдим этиш харажатлари.<sup>51</sup>

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ўз таркибига маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий таъминот, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар баҳоларидаги фарқларни бюджетдан қоплаш ва оилаларга ижтимоий нафақаларни олади. Давлатнинг ижтимоий функциясини ўзида акс эттириб, бу гуруҳдаги бюджетнинг харажатлари халқ таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, фан ва маданиятни молиялаштиришга, аҳолининг тиббий хизматга бўлган талабини (эҳтиёжини) қондиришга, ижтимоий сугурта ва ижтимоий таъминотни амалга оширишга кенг йўл очиб беради.<sup>52</sup>

Таълим ва соғлиқни сақлашнинг текинлиги ҳамон устуворлигича қолаётти. Умумий таълимни текин ва касбий таълимни танлов асосида олиш кафолатланганлигича қоламоқда. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Иш ҳақининг энг кам даражасини ошириш, ишсизлик бўйича берилиши лозим бўлган нафақаларнинг миқдорини кўпайтириш, мактаб ёшигача бўлган болалар, мактаб ўқувчилари, талабаларнинг овқатланиш харажатларини компенсация қилиш, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини тартибга солиш бўйича чоралар кўриломоқда.

Миллий хўжаликка (иқтисодиётга) бюджетдан харажатларнинг қилиниши давлатнинг ҳамон хўжалик юритувчи асосий

<sup>51</sup> Бундай харажатларнинг объектив зарурлиги нимадан билан белгиланади? Уларни амалга оширишдан воз кечиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

<sup>52</sup> Бу турдаги харажатларнинг самарадорлигини қандай баҳолайсиз? Бу соҳадаги вазиятни яхшилаш учун нимадан қилиш керак?

субъектлардан бири эканлигидан дарак беради. Айнан бу харажатлар катта қўламларда янги саноат корхоналарини куриш, замонавий индустриал асосда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, транспорт, алоқа ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини техникавий қайта қуролантиришга имкон яратади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда бюджетнинг мазкур харажатлари орасида иқтисодиётга харажатлар ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳозирги шароитда такрор ишлаб чиқариш жараёнларига ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга бюджетнинг маълум мақсадларга йўналтирилган таъсирчанлиги кучаймоқда. Бюджет харажатлари иқтисодиёт ривожига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидаги (масалан, Германия, Япония, Жанубий Корея, Тайван ва бошқа мамлакатларда) «иқтисодий мўъжиза» айнан давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида содир бўлди.

Бюджетнинг миллий хўжаликка (иқтисодиётга) йўналтирилган харажатлари таркиби илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, иқтисодий ва ижтимоий инфратузилама, қишлоқ хўжалигини ва иқтисодиётнинг давлат тармоқларини қўллаб-қувватлаш, миллий хўжаликнинг айрим тармоқлари ва мамлакат минтақаларида бандликни таъминлаш, экспортни рағбатлантириш харажатларидан иборат.

Кейинги йилларда давлат капитал қўйилмаларининг ҳажми кескин ошмоқда. Хусусий фирмаларга, айниқса, тараққиёт минтақаларига берилаётган субсидиялар миқдори кўпаймоқда. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида унинг айрим тармоқларида давлат кафолати остида давлат субсидиялари ёки имтиёзли банк кредитлари кўринишида танланма ёрдам кўрсатилаёпти.

Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоғига бюджетдан катта миқдордаги маблағлар тақдим этилаёпти. Бу тармоқ устувор равишда қўллаб-қувватланиши лозим бўлган тармоқ ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига бериладиган субсидиялар икки кўринишда тақдим этилмоқда:

1) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига кафолатланган баҳоларни қўлаб-қувватлаш;

2) ишлаб чиқариш мақсадлари – қишлоқ хўжалиги машиналари, минерал ўғитлар сотиб олиш, омборхоналар қуриш ва ҳ.к.лар учун.

Миллий маҳсулотларни экспорт қилувчи фирмалар фаолиятига бюджетдан ёрдам кўрсатилиши жаҳон бозорларидаги шиддатли рақобат шароитида уларнинг аҳволини анча енгилаштиради.

Давлатнинг бюджет харажатлари орқали иқтисодиётга аралашуви иқтисодий ўсишнинг нисбатан юқори суръатларда бўлишини рағбатлантирибгина қолмай, балки унинг даврий тебранишини ҳам юмшатади (секинааштиради).

Бюджетнинг ҳарбий (мудофаа) харажатлари<sup>53</sup> ҳам давлатнинг функцияларидан келиб чиқади. Улар ҳар бир давлатнинг ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаши билан боғлиқдир. Бюджет маблағлари ҳисобидан Қуроли Кучларнинг барча турлари молиялаштирилади.

Ҳарбий (мудофаа) харажатлар(и) тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) харажатларга бўлинади. Тўғри (бевосита) ҳарбий харажатлар стратегик қурооларни ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш, Қуроли Кучларнинг шахсий таркибини тайёрлаш ва сақлаш, ҳарбий характердаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш харажатларидан иборат бўлиши мумкин. Бу турдаги ҳарбий (мудофаа) харажатлар(и) уруш харакатлари содир этилаётган пайтда ва мамлакат иқтисодиётининг милитаризациялашуви шароитида кескин ошади.

Эгри (билвосита) ҳарбий (мудофаа) харажатлар(и)га уруш ногиронлари ва вафот этганлар оилаларига бериладиган пенсия ва нафақалар, фуқаролик идораларининг моддалари бўйича ўтадиган харажатларнинг (масалан, йўл ва стратегик объектларни қуриш харажатлари) бир қисми киради.

Давлат томонидан бошқарув шаклидаги фаолият турининг амалга оширилиши, унинг хўжалик-ташқилотчилик

<sup>53</sup> Ҳозирги шароитда бу харажатларни кескин қисқартириш мақсадга мувофиқми? Агар шундай қилинса, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

функцияси бюджетдан бошқарув харажатлари<sup>54</sup> деб номланган алоҳида харажатлар қилинишини тақозо этади. Бошқарув (давлат ҳокимияти органлари, суд ва прокуратура органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари) харажатлари давлат органлари фаолиятининг молиявий асосини ташкил этиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларига раҳбарлик қилишга имкон яратади.

Ривожланаётган мамлакатларга субсидиялар ва кредитлар бериш ривожланган мамлакатлар бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади. Бундай ёрдам фақат иқтисодий омиллар билан эмас, балки сийсий жиҳатлари билан характерланади. Имтиёзли шартларда кредитлаштириш ва қайтаримайдиган тарзда ёрдам кўрсатиш унинг кўринишларидандир.

Бюджетнинг барча харажатлари юқоридаги бешта гуруҳдан қайси бирига киришидан қатъи назар, улар ўзларининг маълум аниқ мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича ҳам бир неча қисмларга бўлинади. Бу қисмлар бюджет харажатларининг аниқ турларидан таркиб толади. Капитал қўйилмалар, дотациялар, субвенциялар, субсидиялар, бюджет ссудалари<sup>55</sup>, иш ҳақи, овқатланиш харажатлари, капитал ва жорий ремонт, канцелярия ва хўжалик харажатларини бюджет харажатларининг конкрет турлари сифатида кўрсатиш мумкин. Бюджет харажатларининг маълум мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича туркумланиши бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга шароит яратади, бюджет ассигнованияларидан фойдаланиш устидан самарали ва таъсирчан молиявий назоратни амалга оширишнинг зарурий асоси ҳисобланади.

Бюджет харажатларини иқтисодий нуқтаи назардан туркумларга ажратиш билан бир қаторда ташкилий жиҳатдан ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунинг асосида бюджет харажатларини юқори ташкилотлар (вазирликлар, уюшмалар,

<sup>54</sup> Бу ерда бюджет харажатларини қисқартиришнинг қандай резервлари бўлиши мумкин?

<sup>55</sup> Уларнинг бир-биридан қандай фарқланишини кўрсатиб бера оласизми?

ассоциациялар, бирлашмалар, концернлар, компаниялар ва ҳ.к.) ва ҳудудий белгилари ётиши мумкин. Бюджет харажатларининг юқори ташкилотлар бўйича гуруҳланиши бюджет маблағларини аниқ олувчиларни кўрсатади ва улар тармоқ ичида пул фондаларини шакллантиришда масъул бўлиб, ажратилган бюджет ассигнованияларидан ўз вақтида, самарали ва қонуний фойдаланиш устидан жавобгардирлар.

Бюджет харажатларининг ҳудудий белгига мувофиқ бўлиниши улар марказлашувининг турли даражаларини ўзида акс эттиради. Давлат бошқаруви даражаси ва юридик нуқтаи назардан бюджет харажатлари уч гуруҳга кировчи харажатлардан таркиб топади:

- ◆ давлат бюджети харажатлари;
- ◆ республика бюджети харажатлари;
- ◆ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг харажатлари.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига кўра, давлат бюджети харажатлари қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- ◆ бюджетдан маблағ олувчиларнинг жорий харажатлари;
- ◆ жорий бюджет трансфертлари;
- ◆ капитал харажатлар (асосий фондар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш, чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олиш, давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш, давлат захираларини вужудга келтириш харажатлари);
- ◆ капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган трансфертлар;
- ◆ резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари;
- ◆ давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари;
- ◆ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар.

Ўз навбатида, республика бюджети харажатларининг тар-

киби қуйидагилардан иборат (юқоридаги қонуннинг 16-моддаси):

- ♦ республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларнинг жорий харажатлари;
- ♦ жорий бюджет трансфертлари;
- ♦ капитал харажатлар (асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш, чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олиш, давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш, давлат захираларини вужудга келтириш харажатлари);
- ♦ капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари;
- ♦ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;
- ♦ резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари;
- ♦ давлат мақсадаи жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари;
- ♦ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари қуйидаги шаклларда амалга оширилади (тегишли қонуннинг 19-моддаси):

- ♦ Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари;
- ♦ жорий бюджет трансфертлари;
- ♦ капитал харажатлар (асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш, давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш);
- ♦ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида бюджетнинг харажатлари унинг даромадлари билан узвий боғланган. Бундай ўзаро боғлиқлик харажатларнинг миқдорий жиҳатдан даромадларга мувофиқ келиши ва уларнинг бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиши орқали ифодаланади. Аксарият ҳолларда бюджет харажатларининг ҳажми бюджет даромадлари ҳажми билан чекланади. Ўз навбатида, бюджет даромадлари ҳажми давлатнинг иқтисодий имкониятлари билан аниқланади. Шунинг учун ҳам бу ерда бюджет харажатларининг шундай ҳажмини ва миллий хўжаликда пул фондларини шакллантиришда бюджет маблағларидан фойдаланишнинг шундай муддатларини ўрнатиш керакки, улар минимал харажатлар қилиб, максимал самарага эришиш орқали давлат олдидagi ижтимоий-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли бажарилишини таъминласин. Бошқа томондан эса ишлаб чиқаришнинг ўсишига ижобий таъсир қилиш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш ва миллий хўжаликдаги пропорцияларни оптималлаштириш орқали бюджетнинг харажатлари унинг даромадлари даражаси ортишига ўз таъсирини кўрсатади.

Бюджет харажатлари ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бориши уларни миллий хўжаликнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳолашни жуда долзарб муаммога айлантириб қўяди. Бунда миллий хўжаликнинг якуний натижасини баҳолаб, фақат унга тегишли бўлган даромадларнинг қўшимча равишда ўсганлигига эътибор бериш билан чекланиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ерда жамиятнинг ижтимоий тараққиёт даражаси, ижтимоий муаммоларнинг қай даражада ҳал этилганлиги ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Албатта, миллий хўжаликнинг якуний натижаси бюджет харажатларининг умумий ҳажмига, уларнинг таркибий тузилишига, бюджет маблағларидан тўғри, иқтисод қилиб ва самарали фойдаланишга бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда бюджет харажатларининг илмий асосланган ҳолда режалаштирилишига, бюджет ассигнованияларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратнинг бутун тизимига алоҳида эътибор бериш лозим.

Миллий хўжаликни молиявий тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири ҳам бюджет харажатларидир. Бу ерда, одатда, молиявий тартибга солиш дейилганда, миллий хўжаликдаги оқилona пропорцияларни таъминлаш мақсадида бюджет маблағларини тармоқлар ва ҳудудлар бўйича тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг шакллари ва методлари мажмуи тушунилади. Миллий хўжаликни молиявий тартибга солишнинг объектив зарурилиги катта ўзгарувчанлик билан характерланадиган унинг мураккаб организми бўлган турли қисмларида молиявий ресурсларни жамғариш суръатларининг турличалиги билан изоҳланади. Бюджет ресурсларини сарф қилиш орқали давлат пул маблағларини тақсимлашда вужудга келган пропорцияларни ўзгартириши ва бунинг оқибатида баъзи бир тармоқларнинг (ҳудудларнинг) ривожланишини тезлаштириши ва бошқаларининг ривожланишини рағбатлантирмасдан, миллий хўжаликнинг ривожланишини тартибга солиши мумкин. Бюджет маблағларининг катта қисмини муҳим ишлаб чиқариш-ҳудудий комплексларни ривожлантиришга сарфлаш секин-асталик билан чуқур сифат ўзгаришлари содир бўлишига – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмаси ўзгаришига олиб келади.

Мамлакатнинг миллий хўжалигини молиявий жиҳатдан тартибга солиш бюджет даромадларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштириш жараёnlари давомида амалга оширилади. Режалаштириш жараёнининг ўзидаёқ бюджет харажатларининг умумий ҳажми горизонталига (тармоқ, назирлик ва мақсадли кесимларда) ва вертикалига (бошқарувнинг турли даражаларига мувофиқ равишда) тақсимланиб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг содир бўлиши учун тегишли шароит яратилади. Бюджетдан молиялаштириш жараёнида эса давлат ўзининг ихтиёрига келиб тушаётган пул маблағларини режалаштирилган тадбирлар доирасида ва ундан ташқарида кенг манёвр қилиш имконига эга бўлади. Маблағларни аниқ тақсимловчиларга бюджет кредитларини очиш, бюджет ассигнованияларини бериш ва улардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилиб, иқтисодиётнинг ривожланиши устидан молия органлари



диққат билан кузатувни амалга оширадилар ва зарур ҳолларда тақсимланаётган бюджет маблағларининг пропорцияларини ўзгартирадилар.

Бюджетда даромадларни харажатларнинг конкрет турлари ва йўналишлари бўйича бириктирилиши принципи бўлмаганлиги учун бу ерда бюджет ресурслари билан кенг манёвр қилиш ва шунга мувофиқ равишда давлатнинг ихтиёрига келиб тушувчи пул маблағларидан ҳар қандай зарур йўналишда фойдаланилиши мумкин.

Бюджет харажатларининг таркиби ва унинг тузиламаси давлатнинг табиатига, у томонидан бажарилаётган функцияларга, миллий хўжаликнинг эҳтиёжларига боғлиқ ҳамда бюджет механизми орқали ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг баъзи бир омилларига давлатнинг таъсирчанлигини таъминлаш кабилар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг кейинги йилларга тегишли бўлган таркиби ва уларнинг ўртача тузиламаси тўғрисида қуйидаги маълумотлар маълум бир тасаввурни ҳосил қилишга ёрдам бериши мумкин, яъни ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг ярмидан кўпроғини (56,55%) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ташкил этмоқда. Бу харажатларнинг таркибида асосий ўринни маориф (32,65%), соғлиқни сақлаш (11,82%) ва oilаларга ижтимоий нафақалар (9,56%) эгалламоқда. Умумий ҳолда эса ана шу уч гуруҳдаги харажатлар давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга мўлжалланган маблағларнинг 95,02% га тенг бўлмоқда.

Умуман олганда, давлат бюджетининг бу гуруҳга кирувчи харажатлари ёш авлодни тарбиялаш ва уларга замонавий билим бериш, миллий хўжалик учун зарур бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, аҳолига малакали тиббиёт хизмати кўрсатиш, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотни янада яхшилаш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги мураккаб шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ма-

салаларига Ўзбекистонда қандай эътибор берилётганини яққол кўрсатмоқда.

Иқтисодиёт харажатлари ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари ўз салмоғига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг харажатлари таркибий тузилмасида кейинги ўринни эгаллаб, уларнинг ҳар бирига бюджет харажатларининг 11,97% ва 7,51% қисмлари тўғри келаяпти. Бу рақамлар бюджет маблағлари ҳисобидан мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш ва ўзгартириш, миллий хўжалик секторларида иқтисодий самарадорликнинг ўсишини таъминлаш, илмий-техника тарққиётининг ўсиш суръатларини тезлаштириш, ягона техникавий сиёсатни юргизишга жиддий эътибор қаратилаётганидан дарак беради.

### **3.3. Бюджетдан молиялаштириш ва бюджет сиёсати**

Бюджет харажатларидан фойдаланиш бюджетдан молиялаштириш орқали амалга оширилади ва бу нарса бюджет сиёсатининг амалда намоеън бўлиш шаклларида бири ҳисобланади. Бюджет сиёсатининг таъсирчанлигини, кўп жиҳатдан, бюджетдан молиялаштириш тартиби, принциплари, усуллари, шакллари ва методлари белгилаб беради. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, бюджетдан молиялаштириш дейилганда, режада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун субъектларга бюджетдан маблағларни тақдим этиш тизими тушунилади. У пул маблағларини тақдим этишнинг ўзига хос шакл ва методлари билан характерланади ҳамда маълум бир принципларга таянади. Бюджетдан молиялаштириш принциплари, шакллари ва методлари бу тизимнинг таркибий элементлари ҳисобланади ва унинг амал қилиш натижаларига ўз таъсирини кўрсатади. Муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳал этилаётган ва шунга мувофиқ равишда бюджет сиёсати юргизилаётган ҳозирги пайтда оқилона ва самарали бюджетдан молиялаштириш тизимининг аҳамияти янада ортади.

Бюджетдан молиялаштиришнинг оқилона тизимини таш-

кил этишда, энг аввало, молиялаштириш принциплари муҳим роль ўйнайди. Қолаверса, бюджет сиёсатининг жуда кўп жиҳатлари (муваффақияти, самарадорлиги, таъсирчанлиги, натижаллиги ва ҳ.к.) ана шу принципларга қай даражада риоя этилаётганига бевосита боғлиқ. Амалиётда фойдаланилаётган бюджетдан молиялаштиришнинг принципларини умумий ва хусусий гуруҳларга бўлиш мумкин. Умумий принциплар бюджетдан маблағ оладиган барча субъектларнинг фаолиятига тегишлидир. Хусусий принциплар эса субъектлар фаолиятининг ташкил қилинишига боғлиқ равишда бюджет маблағларининг тақдим этилиш тартибини белгилаб беради.

Бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

♦ **минимум харажат қилиб, максимум самара олиш.** Бюджет маблағлари улардан фойдаланишнинг энг юқори самараси таъминлангандагина тақдим қилиниши керак.<sup>56</sup> Бундай самара, бир томондан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг турли вазифаларини ечиш, иккинчи томондан, бюджет ассигнованияларини олувчиларнинг даромадлари ўсиши ҳисобидан пул маблағларининг бюджетга қайта оқиб келиши билан ифодаланиши мумкин. Бюджет сиёсати баҳо берилаётганда минимум харажат қилиб, қанчалик максимум самарага қандай эришилганлиги инобатга олинади;

♦ **бюджет ассигнованияларидан фойдаланишнинг мақсадли характердалиги.** Юридик шахслар олдиндан мақсадлари аниқланган ва тасдиқланган бюджет асосида бюджетдан маблағ олиши мумкин. Бу принципга қатъий риоя қилиш бюджет ассигнованияларидан самарасиз фойдаланишга тўсқинлик қилади ва бюджет сиёсатининг ҳам муваффақиятини белгилаб беради;

♦ **кўзда тутилган режаларнинг бажарилиши ва олдин берилган ассигнованияларнинг фойдаланилганлигини инобатга олган ҳолда бюджет маблағларини тақ-**

<sup>56</sup> Амалиётда ҳамма вақт ҳам бу нарсага қатъий риоя қилинаётганими? Ҳақиқий аҳвол қандай?

**дим этиш.** Бюджетдан молиялаштиришнинг тегишлан кўрсаткичларнинг бажарилишига бевосита боғлиқлиги молиявий органларга корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолияти устидан самарали ва таъсирчан назоратни амалга оширишга имкон беради. Бу, ўз навбатида, бюджет сиёсатининг муваффақиятини таъминлашда муҳим роль ўйнайди;

♦ **бюджет ассигнованияларининг қайтариловчан эмаслиги.** Бюджет ассигнованиялари субъектларга уларни мажбурий равишда бюджетга қайтармаслик шарти билан тақдим этилади. Бундай шароитда субъектлар бюджет ассигнованияларига бўлган ҳақиқий (реал) талабининг бюджет сиёсатида тўлиқ акс этиши муҳим аҳамиятга эга;

♦ **бюджет ассигнованияларининг текинлиги.** Бюджетдан ассигнованиялар субъектларга фоиз кўринишида қандайдир даромадларни давлатга тўламасдан ёки ассигнованияларни тўлашнинг бошқа кўринишларисиз ажратилади. Бундай вазиятда субъектларда боқимандалик кайфиятини шакллантирмаслик бюджет сиёсатида ўзига хос тарзда акс этмоғи лозим.

Бюджетдан молиялаштириш амалиётида умумий принциплар билан биргаликда хусусий принциплардан ҳам фойдаланилади. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

♦ бюджет ассигнованияларини фақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш харажатларига ажратиш;

♦ бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда «қолдиқ» ёндашуvidан фойдаланиш<sup>57</sup>;

♦ бюджетдан молиялаштиришдан режалаштирилаётган харажатларни кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш<sup>58</sup>;

♦ корхоналарнинг молиявий ҳолатини бюджетли тартибга солиш принципи ва бошқалар.

Бюджет ассигнованиялари амалиётида бюджетдан молиялаштиришнинг турли усулларида фойдаланилади. Унинг қуйидаги икки усулини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

♦ **«нетто-бюджет» тизими бўйича молиялаштириш.**

<sup>57</sup> Бунинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатиб бера оласизми?

<sup>58</sup> Бундай йўл тутишнинг сабаблари нималардан иборат?

Пура маблағларини тақдим этишнинг бу усули шу билан характерланадики, унга кўра, бюджет ассигнованиялари тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларнинг чекланган бир қисмига ажратилади;

♦ **«брутто-бюджет» тизими бўйича молиялаштириш.**

Бу усул бюджетдан тўлиқ молиялаштириладиган корхона ва ташкилотлар учун қўлланилади. Бюджет ассигнованиялари бу ҳолда бюджет ташкилотини жорий сақлаш ва унинг фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ харажатларнинг барча турлари учун ажратилади.

Пура маблағларини тақдим этишнинг юқорида келтирилган усуллари бюджетдан молиялаштиришнинг қуйидаги шакллари ёрдамида амалга оширилади:

- ♦ бюджет ташкилотини сақлаш учун ассигнованиялар;
- ♦ давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг шартномалари бўйича юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилган товарлар, ишлар ва хизматларни тўлаш учун маблағлар;
- ♦ аҳолига трансфертлар;
- ♦ жисмоний ва юридик шахсларга субвенция ва субсидиялар;
- ♦ қуйи бюджетларга ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига дотация, субвенция ва субсидиялар;
- ♦ ҳаракатдаги (амалдаги) ёки янгидан ташкил этилаётган юридик шахслар устав капиталига инвестициялар;
- ♦ нархлардаги фарқни қоплаш.

Амалиётда бюджетдан молиялаштириш юридик нуқтаназардан қуйидаги икки кўринишда амалга оширилади:

- ♦ харажатларни республика бюджетидан молиялаштириш;
- ♦ харажатларни Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш.

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддасига кўра, республика бюджетидан харажатларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ♦ фан, таълим, маданият, соқлиқни сақлаш, жисмоний

тарбия ва спорт (республикага бўйсунадиган ташкилотлар бўйича);

- ◆ ижтимоий таъминот;
- ◆ мудофаа, миллий хавфсизлик ва жамоат тартиби хизматларини сақлаш;
- ◆ судлар ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлаш;
- ◆ давлат ва сафарбарлик захираларини вужудга келтириш ҳамда уларни сақлаш;
- ◆ давлатнинг марказлаштирилган инвестицияларини амалга ошириш;
- ◆ давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари ҳамда миссиялари фаолиятини таъминлаш;
- ◆ иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги республикага бўйсунадиган бюджет ташкилотларини сақлаш;
- ◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;
- ◆ ер тузиш, мелиоратив, табиатни муҳофаза қилиш ва эпизоотияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- ◆ қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш;
- ◆ гидрометеорология, табиий офатларга қарши кураш чора-тадбирлари;
- ◆ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагиларга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади (юқоридаги қонуннинг 23-моддаси):

- ◆ фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларидан молиялаштирилган бюджет ташкилотлари бўйича);
- ◆ ижтимоий таъминот;
- ◆ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;

♦ Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;

♦ иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджет ташкилотларини сақлаш;

♦ қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;

♦ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Маблағларни бюджетдан тақдим этишнинг методлари бюджетдан молиялаштиришнинг муҳим элементи ҳисобланади. Уларнинг ёрдамида молия органлари бюджетда кўзда тутилган тадбирларни пул маблағлари билан таъминлайди, пул маблағларидан фойдаланишда юқорироқ натижаларга эришиш учун маблағларни қайта ўзгартириб тақдим этишни амалга оширади, молиявий ресурсларни тақсимлашда таркиб топаётган пропорцияларни тартибга солади.

Давлат томонидан моддий ишлаб чиқариш соҳаси ва уй-жой, коммунал хўжаликка қилинадиган харажатлар мамлакат иқтисодиётини молиялаштириш харажатларига киради. Бунда бюджет маблағлари вазирликлар, идоралар ва корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича харажатларга (капитал қўйилмаларга), оддий такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга (субсидиялар, дотациялар ва трансфертлар), операцион харажатлар ва бошқа харажатларга берилади.

Мамлакат иқтисодиётини молиялаштириш харажатлари вазирликлар, идоралар ва корхоналар бўйича режалаштирилади ҳамда бир вақтнинг ўзида маълум мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича кўзда тутилади. Бунда бюджет маблағларининг асосий қисми иқтисодиётнинг устувор тармоқларига, яъни саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва транспортга йўналтирилади.

Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш нуқтаи назаридан капитал қўйилмаларни молиялаштириш иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ишлаб

чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган асосий фондларнинг янгиларини яратиш ва ҳаракатдагиларини кенгайтириш учун пул маблағларини тақдим этишга капитал қўйилмаларни молиялаштириш дейилади. Бюджет ресурслари чекланганлиги учун улар инвестицияларнинг чекланган доирасига, яъни мақсадли дастурларга киритилган ёки ҳокимиятнинг ижроия органлари қарори бўйича амалга оширилаётган инвестицияларга берилади.

Иқтисодиёт харажатларини молиялаштиришнинг муҳим йўналиши юридик шахсларга турли субсидиялар, дотациялар ва субвенциялар беришдир. Бу кўринишдаги бюджет маблағлари давлат, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий корхоналарнинг турли жорий харажатлари ва зарарларини қоплаш учун ажратилади. Ана шундай харажатларнинг асосий қисми ёқилғи-энергетика саноати, агро-саноат комплекси, уй-жой коммунал хўжалиги, шаҳар транспорти ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига йўналтирилади.

Бюджетнинг ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган харажатлари давлат томонидан ижтимоий функциянинг бажарилиши билан боғлиқ. Бу харажатлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ◆ маориф;
- ◆ маданият, санъат ва кинематография;
- ◆ оммавий ахборот воситалари;
- ◆ соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия;
- ◆ ижтимоий сиёсат.

Ижтимоий эҳтиёжлар харажатлари сметади режалаштириш принциплари асосида аниқланади. Бу харажатлар конкрет тадбирлар ва харажатларнинг турлари бўйича молиялаштирилади. Харажатлар ҳажми бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий соҳа ташкилотларида ишлаб чиқиладиган смета ва молия органларида тузилган ассигнованиялар ҳисоб-китоби асосида аниқланади. Ҳисоб-китоблар асосида хизмат кўрсатиладиган контингентларни характерловчи ташкилотлар фаолияти кўрсаткичлари (масалан, ўқувчилар, гуруҳлар, синфлар сони ва ҳ.к.) ётади. Бунда уларнинг йил давомида фаолият кўрсатиш вақти ҳам ҳисобга



олинади. Бу кўрсаткичлар ҳисоб-китоб бирликлари бўлиб хизмат қилади. Ҳисоб-китоб бирлигига тўғри келувчи пулли харажат бюджет ташкилотининг фаолият кўрсатишини ва ривожланишини таъминлайдиган норма бўйича ўрнатилади.

### **3.4. Бюджет сиёсати ва бюджет нормалари (меъёрлари), харажатлар сметаси ва бюджет кредити**

Бюджет сиёсати, маълум маънода, бюджет нормалари (меъёрлари), харажатлар сметаси ва бюджет кредитида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бюджет маблағларини сарф қилишнинг асосий принципи уларнинг маълум мақсадларга мўлжалланганлиги ва вақт бўйича қаттиқ тартибга солинганлигидир. Ташкилот пул маблағларидан сметада кўзда тутилмаган мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Бюджет ташкилоти сметасининг харажатлари уларнинг ёпиқ рўйхатини ўз ичига олиб, таркибига қуйидагилар киради:

- ◆ ходимларнинг меҳнат ҳақини тўлаш;
- ◆ давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига бадаллар;
- ◆ аҳолига трансфертлар (қонунга мувофиқ равишда белгиланган пенсиялар, стипендиялар, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловлар);
- ◆ хизмат сафари харажатлари ва ходимларга берилган бошқа компенсацион тўловлар;
- ◆ сотиб олинishi керак бўлган товарлар, бажарилиши лозим бўлган ишлар ва кўрсатилажак хизматларга ҳақ тўлаш.

Юқорида кўрсатилган харажатлар аниқ эҳтиёжни қондириш ўлчови сифатида пул маблағларининг маълум суммасида ифодаланган **харажатлар (бюджет) нормаси** асосида амалга оширилади. Харажатлар (бюджет) нормасининг илмий жиҳатдан қанчалик асосланганлиги, уларнинг ҳақиқий эҳтиёжни қанчалик тўғри акс эттириши бюджет сиёсатининг муваффақиятини таъминлашда биринчи қадам ҳисобланади. Амалиётда пулли нормаларнинг қуйидаги ҳар хил турларидан фойдаланилади:

♦ моддий бойликлардан фойдаланишнинг натурал кўрсаткичларига асосланган нормалар (овқатланиш, тиббиёт ускуналари, дори-дармонларни сотиб олиш, юмшоқ инвентарлар ва ҳ.к.лар харажатлари нормаси). Бундай нормалар моддий нормаларнинг пулдаги ифодасини намоён этади;

♦ умумлаштирилган якка тартибдаги тўловлар – иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, хизмат сафари харажатлари ва бошқалар;

♦ ўтган даврларда маблағларнинг сарфланиш кўрсаткичларини умумлаштириш асосида тажриба-статистика усули ёрдамида ва бюджетнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда вужудга келтирилган нормалар.

Ўзининг мураккаблик даражасига қараб бюджет нормалари иккига бўлинади:

1) оддий нормалар (харажатларнинг оддий ёки аниқ турига тегишли бўлган нормалар);

2) комбинациялаштирилган ёки йириклаштирилган нормалар (бир неча харажатлар турларини қамраб оладиган, алоҳида бир харажатлар моддасини ва ўхшаш харажатлар моддаларини шакллантирадиган ёки муассасанинг барча харажатларини қамраб оладиган нормалар).<sup>59</sup>

Ҳозирги шароитда ижтимоий соҳа ташкилотларининг барча турдаги харажатларини қамраб оладиган йириклаштирилган нормалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай нормалардан фойдаланиш муассасалар ишини юқори якуний натижаларга эришишга йўналтиради: болаларни ўқитиш, мутахассисларни тайёрлаш, беморларга ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к. Бундан ташқари, йириклаштирилган нормаларнинг қўлланилиши турли харажатлар йўналишида бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтиради ва ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланишда уларнинг манфаатдорлигини кучайтиради.

Бюджет нормалари жуда кўп омиллар таъсири остида ўзгариб туриши мумкин. Масалан, баҳо ва тарифлар тизимининг ўзгариши, миллий хўжалиқда иш ҳақининг ўсиши,

<sup>59</sup> Оддий ва комбинациялаштирилган нормаларнинг афзалликлари ва камчиликлари хусусида нимадир дея оласиз?

маҳаллий бюджетларда харажатларни молиялаштириш бўйича қўшимча имкониятларнинг пайдо бўлиши ана шулар жумлаасидандир.

**Харажатлар сметаси.** Харажатлар сметаси бюджет ташкилотининг молиявий режаси ҳисобланади. Унга қараб конкрет бюджет ташкилотига нисбатан қандай бюджет сиёсати юритилаётганини аниқлаш мумкин. Бюджет ташкилотини молиялаштириш даромад бўлмасдан, фақат ташкилотнинг харажатлари ҳажми ва уларнинг мақсадли йўналтирилганига тенг бўлган маблағларнинг тушувидан иборат бўлганлиги учун смета даромадлар қисмига эга эмас. Смета асосида молия органлари ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатларнинг ҳажмини аниқлайди ва у нарса жорий йилнинг бюджети таркибига киритилади. Бунда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор берилиши керак:

1. Ижтимоий эҳтиёж харажатларининг бир қисми бюджетдан бошқачароқ тарзда молиялаштирилади. Масалан, ана шундай тарзда оммавий ахборот воситалари ва театр-томоша корхоналарининг етишмаган маблағлари таъминланади. Бу корхоналарнинг хизматлари тўловли (ҳақли) бўлса-да, ўз даромадлари уларнинг барча харажатларини қоплашга етмайди. Бундай корхоналарнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги етишмаган фарқ бюджетдан қопланиши керак. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бундай корхоналар аҳволининг қандайлиги ҳам бюджет сиёсатига бориб тақалади.

2. Илм-фанни молиялаштириш<sup>60</sup> бюджет харажатларининг мустақил гуруҳи ҳисобланади. Улар учун бюджетдан маблағлар энг муҳим истиқболли назарий изланишлар ва умумдавлаат мақсадли илмий-техникавий дастурлари бўйича йўналтирилади. Ана шу мақсадлар учун маблағлар бевоқифта илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш билан шуғулланувчи Фанлар академияси, тармоқ академиялари, олий ўқув юрталари, архивлар ва

<sup>60</sup> Бунинг аҳволини қандай баҳолайсиз? Вазиятни кескин ўзгартириш ёки яхшилаш учун нималар қилмоқ даркор?

бошқа ташкилотларга ажратилади. Хуллас, илм-фан тараққиётини ҳам бюджет сиёсатисиз тасаввур этиб бўлмайди.

3. Илмий ташкилотларни молиялаштириш сметали тартибда амалга оширилади. Барча ташкилотларда аниқ мазмулар бўйича харажатлар сметаси тузилади. Харажатларни режалаштириш ва молиялаштириш тартиби бу ерда ижтимоий-маданий эҳтиёжлар харажатларида қўлланиладиган услуб билан бил хилдир.

4. Миллий мудофаа харажатлари давлатнинг функцияларидан келиб чиқади. Мудофаа харажатларининг умумий миқдори ва даражаси қуйидаги турли хилдаги ички ва ташқи омилларга боғлиқ:

- ◆ халқаро вазият;
- ◆ мамлакат ҳудудининг катталигига боғлиқ бўлган чегараларнинг узунлиги ва характери;
- ◆ ҳарбий ишнинг замонавий тараққиёти ва армиянинг техникавий жиҳатдан қуроланганлик аҳволи;
- ◆ шахсий таркиб турмуш даражасини юқори поғонага кўтаришнинг ва Қуроли Кучларда ижтимоий-маданий тадбирларни амалга оширишнинг зарурилиги;
- ◆ мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари ва бошқалар.

Мудофаа харажатлари объектив зарурат бўлишига қарамай, улар ноишлаб чиқариш характерига эга.<sup>61</sup> Шунинг учун ҳам давлатлар тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошира бориб, ҳарбий харажатларни қисқартиришга ҳаракат қилади.

Бюджетда кўзда тутилган миллий мудофаа харажатларининг гуруҳи, асосан, Мудофаа вазирлиги орқали ўтадиган тўғри (бевосита) ҳарбий харажатларни ўз ичига олади. Бу харажатларнинг таркибига армияни сақлаш, қуро-яроғ ва ҳарбий техника сотиб олиш, капитал қурилиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ҳарбий хизматчиларга маош, пенсия ва нафақалар бериш ва бошқа харажатлар киради. Бу харажатларнинг барчаси Мудофаа вазирлигининг махсус сметасида ўз аксини топади ва республика бюджетининг харажатлари таркибига киритилади.

<sup>61</sup> Бу нима дегани?

Миллий мудофаа харажатларини режалаштиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда, биринчи навбатда, Мудофаа вазирлиги бўйича харажатларнинг умумий ҳажми аниқланади. Ундан сўнг эса ҳарбий округлар ва ҳарбий қисмларнинг сметалари тузилади. Бундай тартиб ҳарбий харажатларнинг катта қисми (қурол-яроғ, ҳарбий техника, ёқилғи, озик-овқат ва шунга ўхшашлар) Мудофаа вазирлиги орқали молиялаштирилиши билан изоҳланади.<sup>62</sup>

Тўғри (бевосита) ҳарбий харажатларнинг бошқа бир қисми бюджет харажатларининг бошқа бўлинмалари бўйича молиялаштирилади. Масалан, ички ва чегара қўшинларини сақлаш харажатлари ҳамда хавфсизлик органлари фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўлими орқали молиялаштирилади. Бу харажатларни режалаштириш ва молиялаштириш сметали тартибда амалга оширилади.

Эгри (бивосита) ҳарбий харажатлар бюджетда, асосан, Қуроли Кучлар фахрийлари ва уларнинг оилаларига тўланадиган пенсия ва нафақалардан иборат. Бу харажатлар бюджетнинг ижтимоий ҳимоя бўлими бўйича молиялаштирилади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакат мудофаа қобилиятининг мустаҳкамлигини молиявий жиҳатдан таъминлашда бюджет сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди.

5. Бюджетнинг бошқарув харажатлари қуйидаги гуруҳлардаги харажатлардан иборат:

- ♦ ҳуқуқ-тартибот органлари, судлар ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари.<sup>63</sup> Бу харажатлар жамоатчилик хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга;
- ♦ давлат ҳокимият органларини сақлаш харажатлари

<sup>62</sup> Шу жойда тескари тарзда иш тутилиши мақсадга мувофиқ эмасми? Бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Унинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатинг-чи?

<sup>63</sup> Бу органларни бюджетдан молиялаштирмасдан, ўз-ўзини молиялаштиришга ўтказса яхши бўлмайдими? Бунинг имкони борми? Мазкур тақлиф ҳаётга татбиқ қилинишининг оқибати нималарга олиб келиши мумкин?

Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Конституциявий суд, вазирликлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, дипломатик муассасалар ва бошқа идораларни сақлаш харажатларини ўз ичига олади;

♦ сайловлар ва референдумларни ўтказиш харажатлари ўз ичига депутатлар, Президент, маҳалла оқсоқолларини сайлаш, референдумлар ўтказиш харажатларини олади.

Бошқарув харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш худди ижтимоий эҳтиёж харажатлариникидек тартибда амалга оширилади.

Бошқарув борасида тўғри қарорларнинг қабул қилиниши, унинг самарадорлиги, жамоатчилик хавфсизлигини таъминлаш, самарали фаолият кўрсатувчи бошқарув органларини шакллантиришни бюджет сиёсатидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

**Бюджет кредити.** Замонавий бюджет сиёсати намоён бўлиши шаклларида бири бюджет кредити ҳисобланади. Чунки ҳозирги пайтда сарфланган маблағлари бюджетга қайтарилмайдиган (тикланмайдиган) бюджетдан молиялаштириш билан бир қаторда бюджет кредитларини бериш орқали корхоналарни кредитлаштириш ривожлана бошлади. Бюджет кредитлари тижорат банклари кредитлари ва бюджет ассигнованиялари ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайди. Бир томондан, бюджетдан молиялаштиришдан фарқли равишда бу кредитлар қайтарилиш ва тикланиш шарти билан берилса, иккинчи томондан, бу ссудалар бўйича фоизлар умуман олинмайди<sup>64</sup>, олинса, уларнинг даражаси банк кредитларининг фоизлари даражасидан анча паст бўлади.<sup>65</sup> Бу эса корхоналарни кредитлаштириш доирасини анча кенгайтиради ва бу жараёнда бюджет сиёсатининг конкрет намоён бўлиш шакли сифатида бюджет кредитининг ролини кўрсатади.

<sup>64</sup> Бу нарса иқтисодий категория сифатида кредитнинг иқтисодий табиати билан қандай мувофиқлаштирилиши мумкин? Бу ерда тегишли қоида бузилаётганими? Бузилаётган бўлса, нега бузилаётгани?

<sup>65</sup> Нега шундай бўлиши керак? Бунинг сабаби нимада? Бу борада қандай аргументларни келтира оласиз?

Бюджет кредитлари давлат корхоналарига, шунингдек, хусусий юридик шахсларга ҳам берилиши мумкин.<sup>66</sup> Биринчи ҳолатда бюджет кредитлари бюджетда кўзда тутилган лимитлар чегарасида ва шартларда тақдим этилади. Иккинчи ҳолатда эса бюджет кредити шартнома асосида ва фақат қарз олувчи томонидан кредитни қайтариш бўйича ўз мажбуриятини бажариш борасида кафолат берилган шартдагина берилиши мумкин. Бюджет кредитини қайтариш бўйича мажбуриятни ижро этишни таъминлашнинг усуллари фақат берилаётган бу кредитнинг 100% дан кам бўлмаган миқдордаги банк кафолатлари, мол-мулк гарови, шу жумладан, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар, бадаллар кўринишидаги гаровлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Мажбуриятларни ижро этиш таъминоти юқори даражадаги ликвидликка эга бўлиши керак. Молия органлари томонидан қарз олувчининг молиявий аҳволини олдиндан текшириш ва олдин берилган бюджет кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзларнинг мавжуд эмаслиги бюджет кредитларини тақдим этишнинг мажбурий шартларидир.

Навбатдаги йил учун бюджет тасдиқланаётган пайтда бюджет кредитлари берилаётган мақсадлар, уларни тақдим этишнинг шартлари ва тартиби кўрсатилади. Бир вақтнинг ўзида, ана шулар билан биргаликда бюджет йили доирасидаги муддатда ва ундан четга чиқадиган муддатларда тақдим этилиши мумкин бўлган бюджет кредитларининг лимитлари ҳамда қарз олувчи субъектлар бўйича чекланмалар ўрнатилади.

### **3.5. Бюджет харажатларини сарфлаш масалалари ва вазифалари, уларнинг бюджет сиёсати билан ўзаро боғлиқлиги**

Ҳозиргача бюджет харажатлари бўйича бир неча камчилик-нуқсонлар мавжуд бўлиб, улар амалда бюджет сиёсати натижаларининг қандайлигини кўрсатиб бериши мумкин.

<sup>66</sup> Бюджет кредитининг давлат корхоналари билан бир қаторда хусусий юридик шахсларга ҳам берилишини қандай баҳолайсиз? Шу тўғрими?

Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

♦ бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан паст<sup>67</sup>;

♦ бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш амалиёти нисбатан кенг тарқалган<sup>68</sup>;

♦ бюджет даромадалари бўйича режалар бажарилмаган шароитда харажатлар айрим йўналишларининг молиялаштирилиши непропорционалдор;

♦ бюджет харажатлари давлат ижтимоий сиёсатининг пишиб етилган муаммоларини тўлиқ ҳал эта олмапти<sup>69</sup>;

♦ субъектларга тўловлар бўйича қарзлар доимий равишда ошиб борапти<sup>70</sup>;

♦ миллий хўжаликка давлат инвестицияларининг қўлами нисбатан қисқармоқда<sup>71</sup> ва бошқалар.

Юқоридаги камчилик-нуқсонларнинг мавжудлиги бюджет харажатлари бўйича бажарилиши лозим бўлган асосий назифаларни белгилаб олишни ва уларнинг ўз вақтида бажарилишини тақозо этади. Ҳозирги шароитда бундай назифалар қаторига қуйидагилар кириши мумкин:

♦ энг самарали ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларга бюджет маблағларини концентрация қилиш, ижтимоий харажатларни молиялаштиришнинг устуворлигини таъминлаш;

♦ субъектларга тўловлар бўйича қарзларни кескин қисқартириш ва уларнинг тўлиқ қайтарилишига эришиш;

♦ иқтисодиётнинг устувор соҳаларида инвестицияларни давлат томонидан молиялаштиришни кенгайтириш;

♦ лойиҳаларни молиялаштиришнинг давлат-тижорий амалиёти<sup>72</sup>ни кенгайтириш асосида инвестицион жараёнларнинг номарказлашувини давом эттириш;

<sup>67</sup> Унинг пастлигини қандай аниқласа бўлади?

<sup>68</sup> Бундай ҳолатнинг вужудга келаётганлигига нималар сабаб бўлмоқда?

<sup>69</sup> Нега?

<sup>70</sup> Нима учун?

<sup>71</sup> Нима учун шундай бўлапти? Шундай бўлиши керакми ўзи?

<sup>72</sup> Бу нима дегани?



- ♦ давлат аппаратини сақлаш харажатлари ва давлат қарзларини бошқариш бўйича харажатларни қисқартириш<sup>73</sup>;
  - ♦ ҳарбий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш асосида миллий мудосфаага мўлжалланган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги<sup>74</sup>ни ошириш;
  - ♦ айрим тармоқларнинг зарарларини қоплашга йўналтирилаётган дотацияларни камайтириш<sup>75</sup>;
  - ♦ мақсадли дастурлар ва харажатларнинг айрим мақсадли моддалари бўйича харажатларни қисқартириш;
  - ♦ бюджет харажатларини энг самарали чиқимларга концентрация қилиш (тўплаш, сарфлаш);
  - ♦ фан, маданият, тиббий хизмат ва маориф харажатларининг устувор молиялаштирилишини таъминлаш;
  - ♦ бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш;
  - ♦ бюджет харажатларини молиялаштиришнинг вазначилик тизимига ўтишни тез суръатларда тутатиш ва бошқалар.
- Бу вазифалар бюджет сиёсатида ўз аксини топсагина, муваффақиятли бажарилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, бюджет сиёсатининг ана шу вазифаларни муваффақиятли бажаришни таъминлашга қаратилиши кераклигини англайди.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун қйшимча саволлар:**

- ♦ Чиндан ҳам бюджет сиёсати молиявий (бюджет-солиқ) сиёсат(и)нинг нисбий жиҳатдан мустақил бўлган бир қисми ҳисобланадими? Фикрингизни исботлашга уриниб кўрингчи.
- ♦ Бюджет сиёсатининг молиявий (бюджет-солиқ) сиёсат(и)нинг муҳим йўналишларидан бири эканлигини энг оддий тарзда математик тилда қандай ифодалаш мумкин?
- ♦ Энг умумий тарзда бюджет сиёсати ўз ичига нималарнинг принципларини аниқлашни қамраб олади?

<sup>73</sup> Бунинг учун нималар қилиш керак?

<sup>74</sup> Бу ерда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини қандай аниқлаш мумкин?

<sup>75</sup> Қандай қилиб?

◆ Бюджет сиёсатининг мазмун-моҳиятини аниқловчи қандай таърифни бериш мумкин? Унга бошқача ҳам таъриф берса бўладими?

◆ Сиёсатнинг қандай турлари (кўринишлари) бюджет сиёсатининг таркибида нисбий мустақилликка эга бўлиши мумкин?

◆ Бюджет сиёсати нималарнинг шакллари ва методларида намоён бўлади?

◆ Ҳар бир давлатнинг бюджет сиёсати нималарга мувофиқ аниқланади?

◆ Бюджет сиёсати фақат бюджет жараёнига даҳлдорми ёки...?

◆ Бюджет сиёсати нималарда ифодаланади?

◆ Бюджет сиёсатининг мазмуни аксарият ҳолларда нималар орқали намоён бўлади?

◆ Бюджет харажатлари деб нимага айтилади ва улар ўзида қандай муносабатларни ифодалайди?

◆ Бюджет харажатлари қандай характерли белгиларга эга?

◆ Бюджет харажатлари конкрет турларининг хилма-хиллиги нималар билан изоҳланади?

◆ Бюджет харажатлари қандай белгиларга кўра туркумлаштирилади?

◆ Ўзининг иқтисодий мазмунига кўра бюджет харажатлари қандай харажатларга бўлинади?

◆ Бюджетнинг капитал харажатлари дейилганда нималар тушунилади ва уларнинг таркиби нималардан иборат?

◆ Бюджетнинг жорий харажатлари дейилганда нималар тушунилади ва уларнинг таркибига нималар киради?

◆ Такрор ишлаб чиқаришдаги ролга кўра бюджет харажатлари қандай гуруҳларга бўлинади?

◆ Бюджет харажатларини тармоқ белгиси бўйича гуруҳларга ажратиш асосида нима ётади?

◆ Ижтимоий мўлжалланганлиги бўйича бюджет харажатлари қандай гуруҳлардан ташкил топган?

◆ Бюджет харажатларининг конкрет турлари нималардан таркиб топади?

- ◆ Бюджет харажатлари ташкилий жиҳатдан қандай гуруҳларга ажратилади?
- ◆ Бюджет харажатлари ҳудудий белгига мувофиқ қандай гуруҳлардан ташкил топади?
- ◆ Фақат республика бюджетидан молиялаштириладиган харажатларга нималар киради?
- ◆ Бозор иқтисодиёти шароитида бюджетнинг харажатлари унинг даромадлари билан узвий боғланганми?
- ◆ Ҳозирги шароитда давлат бюджети харажатларининг конкрет таркиби нималардан иборат ва уларнинг тузилиши қандай?
- ◆ «Бюджет харажатлари» ва «давлат харажатлари» иборалари бир хил маъно-мазмунни англатадими?
- ◆ Бюджетдан молиялаштириш бюджет сиёсатининг амалда намоеъи бўлиш шаклларида бири ҳисобланадими? Нега?
- ◆ Бюджет сиёсатининг таъсирчанлиги ва бюджетдан молиялаштириш тартиби, принциплари, усуллари, шакллари ва методлари ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
- ◆ Бюджетдан молиялаштириш дейилганда нима тушунилади?
- ◆ Бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари нималардан иборат?
- ◆ Умумий принциплар билан биргаликда бюджетдан молиялаштириш амалиётида қандай хусусий принциплардан фойдаланилади?
- ◆ Бюджет ассигнованиялари амалиётида бюджетдан молиялаштиришнинг қандай усулларида фойдаланиш мумкин?
- ◆ «Нетто-бюджет» тизими бўйича молиялаштириш нима билан характерланади?
- ◆ «Брутто-бюджет» тизими бўйича молиялаштириш қандай корхона ва ташкилотлар учун қўлланилади?
- ◆ Амалиётда бюджетдан молиялаштиришнинг қандай шаклларида фойдаланилмоқда?
- ◆ Бюджетдан молиялаштириш юридик нуқтаи назардан қандай икки кўринишда амалга оширилади?
- ◆ Республика бюджетидан харажатларни молиялашти-

риш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қандай йўналишларда амалга оширилади?

◆ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нималарга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади?

◆ Бюджетдан маблағларни тақдим этишнинг методлари нималардан иборат?

◆ Бюджетдан иқтисодиётни молиялаштириш харажатлари таркибига нималар киради?

◆ Бюджетнинг социал эҳтиёжларга мўлжалланган харажатлари нима билан боғлиқ ва улар қандай гуруҳларга бўлинади?

◆ Социал эҳтиёжлар харажатлари қандай принцип асосида аниқланади?

◆ Бюджет сиёсати бюджет нормалари (меъёрлари), харажатлар сметаси ва бюджет кредитида қандай ўз аксини топади?

◆ Бюджет нормалари (меъёрлари) дейилганда нима тушунилади?

◆ Бюджет ташкилоти сметасининг харажатлари таркибига нималар киради?

◆ Амалиётда пулли нормалар (меъёрлар)нинг қандай турларидан фойдаланилади?

◆ Ўзининг мураккаблик даражасига қараб бюджет норма (меъёр)лари нималарга бўлинади?

◆ Комбинациялаштирилган ёки йириклаштирилган норма (меъёр)ларнинг афзалликлари нималардан иборат?

◆ Бюджет норма (меъёр)лари қандай омиллар таъсири остида ўзгариб туриши мумкин?

◆ Харажатлар сметаси нима ва у қандай қисмга эга эмас?

◆ Смета асосида молия органлари социал эҳтиёжлар учун харажатларнинг ҳажмини аниқлаётган ва у нарса жорий йилнинг бюджети таркибига киритилаётганда қандай ҳолатларга алоҳида эътибор бериш керак?

◆ Мудосаа харажатларининг умумий миқдори ва даражаси қандай ички ва ташқи омилларга боғлиқ?

- ◆ Бюджет кредити нима ва у қандай афзалликларга эга?
- ◆ Ҳозиргача бюджет харажатлари бўйича қандай камчилик-нуқсонлар мавжуд, уларнинг энг асосийлари нималардан иборат? Улар амалда бюджет сиёсати натижалари қандайлигини кўрсатиб бериши мумкинми?
- ◆ Бюджет харажатлари бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг таркибига нималар киради? Улар бюджет сиёсатида ўз аксини топиши керакми ёки йўқми? Нега?

**4-БОБ.****БЮДЖЕТ ТИЗИМИ, БЮДЖЕТ ТУЗИЛМАСИ ВА  
БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ – БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАЛАРИ СИФАТИДА****4.1. Бюджет тизими ва бюджет тузилмаси, уларнинг  
бюджет сиёсатини амалга оширишдаги роли**

Бюджет сиёсати ўз-ўзидан эмас, энг аввало, бюджет тизими орқали амалга оширилади ёки ҳаётга татбиқ этилади. Шу сабабли дастлаб унинг таърифи, принциплари ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат эканлигини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Тураи даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини ифодаладиган, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатлар мажмуига бюджет тизими дейилади. Кўпчилик ҳолларда соддароқ тарзда бюджет тизими дейилганда мамлакатдаги мавжуд бюджетлар тўплами (мажмуи) тушунилади.

Бюджет тизими мамлакат бюджет тузилишининг таркибий қисми бўлиб, унинг маълуом бир қисмини ўзида ифода этади. Шу маънода, бюджет тизими бюджетнинг ўзаро боғлиқликда бўлган бўғиналарининг ўзаро йиғиндисидан иборатдир. Мамлакатнинг бюджет тизими жамиятнинг сиёсий тузилишига (қурилишига), давлатнинг иқтисодий тизимига ва унинг маъмурий-худудий бўлинишига бевосита боғлиқ.

У ёки бу мамлакатнинг бюджет тизими икки ёки уч бўғинли бўлиши мумкин. Унитар давлат деб юритиладиган мамлакатларда бюджет тизими икки бўғиндан (марказий ва маҳаллий бюджетлар), федератив давлатлар деб юритиладиган мамлакатларда эса уч бўғиндан (марказий бюджет, федерация аъзолари бюджетлари ва маҳаллий бюджетлар) иборат бўлиши мумкин.

Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тизими маълум бир принципларга таянади. Бундай принципларнинг таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- ◆ бюджет тизимининг ягоналиги;
- ◆ бюджет тизимининг даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг чегараланганлиги;
- ◆ бюджетларнинг мустақиллиги;
- ◆ давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари, бюджетлар даромадлари ва харажатларининг тўлиқ акс этиши;
- ◆ бюджетларнинг баланслилиги;
- ◆ бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тежамлилиги;
- ◆ бюджет харажатларини қоплашнинг умумийлиги;
- ◆ ошқоралик;
- ◆ бюджетнинг ҳаққонийлиги;
- ◆ бюджет маблағларининг манзиллилиги ва мақсадли характердалиги.<sup>76</sup>

*Бюджет тизимининг ягоналиги* принципи ҳуқуқий базалар, пул тизими, бюджет ҳужжатлари шакллари, бюджет жараёни принциплари, бюджет қонунчилигини бузганлик учун санкцияларнинг ягоналиги, мамлакат бюджет тизими барча даражалари бюджетлари харажатларини молиялаштириш ва бюджет маблағлари бухгалтерия ҳисобини юргизиш тартибининг ягоналиги билан белгиланади.

*Бюджет тизимининг даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг чегараланганлиги принципи* тегишли даромадлар турларини (тўлиқ ёки қисман) ва харажатларни амалга ошириш бўйича ваколатларни мамлакатнинг ҳокимият органлари, мамлакат субъектларининг ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бириктирилганлигини кўзда тутаяди.

*Бюджетларнинг мустақиллиги принципи* қонунчилик ва давлат ҳокимиятининг ижроия органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакат бюджет ти-

<sup>76</sup> Бу принциплар бюджет сиёсатида ҳам акс этадилми? Унга мисоллар келтира оласизми?

зимининг тегишли даражаларида бюджет жараёнини мустақил амалга ошириш борасидаги ҳуқуқларини билдиради. Бу принципнинг амал қилиши қонунчиликка мувофиқ мамлакат бюджет тизимининг ҳар бир даражасида бюджетлар даромадларининг ўз манбаларига эгаллигини, бюджетларнинг тартибга келтирувчи даромадларини, қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли бюджетларнинг даромадларини шакллантириш бўйича ваколатларни, давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли бюджетлар харажатларининг сарфланиш йўналишларини мустақил аниқлаш ҳуқуқини, бюджет тўғрисидаги қонуларни ижро этиш жараёнида олинган қўшимча даромадлар, бюджет даромадларининг харажатлардан ошган қисми суммалари ва бюджет харажатлари бўйича иқтисод қилинган суммаларни олишнинг мумкин эмаслигини, бюджет тўғрисидаги қонуларнинг ижро этилиши жараёнида вужудга келган даромадлардаги йўқотмалар ва қўшимча харажатларни бюджет тизимининг бошқа даражалари ҳисобидан компенсация қилишга йўл қўймаслиқни (қонунчиликнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда вужудга келган ҳолатлардан ташқари) тақозо этади.

*Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларида бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари тўлиқ акс этиши, солиқ ҳамда бу борадаги қонуларга мувофиқ белгиланган бошқа мажбурий тушумлари тўлиқ ҳажмда ўз аксини топishi керак.* Барча умумдавлат ва маҳаллий харажатлар мамлакат бюджет тизимида ўз аксини топган бюджетлари ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Солиқ кредитлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича кечиктиришлар ва муддатларнинг ўзгартирилиши бюджетлар ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг бюджетлари даромадлари ва харажатлари бўйича тўлиқ равишда алоҳида ҳисобга олинади.

*Бюджетларнинг баланслилиги принципи* бюджетда кўзда тутилган харажатларнинг ҳажми бюджет даромадлари ва унинг дефицитини молиялаштириш манбаларидан



тушадиган тушумларнинг жами ҳажмига тенг бўлиши кераклигини билдиради.

Бюджетни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш жараёнида ваколатли органлар бюджет дефицити миқдорини минималлаштириш зарурлигидан келиб чиқишлари керак.

*Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тежамлилиги принципининг маъно-мазмуни шундан иборатки, унга мувофиқ равишда ваколатли органлар ва бюджет маблағларини олувчилар бюджетларни тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашда, аввало, кўзда тутилган мақсадларга эришишда маблағларнинг камроқ ҳажмидан ёки маълум бир ҳажмдаги маблағлардан фойдаланган ҳолда юқори натижага эришиш зарурлигидан келиб чиқиши керак.*

*Бюджет харажатларини қоплашнинг умумийлиги принципи унинг барча харажатлари шу бюджетнинг барча даромадлари умумий суммаси ва унинг дефицитини молиялаштириш манбалари ҳисобидан тушган тушумлардан қопланиши кераклигини аниқлатади. Бюджет даромадлари ва унинг дефицитини молиялаштиришнинг манбаларидан тушумлар бюджетнинг маълум харажатлари билан боғланган бўлиши мумкин эмас (мақсадли бюджет фондларининг даромадлари, мақсадли хорижий кредит маблағлари, мамлакат бюджет тизимида бошқа даражадаги бюджетлар маблағларининг марказлаштирилиш ҳолатлари бундан мустасно).*

Бюджет тизимидаги ошкоралик принципи очик матбуотда тасдиқланган бюджет ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг албатта эълон қилинишини, бюджет ижроси жараёнида маълумотларнинг тўлиқ ва тўғри берилишини, давлат ҳокимияти қонунчилик органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларига оид бошқа маълумотларни олиш имконияти яратилганини, бюджет лойиҳаси бўйича қарорларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартибларининг (жумладан, давлат ҳокимияти қонунчилик органи ичида ёки давлат ҳокимиятининг қонунчилик ва ижroiя органлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни ифодаловчи

масалалар бўйича ҳам) жамият ва оммавий ахборот воситалари учун албатта очиқ бўлишини кўзда тутати.

Махфий моддаларни тасдиқлаш, одатда, фақат республика бюджети таркибида амалга оширилади.

*Бюджетнинг ҳаққонийлиги принципи* тегишпаи ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши башорат кўрсаткичларининг ишончли ҳамда бюджет даромадлари ва харажатлари ҳисоб-китобларининг ҳаққоний бўлиши кераклигини тақозо этади.

*Бюджет маблағларининг манзиллилиги ва мақсадли харақтердалиги принципи* бюджет маблағларини конкрет олувчилар ихтиёрига уларнинг аниқ мақсадларни молиялаштирилиши олдиндан белгиланган ҳолда бўлиб берилишини назарда тутати. Бюджетда кўзда тутилган маблағлар манзилилигини ёки йўналишини кўзда тутилмаган мақсадларга ўзгартириш борасидаги ҳар қандай хатти-ҳарақат мамлакат бюджет қонунчилигини бузиш ҳисобланади.

Мамлакат бюджет тизимини бошқариш соҳасида тегишли ҳокимият органлари алоҳида ваколатларга эгадир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- ♦ давлат бюджети лойиҳасининг ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этиш;

- ♦ давлат бюджетининг ижросини ташкил этиш;

- ♦ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат бошқарувининг бошқа органларини давлат бюджетини ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

- ♦ давлат мақсадли фондлари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш;

- ♦ давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритиш;

- ♦ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва жойлар-

даги давлат ҳокимият органлари ҳам бюджет тизимини бошқариш соҳасида бир неча ваколатларга эга. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакилилик органлари учун бу борада қуйидаги ваколатлар ҳосдир:

- ◆ тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилиш, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

- ◆ қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар миқдорини ҳамда улар бўйича имтиёزلарни белгилаш;

- ◆ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимиятлар эса:

- ◆ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакилилик органлари қабул қилиши учун тақдим этиш ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш;

- ◆ бюджетга тушумларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда унинг маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этиш;

- ◆ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин.

Ўз навбатида, мамлакат бюджет тизимини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги муҳим роль ўйнайди, у бу соҳада қуйидаги ваколатларга эгадир:

- ◆ давлат бюджетини лойиҳасини тайёрлаш;

- ◆ давлат бюджетини маблағларининг тушуми ва сарфи тартибини белгилаш ҳамда улар устидан назоратни амалга ошириш;

- ◆ республика бюджетини харажатларини амалга ошириш;

- ◆ бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш;

- ◆ бюджетдан маблағ олувчиларнинг давлат бюджетини маблағларидан фойдаланишини тартибга солувчи меъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, умуммажбурий тусдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

♦ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Бюджет сийсатининг муваффақиятига, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджет тузилмаси ва бюджет классификацияси бевосита таъсир кўрсатади. Давлат бюджетини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар мажмуига (унинг ички бўлинмалари таркиби ва тузилмаси, улардан фойдаланиш соҳаларининг функционал чекланганлиги, ўзаро бўйсунувчанлиги, ўзаро алоқадорлиги ва таъсирчанлиги ҳамда ҳуқуқий томонларини инобатга олган ҳолда) бюджет тузилмаси дейилади. Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тузилмаси унинг миллий-давлат ёки маъмурий-ҳудудий тузилиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети:

♦ республика бюджетини;

♦ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда шу республикага бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Вилоятлар бюджети эса вилоят бюджетидан, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан иборатдир. Шунингдек, туманларга бўлинадиган шаҳарларнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади. Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетидан ва туман бўйсунувдаги шаҳарлар бюджетларидан таркиб топади.

Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ўз манбалари, маълум мақсадларга мўлжалланганлиги ва бошқа белгиларига кўра хилма-хилдир. Бир вақтнинг ўзида улар умумий белгиларга ҳам эга. Бутун мамлакат миқёсида бюджет даромадлари ва харажатларининг тўғри режалаштирилиши

ва ҳисобга олинганини таъминлаш учун улар классификация қилинади.

Давлат бюджети тузимасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатаари, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳларга ажратишда ёки гуруҳлашда бюджет классификацияси муҳим роль ўйнайди. Ундан давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини ягона бир тизимга келтириш учун фойдаланилади ва бюджет классификацияси бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан таққосланишини таъминлайди. Шу маънода, маълум бир тизимга келтирилган ва ўрнатилган тартибда код (шифр)лаштирилган бюджет даромадлари ва харажатларининг бир хил белгилари бўйича илмий асосланган иқтисодий гуруҳланишга бюджет классификацияси дейилади.

Одатда, бюджет классификациясининг асосида даромадлар бўйича уларнинг манбалари, харажатлар бўйича эса маблағларнинг мақсадли сарфланиш йўналишлари ётади.

Бюджет классификацияси ўзининг кенг йўналиши билан ажралиб туради. Унинг бўлинмаларига қатъий риоя этган ҳолда бюджет режалаштирилиши амалга оширилади, бюджет ташкилотларининг индивидуал ва умумий ҳамда йиғма тармоқ сметалари тузилади, маҳаллий, республика ва давлат бюджетининг ишлаб чиқиши амалга оширилади.

Бюджетнинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режалари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг юқори ташкилотлари молиявий режалари билан боғлиқлигини таъминлашда, бир турдаги бюджет ташкилотларининг харажатлари ва алоҳида маъмурий-худудий бирликларнинг бюджетларини таққослашда, ижтимоий-маданий характердаги у ёки бу эҳтиёжларнинг қондирилиш даражасини аниқлашда бюджет классификацияси муҳим роль ўйнайди.

Бюджет ижроси жараёнида ҳам бюджет классификацияси алоҳида аҳамиятга эга. Тасдиқланган бюджет ва бюджет ташкилотлари харажатлар сметасида кўзда тутилган тадбирларнинг мақсадли молиялаштирилишини таъминлашда у

зарурий шарт ҳисобланади. Бюджет классификацияси молия органларида, бюджет ташкилотларида ва бошқа муассасаларда бюджет даромадлари ва харажатларининг синтетик ва аналитик ҳисоби ягоналигининг асосини ташкил этади. У Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш учун зарурдир.

Бюджет классификациясида белгиланган даромадлар ва харажатларнинг иқтисодий гуруҳланиши бюджетни тузиш ва ижро этиш ҳамда унинг ресурсларидан фойдаланишда молия-бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишга имкон беради.

Бюджет классификацияси ташкилий аҳамиятга ҳам эга, бу унинг бўлинмаларига мувофиқ равишда бюджетни тузиш ва ижросини таъминлаш борасида катта ишларнинг амалга оширилиши орқали намоён бўлади. Бу яна шу нарса орқали ифодаланадики, бюджет тасдиқланганидан сўнг барча хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг юқори органлари бюджет даромадлари тушумининг тўлиқлигини таъминлашга ва тасдиқланган бюджетдаги классификациянинг бўлинмаларига мувофиқ равишда харажатларни амалга оширишга мажбурдирлар. Демак, бюджет классификациясининг ташкилий аҳамияти бюджетни режалаштириш ва унинг ижросини таъминлашга бир хилда тегишлидир.

Тасдиқланган давлат бюджети қонун кучига эга бўлганлиги ва унинг кўрсаткичларини барча хўжалик юритувчи субъектлар аниқ ва тўлиқ бажаришга мажбур бўлганлиги учун бюджет классификацияси ҳуқуқий аҳамият ҳам касб этади.

Бюджет классификацияси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ◆ давлат бюджети даромадлари классификацияси;
- ◆ давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий классификацияси;
- ◆ давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбалари классификацияси.

Давлат бюджети даромадлари классификацияси уларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат. Бунда тармоқ ва вазирлик (раҳбарлик органи) белгилари инобатга

олиниши мумкин. Одатда, бунда даромадлар бюджет классификациясига мувофиқ бўлинмалар, боблар, параграфлар ва моддаларга бўлинади. Бўлинмалар – даромадларнинг алоҳида турларини, боблар – даромадларни тўловчиларни, параграфлар – даромадларни тўловчиларнинг тоифаларини, моддалар – жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқларнинг алоҳида турларини кўрсатиши мумкин.

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан классификацияси давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган вазифалар бўйича харажатларни гуруҳлашдан таркиб топади. Уларнинг ташкилий классификацияси бюджетдан ажратиладиган маблағлар, уларнинг бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади. Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий классификацияси эса тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборатдир. Умумий тарзда бу ерда харажатлар бюджет классификациясига мувофиқ равишда гуруҳларга, бўлинмаларга, бобларга, параграфларга ва моддаларга бўлиниши мумкин. Гуруҳлар – бюджет маблағларининг асосий йўналишларини, бўлинмалар – миллий иқтисодиёт тармоқларини, боблар – вазирлик ва идоралар бўйича харажатларни, параграфлар – бир типдаги корхоналар ва тадбирлар бўйича сарфларни, моддалар – харажатларнинг алоҳида турларини кўрсатади.

Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбалари классификацияси дефицитни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Бюджет классификацияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

## 4.2. Бюджет жараёни ва бюджет сиёсатининг ўзаро вобасталиги

Навбатдаги муддатда бюджет сиёсатининг қандай бўлиши мумкинлиги бюджет жараёнида аниқланади. Шу муносабат билан бюджет жараёни таърифи, босқичлари, вази-фалари, иштирокчилари ва принципларини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет лойиҳасини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш), кўриб чиқиш (муҳокама этиш), қабул қилиш (тасдиқлаш) ва ижро этиш, унинг ижро этилишини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, давлат бюджети тузимасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинишига тегишли бўлган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жараён иштирокчиларининг фаолиятига бюджет жараёни дейилади. Унинг мазмуни мамлакатнинг давлат ва бюджет тузилиши (қурилиши), тегишли органлар ва юридик шахсларнинг бюджет ҳуқуқлари билан белгиланади. Шунингдек, бюджет жараёнининг мазмуни белгилашда бюджетни тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш) тартиби, унинг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асоси, мамлакат бюджетини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш)нинг назарий ва услубий масалалари муҳим роль ўйнайди.

Бюджет жараёни, одатда, бюджет фаолиятининг қуйидаги тўрт босқичини ўз ичига олади:

- ◆ бюджет лойиҳасини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш);
- ◆ бюджетни кўриб чиқиш (муҳокама қилиш) ва тасдиқлаш;
- ◆ бюджетни ижро этиш;
- ◆ бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва уни тасдиқлаш.

Бюджет жараёнининг давомийлиги юқоридаги тўрт босқичнинг барчасидан иборат бўлиб, одатда, уч йилга яқин давом этади. Бунинг бир йилга яқини бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш (яратиш, тузиш), уни муҳокама қилиш (кўриб



чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш)га, бир календарь йили (1 январдан 31 декабрча) бюджетни ижро этишга (бюджет даври) ва саккиз ойга яқини бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлашга ва уни тасдиқлашга тўғри келади.

Бюджет жараёнининг олдига қуйидаги муҳим вазифалар қўйилади:

◆ мувозанатлаштирилган бозор сари кескин тараққиётга эришиш мақсадида барча моддий ва молиявий резервларни қидириб топиш;

◆ алоҳида солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг башоратлари ва мақсадли дастурларига мувофиқ бюджет даромадлари ва уларнинг умумий ҳажмини аниқлаш;

◆ мақсадга мўлжалланганлиги бўйича, шунингдек, бюджетда кўзда тутилган умумдават аҳамиятига эга бўлган барча тадбирларни узлуксиз молиялаштириш эҳтиёжини инobatга олган ҳолда бюджет харажатлари ва уларнинг умумий ҳажмини белгилаш (ўрнатиш);

◆ иқтисодиётдаги инфляция тенденциялар ва пул-кредит таназзулини бартараф этишга, миллий пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган молиявий барқарорлаштиришнинг умумий дастурини бюджет билан мувофиқлаштириш;

◆ иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган манбалар ҳисобидан бюджет дефицитига барҳам бериш ёки уни қисқартириш;

◆ иқтисодий минтақалар, хўжалик соҳалари ва бюджетлар ўртасида давлат даромадларининг манбаларини қайта тақсимлаш йўли билан турли даражадаги бюджетларни баланслаштириш мақсадида бюджетли тартибга солишни амалга ошириш;

◆ кенг кўламли барча ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг баланслилиги ва пропорционалигини таъминлашга имкон берадиган истиқболли бюджетли режалаштиришнинг ролини ошириш;

◆ солиқ мажбуриятларини бажаришда алоҳида фуқаро-

лар даромадлари ва юридик шахсларнинг молиявий фаолиятлари устидан назоратни таъминлаш;

◆ замонавий электрон ҳисоблаш техникаларидан кенг фойдаланиш асосида ва молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими орқали бюджетларни тузиш ва ижро этиш жараёнларини автоматлаштириш ва бошқалар.

Умумий тарзда бюджет жараёни иштирокчилари қуйидагилар ҳисобланади:

◆ мамлакат раҳбари ва қонунчилик (вакилик) ҳокимият органлари;

◆ ижроия ҳокимият органлари (мамлакат субъектларининг юқори мансабдор шахслари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, молия органлари, бюджет даромадларини ундириш билан шуғулланадиган органлар ва бошқа ваколатли органлар);

◆ пул-кредит тизимини тартибга солиш органлари;

◆ давлат ва маҳаллий назорат органлари;

◆ давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;

◆ бюджет маблағларини бош тақсимловчилар, тақсимловчилар ва бошқалар.

Бюджет жараёнини ташкил этишда қуйидаги принципларга риоя қилинади:

◆ ягоналик;

◆ мустақиллик;

◆ баланс методи.

Ягоналик принципи бу ерда ягона ҳуқуқий база, ягона бюджет классификацияси, мамлакатнинг консолидациялаштирилган бюджетини тузишда зарур бўладиган статистик ва бюджет маълумотлари учун бюджет ҳужжатлари шакллари ва пул тизимининг ягоналиги орқали ифодаланади.

Мустақиллик принципи бюджет жараёнини амалга оширишда унинг ҳар бир иштирокчиси учун мустақил бўлганлиги билан белгиланади. Унга кўра, бу жараён иштирокчилари даромадларнинг ўз ва тартибга солувчи манбалари ҳамда улардан фойдаланиш йўналишларини мустақил равишда аниқлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Баланс методи принципи бюджет даромадлари ва хара-

жатлари ўртасида тўғри нисбатлар ўрнатишда гавдаланади. Унга риоя қилиниши бюджет барқарорлигини ва хўжалик соҳалари ўртасида маблағларни тақсимлашда зарурий пропорцияларни таъминлаши керак. Бу методнинг муҳим шarti бюджет харажатларининг даромадларга мувофиқлиги ва молиявий резервларни яратишидир. Бу принцип молиявий сиёсат (бюджет сиёсати)нинг бош мақсади ҳисобланади.

Бюджет сиёсатининг ўзига хос аниқ мазмуни, маълум маънода, бюджет лойиҳасида ўз аксини топади. Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) эса бюджет жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда қуйидаги масалалар ечилади ёки уларга аниқлик киритилади:

- ♦ бюджетнинг ҳажми;
- ♦ навбатдаги (келгуси) йил учун солиқ ва пул-кредит сиёсати;
- ♦ бюджет маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва бюджет дефицитини қоплаш методлари;
- ♦ даромадларни бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида тақсимлаш.

Давлат бюджетининг лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) бўйича ишлар янги бюджет йили бошланишидан, масалан, ГФРда – 6 ой, Японияда – 8 ой, Францияда – 14 ой, АҚШда – 18 ой, Ўзбекистонда – 7 ой олдин бошланади. Унинг лойиҳасини тузиш ижроия ҳокимият органлари, одатда, Молия вазирлиги (Ғазначилик) томонидан амалга оширилади.

Баъзи бир мамлакатларда бюджет лойиҳасини тузиш давлат ижроия ҳокимияти бошлиғи (раҳбари)нинг келгуси йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг умумий йўналишлари муаммолари бўйича чиқишидан (маърузасидан) бошланади. Масалан, АҚШда президент халққа бюджетнома билан мурожаат қилади, унда молия-пул сиёсатининг асосий вазифалари, келгуси бюджет йили ва навбатдаги тўрт йил учун федерал бюджет даромад ва харажатларининг ҳукумат баҳоси шакллантирилади.

Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қуйидаги мақсадлар кун тартибига қўйилади:

♦ иқтисодийнинг самарадорлигини оширишда бюджетнинг фаол таъсирчанлигини таъминлаш;

♦ молиявий ва бошқа ресурсларнинг ҳукумат иқтисодий ва ижтимоий дастур-башоратлари билан мувофиқлигига эришиш;

♦ маблағларни сарфлашда зарурий пропорциялар ва устуворликлар ўрнатиш;

♦ бюджет дефицитини қоплаш учун манбаларни қидириб топиш.

Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)дан олдин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига:

– тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли фондларини тайёрлаш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, давлат мақсадли фондларини тақсимловчи органларга;

– бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун – республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юбориши керак.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, давлат мақсадли фондларини тақсимловчи органлар бюджет сўрови олгандан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш), ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилмоғи зарур.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари юқорида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан сўнг уч кун муддат ичида:

– тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаши учун – туман ва шаҳар ҳокимликларига;

– Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун – Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан,

вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юбориши керак.

Юқоридагиларга мос равишда вилоятга бўйсунадиган шаҳарларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳамда шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимликлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кун муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартиби ва муддатларини белгилаш юзасидан тегишли қарорларни қабул қилмоғи лозим. Ўз навбатида, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия органлари юқоридаги қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кун муддат ичида туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларидан бюджет маблағларини олиш учун асосланган буюртмалар тузиш учун шу туман ва шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга бюджет сўровларини юборишлари керак.

Бюджет лойиҳасини тайёрлаш муддатлари ҳар бир мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида ўз аксини топади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни бюджет лойиҳасини тайёрлашнинг қуйидаги муддатларини белгилайди:

а) келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртмалар:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг 1 июнидан кечикмай тегишли молия органларига;

- республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилиши керак;

б) келгуси молия йилига тегишли бюджетлар лойиҳалари:

- туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари молия органлари томонидан – маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари белгиланган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг 25 июнидан кечиктирмасдан юқори молия органларига;

– Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, давлат мақсадаги фондларини тақсимловчи органлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилмоғи лозим.

Келгуси молия йилига мўлжалланган давлат бюджетининг лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тайёрлаб, жорий йилнинг 15 сентябригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат бюджети лойиҳасини бюджетдан маблағ олувчилар тақдим этган буюртмаларга ва давлат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

Келгуси молия йилига мўлжалланган давлат бюджети лойиҳаси ўз ичига қуйидагиларни олмағи лозим:

- ♦ бюджет таснифига мувофиқ акс эттириладиган давлат бюджети даромадлари ва харажатлари;

- ♦ умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек, мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан, бюджет дотациялари ва субвенциялари ҳамда харажатлари миқдори;

- ♦ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг айланма касса меъёри миқдорлари;

- ♦ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари захира фондларининг назарда тутилмаган харажатларни қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган доирадаги миқдори;

- ♦ давлат бюджети дефицитининг энг юқори миқдори ва уни молиялаштириш манбалари;

- ♦ давлат ички ва ташқи қарзларининг, давлат томонидан бериладиган кредитлар ҳамда кафолатли фонднинг энг юқори миқдорлари.

Бир вақтнинг ўзида, Ўзбекистон Республикаси Молия ва-

зираги вакил қилмишган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, шунингдек, тегишли ташкилотлар билан бирга-ликда қўйидагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқиши ва 15 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиши керак:

- ◆ мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқуналари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқуналари башорат баҳоси;

- ◆ ўтган йилги давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва жорий йилги давлат бюджетининг қутилаётган ижроси баҳоси;

- ◆ келгуси йилга мўлжалланган давлат бюджети лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йилнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари;

- ◆ мамлакат бюджет ва солиқ сийёсатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шарҳлар;

- ◆ давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳамда улар бўйича харажатаарнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

- ◆ келгуси молия йилига мўлжалланган давлат бюджети лойиҳаси.

Юқоридагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирилмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилмоғи лозим.

Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да:

- ◆ мамлакатнинг истиқболдаги иқтисодий ривожланиши;

- ◆ инфляция даражаси;

- ◆ аҳолининг бандлик даражаси;

- ◆ ижтимоий қўллаб-қувватлашдан фойдаланаётган аҳоли сони ҳисобга олинади.

Шунингдек, бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қўйидаги турли методлардан фойдаланилади:

- ◆ иқтисодий таҳлил методи - бу методдан фойдаланган ҳолда ўтган йилги бюджетнинг бажарилиш даражаси аниқланади ва жорий йил учун бюджетнинг бажарилиш даражаси ўрнатилади, фарқланиш сабаблари аниқланади;

♦ **норматив метод** – бу методнинг асосида давлат томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг бириктиригига тўғри келувчи молиявий харажатларнинг нормативи ётади. Натурал бирикми нормативга кўпайтириб, ҳар бир бош тақсимловчи, тақсимловчи ва бюджет ташкилоти бўйича маблағ харажатлари суммаси аниқланади.

♦ **экстраполяция методи** – унга кўра, олдинги йилларнинг ҳисобот маълумотлари динамикаси асосида молиявий кўрсаткичлар аниқланади ва улар келгуси йил учун экстраполяция қилинади.

Бюджет сиёсатининг сифати, унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бюджетни муҳокама қилиш ва тасдиқлашга боғлиқ. Мамлакатнинг олий ижроия органи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулангач, давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш) учун қонунчилик органи бўлган Олий Мажлисга тақдим этилади. Одатда, бюджетнинг лойиҳаси Олий Мажлиснинг ҳар бир палатасида (олдин Қонунчилик палатасида, кейин Сенатда) алоҳида-алоҳида муҳокама қилинади.

Мамлакат парламентининг ҳар бир палатасида аниқ бюджет масалалари билан шуғулланувчи махсус қўмиталар ва комиссиялар фаолият кўрсатади. Улар бюджет лойиҳасининг тегишли моддаларини атрофлича таҳлил этадилар, зарур ҳолларда ўзгартиришларни таклиф қиладилар ва тушунтирув хати билан биргаликда бюджетнинг лойиҳасига ҳулоса берадилар.

Олий Мажлиснинг ҳар бир палатасида бюджет лойиҳаси қабул қилингач, ҳар икки палата ўртасида бюджет лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлмаса, мамлакат парламентининг бюджет тўғрисидаги умумий қарори қабул қилинади. Агар палаталар ўртасида бюджет лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар вужудга келса, ҳар икки палата вакилларидан иборат бўлган мувофиқлаштирувчи комиссия уларни бартараф этиши керак.

Парламентда бюджет лойиҳасини муҳокама этиш (кўриб чиқиш)да бюджет ташаббускорлиги мавжудлиги муҳим



аҳамиятга эга. Бюджет ташаббускорлиги дейилганда парламент аъзоларининг ҳукумат томонидан тақдим этилган бюджет лойиҳасига нисбатан ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи назарда тутилади.<sup>77</sup>

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджетига мувофиқ:

◆ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари – давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакилилик органлари томонидан;

◆ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман ёки шаҳар ҳокимият вакилилик органлари томонидан;

◆ шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар бюджетлари – белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимиятнинг юқори турувчи вакилик органлари томонидан қабул қилинади.

*Давлат бюджети қабул қилингач, унинг маблағлари бюджетдан маблағ олувчиларга ўрнатилган тартибга мувофиқ*

<sup>77</sup> Масалан, баъзи бир мамлакатларда (Франция, Буюк Британия ва бошқаларда) ҳукумат аъзоси бўлмаган парламент аъзолари бюджет лойиҳасида кўзда тутилган харажатларни ошириш ёки янги солиқларни жорий этиш (ўрнатиш) бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай тартибнинг ўрнатилганлиги мамлакатдаги тез ўзгариб турувчи иқтисодий вазиятга ҳукуматнинг таъсир этиш имкониятларини кенгайтиради. АҚШда эса Конгресснинг бюджет ҳуқуқи анча кенгдир. Парламент бюджет ҳуқуқининг чеklangанлиги яна шунда кўринадики, қонунчилик ҳокимияти бюджетни яқин ҳужжат сифатида қабул қилмасдан, фақат бюджет йўлланмалари тўғрисида ҳар йиллик қарорларни қабул қилиш билан чекланади. Бунда мамлакат Президентига маълум мақсадларга маблағларни сарф қилиш ваколати юқори чегарани белгиллаган ҳолда тақдим этилади. Бюджетнинг айрим моддалари эса умуман кўриб чиқилмасдан, автоматик равишда тасдиқланади.

равишда етказилиши керак. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

♦ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари эътиборига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари даромадлари ва харажатлари миқдорларини, шунингдек, келгуси молия йили учун уларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет дотациялари ва субвенциялари миқдорини ва бюджетга оид бошқа кўрсаткичларни – давлат бюджети қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида;

♦ республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар эътиборига улар учун белгиланган даромадлар ва харажатлар миқдорини – давлат бюджети қабул қилинганидан кейин 10 кунлик муддат ичида етказмоғи лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин тегишли молия органлари бир ҳафталик муддат ичида:

♦ давлат солиқ хизматининг тегишли маҳаллий органлари эътиборига – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг тасдиқланган миқдорини;

♦ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар эътиборига – улар учун белгиланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорларини етказиши керак.

Бюджетнинг қандай ижро этилишини таъминлаш бюджет сиёсати муваффақияти гарови ҳисобланади. Бюджетни ижро этиш уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиқлагандан ва мамлакат раҳбари имзолагандан сўнг бошланади. Ўзбекистон ҳукумати қуйи ижроия органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда бюджет ижроси тартибини ташкил қилади. Бюджет жараёнининг бу босқичи ўз ичига бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисми бажарилишини қамраб олади.

Бюджетни ижро этишнинг энг муҳим вазифаси иккиёқ-лаамалик характерига эга бўлиб, бир томондан, солиқлар ва бошқа тўловларнинг ёппасига ҳамда ҳар бир манбалар бўйича тўлиқ ва ўз вақтида тушиб туришини таъминлашни, иккинчи томондан, бюджет тасдиқланган йил учун шу молиявий йил давомида бюджетда тасдиқланган суммалар чегарасида барча тадбирларнинг молиялаштирилишини тақозо этади.

Бюджет ижроси давомида даваат ишлаб чиқаришни интенсификациялаш ва самарадорлигини ошириш ҳисобидан ресурсларнинг ошишидан, маблағларни сарфлашда иқтисод режимига риоя этилишидан, солиқли даромадларнинг тўлиқ жалб қилинишидан манфаатдордир.

Давлаат бюджети ижросини таъминлашда қуйидаги масалаарнинг ҳал этилишига жиддий эътибор бермоқ лозим:

- ◆ даваат бюджети даромадларини шакллантириш;
- ◆ даваат бюджети маблағларини сарфлаш;
- ◆ қабул қилинган даваат бюджети бўлмаган тақдирда бюджетни ижро этиш;
- ◆ бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш;
- ◆ даваат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш;
- ◆ даваат бюджети даромадлари ва харажатарини бошқариш;
- ◆ даваат бюджетининг касса ижросини таъминлаш;
- ◆ даваат бюджети ижросини назорат қилиш.

Бюджет ижросига оид бевосита ишлар Молия вазирлиги ва унинг тегишли бўлинмалари ҳамда органлари, Давлаат солиқ қўмитаси ҳамда Давлаат божхона қўмитаси ва уларнинг жойлардаги органлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, бу жараёнда Молия вазирлигининг муҳим таркибий тузилмаларидан бири бўлган Давлаат разначилик тизими ва унинг қуйи органлари алоҳида рол ўйнайди.<sup>78</sup>

<sup>78</sup> Бюджет ижросининг разначилик тизими алоҳида ўрганилганлиги учун бу ерда батафсил тўхталиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилади.

Давлат газначилик тизими бюджет ижроси бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

- ◆ бюджет даромадларининг тушишини қайд этиш;
- ◆ бюджет мажбуриятларини, яъни бюджет тўғрисидаги қонунга мувофиқ равишда вужудга келадиган маълум муддат давомида харажатларни сарфлаш мажбуриятини қабул қилиш муддатлари ва ҳажмларини тартибга солиш;
- ◆ ажратилган бюджет мажбуриятлари лимити доирасида харажатларни амалга ошириш ҳуқуқига рухсат ёзувларини содир этиш;
- ◆ бюджетдан маблағ олувчилар номидан тўловларни амалга ошириш;
- ◆ ва бошқа функциялар.

Бюджет ижроси давомида барча операциялар ва бюджетнинг маблағлари газначиликнинг баланс ҳисобварақларида акс эттирилади. Бу ҳисобварақлари Марказий банк ва кредит ташкилотларида жойлашган. Газначилик тизими бюджет маблағларига нисбатан кассанинг ягоналиги принципини таъминлайди. Бу принцип барча келиб тушувчи даромадлар ва бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларидан тушумларни ҳамда кўзда тутилган барча харажатларни амалга оширишни бюджетнинг ягона ҳисобварағидан амалга оширилишини тақозо этади. Мамлакат бюджет тизими барча даражалари бюджетлари кассанинг ягоналиги принципи асосида ижро этилиши керак.

Бюджетнинг даромадлар бўйича ижро этилиши қуйидагиларни кўзда тутати:

- ◆ даромадларни бюджетнинг ягона ҳисобварағига ўтказиш ва ёзиш;
- ◆ тасдиқланган бюджетга мувофиқ равишда тартибга келтирувчи (солувчи) даромадларни тақсимлаш;
- ◆ бюджетга ортиқча тўланган даромадлар суммасини қайтариш;
- ◆ бюджет даромадларини ҳисобга олиш ва даромадлар тўғрисида ҳисобот тузиш.

Харажатлар бўйича бюджетлар ижроси бюджетнинг ягона ҳисобварағида бюджет маблағларининг ҳақиқатда мав-

жудайги доирасида ҳамда молиялаштириш ва санкциялаштиришнинг кетма-кет мажбурий амалга ошириладиган тартибларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Бюджет харажатларининг ижроси давомида санкциялаштиришнинг асосий босқичлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ◆ бюджет харажатлари рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш;
- ◆ бюджет ассигнованиялари тўғрисидаги хабарномани тасдиқлаш ва уларни бюджет маблағларини олувчилар ҳамда тақсимловчиларга етказиш, шунингдек, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;
- ◆ бюджет мажбуриятларининг лимитлари тўғрисидаги хабарномани тасдиқлаш ва уни бюджет маблағларини олувчилар ва тақсимловчиларга етказиш;
- ◆ бюджет маблағларини олувчиларнинг пулли мажбуриятларини қабул қилиш.

Бюджетни харажатлар бўйича ижро этиш ҳар бир бош тақсимловчи (қуйи идоралар ва бюджет маблағларини олувчилар бўйича бюджет маблағларини тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти органлари) ва бюджет маблағларини тақсимловчилар (идоравий белгиси бўйича бюджет маблағларини олувчиларга бюджет маблағларини тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари) учун разначиликнинг ягона ҳисоб регистрида очиладиган шахсий ҳисобварақларидан фойдаланиш ёрдамида амалга оширилади.

Ҳазначилик тизими бюджетга келиб тушаётган даромадлар ва бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларидан тушумлар билан боғлиқ барча операцияларни, шунингдек, бюджет харажатларини молиялаштириш ва санкциялаштиришни ўзининг бош дафтарида қайд этади.

Бюджет даромадлари қисмининг ижросини солиқлар ва бошқа тўловларни бюджетга ундириш билан шуғулланадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда уларнинг қуйи органлари таъминлайди.

Молиявий йил жорий йилнинг 31 декабрида ниҳоясига

етиши керак. Бюджет мажбуриятларининг лимитлари ҳам ўз ҳаракатини 31 декабрда тўхтатади. Одатда, 25 декабрдан сўнг пулли мажбуриятларнинг қабул қилинишига йўл қўйилмаслиги керак. Бюджет ижросига оид фойдаланилган ҳисобварақлар 31 декабрда ёпилиши зарур.

Давлат бюджетининг ижросини таъминлаш жараёнида унинг даромадларини шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни, Солиқ кодекси, Божхона тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда ҳисоблаб чиқарилган, бироқ жорий йилнинг 31 декабригача давлат бюджетига тўланмаган даромадлар келгуси йилда давлат бюджетига ўтказилиши керак.

Тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида ва харажатлар сметасига мувофиқ давлат бюджети маблағлари бюджет маблағлари олувчилар томонидан молия йили мобайнида босқичма-босқич, тайинлаш сертификатини муайян даврга ва тегишли суммага расмийлаштириш йўли билан:

- ♦ республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

- ♦ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – тегишли молия органлари томонидан сарфланади.

Тайинлаш сертификатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, ижро этиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Давлат бюджети ижросини таъминлаш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетлар ҳисобварақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари тасдиқланган миқдорда айланма касса маблағи меъёрини шакллантиришга йўналтирилиши керак. Қолдиқларнинг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимликларнинг қарорига кўра қўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин.

Бюджет ташкилотлари ҳисобварақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари олиб қўйилмаслиги ва бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари ҳисобварақларига ўтказилмоғи лозим (капитал қўйилмаларини молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно). Бюджет ташкилотларининг махсус маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Айрим вазиятларда турли сабабларга кўра йил бошлангунга қадар келгуси молия йили учун давлат бюджети қабул қилинмаслиги мумкин. У ҳолда давлат бюджети қабул қилингунга қадар бўлган даврда давлат харажатлари қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин:

- ◆ бошланган молия йилидаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бюджет маблағларининг аввалги молия йили сўнгги 3 ойининг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорларида ҳар ойда амалга оширилоғи лозим;

- ◆ аввалги молия йилида қилинмаган бюджет харажатлари амалга оширилмаслиги керак;

- ◆ аввалги молия йилида амалда бўлган солиққа тортиш ва мажбурий тўловларни тўлаш тартиби давлат бюджети қабул қилингунга қадар ўз кучини йўқотмаслиги зарур.

Юқоридагиларни инобатга олиб давлат бюджетидан молия йили бошланганидан кейин қабул қилинган харажатларнинг умумий суммаси молия йили давомида қабул қилинган давлат бюджети кўрсаткичларига мувофиқлаштирилиши керак.

Баъзи ҳолларда давлат бюджети ижроси давомида бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш зарурияти пайдо бўлиши мумкин. Бундай вазиятда бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритиш бир бюджет маблағларини олувчи учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджет маблағларини олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутган тартибда:

1) тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг 10% га қадари:

- ◆ давлат бюджетида кўрсатилган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

- ◆ республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

- ◆ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тегишли молия органларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан (капитал қўйнамалар моддалари бундан мустасно);

2) тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг 10% дан ортиғи:

- ◆ давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;

- ◆ республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланадиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

- ◆ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – тегишли молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда жойлардаги тегишли ҳокимият вакилик органлари томонидан (капитал қўйнамалар моддалари бундан мустасно) амалга оширилади.

Бюджет маблағини олувчининг сўровига биноан молия йили учун унга назарда тутилган бюджетдан ажратилади-



ган маблағлар айрим моддалар бўйича (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) бюджетдан ажратиладиган маблағлар тенг миқдорда камайтирилган ва мазкур маблағларни олувчи учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда дастлабки ҳажмининг 10% га қадар камайтирилиши мумкин. Бу ҳолда бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар:

♦ республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларига – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

♦ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган бюджет маблағларига – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган тартибда тегишли молия органлари томонидан киритилади.

Давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари, агар муайян ҳаракатлари бюджет тақчиллигининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг юқори даражасидан ошиб кетишига олиб келадиган бўлса, давлат бюджети даромадларини қисқартирувчи ёки харажатларини оширувчи бирор бир ҳаракат қилишга ҳақли эмаслар. Шунга мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида айрим турлар бўйича бюджет даромадларини қисқартиришга олиб келувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органи қарори унда бошқа турлар бўйича даромадларни кўпайтириш ва (ёки) бюджет харажатларининг тегишли миқдорда қисқартирилиши керак бўлган моддалар назарда тутилган тақдирдагина қабул қилиниши ва амалга киритилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинган, молия йили мобайнида тегишли бюджет харажатлари қисқартирилишига ва (ёки) даромадлари кўпайишига олиб келувчи Қорақалпоғистон Республи-

каси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг қарори қабул қилишда ҳосил бўладиган ортиқча маблағлар мазкур қарор қабул қилинган даражадаги бюджетга маблағларни қайта тақсимлаш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиб кўйилади.

Агар давлат бюджети қабул қилинган, молия йили давомида давлат бюджетидан олинган бюджет маблағларини кўпайтириш (камайтириш) тўғрисида қарор қабул қилинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари томонидан тегишли даражадаги бюджетлар ҳажмига ўзгаришлар киритилиши мумкин. Харажатларни кўпайтириш ёки қисқартириш бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширилади. Ўз навбатида, бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Солиқлар ва бюджет тўловлари интизомини мустақкамлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга тасдиқланган кўрсаткичлардан ташқари, тушган қўшимча даромадлар айланма касса маблағи меъёри тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорда сақланиб қолган тақдирда қабул қилинган бюджетдагидан ташқари харажатларга йўналтирилиши мумкин. Ушбу масалага доир тегишли қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан қабул қилинади.

Бюджет ижросини таъминлашда давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Шунинг учун ҳам давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Агар йил мобайнида давлат даромадлари анча қисқар-

ган ва давлат бюджетининг олодиндан белгиланган тақчиллиги қонун ҳужжатларида белгиланган чегара миқдоридан ошадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бюджети харажатларини алоҳида моддалар бўйича қисқартириш тўғрисида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклиф киритади.

Турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни тўғрилаш мақсадида молия йили давомида уларга тегишли бюджетлардан бюджет ссудалари ажратилиши мумкин. Бюджет ссудаларини беришнинг энг кеч муддати ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Шунингдек, турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик фарқни молия йили давомида айланма касса маблағи меъёри ҳисобига, уни молия йили охиригача тасдиқланган ҳажмга қадар тиклаган ҳолда, бюджет маблағларининг фойдаланилмаган қолдиқлари ҳисобига ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлатнинг қисқа муддатли қимматли қорғозларини чиқариш ҳисобига қам қолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари давлат бюджети ижросининг назорат қилинишини амалга ошириш давомида:

- ♦ турли даражадаги бюджетлар ижроси яқунларини кўриб чиқади;
- ♦ турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлардан ахборот олади;
- ♦ бюджет маблағларини олувчилардан бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тушуми ва сарфи тўғрисида маълумотлар талаб қилиб олади;
- ♦ қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади;
- ♦ бюджет маблағлари олувчиларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш қилади ва текширувдан ўтказиши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси йилнинг ҳар чорагида давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этадиган яқунларини кўриб чиқади.

Бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва уни тасдиқлаш бюджет сисъатининг ўзига хос барометри вазифасини бажаради. Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот бюджет ижроси яқуни (натижалари)ни ўзида ифода этади. Шу муносабат билан Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгиллаган муддатларда тақдим этиши керак. Шунга мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда тақдим этмоқлари лозим.

Туманларнинг, шунингдек, республика (Қорақалпоғистон), вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг молия органлари шаҳар, туман бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ҳокимликларга ҳамда юқори молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиллаган муддатларда тақдим этиши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари тегишли бюджетларнинг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва тегишли ҳокимликларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгиллаган муддатларда тақдим этмоғи лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиб, маъқуланганидан кейин бу ҳисоботларни тегишли равиш-

да Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакилик органларига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этишлари шарт.

Давлат солиқ хизматининг жойлардаги солиқ органлари солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда тегишли молия органларига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этиб туришлари керак.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ҳисобот даврида давлат мақсади жамғармаларига маблағлар тушуми ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгилagan муддатларда тақдим этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майдан кечиктирмай тақдим этиши керак. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майдан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шунга мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакилик органлари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

**Баҳс-мунозара ёки назорат учун қўшимча саволлар:**

- ◆ Бюджет сиёсати, энг аввало, нима орқали амалга оширилади ёки ҳаётга татбиқ этилади?
- ◆ Бюджет тизими деб нимага айтилади?
- ◆ Мамлакатнинг бюджет тизими нималарга боғлиқ бўлади?
- ◆ У ёки бу мамлакатнинг бюджет тизими неча бўғинли бўлиши мумкин?
- ◆ Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тизими қандай принципларга таянади?
- ◆ Бюджет тизимининг ягоналиги принципи нималар билан белгиланади?
- ◆ Бюджет тизимининг даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг чегараланганлиги принципи нималарни кўзда тутади?
- ◆ Бюджетларнинг мустақиллиги принципи нималарни тақозо этади?
- ◆ Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари, бюджетларнинг даромадлар ва харажатларининг тўлиқ акс этиши принципи нималарни англаатади?
- ◆ Бюджетларнинг баланслилиги принципи нималарни билдиради?
- ◆ Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва тежамлилиги принципининг маъно-мазмуни нималардан иборат?
- ◆ Бюджет харажатларини қоплашнинг умумийлиги принципи нимани англаатади?
- ◆ Бюджет тизимидаги ошқоралик принципи нималарни кўзда тутади?
- ◆ Бюджетнинг ҳаққонийлиги принципи нималарни тақозо этади?
- ◆ Бюджет маблағларининг манзиллилиги ва мақсадли характердалиги принципи нимани назарда тутади?
- ◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?
- ◆ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва

маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бюджет тизимини бошқариш соҳасида қандай ваколатлар хос?

◆ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимиятлар бюджет тизимини бошқариш соҳасида қандай ваколатларга эга?

◆ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари таркибига нималар кирadi?

◆ Бюджет тузимаси деб нимага айтилади?

◆ Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тузимаси нима билан белгиланади?

◆ Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети ўз таркибига нималарни (қандай бюджетларни) олади?

◆ Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети таркибида давлат мақсади жамғармалари жамланадими?

◆ Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети қандай бюджетлардан таркиб топган?

◆ Вилоятлар бюджетининг таркибига қандай бюджетлар кирadi?

◆ Туманларга бўлинадиган шаҳарларнинг бюджети қандай бюджетлардан таркиб топади?

◆ Ўзига бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туман бюджети қандай бюджетлардан иборат?

◆ Бюджет даромадлари ва харажатларини классификация қилишдан мақсад нима?

◆ Бюджет классификацияси деб нимага айтилади?

◆ Бюджет классификацияси асосида, одатда, нималар ётади?

◆ Бюджет классификациясининг аҳамияти нималардан иборат?

◆ Ҳозирги пайтда бюджет классификацияси ўз ичига нималарни олади?

◆ Давлат бюджети даромадлари классификацияси нималардан иборат?

◆ Давлат бюджети харажатларининг вазифаси, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан классификацияси нималардан иборат?

- ◆ Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбалари классификацияси қандай гуруҳлардан ташкил топади?
- ◆ Бюджет классификацияси ким томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади?
- ◆ Навбатдаги муддатда бюджет сиёсатининг қандай бўлиши мумкинлиги қаерда аниқланади?
- ◆ Бюджет жараёни деб нимага айтилади?
- ◆ Бюджет жараёнининг мазмуни нималар билан белгиланади ва унда нималар муҳим роль ўйнайди?
- ◆ Бюджет жараёни, одатда, бюджет фаолиятининг қандай босқичларини қамраб олади?
- ◆ Бюджет жараёнининг олдига қандай муҳим вазифалар қўйилади?
- ◆ Умумий тарзда бюджет жараёни иштирокчилари кимлар (қандай субъектлар) ҳисобланади?
- ◆ Бюджет жараёнини ташкил этишда қандай принципларга риоя қилинади?
- ◆ Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) жараёнида қандай масалалар ечилади ёки уларга аниқлик киритилади?
- ◆ Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қандай мақсадлар кун тартибига қўйилади?
- ◆ Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)дан олдин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига қандай органларга бюджет сўровини юбориши керак?
- ◆ Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни бюджет лойиҳасини тайёрлашнинг қандай муддатларини белгилайди?
- ◆ Келгуси молия йилига мўлжалланган давлат бюджети лойиҳасини ким тайёрлайди ва у қачонгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши керак?
- ◆ Келгуси молия йилига мўлжалланган давлат бюджет лойиҳаси ўз ичига нималарни оломи лозим?
- ◆ Бюджетнома лойиҳасини ким ишлаб чиқади ва унда нималар акс эттирилади?



- ◆ Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да нималар ҳисобга олинади?
- ◆ Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қандай методлардан фойдаланилади?
- ◆ Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш) учун қандай органга тақдим этилади?
- ◆ Давлат бюджети ким томонидан қабул қилинади?
- ◆ Давлат бюджетига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетлари қандай органлар томонидан қабул қилинади?
- ◆ Давлат бюджети қабул қилинганч, унинг маблағлари бюджетдан маблағ олувчиларга қандай тартибда ва муддатларда етказилиши керак?
- ◆ Бюджетни ижро этиш қачондан бошланади?
- ◆ Бюджет жараёнининг бу босқичи нималарнинг бажарилишини қамраб олади?
- ◆ Бюджетни ижро этишнинг муҳим вазифаси иккиёқла-маллик характерига эгаллиги нималарда намоён бўлади?
- ◆ Давлат бюджети ижросини таъминлашда қандай масалаларнинг ҳал этилишига жиддий эътибор бермоқ лозим?
- ◆ Бюджет ижросига оид бевосита ишлар қандай органлар томонидан амалга оширилади?
- ◆ Давлат газначилик тизими бюджет ижроси бўйича нималарни амалга оширади?
- ◆ Бюджетнинг даромадлар бўйича ижро этилиши нималарни кўзда тутди?
- ◆ Бюджет харажатлари ижроси давомида санкциялаштиришнинг асосий босқичлари нималар?
- Тайинлаш сертификати нима?
- ◆ Давлат бюджети қабул қилинмаган давр ичида давлат харажатлари қандай шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин?

◆ Давлат бюджети ижроси давомида бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш тартиблари қандай?

◆ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари давлат бюджети ижросининг назорат қилиниши давомида қандай ишларни амалга оширадилар?

◆ Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ўзида нимани ифода этади?

◆ Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни қачон тақдим этиши керак?

◆ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни кимларга тақдим этмоқлари лозим?

◆ Республика (Қорақалпоғистон), вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг молия органлари шаҳар, туман бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кимларга тақдим этиши керак?

◆ Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари тегишли бюджетларнинг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кимларга ва қайси орган белгилаган муддатларда тақдим этмоғи лозим?

◆ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўлова­ларнинг давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни қандай муддатда ва кимга тақдим этишлари шарт?

◆ Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ҳисобот даврида давлат мақсадли жамғармаларига маблағлар тушуми ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни кимга ва қандай орган белгилаган муддатларда тақдим этиши лозим?

◆ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат бюд-

жетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қачондан кечиктирмай тақдим этиши керак?

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қачонгача тақдим этиши мумкин?

◆ Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ким (қандай орган) томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади?

◆ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар кимлар томонидан (қандай орган) кўриб чиқилади ва тасдиқланади?

**5-БОБ.****БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИНИ КАМАЙТИРИШ –  
БЮДЖЕТ СЎЁСАТИНИНГ МАРКАЗИЙ МАСАЛАСИ****5.1. Бюджет дефицити: моҳияти, таърифи,  
турлари ва вужудга келиш сабаблари**

Назарий жиҳатдан олиб қараганда, бюджетнинг соғлом (нормал) фаолият кўрсатиши, одатда, унга тегишли бўлган даромадлар ва харажатлар тенглагини тақозо этади. Чиндан ҳам у ёки бу миқдордаги харажатларни амалга ошириш учун бюджет шу миқдордаги даромадларга эга бўлиши керак. Акс ҳолда, бу харажатларни амалга оширишнинг иложи бўлмайди. Бюджет даромадлари ва харажатлари тенглаги бюджетнинг баланслаштирилганлигидан далолат беради.<sup>79</sup>

Амалиётда бюджет даромадлари ва харажатлари тенглагига ҳамма вақт ҳам эришилавермайди. Айрим ҳолларда бюджетнинг даромадлари унинг харажатларидан кўп бўлиши мумкин. Бундай бюджет профицитли бюджет дейилади. Аксинча, баъзи ҳолларда бюджет харажатлари унинг даромадларидан кўпроқ бўлади. Шунга мувофиқ равишда бюджет харажатлари бюджет даромадларидан кўп бўлишига бюджет дефицити<sup>80</sup> дейилади.

<sup>79</sup> Баъзи ҳолларда иқтисодий назарияда бюджет дефицити ёки бюджет профицити унинг умумий харажатлари ҳажмига нисбатан 1% дан ошмаган тақдирда ҳам баланслаштирилган бюджет деб эътироф этиш қабул қилинган.

<sup>80</sup> Ўзбек тилида «бюджет дефицити» ибораси ўрнига айрим иқтисодчиларимиз ва иқтисодчи олимларимиз томонидан баъзи ҳолларда «бюджет камомоди», «бюджет тақчилиги» (бу ибора ҳатто Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг «Асосий тушунчалар» деб номланган 3-моддасида ҳам ўз аксини топиб қолди), «бюджет танқислиги», «бюджет етишмовчилиги» каби иборалар ишлатилмоқда. Бу ибораларнинг мавжудлиги она тилимизнинг ниҳоятда бой эканлигини яна бир бор кўрсатса-да, фикримизча, бу

Юқоридаги жиҳатлардан олиб қараганда, бюджет-солиқ сиёсатининг таркибий қисми сифатида бюджет сиёсатининг якуний (миқдорий) натижаси бюджет дефицити, бюджетнинг баланслилиги ёки бюджет профицитида ўз ифодасини топиши мумкин. Бироқ буларнинг ҳар бирига қараб якуний ҳулоса чиқаришнинг иложи йўқ. Гап шундаки, бюджетнинг баланслилиги ёки унинг профицитли эканлигига қараб оқилона бюджет сиёсати, аксинча, унинг дефицитли эканлигини инобатга олган ҳолда нооқилона бюджет сиёсати юритилди деб бўлмайди. Чунки бюджет сиёсатининг якуний миқдорий ифодаси сифатида уларнинг ҳар бири ўзида ижобий ва салбий томонларни мужассам этади.<sup>81</sup>

Бюджет даромадлари ва харажатларининг ўзаро тўғри нисбати хусусидаги муаммо молиявий адабиётларда мунозарали ҳисобланади. Ҳамон унга нисбатан ягона бир тўхтамга келинмаган. Мунозараларда иштирок этувчиларни энг умумий тарзда икки гуруҳга ажратиш мумкин, улар қуйидаги икки мактаб вакиллари ҳисобланади:

- ◆ кейнсчилар мактаби вакиллари;
- ◆ неоклассик йўналишдаги мактаб вакиллари.

Ишлатилаётган ибораларнинг ҳеч бири «бюджет дефицити» ибораси билан маъно-мазмун ва моҳият жиҳатидан тенг кучга эга эмас. Шунинг учун вазият, ҳолат, жараён ёки воқеликнинг асл ҳолда акс эттирилишини назарда тутиб, ўзбек тилида ҳам бу ўринда «бюджет дефицити» иборасини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Муаммони ҳал этишга айнан шу тарзда ёндашиш, фикримизча, ўзбек тилининг софлигига зиён етказмайди. Аксинча, жаҳон ҳамжамиятида ва халқаро майдонда барча халқларнинг тилида деярли бир хил шаклда қўлланадиган, бир хил маънони англатиб келаётган яна бир халқаро ибора билан она тилимизни бойитган ва бир-биримизни бир хил тушунишга муносиб ҳиссамизни қўшган бўлур эдик. Боз устига, она тилимизнинг тегишли мутахассислари томонидан «бюджет» ва «дефицит» сўзлари ўзбек тилида ишлатилиши мумкин бўлган сўзлар сифатида эътироф этилган ва уларга белгиланган тартибда изоҳ берилган. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. 1-жилд. – Б.394, 602.

<sup>81</sup> Бу ижобий ёки салбий томонлар нималардан иборат бўлиши мумкин? Уларга бир неча мисоллар келтирилинг-чи.

Кейнсчилар мактаби вакиллари систематик ёки доимий бюджет дефицити концепциясини қўллаб-қувватлайдилар, улар бунда қуйидаги ижобий ҳолатлар бор эканлигини қайд этишади:

- ◆ бюджет дефицити миллий иқтисодиёт учун хавф тугдирмайди. Бунинг сабаби шундаки, бюджет дефицити шароитида барча харажатлар, шу жумладан, уларнинг даромадлардан ортиқча бўлган қисми ҳам шу бюджет дефицити мавжуд бўлган давлатнинг ҳудуди доирасида амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, ундаги турмуш шароитининг ошишига (яхшиланишига) ижобий таъсир кўрсатади. Албатта, миллий иқтисодиётдан четга чиқиб кетувчи маблағларнинг оқиб кетишини англатувчи ташқи савдо балансининг салбий қолдири бундан мустасно;

- ◆ бюджет дефицити, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджет маблағларини олувчилар, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли даромадлари ошганлигини англаатади. Бу бюджет дефицитининг уларнинг сотиб олиш қobiliяти ўсганлигига, миллий ишлаб чиқариш кўлами кенгайганлигига ижобий таъсир кўрсатганлигини билдириб, буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда бюджетга келиб тушиши мумкин бўлган солиқ тўловаари ҳажмининг (миқдорининг) кенгайишига (ошишига) олиб келади.

Кейнсчилар мактаби вакилларининг бюджетни дефицитли молиялаштириш назарияси мавжуд дефицитнинг тараққиёт бюджетиде тўпланишини тақозо этади. Чунки фақат шу ҳолдагина дефицитли молиялаштиришнинг ўсиши инвестицион, инновацион ва тадбиркорлик ўсишига олиб келиши мумкин.<sup>82</sup>

<sup>82</sup> Ана шу нуқтага назардан Германия тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқ. Мамлакатда бюджет тизими инвестицион йўналишни таъминлашга қаратилаган бўлиб, бу нарса Конституцияда кўзда тутилган «олтин қоида»га қатъий риоя этиш ҳисобидан амалга оширилади. Унга кўра, кредитлар ҳисобидан бюджет дефицитини молиялаштириш бюджетда кўзда тутилган инвестицион харажатларнинг суммасидан ошиб кетмаслиги лозим. Бу эса, ўз навбатида, қарзий маблағларнинг инвестицион мақсадларга йўналтирилиши лозимлигини англаатади, натижада келажак авлод учун давлат қарзга олишлари-

Бу масалага нисбатан неоклассик мактаб вакиллари қарашлари кейнсчилар мактаби қарашларига бутунлай тескари бўлиб, улар бюджет дефицитига нисбатан қуйидаги хавфлар мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтадилар:

◆ ҳозирги кунда (даврда) мавжуд бўлган бюджет дефицити пировардида (яқин) келажакда юқори даражадаги соликларнинг бўлишини тақозо этади;

◆ бюджет дефицитини қоплаш (молиялаштириш) учун фавқулоддаги даромадлар – пул ва қарзлар эмиссияси, кредитлар ва бошқалар жалб қилинади, бу, ўз навбатида, мамлакатнинг пул-кредит тизимини издан чиқаради, инфляция он жараёнларнинг кучайишига, давлат қарзларининг ўсишига олиб келадик, охир-оқибатда миллий иқтисодиёт ва давлатнинг ривожланишига салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Бюджет дефицитини маълум бир белгилар асосида туркумларга ажратиш ва унинг тегишли турларини кўрсатиш мумкин. Умуман олганда, бюджет дефицитини қуйидаги белгилар асосида туркумларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- ◆ вужудга келиш сабабларига кўра;
- ◆ иқтисодий мазмуни ва таъсирчанлик йўналишига қараб;
- ◆ ишсизликнинг даражаси билан боғланганлигига биноан;
- ◆ вужудга келиш характерига мувофиқ;
- ◆ режага муносабати бўйича;
- ◆ доимийлигига нисбатан;
- ◆ давомийлигига кўра;
- ◆ молиялаштириш манбаларига боғлиқлигига қараб;
- ◆ давлат қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича фоидаларни тўлашнинг халқаро методологиясига биноан.

нинг салбий оқибатлари камаяди. Чунки инвестицион товарларнинг ишлаб чиқарилиши, жорий истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан фарқли ўлароқ, мамлакат ишлаб чиқариш салоҳияти кучайишига, демек, бюджет даромадлари базаси кенгайишига олиб келади. Аксинча, аҳолининг жорий эҳтиёжларини қондириш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бюджет харажатлари ўсиши давлат қарзининг ўсишига ва унинг оғирлиги бир қисмининг келажак авлод гарданига юкланишини билдиради.

Вужудга келиш сабабларига кўра бюджет дефицитининг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

- ◆ фавқулодий<sup>83</sup> бюджет дефицити;
- ◆ инқирозий бюджет дефицити;
- ◆ антиинқирозий<sup>84</sup> бюджет дефицити;
- ◆ бюджетларо бюджет дефицити.

Фавқулодий бюджет дефицити негизида фавқулодда ҳолатлар, яъни урушлар, табиий офатлар ва шунга ўхшашлар ётадики, улардан суғурга қилиниш мураккаб ёки бунинг иложи йўқ. Фавқулодда вазиятлар оқибатларини огоҳлантириш ва уларга барҳам бериш учун, одатда, турли-туман захира ва бюджетдан ташқари фондлар шакллантирилади.

Инқирозий ва антиинқирозий бюджет дефицитлари иқтисодиёт, пул-кредит, молия соҳаларидаги инқирозлар ва ва уларни бартараф этиш чоралари билан боғлиқ бўлади. Шу муносабат билан рағбатлантирувчи ва рағбатлантирмовчи (тақиқловчи, акс таъсир кўрсатувчи) аҳамиятга эга бўлган бюджет дефицитларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Халқаро амалиётда бюджетлараро бюджет дефицити дейилганда, одатда, минтақавий ва маҳаллий бюджетларнинг салбий қолдиғи тушунилади. Минтақавий ва маҳаллий бюджетларда бундай салбий қолдиқлар қуйидагилар натижа-сида вужудга келиши мумкин:

<sup>83</sup> Айримларнинг назарида ғализ туюлган ва биринчи эшитилишида «қулоқни аралайдиган» бундай сўзларнинг монографиямиз турли ўринларида ишлатилиши муаллифлар хоҳиш-истакларининг натижаси эмас. Чунки она тилимизнинг грамматик қоидаларига мувофиқ «-ий» ва «-вий» қўшимчаларини ўзбек тилидаги ҳар қандай сўзга қўшиб ишлатиш мумкин. Улардан қай бир вариантнинг қўлланиши ўзак сўзнинг унли ёки ундош ҳарф билан тугатганига боғлиқ. Бу қўшимчалар, одатда, ўзидан кейинги сўзнинг қандай характерга эга эканлигини кўрсатишга хизмат қилади.

<sup>84</sup> Бу ерда «анти» олд қўшимчасининг «инқироз» сўзига қўшилганлигидан ҳайратга тушмаслик лозим. Чунки «анти» русча эмас, балки юнонча «anti» сўзидан олинган бўлиб, у маълум сўзларга олд томондан қўшилади, шу сўз ифодалаган нарса (белги, ҳаракат)нинг қаршисини, зиддини билдирувчи қўшимчадир. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳий луғати / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. 1-жилд. – Б.88.



♦ ҳудудларнинг бюджет ва мулкӣ ҳуқуқлари ўртасида номувофиқликнинг вужудга келиши натижасида;

♦ минтақавий ва маҳаллий бюджетлар даромадларини қисқартириш ёки ошириш хусусида бошқа даражадаги ҳокимият органлари томонидан қарорлар қабул қилинганда.

Бундай бюджет дефицитини қоплаш, одатда, қуйидаги йўллар орқали амалга оширилади:

♦ бюджетий тартибга солиш воситасида;

♦ бюджетлараро муносабатларнинг турли-туман шаклларида фойдаланиш орқали.

Иқтисодий мазмуни ва таъсирчанлик йўналишига қараб бюджет дефицити қуйидаги тарзда иккига бўлинади:

♦ актив бюджет дефицити;

♦ пасив бюджет дефицити.

Бундай турларга (кўринишларга) эга бўлган бюджет дефицитларини бошқариш натижасида жамият ёки алоҳида олинган маъмурий ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши рағбатлантирилиши ёки рағбатлантирилмаслиги мумкин.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши шароитида пасив бюджет дефицити даражаси ЯИМга нисбатан 2 – 3%, МДга нисбатан – 5% ва бюджетнинг харажатлар қисмига нисбатан 8 – 10% атрофида чегараланиши қабул қилинган. Шунингдек, иқтисодиёт ва социал соҳадаги инқироз шароитида мамлакатларнинг ҳукуматлари иқтисодий ўсиш, ишсизлар сонини қисқартириш ва солиққа тортиладиган базани кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги узил-пирилни ошириш (харажатларни ошириш ва солиқ олинмаларини камайтириш йўли билан) томон юз тутадилар. Бундай вазиятда бюджет дефицити актив шаклга эга бўлади. Агар бюджет дефицитини молиялаштириш учун инфляцияон манбалар жалб қилинса, бунда давлат қарзларига хизмат кўрсатиш учун бюджетнинг харажатлари кескин ортади ва бюджет дефицитининг актив шакли пасив кўринишга эга бўла бошлайди ҳамда молиявий-иқтисодий ва ижтимоий инқирознинг чуқурлашуви бошланади. Шунинг учун

бюджет дефицитини бошқариш ва унинг раббатлантирувчи, фаол салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида уни қоплашнинг мақбул манбаларини қидириб топмоқ лозим. Бунинг учун алоҳида олинган маъмурий-худудий минтақаларнинг ва яхлит тарзда олинган мамлакатнинг, шунингдек, халқаро омилларнинг аниқ молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишга алоҳида эътибор бериш керак.

Ишсизликнинг даражаси билан боғланганлигига биноан бюджет дефицити қуйидаги икки кўринишга эга бўлиши мумкин:

- ◆ тузилмавий бюджет дефицити;
- ◆ циклик бюджет дефицити.

Тузилмавий бюджет дефицити дейилганда тўлиқ бандлик шароитида (ёки ишсизликнинг доимий белгиланган даражаси доирасида) давлат даромадлари ва харажатларини шакллантиришнинг шундай тизимида бюджетнинг салбий қолдиғи тушунилади. Иқтисодий пасайиш шароитида ишсизликнинг даражаси унинг базавий даражасидан оша бошлайди. Табиийки, бундай шароитда ҳақиқий бюджет дефицити ҳам ўсади ва ишсизлик бўйича нафақа тўланмаларининг ошиши, солиқ тушумларининг қисқариши, асосан, ишлаб чиқаришнинг қисқариши натижасида солиққа тортиладиган базанинг қисқариши оқибатида у тузилмавий бюджет дефицитининг даражасидан катта бўлиб қолади. Шу муносабат билан ҳақиқатда мавжуд бўлган ва тузилмавий бюджет дефицити ўртасидаги фарқ циклик бюджет дефицити дейилади. Тузилмавий ва циклик бюджет дефицитлари даражасини мамлакат иқтисодий аҳволини белгилаб беради. Циклик бюджет дефицити даражасининг қисқариши ҳақиқий ва тузилмавий бюджет дефицити даражаларининг тенглашиши тенденциясидан дарак беради, бу, ўз навбатида, иқтисодий ўсишга тенгдир.

Вужудга келиш характерига мувофиқ бюджет дефицити қуйидаги кўринишларга эга:

- ◆ тасодифий (кассавий) бюджет дефицити;
- ◆ ҳақиқий бюджет дефицити.

Тасодифий (кассавий) бюджет дефицити маблағларнинг бюджетга келиб тушиши ва уларнинг бюджетдан сарфланиши ўртасидаги кассавий (даврий) узлишларнинг мавжудлиги натижасида пайдо бўлади. Масалан, бюджет даромадларининг ер солири, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва шу каби айрим манбалари мавсумий характерга эга. Булар, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, баъзи ҳолларда тасодифий (кассавий) бюджет дефицити пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳақиқий бюджет дефицити эса бюджетдан қилинадиган харажатларнинг доимий равишда ортиб бориши ва ундан даромадларнинг ҳақиқатда ортда қолиши муносабати билан вужудга келади. Одатда, ҳақиқий бюджет дефицити чегаравий ўлчам сифатида навбатдаги молиявий йил учун бюджет тўғрисидаги қонунда<sup>85</sup> ўз аксини топади. Унинг ҳақиқий даражаси бюджет ижроси жараёнида белгиланган чегаравий ўлчамдан паст ёки юқори бўлиши мумкин.

Режага муносабати бўйича бюджет дефицити қуйидаги икки кўринишга эга:

- ◆ режали бюджет дефицити;
- ◆ режадан ташқари (режасиз) бюджет дефицити.

Режали бюджет дефицити ҳар молия йили учун қабул қилинадиган бюджет параметрларида ўз аксини топади. Унинг миқдори ва молиялаштириш (қоплаш) манбалари режада кўзда тутилади.

Режадан ташқари (режасиз) бюджет дефицити эса, бир томондан, бюджет даромадлари ҳажмининг кўзда тутилмаган ҳолда қисқариши, масалан, жаҳон бозорида нефть баҳсининг пасайиши ва шунга ўхшашлар, иккинчи томондан, бюджет харажатларининг худди шу тарзда ошиши, масалан, уруш, ер қимирлаши, ҳалокатларнинг содир бўлиши, қурфоқчилик, баҳоларнинг ўсиши, ҳосилсизлик ва бошқалар натижасида пайдо бўлади. Бундай ҳолларда бюджет

<sup>85</sup> Бу нарса мамлакатимиз шароитида қандай ўзига хос бўлган хусусиятга эга?

дефицитини тартибга солиш (келтириш) турли захира фондлари маблағлари ва ҳар хил тезкор тадбирларни ўтказиш ҳисобидан амалга оширилади.

Доимийлигига нисбатан бюджет дефицитининг куйидаги турлари бўлиши мумкин:

- ◆ барқарор бюджет дефицити;
- ◆ ўзгарувчан (барқарор бўлмаган) бюджет дефицити.<sup>86</sup>

Давомийлигига кўра бюджет дефицити куйидаги кўри-нишларга эга:

- ◆ хроник (систематик, нисбатан узлуксиз) тарздаги бюджет дефицити;
- ◆ вақтинчалик бюджет дефицити.

Хроник (систематик) тарздаги бюджет дефицити энг қийин «даволанадиган» бюджет дефицити ҳисобланади. Бюджет дефицитининг бундай кўриниши вужудга келиши сабаблари куйидагилардан иборат:

- ◆ иқтисодий инқирознинг узоқ циклда давом этиши;
- ◆ узоқ давом этган урушлар ва тинч вақтда (тинчлик пайтида) ҳарбий мақсадаар учун катта миқдордаги харажатлар қилиниши;
- ◆ фавқулудда содир бўлган ҳолатлар ва уларнинг оқибатларини барҳам этиш учун йирик миқдордаги харажатларнинг узоқ давр мобайнида сарфланиши;
- ◆ қопланиш муддатлари олиндан аниқ маълум бўлмаган, бир неча 10 йилга давом этиши мўлжалланган қимматли дастурларнинг қабул қилиниши ва уларнинг амалга оширилиши.

Вақтинчалик бюджет дефицити бир неча ойлик муддатда давом этиши мумкин. У барҳам бериш нуқтаи назаридан унчалик қийин бўлмаган бюджет дефицити ҳисобланади. Чунки бундай кўринишга эга бўлган бюджет дефицитининг вужудга келишида иқтисодиётдаги чуқур инқирозли ҳолатлар эмас, балки бир неча объектив (табiiй офатлар ва шунга ўхшашлар) ва субъектив (режалаштириш ва башоратлашда-

<sup>86</sup> Буларнинг ҳар бирига мустақил равишда изоҳ беришга ҳаракат қилиб кўринг-чи.

ги хатоликлар, жаҳон товар ва фонд бозорларида баҳоларнинг тебраниши ва бошқалар) сабаблар муҳим роль ўйнайди.

Молиялаштириш манбаларига боғлиқлигига кўра бюджет дефицитининг қуйидаги турлари мавжуд:

- ◆ келгуси авлодга ўтказиладиган бюджет дефицити;
- ◆ келгуси авлодга ўтказилмайдиган бюджет дефицити.

Бюджет дефицитинг ана шундай турлари мавжудлиги, асосан, бюджет дефицити натижасида вужудга келган давлат қарзларининг келгуси авлод зиммасига ўтказилиши (юклатилиши) ёки ўтказилмаслиги (юклатилмаслиги) билан боғлиқ. Одатда, бюджет дефицити натижасида пайдо бўлган давлат қарзи келгуси авлод зиммасига юклатилади. Бу, асосан, хроник (систематик, нисбатан узлуксиз) тарздаги бюджет дефицитига тегишлидир. Шу муносабат билан бундай бюджет дефицити келгуси авлодга ўтказиладиган бюджет дефицити деб ҳам юритилади.

Айрим ҳолларда бюджет дефицитини молиялаштириш янги солиқларни жорий этмасдан ва давлат қарзларини муомалага чиқармасдан бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин. Бундай бошқа манбалар қаторига қуйидагилар киради:

- ◆ давлат активлари ва давлат мулкани реализация қилиш;
- ◆ солиқларнинг ундирилувчанлигини ошириш;
- ◆ иқтисодийни барқарорлаштириш;
- ◆ солиққа тортиладиган базани кенгайтириш;
- ◆ самарасиз харажатлар миқдорини камайтириш ва бошқалар.

Бюджет дефицити ана шу юқорида келтирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилса, бюджет дефицити келгуси авлодга ўтказилмайди ва у келгуси авлодга ўтказилмайдиган бюджет дефицити дейилади.

Давлат қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича фоизларни тўлашнинг халқаро методологиясига биноан бюджет дефицити қуйидаги кўринишларга эга:

- ◆ бирламчи бюджет дефицити;
- ◆ иккиламчи бюджет дефицити.

Бюджет дефицитининг бундай турларга бўлиниши халқаро методологияга мувофиқ давлат қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича фоизлар тўловининг бюджет харажатларига киритилиши билан боғлиқ. Шунга кўра, бюджет дефицитини туркумларга ажратишнинг асосига бюджет дефицитини аниқлашда давлат қарзларига хизмат кўрсатиш харажатларининг ҳисобга олиниши ёки олинмаслиги ётади. Агар бюджет дефицити давлат қарзлари бўйича фоизлар тўловини ҳисобга олмасдан, унинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланса, бундай бюджет дефицити бирламчи бюджет дефицити дейилади. Аксинча, бюджет дефицити давлат қарзлари бўйича фоизлар тўловини ҳисобга олиб, унинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланса, бундай бюджет дефицити иккиламчи бюджет дефицити дейилади.

Бошқа ҳоллар тенг бўлган шароитда бюджет дефицити вужудга келишининг энг умумий сабаблари<sup>87</sup> қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ◆ иқтисодиётни ривожлантириш учун йирик давлат капитал қўйилмаларини амалга ошириш зарурлиги;
- ◆ фавқулодда ҳодисаларнинг мавжудлиги;
- ◆ иқтисодиётдаги таназзулли (кризисли) ҳолатлар ва унинг емирилиши;
- ◆ молия-кредит алоқаларининг етарли даражада самарали эмаслиги;
- ◆ ҳукумат томонидан мамлакатдаги молиявий ҳолат устидан етарли даражада назорат қила олмаслик;
- ◆ ижтимоий ишлаб чиқаришнинг нисбатан паст даражада самарадорлиги;
- ◆ ташқи иқтисодий алоқаларнинг нисбатан кам натижаллиги;
- ◆ бюджет харажатларининг нооқилона таркибий тузилиши (структураси);
- ◆ мамлакат миқёсида мавжуд бўлмаган маблағлар ҳисобидан яшашга интилиш;

<sup>87</sup> Келтирилган сабабларнинг ҳар бирига атрофлича изоҳ бера ола-сизми?

- ◆ йирик давлат инвестицияларини амалга ошириш амалиётининг мавжудлиги;
- ◆ ҳарбий харажатлар даражасининг нисбатан катталлиги;
- ◆ ички реал имкониятни етарли даражада иқобатга олмаган ҳолда бошқа мамлакатларга ёрдам берилиши;
- ◆ давлатга иқтисодиёт ва социал соҳани ривожлантиришга стимул сифатида фойдаланиш имконини бермайдиган ва етарли даражада самарали бўлмаган бюджет механизмининг мавжудлиги;
- ◆ бошқа сабаблар.

Бюджет дефицити турларининг классификация қилиниши (туркумларга ажратилиши), унинг вужудга келиш сабабларини таҳлил қилиш ва молиялаштириш манбаларининг таркибий тузилмасини оптималлаштириш, ўз навбатида, мамлакатнинг молиявий аҳволини барқарорлаштиришга қаратилган (йўнаштирилган) бюджет дефицитини қисқартириш ва башоратлаш, бюджетлараро муносабатларни, бюджет ва солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича аниқ тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга имкон беради.

## **5.2. Бюджет дефицитига нисбатан стратегик ёндашув ва унинг даражасини камайтириш чора-тадбирларининг асосий йўналишлари**

Бюджет дефицити вужудга келганда унга нисбатан стратегик ёндашув<sup>88</sup> (стратегия) қуйидагиларга алоҳида эътибор берилишини тақозо этади:

- ◆ бюджет дефицитининг мавжудлигини математик йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилмаслик керак. Чунки бу ҳолда иқтисодиётни «даволаш» ўрнига унинг касаллиги кучаяди;
- ◆ бюджетнинг баланслилиги, даромадларнинг харажатлардан кўплиги соғлом ва узлуксиз ривожланаётган иқтисодиётдан далолат бермайди. Бюджет дефицити бўлиши мумкин;
- ◆ бюджет дефицитининг миқдори (даражаси), одатда,

<sup>88</sup> Қайд этилган стратегик ёндашувлар ҳар бирининг айнан тўғри эканлигини мантиқий фикрлаш асосида исботлаб бера оласизми?

мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг 2 – 3% дан ошмаслиги лозим. Ана шу чегарадан ошилса, уни тезроқ қисқартириш (ёки шу даражага келтириш) чораларини кўриш керак;

♦ бюджет дефицитини қоплаш учун, энг аввало, давлат кредитининг турли шаклларида фойдаланмоқ лозим. Шунингдек, давлат қимматбаҳо қорозларини молиявий бозорда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Аксинча, миллий пул бирлиги белгиларини зарб этувчи ускуна (станокни) ишга солмаслик керак;

♦ бюджет дефицитининг даражасини камайтириш ёки унга барҳам бериш учун, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг ўзини «даволамоқ» лозим. Акс ҳолда ана шу мақсадга эришиш учун кўзда тутилган ҳар қандай тадбир албатта муваффақиятсизликка учрайди.

Бюджет дефицити даражасини камайтириш ёки унга барҳам бериш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг энг асосий йўналишлари<sup>89</sup> қуйидагилардан иборат:

♦ бюджет харажатларининг (маблағларининг) инвестицион йўналишини ўзгартириш, уларни энг кўп самара берадиган йўналишларга йўналтириш;

♦ ҳўжалик юритишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи молиявий имтиёз ва жазолардан кенг фойдаланиш;

♦ давлатдан молиялаштиришни ва давлат иқтисодиётни соҳасини қисқартириш, хорижий давлатларга ёрдам кўрсатишни кескин камайтириш;

♦ ҳарбий харажатларни қисқартириш;

♦ энг муҳим социал дастурларнигина молиялаштиришни сақлаб қолиш, йирик бюджет харажатларини талаб этувчи дастурларни қабул қилишни тўхтатиб туриш;

♦ қарзларни давлат қимматбаҳо қорозлари шаклида расмийлаштирмасдан туриб ҳукумат органларига кредит беришни Марказий банк учун тақиқлаб қўйиш;

<sup>89</sup> Ана шу асосий йўналишларда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилишининг оқибати нималар бўлиши мумкин? Бир мулоҳаза юритиб кўринг-чи, қандай манзара вужудга келар экан.



- ◆ хорижий сармояларни жалб этиш ва бошқалар.
- Бюджет дефицитини қисқартириш мақсадида қуйидаги методлардан фойдаланиш мумкин:
- ◆ конверсия;
  - ◆ молиялаштиришдан кредитлаштиришга ўтиш;
  - ◆ зарарга (зиёнга) ишлаётган корхоналарга дотация беришни узлуксиз равишда қисқартириб бориш;
  - ◆ давлат бошқаруви харажатларини қисқартириш;
  - ◆ солиққа тортиш тизимини ўзгартириш;
  - ◆ маҳаллий бюджетлар ролини ошириш.

Давлат бюджетининг даромадларига ва шунга мос равишда бюджет дефицитининг қўламига (даражасига) мамлакат миллий валютаси ва пул муомаласининг барқарорлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Аксинча, мамлакат миллий валютасининг заифлиги, иқтисодий айланмаган хизмат кўрсатиш учун унинг етарли эмаслиги бартер операцияларининг ривожланишига, пул суррогатларининг пайдо бўлишига, соғлом ҳисоб-китобларнинг бузилишига, хўжалик юритувчи субъектларнинг бир-бирига ва бюджетга бўлган нотўловларига олиб келади.

### **5.3. Бюджет дефицитини молиялаштириш манбалари**

Бюджет дефицити вужудга келган пайтда уни молиялаштириш манбаларини аниқлаб олмақ зарур. Уни молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири давлатнинг қарз олишидир.

Давлатнинг қарз олиши жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заём ва кредитларни олишдан иборат бўлиб, улар бўйича қарз олувчи ёки бошқа қарз олганларнинг қарзларини қайтариш бўйича кафолатчи сифатида ҳукуматнинг қарз мажбуриятлари вужудга келади.

Давлатнинг ички қарз олиши жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заём ва кредитларни олишдан иборат бўлиб, улар бўйича қарз олувчи ёки бошқа қарз олганларнинг қарзларини қайтариш бўйича кафолатчи сифати-

да ҳукуматнинг ўз миллий валютасида ифодаланган қарз мажбуриятлари пайдо бўлади.

Давлатнинг ташқи қарз олиши жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заём ва кредитларни олишдан иборат бўлиб, улар бўйича қарз олувчи ёки бошқа қарз олганларнинг қарзларини қайтариш бўйича кафолатчи сифатида ҳукуматнинг хорижий валютада ифодаланган қарз мажбуриятлари вужудга келади.

Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг барча манбалари жалб қилинган маблағларнинг барча асосий турлари бўйича навбатдаги молиявий йилга мўлжалланган бюджет тўғрисидаги қонунда қонунчилик ҳокимияти органлари томонидан албатта тасдиқланиши керак.

Бюджет дефицитини молиялаштириш манбаи сифатида мамлакат Марказий банки кредитлари ва Марказий банк томонидан ҳукуматнинг сотиб олинган қарз мажбуриятлари майдонга чиқиши мақсадга мувофиқ эмас.<sup>90</sup>

Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг барча манбаларини икки гуруҳга бўлиш қабул қилинган:

- 1) ички манбалар;
- 2) ташқи манбалар.

Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг ички манбалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ◆ мамлакат ҳукумати томонидан шу мамлакатнинг миллий валютасида кредит ташкилотларидан олинган кредитлар;
- ◆ мамлакат ҳукумати номидан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш орқали амалга оширилаётган давлат заёмлари;
- ◆ давлат мулкига тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган тушумлар;
- ◆ давлат захиралари ва резервлар бўйича даромадларнинг харажатлардан ўсган қисми суммаси;
- ◆ бюджет маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларидаги маблағлар қолдирининг ўзгариши ва бошқалар.

Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг ташқи манбалари қаторига қуйидагилар киради:

<sup>90</sup> Нима учун?

♦ мамлакат ҳукумати номидан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш орқали хорижий валютада амалга оширилган давлат заёмлари;

♦ хорижий валютада тақдим этилган ва мамлакат ҳукумати томонидан жалб қилинган хорижий давлатлар, банклар ва фирмалар, халқаро молиявий ташкилотлар кредитлари.

Юридик ва жисмоний шахслар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари олдидаги (давлат кафолатлари бўйича мажбуриятларни қўшган ҳолда) мамлакат ҳукумати қарз мажбуриятлари ҳукуматнинг давлат қарзини вужудга келтиради. Бу қарз давлат хазинасини ташкил этадиган давлат мулки билан тўлиқ ва ҳеч қандай шартсиз таъминланиши керак. Бунда давлат ҳокимияти органлари мамлакат ҳукуматининг қарз мажбуриятлари ва давлат қарзига хизмат қилиш учун республика бюджети даромадларини шакллантириш бўйича барча ваколатлардан фойдаланадилар.

Мамлакатнинг қарз мажбуриятлари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

♦ қарз олувчи сифатида мамлакат ҳукумати номидан кредит ташкилотлари, хорижий давлатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар билан тузилган кредит битимлари ва шартномалари;

♦ мамлакат ҳукумати номидан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш орқали амалга оширилган давлат заёмлари;

♦ мамлакат ҳукумати томонидан давлат кафолатини бериш тўғрисидаги шартномалар;

♦ ўтган йиллардаги мамлакат қарз мажбуриятларини реструктуризация қилиш ва муддатини ўзгартириш тўғрисидаги мамлакат ҳукумати номидан тузилган (шу жумладан, халқаро) битимлар ҳамда шартномалар ва бошқалар.

Мамлакат қарз мажбуриятлари муддатига қараб қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (бир йилдан ортиқ ва беш йилгача) ва узоқ муддатли (беш йилдан юқори) бўлиши мумкин. Улар заёмнинг конкрет шартларига мувофиқ равишда (заём шартларини, жумладан, тўлов муддатлари,

фоиз тўловлари миқдори, муомала муддатларини ўзгартирмасдан) қайтарилиши керак.

Мамлакат ҳукуматининг давлат ички қарзлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ◆ ҳукумат давлат қимматбаҳо қоғозлари бўйича қарзининг асосий номинал суммаси;

- ◆ ҳукуматга тақдим этилган кредитлар бўйича асосий қарзнинг ҳажми;

- ◆ мамлакат ҳукумати томонидан берилган кафолатлар бўйича мажбуриятлар ҳажми ва бошқалар.

Ўз навбатида, ҳукуматнинг давлат ташқи қарзлари:

- ◆ хорижий давлатлар ҳукуматлари, кредит ташкилотлари, фирмалар ва халқаро молиявий ташкилотларга мамлакат ҳукумати томонидан тақдим этилган давлат кафолатлари бўйича мажбуриятлар ҳажми;

- ◆ хорижий давлатлар ҳукуматлари, кредит ташкилотлари, фирмалар ва халқаро молиявий ташкилотлардан ҳукумат олган кредитлар бўйича асосий қарз ҳажмидан иборат бўлади.

Бюджет дефицитини молиялаштириш жараёнини қуйидаги йўللاردан фойдаланган ҳолда бошқариш мумкин:

- ◆ молиялаштириш манбаларининг у ёки бу турларини танлаш ёрдамида;

- ◆ давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш шартлари (ҳажми, муомалада бўлиш муддатлари, даромадлилик даражаси ва ш.к.) билан манёвр қилиш орқали;

- ◆ ички ва ташқи қарзларнинг ўзаро нисбатларидан фойдаланган ҳолда;

- ◆ аҳолининг ички жамғармаларини сақлаш учун қулай шароитларни яратиш асосида;

- ◆ қимматли қоғозлар ва омонатларни индексация қилиш йўли билан;

- ◆ давлат қарзларига хизмат қилиш бўйича чекловларни ўрнатиш орқали ва бошқалар.

Ўз навбатида, бюджет дефицитини самарали бошқариш давлат харажатларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини ошириш йўналишларида сарфланишини кўзда тутати. Шунга мувофиқ равишда бюджет ажрат-

малари ва кредитлар маълум бир самарага эришилига қараб ва маблағларнинг қайтарилиши учун кафолатлар етарли бўлган тақдирда аниқ дастурлар остида ажратилмоғи лозим. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, бюджет дефицитини молиялаштириш билан боғлиқ операциялар давлатнинг умумий иқтисодий, молиявий ва бюджет сиёсати билан мувофиқлаштириломоғи мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, халқаро амалиётда бюджет дефицитини камайтириш учун унинг мамлакатга хорижий капитални жалб қилиш шакалидан ҳам фойдаланиш мумкинлиги эътиборга олинмоғи лозим.

Бу жараёнда дефляция тадбирларнинг ўта мураккаблиги шунда намоён бўладики, уларнинг амалга оширилиши давлат харажатлари қисқаришини, кредит ресурслари қимматлашувини, пул массаси камайтишини тақозо этади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, яли талабнинг камайтишига, капитал кўйнамаларнинг қисқаришига, демак, ишбилармонлик фаолигининг пасайишига ва ишсизликнинг ортишига ўз таъсирини кўрсатади.

Ва ниҳоят, юқоридагилар бюджет дефицити муаммоси пул муомаласи, бюджет сиёсати, иқтисодий фаоллик ва социал соҳадаги жараёнларга давлат таъсирчанлигининг самарадорлиги билан боғлиқ бўлган мураккаб муаммолар билан узвий равишда боғланиб кетганлигидан дарак беради.

Шундай қилиб, бюджет дефицитини камайтириш бюджет сиёсатининг марказий масаласи экан, уни муваффақиятли удаламоқ учун, энг аввало, юқорида баён этилганларнинг ҳар бирига, яъни: а) бюджет дефицити вужудга келишининг энг умумий сабабларига; б) бюджет дефицити вужудга келганда унга нисбатан ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим бўлган стратегик ёндашувга; в) бюджет дефицити даражасини камайтириш ёки унга барҳам бериш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг энг асосий йўналишларига; г) бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини аниқлашга жиддий эътибор бермоқ лозим. Буларни тўлиқ ва узил-кесил ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқилган ва бюджет дефицитини камай-

тиришга қаратилган бюджет сиёсати ўз-ўзини алдаш билан баробар бўлиб, албатта муваффақиятсизликка учрайди ёки қутилган натижани бермайди.

#### **5.4. Бюджет дефицити ва бюджет сиёсати муаммоларига концептуал ёндашувлар**

Ҳозирги пайтда иқтисод (молия) илмида ва жаҳон амалиётида бюджет дефицити ва бюджет сиёсати муаммоларига нисбатан бир неча концептуал ёндашувлар мавжуд. Бюджет дефицитига нисбатан бюджет сиёсати ишлаб чиқиладиган пайтда уларни ҳисобга олиш ёки уларга эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан қуйида уларнинг айримлари хусусида қисқача тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Бюджет дефицити ва унга дахлдор бўлган бюджет сиёсатининг биринчи концепцияси остида мамлакатнинг давлат бюджети ҳар йили баланслаштирилган бўлиши керак деган гоя ётади. Ўз навбатида, бу гоянинг амалиётда муваффақиятли амалга оширилиши бюджет дефицити ва у билан боғлиқ муаммоларнинг барчасини, табиийки, кун тартибидан олиб ташлайди. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, бундай гоя ўз-ўзидан ёки сунъий равишда пайдо бўлмаган. Чунки ўтган асрнинг 30-йилларидаги (1929 – 1932) «Бутоқ депрессия»га қадар ҳар йили баланслаштириладиган бюджет давлат молияси ва молиявий сиёсатнинг истаган (кўзда тутилган) мақсади сифатида умумэътироф этилган эди.

Бироқ бу муаммо атрофлича кўриб чиқилганда ҳар йили баланслаштириладиган бюджет антициклик, барқарорлаштирувчи йўналишга эга бўлган давлат фискал сиёсатининг самарадорлигини, асосан, йўққа чиқариши ёки унинг бу даражасини кескин камайтириши мумкинлиги маълум бўлади. Боз устига, ҳар йили баланслаштириладиган бюджет, аслида, иқтисодий циклининг тебранишини чуқурлаштиради ҳам. Бир тасаввур қилиб кўринг: иқтисодиёт ишсизликнинг узоқ вақт давом этишига дуч келган. Бундай шароитда (вазиятда) аҳоли даромадлари пасаяди, бюджетга бориб тушувчи солиқ тушумлари эса автоматик тарзда қис-

қаради. Бюджет дефицити ва унга дахлдор бўлган бюджет сиёсати концепцияси остида давлат бюджети ҳар йили баланслаштирилган бўлиши керак деган ғоя ётган ҳукумат бюджетни тезда баланслаштиришга ҳаракат қилиб, ё мавжуд солиқларнинг ставкасини ошириши, ё давлат харажатларини қисқартириши, ёки бир вақтнинг ўзида ана шу икки вариантнинг комбинациясидан фойдаланиши керак. Ҳолбуки, бундай чораларнинг қўлланиши охир-оқибатда жами талабнинг янада кўпроқ қисқаришига олиб келади.

Давлат бюджетини ҳар йили баланслаштиришга уриниш пировардида инфляцияни ҳам рағбатлантириши мумкин. Чунки инфляция шароитида аҳоли пул даромадларини ошириш автоматик тарзда солиқ тушумларини оширади. Бунинг натижасида бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасида мусбат фарқ вужудга келиб, давлат бюджетини баланслаштириш учун ҳукумат яна қуйидаги чораларни қўллаши лозим: ё амалдаги солиқлар ставкасини пасайтириш, ё давлат харажатлари ҳажмини ошириш, ёки ана шу икки чоранинг комбинациясидан фойдаланиш керак. Бундай шароитда бюджетни баланслаштириш мақсадида юқоридаги чораларнинг қўлланилиши иқтисодиётдаги инфляцион босимни кучайтиради.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқадиган асосий хулоса қуйидагидан иборат: ҳар йили баланслаштириладиган бюджет иқтисодий жиҳатдан холис ҳисобланмайди. Ана шу ва бошқа муаммолар мавжудлигига қарамай, дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бюджетнинг ҳар йили баланслаштирилган бўлишини кўзда тутувчи конституцион тузатмани қабул қилиш воясини қўллаб-қувватловчилар мавжуд.<sup>91</sup>

Бюджет дефицити ва унга дахлдор бўлган бюджет сиёсати иккинчи концепциясининг асосий ёки туб мазмунини мамлакатнинг давлат бюджети ҳар йили эмас, балки иқтисодий цикл давомида баланслаштирилиши керак деган ғоя ташкил қилади. Бу концепцияга кўра, мамлакат ҳукумати, бир томондан, иқтисодий жараёнларга антициклик таъсирни

<sup>91</sup> Бир тасаввур қилиб кўринг-чи, бунинг сабаблари нималардан иборат экан.

амалга оширса, иккинчи томондан, бир вақтнинг ўзида мамлакат бюджетини баланслаштиришга ҳам интилади. Бироқ бу қолда, юқорида қайд этилганидек, бюджет ҳар йили баланслаштирилмаслиги мумкин. Аксинча, бундай вазиятда иқтисодий цикл давомида бюджетнинг баланслаштирилганлигига эришишнинг ўзи етарли ҳисобланади.

Бу концепция ҳам ўз мантиқий асосига эга. Уни оддий, оқил ва жозибador деб ҳисоблаш мумкин. Сабаби шундаки, бу концепцияга биноан ишлаб чиқаришнинг қисқаришига қарши туриш учун ҳукумат, бир томондан, солиқларни пасайтириши, иккинчи томондан, давлат харажатларини ошириш эвазига онгли равишда бюджет дефицитини вужудга келтириши керак. Навбатдаги инфляцияон юксалиш даврида эса ҳукумат солиқларни ошириши ва давлат харажатларини қисқартириши лозим. Ана шу асосда вужудга келадиган бюджетнинг ижобий қолдири иқтисодий пасайиш даврида вужудга келган давлат қарзларини (бюджет дефицитини) қоплашга сарфланиши мумкин. Шундай қилиб, юқоридегилардан кўриниб турибдики, бунда мамлакат ҳукумати ижобий (позитив) антициклик сиёсатни амалга ошира бориб, бир вақтнинг ўзида бюджетни ҳам баланслаштиради. Фақат бундай баланслаштириш ҳар йили эмас, балки бир неча йил давом этган даврда амалга оширилади.

Ўзининг бир неча ижобий томонларига қарамай, бу концепцияда ҳам ҳисобга олинмиши ёки ҳал этилиши керак бўлган бир неча мураккаб муаммолар бор. Иқтисодий циклдаги пасайиш ва юксалишнинг ўз чуқурликлари ва давомийлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиши мумкинлиги ана шундай муаммолардан биридир. Масалан, амалиётда баъзи ҳолларда чуқур ва узоқ давом этган пасайиш юксалишнинг қисқа даври билан ҳам характерланиши мумкин. Бундай вазиятда иқтисодий пасайиш даврида вужудга келган катта миқдордаги дефицитни қисқа муддатда давом этган юксалиш давридаги бюджетнинг ижобий қолдири ҳисобидан қоплашнинг иложи бўлмайди, демак, бу ерда циклик характердаги бюджет дефицити мавжуд бўлиб қолаверади.

Ва ниҳоят, бюджет дефицити ва унга даҳадор бўлган бюд-



жет сиёсати учинчи концепциясининг негизиде функционал молия деган гоя ётади. Бу концепция гоясига мувофиқ бюджетни баланслаштириш тўғрисидаги масала – уни ҳар йили баланслаштириш керакми ёки циклик асосда баланслаштириш зарурми – принципиал аҳамиятга эга эмас, у иккинчи даражали аҳамиятга молик масала. Чунки давлат молиясининг асосий мақсади бюджетни эмас, энг аввало, инфляцион тўлиқ бандликни таъминлашдан, яъни иқтисодийни баланслаштиришдан иборат. Агар ана шу мақсадга эришиш бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги барқарор ижобий сальдо ёки катта, ўсиб борувчи давлат қарзлари шароитида амалга оширилса, майли, оширилаверсин. Бу концепцияга мувофиқ, давлат бюджети дефицити ёки профицити билан боғлиқ бўлган муаммо юқори муқобили даражадаги узоқ давом этувчи иқтисодийдаги пасайишлар ёки барқарор инфляция билан қиёслаганда деярли аҳамиятга эга эмас. Чунки давлат бюджети, аввало, макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва уни қўллаб-қувватлаш инструменти ҳисобланади. Ана шу мақсадга эришиш учун ҳар қандай даражадаги бюджет дефицити ёки профицитига борилишидан ҳукумат шубҳага тушмаслиги лозим.

Бюджет дефицити ва унга дахлдор бўлган бюджет сиёсатининг иккинчи ва учинчи концепциялари бюджет дефицитига йўналтирилган ва мамлакат пул ҳўжалигининг салоҳиятига таънадиган молиявий сиёсат асосида ётади. Бундай сиёсат қўйидагилар бўлишини тақозо ётади:

- ◆ мамлакатнинг пул салоҳияти доирасида молиявий тadbирлар аниқ дастури мавжудлиги;
- ◆ бюджет дефицити ривожланиши устидан назорат ва уни қоплаш манбаларини қидириб топиш;
- ◆ энг юқори иқтисодий самара берадиган тadbирларга бюджет маблағларини ажратиш.

Бу сиёсатни эгаллаш жамиятга бюджет дефицитининг оптимал (оқилона) ўлчамини топишга имкон беради. Масалан, XX асрнинг 80-йилларида ЯИМга нисбатан бюджет дефицити Францияда 9,6% ни, АҚШда 11,6% ни, Германияда

14,0% ни, Японияда 15,6% ни, Бельгияда 25,1% ни, Италияда 25,2% ни ва Грецияда 31,2% ни ташкил этган. Бироқ бюджет дефицити билан боғлиқ бўлган сиёсат қанчалик жозибадор бўлмасин, нисбатан катта миқдордаги бюджет дефицитлари ҳатто иқтисодий жиҳатдан «бой» санаган мамлакатлар учун ҳам кескин салбий оқибатларга олиб келмоқда. Хусусан, дунёда энг кучли бўлган АҚШ иқтисодиёти узок йиллар давомида федерал бюджетнинг барқарор дефицитли шароитида фаолият кўрсатиб келган бўлишига қарамай, ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарига келиб федерал бюджет дефицити шундай катта (йирик) даражага етдики, бу нарса унга қарши курашиш учун таъсирчан воситаларни қидириб топишга АҚШ ҳукуматини мажбур этди.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун қўшимча саволлар:**

- ◆ Бюджет дефицити деб нима айтилади?
- ◆ Бюджет-солиқ сиёсатининг таркибий қисми сифатида бюджет сиёсатининг якуний (миқдорий) натижаси бюджет дефицити, бюджетнинг баланслилиги ёки бюджет профицитида ўз ифодасини топиши мумкинми? Уларнинг ҳар бирига қараб якуний ҳулосани чиқарса бўладими?
- ◆ Бюджет даромадлари ва харажатларининг ўзаро тўғри нисбати хусусидаги муаммога доир мунозараларда иштирок этувчиларни энг умумий кўринишда қандай гуруҳларга ажратиш мумкин ва улар қандай икки мактаб вакиллари ҳисобланади?
- ◆ Кейнсчилар мактаби вакиллари систематик ёки доимий бюджет дефицити концепциясини қўллаб-қувватлашади, улар бунда қандай ижобий ҳолатлар бор эканлигини қайд этадилар?
- ◆ Кейнсчилар мактаби вакиллари бюджетни дефицитли молиялаштириш назарияси мавжуд дефицитнинг қандай бюджетда тўпланишини тақозо этади ва у қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
- ◆ Неоклассик мактаб вакиллари қарашларида бюджет дефицитига нисбатан қандай хавфлар мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилган?

- ◆ Бюджет дефицитини қандай белгилар асосида туркумларга ажратиш мақсадга мувофиқ?
- ◆ Вужудга келиш сабабларига кўра бюджет дефицитининг қандай турлари бўлиши мумкин?
- ◆ Фавқулодий бюджет дефицити негизида нималар ётади?
- ◆ Инқирозий ва антинқирозий бюджет дефицитлари нималар билан боғлиқ бўлади?
- ◆ Халқаро амалиётда бюджетлараро бюджет дефицити дейилганда, одатда, нима тушунилади?
- ◆ Иқтисодий мазмуни ва таъсирчанлик йўналишига қараб бюджет дефицити нималарга бўлинади?
- ◆ Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши шароитида пассив бюджет дефицити даражаси ЯИМга, МДга ва бюджетнинг харажатлар қисмига нисбатан неча фоиз агрофида чегараланиши қабул қилинган?
- ◆ Қандай вазиятларда бюджет дефицити актив шаклга эга бўлади?
- ◆ Ишсизлик даражаси билан боғланганлигига биноан бюджет дефицити қандай кўринишларга эга бўлиши мумкин?
- ◆ Тузилмавий бюджет дефицити дейилганда нима тушунилади?
- ◆ Циклик бюджет дефицити деб нимага айтилади?
- ◆ Вужудга келиш характериға мувофиқ бюджет дефицити қандай кўринишларга эга бўлиши мумкин?
- ◆ Тасодифий (кассавий) бюджет дефицити ниманинг мавжудлиги натижасида пайдо бўлади?
- ◆ Ҳақиқий бюджет дефицити қачон вужудга келади?
- ◆ Режаға муносабати бўйича бюджет дефицити қандай кўринишларга эга бўлиши мумкин?
- ◆ Режали бюджет дефицити нималарда ўз аксини топади?
- ◆ Режадан ташқари (режасиз) бюджет дефицити нималар натижасида пайдо бўлади?
- ◆ Доимийлигига нисбатан бюджет дефицитининг қандай турлари бўлиши мумкин?

◆ Давомийлигига кўра бюджет дефицити қандай кўринишларга эга?

◆ Хроник (систематик) тарздаги бюджет дефицити вужудга келиши сабаблари нималардан иборат?

◆ Вақтинчалик бюджет дефицити вужудга келишида қандай сабаблар муҳим роль ўйнайди?

◆ Молиялаштириш манбаларига бораиклигига қараб бюджет дефицитининг қандай турлари мавжуд?

◆ Келгуси авлодга ўтказиладиган ва ўтказилмайдиган бюджет дефицити деб нимага айтилади?

◆ Айрим ҳолларда бюджет дефицитини молиялаштиришнинг солиқларни жорий этмасдан ва давлат қарзларини муомалага чиқармасдан, бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин. Бундай бошқа манбалар қаторига нималар киради?

◆ Давлат қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича фоизларни тўлашнинг ҳалқаро методологиясига биноан бюджет дефицити қандай кўринишларга эга?

◆ Бирламчи ва иккиламчи бюджет дефицити деб нимага айтилади?

◆ Бюджет дефицити вужудга келишининг энг умумий сабаблари нималардан иборат?

◆ Бюджет дефицити вужудга келганда унга нисбатан стратегик ёндашув (стратегия) нималарга алоҳида эътибор беришни тақозо этади?

◆ Бюджет дефицити даражасини камайтириш ёки унга барҳам бериш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг энг асосий йўналишлари нималардан иборат?

◆ Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг асосий манбаларига нималар киради?

◆ Давлатнинг ички ва ташқи қарзлари дейилганда нималар тушунилади?

◆ Давлат ички қарзлари таркиби нималардан иборат бўлиши мумкин?

◆ Давлат ташқи қарзлари таркибига нималар киради?

- ◆ Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг барча манбалари қандай гуруҳлардан ташкил топади?
- ◆ Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг ички манбаларига нималар киради?
- ◆ Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг ташқи манбалари нималардан иборат?
- ◆ Мамлакатнинг қарз мажбуриятлари қандай шаклларда бўлиши мумкин?
- ◆ «Бюджет дефицити», «Бюджет камомати», «Бюджет тақчиллиги», «Бюджет етишмовчилиги» ибораларининг маъно-мазмуни бир хилми?
- ◆ Бюджет дефицитини молиялаштириш жараёнини қандай йўллардан фойдаланган ҳолда бошқариш мумкин?
- ◆ Бюджет дефицитини камайтириш бюджет сиёсатининг марказий масаласи экан, уни муваффақиятли уддаламоқ учун, энг аввало, нималарга эътибор бермоқ лозим?
- ◆ Бюджет дефицити ва бюджет сиёсати муаммоларига концептуал ёндашувлар нималардан иборат?
- ◆ Бюджет дефицити ва унга дахлдор бўлган бюджет сиёсатининг биринчи концепцияси остида қандай ғоя ётади? Унда қандай муаммолар мавжуд?
- ◆ Бюджет дефицити ва унга дахлдор бўлган бюджет сиёсати иккинчи концепциясининг асосий мазмунини қандай ғоя ташкил қилади? Унинг афзалликлари ва нуқсонларига нималар киради?
- ◆ Бюджет дефицити ва унга дахлдор бўлган бюджет сиёсати учинчи концепцияси негизда нима ётади?
- ◆ Бюджет дефицити ва унга дахлдор бўлган бюджет сиёсатининг иккинчи ва учинчи концепциялари бюджет дефицитига йўналтирилган ва мамлакат пул хўжалиги салоҳиятига таънадиган молиявий сиёсатнинг асосида ётади. Бундай сиёсат нималарнинг бўлишини тақозо этади?

**6-БОБ.****ЗАМОНАВИЙ СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ ВА УНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ  
ФУНДАМЕНТАЛ АСОСЛАРИ****6.1. Солиқлар, солиқ тизими ва солиқ  
сиёсатидаги вазият**

Замонавий солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишни унинг фундаментал асосларини аниқлаб олишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатига тегишли бўлган амалдаги вазиятга аниқлик киритиш зарур. Ана шу вазият кейинги бир неча йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг буюк иқтисодий экспериментни ўз бошидан кечираётганлиги, унга кўра, халқ ҳўжалигини режали усулда бошқаришдан иқтисодий тараққиётнинг бозор механизмларидан фойдаланишга ўтилаётганлиги билан характерланади. Янги иқтисодий инструментлар аввали иқтисодий тизимнинг қолдиқ элементлари ва иқтисодий муносабатлар субъектлари онгида мустаҳкам идиз отган анъаналар билан биргаликда яшамоқда. Бу жараён ўтиш даври иқтисодиётга эга бўлган мамлакат бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ, сиёсат ва иқтисодиёт соҳаларида тегишли ўзгаришларни параллел равишда амалга ошириш зарур бўлганлиги учун янада мураккаблашаётир. Иқтисодиётни қайта қуриш маълум даражада ишлаб чиқаришнинг қисқаришига, инфляциянинг ўсишига, ишсизликнинг вужудга келишига, давлат секторининг қисқаришига олиб келмоқда. Бундай салбий ҳодисаларга барҳам бериш керак. Шу муносабат билан солиқ сиёсати ва мамлакатимиздаги солиқ органлари тизимининг самарали ислоҳ қилиниши иқтисодиётимизни бозор изига кўчиришда муваффақиятга эришишнинг асосий омиларидан бири эканлигини ҳозирги пайтда деярли ҳамма тан олаётти.

Солиқлар муаммоси мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда жуда кескин танқидга учраётган, жуда қайноқ мунозараларга сабаб бўлаётган, ислох қилиш бўйича таҳлил объекти ва қарама-қарши рояларга эга бўлаётган солиқлардан бўлак ислохотларнинг бошқа бир йўналиши йўқ. Бошқа бир томондан эса солиқ тизими бозор муносабатларининг энг муҳим элементларидан бўлиб, мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда яратилган солиқ тизимини кескин (тубдан) қайта ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Бундай ҳолларда фақат бир дақиқалик самарани (қайтимни) ҳисобга олмасдан, балки бу таклифларнинг мамлакат иқтисодиёти ва молиясининг барча томонларига қай даражада таъсир этиши албатта инобатга олинмоғи лозим.

Табиийки, идеал (бенуқсон) солиқ тизимини жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, унда яратилган илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олувчи муҳим назарий асос ёрдамидагина яратиш мумкин.

Солиқ тизими хўжаликлардаги бозор муносабатлари ривожланишига таъсир қилиши, тадбиркорликнинг тараққий этишига ёрдам бериши ва бир вақтнинг ўзида аҳолининг кам таъминланган қатлами турмуш тарзининг пасайиб кетишига тўсқинлик қилиши керак.

Ана шундай шароитда бозор иқтисодиётида солиқ тизимини ташкил қилишнинг асосий принциплари тариқасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ♦ юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадлари, уларнинг мулкий аҳволини ҳисобга олиш имконини берувчи солиқ тизими, уларнинг турлари, тўғри (бевосита) ҳамда эгри (билвосита) солиқлар нисбатининг бозор иқтисодиёти ривожланишига мос тарзда ривожланиши;

- ♦ мулкчилик шаклига ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига боғлиқ бўлмаган ҳолда хўжалик юритишнинг самардорлиги учун барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягона

талабларни ўрнатиш мақсадида солиққа тортиш услубларини универсallasштириш;

♦ даромад олиш манбаи, хўжалик юритиш соҳаси ва иқтисодиёт тармоғига боғлиқ бўлмаган ҳолда солиқ миқдорини ҳисоблашда бир хил ёндашиш;

♦ солиққа тортишнинг бир марталик тамойилини таъминлаш ва икки марталик солиққа тортишга йўл қўймаслик;

♦ солиқ тўловчига корхона ва ташкилотнинг соғлом ривожланишини таъминлайдиган, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш имконини берувчи солиққа тортишнинг ҳиссасини (қисмини) ҳамда солиқ ставкасини белгилашнинг (ўрнатишнинг, аниқлашнинг) илмий жиҳатдан асосланганлиги;

♦ даромад даражаси ёки мол-мулк қийматига ва хўжалик юритишнинг бозор асослари соғлом ривожланишига шароит яратиб беришига қараб солиқ ставкаларини табақallasштириш (дифференциялаш);

♦ узоқ вақт давомида солиқ ставкалари барқарорлигини, уларни ҳисоблашнинг оддийлигини таъминлаш;

♦ тадбиркорлик фаолиятига маблағларни инвестициялаштириш жараёнини реал рағбатлантирадиган ва ижтимоий адолат принципларига жавоб берадиган, фуқароларга кун (ҳаёт) кечириш минимумини кафолатлайдиган солиқ имтиёзлари тизимини ўрнатиш;

♦ солиқ тўловчиларнинг барча тоифаларига нисбатан солиқ имтиёзларининг ягоналиги;

♦ кучли, аниқ ишлайдиган, техник жиҳатдан яхши жиҳозланган солиқ хизматини яратиш;

♦ давлат бошқарув даражаси бўйича солиқларнинг аниқ тақсимланиши.<sup>92</sup>

Бироқ мамлакатимизда амал қилиб келаётган солиқ тизими юқорида қайд этиб ўтилган принципларнинг барчасига тўлиқ жавоб бераётгани йўқ. Бошқа бир томондан,

<sup>92</sup> Шу ва шунга ўхшаш бошқа принциплар ҳусусида монография-мизнинг 4.3-параграфида тўхтадик ва уларга изоҳ беришга ҳарат қилдик.



амалдаги солиқ тизими солиқ тўловчиларнинг ҳам (солиқ юки оғирлиги, тадбиркорлар ҳуқуқи чекланганлиги, қонуний ва меъёрий ҳужжатларни (актларни) талқин қилишнинг мураккаблиги, чигаллиги, бир хил эмаслиги, қонуналарга ва тегишли меъёрий ҳужжатларга тез-тез ўзгартиришлар киритиб турилганлиги ва бошқалар), солиқ хизматининг ҳам (солиқ тўлашдан қочиш имкониятлари кўплиги, турли хилдаги имтиёзлар мавжудлиги солиқ тўловчилар ўртасида нотенгаикни вужудга келтираётганлиги ва мамлакат иқтисодиётига зарар етказаётганлиги, иқтисодиётда қисқа муддатларда фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг мавжудлиги, солиқ хизмати ҳуқуқи чекланганлиги, солиқ инспектори ишининг хавфлилиги, оғирлиги, кам маошлилиги ва бошқалар) манфаатларига тўлиқ жавоб бермаяпти.

Умуман олганда, мамлакатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг бир неча йўллари мавжуд, улар қуйидагича бўлиши мумкин:

- ◆ муваффақиятли равишда фаолият кўрсатаётган ва Ўзбекистон шароитига яқин бўлган Фарб мамлакатларидан бирининг солиқ тизимидан нусха олиш;

- ◆ ўтиш даври иқтисодиётига мослаштирилган солиқ тизимларининг биридан фойдаланиш;

- ◆ иқтисодий тараққиёт йўлидан муваффақиятли равишда илгари бораётган ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар ва ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда бутунлай янги солиқ тизимини ишлаб чиқиш (яратиш).

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда амал қилиб келаётган солиқ тизимини тезда ва тубдан ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай тадбир мамлакат иқтисодиётига тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин. Бу ерда солиқлар ва солиққа тортишнинг ривожланиши тарихи, иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатидан турлича бўлган мамлакатлардаги солиқ тизимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган билимларни Ўзбекистон шароитига мувофиқлаштириш (мослаштириш) асосида пухта ўйлаб, ҳисоб-китоб қилиб ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки босқичларида социалистик иқтисодиётда ҳукм сурган солиқ тизми амалиёти ва унинг таркибий тузилиши Ўзбекистонга ҳам «мерос» бўлиб ўтди. Ундан кейинги даврларда бўлган ўзгаришларнинг суръатлари ва йўналишларини белгилашда қуйидагилар ўзининг асосий таъсирини кўрсатди: давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва ялпи ички маҳсулотда давлат сектори салмоғининг юқори даражадалиги; «келишувли солиқлар»нинг мавжудлиги (бир хил вазиятдаги икки солиқ тўловчи бир-бирининг қанча солиқ тўлаётганлигини биамаслиги); солиқларнинг мавжуд эканлигини аҳолидан яшириш ва солиқ интизомига ихтиёрий равишда риоя қилиш анъаналарининг йўқлиги; солиқ органларининг ривожланмаганлиги ва аҳолининг давлат институтларига нисбатан маълум даражадаги ишончсизлиги ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги солиқ тизимининг қандай шароитларда вужудга келганлигини (пайдо бўлганлигини) ҳам эсдан чиқармаслик керак. Бозор тоифасидаги иқтисодиётда солиқлар ва солиқ тизими бозорнинг энг асосий инструментларидан ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бошқарувининг барча даражаларида олинadиган солиқлар бюджет даромадларининг 90 – 95 фоизини шакллантиради. Ана шу муносабат билан солиқ тизимини шакллантириш, солиқларни тўплаш ва улардан фойдаланиш механизминини яратиш алоҳида (биринчи даражали) аҳамият касб этади.

1987 – 1990 йилларда жорий этилган иқтисодий норматив ва лимитлар тизими, ресурс тўловлари, уларнинг марказий ҳукумат томонидан юқоридан тақсимланиши зарурий (кўзланган) натижаларга олиб келмади. Улар бошқарувнинг режални услубларидан бўлиб, охир-оқибатда молиявий боқимандаликни туғдирди. Солиқ тизимининг асосий мақсади режа топшириқларини бажаришдан иборат бўлган корхоналар манфаатларига бўйсундирилган эди.

Собиқ Иттифоқ иқтисодиётида солиққа тортишнинг таркибий тузилишини ўзининг ҳажми (ўлчами) бўйича бир-бирига тенг бўлмаган бюджетга бориб тушувчи икки гуруҳда-

ги солиқлар ташкил этган. Биринчи гуруҳга корхоналар фойдасидан ажратмалар: фонд ҳақи тўловлари, қатъий рента тўловлари, кейинроқ фойда солиғи билан алмаштирилган бюджетга олинadиган фойданинг озод қолдиги кабилар кирган. Оборот солиғи ва бюджетга социал (ижтимоий) сугурта бадаллари ҳам шу гуруҳга киритилган. Ана шулардан таркиб топган биринчи гуруҳ ёрдамида бюджет даромадларининг 70 фоизгача бўлган қисми шакланган.

Иккинчи гуруҳга аҳолидан олинadиган даромад солиғи, бўйдоқ ва кам оилаалардан олинadиган солиқ ҳамда қишлоқ хўжалиғи солиғи киритилган бўлиб, улар ёрдамида бюджет даромадларининг 7 фоизгача даромадлари ташкил топган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида амалдаги солиқ тизими бозор иқтисодиётининг жадаллик билан фаолият кўрсатишига тўсқинлик қила бошлади ва янги солиқ тизимига асос солиш зарурияти пайдо бўлди.

Мамлакат иқтисодиётида вужудга келган реал вазиятни (инфляциян жараёнларнинг кучайиши, товарлар бозоридаги номутаносиблик, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, бюджет харажатларини молиялаштиришнинг эмиссия ҳисобидан амалга оширилиши ва бошқалар) инобатга олган ҳолда жуда кескин чораларни кўриш тақозо этилди ва шунга мос равишда амалиётда қўлланиб келинаётган солиқ тизими жуда қисқа муддатда (3 ой ичида) ишлаб чиқилди ва мамлакатимиз иқтисодиётига жорий этилди. Дунёда бундай қисқа муддатда янги солиқ тизимини қўллаш амалиёти бўлмаган. 1992 йилдаёқ давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги асосий оғирликни анча мураккаб бўлган қўшилган қиймат солиғи ўз зиммасига олган эди.

Амалдаги янги солиқ тизими тузилиш (қурилиш) принциплари ва таркибий қисмларига кўра бутун жаҳон амалиётида кенг тарқалган солиқ тизимини ҳам акс эттирган. Ҳозирги замондаги барча солиқ тизимлари худди шунга ўхшаш турли хилдаги солиқлардан иборат.

Янгидан жорий этилган қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар бекор қилинган оборот солиғи ва сотувдан олинadиган

ган солиқ сингари эгри (билвосита) солиқлар ҳисобланиб, улар ўз моҳиятига кўра истеъмолга солинадиган солиқлардир. Чунки бу солиқлар билан истеъмолчилар томон юз тутган маҳсулотлар ва хизматлар солиққа тортилади. Охирги истеъмолчи бу ерда фақат шахс сифатида майдонга чиқмасдан, балки бу солиқларни тўловчилар ноишлаб чиқариш соҳасидаги истеъмолчилар ҳам ҳисобланади.

Кўшилган қиймат солиғи ва акцизлар бозор иқтисодиѳига эга бўлган жуда кўп мамлакатларда ўзларини фақатгина бюджетнинг самарали фискал инструментлари сифатида намоён этиб қолмасдан, балки барча тадбиркорлар учун хўжалик юритишда тенг шароитлар яратиб берадиган восита сифатида ҳам яққол кўринди.

Кўшилган қиймат солиғи оборот солиғидан солиқ тўловчилар контингенти, фаолият кўрсатиш соҳаси, бюджетга олиш усули, ставкалари сони ва ҳисобланишнинг оддийлиги билан фарқ қилади.

Оборот солиғи учун қатъий баҳоларнинг қаттиқ регламентация қилинганлиги, солиқ ставкалари кенг тўпламининг мавжудлиги ва солиқнинг фақат тайёр буюмлар бўйича олиниши характерлидир. Бу солиқ, асосан, халқ истеъмол буюмлари бўйича олиниб, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, савдо, таъминот, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқларга деярли таъсир кўрсатмаган эди.

Кўшилган қиймат солиғи энг умумий солиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадларга мўлжалланган, халқ истеъмол товарлари, бажарилган ишлар ва тўловли (ҳақли) хизматлар, ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини қамраб олади. Бу солиқ товарлар, ишлар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёналарининг барча босқичларида яратиладиган қиймат ўсишининг бир қисмини бюджетга олиш шакли бўлиб, уларнинг реализация қилинишига (ортиб жўнатилишига) қараб бюджетга олинади (ўтказилади).

Кўшилган қиймат солиғининг моҳиятини тўлиқ идрок этиш учун таркибига хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий ва қўшимча иш ҳақи (ижтимоий эҳтиѳларга ажрат-

малар билан биргаликда), асосий фондлар амортизацияси ва бошқа харажатлар қиймати кирувчи ишлаб чиқариш харажатлари элементларига мурожаат қилмоқ зарур. Кўрсатилган моддий харажатлардан буюмлашган меҳнатни ўзида гавдалантирганларнинг барча элементлари бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилгандир. Асосий ва қўшимча иш ҳақи (ижтимоий аҳтиёжларга ҳисоблашлар билан биргаликда) эса жонли меҳнат билан шу корхонанинг ўзида яратилади ва улар қўшилган (ўстирилган) қиймат ҳисобланади. Табиийки, маҳсулотлар ва товарлар, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларини қоплайдиган ва корхонанинг фойда олишига имкон берувчи баҳоларда реализация қилинади ва у ҳам шу корхона ишчиларининг меҳнати билан яратилади ҳамда қўшилган (ўстирилган) қийматга тегишли бўлади. Бу ерда қўшилган ёки ўстирилган қиймат ўзида қайта ишлаш харажатларини, энг аввало, меҳнат ҳақи харажатларини гавдалантириши маълум бўлади. Қўшилган қиймат таркибига юқоридагилардан ташқари амортизация ва ишлаб чиқариш цикли билан бевосита боғлиқ харажатларнинг бошқа элементлари ҳам киради.

Қўшилган қиймат солиғининг устуворлик роли унинг умумийлиги билан белгиланади. Мулкчилик шакли ва у қайси юқори ташкилотга итоат этишидан қатъи назар, деярли барча корхоналар бу солиқнинг тўловчиси ҳисобланади (шу жумладан, хорижий инвестицияли корхоналар ҳам).

Оборот солиғи ва сотувдан олинадиган солиқ бекор қилиниши муносабати билан уларнинг ўрнига жорий этилган қўшилган қиймат солиғи барча ҳолларда ҳам «тушиб қолаётган» бюджет даромадларининг ҳаммасини тўдириши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам дастлабки пайтларда бу вазифани бажариш масъулияти акцизлар зиммасига юклатилди.

Акциз ставкалари даражаси сотилиш баҳосига (қўшилган қиймат солиғи чегирилган) нисбатан фоизларда ўрнатилган бўлиб, улар бутун мамлакат ҳудуди учун ягона ҳисобланган. Бироқ амалиётимизда акцизлар ставкасини фоизларда ўрнатиш натижасида жаҳон амалиётидан бир оз чет-

га чиқилди. Чунки бу ерда акцизлар товарларнинг натурал бирлигига нисбатан қатъий ставкаларда ўрнатилади.

Молиявий ва иқтисодий вазиятнинг нобарқарорлиги, инфляция суръатларининг юқорилиги шароитида акциз ставкаларининг маҳсулот натурал бирлигига нисбатан қатъий ставкаларда ўрнатилиши бюджет учун доимий равишда жуда катта миқдордаги даромадлар олинмаслигини англаганлиги учун акциз ставкаларини товарни сотиш баҳосига нисбатан фоизларда ўрнатиш зарурияти келиб чиқди.

Бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши, талаб ва таклифнинг мувозанатлашуви, иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва мамлакатда инфляцион жараёнлар даражасининг минималлашуви пировардида акциз ставкаларини умумқабул қилинган услубда, яъни маҳсулот бирлигига нисбатан қатъий равишда сўм ва тийинларда ўрнатиш имконини беради.

Амалиётда қўлланилган солиқларда махсус равишда инфляция даражаси юқори эканлиги ҳисобга олинди. Ой давомида баҳоларнинг 25 – 30 фоизга ўсиши содир бўлган бир пайтда фақат тўғри солиқларнинг қўлланилиши даромадларга нисбатан харажатларнинг юқори суръатларда ўсиши ҳисобидан бюджет даромадларининг 35 – 40 фоиз йўқотилишига олиб келди. Шунинг учун ҳам қўшилган қиймат солиғининг жорий этилиши бундай «самара»ни икки баробарга камайтирди ва эгри солиқларнинг ҳар декадада олинishiга ўтилиши билан юқоридаги салбий оқибатларга барҳам берилади.

Шундай қарамай, инфляцион иқтисодиёт учун амалдаги солиқ тизими етарли даражада мослаштирилган эди. Қўшилган қиймат солиғи автоматик равишда товар баҳосининг таркибига қўшилади ва истеъмолчиларга ўтказилади. Жисмоний шахслар даромади, мол-мулк ва ерга солинган солиқлар, минимал фойдадан олинандиган солиқлар эса юқори даражада бўлган. Лекин барибир ўша давр учун солиқларнинг юқори даражадалиги, солиқ ставкаларининг ўсиб бориши, янгидан-янги солиқларнинг жорий этилиши характерли бўлса-да, давлат бюджети даромадларини шакллантираётган солиқларнинг яппи миллий маҳсулотдаги салмоғи

пасайиб борган ва айрим ойларда 8 – 9 фоизга тенг бўлган. Буларнинг ҳаммаси амалдаги солиқ тизимини ислоҳ этиш йўлларини қидириб топишни зарур қилиб қўйди.

Ўтиш даврида солиқ ислоҳотларини амалга ошириш мақсадида бозор иқтисодиёти шароитидаги хорижий мамлакатларнинг солиқ тизимидан андаза олиш тарзида ёндашишни шартли равишда «катта сакраш» деб аташ мумкин. Бироқ хорижий мамлакатлар солиқ тизимларидан нусха олишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи бир неча сабаблар мавжуд.

Хорижий мамлакатлардаги солиқ тизимларининг ҳаммасини ҳам такомиллашган ва ҳозирги куннинг талабларига тўлиқ жавоб беради деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу мамлакатлар солиқ тизимларининг систематик равишда ислоҳ қилиб турилиши бежиз эмас. Албатта, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар ривожланган Ғарб мамлакатлари солиқ тизимларидан автоматик равишда нусха олмасдан, уларнинг хатоларидан тегишли сабоқ чиқаришлари керак. Ривожланган мамлакатларнинг солиққа тортиш амалиёти ва уларнинг тажрибасини тадқиқ қилиш бир неча ҳудосаларга олиб келдики, улар бизнинг мамлакатимиз учун маълум даражада амалий аҳамиятга эгадир.

Қўп йиллар давомида капиталистик жамият деб атаб келинган ҳозирги ривожланган жамият аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ўртасидаги мураккаб муносабатлар тизимини ўзида намоеън этади. У капитал ва бозор муносабатлари, хусусий мулкчилик, рақобат ҳукмрон бўлган ва фойда иқтисодий фаолиятнинг рағбатлантирувчисига айланганлиги билан характерланадиган жамиятдир. Аммо XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмидагидан фарқли ўлароқ, капиталистик иқтисодий базис, яъни унинг ишлаб чиқариш муносабатлари сиёсат, маданият, ҳуқуқ ва шу қабиларга нисбатан ҳал қилувчилик ролини ўйнашдан тўхтади.

Ҳозирги пайтда капиталистик ишлаб чиқариш усулининг таркибий қисмларига маълум даражадаги мустақиллик ва ихтиёрийлик хосдир. Давлат сиёсий устқурма сифатида, биринчи навбатда, турли ижтимоий манфаатларни муво-

фиқлаштирувчи орган сифатида майдонга чиқади. Демократлаштиришга, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга, иқтисодийгени давлат томонидан тартибга солишга асосланган капитализмнинг инсонпарварлиги ана шунда намоён бўлади.

Дунёдаги етакчи давлатлар иқтисодийнинг инсонпарварлиги ижтимоий ресурсларни маориф ва интеллектуал эҳтиёжларни қондириш фойдасига қайта тақсимлашга йўналтирилганлиги билан характерланади. Илгор мамлакатлар иқтисодийдаги бундай тўнтариш ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида содир бўлаётган ўзгаришлар ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш бўйича давлатнинг тадбирлари билан таъминланади. Ҳар бир конкрет шароитда иқтисодий сиёсатни амалга оширишда жамиятдаги туб ўзгаришларга қодир бўлган барча омиллар ҳисобга олинади ва иқтисодий, технологик, ижтимоий, экологик ва сиёсий оқибатлар характери ҳам назардан четда қолмайди. Бир вақтнинг ўзида иқтисодий даражаларида тафовутлар бўлишига қарамай, хўжаликнинг интернационализациялашуви шароитида мамлакатларнинг таркибий қайта қурилиши бир-бири билан узвий боғланган.

Юқори даражада ривожланган бозор иқтисодийга эга бўлган мамлакатлар, айниқса, уларнинг интеграциялашганлари фақатгина дунёнинг бошқа қисмига (жумладан, бизнинг мамлакатимизга ҳам) таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки ўз фаолиятларини ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартираяптилар. Мамлакат ичкариси ва ундан ташқаридаги иқтисодий жараёнларга давлатнинг таъсири турли молиявий, кредит, пул услублари ёрдамида амалга оширилади. Молиявий услублар орасида муҳим ўринни солиқлар эгаллайди.

Солиқлар иқтисодий категория сифатида миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келганлиги ва фаолият кўрсатганлиги учун ишлаб чиқариш муносабатларининг бир қисми ҳисобланади. Уларнинг моддий мазмуни шундан иборатки, улар давлатнинг ўз функцияларини бажариши учун давлат томонидан миллий да-



ромад бир қисмининг давлат ихтиёрига мобилизация (жалб) қилинишидир.

Солиқларнинг ижтимоий мазмуни сиёсий ҳоқимиятнинг иқтисодий муносабатларга аралашувига имконият яратиб беради. Масалан, ҳозирги дунё мамлакатларининг кўпчилигида солиқлар давлат бюджетининг асосий (70 – 90 фоиз) даромадини ташкил этади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги солиқ сиёсати бу вазиятни тубдан ўзгартира олмади. Объектив ва субъектив ҳолатларнинг таъсири остида давлат фаолиятининг кескин кенгайиши натижасида солиққа тортиш юқори даражага етди ва у солиқларнинг яппи миллий маҳсулотга нисбати билан характерланаяпти. Ҳозирги замон давлати инсониятга катта хавф туғдираётган экология, урбанизация, моддий қашшоқлашув ва бошқа шу каби муаммоларни ечишни ўз зиммасига олаяпти. Бу, албатта, катта харажатларни талаб қилади. Бундан ташқари, инсон ишлаб чиқаришнинг асосий омилга айланиб бораётганлиги учун ижтимоий-маданий харажатлар ҳам ўсиб бораёпти. Асосий ривожланган мамлакатларда солиқ тушумларининг энг чўққиси 70-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келди, бу пайтда солиқларнинг яппи миллий маҳсулотдаги сэлмоғи 30 – 45 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этган. Солиқ тушумларининг ортиши Иккинчи жаҳон урушидан кейин хорижий мамлакатлар солиқ тизимларига киритилган «янгиликлар» билан изоҳланади. Уларнинг таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ♦ тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиққа тортиш объектларининг кескин кенгайтирилиши;
- ♦ солиққа тортиш услубларининг ўзгартирилиши;
- ♦ амалдаги солиқ ставкаларининг оширилиши;
- ♦ тўғри (бевосита) солиқлар бўйича тўлов муддатларининг жорий йилга ўтказилиши ва эгри (билвосита) солиқлар бўйича тўлов муддатларининг анча тезлаштирилиши;
- ♦ қаттиқ қонунларнинг жорий этилиши (киритилиши) ва электрон техникадан фойдаланиш ёрдамида солиқ тўловчилар устидан давлат органлари назоратининг кучайтирилиши.

Ғарб мамлакатларида солиққа тортишнинг юқори даражадалиги бу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатган:

- ◆ капитал қўйилмаларнинг манбаларида чекланишларнинг мавжудлиги муносабати билан хўжалик юригувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ёмонлашди ва истеъмолдаги нисбат бузилди;

- ◆ даромадлар ошган қисмининг солиққа тортилиши муносабати билан меҳнатнинг рағбатлантирилиши пасайиши натижасида аҳолининг иқтисодий ташаббускорлиги сусайди;

- ◆ солиқ тўлашдан бўйин товлаш масштаби кенгайиши натижасида яширин иқтисодиёт ривожланди. Солиқ тўлашдан бўйин товланганлар қаторига фақат ўз даромадларининг солиққа тортишдан яширганлар кириб қолмасдан, балки қонунни бузмасдан ўз фаолият шаклини ўзгартирадиган ва бу фаолиятни солиққа тортиш учун қийинлаштирувчилар ҳам киради;

- ◆ ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлар баҳосининг таркибига эгри солиқлар ва социал суғурта бадаллари ҳамда бир неча тўғри солиқларни киритишлари сабабли инфляциянинг жараёнлар чуқурлашди;

- ◆ солиқ аппарати кенгайди, солиққа тортиш субъектлари ва объеклари ўсиши муносабати билан солиқларни ундириш бўйича харажатлар ортди;

- ◆ ижтимоий низолар вужудга келди, гоҳо улар ёлланма ишчилар иш ҳақининг оширилиши билан якунланди, бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш харажатлари ўсиши ҳамда товарлар реализацияси жараёнини мураккаблаштирди.

Юқори даражада солиққа тортишнинг юқорида қайд этилган салбий оқибатлари бирданига кўзга ташланмасдан, балки секин-асталик билан тўплана боради ва маълум шароитларда ишлаб чиқариш суръатлари пасайишига олиб келиши ҳамда циклик таназзулга яқинлаштириб қўйиши мумкин. XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида шундай бўлди ҳам.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий тушкунлигига барҳам бериш учун хорижий мамлакатлар ҳукуматлари ўз солиқ си-

ёсатларини қайта кўриб чиқаяптилар. Бу жараён учун «таклифлар иқтисодиёти» деб номланган назария асос қилиб олинаётирки, унга кўра, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун солиққа тортишни анча пасайтириш тақозо этилади. Шу муносабат билан XX асрнинг 80-йилларида кўп мамлакатларда, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри солиққа тортишни пасайтиришга қаратилган солиқ тадбирлари амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатлар учун ривожланган солиқ тизими характерлидир. Масалан, Германияда 50 дан ортиқ турли солиқлар мавжуд. Амалда нима сотилаётган бўлса, ўшандан маълум бир фоиз давлат ихтиёрига ўтказилади. Хориждаги солиқларнинг ранг-баранглиги давлат органларига ҳар бир солиқ тўловчи (юридик ва жисмоний шахс) устидан, демак, ишлаб чиқариш, муомала, тақсимлаш ва истеъмол устидан назорат қилиш имконини беради.

Сўнгги йилларда солиқ тизимларида содир бўлган ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

1. Жуда кўп мамлакатларда даромад солиғи энг муҳим солиқ ҳисобланиб, у кенг аҳоли қатлами орасида оммавий солиққа айланган. Кўпгина мамлакатларда амал қилиб келган шедуляр солиқ ундириш қулай ва тежамли бўлган глобал солиқ билан алмаштирилади. Йил давомида солиқнинг олинини даромадни тўлайдиган корхона бухгалтерияси томонидан индивидуал шахснинг даромади ёнида (бутун оиланинг эмас) амалга оширилади. Йил охирида солиқ декларациясининг тақдим қилиниши бўйича солиқ имтиёзлари ва четирмалар ҳисобга олиниб, солиқлар суммаси қайта ҳисобланади.

2. Ўз аҳамиятига кўра социал (ижтимоий) суғурта бадаллари давлатнинг иккинчи муҳим солиқ даромади ҳисобланади. Бу мақсади солиқ бўлиб, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга мўлжаллангандир. Социал (ижтимоий) суғурта бадаллари жисмоний шахслардан солиқ четирмалари инobatга олинмаган ҳолда уларнинг даромадларидан пропорционал ставкаларида олинса, юридик шахслардан иш ҳақи фондига нисбатан фоизда олинади. Айни пайтда, ставка

қўлланиладиган максимал бадал ёки максимал даромад ҳам белгиланади. Кўпгина мамлакатларда социал (ижтимоий) суғурта бадалларининг тушиб туриш суръатлари бошқа солиқларга тегишли бўлган шу кўрсаткичлардан юқорироқдир.

3. Юридик шахслардан олинadиган муҳим солиқ сифатида ҳамон корпорацияларнинг фойдасидан олинadиган солиқ қолаётир. Бу солиқ фойдадан имтиёзлар чегирилганидан сўнг жорий йилдаги солиққа тортиладиган фойдадан олинади. Солиқ ставкаси пропорционал бўлиб, охириги йилларда тадбиркорлик фаолияти манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бирмунча пасайтирилди. Умумий кўринишда юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш даромадларни солиққа тортишга нисбатан анча пастдир.

4. Юқори даражада ривожланган мамлакатлар қонунчилиги инвестицияларни солиққа тортишда қулай шароитлар яратишни кўзда тутган. Бу мамлакатларда инвестицион солиқ кредитига амал қилиниб, тезлаштирилган амортизация қўланади, бу нарса хусусий капитал қўйилмалари ўсишини таъминлайпти. Компанияларни акционерлик шаклида ташкил қилишнинг кенгайиши икки марта солиққа тортиш (компания даражасида ва акционерлар даражасида) муаммосининг вужудга келиши муносабати билан фойдани солиққа тортиш таркибини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Бир қатор мамлакатларда (Германия, Япония, Австрия, Норвегия ва бошқаларда) корпорациялар фойдасидан олинadиган солиқнинг турли ставкалари амал қилиб келаяпти: юқорироқ ставкалар – тақсимланмаган фойда учун ва пастроқ ставкалар – тақсимланган фойда учун. Бельгия, Буюк Британия, Дания, Канада, Франция ва яна бир неча мамлакатлар қонунчилиги акционерлар дивидендларини даромад солиғига тортишда солиқ кредитларини кўзда тутди. АҚШ ва Италияда эса фойдани солиққа тортишдаги икки марталикни пасайтиришга қаратилган солиқ имтиёзлари мавжуд эмас.

Бюджетларнинг солиқ даромадлари таркибида корпорациялар фойдасидан олинadиган солиқ ҳиссасининг пасайиб бориши кузатиламоқда. Бу солиқ салмоғи ривожланган мам-

лакатларда жами солиқ тушумларининг 1/10 қисмига тўғри келаяпти.

5. Ундирилиши енгилиги ва оддийлиги учун хорижий мамлакатларда эгри (биавосита) солиқлар кенг тарқалган. Энг кенг тарқалган эгри (билвосита) солиқ универсал акциз (оборот солиғи) бўлиб, бу солиқ жуда кўп истеъмол товарлари ва хизматларни қамраб олганлиги учун бюджетга жуда катта тушумлар келишини таъминлайди.

6. Ҳозирги пайтда универсал акциз жуда кўп мамлакатларда қўшиланган қиймат солиғи шаклини олиб, солиқ тизимини унификациялаштиришни бошлаб берди. Мазкур солиқнинг кенгайишига унинг баъзи бир афзалликлари (солиққа тортишнинг оддийлиги, юқори даромадлилиги, иқтисодиётни тартибга солишдаги самарадорлиги, ишлаб чиқариш устидан назоратнинг мавжудлиги) сабаб бўлди. Тўғри (бевосита) солиқларнинг қисқариши билан индивидуал акцизларнинг ставкаси оширилади.

7. Қиймат асосига ўтказилган бўлишига қарамай, бож тўловларининг фискал аҳамияти пасайиб бораётир. Ҳозирги дунёнинг характери белгиларидан бири божли тартибга келтириш бўлиб, у минтақавий бирлашиш доирасида ёки ташқи савдони кенгайтириш мақсадидаги халқаро солиқ битимларида кўзда тутилаяпти.

Етакчи хорижий мамлакатлардаги солиққа тортишнинг асосий тенденциялари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

◆ Иккинчи жаҳон урушидан кейинги биринчи уч ўн йилликда, биринчи навбатда, ҳарбий мақсадлар учун харажатларнинг кескин ошиши муносабати билан солиқли даромадларнинг тез ўсиши кузатилади;

◆ 80-йилларнинг бошларига келиб солиқлар ўзининг юқори нуқтасига етди, яъни тўғри солиқларнинг (энг аввало, даромад ва корпорация солиқларининг) ошиши фақатгина давлат бюджети даромадларининг ошишига эмас, балки оғир ижтимоий-иқтисодий оқибатларга ҳам олиб келди;

◆ бундай шароитларда Фарб давлатларида харажатларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар кўрилаяпти, айниқ-

са, ўзгарган иқтисодий шароитларга солиқ тизимини мослаштиришга ҳаракат қилиниб, у такомиллаштиримоқда;

♦ 80-йилларда кўпчилик ривожланган мамлакатларда солиқ ставкаларини пасайтириш, солиққа тортиш тартибини осонлаштириш, турли-туман солиқ имтиёзларини қисқартириш орқали даромад ва корпорация солиқларини камайтиришга йўналтирилган солиқ ислохотлари амалга оширилади.

Ғарб мамлакатларида солиқ тизимлари такомиллаштирилиши солиққа тортишдаги бир неча таркибий ўзгаришларга олиб келди. Тўғри (бевосита) солиқлар ҳиссаси (салмоғи) камайиб, эгри (билвосита) солиқлар ва социал (ижтимоий) сугурта бадаллари ҳиссаси (салмоғи) ортиб борганиги кузатилади. Умуман олганда, бу мамлакатларда Иккинчи жаҳон урушига қадар солиққа тортиш солиқларнинг каттагина қисмини тўлаган юридик шахслардан жисмоний шахслар гарданига ўтказилган эди.

Урушдан кейинги йилларда солиқларнинг миқдорий кўпайиши (ортиши) уларни соф фискал инструментдан давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнига самаралироқ аралашувига имкон берадиган иқтисодий инструментга айлантирди. Фойда ва даромадни солиққа тортишдаги ўзгаришлар капитал ҳаракатнинг тезлигига, маҳсулот сифатига, жамғарма ва инвестицияларга сезиларли таъсир кўрсатди.

Саноти ривожланган мамлакатларда давлат умуммиллий манфаатлар нуқтаи назаридан моддий бойликларни тақсимлаш жараёнида фаол аралашади. Солиқ ставкалари, объеклари, имтиёзлари, ундириш услубларидан фойдаланган ҳолда ҳокимият ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг турли ўлчамларига ҳамда аҳолининг талабига ҳам таъсир қилади. Бунинг натижасида иқтисодий ривожланишнинг нисбатан ўзгарувчанлиги, асосий ижтимоий ва иқтисодий таркибий тузилмаларнинг юқори даражадаги мосланувчанлиги таъминланади.

Ривожланган мамлакатларда солиқлар ёрдамида иқтисодиётни тартибга солиш бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш жараёнини ўзининг зиддиятчилигидан келиб чиқувчи қарама-қаршилик билан характерланади. Иш-

лаб чиқариш циклик тарзда ривожланади, фақат таназзулгина талаб ва тақлиф ўртасида вақтинчалик мувозанатни ўрнатади. Жамиятдаги солиқлар ёрдамида тартибга солиш ана шу қарама-қаршиликларнинг салбий оқибатларини пайсайтиришга йўналтирилган бўлиб, у аёвсиз таназзул жараёнлари содир бўлишини фақат бир оз кечиктириши мумкин. Бирор бир қийинчиликни еча бориб, солиқ тадбирлари уларнинг янгилари (экологик, энергетик ва бошқалар) вужудга келишига олиб келади, келажакдаги иқтисодий вазиятни ёмонлаштиради, мураккаблаштиради.

Солиқлар ёрдамида тартибга солишнинг қарама-қаршиликлари (зиддиятлари) қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Тартибга солиш мақсадларининг қарама-қаршиликлари (зиддиятлилиги). Давлат солиқ тадбирларини амалга ошира бориб, турли, айрим ҳолларда бир-бири билан мутлақо тўғри келмайдиган мақсадларни кўзлайди. Масалан, АҚШ маъмурияти 1981 – 1986 йиллар давомида солиқ ислоҳотини амалга ошириш ёрдамида федерал бюджет дефицитига барҳам бериш ва инфляция жараёнларини сусайтиришни кўзда тутган эди. Ислоҳот инфляцион жараёнларга ижобий таъсир кўрсатса-да, бюджет дефицитини қисқартириш томон бир оз қадам ташлаган бўлишига қарамай, барибир бюджет баланслигини таъминлашнинг иложи бўлмади.

2. Солиқ тадбирларининг эълон қилинадиган демократик принциплари ва уларнинг реал намоён бўлиши ўртасидаги қарама-қаршилик (зиддият). Солиқ қонунлари яратилаётган пайтда бу қонунларнинг, одатда, тенглик, оддийлик ва оммавийлик каби мақсадларни кўзлаши расмий равишда эълон қилинади. Бироқ амалиётда ижроия ҳокимияти партия, касаба уюшмалари каби сиёсий кучга эга бўлган жамоатчилик ташкилотларига, бирлашган гуруҳларга таянади. Шунинг учун ҳам аҳолининг бу қатлами кўпроқ солиқ афзалликларига эга бўлган бир пайтда жамоатчилик ташкилотларига бирлашмаган аҳоли қатлами ўз муаммоларини ечиш имконига эга бўлмайдилар.

3. Иқтисодий жараёнларга таъсир этишдаги қарама-қаршилик (зиддият). Солиқлар ёрдамида тартибга солишдан

фойдаланган ҳолда давлат умуммиллий мақсадларни ҳисобга олиб айрим тармоқларда, иқтисодиёт соҳаларида ва мамлакатнинг айрим минтақаларида капитал жамғарилишини рағбатлантиради. Бир вақтнинг ўзида у хўжаликдаги вужудга келиши мумкин бўлган номутаносибликни сусайтиришга ҳаракат қилади. Тадбиркорларнинг бир гуруҳи учун қулай солиқ муҳитини яратиб бериб, уларнинг иккинчи бир гуруҳига зарар етказди ва уларнинг норозилиklarига сабаб бўлади. Худди ана шундай ҳолат АҚШда бутун саноат учун солиққа тортишни тенглаштириш мақсадида саноатнинг қазиб чиқарувчи тармоқлари учун қазилма бойликларига нисбатан устаманинг кескин қисқартирилиши натижасида содир бўлди. Тадбиркорликнинг умумий манфаатларига жавоб берадиган бу тадбир олдин худди шу имтиёздан фойдаланиб келганлар, айниқса, нефть компаниялари норозилигига сабаб бўлди.

4. Натижаларнинг қарама-қаршилиги (зиддиятлиги). Солиқ сиёсатини амалга ошира бориб, юқорида таъкидланганидек, ҳукумат ҳамма учун тенг имкониятларнинг мавжуд эканлиги тўғрисида баёнот беради. Бироқ имкониятлар тенглиги улардан ҳамманинг ҳам фойдалана олиши мумкинлигидан далолат бермайди. Ягона иқтисодий манфаатлар мавжуд бўлмаганлиги учун ҳозирги жамият ниҳоятда ранг-барангдир. Ҳозиргача дунё мамлакатларида, ҳатто юқори даражада ривожланган мамлакатларда ҳам тенгсизлик мавжуд. Солиқ сиёсати ташқи томондан қанчалик демократик бўлишига қарамай, жамият ижтимоий эҳтиёжлари ўртасида фарқ бўлганлиги учун ҳаммани бир хил тарзда қаноатлантира олмайди. Бу сиёсат, энг аввало, капитал эгаларига, кўпроқ таъминланган гуруҳларга қулайликлар тўғридади ва улар қўшимча афзалликларга эга бўладилар.

Умумий тарзда солиқлар ёрдамида тартибга солиш мулкий аҳволни (ҳолатни) тенглаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйса-да, ҳозиргача бирор бир мамлакатда бу нарсага эришилмаган ва ҳусусий мулкчилик ҳукмронлиги шароитида бунга эришиш гумондир. Солиқ тадбирлари натижасида айрим йилларда кучаядиган ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги



потенциал (тенгсизлик) вақти-вақти билан конфликтли (мунозарали) вазиятларни келтириб чиқаради. Масалан, 1990 йилда Буюк Британияда маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш мақсадида қабул қилинган «Жон солиғи тўғрисида»ги Қонун жамоатчилик томонидан қаттиқ танқид остига олинди ва солиқ юки ошгани учун аҳоли кенг қатламининг очикдан-очик норозилигига олиб келди. Бир вақтнинг ўзида ҳаммани ва ҳар бир кишини бир хил тарзда қондира оладиган солиқ тизимларига тегишли бўлган чорани ҳозиргача иқтисодиёт фани тақдим эта олгани йўқ.

Солиқлар ёрдамида тартибга солиш чекланган. Солиқларнинг иқтисодиётга таъсири маълум бир чегара доирасида амалга оширилади. Бунинг объектив сабаблари бор. Улар орасида энг асосийлари қуйидагилардан иборат:

♦ тадбиркорлик ихтиёрида катта миқдордаги ортиқча капитал мавжудлиги. Бу нарса унга солиқ тадбирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда маблағлар билан манёвр қилиш имконини беради;

♦ турли ҳолдаги солиқ имтиёзлари амал қилиши натижасида даромадларни қамраб олиш ва фойдани солиққа тортишнинг тўлиқ эмаслиги, солиқ имтиёзларининг давлатнинг тартибга солувчанлик фаолиятига халақит бериши;

♦ солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ўлчами кенглиги. Бу нарса ҳам иқтисодиётни тартибга солиш бўйича ҳукумат имкониятларини пасайтиради;

♦ замонавий ривожланган мамлакатларда тўғридан-тўғри солиққа тортишнинг «пасайиб бориш» тенденцияси мавжудлиги;

♦ товарлар оқими, илмий-техникавий тадқиқотлар ҳамда ишлаб чиқариш кооперациясини қамраб олган ҳолда хўжаликларнинг интернационализациялашуви ва халқаро алоқаларнинг ўсиши. Бунинг оқибатида хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий филиаллари ва бўлимлари давлатнинг миллий назорати остидан четга чиқади. Аҳамияти тобора ўсиб бораётган жаҳон бозори алоҳида олинган бир мамлакат солиқ қонунчилигига бўйсунмайди. Бундай ўзига хос хусусиятлар халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳам

солиқлар ёрдамида тартибга солиш механизмини яратиш заруралигини тақозо этади. Дастлаб бундай тартибга солиш икки томонлаамалик асосида амалга оширилган бўлса, секин-асталик билан кўп томонлаамалик шаклини олди. Шундай бўлишига қарамай, солиқлар ёрдамида тартибга солишнинг халқаро шакли кенг ривожлана олмади. Чунки у маълуум даражада суверенитет масалаларига бориб тақалади.

♦ солиқ тадбирларининг вақт жиҳатдан чекланганлиги. Чунки бу тадбирлар солиққа тортишдаги ўзгаришларнинг дастлабки босқичларида амал қилади, вақт ўтиши билан унинг таъсирчанлиги пасая боради ва йўққа чиқади;

♦ тадбиркорлик ва савдо фаолияти миллий тўсиқларни билмайдиган ҳамда давлат таъсиридан маълуум мустақилликни (озодликни) тақозо этадиган трансмилий компанияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида филиаллари бўлган ва валюталарда кўп миллиардлаи активларга эга бу халқаро гигантлар ҳеч қандай тўсиқларсиз манёвр қилиш ва давлат органларининг чекловчи-тақиқловчи характери солиқ чораларидан осонгина қочиб қутулиш имкониятига эгадир. Бу трансмилий компаниялар солиққа тортиш масалалари бўйича турли давлатлар билан тез-тез низоли вазиятларга тушиб қолади. Лекин у ёки бу давлат ҳамма вақт ҳам бу курашда ғолиб келвермайди.

Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимлари бир-биридан фарқ қилса-да, улар учун умумий тенденциялар ҳам характерлидир. Ана шундай умумий тенденциялардан бири маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқлар роилининг ошиши ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда мамлакатлар бюджетининг катта ҳиссаси (Японияда 30%, АҚШда 65%) маҳаллий солиқларга тўғри келаяпти.

Кўпгина мамлакатлар учун маҳаллий солиқларнинг хилма-хиллиги (мамлакат доирасида уларнинг 100 га яқин кўринишлари мавжуд) характерлидир. Бунга истисно тариқасида Буюк Британияни кўрсатиш мумкин. Мамлакатда фақат ягона маҳаллий солиқ – мулккий солиқ мавжуд. Лекин

шу ягона маҳаллий солиқ маҳаллий бюджетларнинг 40% даромадини шакллантиради.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: аҳолидан олинадиган даромад солиғи, мулкӣ солиқ, ҳунармандчилик солиғи, ер солиғи, мерос солиғи, экология солиғи, сотувдан олинадиган солиқ, оборот солиғи, электр энергиядан фойдаланганлиги учун солиқ, томоша солиғи, ов ва балиқ ови учун йиғим, ит учун йиғим, транспорт воситаларига эгалик қилганлик учун солиқ, автомобиль техник паспортини қайддан ўтказганлик учун йиғим, бошқа солиқ ва йиғимлар.

АҚШ шаҳарлари бюджети даромад қисмининг асосий манбаи мол-мулк солиғи бўлиб, бу солиқ кўпгина шаҳарларда бюджет даромадларининг 35 – 70 фоизини шакллантирмоқда. Бир вақтнинг ўзида бу жараёнда ишбилармон фамиллиги учун олинадиган солиқ ҳам муҳим роль ўйнайди. Голландияда икки маҳаллий солиқ – кўчмас мулк ва туристлар солиғи Гаага шаҳри бюджет даромадининг 75 фоиздан кўпроғини ташкил қилмоқда. Хельсинки шаҳри бюджетида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар пойтахт бюджетининг 2/3 қисмини таъминламоқда. Токиода маҳаллий солиқлар салмоғига 70 фоиздан ортиқ кўрсаткич тўғри келмоқда. Япония маҳаллий солиқлари таркибий тузилишида юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (52 фоиз), юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи (30 фоиз) ва сотувдан олинадиган солиқ (16 фоиз) ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) маҳаллий солиқлар олинishi (ундирилиши) барча мамлакатлар учун умумий бўлган ҳодир (Булок Британия бундан мустасно, чунки мамлакатда эгри (билвосита) солиқлар амал қилмайди).

Маҳаллий солиқлар орасида энг муҳими мол-мулк солиғидир. Бу солиқ бўйича солиққа тортиш объекти сифатида ер, саноат ва уй-жой қурилишлари, кўчмас мулкнинг бошқа шакллари хизмат қилади. Ставкалар даражаси ҳудудлар бўйича табақалаштирилган, ҳукумат томонидан бу ставка-

лар чегаралари ўрнатилган. Мол-мулкни баҳолаш қиймати солиққа тортиш асосидир. Бироқ мол-мулклар кам (10 – 20 йилда бир марта) қайта баҳоланганиги учун бу солиқнинг самарадорлик даражаси кўзда тутилганидан анча паст ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлардаги солиққа тортиш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш масаласи ҳал этилаётган пайтда биз, энг аввало, Ғарбдаги иқтисодий тизим учун нисбатан барқарор баҳолар ва барқарор бандлик даражаси характерли эканлигини, шунинг учун ҳам солиқ тизимлари элементлари мамлакатимиз шароитида бутунлай бошқача ишлаши мумкинлигини сира назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Ва ниҳоят, Ғарб мамлакатлари давлат структураси (тузилиши) учун мураккаб қонунчилик тизими ва ҳисобот қоидалари тегишли бўлиб, улар ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг (жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам) ўзига хос анъаналаридан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам солиққа тортишнинг у ёки бу ғарб тизимини ўзлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши амалиётда уни жорий этиш билан боғлиқ бўлган қарама-қаршилиқларга, тўсиқларга дуч келиши шубҳасиз. Шунингдек, миллий иқтисодиётнинг ўзига хос шароитлари, аҳолининг меҳнат анъаналари ва шунга ўхшаш бошқа омилларни ҳам ҳисобдан чиқармаслик керакки, бунинг натижасида ҳатто Ғарб мамлакатларида ҳам бир-бирига ўхшаш бўлган икки солиқ тизими ёки ҳамма томонидан эътироф этилган мукаммал солиқ тизимининг ўзи йўқ.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бозор иқтисодиётига эга бўлган кўпгина мамлакатларда солиқ органларини туб ислоҳ қилишга 80-йиллардан бошлаб астойдил киришилган эди. Бу ислоҳотлар ставкаларни тенглаштириш ва солиққа тортиш базасини кенгайтириш йўли билан даромад солиқларининг таркибий тузилишини оддийлаштириш, қўшилган қиймат солиғини кўпгина товарлар ва хизматлар таркибига киритишга, акцизлар ставкасини оширишга йўналтирилган эди. Солиқ сиёсати иқтисодиётдаги «узилиш»ларга солиқларнинг таъсирини юмшатиш, хўжа-

лик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатиш шароитларини тенглаштириш ва солиқ тизимини соддалаштириш мақсадини кўзда тутган эди. Таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам бу мақсадга эришишнинг уддасидан чиқа олмади. Фарб модели мисолида ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакат келажакда нимага интилиши зарурлиги ва нимадан эҳтиёт бўлиши кераклигини тушуниб олиш мумкин. Кенг маънода, келажакда солиқ ислоҳоти ўтиш даврида қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ◆ жисмоний шахслар даромадига нисбатан соддалаштирилган тузилишга эга бўлган кенг масштабли даромад солигини жорий этиш;

- ◆ эътиборни корхоналар фойда солигидан фуқароларнинг даромад солиғига қаратиш;

- ◆ корхоналар фойда солиғи ва фуқароларнинг даромад солигини ягона солиққа интеграциялаштириш;

- ◆ кенг базали қўшилган қиймат солигини ва товарларнинг алоҳида турларига акцизларни қўллаш;

- ◆ анъанавий акцизларни сақлаб қолиш ва уларни бир-мунча ошириш;

- ◆ нефть ва бошқа табиий ресурсларни қазиб олишни солиққа тортишдан уларни реализация қилишдан олинган фойдани солиққа тортишга ўтиш;

- ◆ экспорт тарифларидан воз кечиш ва меъёрий протекционизмни таъминлаш учун тор интервалдаги ставкалар билан фақат паст импорт тарифини сақлаб қолиш.

Ана шу тавсияларни жуда кўп хорижлик экспертлар маъқуллашади. Шундай бўлишига қарамай, юқоридаги тавсияларнинг ҳаммасидан ҳам ҳозирги пайтда тўлиқ равишда Ўзбекистоннинг конкрет шароитида фойдаланиш иложи йўқ. Чунки миллий иқтисодиётимиз бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт турига тўлиқ ўтмаган ва шу сабабли айрим бозор қонунларининг тўлақонли амал қилиши кузатилмаяпти. Бироқ улардан тўлиқ фойдаланиш гоёси кўпгина иқтисодчилар ва иқтисодчи олимлар томонидан илгари сурилмоқда. Шу боисдан таъкидлаш жоизки, булар наза-

рий жиҳатдан жуда яхши, лекин бизнинг иқтисодий ҳаётимиз амалиётидан анча узоқ бўлган қарорлардир.

Ривожланаётган мамлакатларда ўтказилаётган ислохотлар тажрибасини таҳлил қилиш ҳам бу мамлакатлар билан Ўзбекистон ўртасида бир неча ўхшаш шароитлар мавжуд бўлганлиги учун мамлакатимизда солиқ соҳасида ўзгаришларни амалга оширишда бир неча фойдали сабоқларни бериши мумкин. Бу мамлакатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги мавжуд ўхшашликлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: бозор ва солиқ органларининг етарли даражада ривожланмаганлиги; солиқ интизомига ихтиёрий равишда риоя қилиш анъаналари йўқлиги; зарурий харажатларни қоплаш учун бюджет даромадларининг етарли эмаслиги; қисқа муддатли режада солиқ тушумлари тушиб туришини таъминлашнинг устуворлиги.

Умумий кўринишда ривожланаётган мамлакатлардаги солиқ ислохотларининг конкрет тажрибаси ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар учун қуйидаги йўналишларда (аспектларда) фойдалидир:

1. Эгри (билвосита) солиқларни қонунчиликда осон расмийлаштириш ва осон йиғиш мумкин. Шунинг учун ҳам эгри (билвосита) солиқлар ўтиш даврида даромад тушумлари манбалари орасида келажакка нисбатан катта ўрин эгаллайди;

2. Мулкий солиқлар ва уларни ундириш тизимини йирик бюджет тушумларининг самарали манбаи сифатида ташқил этиш мураккабдир. Шу боисдан уларни яқин келажакда бюджет тушумларининг муҳим манбаи сифатида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эмас;

3. Кенг масштабда солиққа тортишнинг презумптив услуби ва альтернативли минимал солиқлар қўлланилиши яхши натижа берди. Бу тажрибани ўтиш даври иқтисодиётига бевосита кўчириш мумкин;

4. Анъанавий акцизлар яхши тушумлар берилишини таъминлайди ва осон ундирилади. Ривожланаётган мамлакатлардаги акцизлардан фойдаланишнинг ижобий тажрибасини ўтиш даври иқтисодиёти тизимига ўтказиш мумкин;

5. Капиталдан олинадиган даромад ҳажмига (миқдори-га) инфляция таъсирини ҳисобга олиш керак;

6. Солиқ органларининг бир неча функцияларини банк тизимига юклаш лозим.

Ўтиш даври учун махсус солиқ тизимини яратиш эволюцион ёки босқичма-босқич ислоҳ қилишни, идеал таркибий тузилиш сари интилишни тақозо этади. Бир вақтнинг ўзида бу нарса оралиқ босқичда мавжуд бўлган маъмурий ва институционал чекланишларни ҳисобга олиши, тез ислоҳотаар туфайли шубҳасиз вужудга келадиган бюджет камомадининг макроиқтисодий оқибатларига катта эътибор бериши лозим. Ўтиш даврида фақат соф иқтисодий ва хўжалик муаммоларгина эмас, балки ижтимоий муаммолар ҳам алоҳида аҳамият касб этишини доимо эсда тутиш керак. Шу босидан солиқ тизимининг уларга таъсирини ҳам инобатга олмақ лозим.

Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ этиш учун икки хил йўлни таклиф қилиш мумкин эди:

1. Ягона янги ҳужжат – Солиқ кодексини қабул қилиш орқали солиқ тизимини тубдан ўзгартириш;

2. Амал қилиб турган меъёрий ҳужжатлар ва қонунчилик актларини бир неча йиллар давомида секин-асталик билан ўзгартириш.

Сиртдан қараганда, иккинчи йўл оқилонадек туюлади. Чунки бу йўл орқали солиқ тизими ислоҳ қилинганда қисман ўзгаришларни осоналик билан амалга ошириш мумкин, амалиётни тубдан ўзгартириш зарур эмас, мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш учун вақт етарли. Лекин келажакда ушбу йўл мазкур соҳадаги ишларни боши берк кўчага олиб кириши шубҳасиздир. Бу ўша даврда амал қилган меъёрий ҳужжатларнинг ҳаддан зиёд кўпчилиги, уларнинг айрим ҳолларда бир-бирига зид келиши, амалиётда қўлланилаётган тушунчаларнинг эскирганлиги, қонуларнинг кўп марта ўзгартирилганлиги билан изоҳланади. Бундай шароитда қонулар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг маълум даражада трансформацияланишини кутиб туриш ножоиздир.

Бизнинг мамлакатимиз учун солиқ тизимини ислоҳ этиш-

нинг ягона реал варианты сифатида Солиқ кодексини қабул қилиш тан олинди ва МДҲ мамлакатлари орасида биринчи-лар қаторида бу муҳим ҳужжат қабул қилинди.

Солиқ кодекси қабул қилинган, солиқ органларининг иш амалиёти шунини кўрсатдики, мамлакатда вужудга келган иқтисодий вазиятда солиқларнинг ундирилиш даражасини ошириш учун давлат томонидан раҳбарлик қилишни қаттиқ марказлаштиришни таъминалаган ҳолда унинг шакл ва услубларини такомиллаштириш йўли орқали солиқ органлари назорат-иқтисодий ишларининг сифати ва сонини кескин ошириш, вазифаларни аниқ тақсимлаш, солиқларни бошқаришнинг ягона автоматлаштирилган ташкилий тузилмасини яратиш, назорат-иқтисодий вазифаларни бажариш билан банд бўлган ходимларни бошқа ишларга жалб қилмасдик, солиқ қонунчилигини тарғиб этиш, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бозор баҳосини аниқлаш, солиқ органларига солиқ тўловчи тўғрисида келиб тушадиган маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш зарур.

Ҳозирги пайтда солиқ тўловчиларни солиқларни тўлашга жалб этиш (ундаш) мақсадида солиқ органлари томонидан солиқ қонунчилигини тарғиб қилиш борасида маълум ишлар амалга ошириляпти. Радио, телевидение ва матбуотда чиқишлар ташкил қилиняпти, эслатмалар жўнатиляпти, фуқаролар кўплаб тўпланадиган жойларда (омонат кассаларида, алоқа идораларида ва бошқа жойларда) тегишли эълонлар бериляпти. Албатта, бундай ишларнинг амалга оширилиши давлат солиқ инспекцияси ходимларининг ўз асосий бурчларини бажаришларига халақит беради ва улар учун бу нарсалар қўшимча юкламадир.

Ҳозирги босқичда турли тоифадаги солиқ тўловчилар ва солиқ органларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари ҳамда қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, солиқ қонунчилигини ўз ичига олган алоҳида рисоалари ва амалий дастурий маҳсулотлари шаклида нашр этиб, уларнинг моҳиятини тушунтириб берадиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ягона услубий раҳбарлиги остида ишлайдиган, юқори касбий даражада ташкил



қилинган ҳамда давлат томонидан мақсадли йўналтирилган иш зарур. Бир вақтнинг ўзида минтақавий солиқ органларининг матбуот хизматини тузиш ва улар зиммасига солиқ қонунчилигининг шу минтақага хос хусусиятларини кўрсатувчи рисодалар нашр этиш вазифасини юклаш керак.

Амалдаги солиққа тортиш тизимининг яна бир муҳим муаммоларидан бири мулкчилик ҳуқуқи асосида солиқ тўловчига тегишли бўлган мулк ва даромад қийматини (бозор баҳосини) аниқлашдир. Амалиётда қўлланилаётган қонунчилик ва меъёрий актларга кўра, юқорида таъкидланган солиққа тортиш объектларининг бозор баҳосини аниқлаш механизми белгиланмаган. Шунинг учун ҳам бу нарса амалиётда солиқ инспектори зиммасига юкланганки, у бозор конъюнктурасини аниқлаши, мулкнинг (даромаднинг) баҳоси тўғрисидаги барча ҳулосаларни тўплаши, уларни таҳлил қилиши ва солиққа тортиладиган суммани аниқлаши керак. Бундан ташқари, бозор баҳосини аниқлаш механизми йўқ эканлиги солиққа тортиш мақсадлари учун объектларни баҳоловчи органлар томонидан сиёсий мотивлардан фойдаланган ҳолда (аҳолини уй-жой фондиди хусусийлаштиришга жалб қилиш, кўчмас мулк иккиламчи бозорини кенгайтириш ва бошқалар) солиқ қонунчилигини рад қилиб (инкор этиб), объектнинг қиймати билан манипуляция («ўйнаш»га) қилишга олиб келди.

Шундай қилиб, солиққа тортиш мақсадлари учун товарнинг (иш ёки хизматнинг) бозор баҳосини аниқлашнинг илмий жиҳатдан асосланган услуби бўлмаганлиги учун солиққа тортилувчи бир объект икки, уч ва ундан ортиқ қийматланган баҳоларга эга бўлиб қоляпти. Табиийки, бундай баҳолаш объектив бўлиши мумкин эмас ва бу нарса амалиётда солиқ тўловчи томонидан суд тартибидаги шикоятларга сабаб бўляпти. Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб солиққа тортиш объектларининг реал бозор қийматини аниқлаш ва шунга мос равишда солиқлардан йўқотмаларни қисқартириш мақсадида ҳамда хориждаги шу ишларга тегишли бўлган тажрибаларни инобатга олган ҳолда жуда қисқа муддатларда солиқ органлари таркибида солиққа тортиш мақ-

садалари учун товар (хизмат, иш)ларнинг бозор баҳосини аниқлаш бўйича мутахассис-баҳоловчилар институтини ташкил этиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш зарур.

Эксперт-баҳоловчининг малакали хулосаси солиқларни ҳисоблаш ва солиқ мажбуриятларини ундиришда асос бўлиб хизмат қилиши ҳамда солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг даъволари бўйича судга тақдим этилиши лозим.

Энди солиқ ислоҳоти асослари ва янги солиқ тизимига нисбатан қўйиладиган талабларга тўхталиб ўтайлик.

Ўзбекистон ҳам кўпгина хориж мамлакатлари сингари давлатнинг солиқли даромадларини ошириш йўлларини қидириб топишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир шароитда, солиқларнинг ундирилиши оғир бўлган ва кейинги йилларда бюджетнинг профицитли ижро этилаётганлигига қарамай, бюджет дефицити мавжуд бўлган бир пайтда, энг аввало, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг узоқ муддатли дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу дастурнинг таркибий қисми сифатида солиқ тизимини ривожлантириш концепцияси ҳисобланиши керак.

Ўзбекистоннинг солиқ тизимини ривожлантириш концепцияси асосида, энг аввало, бир неча ривожланган хориж мамлакатларида асос сифатида олинган ва самарадорлигини амалда кўрсатган принциплар қўйилиши керак. Бундай принциплар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Солиқларнинг марказий (давлат) бюджетга тушувчи ва маҳаллий солиқларга қатъий бўлиниши, икки марталик солиққа тортишга йўл қўймайдиган ва айрим ҳолларда солиқ тўловчига солиқнинг конкрет тури ёки солиқ ставкасини танлаш ҳуқуқини бериш орқали солиқларнинг ўзаро боғланганлиги, давлат томонидан солиқларни бошқаришнинг қаттиқ марказлаштирилиши асосида солиқ тизими яхлитлиги таъминланиши;

2. Давлат бюджети масалалари бўйича овоз беришда ҳар йили қабул қилинадиган давлат қонунари асосида сиёсий ва иқтисодий конъюнктурадаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқлар став-

касани ҳар йили аниқлаштириш имконияти билан таъминланган солиқ тизимининг мослашувчанлиги;

3. Ривожланиш суръатлари, иқтисодий тармоқларининг молиявий аҳволи, инфляция ва ишсизлик даражаси, миқтақалар иқтисодий ривожланишини тенглаштириш омилларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган солиқ тизимининг ижтимоий йўналишдалиги.

Солиқ тизимини тузиш (қуриш)нинг юқорида келтирилган принциплари бузилиши ва оқибатда солиқ қонунчилиги, солиқлар билан бошқаришнинг ташкилий тузилмаси, назоратнинг шакл ва услублари такомиллашмаганилиги, солиқлар билан бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими йўқлиги, солиқ органлари томонидан уларга хос бўлмаган вазифаларнинг бажарилиши – солиқларни ундиришдан олинadиган бюджет даромадларининг кескин қисқаришига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, юқорида санаб ўтилган сабабларга кўра амалга оширилаётган назорат – иқтисодий ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида солиқ органлари қонунчилик соҳасида тажрибага қўл уришга, амалдаги солиқ қонунларини тарғибот қилишга, замонавий талабларга жавоб берадиган назорат – иқтисодий ишларнинг шакллари ва услублари ҳамда уларнинг янги ташкилий тузилмаларини яратишга мажбур бўдилар. Хуллас, улар зиммасига қонунчилик ва ижроия ҳокимият органлари функциялари ҳам юкланган.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда солиқларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд: жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи; юридик шахслардан олинadиган даромад солиғи; оборот солиғи; қўшилган қиймат солиғи; социял (ижтимоий) суғурта фондига бадаллар; истеъмоал солиғи; мулкий солиқ; мерос солиғи ва бошқалар.

Алоҳида олинган мамлакатлар иқтисодийнинг турли қўринишдаги даромадлардан олинadиган солиқлар билан боғлиқлиги бир хил эмас ва унинг ўзгарувчанлиги тушунарлидир. Бироқ охириги йилларда ривожланган мамлакатлар

нинг барчасида бюджет таркибида даромад солиғи ва социал (ижтимоий) сугурта бадаллари салмоғи ошганлиги кузатиляпти. Бу тенденция солиқ тизимини ислох қилишга бағишланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда содир бўляпти. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини ривожлантириш концепциясида солиқларнинг устувор қўринишлари ва уларнинг якуний шакллари, масалан, фақат аҳоли даромадларини ёппасига шахсан солиққа тортиш ёки истеъмол харажатларини ҳисобга олган ҳолда оила даромадларини ёппасига солиққа тортиш масалалари аниқланиши керак.

Баъзи хорижий мамлакатларда солиқ органлари фаолияти самарадорлиги бир неча кўрсаткичлар билан тавсифланади, улар орасида энг асосийси солиқ рентабеллигидир. Ўзбекистонда солиқ тизими шаклланиши босқичида солиқ тизими тузилиши (қурилиши)нинг юқорида келтирилган тамойиллари талабларини амалга оширишни таъминлаш фақат мамлакат ривожланишини характерлайдиган тегишли кўрсаткичлар тизими ва солиққа тортиш тизимида содир бўлаётган жараёнларни таҳлил қилиш орқалигина мумкин-дир. Бунга эса иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ва солиқ органлари фаолияти йўналишлари учун аналитик ва ўзига хос бўлган ҳисобот яратилгандагина эришилади. Солиққа тортиш соҳасидаги бундай ҳисоботни таҳлил қилиш натижаси солиқ қонунчилиги, назоратнинг шакл ва усаубларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда солиққа тортиш жараёнлари устидан оператив бошқариш функциясини таъминлаш-дир. У ёки бу турдаги солиқларни ундириш бўйича солиқ органи фаолиятини чуқур таҳлил қилишни амалга ошириш бошқарувнинг таркибий тузилиши тармоқ тамойили бўйича эмас, балки функционал тамойил асосида ташкил этилгандагина мумкин. Ҳозирги вақтда амалиётда қўлланиб келинаётган ҳисобот эса ўзида фақат статистик миқдорий маълумотларни акс эттириб, иқтисодиётда ва солиқ органлари фаолиятида ҳамда солиқларнинг ҳар бир тури бўйича содир бўлаётган жараёнлар ва уларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган омилларни таҳлил қилишга имкон бермайди.

Бюджетга бориб тушувчи соф даромадни кўрсатувчи ва солиқ органлари фаолиятини характерловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланган солиқ рентабеллиги (реал солиқ суммаси ва уни ундириш бўйича солиқ органлари харажатлари ўртасидаги нисбат) кўрсаткичи йўқ эканлиги ҳам солиқ органларининг самарали ва оқилона бўлишига таъсир кўрсатмади, автоматик режимда солиққа тортиш жараёнини бошқаришда юқори харажатлар талаб қилувчи кўп йиллик ва паст самарали изланишларга олиб келди.

Солиқ ислоҳотини муваффақиятли амалга ошириш учун мантиқий жиҳатдан тўғри ҳаракат қилмоқ лозим. Бунинг учун, энг аввало, бюджет харажатлари оқилона эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак. Чунки ҳозирги пайтда солиқларни кескин қисқартирмасдан солиқ тўловчилар аҳволини яхшилаш иложи йўқ. Умумий тарзда ҳозирги пайтда хўжалик юритувчи субъектлар ўзлари томонидан яратилган ялпи маҳсулотнинг сезиларли қисмини бюджет ихтиёрига ўтказишмоқда. Бюджет харажатларини оқилонлаштириш ва қисқартириш натижасида солиқ ставкаларини бирмунча пасайтириш ва бунинг оқибатида эса ялпи ижтимоий маҳсулотдаги солиқлар салмоғини бир оз пасайтириш мумкин. Шунинг учун ҳам бундай шароитда нореал бюджет харажатларини қисқартиришнинг уддасидан чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Солиқ ислоҳотини амалга ошириш режалаштирилаётган пайтда қуйидагиларга алоҳида эътибор бермоқ лозим:

- ♦ қонунчилик ва меъёрий актлар бутун мажмуини ягона хужжатга интеграциялаштириш;
- ♦ ягона тушунчалар аппаратининг қўлланилиши, солиқ қонунчилиги қоидаларини бир хил тартибда тушуниш;
- ♦ мамлакатдаги солиқларнинг умумий сонини кескин қисқартириш, солиқ қонунчилигида кўрсатилмаган солиқлар ва йиғимлар жорий этилишини тақиқлаб қўйиш;
- ♦ ишлаб чиқарилаган маҳсулот ҳажми асос бўлиб ҳисобланувчи барча солиқ ва йиғимларни бекор қилиш;
- ♦ меҳнат ҳақига йўналтирилаётган маблағларни солиққа тортишни ислоҳ этиш;

♦ фойдадан олинadиган солиқнинг базасини ҳисоблашда бутун дунёда қабул қилинган андазадан фойдаланиш, «таннарх» тушунчасидан амалда воз кечиш, янги амортизация сиёсатини юргизиш;

♦ кўп сонли имтиёзлардан воз кечиш.

Бир неча солиқ қонунларини модификациялаш асосида ягона солиқ қонуни қабул қилиниши амалда самаралидир. Чунки ҳозирги вақтда ҳатто мутахассислар ҳам йўриқнома-малардаги жорий ўзгаришларни кузатишга, алоҳида олинган қонунларнинг ўзаро кўп сонли номутаносибликларини таҳлил қилиб боришга улгурмаяптилар.

Солиқ қонунчилигида ягона атамалар, турли ҳужжатларда қўлланилган тушунчаларни бир хил тарзда талқин этиш зарурки, булар оқибатда мамлакатимиз ва хорижий компанияларни солиққа тортишда бир хил тарзда ёндашишга, солиқ қонундаги камчиликларнинг барҳам топишига, солиқларни тўлашдан бўйин товлamasликка олиб келади.

Солиқ тизимини такомиллаштиришда қуйидагиларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим:

♦ молиявий йил давомида солиқлар тизимининг ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўзгармаслигини, қарама-қарши (зиддиятга) бўлмаслигини, уларнинг бириликни таъминловчи барқарор солиқ тизимини яратиш;

♦ йирик тушумларни беролмайдиган мақсадли солиқларни бекор қилиш ва солиқларни йириклаштириш ҳисобига уларнинг умумий сонини қисқартириш;

♦ маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчилар зиммасидаги солиқ юкини енгиллаштириш;

♦ солиққа тортиш умумий режимидаги имтиёзлар ва истисноларни қисқартириш.

Бу вазифалар Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири унинг ташкилий тузилишини такомиллаштиришдир. Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида республикаимиз солиқ тизими юзага ке-

лиш босқичида солиқларнинг турлари бўйича ихтисослашган ҳолда дастлаб солиқ органларининг марказлаштирилган иерархик тизими шаклланди.

Солиқ тизимини шакллантиришнинг дастлабки босқичида солиқларни ҳисоблаш ва ундириш методологияси ҳамда солиқ ҳужжатлари шакллари маълумотларни анъанавий равишда қўлда ишлашга тўлиқ мўлжалланган эди. Маълум даражада солиқ методологияси ривожланишининг ана шундай тенденцияси ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолаётгани, бу нарса маълумотларни электрон тарзда қайта ишлашни ташкил этишдаги муҳим муаммолардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ривожланиш ва такомиллашиш жараёни давом этаётган бўлишига қарамай, унинг дастлабки ташкилий тузилмаси ва солиқ органлари ишининг таркиб топган тизими ўзларининг жуда кўп ўлчамларига кўра тегишли ишнинг самарадорлигини ошириш салоҳиятини тугатган.

Ғарб (хориж) андазаларига кўра, солиқ органлари тизими икки элементдан таркиб топган: солиқ маъмурчилиги тизими; солиқ органларини ташкил қилиш тизими.

Солиқ маъмурчилиги солиқ органлари ишини ташкил этиш бўлиб, у солиқ органларида қонун томонидан кўзда тутилган функцияларни бажаришни таъминлайди. Бу тусунча ўз таркибига қуйидагиларни олади: солиқ органи функцияси таркибини аниқлаш; солиқ органи ҳар бир функциясини амалга ошириш учун иш процедуралари таркибини аниқлаш; солиқ органи бўлинмаларига ўз функцияларини бириктириш. Бир вақтнинг ўзида солиқ маъмурчилиги тизими ва солиқ органларини ташкил этиш ўзаро боғлиқ бўлганлиги учун бу категорияларни ҳар доим комплекс ҳолда олиб қарамоқ лозим.

Ҳозирги пайтда солиқ органларини модернизация қилиш зарурлиги қуйидаги объектив омиллар билан белгиланади:

♦ солиқ тизимининг муттасил равишда мураккаблашиб бораётганлиги;

♦ ҳудудий солиқ органлари инспекторларига тўғри келувчи юклама ҳажмининг ошиб бораётганлиги;

♦ солиқ органларини молиялаштириш ҳажмининг чекланганлиги.

Ҳудудий солиқ органлари учун модернизация қилишнинг мажбурий компонентаари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ♦ типли ташкилий тузилишга ўтиш;
- ♦ типли солиқ маъмурчилиги тизимини яратиш;
- ♦ самарали солиқ технологияларини жорий этиш;
- ♦ информатизация даражасини ошириш;
- ♦ инфорацион ресурслар хавфсизлигини таъминлаш;
- ♦ мутахассислар ва солиқ тўловчиларни ўқитиш.

Солиқ хизматини модернизация қилишнинг муҳим компоненти мутахассислар ва солиқ тўловчиларни ўқитишдир. Мутахассисларни ўқитиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- ♦ солиқ инспекцияси раҳбарлари ва мутахассисларини солиқ органлари ишини ташкил қилишнинг типли тизимига ўтишини таъминлаш учун ўқитиш;
- ♦ маълумотларни электрон қайта ишлаш янги тизимини эксплуатация қилиш учун ўқитиш.

Солиқ тўловчилар учун эса ўқитишни ташкил қилиш лойиҳа ресурслари чекланганлиги сабабли экспериментал ва чекланган характерга эгадир.

Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти ҳамда солиқ инфорацион тизимлари бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиш назарий ва амалий жиҳатдан тайёргарликни тақозо этади. Солиққа тортиш соҳасидаги малакали мутахассис назарий жиҳатдан солиқ тизими вужудга келиши ва ривожланиши тарихини билиши; турли типдаги иқтисодиёт ва ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатлар солиқ тизимларидаги фарқлар ва уларнинг таркибий тузилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиши; ҳар бир солиқни ҳисоблаш услубини билиши, солиққа тортиладиган базани таҳлил қила олиши; тадқиқотнинг замонавий статистик услубларидан фойдаланган ҳолда солиқ тушумлари истиқболини белгилай олиши; компьютер саводхоналигига эга бўлиши ва солиққа тортиш соҳасида автоматлаштирилган тизимлар



ҳамда замонавий инфор­мацион технологиялардан оқилона фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиш керак ва ҳ.к.

Албатта, ана шу билимларни эгаллашга тегишлай олий ва ўрта махсус ўқув юр­тларида, коллежларда, малақа ошириш курсларида ва бошқаларда кенг эътибор берилади. Бир вақт­нинг ўзида солиққа тортиш соҳасидаги малакали мутахас­сис солиқ тўловчилар томонидан бериладиган барча савол­ларга малакали тарзда ва ҳар томонлама жавоб бера олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бунинг учун унинг ўзи, энг аввало, ҳаётта татбиқ этилаётган солиқ сиёсатининг аса мо­ҳиятини тўғри идрок этиши, солиққа тортиш назариясининг энг долзарб муаммоси нимадан иборат эканлигини билиши, солиқ тизими ва солиққа тортиш асосий принципларининг мазмунини тўғри тушуниши, солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликни кўра билиши, солиққа тортишни такомиллаштиришнинг асосий кўринишлари (йўналишлари) нима­лардан иборат эканлигини белгилай олиши керак.

Ушбу бобнинг навбатдаги пара­графлари ана шу масала­ларни оммабоп тарзда ёритишга бағишланади.

## **6.2. Солиққа тортиш назариясининг энг долзарб муаммоси ва солиқ сиёсати**

Ишлаб чиқи­лаётган ва ҳаётта татбиқ этилаётган солиқ си­ёсатининг аса моҳиятини солиққа тортиш назариясининг энг долзарб муаммосисиз тўғри идрок этиб бўлмайди. Шу му­носабат билан таъкидлаш лозимки, солиққа тортиш наза­рияси тарихида энг долзарб муаммо сифатида куйидаги саволнинг жавобини излаб топиш саналади: бюджет даро­мадларини шакллантиришда соф фискал услублардан фой­даланиш мақсадга мувофиқми ёки солиқларни пасайтириш орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва со­лиққа тортиш базасини кенгайтириш керакми? Буларнинг қайси бири афзал? Қайси бири мақсадга мувофиқ?

Албатта, бизнинг шароитимизда ҳамма ҳам (ҳатто шу соҳа мутахассислари ҳам) бу саволга қатъий жавоб беролмайди. Лекин сиртдан қараганда, бу саволнинг жавоби унча мурак­каб кўринмайди. Чунки саволнинг ўзида унинг жавоби мав-

жуд. Фақат мураккаблиги шундаки, саволнинг икки хил жавоби берилган. Биринчи жавобга кўра, бюджет даромадларини шакллантиришда фақат соф фискал услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иккинчи жавобга кўра, бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларни пасайтириш орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва солиққа тортиш базасини кенгайтириш афзалдир. Шундай қарамай, ҳар икки жавобнинг қай бири танланишидан қатъи назар, ундан сўнг: «Нима учун айнан шу вариантни танладингиз?» деган навбатдаги савол кун тартибига қўйилиши табиийдир. Бу саволга жавоб бериш эса анча мураккаб ҳисобланади.

Қуйида келтирилган фикрлар муаммонинг асл моҳиятини тўғри идрок этишга ва тўғри жавобни танлашга ёрдам беради деб ўйлаймиз:

1. Солиқ юқини реал пасайтириш ҳукмдорнинг хоҳиши-истагига эмас, балки мустаҳкам иқтисодий асосга таянади. Акс ҳолда, бу нарса бутунлай тескари натижаларга олиб келиши мумкин.<sup>93</sup>

2. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германия давлат арбоби, профессор А.Эрхарднинг фикрича, барча фуқаролар ва хўжалик юритувчи тоифаларнинг солиқ юқини пасайтиришга йўналтирилган истаklarини адолатли деб тан олмақ лозим. Бир вақтнинг ўзида у мақсадга эришиш воситаларини ҳам кўрсатиб беради: харажатларнинг талаб қилинган барқарорлигига ва унумдорлик ривожланишининг белгиланган суръатларда амалга оширилишига эришилса, солиқларни пасайтириш имкониятини ҳисоблаб топиш ва тасаввур қилиш мумкин. Фақат шу йўл билангина ҳаммамизни эзиб келаётган солиқ муаммосини ҳаққоний ва реалистик тарзда еча олишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, А.Эрхард Германия хўжалик вазирини, сўнгра эса канцлери бўлган даврларда амалга оширилган тадбирлар орасида унинг солиқ сиёсати урушдан кейин Германия иқтисодиётини кўтаришда ҳал қилувчи ролни ўйнади.

<sup>93</sup> Бу тасдиқнинг тўғри эканлигини исбот қила оласизми?

3. XX асрнинг 70 – 80-йилларида Фарб мамлакатларида Америка иқтисодчиси А.Лэффернинг бюджет концепцияси тан олинди. Унинг фикрича, солиқ тушумлари икки асосий омил маҳсулидир: 1. Солиқ ставкаси. 2. Солиқ базаси.

Солиқ юки оғирлашуви (ўсиши) фақат маълум бир чегарага етгунга қадар давлат даромадлари кўпайишига (ошишига) олиб келиши мумкин. Бу чегара миллий ишлаб чиқариш солиққа тортиладиган қисмининг қисқариши билан бошланади. Агар ана шу чегарадан ўтилса, солиқ ставкаси ўсиши бюджет даромадлари ўсишига эмас, аксинча, қисқаришига олиб келади.

А.Лэффер эгри чизиғи давлат бюджети даромадларининг солиқ ставкаси даражасига (ўлчамига) боғлиқлигини кўрсатади. Ундан солиқ ставкалари ўсиши маълум бир критик (максимал) нуқтага етгунга қадар давлат бюджети даромадлари ўсишига (ортишига) олиб келиши мумкинлигини аниқлаш қийин эмас. Ана шу критик (максимал) нуқтадан сўнг солиқ ставкаларининг яна оширилиши (кўтарилиши) тескари натижаларга олиб келади: корхоналар олинган фойдани қандай қилиб бўлса ҳам солиқдан «қочириш», уни яшириб қолиш йўлларини қидира бошлайдилар (афсуски, бу «йўллар»ни қидириб топадилар ҳам), ишлаб чиқариш ва инвестициялар ҳажми қисқаради. А.Лэффернинг фикрича, солиқ ставкалари максимал даражасининг (критик нуқтадагисининг) пасайтирилиши (камайтирилиши) тадбиркорликнинг (жумладан, хусусий тадбиркорликнинг ҳам) ривожланиши учун яхши, қулай вазиятни вужудга келтиради. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, инвестицияларнинг ўсишига, бандликка эришишга, даромадларнинг кўпайишига ва давлат бюджетига солиқ тушумларининг ортишига олиб келади. Бу пировардида бюджет дефицити қисқариши ва инфляцияон жараёнларнинг сусайиши демакдир.

Шундай экан, тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш вазифасини солиқ «зулми»ни енгилатиш орқали ҳал қилиш лозим. Солиққа тортиш ставкасининг пасайтирилиши ишлаб чиқаришнинг ўсишига, бу эса, ўз навбатида, келажакда солиқ тушумларининг вақтинчалик камайишини компен-

сация қилишга (қайта тиклашга) олиб келади. Инфляциясиз ишлаб чиқаришнинг ўсишига, энг аввало, солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари ва солиққа тортишнинг прогрессивлигини оқилона манипуляция қилиш ҳисобига эришилади.

XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярми ва 90-йиллар бошларида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Швеция ва бошқа бир қатор етакчи мамлакатлар капитал жамғарилишини тезлаштиришга ва ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ ислохотларини амалга оширдилар. Ана шу мақсадаар учун корпорациялар фойдасидан олинadиган солиқ ставкаси бирмунча пасайтирилди. Масалан, АҚШда корпорацион солиқ ставкаси 46 фоиздан 34 фоизгача пасайтирилди; Буюк Британияда – 45 фоиздан 35 фоизгача, сўнг эса 33 фоизгача; Францияда – 1986 йилда 50 фоиздан 45 фоизгача, 1991 йилда 42 фоизгача, сўнг эса 34 фоизгача; Японияда – 1989 йилда 42 фоиздан 40 фоизгача (префектура ва маҳаллий солиқларни ҳисобга олган ҳолда). 1994 йилда Данияда солиқ ислохотини секин-асталик билан амалга ошириш бошланди. Параллел равишда бу мамлакатларда жисмоний шахслар шахсий даромадларини солиққа тортишнинг юқори даражаси пасайтирилди ва солиққа тортилмайдиган даромаднинг интерваллари кенгайтирилди.

Тўғри солиқларнинг камайтирилиши кўпилаган қиймат солиғи ва сотувдан олинadиган солиқ сингари эгри солиқларнинг оширилишни тақозо этганлигини қайд қилиб ўтишимиз керак. Масалан, 90-йиллар ўрталарида Германияда кўпилаган қиймат солиғининг умумий ставкаси 14% дан 15% га, Японияда эса сотувдан олинadиган солиқ ставкаси 3% дан 5% га кўтарилди. Швейцарияда ҳам кўпилаган қиймат солиғи жорий этилди. Баъзи бир мамлакатларда ер солиғи ортиб бораётганлиги кузатиламоқда.

Солиқ соҳасида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишида тартиббузар юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан солиқ қонунчилигига риоя қилиш устидан назоратнинг кучайтирилаётганлиги, иқтисодий ҳамда маъмурий жазоларнинг оғирлашаётганлиги ҳам характерлидир.

### **6.3. Солиқ тизими, солиққа тортиш ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принциплари, уларнинг солиқ сиёсати ҳаётийлигига таъсири**

Солиқ сиёсати ҳаётийлиги<sup>94</sup> негизида унинг барқарор (самарали, натижаали)лиги ётади. Ўз навбатида, унинг ҳаётийлик даражаси бундай сиёсатнинг негизини ташкил этувчи солиқ тизими ва солиққа тортиш принципларига бориб тақалади. Шу боис дастлаб солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг)<sup>95</sup> асосий принциплари тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, бу масаланинг кун тартибига қўйилиши, энг аввало, ҳаётга татбиқ этилаётган солиқ сиёсатининг аса моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз солиқ тизимига асос солинаётган пайтда бу принципларга маълум даражада риоя қилинган бўлса-да, айрим сабабларга кўра уларнинг аса моҳияти ҳанузгача солиқ тўловчиларга тўлиқ етиб бормаган. Бунинг натижасида солиқ тўловчиларимиз солиқларга нисбатан муносабат билдираётган пайтда маълум ноаниқликка, нообъективликка йўл қўяётирлар. Солиқ тизими (солиққа тортиш) принциплари туб моҳиятини тўғри идрок этмасдан туриб, солиқ кодексининг аса мазмунини ҳам тўлақонли тарзда тушуниш мумкин эмас. Негаки, бу ҳолатлар принципаал аҳамиятга молик масала, ундан ҳар бир солиқ тўловчи ўз вақтида огоҳ бўлмоғи лозим.

Солиқ тизими (солиққа тортиш) асосий принципларининг биринчиси ***солиқларнинг (солиққа тортишнинг) ҳаддан зиёд оғир бўлмаслигидир.***

<sup>94</sup> Бу ўринда «Солиқ сиёсати ҳаётийлиги» деганда бундай сиёсатнинг барча фуқаролар, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатларига оқилона мос келиши, унинг ёрдамида максимал ижобий натижаларга эришилиши назарда тутилаётти.

<sup>95</sup> Солиқ тизими ва солиққа тортиш принциплари ўртасида таркибий жиҳатдан маълум бир фарқлар бор, улар мунозарали характерга эга бўлса-да, бу ўринларда, энг аввало, уларнинг ҳар иккиси учун умумий бўлган принципларни кўриб чиқишга ҳаракат қилинди ва шу муносабат билан улар биргаликда баён этилмоқда.

Биз бу ўринда солиқ тўловчиларимизнинг «Солиқлар (солиққа тортиш) ҳаддан зиёд оғир бўлмаслиги керак» деган ҳар бир сўзга ва сўз бирикмасига, уларнинг маъносига алоҳида-алоҳида эътибор беришларини истардик. Ана шунда бу ерда солиқларнинг солиқ тўловчилар учун оғир бўлиши тан олинаётганигини кўрамиз, ўрни келганда, солиқларнинг «зиёд оғир» бўлиши ҳам тақозо этилаётир ва бу нарсага табиийдек қарамоқ лозим. Солиқ тўловчиларимиз бундан огоҳ бўлмоқлари ва кўникишлари керак бўлади.

Албатта, шу ўринда «Тўланадиган солиқларнинг суммаси нечага тенг бўлганда солиқлар (солиққа тортиш) ҳаддан зиёд оғир бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин?» деган савол туғилиши табиий. Бу саволга рақамлар билан жавоб бериш маъно билдирмаслигини бирданига айтиб қўя қолайлик. Чунки гап аслида солиқ (солиққа тортиш) фаолиятнинг у ёки бу турини рағбатлантириши ёки рағбатлантирмаслиги тўғрисида кетаётир. Агар солиқ (солиққа тортиш) оғир бўлиб, фаолиятнинг у ёки бу тури ривожланишига кескин тўсқинлик қилса, у ҳолда бундай солиқни (солиққа тортишни) ҳаддан зиёд оғир деб қабул қилиш мумкин ёки аксинча. Ажабланишга томони шундаки, солиқ тўловчиларимиз онгида ҳар қандай солиқ суммаси (солиққа тортиш) фаолиятнинг у ёки бу тури ривожланишига доим тўсқинлик қилади<sup>96</sup> деган фикр мустақкам ўрнашиб қолган. Назаримизда, бундай фикр юриштига барҳам бериш вақти келди ва солиқ тўловчилар ҳам мазкур масалага оқилона муносабатда бўлмоқлари даркор.

Муаммонинг иккинчи томони ҳам борлигини қайд этиб ўтмоқ лозим. Гап шундаки, солиқларнинг (солиққа тортишнинг) ҳаддан зиёд оғирлик даражасини фақат солиқ тўловчиларгина эмас, балки бу нарсани мамлакатимиз доирасида солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчилар ва ҳаётга татбиқ этувчилар ҳам аниқ идрок этмоқлари керак. Чунки солиқларнинг (солиққа тортишнинг) ҳаддан зиёд оғир эканлиги муваффақиятли солиқ сиёсати юргизилаётганидан далолат

<sup>96</sup> Бу фикр қанчалик тўғри ҳисобланади? Унга қўпилаасизми ёки рад этасизми? Нима учун?

бермайди ва бундай солиқ сиёсатини юргизиш билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бунинг тўғри эканлигини жаҳон тажрибаси яққол тасдиқлаб турибди.

**Солиқларнинг (солиққа тортишнинг) солиқ тўловчиларга тушунарли бўлиши** мазкур тизимда (жараёнда) асос сифатида олинishi лозим бўлган иккинчи принципдир. Бошқача айтганда, ҳар бир солиқ тўловчи у ёки бу солиқ турини нима учун тўлаётганлигини аниқ билиши керак. Солиқ тўловчи солиқни тўласа-ю, лекин нима учун тўлаганлиги сабабини билмаса ёки унинг моҳиятини тушунмаса, буни аялчан ҳол деб баҳолаш мумкин, холос. Чунки бундай вазиятда солиқ тўланиши, бир томондан, солиқ тўловчиларнинг билим даражаси пастлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, солиқ сиёсатини юритувчилар ва уни ҳаётга татбиқ этувчилар ўз вазифаларини сидқидилдан бажармаётганлигини кўрсатади.

Солиқлар (солиққа тортиш) солиқ тўловчиларга тушунарли бўлмоғи лозим экан, ҳўш, бу принципга риоя қилиш нималарга боғлиқ? Фикримизча, бу принципнинг бажарилиши, энг аввало, солиқ тўловчиларнинг ўзларига бевосита боғлиқ. Чунки ҳар бир солиқ тўловчи ўзи тўлайдиган солиқларга (солиққа тортиш жараёнларига) ва уларнинг суммаларига бефарқ қарамаслиги керак. Бозор иқтисодиётининг тегишли қонун-қоидалари худди шу нарсани тақозо этади. Солиқ тўловчилар солиқлар нима учун тўланаётганини аниқ билганлари тақдирдагина солиқларга (солиққа тортишга) нисбатан холисона муносабатда бўлишлари мумкин.<sup>97</sup> Акс ҳолда, асоссиз норозиликларнинг чеки бўлмайди. Бир вақтнинг ўзида солиқларнинг (солиққа тортишнинг) солиқ тўловчиларга тушунарли бўлиши, кўп жиҳатдан, солиқ тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига ҳам боғлиқ. Бу ерда гап ходимларнинг солиқ тўловчиларга солиқларнинг (солиққа тортишнинг) тушунарли бўлиши борасида олиб бораётган ёки олиб бориши лозим бўлган ишла-

<sup>97</sup> Солиқ тўловчилар солиқлар нима учун тўланаётганини аниқ билдиларми? Билмасалар, билиш учун нима қилиш керак?

ни тўғрисида кетаётир.<sup>98</sup> Афсуски, бу борадаги бизнинг амалиётимизда олиб борилаётган ишларни қониқарли даражада деб бўлмайти. Бу масалалар вақтга матбуот саҳифаларида оммабоп, оддий солиқ тўловчилар тушунадиган тилда тилрича ёритилмаётир. «Солиқлар ҳақида сабоқлар» руқни шунда берилган телекўрсатувда эса улар кўпинча назардан кетма қолади. Яна шуниси ачинарлики, айрим ҳолларда солиқларнинг (солиққа тортишнинг) солиқ тўловчиларга тушунарли бўлишини тарғиб қилаётган баъзи бир «мутахассис»ларнинг ўзлари ҳам ниҳоятда саёз билимга эга экани вақтга матбуот органлари, телевидение ва радио орқали «чиқиш»ларда сезилиб қолмоқда.

Солиқ тизими (солиққа тортиш) олдига қўйилган учинчи принципга кўра, **ҳар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлигини билмоғи керак.**

Назаримизда, солиқ тўловчиларнинг бу нарсаалардан огоҳ бўлиши ҳам кўп жиҳатдан солиқ сиёсатини ишлаб чиқувчилар ва уни ҳаётга татбиқ этувчиларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ. Чунки улар томонидан тайёрланган тегишли қонун ва йўриқномаларда юқорида қайд этилган ҳолатлар аниқ ва содда равишда ўз ифодасини топмоғи лозим. Аммо, минг афсуски, айрим ҳолларда тегишли меъёрий ҳужжатларда шундай иборалар учрайдики, уларни ўқиган ҳар бир солиқ тўловчида талайгина саволлар туғилади, уларнинг аниқ жавобини топиш амри маҳол. Айни пайтда, ўша ҳужжатга изоҳ беришни сўраб солиқ тизими мутахассисларига мурожаат қилган томоннинг (одагда, солиқ тўловчининг) талаби қондирилмаётир ёки ўша ҳужжатнинг тегишли моддаси турли мутахассислар томонидан бир неча вариантда талқин қилинаётир.

Яна бир нарсага алоҳида тўхташмоқчимиз. Гап шундаки, ҳукумат томонидан амалга оширилаётган солиқ сиёсатини ҳаётга татбиқ этувчилар – солиқ тизими ходимлари, фикри-

<sup>98</sup> Бу нарса уларнинг вазифаларига кирадимиз ёки йўқми? Кириши керакми ўзи ёки йўқми?



мизча, бу борада маълум даражада сусткашликка йўл қўймоқдалар. Гарчи кейинги йилларда улар томонидан соҳада анча-мунча ишлар қилинган бўлса-да, бу ишларни ҳали етарли даражада деб бўлмайди. Тўғри, шу мавзуга бағишлаб турли семинарлар ўтказилаётир, радио ва телевидениеда чиқишлар қилинаётир, вақтга матбуот саҳифаларида тегишли мақолалар чоп этилаётир ва ҳоказо. Лекин ҳанузгача бирор бир солиқ тизими ходимининг меҳнат жамоасига бориб, ҳар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлиги тўғрисида қуйиб-пишиб гапирётгани ёки тушунтираётганига гувоҳ бўлаётирмизми?<sup>99</sup>

Шу ўринда яна бир савол туғилади: қандай иш тутилса, кўзланган мақсадга иложи борица тўлиқроқ ва тезроқ эришилади? Назорат қилингандами ёки тегишли тушунтириш ишлари олиб бориладими? Бу саволларга жавоб бериш жараёнида бюджет даромадларини шакллантиришнинг ҳозирги аҳволини инобатга олсак, у ҳолда биринчи вариантни қўллаш орқали кўзланган мақсадга эришиш анча оғир кечаётганига шохид бўламиз. Балки тегишли тушунтириш ишларини олдиндан олиб бориш кўзда тутилган мақсадга эришишни бир оз осонлаштирар. Агар масалага вақт нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, иккинчи вариант анчагина афзалликларга эга. Чунки бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бу вариант даромадларнинг бюджетга ўз вақтида тушиб туришини таъминлайди ҳамда солиқ сиёсатига нисбатан асоссиз норозилик кайфияти вужудга келишининг олди олинади.

Айрим оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлигини солиқ тўловчиларга тушунтириб бериш ниётида турли иқтисодчиларга, тегишли соҳа мутахассисларига мурожаат этиб, репортажлар, мунозаралар ва мулоҳазалар эълон қилаётирлар ва ҳоказо. Ачинарли жойи шундаки, уларнинг бу хайрли ишларида иштирок этаётган айрим

<sup>99</sup> Бу фикр ўринлими ёки йўқми? Балки жуда кескин тарзда айтилаётгандир? Ёки...?

ниқтисодчилар ва тегишли мутахассислар кўзда тутилаётган принципни кўнгидагидек бажаришнинг уддасидан чиқа олмиётир, масалани айрим ҳолларда эса нотўғри талқин ҳам мумкин.<sup>100</sup>

**Солиқларнинг (солиққа тортишнинг) адолатли бўлиши ва тенг шароитларда турли солиқ тўловчилар бир хил солиқларни тўлаши лозимлиги** солиқ тизими (солиққа тортиш) олдига қўйилган тўртинчи принципдир.

Бу принципнинг асл моҳиятини тўғри идрок этмоқ учун, энг аввало, «адолатли бўлиш», «тенг шароитлар» ва «бир хил солиқларни тўлаш» каби ибораларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида эътибор бермоқ лозим. Айни пайтда, бу иборалар ўртасида узвий боғлиқлик борлигини ҳам кўра билимоқ керак. Ана шундагина мазкур принципнинг асл моҳияти тўғри талқин этилиши мумкин.

Солиқларнинг (солиққа тортишнинг) адолатли бўлиши – тизимнинг олдига қўйилган бу принципга кўра турли солиқ тўловчилар тенг шароитларда бир хил солиқларни тўлашлари кераклиги орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам солиқларнинг (солиққа тортишнинг) адолатли бўлиши устида гап кетар экан, бунга нисбатан фикр билдирувчилар тенг шароитларда бир хил солиқ тўланиши лозимлигини тан олишлари керак.

Шу ўринда яна бир аниқлик киритиш лозим. Гап шундаки, тенг шароитларда бир хил солиқлар тўланиши бир хил суммадаги солиқ тўланишини аниқлатмайди. Тенг шароитларда нисбатан самарали фаолият кўрсатиб, нисбатан кўп даромадга ёки фойдага эга бўлган, ҳам ўзини, ҳам кўпроқ суммадаги солиқларни тўлаб ўз давлатини бойитган солиқ тўловчилар солиқларнинг адолатсизлигидан норози бўлмасликлари керак. Агар шу маънода норозилик билдириладиган бўлса, уни нообъектив ёки асосга эга бўлмаган норозилик деб қабул қилиш даркор.<sup>101</sup> Яна бир бор такрорламоқчимиз: тенг шароитларда тенг фаолият кўрсатган солиқ

<sup>100</sup> Бунга мисоллар келтира оласизми?

<sup>101</sup> Нега?

тўловчиларгина тенг миқдордаги солиқ суммаларини бюджетга тўлашлари мумкин.

Солиқ тизими (солиққа тортиш) олдига қўйилган бешинчи принципга кўра, **давлат кўп маблағ сарф этмасдан солиқ ундиришни (йигишни) уддаламоғи керак.**

Фуқароларимиз (солиқ тўловчиларимиз) кўпгина ҳолларда ҳаётда содир бўлаётган воқеликларга – даромадларни яшириб қолиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, баҳоларни ўз билганиларича ўрнатилган ва ҳоказоларга – ўз муносабатларини билдира туриб, «Солиқ тизими вакилларининг кўзи қаёқда? Наҳотки, улар шу нарсаларни кўрмаётган бўлсалар?» қабилдаги фикрларни билдирадидлар. Гўё солиқ тизими ходимлари ҳушёр бўлишса, юқоридаги салбий ҳолатлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетадигандек. Тўғри, муаммоларнинг ҳал этилиши ходимларнинг ҳушёрлигига ҳам бевосита боғлиқ. Лекин бундай фикрларга борувчилар даромадларни яшириб қолиш, солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш, нарх-навони тартибга солиш мақсадида ҳар бир тижоратчининг олдига алоҳида-алоҳида солиқ тизими ходими бириктириб қўйилганда ҳам бу муаммо тўлиқ ҳал этилмаслигини билишлари керак. Шу тарзда иш тутилиши солиқ тизими ходимлари сонининг кескин кўпайишига олиб келадики, оқибати нима бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай йўл солиқ тизими (солиққа тортиш) олдига қўйилган бешинчи принципга зид бўлиши (эканлиги) аниқ кўриниб турибди.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Гап шундаки, солиқ тизими ходимлари сонини кўпайтиришни ва ҳар бир тижоратчининг «тепасида» солиқ тизими ходимини «қоровул» қилиб қўйишни истаганлар бунинг натижасида солиқ юкиннинг янада оғирлашишини, бунақанги «ажойиб тадбир»нинг амалга оширилиши солиқ тўловчиларнинг ўзларига қимматга тушишини ҳам унутмасликлари лозим.

Яна бир нарса устида алоҳида тўхтамоқчимиз. Аслида, давлатнинг кўп маблағ сарф этмасдан солиқ ундиришни уддалай олиши ёки олмаслиги солиқ тўловчилар хатти-ҳаракатларига бевосита боғлиқ бўлади. Бир тасаввур қилиб

кўринг: ҳар бир солиқ тўловчи тегишли солиқ суммаларини ўз вақтида ва белгиланган миқдорда бюджетга тўлаб турса<sup>102</sup>, солиқларни ундириш учун давлат томонидан маблағларнинг сарф этилишига ҳожат қолармикан? Йўқ, албатта. Тўғри, бизнинг бу фикрларимизни фақат назарий жиҳатдангина тасаввур қилиб кўриш мумкин. Шунга қарамай, давлатнинг кўп маблағ сарф этмасдан солиқ ундиришни уддалаш даражаси солиқ тўловчиларнинг ўзларига боғлиқ эканлиги шубҳасиздир. Шу боис яна бир марта такрорламоқчимиз: ўз зиммасига оғир солиқ юкни кўтариб юришни истамаган (истамаслиги шубҳасиз) ҳар бир солиқ тўловчи тегишли солиқ суммаларини бюджетга вақтида тўлаб қўймоғи лозим. Бундай масъулият ҳисси давлатнинг кўп маблағ сарф этмасдан солиқ ундиришни уддалай олишига ёрдам беради ва солиқ юкни бирмунча енгилаштириш учун ҳам реал шароитни вужудга келтиради.<sup>103</sup>

**Тўғри (бевосита) ва эгри (биавосита) солиқларнинг турли хилларидан оқилona фойдаланиш** солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) олтинчи принциpidир. Унга кўра, солиқ тизимида (солиққа тортиш жараёналарида) тўғри (бевосита) ва эгри (биавосита) солиқларнинг турли хилларидан оқилona фойдаланмоқ лозим. Албатта, мамлакат тараққиётининг маълум бир босқичида, унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, солиқлардан фойдаланишнинг у ёки бу турларига устуворлик берилиши мумкин. Лекин бу нарса вақтинчалик характерга эга бўлиши керак. Чунки тўғри (бевосита) солиқлардаги ўзгаришлар, асосан, ишлаб чиқариш жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлса, эгри (биавосита) солиқлардаги ўзгаришлар истъомол жараёнларини тартибга солишга қаратилган бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва истъомол ўртасидаги ўзаро мувозанатни таъминлашга жуда катта эътибор берилиши ҳам, ўз навбатида, кўзланган мақсад-

<sup>102</sup> Бу утопиями ёки...? Унга сиз киноя билан қарамаяпсизми? Нима учун?

<sup>103</sup> Буни рақамлар билан исботлаб беришга бир ҳаракат қилиб кўринг-чи.

га эришиш учун солиқ тизимида (солиққа тортишда) тўғри (бевосита) ва эгри (биавосита) солиқларнинг турли хилларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида тўғри (бевосита) ва эгри (биавосита) солиқларнинг турли хилларидан оқилона фойдаланишга етарли эътибор берилса, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, ишлаб чиқариш таъсирчан даражада рағбатлантирилиши ва истеъмол жараёнларида сезиларли муаммолар вужудга келмаслиги мумкин.

Солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) еттинчи принципи **солиққа тортишни универсаллаштириш** ҳисобланади. Бунинг маъноси шундан иборатки, солиққа тортиш, турли объектив сабабларнинг мавжуд бўлишига қарамай, иложи борича индивидуал характерга эга бўлмаслиги лозим. Солиқ тизимининг илғорлиги, ҳаётийлиги ва тараққиётини солиққа тортишнинг универсаллик даражаси ҳам белгилаб беради. Солиқ тизими ва солиққа тортишни соддалаштириш йўлларида бири ҳам уларни универсаллаштиришдир.<sup>104</sup>

Солиққа тортишни универсаллаштириш, ўз моҳиятига кўра, маълум маънода барча солиқ тўловчилар учун ягона тартиб-қоидаларнинг жорий қилинишини тақозо этса-да, амалиётда ҳамма ҳолатларда ҳам бунга тўлиқ эришишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам барча ўринларда солиққа тортишни универсаллаштириш яккаю ягона мақсад сифатида кун тартибига қўйилмаслиги лозим. Чунки айрим ҳолатларда солиққа тортишни ёппасига универсаллаштириш кўзланган мақсадга эришиш имконини бермайди. Бу, ўз навбатида, солиққа тортишни универсаллаштириш принципидан ҳамма жойда ҳам тўғридан-тўғри хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ эмаслигидан дарак беради.

**Бир марта солиққа тортиш** солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) саккизинчи принципи бўлиб, у ўта муҳим ва амалиётда жуда мунозарали саналади. Моҳиятан бу

<sup>104</sup> Шу нарсани ахборот технологиялари асри, Интернет ва дастурлаштиришнинг тараққий этганлиги нуқтаи назаридан бир кўриб чиқинг-чи, қандай ҳулосаларга келаркансиз.

принцип солиққа тортишнинг бир объектидан бир солиқнинг бир марта олинishiни англатади. Шунга мос равишда солиққа тортишнинг бир объектидан бир солиқ икки ва ундан кўп марта олинмаслиги керак. Бир вақтнинг ўзида солиққа тортишнинг бир объектидан бошқа бир неча солиқларнинг ундирилиши эса бир марта солиққа тортиш принципига зид иш тутилганини билдирмайди.<sup>105</sup>

Афсуски, бу ҳамма вақт ҳам тўғри эътироф этилмаяпти. Амалиётда фойда, даромад, тушум, иш ҳақи ва бошқаларнинг бир неча марта (қайта-қайта) солиққа тортилаётгани ва бу билан бир марта солиққа тортиш принципига қатъий риоя қилинмаётгани хусусида «мунозара»лар жуда кўп учрайди.

Бундай «мунозаралар» ўзининг илмий ва амалий асосига эга бўлмасдан, солиқ тўловчиларни чалғитиши, нотўғри йўлга бошлаб юбориши ва уларда юргизилаётган солиқ сиёсатига нисбатан асоссиз норозилик кайфияти шаклланишига олиб келиши ёки мавжуд норозилик кайфиятини янада кучайтириши мумкин.

**Илмий ёндашув** солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) тўққизинчи принциpidир. Солиқ тизими (солиққа тортиш) принципларидан бири сифатида илмий ёндашув ҳақида гап кетар экан, аввало, бу ўринда солиққа тортилаётган объектининг (фойда, даромад, тушум, қўшилган қиймат ва бошқаларнинг) солиқ тўловчи (юридик ва жисмоний шахслар) ва солиқ ундирувчи (давлат) ўртасида оқилона тақсимланиши (бўлиниши) назарда тутилаётганини алоҳида қайд қилиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу нисбатнинг қандай бўлишини аниқлаш айримлар ўйлаганчалик осон иш эмас.

Кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида ана шу оқилона нисбатни аниқлаш ўз долзарблигини йўқотмаган ва ҳамон йўқотмасдан келаётир. Бунинг айнан шундайлигини турли даврларда инсоният тараққиётида муҳим роль ўйнаган шахслар томонидан айтилган қуйидаги фикрлар яққол тасдиқлайди:

<sup>105</sup> Буни қандай тушунмоқ лозим?

1. Буюк бобокалонимиз Амир Темур: «Солиқ тўловчилардан мол-хирож йиғишда уларни офир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, солиқ тўловчиларни хонавайрон қилиш давлат хазинаси камбағаллашувига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Унинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб келади»<sup>106</sup> деган эди.

Бу ўринда «солиқ тўловчиларни офир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак» дейилганда нималар назарда тутилаяпти? Ҳозирги пайтда бу фикр «яратилган бойликни бюджет ва солиқ тўловчи ўртасида оқилона тақсимлаш керак»лигини англамайдимми? Ўша фикр тақсимланиш жараёни шундай илмий ёндашувга асосланиши керакки, бунинг натижасида солиқ тўловчининг ҳам, давлатнинг ҳам аҳволи яхшиланиши керак» деган фикр билан бир хил эмасми?! Бундан бир неча аср бурун билдирилган мазкур фикр ҳозирги пайтда ўз аҳамиятини, қадр-қимматини йўқотибдими ёки йўқми? Бунинг айнан шундай эканлиги муаммонинг ўта долзарблигидан далолат бермайдимми?

2. «Солиқларни ўрнатишнинг мезони ҳукмдорнинг умумий фаровонликка йўналтирилган соғлом ақлидир»<sup>107</sup> дея таъкидлайди Ф.Аквинский (1225/1226 – 1274).

Ҳозирги тилга ва даврга ўтирадиган бўлсак, бу ерда «ҳукмдор» деган пайтда Ф.Аквинский «Президент», «Бош вазир», «Канцлер», «Қирол», «Амир», «Подшоҳ» ёки «Султон»ни назарда тутмаётганлиги маълум бўлади. Гарчи у ёки бу мамлакат тараққиётини таъминашда тегишли лавозимни эгаллаган шахс роли сезиларли даражада бўлса-да, ҳозирги пайтда солиқларни ўрнатиш (охир-оқибатда илмий ёндашув асо-

<sup>106</sup> Соҳибқирон А.Темурнинг бу фикрига монографиямизнинг 10-бобида яна бир марта ўрин берамиз ва унга ўзига хос тарзда шарҳ беришга ҳаракат қиламиз.

<sup>107</sup> Қаранг: Все начиналось с десятины: этот многоликий налоговый мир. – М., 1992. – С.161, 367.

сида солиқ тўловчи ва бюджет ўртасидаги нисбат қандайлигини аниқлаш) масаласи кимнинг вақолатида эканлигини яхши биламиз. Бундай шароитда соғлом ақл ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бу ақл тегишли жойда ва жараёнда мунозара қилиш, мулоҳаза юритиш ва мурасага келиш натижасида пайдо бўлади. Ўз навбатида, буларнинг ҳар бирида у ёки бу тарзда илмий ёндашув ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу жойда Ф.Аквинский томонидан таъкидланган «умумий фаровоналик»нинг ҳозирги пайтда нимани англайтиши мумкинлигини аниқлаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бизнингча, бу ибора ҳозирги пайтда энг оддий тарзда солиқ тўловчиларнинг ҳам, бюджетнинг ҳам «фаровонлиги»ни билдиради. Бунга эса яна «томдан тараша тушган»дек тарзда эмас, балки чуқур илмий ёндашув асосидагина эришиш мумкин.

3. Инглиз файласуфи Ф.Бэкон (1561 – 1626) фикрича, «Халқнинг розилиги билан ёки унинг розилигисиз олинadиган солиқлар уларнинг ҳамёни учун бир хил бўлиши мумкин, лекин халқ руҳиятига унинг таъсири турличадир».<sup>108</sup>

Гап бу ерда, аслида, солиқ тўловчиларнинг розилиги билан ёки уларнинг розилигисиз олинadиган солиқлар тўғрисида кетмаяптими? «Халқ руҳияти» солиқ тўловчилар руҳияти эмасми? Солиқлар солиқ тўловчиларнинг розилиги билан олинса, нима бўлади-ю (ҳеч бўлмаганда, манфаатдорлик сўнмайди), аксинча, розилигисиз олинса, қандай оқибатларга олиб келиши мумкин (ҳеч бўлмаганда, манфаатдорлик сўнади)? Солиқлар қандай олинганда (ундирилганда) розилик билан ёки розиликсиз олинди дейилади? Унинг чегараси қаерда ва уни қандай қилиб аниқлаш (кўриш) мумкин? Солиқлар қандай ундирилганда солиқ тўловчилар руҳиятига бир хил таъсир кўрсатади? Бу саволлар жавобини илмий ёндашувсиз тасаввур этиб бўлмайди.

4. Буюк француз ёзувчиси ва файласуфи Ш.Монтескье (1689 – 1755) «Тўловчилардан қанча қисмини олиш ва улар-

<sup>108</sup> Қаранг: Бэкон Ф. Сочинения. В двух томах. – М.: Мир, 1972. Т.2. – С.416.



нинг ихтиёрига қанчасини қолдиришни аниқлашдек ҳеч бир нарса бунчалик донолик ва ақлни талаб қилмайди»<sup>109</sup> деб таъкидлаган эди.

Бу фикрнинг ўзи юқоридаги муаммонинг нақадар ўткир ва мураккаб эканлигини яна бир марта кўрсатаётир. Муаммо қанча ўткир ёки мураккаб бўлса, уни оқилона ҳал қилиш шунча ўткирлашади ёки мураккаблашади. Шунга қарамай, ўзимиз бу муаммони айрим ҳолларда «шартта» ҳал қилиб юбормаяпмизми? Муаммони «шартта» ҳал қилиб юборганимиз охир-оқибатда ўзимизга қанчага тушиши мумкинлигини илмий ва амалий нуқтаи назардан бир ҳисоб-китоб қилдикми? Ана шундай пухта ҳисоб-китоб қилсак, ундан тегишли илмий ва амалий хулосалар чиқарсак, муаммони бадқи бу тарзда ҳал қилмаган бўлармидик?..

Мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, бу вариантда (ерда) ҳам муаммони ҳал этиш илмий ёндашувни тақозо этмоқда.

**Ставкаларни табақалаштиришни** солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) ўнинчи принципи сифатида эътироф этиш мумкин. Бу ўринда ставкаларни табақалаштириш солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) принципи сифатида қаралаётган пайтда алоҳида олинган тарзда айрим солиқлар бўйича ставкаларнинг табақалаштирилиши назарда тутилмапти. Гап шундаки, айрим ҳолларда солиқларнинг айрим турларига нисбатан ягона ставкалар ўрнатилиши мақсадга мувофиқ эмас. Ўз фаолиқ даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда турли субъектларда фойда нормаси даражаси ёки уларнинг рентабеллиги, олиннадиган даромадлар даражаси ва ҳ.к.лар турлича бўлиши мумкин. Уларнинг хилма-хил бўлишига иқтисодиёт тармоқлари, фаолият тури, ҳўжалиқ юритиш шакли ва усули, корхоналарнинг тоифалари, тадбиркорлик фаолиятининг айрим кўринишлари ва бошқалар ўз таъсирини кўрсатади.

<sup>109</sup> Қаранг: Черник Д.Г., Починок А.П., Морозов В.П. Основы налоговой системы: учебное пособие для вузов. – М.: Финансы, ЮНИТИ, 1998. – С.57.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда кейинги йилларда, масалан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 9% дан 35% гача<sup>110</sup>, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 11% дан 22% гача, микрофирма ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўлови ставкаси 5% дан 33% гача, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун (микрофирмалар ва кичик корхоналарни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ягона солиқ тўлови ставкаси 1% дан 10% гача, корхоналарнинг алоҳида тоифалари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 33% дан 50% гача тебранган.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий солиқ ставкаси фаолият тури (масалан, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш, болалар ўйин автоматлари), солиқ тўловчилар (масалан, юридик ва жисмоний шахслар), фаолиятнинг шу турини характерлайдиган табиий кўрсаткичлар (масалан, эгаллаган майдони ёки жиҳозланган жойлар сони) ва жойлашган жойига қараб (масалан, Тошкент шаҳри, вилоятлардаги шаҳарлар, туманлар ва қишлоқ туманлари) табақалаштирилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги тадбиркорлардан) олинадиган қатъий солиқ ставкаси табақалаштирилаётганда фаолият тури (масалан, чакана савдо, маиший хизматлар, ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, автомобиль транспорти билан юкларни етказиб бериш хизмати ва бошқалар) ва жойлашган жойи (масалан, Тошкент шаҳри, вилоятлардаги шаҳарлар, туманлар ва қишлоқ туманлари) ҳисобга олинади.

Акциз солиғи ставкаларининг табақалаштирилиши акцизоти товарларининг шу мамлакатда ишлаб чиқарилаётгани ёки четдан келтирилаётганига, товарлар турларига ва уларнинг кодига боғлиқ.

<sup>110</sup> Бу ўринларда Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлган 2010 йилги маълумотлар келтирилади.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари ерларнинг тоифаларига, улар жойлашган маъмурий ҳудудларга, ерларнинг балига ва баҳоланмаган ерларга қараб табақалаштирилмоқда.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаси табақалаштириладиганда юридик шахснинг товарларни экспорт қилишда иштирок этаётганлиги ёки этмаётганлиги, реализациянинг умумий ҳажмида экспорт салмони даражаси, асбоб-ускуналар ўрнатилганлиги ёки ўрнатилмаганлиги ҳисобга олинади ва ҳ.к.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, солиқ ставкаларини табақалаштиришни суниистъмол қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу жараён солиқ ставкаларини индивидуалаштириш характерини олмаслиги керак.

Солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) ўн биринчи принципи сифатида **солиқ ставкалари барқарорлиги**ни кўрсатиш мумкин. Солиқ ставкалари барқарорлиги солиқ сиёсати муваффақиятини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бошқа шароитлар тенг бўлганда, солиқ ставкалари қанча барқарор бўлса, солиқ сиёсати шунча муваффақиятли бўлиши мумкин.

Бироқ ўрнатилган ҳар қандай солиқ ставкалари ҳамма вақт ҳам барқарор бўлавермайди. Унинг барқарорлиги тегишли солиқнинг олдига қўйилган мақсадга қандай эришиладиганлиги билан белгиланади. Ҳар қандай солиқнинг олдига тегишли мақсадга эришиш учун бир-бири билан тенг кучга эга икки вазифа, яъни бюджетни даромадлар билан таъминлаш (фискал вазифа) ва тегишли жараённи рағбатлантириш (рағбатлантирувчи вазифа) вазифаси қўйилар экан, солиқ ставкаси даражаси ана шу вазифаларнинг бир вақтда муваффақиятли бажарилишига хизмат қиломи лозим. Ўрнатилган солиқ ставкаси юқоридаги ҳар икки вазифанинг бажарилишига хизмат қилса, уни ўзгартиришга ҳожат қолмайди, натижада солиқ ставкаси барқарорлиги таъминланади ёки аксинча.

Солиқ сиёсатининг муваффақиятли ишлаб чиқилиши ва юргизилиши нуқтаи назаридан ҳам солиқ ставкалари бар-

қарорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам солиқ ставкалари барқарорлиги солиқ сиёсати муваффақиятини таъминлай олмаслиги мумкин. Масалан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кескин ўзгаришлар содир бўлаётган даврда солиқ ставкалари барқарорлиги самарали ва таъсирчан солиқ сиёсатини ҳаётга татбиқ этишга салбий таъсир кўрсатиши ёки бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни йўққа чиқариб қўйиши мумкин.

Барқарор иқтисодий вазият шароитида солиқ ставкалари ҳам барқарор бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу маънода, барқарор иқтисодий вазият солиқ ставкалари барқарорлигини тақозо этса, ўз навбатида, солиқ ставкалари барқарорлиги ҳам охир-оқибатда иқтисодий вазият барқарорлашувига муносиб ҳисса қўшиши мумкин.

Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ ставкалари барқарорлиги муваффақиятли солиқ сиёсати ишлаб чиқилиб, юргизилаётганидан дарак беради, тadbиркорлар ва хорижий инвесторлар учун эса ўзига хос «компас» вазифасини ўтайди.

**Солиқ имтиёзлари тизимидан кенг фойдаланиш** солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) ўн иккинчи принцидир. Маълумки, солиқ имтиёзлари<sup>111</sup> иқтисодий тараққиётнинг маълум бир bosқичида жамият олдида турган вазифаларни самарали ечишга хизмат қилиши керак. Шу маънода, солиқ имтиёзлари илмий-техника тараққиёти ривожини, табиатни муҳофаза қилиш тadbирларини ўтказишни, энг дефицит бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, кичик корхоналар ва хусусий тadbиркорлик фаолияти ривожланишини, саноатнинг устувор объектларини қуришни, талаб қилинаётган соҳаларга капитал қўйилмаларни оширишни ва ҳ.к.ларни рағбатлантирмоғи лозим. Шунингдек, солиқ имтиёзлари давлат томонидан социал функциянинг муваффақиятли бажарилишига ҳам қаратилган.

Солиқ имтиёзлари таъсирчанлигига уларнинг хилма-хил

<sup>111</sup> Шу ўринда солиқ имтиёзларига уларнинг мазмун-моҳиятини ифодалашга хизмат қилувчи таърифни бера оласизми?

лиги ва мослашувчанлиги, солиқ тўловчиларнинг манфаатлари ва хатти-қаракатига юқори салоҳиятга таъсир кўрсатиш, яққол ифодаланган манзиллилиги ва қатъий мақсадга йўналтирилганлиги орқали эришилади. Солиқ имтиёзлари ҳақиқатда (амалда) билвосита (эгри) молиялаштиришни англатади, унга кўра, ишлаб чиқаришга йўналтириладиган молиявий ресурсларни ошириш эвазига келажакда даромадларни кўпайтириш учун шароит яратилади, бюджетнинг потенциал харажатлари (масалан, капитал қўйилмалар) қисқаради. Кўриниб турибдики, солиқ имтиёзлари солиқларнинг рағбатлантирувчи (тартибга солувчи) функциясини, демак, солиқ сиёсатини амалга оширишда муҳим инструмент бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шундан иборатки, амалиётда солиқ имтиёзлари тизимидан кенг фойдаланиш зарур. Улардан кенг фойдаланмаслик солиқ сиёсати таъсирчанлигини сусайтиради, самарадорлигини пасайтиради, натижаллигини камайтиради.

Солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) ўн учинчи принципи **давлат бошқарув даражасига қараб солиқларнинг тақсимланганлиги**дир.

Ишлаб чиқиладиган ва ҳаётга татбиқ этишга мўлжалланган солиқ сиёсатида давлат бошқарув даражасига қараб солиқлар тақсимланганлиги ҳисобга олинishi керак. Чунки ана шу белгига кўра солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бир қисми «умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар» деб юритилса, иккинчи қисми «маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» деб юритилади.<sup>112</sup>

Маҳаллий ҳокимият органлари бюджетлари даромад базалари барқарорлиги ва унинг мустақамлигини таъминлашда мамлакатимиз амалиётида «тартибга келтирувчи (содувчи) даромадлар» номини олган умумдавлат солиқлари ҳамон етакчи ўринни эгаллаётганлиги, бу жараёнда «бириктирилган даромадлар» номини олган маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар сезиларли ўринга эга эмаслиги,

<sup>112</sup> Таркибий жиҳатдан улар нималардан иборат?

маҳаллий бюджетларни баланслаштириш мақсадида республика бюджетидан даромадларни маҳаллий бюджетларга бериш, субвенциялаш ва дотациялаш амалиётининг (механизмларининг) мавжудлиги ва ҳ.к.лар бу соҳадаги солиқ сиёсатида талай муаммолар мавжудлиги ва уларни ҳал қилиш зарурлигидан дарак беради.<sup>113</sup>

**Манбаларидан қатъи назар барча даромадлардан солиқ тўлашининг мажбурийлиги** солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) ўн тўртинчи принципи ҳисобланади. Бу принцип солиқ сиёсатидаги жуда кўп масалаларга аниқлик киритиш имконини берувчи муҳим ва қадимий принциплардан биридир. Солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) фундаменти (асоси, негизи) ана шу принципга асосланиб қурилиши керак. Унга кўра, вужудга келиш манбаидан қатъи назар барча даромадлардан солиқ тўлаш мажбурий бўлмоғи лозим.<sup>114</sup> Бу амалда «У ёки бу даромаддан солиқ олинadими ёки йўқми?» шаклида савол қўйилишининг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади. Бундай шароитда солиқ тизими ва солиққа тортиш мақсадлари учун «даромад» тушунчаси ўзида нималарни мужассам этишини аниқлаб олиш принципиал аҳамиятга эга.

«Даромад» форсча сўз бўлиб, она тилимизда «кирим»; «фойда»; «бошланиш, ибтидо» маъноларида ишлатилади, савдо-сотик, меҳнат, ишлаб чиқариш соҳаларидан давлат ёки айрим шахслар ҳисобига келиб тушадиган соф пул ва бошқа хил тушумлар, киримни англатади.<sup>115</sup> Энг умумий тарзда ва иқтисодий жиҳатдан олиб қаралганда, пул ёки натура шаклидаги иқтисодий нафга (фойдага, манфаатга) даромад дейилади.

Солиқ тўловчининг даромади қуйидаги икки гуруҳга бўлиниши мумкин:

- ◆ мамлакатдаги манбалардан олинadиган даромадлар;

<sup>113</sup> Уларнинг бирортасини муҳокама қилишга уриниб кўринг-чи.

<sup>114</sup> Шу нуқтаи назардан бир мулоҳаза қилиб кўринг-чи, бу ерда қандай муаммолар мавжуд экан.

<sup>115</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – Б.567 – 568.

♦ мамлакатдан ташқаридаги манбалардан олинадиган даромадлар.

Мамлакат ҳудудида жойлашган мулкдан ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқидан фойдаланиш натижасида ҳўжалик юритувчи субъектларга тўланадиган ҳар қандай даромадлар мамлакатдаги манбалардан олинадиган даромадлар деб аталади. Бундай даромадларнинг таркибига, хусусан, қўйидагилар киради:

♦ ҳўжалик юритувчи субъектларда ҳар қандай кўринишдаги (турдаги) ишларни бажаришдан олинадиган даромадлар;

♦ фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, ижро этиш ва бошқа тарзда фойдаланиш асосида олинган даромадлар;

♦ кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларига бериладиган рағбатлантирувчи маблағлар;

♦ лицензиялар бўйича тўланмалар;

♦ дивидендлар ёки фоизлар кўринишида олинган даромадлар;

♦ тадбиркорлик (тижорий) фаолият(и)дан олинган даромадлар;

♦ мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар ва бошқа даромадлар.

Даромад юридик шахслардан олинадиган фойда солиғига нисбатан алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда жами даромад иккига бўлинади:

♦ товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар;

♦ бошқа даромадлар.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар дейилганда, реализация қилингандан сўнг таркибидан қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташланган ҳолда олинган тушум назарда тутилади. У юклаб жўнатишган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматидан келиб чиққан ҳолда товарларни жўнатиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ҳолларини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

Бошқа даромадлар эса товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган даромадлардан иборат бўлади. Уларнинг таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- ◆ асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинadиган даромадлар;

- ◆ мол-мулкни ижарага беришдан олинadиган даромадлар;

- ◆ текин олинган мол-мулк, мулккий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар;

- ◆ инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати кўринишидаги даромадлар;

- ◆ мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинadиган даромадлар;

- ◆ талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинadиган даромадлар;

- ◆ илгари чегирилган харажатлар ёки зарарлар ўрнини қоплаш тарзида олинadиган даромадлар;

- ◆ хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинadиган даромадлар;

- ◆ биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинadиган даромадлар;

- ◆ ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пенялар;

- ◆ валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги ижобий фарқ, шунингдек, чет эл валютасидаги операциялар бўйича олинган даромадлар;

- ◆ дивидендлар ва фойзалар;

- ◆ роялти;

- ◆ товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган бошқа даромадлар.

Бир вақтнинг ўзида кредит ва сугурта ташкилотлари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари даромадларини аниқлаш ўзига хос хусусиятларга эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг да-



ромадларига солиқ солиш ҳам бир қанча хусусиятлар билан характерланади.

Амалдаги тартибга биноан қуйидагилар солиқ тўловчи даромади сифатида қаралмаслиги мумкин<sup>116</sup>:

◆ устав фондига (капиталига) олинган ҳиссалар, жумладан, акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун оддий ширкат шартномаси бўйича бирлаштирилган маблағлар;

◆ муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда), шунингдек, тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (капиталига) ҳисса доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

◆ оддий ширкат шартномаси шеригининг (иштирокчисининг) шартнома шериклари (иштирокчилари) умумий мулкидаги улуши қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, ҳиссаси миқдоридан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

◆ реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (аванс) тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

◆ қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни таъминлаш тариқасида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар)<sup>117</sup>;

◆ бюджетдан берилган субсидиялар;

◆ текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар<sup>118</sup>;

<sup>116</sup> Булар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 129-моддасида кўзда тутилган. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2008. – Б.101 – 103.

<sup>117</sup> Уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтадиган пайтга қадар.

<sup>118</sup> Агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон

- ◆ олинган грантлар;
- ◆ юридик шахсининг – акциядорнинг қўшимча акциялар қиймати ёки устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдани йўналтиришда акциялар номинал қийматининг кўпайиши тарзида олинган даромадлари;

- ◆ нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгилабган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар;

- ◆ суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

- ◆ ижарага (лизингга) берувчи ижара (лизинг) тўлови қисми тариқасида олган объект қийматининг қопламаси;

- ◆ телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек, мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар;

- ◆ ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар.<sup>119</sup>

- ◆ инвестор ва давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар жами даромаддан чегириб ташланади.

Ҳап жисмоний шахсларнинг даромади хусусида кетадиган бўлса, уларнинг жами даромади қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ◆ меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида юз бераётган бўлса.

<sup>119</sup> Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгилабган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, ушбу маблағлар жами даромад таркибига киритилади ва солиққа тортилади.

- ◆ мулккий даромадлар;
- ◆ моддий наф тарзидаги даромадлар;
- ◆ бошқа даромадлар.

Ўз навбатида, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар дейилганда, меҳнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар назарда тутилади. Ушбу турдаги даромадларга яна қуйидагилар киради:

- ◆ рағбатлантирувчи хусусиятга эга тўловлар (йиллик иш якуналари бўйича мукофот, бир йўла бериладиган мукофотлар; юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги қонунда назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар; касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларига устамалар; таътилга ҳар йилги қўшимча ҳақлар; кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар; рационализаторлик тақлифи учун тўлов)<sup>120</sup>;

- ◆ компенсация тўловлари (табiiй-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар; технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунлар(и)да ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва қўшимча тўловлар; кўп сменаги режимда ишлаганлик, шунингдек, бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирганлик учун устамалар; доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган ходимлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда иш-

<sup>120</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 173-модда. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адалия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2008. – Б.158 – 159.

лар вахта усулида бажарилган тақдирда иш ҳақиға устама-лар; юридик шахс жойлашган ердан (йиғилиш пунктидан) ишлаш жойигача ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек, ходимлар метереологик шароитлар сабабли ва транспорт корхоналари айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маоши миқдорида тўланадиган суммалар; ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (қонда) ҳаракатланишининг меъерий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар; қонун ҳужжатларида белги-ланган нормадан ортиқча дала таъминоти; хизмат сафар-лари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгилаб нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пу-лар) ва бошқалар)<sup>121</sup>;

♦ ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш (қонун ҳужжатлари-га мувофиқ навбатдаги (ҳар йиллик) ва қўшимча таътил-ларга ҳақ тўлаш, фойдаланилмаган навбатдаги (ҳар йил-лик) ва қўшимча таътилар учун компенсация, ўсмирлар-нинг имтиёзли соатларига, оналар болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек, тиб-бий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш; асо-сий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таъ-тилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар; донор хо-димларга кўриқдан ўтиш, қон топшириш ва қон топши-рилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кун-лари учун ҳақ тўлаш; Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ко-дексига мувофиқ давлат ва жамоат вазифаларини бажар-ганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш; қишлоқ хўжалиги ва бош-қа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи; бошқа юридик шахслардан аввалги иш жойида лавозим бўйича маоши

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 174-модда. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2008. – Б.159 – 160.

миқдорлари маълум бир муддат давомида сақлаб қолинган ҳолда ишга олинган, шунингдек, вақтинчалик вазифани бажариб турганда ходимларга маошдаги фарқни тўлаш; юридик шахслар томонидан ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқишлари вақтида асосий иш жойи бўйича тўланадиган иш ҳақи; ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш; меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарори билан мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш; ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча таътил ҳақи тўлаш; юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб этиладиган юқори малакали ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш; юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш орган) аъзоларига юридик шахснинг ўзи амалга оширадиган тўловлар; моддий ёрдам тўлови; юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафақаларга қўшимчалар, стипендиялар; олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таълим вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар; ходимларга муҳим сана, узоқ йиллик хизмати, жамоатчилик фаолиятидаги ютуқлари муносабати билан тўланадиган рағбатлантириш тарзидаги тўлов).<sup>122</sup>

Бозор муносабатлари қарор топиши ва ривожланиб бориши муносабати билан жисмоний шахслар даромадлари таркибида уларнинг мулкӣ даромадлари ҳам муҳим роль

<sup>122</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 175-модда. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2008. – Б.160 – 161.

ўйнамоқда. Бундай даромадлар таркиби қуйидагилардан иборат:

- ◆ фоизлар;
- ◆ дивидендлар;
- ◆ мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;
- ◆ жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар;

- ◆ саноат мулки объектларига берилган патент (лицензия) сотилган тақдирда, патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахс сотишдан олган даромад;

- ◆ роялти<sup>123</sup>;

- ◆ қимматли қорғозларни реализация қилишдан тушган даромадлар ва юридик шахсларнинг устав фондидаги (капиталидаги) улущини (пайини) реализация қилишдан олинган даромадлар;

- ◆ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин хусусий корхона мулкдори ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.<sup>124</sup>

Жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибида моддий наф тарзидаги даромадлар ҳам маълум бир ўринга эга. Уларнинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ◆ юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий ҳуқуқларни тўлаш (жумладан, жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш; коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш; озиқ-овқат, ойлик йўл чипталари ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш; санаторий-курортларда даволаниш йўланма-

<sup>123</sup> Бу нима?

<sup>124</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 176-модда. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адабият вазирилик. – Тошкент: Адолат, 2008. – В.162.

лари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаториянинг қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш; юридик шахснинг жисмоний шахс даражасида бўлган бошқа харажатлари);

◆ совғалар, текин берилган, шу жумладан, ҳадя шартномаси асосида берилган товарлар, солиқ тўловчи манфаатларини кўзлаб бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати;

◆ товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ходимларга реализация қилинадиган нархи;

◆ қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

◆ жисмоний шахснинг юридик шахс олдидagi қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

◆ иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.<sup>125</sup>

Ўз навбатида, жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари қуйидагилардан иборат:

◆ давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар;

◆ стипендиялар;

◆ жисмоний шахсларга хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан кўрсатиладиган моддий ёрдам;

◆ донорлик учун пул мукофотлари;

◆ алиментлар;

◆ ҳайвонларни тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, ипак қурти, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар;

◆ жисмоний шахслардан текин (шу жумладан, ҳадя шарт-

<sup>125</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 177-модда.  
Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адабият вазирига. – Тошкент: Адолат, 2008. – Б.162 – 163.

номалари бўйича) олинган мол-мулк ёки мулккий ҳуқуқлар қиймати;

- ◆ мусобақаларда, кўрикларда, танловларда бериладиган совринлар, пул мукофотлари;

- ◆ ютуқлар;

- ◆ грантлар, шу жумладан, чет давлатлар грантлари бўйича олинган суммалар;

- ◆ жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

- ◆ яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар;

- ◆ Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғалари қиймати;

- ◆ халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

- ◆ ходим билан меҳнат шартномаси алоҳида асос бўйича тугатилган тақдирда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий ёрдам сифатида бериладиган ишдаги бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар.<sup>126</sup>

Шу ўринда юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган харажатларнинг маълум бир турлари жисмоний шахслар даромади сифатида эътироф этилмаслигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Улар таркибига қуйидагилар кирadi<sup>127</sup>:

<sup>126</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 178-модда. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2008. – Б.163 – 164.

<sup>127</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 171-модда. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2008. – Б.155 – 158.



♦ ходимларни қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга мувофиқ сут ҳамда бошқа даволаш-профилактики озик-овқати, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш бўйича харажатлар;

♦ касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга оширилган ладиган тўловлар, шу жумладан, аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам (бундан касаба уюшмаси ходимларига меҳнат вази фаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно);

♦ ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ хизмат транспортини сақлаш харажатлари;

♦ диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шунингдек, юридик шахснинг ходимлар меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахслар даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар;

♦ ходимга ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш бўйича харажатлар;

♦ ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёки қўчиб борганда қўчиш, мол-мулкни қўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

♦ хизмат сафарларидаги компенсация тўловлари (тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун тўловлар; уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар; тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар; қонун ҳужжатаарида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар); қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар);

◆ қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (доимий иши йўлда кечадиган ёки ҳаракатланиш ва (ёки) қатлов тусига эга бўлган ходимга компенсация тўловлари; хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (бундан хизмат сафарлари мустасно); дала таъминоти; амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа компенсация тўловлари);

◆ меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқа шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар (жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга онд меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ, белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар; махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар; ходим соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар);

◆ боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан тўланадиган тўловлар (марҳум ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчи қараморига бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар; боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар);

◆ талабаларнинг таълим олиши учун, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрглари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

◆ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳисобварағига муқобил хизмат шартномаси бўйича ўтказиладиган маблағлар;

♦ мол-мулкни суғурталаш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари<sup>128</sup>;

♦ ёш оилалар аъзоларининг уй-жой олиш учун юридик шахсдан – иш берувчидан олган маблағлари.<sup>129</sup>

Шу жойда жисмоний шахсларнинг солиқ солимайдиган даромадлари хусусида ҳам тасаввурга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, амалдаги тартибга кўра, жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадларига қуйидагилар кирди<sup>130</sup>:

♦ моддий ёрдам суммалари (табiiй офат, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари; вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари – энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда; бошқа ҳолларда – энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда);

♦ йўланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари (туристик йўланмалар бундан мустасно);

♦ ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатишга ушбу учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек, юридик шахснинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсатганлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари;

<sup>128</sup> Мол-мулкни суғурталаш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда ва суғурталовчи суғурта қилинувчига суғурта мукофотлари бир қисmini ёки тўлиқ қайтарса, қайтарилаган суғурта мукофоти миқдори жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритилади.

<sup>129</sup> Уй-жой олинган (мулк ҳуқуқи даваат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, бундай даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 179-модда. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2008. – Б.164 – 170.

◆ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар (қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида);

◆ вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар (агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса);

◆ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона миқдори, фермер хўжалиги бошлагани иштиёрида қоладиган фойда суммаси;

◆ Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғалари қиймати;

◆ халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

◆ саноат мулки объектиларига ва селекция ютуғи патенти-га патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентни (лицензияни) уларнинг амал қилиш муддати доирасида, лекин фойдаланиш бошланган кундан эътиборан қуйидаги кўрсатилган даврдан кўп бўлмаган муддатда сотишдан олинган даромади суммаси: иштиролар ва селекция ютуғидан – беш йил давомида; саноат намунасида – уч йил давомида; фойдали моделдан – икки йил давомида;

◆ донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек, қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар;

◆ жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинладиган даромадлар (амалга ошириладиган тadbиркорлик фаолияти доирасида олинган мол-мулкни сотишдан тушадиган даромадлар бундан мустасно);

◆ уй хўжалигида, жумладан, деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонлари тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳ-

сулоотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда (саноатда қайта ишлашдан ташқари), табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулоотларини сотишдан олиннадиган даромадлар (бундан манзарали (гулчилик) маҳсулоотлар(и) мустасно);

♦ халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринлар қиймати;

♦ юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилаган, бир йил мобайнидаги энг кам иш ҳақининг олти бараवари миқдоригача бўлган суммадаги совғалар қиймати;

♦ жисмоний шахслардан мерос ёки ҳада тартибида, шунингдек, текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар (бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек, кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно);

♦ давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар;

♦ депозит сертификатлари бўйича даромадлар, тижорат банкларидаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар;

♦ халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек, илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг хулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан – грант олувчидан олган грант суммаси;

♦ фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мулкани сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини олиш учун

Йўналтириладиган суммалари, шунингдек, дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (капиталига) йўналтирилган кўшимча акцияларнинг қиймати ёки ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда устав фондиди (капиталини) кўпайтиришга йўналтирилганда акциялар номинал қийматининг кўпайиши тарзида олинган даромадлар<sup>131</sup>;

◆ меҳнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;

◆ олинган алиментлар;

◆ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг суғурта бўйича оладиган суммалари;

◆ таълим муассасаларида ўқиётганларга тўланадиган, уларда қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда шу муассасалар томонидан тайинланадиган стипендиялар;

◆ давлат пенсиялари;

◆ давлат пенсияларига устамалар (I, II ва III гуруҳ уруш ногиронларига, кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига, II гуруҳ ёлғиз ногиронларга, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга, 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарасида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятларни бажарган шахсларга, вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига, Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга ва бошқаларга);

◆ жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари,

<sup>131</sup> Бироқ бу имтиёзлар қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чиқиб кетилганда), мазкур мол-мулк сотилганда ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солиниши керак.

улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек, жамғариб бо-  
риладиган пенсия тўловлари;

◆ солиқ солиниши керак бўлган ва мол-мулкни суғурти-  
қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича  
суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган Ўзбе-  
кистон Республикаси фуқаролари иш ҳақи ҳамда бошқа  
даромадлари суммалари;

◆ юридик шахслар муассисларининг (иштирокчилари-  
нинг) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектига –  
юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун  
йўналтириладиган даромадлари суммалари<sup>132</sup>;

◆ жисмоний шахсларнинг – ёш оила аъзолари иш  
ҳақининг ва солиқ солинадиган ҳамда якка тартибда уй  
қуриш, уни реконструкция қилиш ва олиш ёки кўп кварта-  
радаги уйни реконструкция қилиш ва олиш учун олинган  
ипотека кредитларини ҳамда уларга ҳисобланган фоизлари-  
ни қоплаш учун йўналтириладиган бошқа даромадлари сум-  
малари<sup>133</sup>;

◆ ва бошқалар.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган ҳолатлардан кўри-  
ниб турибдики, манбаларидан қатъи назар барча даромад-  
лардан солиқ тўлашнинг мажбурийлиги солиқ тизимининг  
(солиққа тортишнинг) энг муҳим принципларидан бири  
ҳисобланса-да, ҳозирги шароитда амалиёт ундан бир қатор  
чекланишлар таркиб топганини кўрсатапти. Албатта,  
бунинг ўзига хос объектив сабаблари бор. Бироқ, шундай  
бўлишига қарамай, у ёки бу тарзда солиқ тизимига (солиққа  
тортишга) асос солинаётган пайтда ёки унга ўзгартиришлар  
киритилаётган ҳолатларда манбаларидан қатъи назар бар-

<sup>132</sup> Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатаарида белгиланган муддат-  
ларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб таомили тўхтатилаган ва  
фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланимайди ва  
солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда  
ундирилади.

<sup>133</sup> Мазкур мол-мулк олинган (мулк ҳуқуқи даваат рўйхатидан ўтка-  
зилган) санадан этиборан беш йил ичида сотилса, ушбу даромад-  
ларга белгиланган тартибда солиқ солиниши керак.

на даромадлардан солиқ тўлашнинг мажбурийлиги қанчалик инобатга олинadиган бўлса, ушбу масалага нисбатан тегишли қарор қабул қилишнинг объективлилик даражаси шунча юқори бўлади.

**Барча ҳудудий-маъмурий поғоналар учун ягона бўлган умумдават солиқ сиёсатини маҳаллий ҳокимият идора (орган)ларининг умумдават солиқ сиёсати доирасида солиқларга оид қонун чиқариш фаолиятидаги мустақиллиги билан уйғун ҳолда амалга ошириш** солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) ўн бешинчи принципи ҳисобланади.

Ушбу принцип солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) бир неча ёқдамалик характерига эга эканлигини кўрсатиб беради. Унга кўра, солиқ тизимида (солиққа тортишда), энг аввало, мамлакатнинг барча ҳудудий-маъмурий поғоналари учун ягона умумдават солиқ сиёсати мужассам бўлмоғи ва у устуворлик касб этмоғи лозим. Энг оддий тарзда айтиладиган бўлса, мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва бошқа асосларнинг ягоналиги шунини тақозо этади. Шу муносабат билан барча ҳудудий-маъмурий поғоналар учун ягона умумдават солиқ сиёсати ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган пайтда у ёки бу тарзда алоҳида олинган маъмурий-ҳудудий поғоналар учун ҳар бир солиқ тури бўйича ўзига хос солиқ сиёсатини юргизиш зарурлиги, унда бу маъмурий ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ инобатга олиниши кераклиги, бир маъмурий ҳудудда юргизилаётган солиқ сиёсати иккинчи бир маъмурий ҳудудда юргизилаётган солиқ сиёсатидан фарқ қилиши лозимлиги хусусидаги қарашлар, бизнингча, етарли даражада ўз илмий-амалий асосига эга эмас.

Шунга қарамай, барча ҳудудий-маъмурий поғоналар учун ягона бўлган умумдават солиқ сиёсати доирасида алоҳида олинган маъмурий ҳудудларнинг ўзига хос объектив хусусиятлари албатта ҳисобга олинади. Бу нарса тегишли солиқларни (йиғимларни) жорий қилиш ёки бекор қилиш, солиққа тортиладиган объект таркибини қисман ўзгартириш, солиқ ставкаларини дифференциациялаш (табақа-



лаштириш), умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмаларнинг нормативларини ўрнатиш, солиққа тортиш тоифаларини жорий қилиш ва бошқалар орқали амалга оширилади.

Иккинчи томондан, ягона умумдавлат солиқ сиёсати доирасида маҳаллий ҳокимият идора (орган)ларининг солиқларга оид қонун чиқариш фаолиятидаги мустақиллиги ҳам сақланиб қолмоғи керак. Бу нарса солиқ тизими (солиққа тортиш) принципининг таркибий қисми сифатида эътироф этилган бўлишига қарамай, маҳаллий ҳокимият идора (орган)ларининг солиқларга оид қонун чиқариш фаолиятидаги мустақилликдан амалиётда етарли даражада фойдаланимай келинаёпти ва айрим ҳолларда бу масалада ҳам сусткашликка, ўзи бўларчилиikka йўл қўйилмоқда.

Шунингдек, бир томондан, барча ҳудудий-маъмурий поғоналар учун ягона бўлган умумдавлат солиқ сиёсати, иккинчи томондан, маҳаллий ҳокимият идора (орган)ларининг солиқларга оид қонун чиқариш фаолиятидаги мустақиллиги, учинчи томондан, уларнинг уйғунлигига эришилишини ҳам тақозо этади. Бу масалада ҳам аравани илдам тортишни ният қилганларнинг бир томони оққушдек кўкка парвоз қилиши, иккинчи томони баликдек денгиз томон йўл олиши ва учинчи томони қисқичбақадек қуруқлик сари интилиши мақсадга мувофиқ эмас. Шундай йўл тутилса, шубҳасизки, арава ўрnidан силжимади. Унга асосланган солиқ тизими (солиққа тортиш) эса солиқ сиёсати муваффақиятга эришишини таъминламади.

Кўриниб турибдики, солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) бу принципи ўта мураккаб ва нозик бўлиб, у бир вақтнинг ўзида энг камида юқоридаги учта йўналишда тегишли ишларнинг барабар амалга оширилишини талаб қилади.

Солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) ўн олтинчи принципи **ўз фаолияти билан энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётган самарали ишловчи корхоналарга имтиёз бериш, шунингдек, хўжалик юритишнинг илгор шаклларини рағбатлантириш тизими орқали**

**солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлашдир.**

Ҳап бу ерда солиқ тизими (солиққа тортиш) асосида имтиёз бериш ва солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлаш масаласи ҳам ётиши кераклиги хусусида кетаяпти. Бу масала айримлар ўйлаганчалик оддий масала эмас. Мазкур принципда солиқ тизимидаги (солиққа тортишдаги) икки муаммонинг ечими топилаган. Унинг биринчисида солиқ тизимида (солиққа тортишда) имтиёз бериш муаммоси қандай ҳал этилиши керак бўлса, иккинчисида солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлаш муаммоси қандай ҳал этилиши лозимлиги кўрсатилаган.

Ана шу принципнинг асосий талабига кўра, энг аввало, ҳаммага (барча солиқ тўловчиларга) эмас, балки энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётган самарали ишловчи корхоналарга имтиёз бериш керак. Демак, барча солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётган корхоналар; б) энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашмаётган корхоналар. Шунинг учун ҳам солиқ тизимида (солиққа тортишда) имтиёз бериш муаммосига нисбатан тегишли молиявий қарор қабул қилинаётган пайтда бу ердаги иккинчи гуруҳга кирувчи корхоналар, шак-шубҳасиз, эътибордан четда қолмоғи лозим. Бироқ бунинг ўзи ҳам юқоридаги принципнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бериш учун етарли эмас. Чунки бу принцип аслида энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётган барча корхоналарга имтиёз берилишини ҳам кўзда тутмайди. Сабаби шундаки, энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётган барча корхоналар фаолиятини самарадорлик нуқтаи назаридан яна қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётган **самарали** фаолият кўрсатаётган корхоналар; б) энг муҳим ижти-

мой, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга қўмаклашаётган, лекин **самарасиз** фаолият кўрсатаётган корхоналар. Шунинг учун ҳам солиқ тизимида (солиққа тортишда) имтиёз бериш ёки бермаслик масаласи тақдирини энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга қўмаклашаётган **самарали** ишловчи корхоналарга имтиёз бериш кераклиги ҳал этмоғи лозим.

Бу принципнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беришга хизмат қилувчи иккинчи ҳолат хўжалик юритишнинг илғор шакллари рағбатлантириш тизими орқали солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлаш ҳисобланади. Унга кўра, бу жойда «Солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини қандай таъминлаш керак?» ёки «Солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлашда нимага эътибор бериш лозим?» деган саволнинг жавоби мавжуд. Бу принцип ушбу саволга қуйидагича жавоб бўлишини талаб қилади: хўжалик юритишнинг илғор шакллари рағбатлантириш тизими орқали солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлаш керак. Демак, кўриниб турибдики, солиқ тизимида (солиққа тортишда) имтиёз бериш масаласи ҳал қилинаётган пайтда хўжалик юритиш шаклларига ҳам жиддий эътибор бермоқ лозим. Агар солиқ тўловчи ўз фаолиятини хўжалик юритишнинг **илғор шакллари**дан фойдаланган ҳолда ташкил этаётган бўлса, унга имтиёз бериш ёки бермаслик масаласи унинг фойдасига ҳал қилинмоғи лозим ва аксинча.<sup>134</sup>

**Декларациялар ҳамда танлаб ўтказиладиган текшириш ва тафтишларни уюштириш асосида барча субъектларнинг солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятлари устидан молиявий назорат қилиш, қонунларни бузувчиларга нисбатан иқтисодий чоралар кўриш** солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) ўн еттинчи принциpidир.

<sup>134</sup> Солиқ имтиёзига даҳадор бўлган масала солиқ сиёсатининг энг мураккаб ва энг нозик масалаларидан бири бўлгани учун унга биз монографиямизнинг кейинги ўринларида яна бир неча бор махсус тўхталамиз.

Бу принципнинг маъно-мазмунини ифодалашда қуйидагилар ҳал қилувчи аҳамият касб этади:

- ◆ барча субъектларнинг солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятлари молиявий назорат қилиниши лозим;

- ◆ барча субъектлар солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятларининг молиявий назорат қилиниши декларациялар ҳамда танлаб ўтказиладиган текшириш ва тафтишларни уюштиришга асосланиши керак;

- ◆ қонунларни бузувчиларга нисбатан албатта таъсирчан иқтисодий чоралар кўриш шарт.

Барча субъектлар солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятлари молиявий назорат қилиниши олдиндан маълум бўлмаса, яхши оқибатларга олиб келмайди. Ўз навбатида, шу нарсанинг олдиндан маълум бўлиши барча субъектлар солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлашда ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Шунингдек, барча субъектлар солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятларининг молиявий назорат қилиниши нималар асосида амалга оширилиши кераклигини ушбу принципнинг маъно-мазмунини ифодалашга хизмат қилувчи иккинчи ҳолат кўрсатиб беради, яъни бу нарса декларациялар ҳамда танлаб ўтказиладиган текшириш ва тафтишларни уюштиришга асосланиши керак. Бу жараёнда молиявий назоратни амалга оширишда декларациялар ҳамда танлаб ўтказиладиган текшириш ва тафтишларнинг қўлланилиши барча субъектларнинг солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятлари молиявий назорат қилинишини англамайди. Бу ерда уларнинг ҳаракат этиш доираси, жумладан, солиқ тўловчиларнинг интизомли солиқ тўловчи ёки интизомсиз солиқ тўловчи гуруҳига киритилганигига боғлиқ.

Қонунларни бузувчиларга нисбатан албатта таъсирчан иқтисодий чоралар кўришнинг шартлиги ҳам юқоридаги принципнинг маъно-мазмунини белгилаб беришда муҳим ўрин тугади. Гап бу ерда оддийгина «иқтисодий чоралар» хусусида эмас, балки «таъсирчан иқтисодий чоралар» хусусида кетаяпти. Ўз навбатида, таъсирчан иқтисодий чоралар-

нинг кўрилиши охир-оқибатда барча субъектлар солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятларининг сўзсиз ба-жариллишига, солиқ тўловчилар онгида ҳаётда фақат ўлим-дан эмас, балки солиқларни тўламасликдан ҳам қочиб қуту-лишнинг иложи йўқлиги хусусида қатъий фикр шакллани-шига олиб келмоғи лозим.

Солиқ сиёсати муваффақияти **солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларига**<sup>135</sup> ҳам бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принцип-лари қуйидагилардан иборат<sup>136</sup>:

- ◆ солиқ солишнинг мажбурийлиги;
- ◆ солиқ солишнинг аниқлиги;
- ◆ солиқ солишнинг адолатлилиги;
- ◆ солиқ тизимининг ягоналиги;
- ◆ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг опшкоралиги;
- ◆ солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси.

Сиртдан қараганда, юқорида келтирилган принциплар-нинг фақат биттаси, яъни солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжат-ларининг опшкоралиги принципи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принципларига бевосита даҳадордек туюлади. Аслида эса уларнинг барчаси солиқ тўғрисидаги қонун ҳуж-

<sup>135</sup> Эътибор беринг, гап бу ерда баъзи ҳолларда учраб турадиган «солиқлар принциплари» ёки ҳақиқатда қўлланилаётган «солиққа тор-тиш принциплари» ва «солиқ тизими принциплари» хусусида кетаёт-гани йўқ. Аксинча, гап бу ерда айнан «солиқ тўғрисидаги қонун ҳуж-жатлари принциплари» тўғрисида кетаяпти. Шу муносабат билан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принциплари қаторига солиқ тўлов-чининг ҳақлиги презумпцияси принципининг киритилиши муноса-бати билан солиққа тортиш принциплари ёки солиқ тизими прин-ципларида ўзгариш содир бўлди деган фикр, уларнинг бир-бири би-лан узвий боғлиқ бўлишига қарамай, ўзининг етарли асосига эга эмас. Шу сабабли уларни ўзига хос тарзда аралаштириб юбориш ҳам маъ-садга мувофиқ эмас.

<sup>136</sup> Бу принциплар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 5 – 11-моддаларида ўз аксини топган. Қаранг: Ўзбекистон Республика-сининг Солиқ кодекси. Расмий нашр. – Ўзбекистон Республикаси Адалия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2008. – Б.6 – 8.

жатлари принциплари ҳисобланади. Бунинг энг умумий сабаби шундаки, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидалари ана шу юқорида келтирилган барча принципларга сира ҳам зид келмаслиги керак.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принципи сифатида **солиқ солишнинг мажбурийлиги принципи**, бир томондан, ҳар бир шахс (солиқ тўловчи) Солиқ кодексига белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шартлигини, иккинчи томондан, ҳеч кимнинг (ҳеч бир солиқ солиқ тўловчининг) зиммасига Солиқ кодексига назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмаслигини аниқлатади. Бу нарса, ўз навбатида, автоматик равишда Солиқ кодексининг ҳар бир моддасида ва солиқ тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топмоғи лозим.

**Солиқ солишнинг аниқлиги принципи** солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принципи сифатида эътироф этилар экан, у, аввало, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида акс эттириладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аниқ бўлиши кераклигини тақозо этади. Шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қандай солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қанча, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ билладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак. Айни пайтда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилашда<sup>137</sup> солиқ тўловчилар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари аниқланган бўлиши лозим. Булар ҳам, шак-шубҳасиз, Солиқ кодексининг ҳар бир моддасида ва солиқ тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларида аниқ ифодаланган бўлиши шарт.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг навбатдаги принципи **солиқ солишнинг адолатлигидир**. Унга кўра, солиқ солишнинг умумийлиги, солиқлар ва бошқа мажбу-

<sup>137</sup> Агар Солиқ кодексига бошқа қоидалар назарда тутилмаган бўлса.

рий тўловлар бўйича имтиёزلарни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши кераклиги, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмаслиги, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг камситиш хусусиятига эга бўлмаслиги ҳамда уларнинг ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин эмаслиги солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари барча жабҳаларида ўз аксини топиши керак.

**Солиқ тизимининг ягоналиги** принципи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг яна бир муҳим принципи ҳисобланади. Унга кўра, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, бир томондан, солиқ тизимининг мамлакат бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягоналиги, иккинчи томондан, мамлакатнинг божхона ҳудуди доирасида товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ёки молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўядиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишига йўл қўйилмаслиги ўз ифодасини топтомои лозим.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принциплари орасида **солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги** принципи ўзига хос ўринга эга. Бу принципнинг маъно-мазмунини қуйидаги икки ҳолат белгилаб беради:

♦ солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий равишда эълон қилиниши шарт;

♦ барчанинг эътибори учун эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, улардаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун бирор бир санкцияни қўллашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

**Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси** принципи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принциплари орасида алоҳида аҳамиятга эга, унга кўра, солиқ тўғрисидаги

қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчи фойдасига талқин қилинмоғи зарур.

Юқорида келтириб ўтилган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг барча принциплари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга нисбатан ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиладиган пайтда албатта ҳисобга олинмиши керак. Уларнинг қанчалик тўлиқ ҳисобга олинганлиги, ўз навбатида, шу ҳужжатларнинг барқарорлигига, қатъийлигига ва ўзгарувчан эмаслигига таъсир кўрсатади. Солиқ сиёсати ана шу барқарор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таяниб юргизилиши инобатга олинмайдиган бўлса, унинг ҳаётийлигини таъминлашда бу ҳужжатларнинг роли яққол намоён бўлади.

#### **6.4. Иқтисодий тартибга солиш инструменти сифатида солиқлар ва солиқ сиёсати**

Солиқ сиёсатида солиқларнинг иқтисодий тартибга солиш инструменти эканлиги ҳам ўз аксини яққол топиши мумкин. Чунки соф фискал функциядан ташқари, солиқлар ва йиғимлар тизими ижтимоий ишлаб чиқаришга, унинг таркибий тузилишига ва динамикасига, жойлашишига, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга иқтисодий таъсир кўрсатувчи механизм сифатида ҳам хизмат қилади. Солиқлар ёрдамида тадбиркорлар фаолигини рағбатлантириш ёки чеклаб қўйиш, демак, тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тармоғи ривожланишига таъсир кўрсатиш мумкин. Солиқлар корхоналарда ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини қисқартириш, жаҳон бозорида миллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиб беради. Солиқлар орқали протекционистик иқтисодий сиёсат юргизиш ёки товарлар бозори эркинлигини таъминлаш мумкин. Солиқлар давлат ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисмини ташкил этиб, бюджетнинг харажатлар қисми орқали иқтисодийга молиявий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига дав-



лат молия-бюджет механизми таъсирининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

◆ бюджетдан субсидиялаштириш, масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ортиқчасини сотиб олишга, чакана баҳоларни бир хил даражада ушлаб туришга ва ҳ.к.;

◆ иқтисодиётга давлат инвестициялари;

◆ дотация ёки қайтариладиган ссуда кўринишида корхоналарни тўғридан-тўғри субсидиялаштириш, кредит сиёсати. Давлат кредитларининг олинishi рискдан қутулишга ва компания маблағларининг озод бўлишига олиб келади;

◆ зарурият турилган ҳолларда пул-кредит чекланишларини жорий этиш. Булар қаторига баҳоларни тартибга солиш, истеъмол кредитининг шартлари, кредитни чеклаш, валюта назорати кабилар киради<sup>138</sup>;

◆ лицензиялаштириш;

◆ хусусий савдо тўғрисидаги қонунчилик: маҳсулотларни стандартизациялаштириш, давлат арбитражи, трестларга қарши қонунчилик;

◆ илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаштириш;

◆ солиқ сиёсати.

Юқоридагилардан ташқари, ортиқча ишлаб чиқариш таъназули шароитида давлат рестрикционистик сиёсат юргизадикки, унинг моҳияти товарлар ишлаб чиқаришни чеклашдан иборатдир. Бир вақтнинг ўзида давлат бундай шароитда ижтимоий ишларни амалга оширишни, субсидиялар ва арзон кредитлар беришни, сотиб олишни кўпайтиришни ўз зиммасига олади.

Иқтисодиётни бошқаришда иқтисодий дастурлаштиришдан фойдаланиш хўжалик вазибаларини кун тартибига қўйишни ва уларни ечиш бўйича тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунинг асосий мақсади давлат тадбирларини: инвестицияларни тартибга солиш; кредитларни тақсимлаш; бюджетнинг йўналишини аниқлаш; фоиз ставкасини ва кредитлаштириш тартиби (қондаси)ни ўзгар-

<sup>138</sup> Буларнинг маъно-мазмунини шарҳлаб бера оласизми?

тириш орқали пул бозорини бошқариш; иш ҳақи ва ижтимоий эҳтиёжлар соҳасидаги сиёсат ва бошқаларни мувофиқлаштиришдир. Миллий иқтисодиётни топширилган йўналишдан бирор бир тарзда ўзгартириш давлатнинг инвестицион сиёсатга аралашувисиз содир бўмайди. Молиявий имтиёзларнинг шартлари давлат томонидан белгилангани учун бу нарса унга алоҳида тармоқларнинг ривожланишини ёки биринчи даражали вазифаларни ҳал этишга йўналтириш имконини беради.

Иқтисодиётни тартибга солишга маҳаллий бошқарув органлари ҳам фаол жалб қилинмоқда.<sup>139</sup> 80-йилларда АҚШдаги 326 йирик шаҳарнинг ҳокимлари сўровномада иштирок этиб, уларнинг 90 фоизга яқини энг муҳим муаммолар орасида иқтисодий ривожланиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашни алоҳида кўрсатганлар. Бир вақтнинг ўзида ҳар тўртинчи ҳоким ўзининг аҳамияти ва муҳимлиги жиҳатидан аҳоли бандлик даражасини оширишни 1-ўринга қўйишган бўлса, уларнинг 70 фоизи бу масалани биринчи даражали уч вазифанинг бири сифатида қайд этган.

Ана шу сўров натижаларини инобатга оладиган бўлсак, устувор йўналишлар қуйидаги кўринишни олади:

- ◆ шаҳарлар (туманлар) даромад базасининг ўсиши (солиқ базасининг мустаҳкамланиши назарда тутилмапти);
- ◆ амалдаги корхоналар ва бор бўлган иш жойларини сақлаб қолиш;
- ◆ иқтисодиётнинг мутаносибли сифат ўсишига эришиш;
- ◆ саноат ва тижорат базасининг ривожланиши;
- ◆ хароба ва вайроналарни йўқ қилиш;
- ◆ қолоқ (камбағал) туманларга ёрдам бериш.

Маҳаллий бошқарув органлари ўзларининг ҳудудларига хусусий капитални жалб этишдан манфаатдор бўлиб, улар инвесторларга билвосита ёрдам беришга ҳар доим тайёрдирлар. Булар ер майдонлари ва бинолар сотиб ёки ижарага олинаётганда сотув баҳоси ёки ижара ҳақиға нисбатан чегирмаларнинг берилишида, заёмлар билан таъминлашда

<sup>139</sup> Визнинг шароитимизда бу нималарда ўз аксини топмоқда?

кафолатли фондларда иштирок этишда, саноат зоналарини яратишда намоён бўлади. Саноат зоналарида ҳудудлар ва бинолар корхоналарга қулай молиявий шароитларда тақдим этилади. Айрим ҳолларда маҳаллий ҳокимият органлари ҳисобидан махсус равишда ҳўжалик юритишнинг янги турларини ривожлантиришга имкон берадиган ишлаб чиқариш иншоотларини қуриш амалга оширилади. Албатта, рағбатлантирувчи чораларга уларнинг доимий равишда ёки вақтинчалик маҳаллий солиқлардан озод этилиши ҳам киради.

Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан иқтисодий инфраструктурага капитал қўйилмалар фойда олишга мўлжалланмаган бўлса-да, улар пировард натижада хусусий капитал фойдасининг ошишига олиб келади. Энг аввало, бу транспорт коммуникацияси, алоқа линиялари, саноат, сув таъминоти, тозалаш иншоотлари, ер майдонларини саноат қурилишига тайёрлаш тизимларини қуриш ва уларни сақлаш харажатларидан иборатдир.

Бир неча мамлакатларда алоҳида минтақалардаги ҳудудларда инвестицияларнинг жойлаштирилиши ўзига хос тарзда рағбатлантириб келинмоқда. Масалан, шаҳар четидаги туманларда инвестициялар жойлаштирилишининг рағбатлантирилиши бунга мисол бўла олади. Иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган туманларда эса ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва модернизациялашга мўлжалланган инвестицияларнинг рағбатлантирилиши мақсадга мувофиқдир.<sup>140</sup> Жумладан, бюджетдан капитал қўйилмаларга тўғридан-тўғри субсидиялар ажратилиши мумкин. Бундай тартиб, масалан, Германияда кенг қўлланилмоқда.

XX аср 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб жуда кўп мамлакатларда янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришни яратишни рағбатлантириш услубларидан фойдаланилмоқда. Эски саноат туманлари кўпчилик ҳолларда ҳўжаликнинг эскирган индустриал таркибий тузилишига эгадир. Албатта, олдинги йилларда бу туманлар юқори даражада ривожланган ёки тараққий этган туманлар қаторига кир-

<sup>140</sup> Ўз амалиётимиздан бунга мисоллар келтира оласизми?

ган бўлса-да, кейинчалик илмий-техника инқилобининг таъсири остида бошқа туманлардан ортда қолган ва улар ўз минтақаларининг иқтисодий ўсишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмай қолдилар.

Масалан, Буюк Британияда бундай минтақалар қаторига Уэльс, Шотландия, Англиянинг Шимолий райони, Шимолий Ирландия, Корнуэлл, Мерсисайдларни киритиш мумкин. Бельгияда бу тошқўмир ва металлургия саноат районлари бўлса, АҚШда тўқимачилик саноати кучли ривожланган мамлакат шимоли-шарқидаги бир неча штатларни кўрсатса бўлади. XX асрнинг иккинчи ярмида бу районлар олдида саноатни, янги илғор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инфраструктурани модернизация қилишга ва ишчи кучини қайта тайёрлашга йўналтирилган тарзда қайтадан ўзгартириш вазифаси қўндаланг бўлиб қолади. Ушбу вазифани бу жараёнларга фақатгина давлатнинг фаол иштирок этиши, у томонидан турли солиқ имтиёзлари ва таъсир этишининг бошқа молиявий услубларини қўллаш эвазига бажариш мумкин эди.

Шунинг учун ҳам Буюк Британия, Франция, Италия, Нидерландия, Норвегия каби мамлакатларнинг ривожланиши лозим бўлган районларида давлат инвестицияларидан, субсидия ва мақсадли заёмлардан фойдаланилди, ўша районларда миллийлаштирилган тармоқларнинг корхоналари жойлаштирилди, кенг мақсадларга мўлжалланган ишлаб чиқариш бинолари қурилади, улар тадбиркорларга ижарага берилди ёки қулай молиявий шартлар ва мулк солигидан вақтинчалик озод қилинган ҳолда сотилди.

Ҳозирги пайтда Германияда шарқий ерларда капитални инвестиция қилаётган фирмалар йирик солиқ имтиёзларини олаётти. Пўлат қуйиш саноати жойлашган Рур вилояти ҳам солиқ имтиёзлари билан қўллаб-қувватланиб турибди. Қишлоқ жойларида саноатнинг замонавий тармоқларини ривожлантириш рағбатлантирилмоқда. Любек шаҳрининг қадимий кварталлари таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи фирмаларнинг йирик солиқ имтиёзларини олиш эвазига сақлаб қолинди.

Грецияда Фракия вилояти, материкнинг чегара вилоятлари ва оролларидаги инвестициялар солиқ имтиёзлари билан рағбатлантирилмақда.

Иқтисодий фаолиятни жонлантириш учун молиявий таъсир кўрсатишнинг саноатда капитал қўйилмаларни субсидиялаштириш, алоҳида туманлар учун сув ва электроэнергия ҳақининг имтиёзли тарифлари, кредитлаштиришнинг имтиёзли шартлари (паст фоизли заёмлар, узоқ муддатли заёмлар, кредитлар бўйича дотациялар) каби шаклларида фойдаланилмақда.

Баъзи бир мамлакатларда, масалан, Германия ва Францияда айрим муниципалитетлар ҳудудида ҳар бир янгидан яратилган иш жойи учун солиқ имтиёзлари билан биргаликда махсус бюджет устамалари жорий этилган. Маҳаллий бошқарув органлари хўжаликнинг янги тармоқлари учун ишчи кучини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг каттагина қисмини ўз зиммасига олаётти. Бундан ташқари, ишчи, хизматчи ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни ташкил этишни мустақил равишда ўз зиммасига олган корхоналар солиқ имтиёзларига эгадирлар.

Иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига молиявий таъсир кўрсатиш фақат рағбатлантирувчи характерга эга бўлмай, балки тўхтатиб турувчи ёки тақиқловчи характерга ҳам эгадир. Бундай зарурият, энг аввало, ишлаб чиқариш ва аҳоли концентрацияси юқори бўлган районларнинг ривожланишини тартибга солиш учун вужудга келади. Аҳоли ва хўжалик фаолигининг ҳаддан зиёд концентрациялашуви атроф-муҳит, аҳолишунослик, ресурслар билан таъминлаш ва бошқаларда мавжуд муаммоларнинг янада кескинлашувига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, чеклаб ёки тақиқлаб қўйиш вазифаси, энг аввало, Буюк Британия ва Францияда пайдо бўлди. Бу ерда моноцентрик таркибий тузилиш ўз таъсирини кўрсатди, шаҳарлар ва агломерациялар иерархиясида ягона шаҳар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Япониянинг Токайдо районида аҳоли жуда кўп жойлашган бўлиб, у ерда учта энг йирик муниципалитет – Токио, Нагоя, Осака жойлашган.

Давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан тўхтатиб турувчи, тақиқловчи ёки тўсқинлик қилувчи чоралар асосида тадбиркорлик фаолиятини қўшимча равишда солиққа тортиш ва лицензиялаштириш ётади. Ана шу мақсадлар учун қўшимча равишда солиққа тортиш амалиёти Нидерландия ва Японияда қўлланилмоқда. Барқарорлаштирувчи (стабилизация) солиқлар Германияда ҳам мавжуд.

Буюк Британия, Франция ва Италияда лицензиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилаган. Бу ўринда лицензиялаштиришни ҳам қўшимча маҳаллий солиқ – лицензия йиғими сифатида қарамоқ керак. Японияда бу муаммо, асосан, ер солиғи ставкасини манипуляция қилиш эвазига ҳал этилади.

У ёки бу шаклда солиқларни ошириш «қайноқ» конъюнктурани ушлаб туришнинг (тўхтатиб туришнинг) энг самарали ва ишончли воситасидир. Бундай усуллардан яна бири солиқ имтиёзларини бекор қилиш ҳисобланади.

Айрим ҳолларда янги солиқларнинг жорий этилиши соф тартибга солиш мақсадларини кўзда туттади. Бунинг классик мисолларидан бири асримиз бошида Германияда жорий этилаган ва ҳозирги пайтга қадар ўзгармасдан келаётган сирка кислотаси солиғидир. Унинг жорий этилишига сунъий сирка кислотасини яратиш ва шу мақсадда винони сарфлашга барҳам бериш зарурияти сабаб бўлди. Бу солиқдан келадиган пул тушумлари солиқни ундириш харажатларини зўрға-зўрға қоқласа-да, техник вазифа ҳал қилинган ва тартибга солувчи иқтисодий мақсадга эришилган эди. Солиқ ҳозирги кунда Германия бюджетига бор-йўғи бир неча миллион евро келтирса-да, ҳамон тарихий реликвия шаклида сақланиб келмоқда.

Солиқларни ошириш эвазига фақат иқтисодий вазифаларни эмас, балки ижтимоий вазифаларни ҳам ҳал этиш мумкинлиги тўғрисида яна ўша Германия амалиётидан замонавий яна бир мисол келтирайлик. Бу мамлакатда чекишнинг зарарли эканлиги тўғрисида узоқ вақт давомида амалга оширилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасига кўра тамакига қўйилган акцизнинг оширилиши натижасида чекувчилар сони бир неча марта камайган.

Солиқлар ёрдамида Фарб мамлакатларида экология муаммолари ҳам ҳал этилмоқда. Ўз вақтида Германия саноати автомобилларни катализаторлар билан жиҳозлаш тўғрисидаги қарорга қаршилик кўрсатган эди. Ўшанда катализатор билан жиҳозланган автомобиллар учун солиқ кескин пасайтирилади. Катализаторли автомашиналарда фойдаланиладиган бензинларнинг турлари бўйича акциз йиғимлари ҳам пасайтирилади. Айни патда, эски двигателларда фойдаланиладиган ва таркибида кўрғошин ҳамда бошқа қўшимчалар бўлган бензиннинг турлари бўйича акцизлар миқдори оширилади. Ана шу тарзда катализаторлар учун қўшимча харажатлар тикланди ва қопланди.

Бугунги кунда ҳам Германияда автомобиллар учун солиқ икки омилга боғлиқ: 1) цилиндр ҳажми, яъни двигатель қувватига; 2) катализатор мавжудлиги (йўқлиги)га.

АҚШда XX асрнинг 70-йиллариданоқ двигателнинг экологик тозаллигини ҳисобга олувчи автотранспорт учун табақалаштирилган солиқлар қўлланиб келинапти.<sup>141</sup>

Даваат иқтисодиётнинг ривожланишига баҳоларни шакллантириш орқали ҳам молиявий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда Европа Иттифоқи мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш баҳоси фақат бозор услублари ёрдамида ўрнатилиб қолмасдан, балки кўп ҳолларда Брюсселда жойлашган Европа Иттифоқи раҳбар органлари томонидан директив тарзда белгиланяпти. Бунда баҳоларни маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳақиқий таннархидан анча юқорироқ тарзда белгилаш ва уни шу даражада ушлаб туришга ҳаракат қилинапти. Бунинг эвазига эса икки мақсадга эришилмоқда. Биринчиси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермерлар қўллаб-қувватланмоқда. Иккинчиси – истеъмол маҳсулотларидан самарали фойдаланишга эришилмоқда. Сунъий равишда юқори баҳолар ушлаб турилгани учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тежаб-тергаб сарflanмоқда, талаб реал эҳтиёждан ошмаяпти ва бу нарса бир оз ортиқча маҳсулот-

<sup>141</sup> Бу соҳада биздаги аҳвол қандай?

ларнинг пайдо бўлишига, жила курси, маҳсулот тақчиллигининг бўлмаслигига имкон берапти.<sup>142</sup>

Жуда кўп мамлакатларда маҳаллий бошқарув органлари ижтимоий фойдаланишга мўлжалланган тармоқлар маҳсулотларининг (хизматларининг) баҳоларини ҳам тартибга солиб туради. Бозор эркинлиги шароитида баҳоларни тартибга солиб туриш зарурияти маълум бир маҳсулот турига меъёрий тарифлар бўйича ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари мавжудлиги билан белгиланади. Бу жараёндаги тартибга солишнинг асосий принципи ижтимоий фойдаланишга мўлжалланган тармоқ корхоналари фойда нормасини асосий капиталга нисбатан 5 – 7% даражада чеклаб туришдир. АҚШда, масалан, штатлар комиссияси агар компаниялар фойда нормаси белгиланган даражадан ортиб кетадиган бўлса, сув, электроэнергия ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлар учун янги тарифларни жорий этиши мумкин. Шунингдек, Германия ва Японияда ҳам шундай тартиб мавжуд бўлиб, бу мамлакатларда маҳаллий бошқарув органлари алоҳида минтақалар бўйича коммунал хизматларнинг юқори чегарадаги миқдорини белгилаб, баҳоларни тартибга солиб туради.

Бу ерда бир ҳолат устида алоҳида тўхталиб ўтмоқ лозим. Гап шундаки, ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти тадбиркорлик фаолияти эркинлигига асосланган. Рақобат – бозор механизми ресурслари тақсимланишини тартибга солиди ва товарлар ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда ўртача фойда нормасини ҳисобга олган ҳолдаги даражани ўзида акс эттирадиган мувозанат баҳонинг ўрнатилишини таъминлайди. Рақобат шароитида бозорда компаниялар ўзлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ихтиёрий равишда баҳо ўрната олмайдилар. Улар ўзлариникига ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи фирма ва корхоналар томонидан белгиланган баҳоларни ҳисобга олишлари керак. Рақобат бозори истеъмолчига танлов имкониятини берадики, бу унинг ўзига хос энг асосий хусусиятидир. Кураш жа-

<sup>142</sup> Бизнинг ҳам мақсадимиз шу эмасми?



раёнида сотиб олувчи учун баҳолар пасаяди ва ишлаб чиқариш харажатлари даражасига яқинлаша боради.

Бироқ монополиялар вужудга келганда бозор механизми яхши ишламайди ва бу нарса ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига ва фойдаланилишига ҳамда баҳонинг ўсишига олиб келади. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши тугагунига қадар Германия йирик картеллар мамлакати бўлиб, улар жуда катта иқтисодий ва сиёсий қувватга эга эди.

Монополиялар фаолияти салбий оқибатларини чеклаш бир неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Улар орасида фирмалар даромадини прогрессив солиққа тортиш ва устама фойда солиғи алоҳида ўрин тутади. Барча ривожланган мамлакатларда трестларга қарши қонунчилик амал қилади. Масалан, Германия қонунларида рақобат қонидаси белгилаб берилган ва уларда эркин рақобатнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратилган. Жумладан, тадбиркорлар ўртасида баҳо тўғрисида келишув қонун йўли билан тақиқланган.

Трестларга қарши қаттиқ қонунчилик АҚШ ва Японияда ҳам амал қилиб келмоқда. Лекин бу қонунлар инфраструктура тармоқларига – транспорт, банк иши, коммунал хизматларга тегишли эмас. Айрим ҳолларда бу қонунлар саноатнинг қазиб чиқарувчи тармоқларига, маълум даражада қишлоқ хўжалигига ҳам хос эмас. Бу тармоқларда давлат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, баҳоларни ва бозорни эгаллашни тартибга солиб туради. Рақобат бу ерда тармоқлар олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беролмайди деб ҳисобланган. Бу тармоқларда давлат корхоналарининг салмоғи катта бўлиб, уларнинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки жамиятнинг эҳтиёжини қондиришдир.

### **6.5. Солиқ сиёсати ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари**

Замонавий солиқ сиёсатида хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларига ҳам кенг ўрин берилмоғи лозим. Чунки мустақил республикамизнинг жаҳон иқтисодий хўжа-

лиги интеграциялашувига интилиши хорижий капиталнинг мамлакатимизда ҳам эркин ҳаракатланишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вазиятда, жумладан, солиқ сийёсатидан фойдаланган ҳолда хорижий капитални ўз мамлакатимизга жалб этиш муаммоси ўта долзарб бўлиб турибди. Ватанимиз саноатининг бир неча тармоқлари инвестицион «очлик»ни ҳис этмоқдаки, уларга ўзимизнинг, айниқса, хорижий капиталнинг ҳам оқиб келиши бу тармоқларнинг таназзуддан тезроқ чиқиб кетишига кучли туртки бериб, ички бозорда ишбилармонлар фаоллашувини рағбатлантирар ҳамда жаҳон бозорида Ўзбекистон товарлари рақобатбардошлигини оширар эди.

Хорижий тадбиркорлар Ўзбекистон иқтисодийётига катта қизиқиш билан қараяптилар. Чунки Ватанимиз табиий ресурсларга бой, қиёсан арзон энергетика манбаларига эга. Бу ерда нисбатан арзон ишчи кучи қийматига эга бўлган малакали меҳнат ресурслари ва чуқур ички бозор мавжуд. Маълумотларга кўра, хорижий инвесторлар учун энг қулай ва мақбул регионлар сифатида Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Навоий ва Самарқанд вилоятларини кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда бир неча минг хорижий инвестицияли қўшма корхоналар фаолият кўрсатяпти. Бир неча юзлаб хорижий фирмалар ўз ваколатхоналарига, филиалларига ва бўлимларига эга. Яна бир гуруҳ хорижий компаниялар доимий ваколатхоналарига эга бўлишмаса-да, Ватанимизда иш юритишмоқда.

Айниқса, қурилиш компаниялари юқори даражада фаолият кўрсатишяпти. Ўзбекистондаги қурилиш ишларини Туркия, Италия, Германия, Россия ва бошқа мамлакатлар фирмалари амалга оширяпти.

Шунга қарамай, ҳозирги пайтга қадар мамлакатимизда хорижий инвестициялар кўламини (масштабини) кўнгилдагидек деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шу ўринда «Хорижий инвестицияларни янада фаолроқ жалб этишга нима-лар тўсқинлик қиляпти?» деган савол туғилиши табиий.

Қисқача тарзда тўсқинлик қилувчи омиллар деб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ◆ амалдаги солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) етарли даражада мукаммал эмаслиги;
- ◆ божлар бўйича тартибга солишдаги муаммолар;
- ◆ молиялаштириш манбаларига йўл топишдаги муаммолар, кредит олиш бўйича қийинчиликлар;
- ◆ мамлакатнинг айрим минтақаларида малакали меҳнат ресурслари етарли эмаслиги;
- ◆ транспорт билан боғлиқ муаммолар;
- ◆ телекоммуникация ва алоқа бўйича муаммолар;
- ◆ ижтимоий инфраструктуранинг етарли даражада ривожланмаганлиги билан боғлиқ муаммолар;
- ◆ эркин ҳаракатланиш ҳамда консулик хизматини кўрсатишдаги муаммолар ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги салбий омиллар орасида солиқ қонунчилигининг такомиллашмаганлиги 1-ўринда турган бўлса, бож қонунчилиги камчиликлари 2-ўринни эгаллаб турибди. Демак, 1- ва 2-ўринларни эгаллаб турган омиллар солиқлар, йиғимлар ва бож тўловлари билан бевосита боғлиқдир. Агар ўз мамлакатларида нисбатан анча юқори солиқларни тўлашга алақачон кўникиб қолган хорижий инвесторларни айнан нима кўрқитаётганлиги тўғрисида салгина ўйласак, бу нарса ҳар ҳолда солиққа тортиш даражаси эмаслиги маълум бўлади. Солиқ тизимининг нобарқарорлиги, тескари кучга эга бўлган қонунларнинг қабул қилиниши, солиқ қонулари айрим моддаларининг етарли даражада аниқ эмаслиги ва айримларининг қарама-қарши характерда эканлиги, солиқ қонунчилигининг салгина бузилиши натижасида жуда оғир молиявий жазоларнинг қўлланилиши хорижий инвесторларни жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишга мажбур этмоқда.

Икки марта солиққа тортиш рискининг мавжуд эканлиги солиқлар бўйича энг муҳим муаммолардан яна биридир. Бу муаммо халқаро солиққа тортиш амалиётидаги энг асосий муаммо ҳисобланади.

Давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқ ишлари амалга оширилаётган пайтда ҳар иккала савдолашаётган томон ҳукуматлари ана шу савдодан келаётган даромаддан солиқ олиш-

ни иштади. Икки марта солиққа тортиш потенциал равишда шунинг учун ҳам вужудга келадик, бир мамлакат солиқ тўловчининг яшаш фактига асосланган ҳолда солиққа тортиш ҳуқуқини даъво қилса, иккинчи мамлакат даромаднинг олинган жойини ҳисобга олган ҳолда худди шу нарсага даъво қилади. Икки марта солиққа тортиш ҳар иккала мамлакат солиқ тўловчи унинг резиденти ёки даромад айнан шу мамлакатда олинган деб эълон қилган ёки тасдиқлаган пайтда ҳам вужудга келиши мумкин.

Ана шундай шароитда, фикримизча, ҳолисона халқаро солиққа тортиш концепцияси алоҳида аҳамият касб этади. Бу концепция уч асосий қондани ўз ичига олади:

♦ **капитални экспорт қилишга нисбатан ҳолисоналик.** Агар солиқ тўловчининг ўз мамлакати ёки хорижий мамлакатга инвестициялаштиришдаги танловига солиққа тортиш масаласи таъсир кўрсатмаса, солиқ тизими юқоридаги қондага мос келади. Бундай шароитда корпорация инвестициялаштириш тўғрисидаги қарорни солиқ омили асосида эмас, балки тадбиркорлик омили асосида қабул қилади. Идеал рақобат шароитида капитални экспорт қилишга нисбатан ҳолисоналик капиталнинг самарали тақсимланишига ва ундан оқилона фойдаланишга олиб келади;

♦ **капитални импорт қилишга нисбатан ҳолисоналик.** Агар бозорда фаолият кўрсатаётган барча корпорациялар ягона солиқ ставкаси асосида солиққа тортилса, бу қондани бажарилган деб ҳисоблаш мумкин;

♦ **милий ҳолисоналик.** Бу қондага кўра, солиқ тўловчи ва бюджет ўртасида тақсимланадиган капиталдан олинган умумий фойда капиталнинг қаерда (ўз мамлакатлари ёки хорижий мамлакатлари) инвестиция қилинганлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир хил бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон икки марта солиққа тортиш ҳолиларини бекор қилиш тўғрисида бир неча ҳукуматлараро битимларни имзолаган. Солиқларни ундириш бўйича ҳукуматлараро битимлар Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунарига нисбатан устувор мавқега эга. Ҳукуматлараро битимлар бўлмаганда хорижий фирмалар ва компаниялар Ўзбекистон Рес-

публикаси қонунаари бўйича солиққа тортилади. Бунда хо-рижий юридик шахс фойдасининг Ўзбекистонда тадбир-корлик фаолияти билан боғлиқ бўлган қисмигина солиққа тортилиши мумкин.

### **6.6. Солиқларнинг ундирилувчанлигини ошириш ва солиқ сиёсати**

Солиқ сиёсатида солиқларнинг ундирилувчанлик даража-сини<sup>143</sup> ошириш масалалари ҳам ўз аксини топмоғи лозим. Бу муаммо доимий характерга эга бўлиб, уни ҳал қилишни орқага суриш (кечиктириш) мақсадга мувофиқ эмас. Ҳозир-ги иқтисодий вазиятда солиқларнинг ундирилувчанлик да-ражасини ошириш мумкинми? Бунинг учун нималарга эътибор бериш керак?

Жаҳон илғор тажрибасининг кўрсатишича, қуйидаги му-аммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши солиқларнинг ундирилувчанлигини оширишга хизмат қилиши мумкин:

1. Тадбиркорлик субъектини (фаолиятини) рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш;

Тадбиркорлик фаолияти янги субъектни (корхонани) рўйхатдан ўтказиш билан бошланади. Ана шу жараённинг ўзида солиқни тўлашдан олган равишда бош тортмоқчи бўлганлар учун «тешикча» мавжуд. Ўрнатилган қоидага кўра, тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш унинг жой-лашган жойига мувофиқ амалга оширилиши керак. Шунга қарамай, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш «хуқуқий ман-зил» деб аталувчи манзилда амалга оширилиши мумкин. Ўз навбатида, «хуқуқий манзил» товарга айланиб, айрим таш-килотлар ва тижорий тузилмаларга ўз манзилини тақдим этган хусусий фуқаролар учун даромадга эга бўлиш пред-метиға айланмоқда. Одатда, бундай тадбиркорлик субъект-

<sup>143</sup> Айрим ҳолларда иқтисодий адабиётларда «солиқларнинг унди-рилувчанлиги» ибораси ўрнига «солиқларнинг йиғилувчанлиги» ибораси ҳам ишлатилади. Гарчи бу иборалар уларда синоним иборалар тарзида ишлатилаётган бўлишига қарамай, бизнинг фикримизча, аслида бу жараённи «солиқларнинг ундирилувчанлиги» ибораси ўзида тўлиқроқ ифода этади.

лари амаалда рўйхатдан ўтган манзилида мавжуд бўлмасдан, бу нарса солиқ идоралари томонидан улар фаолиятининг назорат қилинишини мураккаблаштирамоқда. Рўйхатдан ўтишнинг бундай қалбаки манзиларини амаалда кўплаб учратиш мумкин.

Боз устига, баъзи бир тадбиркорлик субъектлари уй манзиллари бўйича рўйхатдан ўтган. Албатта, солиқ инспектори қонунга мувофиқ равишда у ерга кириб бориши ва тегишли назорат ишларини амаалга ошириши мумкин. Лекин бунинг психологик жиҳатдан ўзига хос мураккабликлари мавжуд.

Амалиётда бошқа шаҳарлардаги тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳолатлар кўплаб учраб турибди. Бу қонун билан тақиқланмаган бўлсада, солиққа тортиш нуқтаи назаридан эса мақсадга мувофиқ эмас. Таъсисчиси аслида бир жисмоний шахс бўлган кўплаб корхоналарнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини кўрсатувчи далиллар ҳам мавжуд. Жуда кўп корхоналарни, жумладан, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш ва шунга ўхшаш корхоналарни ҳеч қандай касбий тайёргарликка эга бўлмаган шахслар вужудга келтириб, давлат рўйхатидан ўтказишмоқда. Ҳолбуки, бундай тадбиркорлик «эркинлиги»га бозор иқтисодиёти ривожланган ҳеч бир мамлакатда йўл қўйилмайди ва ҳ.к.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш борасида бундай муаммоларнинг мавжудлиги туфайли уларнинг маълум бир қисми баланс ҳисоботларини топширмаяптилар ва солиқларни қисман ёки умуман тўламаяптилар. Солиқ инспекциялари томонидан изланаётган тадбиркорлик субъектлари сони ҳам анчагина.

Вазият ана шундай бўлиб турганда муаммони ҳал қилишнинг йўли борми? Бор. У нунча мураккаб ҳам эмас. Бунинг учун тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишни фақат унинг бошқарув органлари жойлашган жойига мувофиқ амаалга оширмақ лозим. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг аниқлиги учун солиқ тўловчи маъмурий ва молиявий жавобгар бўлган алоқа манзили бўйича амаалга оширилиши кераклигини ан-

латади. Рўйхатдан ўтказувчи орган ва солиқ инспекцияси шу корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг, яъни солиқ қонунчилигининг сўзсиз бажарилиши учун масъуа бўлган мансабдор шахсларнинг қаерда жойлашганлигини аниқ билиши керак. Тажрибанинг кўрсатишича, бундай вазиятда баланс ҳисоботларини топширмайдиган корхоналарнинг 25 – 30% ни қидиришга ҳожат қолмайди. Улар солиққа тортилишга жалб қилинади ёки фаолиятини тўхтатишга мажбур этилади. Бу айтишга арзигулик қўшимча уринишларсиз бюджет даромадлари ва солиқ базасининг деярли автоматик тарзда ошишига олиб келади. Бу чоранинг кўрилиши (тартибнинг ўрнатилиши) фақат онгли равишда солиқларни тўламаётганларга сезиларли таъсир кўрсатади. Аксинча, қонунга итоаткор солиқ тўловчилар ва уларнинг манфаатлари бундан четда қолади.

Солиқларнинг ундирилувчанлигини таъминлашда солиқ тўловчи идентификацион рақами (СТИР) жорий этилганлиги муҳим роль ўйнамоқда. Бироқ ҳозирги пайтда мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйича фуқаролик айланмасининг иштирокчилари бўлган юридик ва жисмоний шахслар учун ягона рақамни (номерни) жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу рақам (номер) солиқ тўловчининг, суғурта бадаллари ёки бошқа тўловларни тўловчиларнинг, ҳисобга олинувчи бирилик сифатида жисмоний шахснинг рақами (номери) бўлмай, балки шахснинг турилишидан то умри охиригача барча идораларда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатидаги жисмоний шахснинг рақами (номери) бўлиши керак. Албатта, бундай рақамнинг (номернинг) жорий этилиши жисмоний шахслардан ундирилиши лозим бўлган солиқларнинг ундирилувчанлигини яхшилайдди. Боз устига, ўзига тегишли маълумотларнинг тўлиқлигидан фуқаро ҳам бевосита манфаатдор бўлади. Чунки ана шу маълумотларнинг тўлиқлиги унга тегишли пенсия ва бошқа нафақалар кўламини (ўлчамини) белгилаб беради.

2. Кредит муассасасида тадбиркорлик субъектининг ҳисоб-китоб счётини очиш тартиби билан боғлиқ муаммоларни ечиш;

Ҳап бу ерда бир тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган ҳисоб-китоб счёти сони, унинг бир ёки бир неча кредит муассасасида бўлиши ёки бўлмаслиги, счётларнинг молиявий ресурсларни жамғаришга мўлжалланган «стратегик» ва ҳар кунлик операцияларни амалга оширишни назарда тутувчи «тактик» счётларга бўлиниши ёки бўлинмаслиги, уларнинг қандай кўринишларга (сўмлик ёки валюта) эга бўлиши хусусида кетаяпти. Кредит муассасаси ҳар бир янгидан очилган счёт хусусида солиқ инспекциясига хабар беришига қарамай, уларга нисбатан маълум бир чекловлар ўрнатилмаса, бу нарса солиқларни тўлашдан онглаи равишда бош тортувчилар учун яна бир силлиққина йўлни очиб бериши мумкин. Шу муносабат билан бир солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектида бир неча счётларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Бундай ҳолатнинг мавжудлигини тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг зарурий шarti ёки қулайлиги билан изоҳлашнинг иложи йўқ. Аксинча, счётлар кўп бўлган ҳолда унинг жилла қурса биттасини солиқ инспекцияси эътиборидан четда қолдириш эҳтимоли мавжуд бўлади.<sup>144</sup>

Солиқларнинг ундирилувчанлигига салбий таъсир этувчи бундай «тешик»ларни «ёпиш» учун асосий фаолият бўйича операцияларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларида биттадан сўмлик ва валюта счётларининг бўлишига эришмоқ лозим. Албатта, бундай чора тадбиркорлик субъектларининг мақфаатларига «мойдек» ёқадиган (мос келадиган) чора эмас. Лекин мамлакатдаги ҳақиқий иқтисодий вазият ва тўлов интизомининг аҳволи шуни тақозо этиши мумкин.

<sup>144</sup> Амалиётда бундай ҳолатларнинг мавжудлигини характерловчи кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Уларнинг кўпчилигида оғир молиявий ҳолат, дебиторларнинг масъулиятсизлиги ёки инсофсизлиги, давлат буюртмаси бўйича маблағларнинг бюджетдан ўз вақтида келиб тушмаганлиги ва ҳ.к.лар солиқларни тўланмаганлиги рўкач қилиб кўрсатилади. Унга нисбатан солиқ инспекцияси қатъий ва таъсирчан чоралар кўриб, боқиманда суммаларини ундириш қарздорнинг мол-мулкига қаратилса ва унга эришишга ҳаракат қилинса, боқиманда суммаларни тўлаш учун маблағ топилади. Айбдорнинг бир неча счётлари ва уларнинг орасида эса солиқ инспекциясига маълум бўлмаган счётларнинг ҳам борлиги маълум бўлади.



Айтгандай, бундай кескин чора кўрилишини бир оз «юмшатиш» ва қонунга итоаткор солиқ тўловчилар учун солиқ инспекцияси билан мувофиқлаштирилган ҳолда икки ёки уч сўздан фойдаланишга руҳсат ҳам берса бўлади. Бироқ солиқларнинг ундирилувчанлигини кескин оширишга сўзда эмас, балки амалда ҳаракат қилинаётган бўлса, бу борада етарли даражада кескин чекловларни жорий қилиш керак.

3. Солиққа тортиш фақат лицензион йиғимларни олиш ёки патент учун тўловларни амалга ошириш орқали содир этиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолият турлари рўйхатини аниқлаш борасидаги муаммоларга барҳам бериш;

Бундай фикр билдирилганда, энг аввало, майда чакана савдо, фуқароларга транспорт, маиший хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.лар назарда тутилаяпти. Ҳақиқатан ҳам, ана шу кўрсатилган ва бошқа фаолият турлари бўйича даромад ва харажатларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш жуда мураккаб. Боз устига, солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифага кирувчилари декларация тақдим этмайдилар ёки унда ҳақиқатдагига мос бўлган даромадларни кўрсатмайдилар. Шу муносабат билан патент асосида фаолият кўрсатаётган ва унчалик катта бўлмаган даромадга эга бўлганларнинг фаолиятларини келажакда, албатта, мажбурий танлаб олиб текширишга ўтказиш керак.

Солиққа тортиш, ҳисоб ва ҳисоботнинг соддалаштирилган тизими кичик корхоналар ва микрофирмаларни ягона солиқ тўловини тўлашга ва ҳисобнинг соддалаштирилган тизимига ўтишини кўзда тутди. Бироқ, амалиётнинг кўрсатишича, бундай жозибадор кўринишга эга бўлган шакалга ўтишга улар шошилаётгани йўқ. Бунинг сабаби шундаки, солиққа тортишнинг анъанавий тизимида ҳам кичик бизнес субъектлари учун имтиёзлар кам эмас. Улар аванс тўловларини амалга оширмайдилар ва ҳар чоракда бир марта ҳисоб-китоб қиладилар. Бу нарса улар учун инфляция шароитида жуда фойдали. Уларнинг мослашувчанлиги ва ўзгарувчанлиги, нақд пулларнинг кенг айланиши билан қўшиб ҳисоблаганда, ҳақиқий даромадларини етарли даражада

муваффақият билан яширишга имкон бераяпти. Бунинг натижасида уларнинг чораклик ўртача тўловлари солиққа тортишнинг ҳақиқий базасига тўғри келмаяпти. Шу сабабли объектив иқтисодий таҳлил натижасида аниқланган патент учун тўловнинг суммаси шу суммадан кескин юқори бўлган суммада олиниши керак. Бунинг натижасида солиқ органлари минглаб бухгалтерия ҳисоботларини қабул қилиш ва уларни текширишдан озод бўлиб, бир вақтнинг ўзида бошқа солиқ тўловчилар устидан назоратни кучайтириш имкониятига эга бўладилар.

4. Солиққа тортиш объектларининг фақат бухгалтерия ҳисоби қоидалари бўйича (товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш бўйича тушум, баланс фойда ва ҳ.к.) шакллантиришни қонуний тарзда кўзда тутиш, солиққа тортиш мақсадлари учун эса аниқ қонуний актлар асосида ўзгартириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ижобий ҳал этиш;

Бухгалтерия ва солиқ ҳисобида иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашдаги турли ёндашувлар солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидagi мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ишларини кескин мураккаблаштиради, катта миқдордаги молиявий жазоларга олиб келувчи кўпсонли «техник» хатолар учун шароит яратади. Бу эса, ўз навбатида, амалдаги солиққа тортиш тизимининг ноқозибадорлигини кучайтиради.

Солиқларнинг ундирилувчанлигини ошириш ва шу мақсадларда солиқ назоратининг таъсирини кучайтириш учун шундай тартибни ўрнатиш мақсадга мувофиқки, унга кўра, ҳужжатли текширувни амалга ошириш жараёнида солиқ тўловчи томонидан солиқ органининг ходимига ўрнатилган тартибга кўра тақдим этилмаган бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан солиқ органи хатти-ҳаракатининг ноқонунийлиги хусусида арбитраж судига даъво қилиниб, тақдим этилганда инобатга олинмаслиги лозим. Таклиф этилаётган бундай тартиб жорий этилганда ҳужжатли текширув тугатилиб, молиявий жазолар қўллаш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинганидан сўнг солиқ тўловчилар томонидан солиққа тортиш объектларини яширганлиги ва солиқларни тўламаганлиги

хусусида гувоҳлик берувчи ҳужжатларнинг мазмунини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган вазиятлардан қочиш қутулишга имкон берган бўлаур эди.

Қандай бўлишидан қатъи назар, бизнинг мамлакатимизда ҳам бошқа мамлакатлардаги сингари алкоголь маҳсулотлари ва пиво ишлаб чиқариш, уларни улгуржи ва чакана савдо қилиш иқтисодиётимизнинг етарли даражадаги йирик сектори ҳисобланади. Спиртли ичимликлар учун акцизлар бугунги кунда ҳам ҳар қандай мамлакатнинг солиқ тизимида муҳим роль ўйнамоқда. Бироқ бу секторга хусусий капиталнинг кириб келиши билан катта миқдордаги даромадлар уларнинг қўлига ўтиб қолмоқда. Спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш устидан назорат сусайди. Бундай маҳсулотлар савдосида акцизларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари кучайди. Акциз ва ундан сўнг эса махсус маркаларнинг жорий этилиши, уларни қалбакилаштириш жуда осон бўлганлиги ва фарқловчи аппаратларнинг мавжуд эмаслиги учун, вазиятни ўнгламаяпти. Шунинг учун вино-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришга давлат монополиясини тўлиқ тиклаш зарур. Бу билан боғлиқ бўлган чоралар тугалланмаган характерга эга бўлмаслиги лозим. Агар спиртли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг савдосига нисбатан давлат монополияси тўлиқ жорий этиладиган бўлса, қисқа муддатларда давлат хазинасига бориб тушувчи пул маблағларининг тушумини анча ошириш мумкин. Бир вақтнинг ўзида, бундай тартибнинг жорий этилиши бу маҳсулотлар сифати устидан назоратнинг яхшиланишига ҳам олиб келган бўлаур эди.

5. Солиқ суммаларининг бюджетга ўз вақтида ўтказилишига тўсқинлик қилаётган банкларга нисбатан тез ва кескин чораларни кўриш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ечимини топиш;

Кескин чораларни фақат ўз вақтида бюджетга ўтказилмаётган солиқ суммаларига нисбатангина эмас, балки корхоналар бошқа тўловларининг ўтказилишида тўхталишлар йўл қўйилаётган ҳолатлар учун ҳам қўллаш зарур. Чунки бундай ҳолатларга йўл қўйилаётганлиги корхоналарнинг

молиявий аҳволини янада ёмонлаштирмоқда. Банклар томонидан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишга тўққинлик қилаётган далиллар амалиётда кўп учраб, улар охири-оқибатда нотўловларнинг ўсишига олиб келмоқда, мамлакатдаги пул муомаласининг аҳволига кескин салбий таъсир кўрсатмоқда.

Пул муомаласининг ҳаракати мамлакат доирасида бузилиётган экан, уни тузатиш учун айрим ҳолларда маъмурий ҳаракатдаги қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ саналади. Жумладан, маблағларнинг давлат бюджетига ўз вақтида бориб тушишини таъминлаш борасида банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг жавобгарлигини кучайтириш зарур. Хусусан, солиқ органларининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларининг сўзсиз ундирилиши тўғрисидаги тўлов талабномалари банклар томонидан биринчи навбатда ижро этилиши керак. Уларни сўзсиз ундириш тўғрисидаги тўлов талабномалари банклар томонидан ўз вақтида ижро этилмаса, солиқ органларига тўлов талабномасида кўрсатилган сумманинг энг камида 10% гача бўлган қисми доирасида банк муассасаларидан жарима талаб қилиш ҳуқуқини бермоқ лозим.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган ва шунга ўхшаш бошқа чораларнинг қўлланилиши мамлакат иқтисодиётида туб ўзгартиришларни амалга ошириш учун етарли эмас. Шундай бўлишига қарамасдан, улар бирданига ва ҳеч қандай қўшимча харажатларсиз ижобий молиявий натижа бериши ва давлат ресурсларини сезиларли даражада тўлдириши мумкин. Бошқача сўзлар билан айтганда, бундай чораларнинг қўлланилиши иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлатнинг қўлига тегишли инструментни берадики, у мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг янада ривожланишини таъминлашга хизмат қилиши керак.

6. Фойдадан олинадиган солиқ ва бошқа солиқларнинг ставкасини табақалаштириш, тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқлар ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлардан максимал олин-

ши мумкин бўлган фоизнинг даражасини ўрнатиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш;

Ҳамон том маънода иқтисодийёт демонополизациялаштирилмаган экан, унинг баъзи тармоқларида маҳсулотлар бозорида у ёки бу ишлаб чиқарувчининг монопол мавқега эгалгидан фойдаланган ҳолда устама фойданинг олишини солиқлар ёрдамида чеклаш мумкин. Буни амалиётда, масалан, рентабеллик кўрсаткичи маълум бир даражадан ошгандан сўнг солиқ ставкасини ўзгартириш орқали амалга оширса бўлади. Ана шу усул ёрдамида фақат бюджетни даромадлар билан тўлдириш вазифаси уддаланиб қолмасдан, балки монополист корхоналарнинг ўз маҳсулотларига нисбатан ўрнатилиши лозим бўлган баҳо даражасини чега-расиз ва назоратсиз ўрнатиш имкониятини ҳам чеклаш мумкин. Бу ўринда, бизнинг фикримизча, қайсидир мамлакатда маҳсулот қандайдир бир турининг 80 – 90% ни ишлаб чиқарувчи гигант-корхонани фақат монополист сифатида эътироф этиш хато ҳисобланади. Аслида, амалда ҳар бир минтақада маҳсулот ёки хизматнинг етишмаган турини ишлаб чиқарувчи ҳар қандай корхонани ёки шу маҳсулот ва хизмат тури шу минтақада бошқа бир корхона томонидан тақдим этилмаса ҳам уни монополист корхона ўрнида кўриш мумкин. Ана шу маънода, хусусийлаштириш жараёнлари ҳамон миллий иқтисодийётимиздаги монополизмга барҳам бера олгани йўқ. Шу муносабат билан бундай корхоналарнинг фаолиятини фойдадан олинадиган солиқнинг ставкасини табақалаштириш орқали тартибга солиш ўринли ҳисобланади.

Бир вақтнинг ўзида, фойдадан олинадиган солиқнинг ставкасини ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқармайдиган корхоналар ва ташкилотлар бўйича ҳам табақалаштириш мумкин. Ишлаб чиқармайдиган корхоналар ва ташкилотлар соҳасида ҳамда монополист корхоналарга нисбатан фойдадан олинадиган солиқнинг ставкасини бир оз юқорига кўтариш ҳисобидан миллий ишлаб чиқарувчилар учун бу солиқнинг ставкасини, шунга мос равишда, пасайтириш имконияти мавжуд.

Солиқларнинг ундирилувчанлигини таъминлашда ҳар

бир мамлакат солиқ тизимидаги тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқлар ўртасидаги таркиб топган нисбат муҳим роль ўйнайди. Бу нисбатни шакллантиришда тўғри (бевосита) солиқларнинг мамлакатда ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларини бевосита акс эттириши мумкинлиги сира эсдан чиқмаслиги керак. Шунингдек, солиқлар ундирилувчанлик даражасининг юқорилигини таъминлашда хўжалик юритувчи субъектлар маблағларининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга олинishi максимал даражасининг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегарасини қонуний тарзда олдиндан белгиланиши ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин.

7. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг техникавий жиҳатдан оддийлигини, қулайлигини ва тушунарлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни оқилона ечиш;

Ҳеч бўлмаганда, ҳозирги пайтда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бу принципларга мувофиқ эмас. Солиқ декларацияси ҳам соддалаштиришга муҳтож. Юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларни даромад солиғига тортиш принципларини ўзгартириш керак. Бунда солиқларнинг бюджетга тушмай қолишидан хавотирга бормаслик лозим. Аксинча, қўшимча ишларни бажаришга, ўзининг шахсий вақтини сарфлаб, отланган шахсларни кўпроқ рағбатлантирмоқ зарур. Патентлар тизими майда тадбиркорлар учун даромад солиғига нисбатан афзалроқ (самаралироқ) эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда ва ҳ.к.

Умуман олганда, юқоридаги муаммоларнинг муваффақиятга ҳал этилиши солиқларнинг юқори даражада ундирилувчанлигини таъминлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўйиши мумкин.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун қўшимча саволлар:**

- ◆ Солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатидаги вазият-ни қандай баҳолайсиз?
- ◆ Нега солиқлар муаммоси бизнинг мамлакатимизда

амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади?

◆ Бозор иқтисодиётида солиқ тизимини ташкил қилишнинг асосий принциплари тариқасида нималарни кўрсатиш мумкин?

◆ Мамлакатимизда амал қилиб келаётган солиқ тизими уни ташкил қилишнинг барча принципларига тўлиқ жавоб бераётими?

◆ Умумий жиҳатдан олиб қараганда, мамлакатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг қандай йўллари мавжуд?

◆ Ўзбекистон Республикасида амалдаги солиқ тизими қандай шароитларда вужудга келган?

◆ Амалдаги янги солиқ тизими тузилиш (қурилиш) принциплари ва таркибий қисмларига кўра бутун жаҳон амалиётида кенг тарқалган солиқ тизимини ҳам акс эттирганми?

◆ Хорижий мамлакатлар солиқ тизимларидан айнан нусха олишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи қандай сабаблар мавжуд?

◆ Хорижий мамлакатлардаги солиқ тизимларининг ҳаммасини ҳам такомиллашган ва ҳозирги куннинг талабларига тўлиқ жавоб беради деб бўладими?

◆ Солиқ тушумларининг ортиши Иккинчи жаҳон урушидан кейин хорижий мамлакатлар солиқ тизимларига киритилган «янгиликлар» билан изоҳланади. Уларнинг таркибига нималарни киритиш мумкин?

◆ Фарб мамлакатларида солиққа тортишнинг юқори даражадалиги бу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатган. Бу нималарда намоён бўлиши мумкин?

◆ Сўнгги йилларда солиқ тизимларида содир бўлган ўзгаришлар нималардан иборат?

◆ Етакчи хорижий мамлакатлардаги солиққа тортишнинг асосий тенденциялари таркибига нималарни киритиш мумкин?

◆ Фарб мамлакатларида солиқ тизимларининг такомиллаштирилиши солиққа тортишдаги қандай таркибий ўзгаришларга олиб келди?

◆ Солиқлар ёрдамида тартибга солишнинг қарама-қаршиликлари (зиддиятлари) нималарда намоён бўлади?

◆ Солиқларнинг иқтисодиётга таъсири маълум бир чегара доирасида амалга оширилади. Бунинг қандай объектив сабаблари бор?

◆ Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимлари учун умумий тенденциялар нималардан иборат?

◆ Ривожланган мамлакатлардаги солиққа тортиш тажрибасидан Ўзбекистон учун фойдаланиш масаласи ҳал этилаётган пайтда нималар назардан четда қолмаслиги керак?

◆ Кенг маънода, келажакда солиқ ислоҳоти ўтиш даврида нималарни ўз ичига олиши лозим?

◆ Умумий кўринишда ривожланаётган мамлакатлардаги солиқ ислоҳотларининг конкрет тажрибаси ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар учун қандай йўналишларда (аспектларда) фойдали?

◆ Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилиш учун қандай йўللар таклиф этилиши мумкин эди?

◆ Бизнинг мамлакатимиз учун солиқ тизимини ислоҳ этишнинг ягона реал варианты сифатида нимани қабул қилиш тан олинди ва МДҲ мамлакатлари орасида биринчилар қаторида қандай муҳим ҳужжат қабул қилинди?

◆ Ўзбекистоннинг солиқ тизимини ривожлантириш концепцияси асосида, энг аввало, бир неча ривожланган хориж мамлакатларида асос сифатида олинган ва ўзининг самарадорлигини амалда кўрсатган принциплар қўйилиши керакми? Бундай принциплар қаторига нималарни киритиш мумкин?

◆ Солиқ ислоҳотини амалга ошириш режалаштирилаётган пайтда ва солиқ тизимини такомиллаштиришда нималарга алоҳида эътибор бермоқ лозим?

◆ Ҳозирги пайтда солиқ органларини модернизация қилишнинг заруриги қандай объектив омиллар билан белгиланади?

◆ Худудий солиқ органлари учун модернизация қилишнинг мажбурий компонентлари нималардан иборат бўлиши мумкин?

◆ Солиқ хизматини модернизация қилишнинг муҳим



компоненти мутахассислар ва солиқ тўловчиларни ўқитишдир. Мутахассисларни ўқитишни қандай йўналишларда амалга оширса бўлади?

◆ Солиққа тортиш назариясининг энг долзарб муаммоси нима ва у солиқ сиёсати билан қандай боғланган?

◆ Бюджет даромадларини шакллантиришда соф фискал услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқми ёки солиқларни пасайтириш орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва солиққа тортиш базасини кенгайтириш керакми? Буларнинг қайси бири афзал?

◆ Солиққа тортиш назариясининг энг долзарб муаммоси хусусида А.Эрхард ва А.Лефферларнинг фикрлари қандай?

◆ Солиқ тизими, солиққа тортиш, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари ва уларнинг солиқ сиёсати ҳаётийлигига таъсири нималарда намоён бўлади?

◆ Солиқ сиёсатининг ҳаётийлиги деганда нимани тушунаси?

◆ Солиқ тизими (солиққа тортиш)нинг қандай асосий принциплари мавжуд? Уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида изоҳ бера оласизми?

◆ Солиқларнинг (солиққа тортишнинг) ҳаддан зиёд оғир бўлмаслиги деганда нимани тушуниш керак?

◆ Солиқларнинг (солиққа тортишнинг) солиқ тўловчиларга тушунарли бўлиши нималарни аниқлатади?

◆ Ҳар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлигини билмоғи кераклигини қандай изоҳлайсиз?

◆ Солиқларнинг (солиққа тортишнинг) адолатли бўлиши ва тенг шароитларда турли солиқ тўловчилар бир хил солиқларни тўлаши лозимлиги нимадан дарак беради?

◆ Давлат кўп маблағ сарф этмасдан солиқ ундиришни (йиғишни) уйдаламоғи керак. Бу нима дегани?

◆ Тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларнинг турли хилларидан оқилона фойдаланиш деганда нималар назарда тутилаяпти?

◆ Солиққа тортишни универсallaштиришнинг маъно-мазмуни нимадан иборат?

- ◆ Бир марта солиққа тортиш деганда нимани тушуна-сиз?
- ◆ Солиққа тортиш масаласида илмий ёндашув нимани англатади?
- ◆ Ставкаларни табақалаштириш деганда нима тушуни-лади?
- ◆ Нега солиқ ставкаларининг барқарорлигини таъмин-лаш керак?
- ◆ Солиқ имтиёзлари тизимидан кенг фойдаланиш ло-зимми?
- ◆ Давлат бошқарув даражасига қараб солиқлар тақсим-ланишининг сабаблари нималардан иборат?
- ◆ Манбаларидан қатъи назар барча даромадлардан солиқ тўлашнинг мажбурийлиги нимани билдиради?
- ◆ Солиқ тўловчининг даромади қандай гуруҳларга бўли-нади?
- ◆ Мамлакатдаги манбалардан олинadиган даромадлар-га нималар киради?
- ◆ Бошқа даромадларнинг таркибига нималар кириши мумкин?
- ◆ Амалдаги тартибга биноан нималар солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмаслиги мумкин?
- ◆ Жисмоний шахсларнинг жами даромади нималардан иборат бўлиши мумкин?
- ◆ Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга нималар киради?
- ◆ Мулкий даромадлар нималардан иборат?
- ◆ Моддий наф тарзидаги даромадларнинг таркиби қан-дай?
- ◆ Барча ҳудудий-маъмурий поғоналар учун ягона бўлган умумдават солиқ сиёсатини маҳаллий ҳокимият идора (орган)ларининг умумдават солиқ сиёсати доирасида солиқ-ларга оид қонун чиқариш фаолиятидаги мустақиллиги билан уйғун ҳолда амалга ошириш деганда нимани тушуна-сиз?
- ◆ Ўз фаолияти билан энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётган сама-рали ишлаовчи корхоналарга имтиёз бериш, шунингдек,

хўжалик юритишнинг илғор шакларини рағбатлантириш тизими орқали солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлаш деганда нималар назарда тутилаяпти?

♦ Декларациялар ҳамда танлаб ўтказиладиган текшириш ва тафтишларни уюштириш асосида барча субъектларнинг солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятлари устидан молиявий назорат қилиш, қонунларни бузувчиларга нисбатан иқтисодий чоралар кўриш деганда, энг аввало, нималар ҳал қилувчи аҳамият касб этади?

♦ Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари нималардан иборат? Уларнинг ҳар бирига изоҳ беринг-чи.

♦ Иқтисодиётни тартибга солиш инструменти сифатида солиқлар ва солиқ сиёсати ўртасида қандай боғланиш мавжуд?

♦ Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига давлатнинг молия-бюджет механизми таъсирининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

♦ Давлатнинг рестрикционистик сиёсати нимани билдиради?

♦ Иқтисодиётни тартибга солишда маҳаллий бошқарув органларининг роли қандай?

♦ Алоҳида минтақалардаги ҳудудларда инвестициялар жойлаштирилишининг ўзига хос тарзда рағбатлантирилиши хусусида мисоллар келтира оласизми?

♦ Иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига молиявий таъсир кўрсатиш фақат рағбатлантирувчи характерга эга бўлмасдан, балки тўхтатиб турувчи ёки тақиқловчи характерга ҳам эга бўладими? Мисоллар келтиринг-чи.

♦ Солиқларни ошириш эвазига фақат иқтисодий вазифаларни эмас, балки ижтимоий вазифаларни ҳам ҳал этиш мумкинми?

♦ Солиқларнинг экологик муаммоларни ҳал этишдаги роли қандай?

♦ Давлат иқтисодиётнинг ривожланишига баҳоларни шакллантириш орқали ҳам молиявий таъсир кўрсатиши мумкинми? Буни изоҳлаб беринг-чи.

◆ Солиқ сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларини ҳал қилишдаги роли қандай?

◆ Мамлакатимизга хорижий инвестицияларни янада фалсофа жабб этишга нимаалар тўсқиналик қиляпти?

◆ Холисона халқаро солиққа тортиш концепциясининг учасосий қондаси нимаалардан иборат?

◆ Солиқларнинг ундирилувчанлигини ошириш масаласи солиқ сиёсатида ўз аксини топили керакми?

◆ Қандай муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши солиқларнинг ундирилувчанлигини оширишга хизмат қилиши мумкин?

◆ Солиқларнинг ундирилувчанлигини ошириш учун тадбиркорлик субъектини (фаолиятини) рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни қандай ҳал қилиш керак?

◆ Кредит муассасасида тадбиркорлик субъектининг ҳисоб-китоб счётини очиш тартиби билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечиш солиқларнинг ундирилувчанлигини оширишга ўзининг қандай таъсирини кўрсатади?

◆ Солиқларнинг ундирилувчанлигини оширишда солиққа тортиш фақат лицензион йиғимларни олиш ёки патент учун тўловларни амалга ошириш орқали содир этиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолият турлари рўйхатини аниқлаш борасидаги муаммоларга барҳам бериш қандай роль ўйнайди?

◆ Солиққа тортиш объекларининг фақат бухгалтерия ҳисоби қондалари бўйича (товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш бўйича тушум, баланс фойда ва ҳ.к.) шакллантиришни қонуний тарзда кўзда тутиш, солиққа тортиш мақсадлари учун эса аниқ қонуний актлар асосида ўзгартириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ижобий ҳал этиш билан солиқларнинг ундирилувчанлигини ошириш ўртасида қандай узвий боғлиқлик мавжуд?

◆ Солиқ суммаларининг бюджетга ўз вақтида ўтказилишига тўсқиналик қилаётган банкларга нисбатан тез ва кескин чораларни кўриш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ечимини топиш солиқларнинг ундирилувчанлигини оширишга ўз таъсирини кўрсатадими?

◆ Фойдадан олинadиган солиқ ва бошқа солиқларнинг ставкасини табақалаштириш, тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқлар ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлардан максимал олишши мумкин бўлган фоизнинг даражасини ўрнатиш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилса, солиқларнинг ундирилувчанлиги ошадими?

◆ Солиқларнинг ундирилувчанлигини ошириш жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг техникавий жиҳатдан оддийлигини, қулайлигини ва тушунарлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни оқилона ечишга боғлиқми?

**7-БОБ.****СОЛИҚ ЮКИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ –  
СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ  
МАСАЛАСИ****7.1. Солиқ юки: аниқланиш тартиби, даражаси,  
камайтиришининг нималарга боғлиқлиги,  
тақсимланганлиги**

Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, унинг ривожланиш суръатлари, иқтисодиётнинг ҳозирги аҳволи, унинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган мавжуд муаммолар тўғрисида мулоҳаза юритилаётганда ва бу муаммоларнинг ечими изланаётган пайтда кўпчилигимиз беихтиёр «Иқтисодиётнинг гарданига юкланган солиқ юки оғир. Ҳамма бало ана шунда. Унинг оғирлигини кескин камайтириш керак. Бунга эришсак, олам гулистон! Қолган ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади!» деган «тайёр рецепт»га кўникиб қолаяпмиз. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтиришни назарда тутган ҳолда «Солиқ тизимини ислоҳ қилмасдан туриб иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигига эришиш мумкин эмас!» деб «бонг» ураяпмиз. Бундай «бонг»лар айримларнинг қулоғига мойдек ёқаяпти. Ён атрофга бундоқ астойдил қарамасдан иқтисодиётимизни «даволаш» мақсадида «диагноз»ларни қўйиб ташлаяпмиз.

Ишончингиз комил бўлсин, бундай «диагноз»лардан иқтисодиётимиз «шифо» топаётгани йўқ. Иқтисодиётимиздаги солиқ юкининг даражасига нисбатан «диагноз»ни қўйишдан ёки «тайёр рецепт»ни беришдан олдин бир-икки «нарса»ларни аниқлаштириб олиш керак. Энг аввало, «солиқ юки» деганда нима тушунилади ва у қандай ўлчанади?» деган саволнинг жавобига эга бўлмоқ лозим.

Мамакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибидаги солиқлар миқдорининг ялпи ички маҳсулот миқдори (ҳажми)га

нисбати солиқ юки дейилади.<sup>145</sup> Унга бошқача ҳам таъриф бериш мумкин: давлат харажатларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатига солиқ юки дейилади.<sup>146</sup> Гарчи бу келтирилган таърифлар бир-биридан шаклан бир оз фарқ қилса-да, уларнинг ҳар иккаласи моҳиятан бир нарсани, яъни солиқ юкининг мазмунини характерлайди (белгилаб беради).<sup>147</sup>

Солиқ юки, кўпчилик ўйлаганидек, тўғри маънодаги оғирлик ўлчови эмас. У кўчма маънодаги оғирлик ўлчовидир. Уни тўғри маънодаги оғирлик ўлчовининг бириклари бўлган тонна, центнер, килограмм ёки граммларда ифодалаб бўлмайди. Солиқ юки нисбатнинг ифодаси бўлганлиги учун коэффициентда ёки фоизда ифодаланиши мумкин. Амалиётда солиқ юкининг оғирлигини фоизда акс эттириш қабул қилинган.

Кўпчилик ҳолларда солиқ юки икки хил тарзда (усулда) ҳисобланади (ўлчанади). Биринчи ҳолда солиқ юкини ҳисоблашда фақат солиқларнинг соф миқдори инобатга олинади. Иккинчи ҳолда эса солиқларнинг таркибига бошқа ижтимоий ажратмалар ёки бошқа мақсадли фондларга ажратмалар ҳам қўшиб ҳисобланади.<sup>148</sup> Буларнинг ҳар иккаласи солиқ юкини аниқлашдаги нисбатнинг (қасрнинг) суратини ташкил этган ҳолда, унинг махражи эса иккала ҳолда ҳам бир кўрсаткичга – ЯИМнинг миқдорига (ҳажмига) тенг бўлиши керак.

<sup>145</sup> Афсуски, бу таъриф жаҳон амалиёти ва фанида умумэътироф этилган таъриф бўлишига қарамасдан, Ўзбекистонлик айрим иқтисодчи-олимларнинг изланишларида асоссиз сабабларсиз турлича талқин қилинмоқда. Улар томонидан солиқ юкини пасайтириш (оптималлаштириш) муаммоси осонгина, ҳеч қандай меҳнат талаб этилмасдан, хизмат столи атрофида, солиқ юкини ҳисоблаш тартибини бир оз ўзгартириш орқали, математик йўл билан «исботланиб», «муваффақиятли» ҳал этилмоқда.

<sup>146</sup> Бу таърифнинг кучсиз ёки аниқлаштиришни талаб этувчи жойи қерда?

<sup>147</sup> Нима учун?

<sup>148</sup> Нега шундай қилинади? Бунинг сабаблари нималардан иборат?

Кўриниб турибдики, нисбатнинг суратида икки хилдаги кўрсаткич (бириси кичик, иккинчиси эса катта) акс этиши натижасида бундай ҳолатларда икки хил тарзда ўлчанган (ҳисобланган) солиқ юкининг даражаси (оғирлиги) икки хил бўлиши, табиийдир.

Солиқ юкининг оғирлигини фақатгина мамлакат миқёсида эмас, балки алоҳида олинган тармоқлар, ҳудудлар, корхоналар ёки алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун солиқ юкининг оғирлигини ўлчашнинг умумий тартибига риоя қилиш керак. Бу ерда солиқлар, ижтимоий ёки бошқа мақсадли жамғармаларга ажратмаларнинг миқдорини аниқлашда унчалик муаммо бўлмайди. Фақат тармоқ, ҳудуд, корхона ёки алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар доирасида ЯИМни аниқлашда баъзи бир муаммолар бўлиши мумкин.<sup>149</sup>

«Солиқ юки» деганда нима тушунилади ва у қандай ўлчанади?» деган саволнинг жавобига эга бўлгандан сўнг энди «Солиқ юкининг оғирлиги қандай?» деган саволга ҳам жавоб бермоқ лозим.

Статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда кейинги йилларда мамлакатимиздаги солиқ юкининг оғирлиги 25 – 30% атрофида эканлигини аниқлашимиз мумкин. Бу Ўзбекистон ЯИМнинг шунча қисми солиқларга тўғри келади демакдир. Бу ҳолат бошқа мамлакатларда қандай? Мана улар: Данияда – 60,0%; Швецияда – 58,4%; Норвегияда – 55,3%; Финляндияда – 53,1%; Бельгияда – 51,5%; Голландияда – 51,4%; Австрияда – 47,5%; Португалияда – 45,7% ва ҳоказо.<sup>150</sup>

Бу рақамларни (фактларни) келтира туриб, биз бу ўрин-

<sup>149</sup> Бу муаммолар нималардан иборат? Уларни қандай қилиб ҳал этиш мумкин?

<sup>150</sup> Бу рақамлар маълум бир санадаги ҳолатни ўзида акс эттиради. Уларни қотиб қолган ёки ўзгармайдиган рақамлар сифатида эътироф этманг. Ҳаётнинг ўзи доимо ўзгарувчан бўлганлиги учун бу рақамлар ҳам ўзгариб (ошиб ёки пасайиб) туриши мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан, гап бу ерда айрим хориж мамлакатларида солиқ юкининг нисбатан анча юқорилиги ва бу нарсанинг улар иқтисодий ҳаётида биздагидек ўткирлик касб этмаётганлиги ҳусусида кетаяпти.



да «Бизда солиқ юки оғир деб нега дод солаясиз? Бундоқ теваарак-атрофга қарасангиз-чи?!» демоқчи эмасмиз. Уларни қайд этишдан мақсадимиз ҳозирча қуйидаги саволни жавоб топиш: солиқ юкининг оғирлиги Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардош эмаслигида «ключевой рол»ни ўйнаётган экан, нега юқорида биз келтирган давлатларнинг иқтисодиёти рақобат деган нарсани назар-писанд қилмапти? Гап бошқа жойда эмасмикан, нима дедингиз?

Сиз билан бизга қўйиб берса, солиқ юкининг оғирлиги қанча паст (кам) бўлса, шунча яхши. Ахир, биз ҳам тирик жонмиз. Енгиллик кимга ёқмабди? Лекин масаланинг бошқа томонлари ҳам бор-ку! Уларни инобатга олмаймизми? Ҳеч бўлмаганда, инсоф билан яна бир масалага аниқлик киритиб олайлик, яъни: «Солиқ юкининг оғирлиги қай даражага етгунга қадар чидаб туриш мумкин?»

Тўғриси айтиб қўяқолайлик: масала бу шаклда қўндаланг қўйилганда «Нимасини айтасиз? Солиқ юкининг оғирлиги «бир грамм» бўлганда ҳам чидаб бўлмайди!» дегувчилар кўплаб топилади. Ҳамон «Ўз пешона терим билан топган ва она сутидек ҳалоо бўлган даромадимнинг бир қисмини солиқлар шаклида нега давлатга беришим керак?» деган фикрда бўлган ёки шундай кайфиятда юрганлар ҳам орамизда йўқ эмас.

Бундан ташқари, «Солиқ юкининг оғирлиги қай даражага етгунга қадар чидаб туриш мумкин?» деган саволнинг жавоби изланаётган пайтда алоҳида олинган мамлакат иқтисодиётининг умумий аҳволи ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Биз бу ерда «алоҳида олинган мамлакат иқтисодиётининг умумий аҳволи» деганда, оддий сўзлар билан айтиладиган бўлса, шу мамлакат иқтисодиётининг «бақувватлиги» ёки аксинча, «нимжонлиги»ни назарда тутаямиз. Табиийки, бундай вазиятда иқтисодиёти бақувват бўлган мамлакат нисбатан оғирроқ бўлган солиқ юкини кўтаришга тайёр бўлса, аксинча, иқтисодиёти нимжон бўлган мамлакатда солиқ юки паст бўлган даражада ҳам унинг тиззаси қалтираши мумкин. Шу боис «Солиқ юкининг оғирлиги қай даражага етгунга қадар чидаб туриш мумкин?» деган саволга

барча мамлакатлар учун ягона бўлган «рецепт»ни бериб бўлмайди.

Шундай бўлишига қарамасдан, энг умумий тарзда, фанда солиқ юкининг оғирлиги 30 – 33%га етгунга қадар унинг бу даражаси (айрим мамлакатларнинг тажрибаси бундан мустасно) ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмаслиги исботланган. Бунинг айнан шундай эканлигини амалиёт ҳам тасдиқлайди. Хуллас, оддий тилда айтсак, солиқ юкининг оғирлиги 30 – 33%га етгунга қадар чидаса бўлади.

Лекин шу ўринда сиз билан биз ҳавас қилаётган ва юқорида келтирилган давлатлардаги солиқ юкининг оғирлик даражасига яна бир бор эътибор берилишини истардик. 60,0%лик солиқ юкини кўтариб келаётган данияликларнинг жони тошданмикан? 58,4%лик солиқ юкига эга бўлган шведлар нега дод солишмаяпти? 55,3%лик солиқ юкининг оғирлигини кўтариб келаётган норвегияликларнинг оғзига толқон солинганми? Нега 53,1%лик солиқ юкига эга бўлган финлар «оҳ-воҳ» чекишмаяпти? Ҳар бирлари 50%дан ортиқроқ даражадаги солиқ юкининг остида бўлган голландлар ва бельгияликлар нега жим?..

Олдимизда бу саволлар кўндаланг бўлганда «фиқ» дея олмайд қолсак-да, барибир ўз билганимиздан қолмаймиз. «Олдин солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтиришимиз керак!» деган фикрни илгари сураверамиз. Бундай фикрни илгари суриш авжга чиққан пайтда «Бундан 10 – 15 йил олдин солиқ юкининг оғирлик даражаси қандай эди? Ҳозир қанча? Оғирлик оширдими ёки камайибдими? Камайган бўлса қанчага камайибди? Ҳадеб камайтираверсак, бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин? Доимий равишда камайтираверишнинг ўзи иложи борми ёки йўқми?» ва ҳоказо шунга ўхшаш саволларга олдин жавоб бериб, кейин шундай фикрни илгари суришимиз кераклиги «негадир» эсдан чиқади.

Бир вақтнинг ўзида олдин биз юқорида келтирган мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиб, «Нега буларда солиқ юки бунчалик оғир-у, лекин улар ҳаммасининг нафаси ичи-

да? Уларнинг тадбиркорлари «Солиқ юкининг оғирлиги бурнимизни ерга тегдириб қўйяпти!» деб нега дод солишмаяпти? Нега уларда «Солиқ юкини кескин камайтириш керак!» деган таклифлар билан чиқилямаяпти? деган саволлар устида бош қотириб, ундан сўнг «маслаҳат» берилса, яхши бўлмасмиди?

Солиқ юки оғирлигининг кескин камайрилиши «дардимизга даво» экан ва биз шунини истар эканмиз, ўзимизни ўзимиз ҳурмат қилиб, дўппимизни астагина пастга олиб қўйиб, ҳеч бўлмаганда, «Солиқ юкининг оғирлигини камайтириш нимага боғлиқ экан?»<sup>151</sup> деган саволга жавоб истасак, асакамиз кетмас. Ҳа, айтгандай, солиқ юкининг оғирлигини камайтириш нимага боғлиқ?

Бу саволнинг минг битга жавоби бор. Лекин биз бу ўринда уларнинг ҳаммасини санаб бериб, бошингизни қотирмоқчи эмасмиз. Энг асосий ва муҳим жавобни бермоқчимиз: солиқ юкининг оғирлигини камайтириш бюджет харажатларининг ҳажмига (миқдорига) боғлиқ. Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджет (давлат) ҳисобидан қилинадиган харажатларни камайтиришга рози бўлсак, давлат ҳам ўзининг солиқ сиёсатида ҳўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) зиммасига юкланган солиқ юкини камайтириш (пасайтириш) билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни амалга ошираверади. Математик тилда айтадиган бўлсак, солиқ юкининг оғирлиқ даражаси ва бюджетдан қилинадиган харажатларнинг ҳажми (миқдори) ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик бор. Бюджетдан катта ҳажмдаги харажатларнинг қилиниши, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ юкининг нисбатан оғир бўлишини тақозо этади ва аксинча.

Шундай экан, «Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керак!» деяётганлар энди, мантиқнинг тегишли қоидаларига риоя қилган ҳолда, «Бюджетдан қилинаётган

<sup>151</sup> Савол бу тарзда қўйилганда солиқ юкининг оғирлигини камайтириш иш столи атрофида ўйлаб топилган ва уни аниқлаш учун «фалончини қўшиш ёки лислончини айириш керак» қабилидаги сунъий жавобларга боғлиқ эмас.

харажатларни ҳам кескин камайтириш керак!» деб айтишлари лозим. Бундай дейишга асослари бормикан? Айтинг, шу кечаю кундузда бюджетдан қилинаётган харажатларнинг қай бири мутлақо кераксиз? Қайси бирини кескин қисқартирайлик?

Бюджетдан маориф соҳасини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни кескин қисқартирайликми? Унда илм даргоҳларининг ҳоли не кечади? Зиё тарқатаётган, «кўр» кўзимизни очаётган муаллим-устозларимизнинг кўзига қандай қараймиз? Шундоқ ҳам илм даргоҳларининг аҳволи, мустақиллик йилларида кескин ва ҳайрон қоларми даражада ишлар қилинган бўлишига қарамасдан<sup>152</sup>, ҳамон кўнгиладегидек бўлмаган ва ундаги ходимларнинг қилган меҳнатлари етарли даражада муносиб тақдирланмаётган бир пайтда бу ишни қилсак қандай бўларкан? Ўзимизнинг оёғимизга ўзимиз болта урмасмиканмиз?

Балки соғлиқни сақлаш соҳасини бюджетдан молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни кескин қисқартириш керакдир? Унда даволаниш масканларидаги аҳволни қандай яхшилаيمиз? Шифо топишимиз учун керак бўладиган тиббиёт ходимларини қаердан топамиз? Турли объектив сабабларга кўра молиявий аҳволи ночорлар ҳаёт учун

<sup>152</sup> Мустақиллик шарофати ила яратилган ҳозирги шароитни собиқ шўролар давридаги қуйидагилар билан бир таққосланг: қишлоғимизда «Искра» номи 33-сонли бошланғич мактаб бўлиб, у бор-йўғи икки синфхонадан иборат эди. Синфхоналарнинг ҳар бирида икки қатордан парталар жойлаштирилиб, битта синфда унинг 1-қаторида 1-синф, 2-қаторида эса 3-синф ўқувчилари, иккинчи синфхонада эса унинг 1-қаторида 2-синф ва 2-қаторида 4-синф ўқувчилари таълим олишарди. Ажратилган 45 минутнинг ярми 1-синфга, қолгани эса 3-синфга бағишланарди. 2- ва 4-синф ўқувчиларига нисбатан ҳам худди шу тарзда «дарс» ўтиларди. Синфхоналар «пол» қилинмагани учун танаффусдаги шўҳликлар эвазига чанг айрим ҳолаарда шифтгача чиқар ва бир-биримизни танимасдан қолардик. Мактабнинг томи оддий лой билан сувалгани учун баҳор ва қиш ойларида «чакки» (томчи) ўтмаган кун бўлмасди. Ўз қишлоғимизда каттароқ мактаб биноси бўлмаганилиги учун 5 – 8-синфни қишлоғимиздан 5 км, 9 – 10-синфни эса 7 км наридаги қишлоқлардаги мактабларда яқун қиддик (Т.Мааликов).

жон талашиб ётган бир пайтда оддий, бераҳм, тошбағир томошабин бўлиб ўтираверамизми?

Беморлар устида мураккаб операциялар оддий қайчи-пичоқ билан қилинмайди. Бундай ҳолларда «куф-суф» ҳам «ёрдам» беролмай қолади. Нима қиламиз? Падари бузрукворимизни ёки жигарбандимизни кўтариб хориятга чопамизми? Қачонгача?!

Шу ва шунга ўхшаш бошқа мақсадлар учун зарур бўлган тиббиётнинг замонавий асбоб-ускуналарини шу мақсадлар учун бюджетдан қилинаётган харажатларни кескин қисқартириш эвазига сотиб олишнинг иложи йўқ. Сеҳргарлик қилиш эса қўлимиздан келмайди.

Маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари учун мўлжалланган харажатларни кескин қисқартирайликми? Бизда бу соҳаларда бозор иқтисодиётининг қонун-қоидалари тўлиқ амал қилишига ҳали етти қовун пишиги бор. Улар инобатга олинадиган ва шунга мос равишда ўз ҳолига ташлаб қўйиладиган бўлса, ҳеч ким китоб ўқимай қўяди. Театрга ҳамма ҳам киравермайди. Олдин ўз ҳисобидан пулини тўлаб қўйиб, ундан сўнг спорт билан шуғулланиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Газета ва журналларнинг олдига яқинроқ боравермаймиз ва ҳоказо.

Энди ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг: юқоридагилардан маҳрум бўлганларнинг ҳоли не кечади? Бу ёруғ дунёда маданият, спорт ва оммавий ахборот воситаларининг «мева»ларидан бебаҳра яшаётган мавжудотни ким деб аташ мумкин? Ахир, яшайдан мақсад фақат қорин тўйдириш эмас-ку!

Ана шундай шароитда маданият, спорт ва оммавий ахборот воситаларини молиялаштириш билан боғлиқ харажатларнинг кескин қисқартирилиши улар фаолияти доирасининг ҳам кескин қисқаришига, бу эса, ўз навбатида, мафкуравий бўшляқнинг вужудга келишига олиб келмай-дими? Мафкуравий бўшлиқ бор жойда қандай хавфнинг вужудга келиши мумкинлигига ақлимиз етса керак. Бундай бўшляқни кимлар эгаллашга шай турганлиги ҳаммамизга аён. «Харажатларни кескин қисқартириш керак»,

деяётганда масаланинг бу жиҳатларини ҳисобга олмаймизми?

Фанни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни кескин қисқартирсак, нима бўларкан? Ҳар қандай жамият тараққиётини фаннинг ривожланиши белгилаб беради. Бу ҳеч кимга сир эмас. Бунинг айнан шундайлиги исбот талаб этмайди. Ривожланган мамлакатлар тараққиёт даражасининг негизида нима ётибди? «Япон мўъжизаси»нинг асосини нима ташкил этади? Жануби-Шарқий Осиёдаги бир неча мамлакатлар нисбатан қисқа вақт ичида «Осиё йўлбарслари» номига ниманинг эвазига эришди?

Саволлар бу тарзда қўйилганда «Фан!» деб жавоб беришдан ўзга иложимиз йўқ. Ўша мамлакатларда фаннинг тараққий этиши оддий кўшиқ айтиб ўтириш эвазига бўлмагандир? Қисқаси, улардаги фан-техника тараққиёти отнинг калласидек маблағни сарфлаш эвазига қўлга киритилган. Шу мақсад учун сарфланган маблағлар миқдорининг катталигини билиш сизга насиб этса, «Ёпирай» деб ёқа ушлашингиз турган гап.

Бюджетдан ижтимоий таъминот мақсадлари учун мўлжалланган маблағларни кескин қисқартирайликми? Балки аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни бюджетдан қоплаш амалиётига чек қўйиш керакдир? Ёки кўп болали ва кам таъминланган oilаларга нафақалар беришни тўхтатиш лозимдир? Ҳали оёғимиз ердан узилмаган бўлса, осмону фалакка учиб кетмаган, шу заминда заҳматкаш Ўзбекистон халқи билан биргаликда нафас олаётган, калондиморликдан нарироқ юрадиган бўлсак ва озгина бўлса-да ўзимизни Ўзбекистондаги ҳақиқий вазиятдан бохабар инсон деб ҳисобласак, юқоридаги мақсадлар учун бюджетдан қилинадиган харажатларни кескин қисқартириш керак деган «оригинал тақлиф»ни беришга тилимиз бормаслигига ишончим комил.

Биз учун балки бюджетдан иқтисодийётга ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга қилинаётган харажатлар керак эмасдир? Фуқароларнинг маълум бир гуруҳи (чунки бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермай-

ди) ўзининг хусусий ёки шахсий манфаатига мос келадиган бизнесни ривожлантириш билан ўзини овутса, пулни пулга уриштириб, пул тўғдириш билан банд бўлса, унда умуммиллий, умумдават ва умумхаалқ манфаатларига мос келадиган ишларни ким қилади? Ишончингиз комил бўлсин, четдан бундай ишларни Сэм ёки Жорж амаки биз учун келиб, текинга қилиб бермайди. Ўзбекистоннинг ана шундай манфаатларига «Мана мен хизмат қиламан!» деб, белини маҳкам боғлаб турган мард хорижда йўқ, «Эй худо! Ишқилиб Ўзбекистоннинг иқтисодиёти гуркираб ўссин! Ўзбекистон гуллаб-яшнасин!» деб илтижо қилаётган художўй ҳам ўзга юртларда деярли топилмайди.

Бюджет харажатларининг маълум бир қисми давлат ҳокимияти, бошқарув ва ҳуқуқ-тартибот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлашга сарф қилинапти. «Бор-э!» деб шу харажатларни кескин қисқартириб юборсак, нима бўларкан? Шу нарсалар (органлар) бизга керакми ўзи? Уларнинг баҳридан ўтсак, эртасидан бошлаб ақлимиз кириб, мусичаи беозордек бўлиб, ўрнатилган тартиб-қоидаларга кўр-кўрона итоат қилишни бошлаймизми? Ўзимизнинг зиммамизга юклатилган мажбуриятларимизни итоаткорона, қуловимизни сира қимирлатмасдан, «ғиринг» демасдан бажарамизми? Бошқа бировларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишни тақа-тақ тўхтатамизми? Ўзгаларнинг ҳақиға хиёнат қилиш, жиноятчилик ва ҳоказолар барҳам топадими?..

Ёки шу органларга бюджетдан маблағ ажратмасдан, уларни «самофинансирование»га (ўз-ўзини молиялаштиришга) ўтказиш мақсадга мувофиқдир? Унда сиз билан бизнинг шўргинамиз қуримайдими? Қордан қочиб, ёмғирга тутилмайми? Юқоридаги органларнинг олдига бориб қўшиқ айтиб берсак, бизнинг ҳожатимизни чиқариб бермас?!

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасини яратиш ҳам бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бу захира жамғармасининг нима учун мўлжалланганлигидан беҳабарларга содда қилиб айтиб қўяйлик: жамғарма эҳтиёт шарт учун, кўзда тутилмаган харажатларни қоплашга, жум-

мдан, сиз билан бизни турли бало-қазолардан асрашга, табиий офатлар натижасида кўрган зарарларимизнинг бир қисмини оператив равишда қисқартиришга мўлжалланган. Ахир, доно халқимизда «Ёзда ёпинчингни қўйма, қишда ўзинг биласан!» деб бекорга айтилмаган-ку!

Бунинг устига ёмғирлар туфайли сув тошқини содир бўлганда ўзининг шахсий жамғармасидан 1,0 млн евро миқдоридида маблағ ажратиб, «Халқимнинг дардига малҳам бўлай!» деб оёғини қўлга олиб чопадиган Шумахерлар бизда ҳали-ҳамон йўқ. Шунинг учун ҳам бу муаммони ҳал этиш давлатнинг зиммасида. Ҳодиса содир бўлганда (аввало, Худонинг ўзи асрасин!) сиз билан биз қўлни чўнтакка тиқиб, «Энди нима қилдик?» деб ёки иложсизликдан бошни қашиб ўтирганимизда давлатнинг ҳам шундай ҳолда иш тутишига ҳаққи йўқ. У бунга тайёр туриши керак ва тураятти ҳам. Шундай пайтда телевизор экранлари орқали намойиш этилаётган ёки газета саҳифаларида баён қилинаётган ва табиий офатлар натижасида йиллаб чодирларда ҳаёт кечираётган ёки бир тоғора тоза ва иссиқ сувга зор бўлаётган халқларнинг аҳволига (уларнинг умидсиз жовдираган кўзларига) бир назар солиб қўйсангиз, фойдадан холи бўлмас.

Бюджет харажатларининг маълум бир қисми мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ҳам сарф қилинапти.<sup>153</sup> Бу харажатларни кескин қисқартириш ниятида бўлганлар юртимиздаги тинч-осойишталикка ўздан ўзи эришилаётганлигини эсдан чиқариши керак эмас. Мамакатда осойишталик тинчлик ҳусусида фақат хаёл суриш ёки ваъз ўқиш эвазига таъминланмайди. Бунинг учун чегара-сарҳадларимизни мустаҳкамлаш, замонавий қурола-

<sup>153</sup> Бу харажатлар ҳар йили қабул қилинаётган бюджет параметрларида алоҳида тарзда акс этмаган бўлишига қарамасдан, ўқувчиларимиз баъзи бир сабабларга кўра унга алоҳида «қизиқиш» билан қарайдилар. Бундай вазиятда ҳар қандай оиланинг (давлатнинг) ўзига хос «сири» борлиги, ҳамма нарсанинг ҳам «дастурхон» қилавериш мақсадга мувофиқ эмаслиги, унинг бошқа томонлари ҳам бор эканлиги, айрим ҳолларда шундай иш тутишнинг ниҳоятда «қиммат»га тушиб қолиши мумкинлиги эсдан чиқмаслиги керак.



аслаҳа ва техника сотиб олиш, ҳарбий қўшинларимизнинг шахсий таркибини бақувват қилиб тайёрлаш ҳам керак. Буларнинг ҳаммаси ҳаводан олинмайди. Уларга эришиш каттагина миқдордаги «мулла жиринг»нинг шу мақсадлар учун ажратилишини тақозо этади.

Бугун ҳеч бир нокас сарҳадларимизга тумшугини тиколмаяпти. Ҳар қандай зўравон четдан келиб, бир тепиб бурнимизни қонатолмаяпти. Юргимизга хўжайинлик қилмаяпти. Она тупроғимиз оёқ ости бўлмаяпти. «Эртага нима бўларкан?» деб ташвишга тушаётганимиз йўқ. Тизгинимизни ўзгаларнинг қўлига бериб қўймасдан, тинч-осойишта ҳаёт кечираяпмиз.

Мана, ҳозирги шароитда солиқ юкининг оғирлигини камайтириш, энг аввало, бюджетдан қилиниши лозим бўлган харажатларнинг миқдорини камайтиришга боғлиқлиги ва шу кеча-кундузда уларни кескин қисқартириш нималарга олиб келиши тўғрисидаги жайдари фикр-мулоҳазаларимиз ана шулардан иборат. Назаримизда, ҳозирги кунда солиқ юкини камайтириш учун бюджет харажатларини кескин қисқартиришдан кўра ундан-да муҳимроқ бўлган яна бир масалага аниқлик киритмоқ лозим. Бу масала қўйидагидан иборат: солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида қандай тақсимланган?

Минг афсуски, бу саволга жавоб бераётиб, «Солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида адолат тарозисига мувофиқ равишда тақсимланган», дея олмаймиз. Талимиз бунга бормайди. Бундай дейишга виждонимиз ҳам йўл қўймайди. Ўрни келганда, уялаемиз ҳам. Шу тарзда жавоб берсак, бизнинг бу фалсафамизга (сафсатамизга) кўпчилик ишонмаслиги аниқ.

Теварақ атрофимизга, сиртдан бўлса-да, назар ташлаб ҳамманинг ҳам бир хилда солиқ тўламаётганини аниқлашимиз сиз билан биздан унчалик кўп ақани талаб этмайди. Кузатишлар ва таҳлил қилишлар натижасида кимларнингдир қонунда белгиланган солиқларни ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлиқ тўлаб қўяётганликларини аниқлашимиз мумкин. Бу тоифадагилар солиқни бировнинг ҳақи деб билишади. Унга хиёнат қилиш ноинсофликдан бошқа нарса

эмаслигини улар алақачон англаб етишган. Шунинг учун ҳам ўз ҳаракатларини шунга монанд равишда қилишади.

Минг афсуски, бу тоифадагиларнинг сафи кенг эмас. Шундай бўлса ҳам давлатимиз инсоф қилиб келаяпти. «Борига – барака!» деяпти. Бундайларни худонинг ўзи ярақасин, уларнинг бирини минг қилсин!

Иккинчи тоифадагилар қонунда белгиланган солиқларни тўлаш зарур эканлигини ҳамма вақт ҳам ҳуш кўришавермайди. Иложи бўлган жойда уни белгиланганидан камроқ тўлашга ҳаракат қилишади. Бу йўлда турли-туман «нарма-усул»лардан фойдаланишдан тап тортишмайди. Солиқларни иложи борича камроқ тўлаш имкони бор жойда улар ўзларини жардан (томдан) ташлашга тайёр. Улар солиқларни иложи борича камроқ тўлашнинг минг бир «вариант»ини алақачон топиб қўйишган. «Ихтиро»лар ёки «кашфиёт»лар шу даражадаки, айрим ҳолда ёқангизни ушлаб, қойил қолмасдан ўзга иложингиз йўқ.

Надоматлар бўлсинки, бу тоифага кирувчи солиқ тўловчиларнинг сони анчагина.<sup>154</sup> Буни давлат билса-да, ҳамон чидаб турибди.<sup>155</sup> Уларнинг ҳеч бири қон қақшатилаяпти. Қатагон қилинмаяпти. «Буларга ҳам бир кун инсоф кириб қолар!» деб арғамчини кенг ташлаб қўйибди. Бундайларга худонинг ўзи инсоф берсин!

Учинчи ҳолдагилар солиқ тўлаш борасида қарғишга учраганлардир. Зиғирча солиқ суммасини «фалокат босиб»

<sup>154</sup> Маълум бир санада мамлакатимиздаги бу «анчагина»нинг қанча эканлигини билиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органаарига мурожаат қилишнинг ўзи етарли. Бу нарса сизга қийин бўлса, оммавий ахборот воситалари, жумладан, «Солиқ тўловчининг журнали», «Солиқ ва божхона хабарлари», «Солиқ инфо» газеталари орқали эълон қилинаётган материаллардан ҳам жавоб топиш мумкин. Борди-ю, Ўзбекистон Республикаси Ўш прокуратураси қошидаги тегишсан департаментнинг маълумотлари қўлингизга тушиб қолса, вазиятнинг қанчалик мураккаблиги сизга янада аниқроқ маълум бўлади-қолади.

<sup>155</sup> Бу фикрни «Давлат ўз функцияларини етарли даражада бажармаётган экан-да!» мазмунида талқин қилманг.

тўлаб қўйсалар, ўша кеча уларга уйқу ҳаром. Улар солиқларни тўламаслик учун аллақачон қаловини қалаштириб қўйганлар. Нима бўлса бўлсин, ишқилиб, солиқ тўламасалар бўлади. Конституциямизнинг 51-моддасида «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар», деб акс эттирилган тартиб етти ухааб, уларнинг тушига ҳам кирмаган. «Конституцион бурч» деган тушунча улардан жуда йироқда. Солиқларни тўлаш ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги улар учун бегона. Дунёда фақатгина ўлимдан эмас, балки солиқларни тўламасликдан ҳам қочиб қутулишнинг иложи йўқ эканлиги улар учун бир тийин.

Таассуфки, орамизда бундайлар ҳам йўқ эмас.<sup>156</sup> «Хурмача қилиқ»ларини билса-да, давлат ҳанузгача уларнинг ҳиқилдоғидан олаётгани йўқ. Солиғини тўламагани учун уларнинг мол-мулкани мусодара қилмаяпти. Ўзини эса олиб бориб «тиқиб» ҳам қўймапти.<sup>157</sup> Нега? Чунки бу дунё – ҳисобли дунё. Давлатни лақиллатаяпман, деб ўйламанг. Шундай ўйлаётган бўлсангиз – чучварани хом санабсиз. Бир кун келиб барибир ҳисоб берасиз. Ҳозирча «Бундайларнинг юзини ҳудожинг ўзи тескари қилсин!» деб турайлик-чи, оқибати нима бўларкин?

Солиқ юкининг амалда тақсимланишига оид ҳақиқий вазият ана шундай. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: бундай вазиятда солиқ юкининг асосий оғирлиги кимнинг зиммасида? Ким бурни ерга теккудек бўлиб, белини ҳам қилиб, пешонасидан шода-шода терини тўкиб, солиқ юкининг асосий оғирлигини тортаяпти-ю, ким тараллабедод қилиб юрибди? Солиқларни ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлиқ тўлаб келаётганлар аслида солиғини қисман тўлаётган ёки

<sup>156</sup> Бу тасдиқ қуруқ гап эмас. Улар ҳам далилларга асосланган. Ёки сиз бунга шубҳа билан қарайсизми?

<sup>157</sup> Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Бир ҳаракат қилиб кўрингчи, улар нималардан иборат экан? Шундай вазиятнинг вужудга келишини фақат молия, солиқ, суд, прокуратура органларининг кучсизлигига йўйманг! Булар менинг вазифамга кирмайди, деб ўзимизнинг томошабин бўлиб ўтирганимиз ҳам эсдан чиқмасин!

умуман тўламаётганлар зиммасига юкланиши керак бўлган солиқ юкни ўзларининг зиммаларига қўшимча равишда олишмаяптими? Бундай шароитда қуйидаги саволнинг кун тартибига қўйилиши табиий: солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида текис тақсимланганда, вазият қандай бўлар эди?

Саволни бу шакл ва мазмунда қўйилиши барча солиқ тўловчиларнинг бир хил миқдорда (суммада) солиқ тўлаши кераклигини аниқлатмайди. Оддий тилда айтадиган бўлсак, объектив равишда чўнтаги қаппайганлар – кўпроқ, чўнтаги почорлар эса – камроқ; бойлар – кўпроқ, камбағаллар эса – камроқ; салоҳияти кучлилар – кўпроқ, салоҳияти кучсизлар эса – камроқ ва ҳоказо солиқ тўлашлари керак. Шунинг учун ҳам солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида текис тақсимланиши солиқларнинг барчанинг аҳволига бир хил таъсир кўрсатиши орқали ифодаланади. Бошқача айтганда, солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида бир хил тақсимланиши уларнинг манфаатларига бир хил даражада таъсир кўрсатишини аниқлатади.

Солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида текис тақсимланишига эришилса, бу нарса бировнинг хонавайрон бўлишига, бошқа бировнинг эса гулаб-яшнашига олиб келмайди. Бировнинг бурни ерга тегиб, бошқа бировнинг димоғи кўкка етмайди. Биров айшу ишратда, бошқа биров эса гаму кулфатда яшамайди. Биров пулга кўмилиб, бошқа биров эса бир тийинга зор бўлмайди.

Энг асосийси, солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида бир текис тақсимланиши натижасида мамлакат миқёсида умумий солиқ юкининг томонлар (давлат ва солиқ тўловчилар) манфаатларига (аҳволига) зиён етказмасдан пасайтирилишига эришилади. Бизга шу нарса керак эмасмиди?!

Шу ўринда яна бир саволга аниқлик киритайлик: солиқ юкининг оғирлигини ҳамма вақт ҳам салбий маънода талқин қилиш ўринлими?

Биз шунга кўникиб қолаяпмиз. Солиқ юки қанча юқори бўлса, шунча ёмон ва аксинча, деб ўйлаяпмиз. Бизнингча, бундай эмас. Назаримизда, солиқ юкининг оғирлигини фақат салбий маънода талқин қиладиганлар, уни ҳаммага «ола-

бўжи» сифатида кўрсатишга ҳаракат қилаётганлар дарёга фарқ бўлаётганларнинг оддий хасга ёпишишларини эслатишади. Енгилгина хас дарёга фарқ бўлаётганларни кутқариб қола олмаганидек, ўринсиз солиқ юкининг даражасига ёпишавериш ҳам сиз билан биз кутаётган натижани бермайди.

Шу ўринда 25 – 30%ли солиқ юки оғирлигининг дастидан «дод!» деяётганлар 50 – 60%ли солиқ юкини мардларча кўтариб, рақобатбардош иқтисодиётга эришганлардан ўрناق олса, арзимайдими? Шунинг учун зиммамиздаги солиқ юкининг оғирлик даражасини фақат салбий маънода талқин этиб, доим унинг гўрига гишт қалаш инсофдан бўлмаса керак.

Ва ниҳоят, юқоридаги тарзда мулоҳаза юритишдан ёки «қиссадан – ҳисса» нимадан иборат?.. Яқинда бир мақола ўқиб қолдим. Мақола муаллифи мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган йиллик ўртача даромад 3000 АҚШ долларида ошмаётган мамлакатлар учун солиқ юкининг оптимал даражаси 15% бўлиши кераклиги, масалан, иқтисодиёти «феноменал» суръатлар билан ривожланганда Хитойда солиқ юкининг даражаси 36%дан 13%гача пасайтирилганлиги, бу масалада Голландиядан эмас, балки юқори ўсиш суръатларига эга бўлаётган Қозоғистон, Арманистон, Таиланд, Гонконг ва бошқа шунга ўхшаш мамлакатлардан ўрناق олишга (таққослашга) чақирапти.

Назаримизда, бу мамлакатлардан солиқ юкини пасайтириш масаласида ўрناق олмасак, улар хафа бўлишмас. Чунки иложимиз йўқ. «Нега?» дейсизми? Бунинг минг бир сабаби бор. Биттагинасини айтиб қўяқолайлик: солиқ юкининг даражасини 13%гача пасайтирган Хитойда ҳар бир оилада ҳеч бўлмаганда 2 киши (эр ва хотин) ишлаб, бир киши (фарзанд) «Ейман!» деб оғзини очиб турган эди. Бизда-чи? Бир киши (эр ёки хотиндан бирови) ишлаб, ўртача 4 – 6 киши (фарзандлар ва ...) шундай деб турибди.

Энг муҳими, бу масалани ҳал этиш жараёнида Президентимиз томонидан доимо таъкидлаб келинаётган ва яна бир марта Конституциямиз қабул қилинганлигига 13 йил тўли-

ши муносабати билан ўтказилган тантанада баралла янграган «Оддимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда «Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун» деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак», деган сўзлар ҳар биримизнинг қулоғимизга қўроғошиндек қўйилган бўлиши ва хатти-ҳаракатларимиз шунга мос бўлмоғи лозим.

Маъзур тутасиз, шунинг учун ҳам солиқ юкининг оғирлигини сиз айтганингиздек бирданига кескин камайтира олмаимиз. Бу масалада «Хўрозқанд хорижники экан!» деб, ётиб олиб ялайвериш бизга тўғри келмайди. Масаланинг барча томонларини пухта ўйлашимиз керак. Ҳеч бир нарсани (тақдирни) эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Ипидан-игнасиғача пухта ҳисоб-китоб қилишимиз зарур. Ундан сўнг ҳамма нарсани, Президентимиз айтганидек, тарозининг икки палласига қўйиб, етти ўлчаб, бир кесишимиз керак. Бунинг номини солиқ юкини аста-секинлик билан, босқичма-босқич пасайтириб бориш дейилади. Ва биз шундай қилаяпмиз ҳам.

Яна бир нарсa. Бизнинг юқоридаги фикрларимиздан «Ўзбекистон солиқ тизими идеал! Ўрнатилган солиқ юкининг даражасига оид ҳеч қандай муаммолар йўқ! Муаллиф солиқ юкининг пасайтирилишига қарши! Энг самарали солиқ сиёсати юргизилаяпти!» деган хулосалар келиб чиқмаслиги керак. Бунақанги фикрларни билдиришдан биз жуда йироқмиз. Ва яна «Муаллифнинг ўзи солиқ тўламаса керак-да! Бели оғримаганининг нонни ейишини кўринг, қабилади иш тутибди!» деган хаёлларга ҳам борманг.

Беайб Парвардигор! Боз устига солиқ тизимимиз, амалдаги солиқ юки ва солиқ сиёсати ҳам фаришта эмас. Уларнинг кучсиз жойлари, камчилигу нуқсонларининг қаерда эканлигини ўзимиз жуда яхши биламиз. Билмасак, билдирадиганимиз бор. Билишга ҳаракат ҳам қилаяпмиз. Ўқияпмиз. Таҳлил қилаяпмиз. Мушоҳада юритапмиз. Ўрганаяпмиз. Лекин хулоса чиқаришга шошилаётганимиз йўқ.

«У ерда ундоқ экан!», «Бу ерда бундоқ экан!», «Бизда ҳам шундай бўлиши керак!» деб хулоса чиқариб, ҳар томонга сак-

раш бизга тўғри келмайди. Қолаверса, ҳар қандай муסיқани йўрғалайверадиган раққос ҳам эмасмиз. Бу масалада ҳам оқилона йўлни топишда ота-бобомиздан қолган «Мусулмончилик – аста-секинчилик!» деган пурҳикмат ақидага оғишмай амал қилаверамиз. Истасангиз – шу, истамасангиз...

## **7.2. Солиқ юкини камайтиришнинг мувозарали масалалари**

Солиқ юкининг пасайтирилиши, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) ихтиёридан солиқлар шаклида бюджет ихтиёрига олинаётган маблағлар бир қисмининг шу субъектлар (солиқ тўловчилар) ихтиёрига қолдирилишини англаатади. Бу эса, ўз навбатида, шунча миқдордаги маблағларнинг бюджетга бориб тушмаганлиги билан баробардир. Бундай вазиятда солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджетга бориб тушмайдиган маблағларни бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан компенсация қилиш (қайта тиклаш, ўрнини тўлдириш, қоплаш) масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда иқтисодчи олимлар томонидан бундай «компенсация қилиш»нинг бир неча вариантлари (йўллари) кўрсатилмоқда. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Солиқ юкининг пасайтирилиши автоматик равишда ишлаб чиқаришнинг жонланишига, ривожланишига ёки кенгайишига олиб келадиги, бу нарса, охир-оқибатда солиқ тўловчилар сонининг ортиши, солиққа тортиш объекти (базаси)нинг кенгайиши, кўпайиши (ортиши)ни таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, солиқ юкининг пасайиши натижасида «йўқотилган» маблағларнинг бюджет учун компенсация қилишни таъминлаши мумкин.

Мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этишда солиқ юкини пасайтиришни асосий «даво чораси» сифатида талқин этаётганларнинг асосий аргументи ҳам ана шундан иборат. Бу бежиз эмас, албатта. Иқтисодий назария ҳам бунинг айнан шундай бўлиши мумкинлигини узил-кесил тасдиқлайди. Айрим ривожланган мамлакатларнинг амалий тажрибаси

(иқтисодий ҳаёти) ҳам шундан далолат беради. Бироқ буларнинг ҳеч бири, бизнинг фикримизча, солиқ юкининг пасайтирилиши албатта автоматик равишда солиқ тўловчилар сонининг кўпайишига, солиққа тортиш объектининг (базасининг) кенгайишига ва пировардида бюджет «йўқотган» маблағларнинг компенсация қилинишига олиб келади, деган тарзда кафолат беришга асос бўла олмайди. Бунинг ҳам айнан шундай эканлигини ҳам тараққий этган мамлакатлардаги иқтисодий ҳаёт, шак-шубҳасиз, тасдиқламоқда. Чунки ишлаб чиқариш тараққий этиши, солиқ тўловчилар сони ортиши, солиққа тортиш объекти (базаси) кенгайишининг яккаю ягона сабаби ёки омили фақат солиқ юки эмас. Бошқа юзлаб сабабларни ёки омилларни инобатга олмаган ҳолда биргина солиқ юкининг пасайтирилиши ўз-ўзидан ёки автоматик равишда юқоридаги ижобий ҳолатларни вужудга келтира олмайди.<sup>158</sup> Буни кўра биамаслик ўз-ўзини алдаш билан баробардир.

Шунинг учун солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет «йўқотган» маблағларни компенсация қилишда биринчи вариант кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда тегишли қарор қабул қилинишидан олдин қуйидаги саволларнинг аниқ жавобига эга бўламоқ лозим: солиқ юкининг пасайтирилиши ҳақиқатдан ҳам ишлаб чиқаришнинг гуркираб ривожланишига олиб келадими ёки йўқми? Агар шу нарса содир бўладиган бўлса, у қанча вақт ичида ёки давомида содир бўлиши мумкин? Унинг содир бўлиши «чўзилиб» кетадиган бўлса, нима қилишимиз керак? «Бугун солиқ юкини пасайтирсак, эртага ишлаб чиқариш ривожланиб кетади», деган кафолатни бизга ким беради ва бунинг уддасидан ким чиқади? Уддасидан чиқилмаса, унда аҳволимиз не кечади? Ва ҳ.к.

2. Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет «йўқотган» маблағларни қарз олиш йўли билан компенсация қилиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бунинг устига, бугун тез-тез «Бу-

<sup>158</sup> Ёки сиз бу фикрга қўшимайсизми? Аргументларингизни келтиринг-чи.



тун дунё қарзга яшамоқда. Ҳатто тараққий этган мамлакатлар ҳам. Бунинг сира уятли жойи йўқ!» деган гапларни эшитаяпмиз. Бу ҳам бежиз эмас. Лекин солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет «йўқотган» маблағларни қарз олиш йўли билан компенсация қилиш сари юз тугилаётган пайтда ҳеч бўлмаганда қуйидаги саволларнинг аниқ жавоби бизнинг иш столимиз устида ётмоғи лозим: бюджет «йўқотган» маблағларни компенсация қилиш мақсадида қарзга олиниши керак бўлган маблағларнинг миқдори қанча? Бизга шунча маблағни ким ёки кимлар бериши мумкин? Шундайлар борми ўзи ёки йўқми? Йўқ бўлса, унда нима қилиш керак? Агар бор бўлса, улар мамлакат ичкарисидами ёки ташқарисида? Қарз берадиганлар бўлса, улар қарзни қай муддатга ва қандай шартлар асосида беришаркин? Уларнинг шартлари бизнинг ҳам манфаатларимизга мос келадими ёки йўқми? Қарзни олгандан сўнг уни ўз вақтида ва шартларига риоя этган ҳолда қайтаришнинг уйдасидан чиқа оламизми ёки йўқми? Қарзни олиб, ўз тизгинимизни қарз берганларнинг қўлига бериб қўймасмиканмиз? Улар томонидан «чертиладиган муסיқа»ларига ўйнаш тўғри келиб қолса, унда нима қиламиз? Ва шу кабилар.

3. Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет йўқотмаларини компенсация қилишнинг ўзига хос варианты, маълум маънода, бюджет харажатларини бюджет йўқотмаларига мос равишда қисқартиришдир.

Кўзланган мақсадга эришиш учун бу вариантнинг танлаиши қуйидаги саволларнинг аниқ ва ишончли жавобига эга бўлишни тақозо этади: қисқартирилиши лозим ёки «кераксиз» бўлган харажатлар бюджетда борми ўзи? Бюджет харажатларини қисқартиришнинг имкони қандай? Бор бўлса, унинг қанчагача қисқартирилиши мақсадга мувофиқ? Бюджет харажатлари қисқартириладиган бўлса, энг аввало, кимларнинг манфаатларига таъсир этиши мумкин? Бюджет харажатлари қисқартирилса, оқибати нима бўлади? Уларнинг қисқартирилиши яна ўзимизга қимматга тушмасмикан? Ва шунга ўхшашлар.

4. Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет

Иўқотмаларини компенсация қилишнинг яна бир вариант<sup>1</sup> юқоридаги вариантларнинг турли кўринишдаги комбинацияларидан иборат бўлиб, унда бир вақтнинг ўзида биринчи ва иккинчи вариантдан, биринчи ва учинчи вариантдан, иккинчи ва учинчи вариантдан ва ҳар учала вариантдан ҳам<sup>1</sup> фойдаланиш мумкин.

Қанақа комбинациядаги вариант танланган бўлишиг<sup>1</sup> қарамасдан, бу ерда ҳам вариантлар комбинациясини<sup>1</sup> ҳисобга олган ҳолда юқорида келтирилган саволларга олдин<sup>1</sup> аниқ жавобни топиб, уларга таянган ҳолда хулосани чиқариб, ундан сўнг тегишли қарорни қабул қилмоқ лозим. Акс<sup>1</sup> ҳолда, «емаган сомсага пул тўлаш» ҳеч гап эмас.

Юқоридаги ҳар бир вариантда келтирилган саволлар, бир<sup>1</sup> томондан, ҳаётий ва жуда оддий бўлса-да, иккинчи томондан, ўта мураккаб, машаққатли, оғир ва ҳатто «қассоб»ни ҳам<sup>1</sup> «терлатади»ган, ҳар қандай «профессор»ни ҳам «бурчак»ка<sup>1</sup> олиб бориб қўйдиган саволлар ҳисобланиб, уларга нисбатан<sup>1</sup> тўғри, ҳолисона ва оқилона жавобни бериш ҳаммага ҳам<sup>1</sup> насиб қилмаган ва қилмайди ҳам. Уларга малакали, илми<sup>1</sup> ва амалий жиҳатдан асосланган жавобларни бериш, ҳе<sup>1</sup> бўлмаганда, солиққа тортиш ва солиқ тизимининг иқтисодий синовдан муваффақиятли ўтган ва ҳаётий саналган<sup>1</sup> принципларининг сўзсиз тўғри идрок этилишини ва уларга<sup>1</sup> қатъий риоя этилишини тақозо этади. Уларни ҳисобга олмасдан берилган жавоб ва қабул қилинган қарор, ўрни келганда, «бир тийинга қиммат»лигича қолаверади. Шунинг учун<sup>1</sup> ҳам оғзимизга келган ҳар қандай жавоб, ўзимиз ўйлагани<sup>1</sup> миздек, бу саволларнинг тўғри жавоби бўлмаслиги мумкин.

Баён қилинган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, солиқ<sup>1</sup> юқини пасайтириш масаласи ҳозирги кундаги иқтисодий ҳаётимизнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу жуда<sup>1</sup> нозик ва мураккаб масала. Унга нисбатан муносабатни эса<sup>1</sup> ўзига хос тарзда солиқ сиёсатининг ядросига нисбатан муносабат сифатида эътироф этмоқ лозим. Шунинг учун унга нисбатан<sup>1</sup> тегишли қарорни қабул қилишга шайланган пайтимизда уни, маълум маънода, «Ё ҳаёт, ё мамот» муаммоси эканлигини қалбан ҳис этиб, етти ўлчаб, бир кесишимиз керак.

Солиқ юки ва унинг оғирлигини камайтириш билан боғлиқ бўлган масалага масъулиятсиз, шунчаки панжа орасидан қараш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Унга нисбатан фикр билдиришга ҳозирланганимизда унинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини ҳам пухта ўйлашимиз керак. «Ҳолва» деган билан оғиз чучимаганидек, солиқ юки ва уни пасайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларга уларни ҳал қилиш нуқтаи назаридан асоссиз ёпишавериш ҳам сиз билан бизни кўзлаган мақсадимизга олиб бормайди.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун кўшимча саволлар:**

◆ Айрим ҳолларда Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, унинг ривожланиш суръатлари, иқтисодиётнинг ҳозирги аҳволи, унинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган мавжуд муаммолар тўғрисида, хусусан, қандай фикрлар билдирилаяпти?

◆ «Солиқ юки» деганда нима тушунилади ва у қандай ўлчанади?

◆ «Солиқ юки»га нисбатан қандай таърифларни бериш мумкин? Бу ерда принципиал аҳамиятга эга бўлган нарса нима ўзи?

◆ «Солиқ юки» хусусида гап кетганда барча мамлакатларда бир нарса назарда тутилиши керакми ёки уни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайверса ҳам бўлаверадими?

◆ Солиқ юкини турли тарзда (усулда) ўлчаш мумкинми? Агар шундай қилинадиган бўлса, унинг хавфли жиҳати нимада?

◆ Солиқ юкининг оғирлигини фақатгина мамлакат миқёсида эмас, балки алоҳида олинган тармоқлар, ҳудудлар, корхоналар ёки алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам аниқлаш мумкинми? Бунда қандай қийинчиликлар бўлиши мумкин?

◆ Солиқ юкининг оғирлиги бизда қай даражада-ю, бошқа мамлакатларда қандай?

◆ Солиқ юкининг оғирлиги Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардош эмаслигида «ключевой ролю»ни ўйнаётган экан, нега унда унинг оғирлиги биздан-да юқори бўлган дав-

латаарнинг иқтисодиёти рақобат деган нарсани назар-писанд қилмаяпти?

◆ Солиқ юкининг оғирлиги қай даражага етгунга қадар чидаб туриш мумкин? Бундаги чидамликка нималар ўз таъсирини кўрсатади?

◆ «Солиқ юкининг оғирлиги қай даражага етгунга қадар чидаб туриш мумкин?» деган саволга барча мамлакатлар учун ягона бўлган «рецепт»ни бериб бўладими?

◆ Сиз билан биз ҳавас қилаётган давлатларда 60,0%лик солиқ юкни кўтариб келаётган данияликларнинг жони тошданмикан? 58,4%лик солиқ юкига эга бўлган шведлар нега дод солишмаяпти? 55,3%лик солиқ юкининг оғирлигини кўтариб келаётган норвегияликларнинг оғзига толқон солинганми? Нега 53,1%лик солиқ юкига эга бўлган финлар «оҳ-воҳ» чекишмаяпти? Ҳар бирлари 50%дан ортиқроқ даражадаги солиқ юкининг остида бўлган голландлар ва бельгияликлар нега жим?..

◆ Бундан 10 – 15 йил олдин солиқ юкининг оғирлик даражаси қандай эди? Ҳозир қанча? Оғирлик ошибдими ёки камайибдими? Камайган бўлса, қанчага камайибди? Ҳадеб камайтираверсак, бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин? Доимий равишда камайтираверишнинг иложи борми ёки йўқми?

◆ Солиқ юкининг оғирлигини камайтириш нимага боғлиқ?

◆ Солиқ юкининг оғирлик даражаси ва бюджетдан қилинадиган харажатларнинг ҳажми (миқдори) ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик борми? Бюджетдан катта ҳажмдаги харажатларнинг қилиниши, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ юкининг нисбатан оғир бўлишини тақозо этадими?

◆ Шу кеча-кундузда бюджетдан қилинаётган харажатларнинг қай бири мутлақо кераксиз? Қайси бирини кескин қисқартирса бўлади?

◆ Бюджетдан маориф соҳасини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар кескин қисқартирилса, бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин?

◆ Балки соғлиқни сақлаш соҳасини бюджетдан молиялаш-

тириш билан боғлиқ бўлган харажатларни кескин қисқартириш керакдир?

◆ Маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари учун мўлжалланган харажатларни кескин қисқартирсак, нима бўлади?

◆ Фанни молиялаштириш билан боғлиқ харажатларни кескин қисқартирсак, қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

◆ Бюджетдан ижтимоий таъминот мақсадлари учун мўлжалланган маблағларни кескин қисқартириш мақсадга мувофиқми?

◆ Биз учун балки бюджетдан иқтисодиётга ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга қилинаётган харажатлар керак эмасдир?

◆ Бюджет харажатларининг маълум бир қисми даъват ҳокимияти, бошқарув ва ҳуқуқ-тартибот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлашга сарф қилинаёпти. «Бор-э!» деб шу харажатларни кескин қисқартириб юборсак, нима бўлади? Ёки шу органларга бюджетдан маблағ ажратмасдан, уларни «самофинансирование»га (ўз-ўзини молиялаштиришга) ўтказиш мақсадга мувофиқдир?

◆ Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси керакми ёки керак эмас?

◆ Бюджет харажатлари маълум бир қисмининг мамлакатимиз мудофаа қудратини мустақкамлашга ҳам сарф қилинаётганлигига қандай қарайсиз?

◆ Солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида қандай тақсимланган? Солиқ тўловчиларни уларнинг солиқларни тўлаш даражасига қараб, шартли равишда бўлса-да, қандай тоифаларга бўлиш мумкин?

◆ Ҳозирги вазиятда солиқ юкининг асосий оғирлиги кимнинг зиммасида? Ким бурни ерга теккудек бўлиб, белини ҳам қилиб, пешонасидан шода-шода терини тўкиб, солиқ юкининг асосий оғирлигини тортаяпти-ю, ким тараллабеод қилиб юрибди? Солиқларни ўз вақтида ва белгиланган сум-

маларда тўлиқ тўлаб келаётганлар аслида солиғини қисман тўлаётган ёки умуман тўламаётганлар зиммасига юкланиши керак бўлган солиқ юкини ўзларининг зиммаларига қўшимча равишда олишмаяптими?

◆ Солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида текис тақсимланганда, вазият қандай бўлар эди? Саволнинг бу шакл ва мазмунда қўйилиши барча солиқ тўловчиларнинг бир хил миқдорда (суммада) солиқ тўлаши кераклигини аниқлатадими ёки...?

◆ Оддий тилда айтиладиган бўлса, объектив равишда чўнтаги қаппайганлар – кўпроқ, чўнтаги ночорлар эса – камроқ; бойлар – кўпроқ, камбағаллар эса – камроқ; салоҳияти кучлилар – кўпроқ, салоҳияти кучсизлар эса – камроқ ва ҳоказо солиқ тўлашлари керак, деган фикрга қўшиласизми? Нима учун?

◆ «Солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида текис тақсимланишига эришилса, бу нарса бировнинг хонавайрон бўлишига, бошқа бировнинг эса гуллаб-яшнашига олиб келмайди. Бировнинг бурни ерга тегиб, бошқа бировнинг димоғи кўкка етмайди. Биров айшу ишратда, бошқа биров эса ғаму кулфатда яшамайди. Биров пулга кўмилиб, бошқа биров эса бир тийинга зор бўлмайди», деган фикрга муносабатингиз қандай? Уни қўллаб-қувватлайсизми ёки рад этасиз?

◆ Ҳақиқатдан ҳам, солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида бир текис тақсимланиши натижасида мамлакат миқёсида умумий солиқ юкининг томонлар (давлат ва солиқ тўловчилар) манфаатларига (аҳволига) зиён етказмасдан пасайтирилишига эришладими? Бунинг тўғрилигини исботлаб беришга ёки рад этишга ҳаракат қилиб кўринг-чи.

◆ Солиқ юкининг оғирлигини ҳамма вақт ҳам салбий маънода таъқин қилиш ўринлими?

◆ 25 – 30%ли солиқ юки оғирлигининг дастидан «дод!» деяётганлар 50 – 60%ли солиқ юкини мардларча кўтариб, рақобатбардош иқтисодиётга эришганлардан ўрнак олса, арзимайдими? Ёки бу фикр нотўғрими?

◆ Солиқ юкига нисбатан муносабат масаласида кимлар-

дан (қайси мамлакатлардан) ўрناق олиш мақсадга мувофиқ? Бунда охириги ёки энг юқори (ақуний) мезон сифатида нималарга эътибор бериш керак? Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига, аҳолининг турмуш даражасига, мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатларига ёки бошқа нарсаларгами?

♦ Солиқ юки масаласида «У ерда ундоқ экан!», «Бу ерда бундоқ экан!», «Бизда ҳам шундай бўлиши керак!» деб хулоса чиқариб, ҳар томонга сакраш тўғрими? Ёки бу ўринда бошқача иш тутиш керакми? Қандай?

♦ Солиқ юкини камайтиришнинг мунозарали масалалари нималардан иборат?

♦ Солиқ юкининг пасайтирилиши бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда нимани англатади?

♦ Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджетта бориб тушмайдиган маблағларни бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан компенсация қилиш (қайта тиклаш, ўрнини тўлдириш, қоплаш)ни қандай ҳал этиш мумкин? Ҳозирги пайтда иқтисодчи олимлар томонидан «компенсация қилиш»нинг қандай вариантлари (йўллари) кўрсатилаётганда?

♦ Солиқ юкининг пасайтирилиши ўз-ўзидан, автоматик равишда ишлаб чиқаришнинг жонланишига, ривожланишига ёки кенгайишига олиб келади? Агар шу нарса содир бўладиган бўлса, у қанча вақт ичида ёки давомида содир бўлиши мумкин? Унинг содир бўлиши «чўзилиб» кетадиган бўлса, нима қилишимиз керак? «Бугун солиқ юкини пасайтирсак, эртага ишлаб чиқариш ривожланиб кетади», деган кафолатни бизга ким беради ва бунинг уддасидан ким чиқади? Уддасидан чиқилмаса, унда аҳволимиз не кечади?

♦ Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет «йўқотган» маблағларни қарз олиш йўли билан компенсация қилиш сари юз тугилаётган пайтда ҳеч бўлмаганда қандай саволларнинг аниқ жавоби бизнинг иш столимиз устида турмоғи лозим?

♦ Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет йўқотмаларини компенсация қилишнинг ўзига хос варианты, маълум маънода, бюджет харажатларини бюджет йўқот-

маларига мос равишда қисқартириш экан, бу, аввало, қандай саволларнинг аниқ ва ишончли жавобига эга бўлишни тақозо этади?

◆ Солиқ юкига муносабат масаласи доирасида вужудга келган саволлар, бир томондан, ҳаётий ва жуда оддий бўлса-да, иккинчи томондан, ўта мураккаб, машаққатли, оғир ва ҳатто «қассоб»ни ҳам «терлатади»ган, ҳар қандай «профессор»ни ҳам «бурчак»ка олиб бориб қўядиган саволлар ҳисобланиб, уларга нисбатан тўғри, холисона ва оқилона жавобни бериш ҳаммага ҳам насиб қилмаган ва қилмайди ҳам дейилган фикрга муносабатингиз қандай?

◆ Солиқ юки ва унинг оғирлигини камайтириш билан боғлиқ масалага масъулиятсиз, шунчаки панжа орасидан қараш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бу борада фикр билдиришга ҳозирланганимизда унинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини ҳам пухта ўйлашимиз керак, деган фикрга қўшилмасизми ёки рад этасизми? Нима учун?



## **8-БОБ.**

# **СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ОҚИЛОНА ТАҚДИМ ЭТИШ – СОЛИҚ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ГАРОВИ**

### **8.1 Солиқ имтиёзларини оқилонга тақдим этиш принциплари**

Бюджет-солиқ сиёсатининг таркибий, бир вақтнинг ўзида, унинг нисбий жиҳатдан мустақил қисми сифатида қаралаётган солиқ сиёсатининг муваффақияти, таъсирчанлиги, натижавийлиги, илғорлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан солиқ имтиёзларини тақдим этиш масаласига бориб тақалади. Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда солиқ имтиёзлари қанчалик оқилонга тақдим этилса, бу сиёсатнинг самарадорлиги шунча юқори бўлади. Бундай вазиятда қуйидаги саволларнинг кун тартибига кўйилиши, табиий: солиқ имтиёзларини қандай қилиб оқилонга тақдим этиш мумкин? Бу нимага боғлиқ?

Агар солиқлар бўйича у ёки бу шаклда имтиёзларни бериб туриб, кўзланган мақсадларга етарли даражада эришилмаётган бўлса, бизнинг фикримизча, унинг асосий сабабларидан бири солиқ имтиёзларини беришда инobatта олинмиши лозим бўлган принципларга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги билан белгиланади.

Ҳақиқатан ҳам, солиқлар бўйича имтиёзлар берилаётган пайтда маълум бир тартибга, маълум бир қоидага риоя этиш керак. Солиқлар бўйича имтиёз беришнинг ҳам ўзига хос принциплари бор. Уларнинг талабларини инobatта олмаслик, яхши натижаларга олиб келмайди. Бир вақтнинг ўзида, менсимасдан, уларни оёқ ости қилиб берилган солиқ имтиёзлари ҳам бизни кўзланган мақсад томон етакламайди.

Хўш, шундай қилиб, солиқ имтиёзларини беришда нима-

ларга эътибор бермоқ керак, қандай асосий принципларга риоя этмоқ лозим?

Иқтисодий ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтган ва ўзининг ҳаётийлигини ҳамон сақлаб келаётган бу принципларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Солиқ имтиёзларининг қўлланилиши мулкчилик шакли, фаолият тури, парламентдаги айрим манфаатдор гуруҳларнинг субъектив баҳоларига боғлиқ ҳолда танланиш характерига эга бўлмаслиги керак<sup>159</sup>;

2. Солиқ имтиёзларини беришга ноиқтисодий тарзда мажбур қилиш ва қўлланилишнинг мажбурийлиги хос эмас;

3. Ўзининг ички табиатига кўра, солиқ имтиёзларига қўлланилишнинг маъмурий-буйруқбозлик характери бегонадир;

4. Инвестицион солиқ кредитлари умумдаваат аҳамиятига эга бўлган инвестицион дастурларнинг бажарилишини таъминлайдиган солиқ тўловчилар гуруҳига берилиши керак;

5. Солиқ имтиёзларининг қўлланилиши бюджет даромадларига, корпоратив ва шахсий иқтисодий манфаатларга зарар етказмаслиги лозим<sup>160</sup>;

6. Имтиёзли солиқ портфелини шакллантириш тартиби умумдаваат миқёсида аниқланади ва қонуний тарзда марказий ҳокимият томонидан тасдиқланади;

7. Маҳаллий даражада солиқ имтиёзларининг қўлланилиши олий қонунчилик органи томонидан белгиланадиган рамка доирасида бўлиши керак.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган солиқ имтиёзларини бериш масаласида инobatга олинishi лозим бўлган принциплар бирор бир иқтисодчи олим ижодининг маҳсули эмас. Улар бўш жойдан ўз-ўзидан ўйлаб

<sup>159</sup> Бир мулоҳаза юритиб кўринг-чи, амалиётда солиқ имтиёзларини тақдим этишининг бу принципига қай даражада қатъий риоя қилинмоқда? Бунга тўлиқ риоя этмасликнинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин?

<sup>160</sup> Бу ерда нималар назарда тутилаяпти? Бу бир ўқ билан икки қуёшни эмас, балки уч қуёшни уриш эмасми? Буни удалаш учун нималар қилиш керак?

ҳам топилмаган. Уларнинг ижодкори – иқтисодий ҳаёт. Бу принципларнинг тўғри эканлигини ва улар албатта солиқлар бўйича имтиёзлар берилаётган пайтда инobatта олинishi шарт эканлигини ҳаётнинг ўзи, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг тарихий тажрибаси, ҳаёт йўли тўлиқ ва узи-кесил тасдиқлайди.

Энди солиқ имтиёзларини бериш борасида бизнинг амалиётимиздаги ҳар бир ҳолатни ана шу юқорида келтирилган принципларнинг талаблари асосида таҳлил қилиб чиқайлик-чи, уларнинг қайси бири қай даражада юқорида келтирилган принципларнинг талабларига жавоб берар экан? Ишончингиз комила бўлсин, ҳатто сиртдан қилинган кучсизгина таҳлил натижалари ҳамма вақт ҳам солиқлар бўйича имтиёзларни беришда тўғрилигини иқтисодий ҳаётнинг ўзи узи-кесил тасдиқлаган юқоридаги талабларга етарли даражада риоя қилинмаётганлигини кўрсатиши мумкин. Бундай шароитда солиқлар бўйича берилган имтиёзларнинг самарадорлиги тўғрисида эътиборга лойиқ фикрларни билдириш амримаҳолдир.

Бизнинг назаримизда, солиқлар бўйича имтиёзларни оқилона тақдим этиш масаласи қуйидаги бир неча саволларнинг аниқ жавобига эга бўлишни ҳам тақозо этади: Солиқлар бўйича имтиёз беришдан мақсад нима? Солиқ имтиёзларининг берилиш даражаси қандай? Мавжуд солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқа ола-япмизми? Солиқ имтиёзларини бериб, кўзлаган мақсадларга эришмаяпмизми? У ёки бу солиқлар бўйича имтиёзга эга бўлганларнинг аҳволи қандай? Берилган солиқ имтиёзлари қандай «ишлаяпти»? «Ишлаяптими» ўзи? Ёки... Солиқлар бўйича берилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқа олсак, унда нима бўлиши мумкин? Берилган солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланмасдан туриб қўшимча имтиёздан умидвор бўлишга ҳаққимиз борми ёки йўқми? Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик нимадан иборат?<sup>161</sup> Ва ҳоказо.

<sup>161</sup> Баъзи бир сабабларга кўра бу саволларнинг жавоблари, ўз навбатида, ушбу бобнинг кейинги параграфларида берилади.

Шу ўринда қуйидаги фикрни алоҳида таъкидламоқчимиз: солиқлар бўйича имтиёзларни бериш ёки бермаслик масаласи муҳокама этилаётган пайтда юқоридаги саволларнинг ҳақиқий жавобига эга бўлинса ва уларни инобатга олган ҳолда имтиёзларни бериш ёки бермаслик масаласида тегишли қарор қабул қилинса, бундай қарорнинг илмий ва амалий жиҳатдан асосланганлик даражаси шунга мос равишда юқори бўлган бўлур эди.

Солиқлар бўйича имтиёзларни оқилона тақдим этиш масаласини имтиёзни олаётган томоннинг (бу ерда уларнинг юридик ёки жисмоний шахс эканлиги принципаал аҳамиятга эга эмас) солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик мавжудлигини қандай идрок этишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Имтиёзнинг берилганлиги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган субъектга хотиржамликка берилишга асос бўла олмаганлиги керак. Аксинча, имтиёзни олгандан сўнг, оддий тилда айтадиган бўлсак, жонини жабборга бериб, уйқуни ҳаром билиб, айшу ишратдан воз кечиб, тиниб-тинчимасдан, елиб-югуриб, ғайрат-шижоат билан фаолият кўрсатиши лозим. Маълум маънода, имтиёзга эга бўлган томон оёқни узатиб ўтириш ҳуқуқига эга эмас. Акс ҳолда, имтиёзнинг берилиши ўз маъно-мазмунини йўқотади, мақсадсиз берилган имтиёзга айланади.

Ва ниҳоят, солиқлар бўйича имтиёзларнинг оқилона тақдим этилишини ўзбекона айтилган ва аксиома сифатида турмуш тарзимизга қабул қилинган «Қарс икки қўлдан чиқади», «Сих ҳам қуймасин, кабоб ҳам», «Сиздан «у»гина, биздан «бу»гина» каби мақолларнинг бекорга айтилмаганлигини идрок этмасдан туриб ҳис этиш мумкин эмас.<sup>162</sup>

<sup>162</sup> Бу масалалар ушбу бобнинг 2- ва 3-параграфлари доирасида батафсил кўриб чиқилади. Бунинг устига, келтирилган мақоллардан монографиямизнинг кейинги қисмида яна бир неча марта фойдаланамиз. Шу билан, олдиндан айтиб қўяйлик, ўша жойларда бизни «такрорга йўл қўйган»ликда айбламанг. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Уларнинг қандай сабаблар эканлигини аниқлашга бир уриниб кўринг-чи.

## 8.2. Солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш учун ҳисобга олинмаган амалий ҳолатлар

Солиқ сиёсатининг марказий масалаларидан бири солиқлар бўйича берилиши лозим бўлган имтиёзлар билан боғлиқки, кейинги пайтларда бу масала жуда кўп шов-шувларга сабаб бўлмоқда. Чунки солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиб, солиқ сиёсатининг самарадорлигини (таъсирчанлигини) таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мумкин.

Бир вақтнинг ўзида шу кеча-кундузда истаган, ҳар бир тадбиркорга, фақат тадбиркорга эмас, аслида ҳар биримизга «Фаолиятингизнинг кўнгидагидек эмаслигига нима сабаб? Нима сизга халақит бераётми? Нима қилинса, сизнинг фаолиятингиз сиз истаган тарзда ривожланиши мумкин?» деган савол берилса, бунинг бир неча сабаблари устида тўхталишиб, уларнинг ҳар бири бундай сабабларнинг энг асосийси сифатида «солиқ имтиёзларининг етарли даражада эмаслиги ва солиқлар томонидан етарли даражада рағбатлантирилмаётганлиги»ни кўрсатиши аниқ. Ёки «Сизга фалончи солиқ бўйича имтиёз бермоқчимиз, маъқулми?» деб сўралса, ҳеч ўйлаб ўтирилмасдан «Албатта, маъқул! Бормисиз? Кўнгаимизга мойдек ёқадиган гапни айтдингиз-ку! Қани энди шундоқ қилсангиз! Бизнинг ҳам кўкрагимизга шамол тегадиган кун келар экан-ку, ниҳоят!» қабилидаги жавобларнинг гувоҳи бўламиз. Ҳолбуки, бундай ҳулосага келиш ёки жавобни бериш учун солиқ имтиёзларининг нима учун берилиши ёки солиқ имтиёзларини беришдан мақсад нимадан иборат эканлигини аниқ билиш керак.

Очиқ-ойдин айтиб қўяқолайлик: солиқлар бўйича берилаётган имтиёзлар сиз билан бизга оёқни узатиб, бемалол ўтириш учун беримайди. Имтиёзни олиб, ундан сўнг чойхонада паловхонтўрани дамлаб, кўк чойни мазза қилиб ичиб, шамасини чайнаб, роҳат-фароғатда яшашни истаганлар чучварани хом санашибди. Боқимандалик кайфиятида юрганларнинг солиқлар бўйича имтиёздан умидвор бўлишлари, маъзур тутасиз, ноинсофликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Давлатнинг маблағларига нисбатан соғин сизгир сифатида

қарайдиганларнинг имтиёздан умидвор бўлишга ҳаққи йўқ. Ўзганинг нонини туя қилиш ниятида бўлганлар имтиёздан умид қилмаса ҳам бўлади. «Олма пиш, оғзимга туш!» деб ўтирадиганларга солиқлар бўйича имтиёз берилмайди.

Солиқлар бўйича имтиёзлар сиз билан бизга «тепличные условия»ни яратиш учун ҳам берилмайди. Аксинча, жонини жабборга берадиган, ноз уйқуни ҳозирги шароитда ҳаром деб биладиган, айшу ишратдан нарироқ юрадиган, кечаю кундуз олиб-югурадиган, ўз хизмат вазифаларини белгиланганидан зиёда қилиб бажарадиган, ўзини ва меҳнаткаш халқимизнинг бирини икки қилиш ниятида бўлган, Ўзбекистон деб атамиш давлатнинг келажаги буюк бўлишига ўзининг зиғирча бўлса ҳам ҳиссасини чин дилдан қўшиш ниятида бўлганларгагина солиқлар бўйича имтиёз берилиши керак.

Тўғри, ҳотамтой давлатимиз сиз билан бизга (тадбиркорларимизга ҳам) оёққа туриб кетишимиз, қаддимизни ростлаб олишимиз ва қулай шароитлар яратиш учун солиқлар бўйича турли-туман имтиёзларни бераёпти. Лекин эсингизда бўлсин, бу имтиёзлар фақат оёққа туриб кетиш ёки қадни ростлаб олиш учунгина берилаётгани йўқ. Оёққа турганингиздан сўнг ўзингиз мустақил юриб кетасиз, бошқа солиқ тўловчилар қатори уларнинг сафини тўлдирасиз, тенглар ичра тенг бўлиб, сиз ҳам солигини белгиланган муддатда ва суммада тўлаб қўясиз, деган умидда берилаёпти.

Солиқлар бўйича имтиёз янада самарали фаолият кўрсатишни рағбатлантириш учун ва фақат шу мақсадда берилди. Бу фикр ҳар биримизнинг қулоғимиз остида доимо баралла жаранглаб туриши ва қайси соҳада фаолият кўрсатишидан қатъи назар ўзини «тадбиркорман!» дейдиганларнинг ҳар бири уни қулоғига сирға қилиб осиб олиши ёки бу фикр уларнинг қулоғига кўрғошиндек қўйилиши керак.

Солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлаш гарови экан, бунда солиқ имтиёзлари берилиш даражасининг қандай эканлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунини инобатга олган ҳолда солиқлар бўйича тегишли ҳужжатларга назар соладиган

бўласак, уларнинг ҳар бирида «ушбу солиқ тури бўйича қуйидаги имтиёзлар мавжуд», деган мазмундаги ҳолатга дуч келамиз ва у ерда берилаётган солиқ имтиёзлари келтириб ўтилади. Уларни таҳлил қилиш натижасида ҳар бир солиқ бўйича берилаётган имтиёзларнинг тури (сони) 3 тадан 40 тагача тебранаётганлигини аниқлашимиз мумкин. Масалан, тадбиркорларимиз «жуда яхши кўрадиган», уларнинг ўртасида «НДС деган бало» номини олган, энг «машҳур» солиқларимиздан бири бўлган қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ имтиёзларининг 40 тури мавжуд. Даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзлар 27 гуруҳга бирлаштирилган. Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар 39 кўринишга эга. Ер солиғи бўйича тақдим этилган имтиёзлар сони 33 тага тенг. Бошқа солиқ турлари бўйича ҳам худди шундай рақамларни келтиришимиз мумкин. Бундай ҳолатнинг мавжуд эканлиги нимадан далолат беради? Имтиёзларнинг берилиш даражаси етарлими? Ёки улар керагидан ортиқчами?

Ўзимизнинг солиқчи-мутахассисларимиз фикрларини (улар солиқ тизими манфаатларини кўпроқ ҳимоя қилиши мумкин) бир четга суриб қўйиб, хорижлик ҳолис мутахассисларнинг фикрига қулоқ тутадиган бўлсак, уларнинг бир овоздан «Ўзбекистон солиқ тизимида кўзда тутилган имтиёзлар ҳаддан зиёд кўп. Айрим ҳолларда улар сонининг кўпайиши оқилоқ чегарасидан ўтиб кетган. Бу нарса солиқ тизими ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг даражасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин», деган фикрларига гувоҳ бўламиз (биз бу ўринда ушбу фикрларни уларнинг муаллифлари хорижлик бўлгани учун эмас, балки ҳолис фикр бўлганлиги учун келтирдик). Шу сабабли кейинги йилларда солиқ имтиёзларини тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиб қўяй. Бюджет даромадларини шакллантириш, солиқлар ва солиққа тортиш масалалари бўйича чорак асрдан бўён талабаларга сабоқ бераман, тадбиркорлар олдига маърузалар ўқийман, раҳбар ходимлар учун ташкил қилинган илмий-амалий семинарларда иш-

тирок этаман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу йиллар давомида бирор марта ҳам «Солиқлар бўйича имтиёзлар етарли ёки улар керагидан ортиқча», деган фикрни билдирган мардани учратганим йўқ эди (албатта, қуйидаги ҳолат бундан мустасно). Яқинда «мўъжиза» рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида «Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш – принципиал муҳим устувор вазифа» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилиб, унда бошқа мутасадди ходимлар билан биргаликда республикаимизнинг кўзга кўринган тадбиркорлари ҳам таклиф этилди. Конференцияда сўз олган раҳбар-тадбиркорлардан бири мамлакатимизда мустақиллик шарофати ила берилган солиқ имтиёзлари, улардан қандай фойдаланиш кераклиги, берилган солиқ имтиёзларидан оқиллик билан фойдаланилса, қандай натижаларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида ўз корхонаси мисолида рақамларни сайратиб, шундай далилларни келтирдик, уларни залга ўтирганларнинг барчаси нафасини ичига ютиб, бутун вужуди қулоққа айланиб тинглашди. «Йўғ-э?», «Наҳотки, шундай бўлса?», «Сира ҳам ишониб бўлмайди-да!» деб савол берганлар опанинг жавобини эшитиб, «Биз ҳам юрган эканмиз-да!» дея мулзам бўлиб, ўз жойларини эгаллашди.

Солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлашда солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш муҳим роль ўйнар экан, бу жараёнда «Мавжуд солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқа олаяптими? Берилган имтиёзлар қандай ишлаяпти? Ишлаяптими ўзи? Ёки...» қабилидаги саволларнинг жавобига эга бўлиш принципиал аҳамият касб этади.

Албатта, имтиёз берилганидан сўнг, ундан фойдаланиш даркор. Имтиёз берилса-ю, ундан фойдаланилмаса, бундай имтиёзнинг нимага ёки кимга кераги бор? Фойдаланилмаётган имтиёзнинг берилганлиги унинг бемақсадлигидан, самарасизлигидан даракдир. Имтиёз давлат номидан ва томонидан берилади. Ундан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқиш имтиёзни олган томон (тадбиркор, сиз билан биз) учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши керак.



Оддийгина бир мисол: тегишли ҳужжатда олинган даромаднинг маълум бир қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга сарфланса, унинг шу қисмига солиқ солинадиган даромад камайтирилади, деб ёзиб қўйилган бўлишига қарамасдан, бундай имтиёздан ва имкониятдан фойдаланмасак, бу нима дегани? Тўғри, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун фақат маблағлар бўлишининг ўзи етарли эмас, албатта. Бунинг учун уддабуронлик қилиш ва каллани ишлатиш ҳам керак. Лекин бунда даваатда не айб? Ахир, у «Ишлаб чиқаришнинг ривожлантирмоқчи, кенгайтирмоқчи ва реконструкция қилмоқчи бўлсанг, марҳамат, қилавер бу ишнинг. Даромаднинг бир қисмини шу мақсадларга сарфламоқчи бўлсанг, унинг шу қисми солиққа тортилмайд», деб туриб, солиқ бўйича имтиёз берапти-ку!

Боз устига, ҳолисона тан олайлик, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун минг бир баҳонани рўкач қилиб, турли-туман «объектив» ва «субъектив» сабабларни кўрсатиб, даромаднинг бир қисмини шу мақсадларга йўналтиришдан солигини тўлаб қўйишни афзаал кўрмаяпмизми? Берилаган имтиёздан фойдаланиб ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилиш устида бош қотиришдан кўра «Оч қорним, тинч қулоғим!» ёки «Бугун ўтсин, эртага бир гап бўлар!» шаклида иш юритмаяпмизми? Имтиёзларни увол қилмаяпмизми?

Бу биргина мисол. Лекин солиқ имтиёзларига тегишли бўлган бундай мисолларни қалаштириб ташлашимиз мумкин.

Юқоридаги ҳолатнинг вужудга келганиги бизнинг мавжуд имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқа олмаётганлигимизни кўрсатади. Шу муносабат билан яна бир воқеа ёдимга тушди. Катта бир аудиторияда маъруза ўқияпман. Унда республикамиз иқтисодиётининг келажаги, прогрессив-илғорлари деб тан олинган бир гуруҳ раҳбарлари иштирок этишяпти. Маъруза солиқ имтиёзлари билан боғлиқ бўлган масалага бағишланган. Маъруза энг қизиқ жойига етганда улардан бири: «Домлажон, тўхтанг! Фикрларингизга қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам солиқлар бўйича имтиёз-



лар жуда кўп. Лекин уларнинг бирортаси ҳам ишламаяпти-ку! Ишламаётган имтиёзларни бошимга ураманми? Нима қилсак, улар ишлаб кетади? Менга ўшаларни ишлаатадиган нуқтасини топиб беринг, мен уни туртиб юборар эдим ва улар ишлаб кетарди», деган архимедона савол билан «куйиб-пишиб» мурожаат қилиб қолди. Бу саволдан «хушёр тортган», «жонланган» яна 4-5 киши «Домлажон! Ҳамкасбимиз тўғри айтаяпти. Имтиёзларни ишлатиш механизми йўқ. Шунинг учун ҳам улар ишламаяпти», деган фикрни билдиришди.

Эсиз! Солиқлар бўйича имтиёзларнинг ишлаб кетиши, энг аввало, ҳар биримизнинг, ўзимизнинг фаолиятимизга бевосита боғлиқ эканлигини англай оласак. Ахир, берилган имтиёз, сиз ўйлаганингиздек, ўз-ўзидан ишламайди. Унинг (имтиёзнинг) туртиб ишлатадиган жойи (нуқтаси) йўқ. У (имтиёз) робот эмас, мурувватини бураб қўйсангиз ишлайверса. Сиз айтган «имтиёзларни ишлатиш механизми»даги асосий «винт» сиз билан бизмиз. Ана шу асосий «винт» (сиз билан биз) «қимир-ламаса(қ)», механизм ишламайди. Механизмдан фойдаланиш ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Унинг ишлаб кетишини таъминлаш, ундан фойдаланиш учун уддабуронлик керак, ақл-заковат ва билим талаб қилинади, бошни қотириш лозим, хузур-ҳаловатдан воз кечиш керак, узоқни (келажакни) ўйлаб, совуқ-қонлик билан ҳисоб-китоб қилиб, елиб-югуриш лозим. Шу ишларни қилаяпмизми? Йўқ! «Берилган имтиёз ишласин-да! Ишламайдиган имтиёзнинг менга нима кераги бор!» деб қўлни қўлатиққа уриб ўтирибмиз. Бозор иқтисодиётининг қонун-қоидаларидан озгина хабардор бўлган одам бизнинг бу хатти-ҳаракатимизни сира тушунолмайди.

Имтиёзни бериш давлатнинг вазифаси бўлса, уни ишлатишни қойиламақом қилиб уддасидан чиқиш эса бизнинг вазифамиздир. Ёки давлат имтиёзни бериб, унинг ишлатишини ҳам таъминласинми? Кўнтил қурсин, нималарни истмайди-а? Унда сиз билан биз нима қиламиз? Оғзимизни очиб, тайёр ошга баковул бўлиб ўтираверамизми? Бундан ташқари, шундай фикрга бораётган пайтимизда бошдан дўшпини олиб, атрофга бир назар ташлаулик. Ахир, дунёнинг ҳеч бир мамлакатада шу пайтгача ҳеч бир давлат солиқ бўйича имтиёзни

бериб, унинг ишлаб кетишини таъминлаш билан ўзи шуғулланмаган. Бу ақа бовар қилмайдиган кулгили ҳол. Бу муаммонинг ҳал этилиши давлатнинг фаолиятига боғлиқ бўлган/ди эди, бу нарса алақачон ҳал этилар эди. Афсуски, бундоқ эмас.

Бозор иқтисодиёти шароитида имтиёзга эга бўлишда муаммо пайдо бўлиши мумкин. Аммо қўлга киритилган имтиёздан фойдаланишда, уни ишлатишда муаммонинг бўлишини ақли расо одам идрок эта олмайди. Сиз билан биз орзу қилаётган мамлакатларда солиқлар бўйича зигирдек имтиёзга эга бўлиш, биздагидек осонлик билан эмас, балки аёвсиз ва шиддатли курашлар натижасида қўлга киритилади. Ўша имтиёзни бериш ёки бермаслик масаласи у ёки бу ҳукуматнинг тақдирини, ҳокимият тепасида қолиш ёки қолмаслигини белгилаб беради. Республикамиз раҳбарияти томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган оқилona иқтисодий сиёсат орқали солиқлар бўйича турли-туман имтиёзлар икки қўллаб тақдим этиб туриласа-ю, улардан самарали фойдаланишнинг уддасидан ўзимиз чиқолмаётган бўлсак, давлат додини кимга айтсин ва у яна нима қилиб берсин?

Шу ўринда қуйидаги саволнинг жавобини топиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга: берилган солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқолсак, унда нима бўлиши мумкин?

Солиқлар бўйича имтиёзларнинг берилиши, маълум маънода, давлатга ёки бюджетга тегишли бўлган маблағлар бир қисмининг хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолдирилишини аниқлатади. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, агар ҳозирги пайтда қонунчиликда ҳеч бир қўшимча ўзгаришларни киритмасдан туриб мавжуд имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқолсак, хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолдирилиши мумкин бўлган маблағлар бюджет даромадларининг қарийб 50% га тенг бўлиши мумкин экан. Бундай натижанинг қўлга киритилиши давлат бюджетининг даромадларини таъминлаш нуқтаи назаридан жўда катта риск бўлса-да, давлат шунга йўл қўйяпти. Унинг нияти шундай қарор қабул қилиш эвазига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини кескин

мустаҳкамлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, берилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқолсак, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволи яхшиланарди, уларнинг бели бақувват бўлиб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ўз вақтида бажарардилар, мавжуд муаммоларнинг жуда кўпчилиги ҳал этилган бўлуз эди.

Энди қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилайлик: солиқ имтиёзларини бериб, кўзлаган мақсадларга эришяпмизми? Имтиёзга эга бўлганларнинг аҳволи қандай?

Солиқлар бўйича имтиёзларни бериб, тадбиркорлик фаолияти кенг қулоч ёяди, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволи кескин яхшиланади, тўлов оборотидаги муаммолар барҳам топади, корхоналар бюджет олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажарадилар, имтиёзга эга бўлганларнинг аҳволи кескин яхшиланади, барчамиз самарали фаолият кўрсатамиз, дея ўз олдимишга мақсадларни қўйган эдик. Вазият анча яхшиланган бўлишига қарамасдан, барибир бугунги кундаги реал аҳволни инобатга олган ҳолда солиқлар бўйича имтиёзларни бериб, кўзланган мақсадларга тўлиқ эришдик, имтиёзга эга бўлганларнинг аҳволи кескин яхшиланди, дея олмаймиз. Жуда кўпчилик ҳолларда имтиёзга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг ақсарияти имтиёз даври давомида фаолият кўрсатишга ҳаракат қилаётганлари сир эмас. Имтиёз даврининг тугаши яқинлашган сайин бундай «фирма»ларнинг пайтавасига қурт тушиб, қанчалик тўсиқлар қўйилган бўлишига қарамасдан, уларнинг пулни пулга уриштириб, пул тувдирадиган «раҳбар»лари ўз «фирма»ларини тутатишга ва бир вақтнинг ўзида янги имтиёзга эга бўлувчи «фирма»лар очишга ҳаракат қилаяптилар. «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади», деган қоидага риоя қилиб, бунинг устидан чиқаяптилар ҳам. Ўрни келганда эса сиз билан биз «Менга нима, қандини урсин!» дея оддий томошабин бўлиб ўтирибмиз.

Имтиёзга эга бўлган жуда кўпчилик хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий аҳвол яхшиланмапти. Уларнинг фаолияти ҳамон «эски ҳаммом, эски тос»лигича қолаётир.

Буни қандай баҳолаш мумкин? Нима бу, тузини еб, тузликқа тупуришми? Ёки сиз билан бизнинг имтиёзларни бериб қўйган давлатимизга ўзига хос тарзда «раҳмат» айтишимизми? Ана шундай шароитда «Қўшимча солиқ имтиёзидан умидвор бўлишга ҳаққимиз борми?» деган саволнинг кун тартибига қўйилиши табиий.

Ҳақиқий вазият ана шундай бўлиб турган бир пайтда «Солиқлар бўйича яна имтиёз берилса, айти муддао бўлур эдида! Жуда кўп муаммоларимиз ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетар эди», деган хаёлларга борамиз. Амалдаги имтиёзларга қўшимча равишда яна имтиёз берилишидан умидвор бўламиз. Бундай хаёлларга боришдан олдин «Берилган имтиёзлардан қандай фойдаланаяпман? Улардан (мавжудларидан) тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқа олдими? Менга берилган имтиёз ўз олдига қўйилган вазифасини бажардими?» ва ҳоказо саволларга инсоф билан жавоб берсак, яхши бўлур эди.

Бундан ташқари, ўзингизни давлатнинг ўрнига бир қўйиб кўринг. Сиз имтиёзни берсангиз-у, уни олган томон имтиёздан фойдаланишнинг тўлиқ уддасидан чиқолмасдан, сизга «Яна қўшимча равишда имтиёз беринг!» деса, нима деб жавоб берган бўлардингиз. Ҳеч бўлмаганда, агар ўзингизни заррача ҳурмат қилсангиз, «Оғайни, олдин олганингни тўлиқ ҳазм қилгин, ундан сўнг етишмаса, мендан яна сўрашинг мумкин», деб жавоб беришингиз, шубҳасиз.

Боз устига «Бер! Бер!»ларнинг чегараси ҳам бўлиши керак. Имтиёз «олтин тоғ» бўлганда ҳам уни ётиб олиб ёки ёнбошлаб еявериш мақсадга мувофиқ эмас, у бир кун тугаши мумкин. Шун маънода, берилаётган имтиёзларнинг «резинка» эмаслиги ҳам эсдан чиқмасин.

Солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш солиқ сиёсати самарадорлигини (таъсирчанлигини) таъминлашнинг гарови экан, бу ерда энг муҳими, солиқ ва унга нисбатан бериладиган имтиёз ўртасида диалектик боғлиқлик борлигини кўра билишдир.<sup>163</sup> Афсуски, уни оддий кўз билан кўришнинг иложи йўқ. У ақл кўзи билан кўрилади. Бундай боғлиқ-

<sup>163</sup> Бу тўғрисида ушбу бобнинг кейинги параграфидида ҳам батафсил тўхталамиз.

ликни кўриш учун озгина фаросат, ақл-заковат ва билимнинг бўлиши тақозо этилади. Акс ҳолда барча уринишлар беҳуда кетаверади, ўша боғлиқликни кўра олмасдан, ожиз-лигимизча қолаверамиз.

Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик яратилган даромадни тақсимлаш жараёнида намоён бўлади. Унинг биринчиси (солиқ) яратилган даромаднинг бир қисмини бюджетга олишни, иккинчиси (имтиёз) эса олинган даромаднинг бир қисмини яна кўшимча равишда хўжалик юритувчи субъектнинг ихтиёрида қолдиришни тақозо этади. Мана шу жараёнда маълум бир мувозанат таъминланиши лозим. Ўз навбатида, мувозанатнинг таъминланиши шу жараёнда иштирок этувчилар (ишчи-хизматчилар, корхона ва давлат) манфаатларининг муштарақлиги (бир-бирига мос келиши) билан белгиланади. Даромадни тақсимлаш жараёнида иштирок этувчиларнинг ҳар бири «ҳар ким кўрпани ўзи томонга тортиши керак» принциpidан фойдалансалар, келгуси даврда даромаддан (кўрпадан) умуман ажралиб қолишлари, шубҳасиз. Шу жойда иштирокчилар ўзларининг калта ўйлашлари оқибатида А.С.Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» асарининг (1833 йилда ёзилган) қаҳрамони ва фақат ўз манфаатини ўйлаган балиқчи чолнинг кампири аҳволига (охир-оқибатда яна ўз тешик тоғорасига эга бўлиб қолган) тушиб қолишларини сира-сира истамас эдик.

Солиқлар бўйича берилаётган имтиёз икки томонламалик характерига эга. Уни бир томон (давлат) беради ва иккинчи томон (хўжалик юритувчи субъектлар) олади. Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик ана шу бериш-олиш жараёни ҳар иккала томоннинг ҳам манфаатларига мос келишини тақозо этади. Кўпчилик ўйлаганидек, бу жараёнда бир томон ютиб, иккинчи томон эса ютқазини мумкин эмас. Ёки ундан бир томон фойда, иккинчи томон эса зарар кўрмаслиги керак. Хўш, бунга қандай қилиб эришиш мумкин?

Саволнинг жавоби унчалик мураккаб эмас. Бунга эришиш учун имтиёзни олган томон «Ура! Имтиёзга эга бўлдик! Бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўладиган кун бор экан-ку! Хайрият, бизнинг пешонамизга ҳам офтоб тегди-я! Энди

жонимизни койитмасдан, оёқни бемалол узатиб, бамайлихотир ишимизни олдингидек ташкил қилсак бўлаверади. Бир кунимиз ўтса, бўлди-да! Жонимизни койитиб ишлаганимиз билан давлат бизга «Раҳмат!» дермиди», деган кайфиятда бўлмасдан, аксинча, «Имтиёзни олдим. Давлат мени тўғри тушунди. Фаолиятимни қўллаб-қувватлаяпти. Давлатга раҳмат. Менга қулай шароитни яратиб берганлиги учун энди мен олдингидан кўра яхшироқ ва самаралироқ ишлашим керак!» деган яккаю ягона тўғри хулосага келиб, ўз фаолиятини шунга монанд равишда ташкил қилиши керак. Ўшандагина олдингидан янада яхшироқ ва самаралироқ ишлаш эвазига имтиёзни олган томон кўпроқ даромадни яратиши мумкин. Ўз навбатида, олдингидан кўпроқ даромаднинг яратилиши имтиёзни бериш натижасида кўзланган мақсадга эришилганлигини аниқлатади. Кўпроқ даромаднинг яратилганлигидан ҳар иккала томон – имтиёзни берган (давлат) ва уни олган (хўжалик юритувчи субъект) ҳам манфаатдордир. Бу нарса ҳар иккала томоннинг манфаатларига ҳам мос тушади. Бу солиқ бўйича имтиёзни бериш натижасида унинг иштирокчилари ўртасида манфаатлар муштараклигига эришилади, демакдир. Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик ана шунини тақозо этади.

Аслида, солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг маъно-мазмунини идрок этиш сиз билан биздан кўп нарсани талаб этмайди. Бунинг учун, юқорида таъкидланганидек, ўз вақтида ўзбекона айтилган ва неча-неча асрлар давомида ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтган, тўғрилиги исбот талаб қилмайдиган ва турмуш тарзимизга аксиома сифатида қабул қилинган «Қарс» икки қўлдан чиқади», «Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам», «Сиздан «у»гина, биздан «бу»гина», «Сендан – ҳаракат, мендан – баракат», «Тоққа чиқмасанг дўлона, жон куйдирмасанг, жонона қаерда?» деган мақолларнинг бежиз айтилмаганлигига озгина эътибор берилса-ю, уларнинг замирида нима ётганлигига ҳар қадамда риоя қилинса, бўлди. Олам гулистон!

Муаммонинг моҳиятини юқорида келтирилган тарзда мушоҳада қилиш қўлимиздан келса, унга фаҳм-фаросатимиз

етса, Президентимиз томонидан «**Солиқ тизими нафақат солиқларни ундирриш, балки биринчи гада, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим**» деб қўйилган назифани бажаришга ўзимизнинг муносиб, камтарона ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

### **8.3. Солиқ ва имтиёз диалектикаси**

Ушбу бобнинг олдинги параграфидида солиқ ва имтиёз диалектикасининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган бўлсак-да, муаммо ўта мураккаб бўлганлиги учун, бизнингча, унга батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу вазифани қуйида бажаришга ҳаракат қиламиз. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда солиқ тўловчиларнинг барчаси солиқлар бўйича имтиёз масаласига бепарқ қарай олмаслиги ҳаммага аён. Ўз ихтиёрига қўйиб берилса, ҳар бир солиқ тўловчи барча солиқлар бўйича имтиёзларга эга бўлишни хоҳайди. Уларнинг иштаҳалари ҳатто шу даражадаки, «Агар сизни солиқ тўлашдан батамом озод этсак, нима дейсиз?» деб савол берадиган бўлсак, сира ўйланмасдан, худди юқорида таъкидланганидек, «нур устига аъло нур бўларди», «айни муддао бўлар эди», «кўнглимдаги гапни топиб айтдингиз» ва бошқа шу маънодаги жавобларга эга бўлишимиз, шубҳасиз.

Аслида, саволга биз тўғри жавоб қайтардикмикан? Берган жавобимиз ўз асосига эгами? Жавобимизнинг ҳаққонийлигини ҳаёт тасдиқлармикан? Савол ва унинг жавоби ўртасида қандайдир бир диалектик боғлиқлик йўқмикан? Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг моҳиятидан бизнинг солиқ тўловчиларимиз хабардормиканлар?

Тўғриси айти қолайлик: солиқ тўловчиларимизнинг аксарияти солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини тўғри тушунаётганлари йўқ. Бу нарса улар томонидан озгина тўғри тушунилганда эди, ҳеч бўлмаганда «Фалончи солиқ бўйича имтиёз берилганда, ишимиз юришиб кетарди», «Ишимиз юришмаётганлигининг асосий сабаби солиқларда» каби фикрларни билдиришга ўрин қолмасди.

Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳия-



тини тўғри тушунмоқ учун, дастлаб, бир нарсага алоҳида эътибор бермоқ зарур. Гап шундаки, бизнинг шароитимизда «Ҳаётда нимадан қочиб қутулишнинг иложи йўқ?» деб савол берилганда ҳаммамиз жўр бўлиб «Ўлимдан!» деб жавоб берамиз ва барчамиз ҳақиқатан ҳам шундай эканлигига юз фоиз ишонамиз. Саволнинг жавоби фақат худди шундан иборат эканлиги бизнинг жамиятимиз аъзоларида ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Бизда бу жавоб аксиома сифатида қабул қилинган. Муносабатларимиздаги «Ўлимдан бошқа ҳаммасининг иложи бор!» дейилган ақида ҳам худди шу мақсадларга хизмат қилади.

Шуниси диққатга сазоворки, худди шу савол бозор муносабатлари соғлом ривожланган мамлакатларда берилганда улардаги жамият аъзолари бу саволга негадир ўзгачароқ жавоб берадилар. Мана уларнинг жавоблари: «Ҳаётда ўлимдан ва солиқ тўламасликдан қочиб қутулишнинг сира иложи йўқ!» Бу жавоб уларда ҳам аксиома сифатида қабул қилинган.

Жамиятимиз аъзолари Фарб мамлакатларида берилган жавобнинг биринчи қисмини тўлиқ тасдиқлаб, унга қўшилсалар-да, жавобнинг иккинчи қисми ҳам бор эканлигига сира кўника олмаётирлар. Орамизда «Керак бўлса, солиқдан қочиб қутулишнинг сизга минг битга йўлини кўрсатишим мумкин», дегувчилар ҳам кўплаб топилади.

Бундан бир неча аср бурун бир Фарб мутафаккиридан «Инсон не учун дунёга келади?» деб сўралганида ул зот «Ўлиш ва солиқ тўлаш учун!» деб жавоб берган экан. Бозор муносабатлари соғлом ривожланган мамлакатларда солиқ ва имтиёз диалектикасининг негизини ана шу фалсафий фикр ташкил этади.

Юқоридаги тартибда мушоҳада қилишдан мақсадимиз битта: солиқ тўловчилар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл маъносини тўғри тушунишлари учун фақатгина ўлимдан эмас, балки солиқ тўламасликдан ҳам қочиб қутулишнинг иложи йўқ эканлигини қалбан ҳис этмоқлари даркор. Солиқ тўловчиларимизда бундай ҳиссиёт пайдо бўлмас экан, улар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диа-

асктиканинг аса моҳиятини идрок этишга ҳамон ожизликларича қолаверадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги ҳиссиёт жамиятнинг ҳар бир аъзосида қарор топмоғи лозим. Бу ҳаммага бир хил тарзда тегишли бўлган нарсадир. Бу нарса оддий фуқародан тортиб бутун дунёга машҳур бўлган, шу миллатнинг фахри ҳисобланган, уни бутун дунёга танитиб, унинг обрўсига обрў қўшган ҳар бир шаксга нисбатан ҳам бир хилда даҳадордир. Таъбир жоиз бўлса, шу ўринда биз ҳаммага тушунарли бўлиши учун бу нарсани «шоҳу гадога» баб-баравар бўлган нарса деб таъкидлаган бўлур эдик. Бу ҳиссиётни вақтинча бўлса-да унутаёзганлар, у билан ҳисоблашмаганлар жамиятда қандай мавқени эгаллаб турганларидан қатъи назар тегишли тарзда бериладиган жазога лойиқдирлар ва улар шак-шубҳасиз жазоланмоқликлари керак.

Фикрларимиз қуруқ сўзлардан иборат бўлиб қолмаслиги учун биргина мисол келтирайлик. Штеффи Граф номли бутун жаҳонга машҳур немис теннисчисини бизнинг халқимиз ҳам жуда яхши билади. У маълум маънода ҳозирги кунда немис халқининг миллий ифтихори, миллий қаҳрамонидир. Том маънода немис халқи обрў-эътибори, немис давлати учун унинг хизматлари беқиёс. У топган даромад фақатгина ўзининг эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, маълум маънода немис давлатининг молиявий жиҳатдан бақувватлашувига олиб келди. У томонидан хайр-эҳсон мақсадларига қилинган харажатларни санаб ниҳоясига ета олмайсиз. У тинимсиз меҳнати туфайли фақатгина ўзини бойитибгина қолгани йўқ, балки бошқаларни, шу жумладан, ўз давлатини ҳам бойитди.

Лекин нима бўлди-ю, унинг солиқ декларациясида кўрсатган рақамларига немис солиқчи мутахассислари шубҳа билан қараб қолдилар ва уларнинг шубҳалари асосли эканлигини ҳисоб-китоблар тасдиқлади. Маълум бўлишича, Штеффи Графга тегишли бўлган даромаднинг бир қисми солиқ декларациясида ўз ифодасини топмаган. Вужудга келган бу вазият тегишли тарзда принципаал баҳоланди: Штеффи Граф тўғридан-тўғри солиқ тўлашдан бош тортганликда айблан-

ди, унга нисбатан бир неча миллион немис маркаси миқдо-  
рида иқтисодий жазо чораси – жарима белгиланди ва унди-  
риб олинди. Жазо белгиланаётган пайтда унинг немис халқи-  
нинг миллий ифтихори, қаҳрамони эканлиги, немис халқи ва  
давлати олдидagi хизматлари инобатга олинмади, унга нис-  
батан «ўзбекчилик» қилинмади, «одамгарчилик» нуқтаи на-  
заридан қаралмади. У ўз қилмишига яраша (солиқ тўлашдан  
қисман бош тортганлиги учун) жазосини олди.<sup>164</sup> Содир бўлган  
бу ҳодиса биз юқорида таъкидлаган фақат ўлимдан эмас,  
балки солиқ тўламасликдан ҳам қочиб қутулишнинг сира ило-  
жи йўқ эканлиги, бу қоида шоҳу гадо учун баб-баравар экан-  
лигини яна бир марта тасдиқламоқда.

Солиқ ва имтиёз диалектикасининг асл моҳиятини тўғри  
тушунишга ёрдам беради, деган ният билан сизнинг диққат-  
эътиборингизни яна бир нарсага қаратмоқчимиз. Гап шун-  
даки, юртимизда осойишталик, тинчлик, хотиржамлик ҳукм  
сураётир. Буни бутун дунё тан олмақда. Кўплар бу реал воқе-  
ликка ҳавас билан қарайди. Бу ҳолат ҳам солиқ ва имтиёз  
диалектикасининг асл моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат  
қилинаётганда назардан четда қоламаслиги керак. Нега дей-  
сизми? Марҳамат, тасаввур қилиб кўринг. Юртимиздаги  
тинчлик тусфайли солиқ тўловчиларимизга жуда қулай шаро-  
ит яратилган. Уларнинг мол-мулкларини ёқиб юбориш хав-  
фи йўқ. Рэкетчилар (йўлтўсарлар) ҳар қадамда уларнинг  
йўлларини тўсиб тургани йўқ. Уларнинг мол-мулклари зўра-  
воналик йўли билан талон-торож қилинмаяпти. Фарзандлар  
ўғирланиб, ота-оналар қон қақшатилмаяпти. Тадбиркорла-  
римиз ёки уддабурон ишбилармонларимиз «буюртмали ўлим»  
нима эканлигини ҳали ўз жисмлари ёки ўз иссиқ жонлари  
орқали сезиб кўрганлари йўқ. Эртанги кунга ишончсизлик  
кайфияти қора булутдек уларнинг миясини чулғаб олмаган.

Узоққа борманг. Мамлакатимиз саҳнида туриб, теварак-

<sup>164</sup> Худди шундай чора бутун дунёга маълум-у, машҳур бўлган С.Ло-  
рен, П.Доминго, А.Паваротти, Б.Бэккер, Г.Хиддинк, У.Снайпс ва бош-  
қаларга нисбатан ҳам қўлланилди. Россиялик миллиардер М.Ходор-  
ковский озодликдан маҳрум этилганлигининг асосий сабабларидан  
бири солиқларни ўз вақтида тўламаганлигидир.

атрофга назар ташланг. Оммавий ахборот воситалари орқали сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган маълумотларни таҳлил қилинг. Қўшни мамлакатларда нималар содир бўляпти? Улардаги реал аҳвол қандай? Бошқа нарсаларга эътибор бермасдан, масалага бевосита алоқадор бўлган фактни таъкидлайлик: бу мамлакатлардаги солиқ тўловчилар сиз билан биздан кўра кўпроқ солиқ тўласалар тўлаётирларки, кам тўлаётганлари йўқ. Бунинг устига улар мол-мулкни ёқиб юбориш, рэкет, зўравонлик ва «буйуртмали ўлим»лар натижасида жуда катта зарар кўрмоқдалар, риск даражаси юқори бўлган шароитда, ҳар қадамда қутилмаган хавф-хатарга дуч келиш эҳтимоли жуда катта бўлган ҳолатларда фаолият кўрсатаётирлар. Сиз билан биздан кўпроқ солиқни давлатга тўлаб қўйган бўлсалар-да, уларнинг давлатлари осойишталик ва хотиржамликни таъминлагани йўқ, ҳанузгача тинчлик деган муқаддас сўз уларнинг орзуси бўлиб қолаётир. Буларни кафолатлашни уларнинг давлатлари уддалаётгани йўқ. Ҳолбуки, ўз фуқаролари учун тинчлик ва осойишталикни таъминлаб бериш ҳар бир давлат учун ҳам қарз, ҳам фарз саналади.

Яна бир марта мулоҳаза қилинг: теварак-атрофимиздаги бир неча мамлакатларда солиқ тўловчилар бир вақтнинг ўзида ҳам солиқ тўлаяптилар, ҳам юқорида таъкидланган нотинчлик натижасида жуда катта суммаларда зарар ҳам кўраётирлар. Айрим ҳолларда кўрилган зарарлар суммаси тўланган солиқлар суммасидан бир неча баравар ортиқдир. Бу «ўлганнинг устида тепган» эмасми? Биз бу ерда маънавий жиҳатдан кўрилган зарарларни эътиборга олаётганимиз йўқ. Баъзан ўша нотинчлик оқибатида етказилган маънавий зарарни ҳеч бир моддий маблағ билан тиклашнинг имконияти бўлмаяпти. Шу боисдан юртимиздаги тинчлик туфайли солиқ тўловчиларимизга жуда қулай шароит яратилганлигини холисона тан олмаслик инсофдан бўлмаса керак. Солиқ тўловчиларимиз бу нарсани яна бир марта ўйлаб кўрсалар, бизнингча, яхши бўлар эди. Нима дедингиз? Ёки биз ноҳақмизми?..

Солиқ ва имтиёз диалектикасига нисбатан муносабат бил-

дирилаётганда солиқ тўловчиларимиз масаланинг яна бир томонини инобатга олишлари зарур. Бу ўринда гап солиқ тўловчиларимизнинг ўзини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тўғрисида кетаётир. Марҳамат, фикрланг: солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқлар эвазига бюджетнинг даромадлар қисми шаклланади. Хўш, ҳозирги бизнинг шароитимизда бу бюджет даромадлари қаёққа сарф қилинаётир? Агар биз бюджет харажатларининг таркибий тузилишини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг асосий қисми социал-маданий тадбирларни молиялаштиришга ёки аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарф этилаётганининг гувоҳи бўламиз. Обьектив реаллик шундан иборат. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бюджет харажатларининг асосий қисмини аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига йўналтириб, давлатимиз мураккаб бир шароитда ўзга давлатлардан фарқлироқ ўз фуқароларини ўз ҳолига ташлаб қўймади, уларнинг тақдирига бефарқ қарамади, «ўз аравангни ўзинг торт» қабиайида иш тутмади, «янги шароитда орамиз очиқ», демади ва имкони борича уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаетир. Бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтиш жамият аъзоларига ҳаддан зиёд оғирлик қилмаслиги борасида қайғуриб, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ўртасида кескин фарқ бўлишига йўл қўймаётти. Ишончимиз комилки, давлатимизнинг бели бақувват бўлмаганида, бундай оқилона, узоқни кўзлаб, эртани ўйлаб юргизиладиган сиёсатни муваффақиятли амалга ошира олмасди. Ўз навбатида, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг белини бақувват, қўлини узун қиладиган нарса – солиқлардир. Худди шунинг учун ҳам Юртбошимиз ўз асарларида «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади», деб таъкидлаётир.

Солиқ тўловчиларимизнинг ўзини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тўғрисида фикр юритар эканмиз, уларга бир савол бериб кўрайлик: «Сиз давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинишни хоҳлайсизми?» Уларга бу савол билан мурожаат қилинганда ҳеч бир солиқ тўловчи рад жавобини бермаслиги ҳаммага аён. Ҳамма ўзининг давлат томонидан ижтимо-



ий ҳимоя қилинишини хоҳлайди. Ўз навбатида, давлат томонидан бу ишнинг амалга оширилиши маълум миқдордаги маблағнинг бюджетдан сарф этилишини тақозо этади. Маблағ бюджетда бўлсагина, уни харж этиш мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, бюджетда маблағ бўлмаса, уни сарф этиш тўғрисида гапириш номантиқий бўлиб, шунга мос равишда, солиқ тўловчиларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида гапириш ҳам ўз маъносига эга эмас. Мантиққа риоя қияпмизми? Тўғри гапиряпмизми? У ҳолда табиий равишда яна бир савол туғилади: Бюджет маблағни қаердан олади? Ижтимоий ҳимоя қилинишдан умидвор бўлганлар бу саволга ҳам тўғри жавоб беришлари керак. Лекин уларнинг аксарияти бизнинг шароитимизда саволга холисона жавоб бераётганлари йўқ. «Ишимиз нима, топсин-да!» дегувчилар ҳали орамизда жуда кўп. Беришган саволга шу тарзда ўйла-масдан жавоб берувчилар «Ҳолва деган билан оғиз чучимас», деган халқ мақолининг аса маъносини билсалар-да, негадир «Топсин-да!» дейишгани билан топиламаслигига ақллари етмай турганига ҳайронмиз.

Борди-ю, давлат «топди» дейлик. Масалан, давлатта четдан (бошқа давлатлар томонидан) ёрдам кўрсатилиши мумкин. Гарчи четдан бекордан-бекорга ёрдам берилмаса-да, боз устига бундай ёрдамнинг берилиш эҳтимоли жуда-жуда кичик бўлса-да, бундай «топиш» орқали давлат шу йўл билан «Топсин-да!» дегувчиларни маълум қисқа вақт ичидагина ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаши мумкин, холос. Аслида шу ўринда «Топсин-да!» дегувчилар «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас», деган халқ мақоли ҳам бекорга айтилмаганини ҳисобга олсалар бўлармиди?

Четдан маблағ олишнинг ёрдам кўрсатишдан бошқа шакли ҳам мавжуд. Масалан, давлат бошқа бир хорижий давлатдан маълум бир шартлар асосида қарз олиши мумкин. Эътибор беринг-а? Биз бу ерда оддийгина қилиб «Давлат бошқа бир хорижий давлатдан қарз олиши мумкин», деяётганимиз йўқ. «Маълум бир шартлар асосида» қарз олиши мумкинлигини таъкидлаяпмиз. Ҳақиқатан ҳам ҳаётда ёки амалиётда қарз доимо маълум бир шартлар асосида бери-

лади. Ҳеч бўлмаганда, маълум бир муддат ўтгандан сўнг қарзга олинган маблағнинг ўзини унинг эгасига қайтармоқ зарур. Аксарият ҳолларда эса, одатда, қарз ундан фойдаланганлик учун ҳақи билан биргааликда қайтарилади. Демак, қарз олишнинг давлат учун маълум бир «оғирлик» томонлари ҳам бор. Олинган қарз қўйилган тегишли шартларга қатъий риоя қилинган ҳолда ўз муддатида эгасига қайтариламаса, иккинчи марта қарз олишдан умидвор бўлиш хомхаёликдан ўзга нарса эмас.

Давлат томонидан олинган ташқи қарзнинг фақат иқтисодий хавфи бўлмасдан, балки бу тартибда иш юритишнинг сиёсий хавфи ҳам бор. Бунинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини идрок этиш учун у қадар ақлли бўлиш шарт эмас.

«Бюджет маблағни қаердан олади?» деган саволга холисона жавоб бериб, гапнинг индаллосини айтиб қўяқолайлик: давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинишни хоҳловчилар ўз хоҳиш-истаклари амалга ошиши учун давлатга тегишли солиқларни белгиланган миқдорда ва ўз вақтида тўлаб туришлари керак. Фақат шундагина уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқади. Акс ҳолда...

Шу ўринда яна бир реал воқеликка эътиборингизни қаратмоқчимиз. Айрим ҳолларда ривожланган мамлакатлардаги аҳволни кўриб фуқароларимизнинг ҳаваслари келиб қолади. «Зап ажойиб давлат экан-да, ўз фуқаролари тўғрисида доим қайғурар экан, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлар экан. Мана бунинг ҳақиқий давлат деса бўлади», қабилидаги фикрларга борилади. Албатта, ҳавас яхши нарса. Лекин ана шундай ўзга давлатлар тўғрисида ҳавас қилинаётган пайтда ўша давлатларнинг инсонпарварлиги ниманинг ҳисобидан амалга оширилаётганлиги тўғрисида озгина ўйлаб кўрилса, гап ўзингиз хоҳламаган ҳолда яна беихтиёр солиқларга бориб тақалганининг гувоҳи бўласиз. Солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқларнинг сони ва уларнинг ставкаларини кўриб даҳшатга тушиб қолсангиз-да, ўша давлатларнинг инсонпарварлиги нима ҳисобидан молиялаштирилаётганини биласиз ва ўз ҳавасингиз

дан тезда воз кечасиз, лекин тез орада «негадир» бу ҳақиқий аҳволни онгла равишда яна «унутиб» қўясиз, эсдан чиқарасиз, ҳиссиётга берилиб, асоссиз ҳавас қиласиз ва ўзингизни ўзингиз алдайсиз.

Яна бир ҳаётий мисол келтирайлик. Йўлларимизнинг аҳволини кўриб, яна даваатдан хафа бўламиз. Машинамизнинг гаддираклари бир марта чуқурга тушиб чиқса, беихтиёр «Давлат қачон бу йўлларни тузатаркин», деб норози бўламиз. «Қачон бизнинг йўлларимиз Европа мамлакатлариникидек бўларкин?» деб орзу қиламиз. Тўғриси айтиб қўя қолайлик: шу ва шунга ўхшаган муаммоларнинг ҳал этилиши ёки орзуларнинг ушалиши ҳам солиқлар ва солиқ тўловчиларга бовлиқ. Мана исботи: Германия йўлларига қойил қолиб, мен Молия вазирлигининг вакилига савол бердим: «Йўлларингизнинг шу даражада бўлишида солиқларнинг хизмати катта бўлса керак. Шу мақсадда олинган солиқ суммаларининг ҳаммасини фақат йўлларнинг сифатини яхшилашга сарфлайсизми ёки бунинг бошқа бир йўли борми?» Масъул ходимнинг берган жавоби: «Агар солиқ тўловчилардан фақат шу мақсадда олинган солиқ суммаларининг ҳаммасини фақат йўл қурилишига сарфласак, бутун Германиянинг территориясини асфальтлаб чиққан бўлар эдик». Албатта, солиқ тўловчилар бутун Германия территориясини асфальтлаб чиқишга етгулик маблағни ёлғиз бир солиқ ёрдамида бюджетга тўлаб қўйганларидан сўнг, уларнинг йўллари ҳавас қилгудек даражада бўлмасдан бизники бўлсинми? Биз бу ерда масаланинг бошқа томонларини онгла равишда эътибордан четда қолдираяпмиз.

Реал аҳвол шу даражада бўлганига қарамасдан, айримлар яна норози бўлиб: «Бюджетга шунча солиқ тўлаяпмиз. Бу маблағлар қаёққа кетаяпти? Ҳеч ким бизга ҳисобот бермаяпти-ку!» деган фикрга ҳам боради. Ишончингиз комил бўлсин, сиз томондан бюджетга тўланган маблағларни давлат «ёб» кетаётгани йўқ. Уни ўзингизга бошқа бир шаклда қайтариб бераётир. Бунинг учун сиз бюджетнинг харажатлар қисмига назар ташлашингиз керак. Сиздан солиқлар шаклида олиниб, тўланган маблағларнинг қаёққа «кетаёт-



ганлиги» тийинма-тийин шу ҳужжатда кўрсатилаган. Бу ҳужжат қонун кучига эга. Унга риоя қилмаганлар албатта тегишли тарзда жазоланадилар.

«Берилмаётган ҳисобот» тўғрисида гапирилаётганда қуйидагилар эътиборга олинса, яхши бўларди. Тўғри, бу ўринда «Эшмат! Сен бюджетга фалон миқдорда солиқ суммасини тўлаган эдинг. У мана бу мақсадларга сарфланди», деб ҳисобот берилаётгани йўқ! Бундай тарздаги «ҳисобот» дунёнинг ҳеч бир мамлакатида берилмаган ва берилмайди ҳам. Чунки бу тарзда ҳисобот бериш маънога эга эмас. Шу боисдан бу маънода «Ҳеч ким бизга ҳисобот бермаяпти-ку!» дейишга солиқ тўловчиларимизнинг ҳаққи йўқ. Чунки ҳисобот берилаяпти. Фақат бу ҳисобот сиз ўйлаганингиздек тарзда эмас, балки бошқачароқ шаклда берилаётир. Ахир, ҳар йили бир марта мамлакатимизнинг олий органи тасдиқланган бюджетнинг ижросини муҳокама этаяпти-ку! Муҳокама давомида бюджет харажатларининг қаёққа сарф қилинганлиги моддама-модда ўз аксини топаётир-ку! Агар сиз тўлаган солиқ суммаларингизнинг қаёққа кетаётганлигини билмоқчи бўлсангиз, рўзномада эълон қилинган ва шу мавзуга бағишланган материални эринмасдан ўқиб чиқинг. «Бу рақамлар мени қизиқтирмайди, бошни оғритади», деб рўзномани четга суриб қўйманг ёки унинг тўртинчи саҳифасини ўқишга шошилманг. Ойнаи жаҳонда тегишли мутасадди шахс ўтган йилги тасдиқланган бюджет ижроси тўғрисида гапираётганда фарзандингизга «Бунинг нимасини кўрамиз. Бошқасига қўй!» деб буйруқ берманг. Агар сиз тўлаган солиқингизнинг қаёққа «кетганлигини» билмоқчи экансиз, солиқ инспекторининг олдингизга келиб ҳисобот беришини кутиб ўтирманг. Бу саволнинг жавобини топиш сиздан кўп ҳафсала қилишни талаб этмайди. Саволга жавоб топмоқ учун сизга «зериқарли» бўлган ва матбуот саҳифаларида эълон қилинган ҳамда рақамларга бой бўлган материаллар билан танишиб чиқмоғингиз керак, «қизиқарли бўлмаган» телекўрсатувни озгина сабр қилиб охиригача кўрмоғингиз лозим. Сўраётган нарсамиз сизга оғирлик қилмаётирми? Яна айтиб қўяйлик: сиздан бу нарсани биз ҳар куни, ҳар ойда ва ҳоказоларда

қилишни талаб этаётганимиз йўқ. Бор-йўғи бир йилда бир мартагина шу нарсага эътибор беришингизни сўраяпмиз. Буни ҳам эртадан-кечгача эмас. Ошиб борса, рўзноманинг бир саҳифасини ўқиб чиқишга қанча вақт сарфласангиз, шунча вақт керак бўлади, холос. Телекўрсатувни охиригача кўришга ҳам тахминан сиздан деярли шунча вақт талаб қилинади. Қолгани – сизнинг идрокингизга боғлиқ.

Борди-ю, фалакнинг гардиши билан тегишли ходим олдингизга келиб, сиздан олинган солиқ суммаларининг қаёққа сарфланганлиги тўғрисида «ҳисобот» берди, дейлик. Ишонинг, ҳар бир тийин бўйича тақсимланиб чиқилганда ҳам улар барибир 5-6 гуруҳдан иборат бўлган ва сиз рўзнома ҳамда телевидение орқали билишингиз мумкин бўлган харажатларни молиялаштиришга сарфлангани маълум бўлади. Бу нарсани йилда бир марта шу мавзуга бағишланган рўзномадаги маълумот билан танишиш ёки телекўрсатувни кўриш орқали бажариш мумкин бўлиб турган пайтда ҳар бир солиқ тўловчининг олдига тегишли ходимни юбориш мақсадга мувофиқмикан? Шу шароитда «Тўлаган солиқларимиз қаёққа кетяпти? Бунга ким ҳисобот беради?» дейишга ҳаққимиз бормикан?

Албатта, бу фикрларни билдираётиб биз солиқ тўловчиларимиз ўзларининг тўлаётган солиқлари қандай мақсадларга сарф этилаётгани билан қизиқмасинлар, бу масала билан уларнинг ишлари бўлмасин, деган фикрларни билдиришдан йироқмиз. Шубҳасиз, улар бу нарсани аниқ билишлари керак. Чунки фақат лоқайд одамгина ўзи тўлаган солиқ суммаларининг тақдирига бешфарқ қараши мумкин. Лекин биз жамиятимиз аъзолари шу нарсани билишга интилаётган пайтда калта ўйламасликларини, маъзур тутасиз, ўрни келганда калтафаҳмлиқ қилмасликларини жуда-жуда истардик. Ўйлаб кўринг, давлатимиз юқоридаги тарзда савол берувчиларнинг талабларини инобатга олиб, тегишли тарзда «ҳар бир солиқ тўловчининг солиқ суммалари қаёққа «кетганлиги» тўғрисида уларга бошма-бош ҳисобот берилсин!» деб кўрсатма берди, дейлик. Хўш, бунинг оқибати нима бўлади? Бунга кетган харажатларни давлат кимнинг ҳисобидан

қолайди? Яна кимга оғир бўлади? Кимнинг гарданига яна қўшимча юк тушади? Ёки масаланинг бу томонларини инобатга олмаймизми?

Бу масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Чунки давлат томонидан юқоридаги саволга бу тарзда жавоб берилиши давлатнинг обрўсига обрў қўшмайди, унинг бу масалани ечишда саводсиз эканини кўрсатади, давлат «масхарали» вазиятга тушиб қолади. Солиқ тўловчиларимиз ўз давлатларининг бундай «аҳвол»га тушиб қолишларини истамасалар керак?

Шу боисдан қуйидаги фикрларни чертиб-чертиб таъкидламоқчимиз: ҳанузгача давлат томонидан ўз солиқ тўловчиларига ҳисобот беришнинг ҳозирги шаклидан ўзгачароқ, янада оқилона шакли топилмаган. Бутун дунёдаги давлатлар худди биздагидек тарзда ўз солиқ тўловчиларига ҳисобот беради. Бунинг бошқа афзалроқ йўли йўқ. Инсоният тараққиёти, давлатнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиш тарихи худди шундан далолат бераётгани ўз-ўзидан аён. Шу тарзда ҳисобот бериш бу масалани ҳал этишнинг энг оқилона усули эканлигини ҳаёт алақачон синаб кўрган ва унинг тўғри эканлигини тасдиқлаётир.

Яна бир фикр: «Тўланган солиқларимиз қаёққа кетяпти?» деб савол беришдан олдин солиқ тўловчиларимиз ўз-ўзларига «Давлат томонидан менга қандай ёрдам кўрсатилади?» деб савол берганмикинлар? Бир ҳисоб-китоб қилиб кўринг. Масала кимнинг фойдасига ҳал бўларкин? Йил давомида давлатга қанча солиқ тўлаганингизнинг умумий суммасини дарҳол ҳисоблаб топасиз. Чунки уни сиз тўлаяпсиз-да! «Давлатдан қанча олдингиз, буни ҳам бир ҳисоблаб кўринг!» десак, тан олинг, бу сизга ёқмайди. Тўғри, биз ҳам тан олайлик, сиз томондан бюджетга қанча тўланганини ҳисоблашдан кўра бюджетдан қанча ёрдам олганингизни ҳисоблаш анча мураккаб, айниқса, сиз кўника олмайдиган, рози бўлишингиз қийин бўладиган, сиз ишонмайдиган ва ҳоказо мунозарали жойлари жуда кўп. Лекин буни ҳам ҳисобласа бўлади ва давлат алақачон ҳисоблаб қўйган. Чунки давлат ҳам сизга ўхшаб ўз ёнидан кетадиган маблағларини ҳисоб-ки-

тоб қилмаса бўлмайди, у ҳам бу масалага сиздек бекфарқ бўлолмайди.

Шу жойда холисона ҳисоб-китоб қилишни сизнинг ихтиёрингизга қолдирайлик-да (бир ҳаракат қилиб кўринг, жуда қизиқ вазият вужудга келади, афсус, жуда кўп солиқ тўловчиларимиз учун масала улар ўйлаганчалик бўлиб чиқмайди, уларнинг фойдасига ҳаа бўлмайди), ҳаммангизга маълум бўлган қуйидаги реал аҳволни таъкидлаёлик: давлат солиқ тўловчиларидан олган солиқ суммаларига нисбатан кўпроқ харажат қиляпти. Ишонмаяпсиз-а? Марҳамат, давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини бир-бирига таққослаб кўринг-а. Харажатларнинг умумий суммаси даромадларнинг умумий суммасидан кўпроқ эканлигининг гувоҳи бўласиз. Бюджет дефицити деган нарса пайдо бўлаётир.<sup>165</sup> Аслида, давлат ҳам сизга ўхшаб даромадлари доирасида харажат қилиши керак эди. Чунки халқимизда «даромадга қараб буромад», деган нақл бор. Бу бекордан-бекорга айтилмаган. Бу давлатга ҳам тегишли. Тўғрими? Ёки сиз бу қондага риюя қилмайсизми? Риюя қилмай кўринг-чи, маълум муддат ўтгандан сўнг аҳволингиз не кечаркин?

Шундай бўлишига қарамасдан, давлат ўзи учун қийин вазиятни вужудга келтириб, даромадларидан кўра кўпроқ харажат қилаётир. Нега? Албатта, ўз фуқароларининг манфаатини кўзлаб! Тасаввур қилиб кўринг, ҳозирги шароитда бюджет харажатларининг бир оз қисқартирилиши, энг аввало, кимнинг манфаатларига салбий таъсир кўрсатаркин?<sup>166</sup>

Тўғри, бюджет харажатларининг ҳаммаси ҳам тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларнинг ихтиёрига бориб тушаётгани йўқ. Унинг бир қисми бошқа мақсадларга ҳам сарфланаётир. Масалан, мудофаа харажатлари шулар жумласидандир. Нима, бу мақсадга бюджетдан харажат қилинмасинми? Аксарият ҳолларда эса бюджет харажатларининг асосий

<sup>165</sup> Кейинги бир неча йиллар давомида мамлакатимиз давлат бюджетни профицитан ижро этилаётганлиги билан унинг ҳар йили дефицитли қабул қилинаётганлиги эсдан чиқмасин.

<sup>166</sup> Бу хусусда биз монографиямизнинг 5-бобида батафсил тўхталиб ўтган эдик.

қисми мамлакат фуқароларининг аҳволини яхшилаш билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Буни ҳеч бир киши инкор этолмайди. Бу нарса, айниқса, маҳаллий бюджетларнинг харажатлари структурасида янада яққол кўзга ташланади. Бу бюджетларда бюджет харажатларининг 70% дан 100% гачаси социал-маданий тадбирларни молиялаштиришга сарф этилаётир.

Шу жойда: «Мен бюджетга 100 сўм миқдорда солиқ тўлаган эдим, менга бюджетдан ҳеч бўлмаганда яна айнан 100 сўм қайтарилшини хоҳлардим. Ана ўшанда адолатли бўлади», дея хаёлга борувчиларнинг қуйидаги фикрга эътибор беришларини сўрардик: сиздан бюджет солиқ сифатида 100 сўм олиб, унинг ўрнига яна сизга бюджетдан айнан 100 сўмнинг қайтариши ўз маъносига эга эмас. Сиздан олинган суммани яна ўша миқдорда сизнинг ўзингизга қайтарилган бўлсак, унда уни олиб нима қилдик? Шу тарзда фикр юритувчиларга бир саволимиз бор эди: агар ўнг чўнтагингиздаги 100 сўм пулни олиб, чап чўнтагингизга солиб қўйсангиз, нима ўзгаради? Ҳар ҳолда молиявий аҳволингиз яхшиланиб қолмаган бўлса керак? Нимага ишора қилаётганимизни тушунгандирсиз?

Бу мулоҳазаларимиздан солиқ тўловчиларимиз ўзлари-ча: «Биз бюджетга кўпроқ суммада солиқ тўлашимиз, бюджет эса камроқ суммада қайтариши керак экан-да!» деган хулоса чиқармасликлари керак. Кимдир маълум сабабларга кўра бюджетга кўпроқ солиқ тўлайди, лекин ундан камроқ наф қўриши мумкин. Бошқалар эса, аксинча, бюджетга нисбатан камроқ солиқ тўлайди, лекин ундан кўпроқ наф қўради. Бу нарса ижтимоий адолат принципининг бузилаётганлигидан далолат бермайди. Бунинг ўзига хос объектив сабаблари бор. Буларнинг ҳаммасини тарозининг икки палласига қўйсак, палланинг харажатлар томони босиб кетади. Буни биз юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик.

«Тўлаган солиқларимиз қаёққа кетаяпти?» деган саволга яна бир марта қайтайлик-да, давлат солиқлар маълум бир қисмининг қаёққа кетганлиги тўғрисида ҳисобот бермади, деб ҳисоблайлик (ҳақиқий аҳволнинг қандайлиги тўғрисида

биз юқорида тўхтадик). Хўш, давлатнинг шундай йўл тутишга ҳаққи борми ёки йўқми? Бизнингча, ҳаққи бор. Нима, бошқа давлатлар шу соҳадаги айрим нарсаларни бошқалардан сир тутмаяптими? Таркибида солиқ тўловчилари бор бўлган оиланинг сирини йўқмикан? «Тижорий сир» деган нарсани бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатувчи ҳамма субъектларга тегишлими? Давлат ҳам шу субъектларнинг бири бўлгани учун бу нарсани унга ҳам тегишли бўлиши керакми ёки йўқми? Сир тутишнинг ўзига хос яхши томонлари ҳам бўлса керак? Ёки юқоридаги саволларнинг ҳаммасини инкор этасизми? Нима бўлса ҳам, юқоридаги саволга жавоб излаётган пайтда масаланинг бу томонлари ҳам назардан четга қолмаслиги ва улар ҳам ҳолисона баҳоларини оломи керак.

Солиқ ва имтиёз масаласи муҳокама этилаётган пайтда қуйидаги ҳолатнинг ёки вазиятнинг мавжуд эканлиги ҳам назардан четга қолмаслиги керак. Ҳозирги пайтда амалда қўлланиб келинаётган солиқ қонунчилигига бирор бир ўзгариш киритмасдан уларда мавжуд бўлган имтиёзлардан 100% фойдаланилса, хўжалик юритувчи субъектлардан бюджетга олинадиган солиқларнинг миқдорини (суммасини) қарийб 50% га камайтириш имкони бор экан. Махсус равишда амалга оширилган ҳисоб-китобларнинг натижаси ана шуни кўрсатапти. Демак, кўриниб турибдики, имтиёзлар берилган, лекин солиқ тўловчилар улардан етарли даражада фойдаланмасдан келяпти. Бундай шароитда яна қўшимча равишда имтиёздан умидвор бўлиш бирор мантиққа эга эмас.

Ҳақиқатан ҳам берилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланмасан, ундан сўнг бу имтиёзлар етарли бўлмаган тақдирда яна қўшимча имтиёз олишга ҳаракат қилмасан, бу хатти-ҳаракатни тушуниш мумкин. Шунинг учун «Солиқлар бўйича бизга имтиёз берилса, яхши бўлар эди», деган фикрга боришдан олдин «Бизга солиқлар бўйича берилган имтиёзларнинг ҳаммасидан тўлиқ фойдаланиб бўладикми?» деб фикр қилинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, солиқ ва

имтиёз ўртасидаги диалектиканинг туб моҳиятини ҳозирги кунда айрим иқтисодчиларимиз, ҳатто айрим иқтисодчи олимларимиз ҳам тўғри тушунаётганлари йўқ. Биз бу ўринда оддий фуқароларимизни, оддий солиқ тўловчиларимизни тўғри тушунишимиз ҳамда улар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликни тўғри тушунмаётган бўлсалар, буни уларнинг иқтисодий билим даражалари етарли эмаслиги билан изоҳлашимиз ва уларни маълум маънода қечиришимиз мумкин. Лекин айрим иқтисодчи ва иқтисодчи олимларимизни-чи?

Нега биз шу ўринда ўз устимизга жуда катта масъулият ва жавобгарликни олиб, айрим иқтисодчи ва иқтисодчи олимларимизни маълум маънода айблаётирмиз? Асосимиз борми? Бунинг боиси нимада?

Биргина мисол келтирайлик. Иқтисодчи сифатида жуда кўп анжуман, давра суҳбатлари, учрашувларда иштирок этамиз. Уларнинг аксариятида иқтисодий муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида баҳслар бўлади, бош қотирилади. Иқтисодий жараёнларнинг кўнгилдагидек эмаслиги сабаби қидирилганда, «айбдор» изланганда айрим иқтисодчиларимиз ва иқтисодчи олимларимиз, биринчи навбатда, гапни солиқлар томонга бурадилар. Маълум даражада, бу бежиз эмас, албатта. Ҳозирги шароитда иқтисодий жараёнларнинг кўнгилдагидек эмаслигида солиқ тизимининг ҳам ҳиссаси бор. Буни ҳам холисона тан олмақ лозим. Лекин шуниси ажабланарлики, айрим иқтисодчи ва иқтисодчи олимларимиз бошқа сабабларни бир четга суриб қўйиб, асосий айбни солиқларга тўнкаётирлар. Муаммо шу даражада талқин қилинадикки, уларнинг фикрларидан огоҳ бўлган киши гўё солиқ соҳасида маълум бир ўзгаришлар киритилса, муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетармиш, деган хулосага келади. Қани энди шундай бўлса! Агар шунақа бўлганда эди, давлат ҳам бошини ортиқча оғритиб ўтирмасдан, алақачон шу ўзгаришни амалиётга жорий этган бўлур эди. Лекин «негадир» давлат вужудга келган пайтидан бошлаб қанузгача бу ишни амалга оширмаётир. Нега? Буни бир ўйлаб кўрдингизми? Иқтисодиёт назарияси, маркетинг, менеж-

мент, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, халқаро валюта-кредит муносабатлари, ташқи иқтисодий алоқалар, бухгалтерия ҳисоби, информатика, бизнес, режалаштириш, баҳо ва ҳоказо соҳаларнинг айрим мутахассислари, айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи олимлар иқтисодиётдаги муаммоларни ҳал этиш учун «Солиқ соҳасида ўзгартиришлар керак», деган «тайёр рецепт» беришдан кўра ўз соҳаларида мавжуд муаммолар устида бош қотирсалар, яхши бўлмасмиди? Ёки бу соҳалардаги мавжуд муаммолар аллақачон шараф билан адо этилдимикан? Ҳар ҳолда айбни бировга ағдариш муаммони ҳал этишнинг оқилона йўли бўлмаса керак?

Гарчи халқимизда «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин», деган мақол бўлса-да, юқоридаги фикрларни билдира туриб иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи олимлар «Солиқлар тўғрисида фикр билдирмасинлар!» дейишдан биз жуда йироқмиз. Марҳамат, улар ҳам ўз фикрларини билдирсинлар. Лекин бунинг учун улар, энг аввало, икки нарсани удраламоқлари даркор. Биринчидан, уларнинг ўзлари муаммонинг моҳиятини тўғри идрок этмоқлари лозим, иккинчидан, улар ўз соҳаларидаги муаммоларни қойилмақом қилиб ҳал этиб қўйган бўлишлари керак. Ўзларининг соҳаларида муаммолар «тиқилиб» ётган бир пайтда ўзга соҳалардаги муаммоларни ҳал этишда «биларонлик» қилиш мақсадга мувофиқмикан? Ёки «ҳар соҳадан бир шингил» қабилида иш тутиш ҳозир модадами?

Бундан ташқари, «тайёр рецепт»ни берувчилар рецептни беришдан олдин бу рецепт қабул қилинганидан сўнг унинг оқибати нимага олиб келар экан, деб ўйлаб кўрдилармикан ёки ҳисоб-китоб қилдилармикан? Афсуски, уларнинг «тайёр рецепт»лари сиртдан бериладиган кучсизгина мантиқий зарбага ҳам чидаш беролмаяпти.

Шу ўринда биз бир неча иқтисодчилар ва иқтисодчи олимларнинг «тайёр рецепт»ларидан намуналар келтирсак, айна мақсадга мувофиқ бўлур эди. Лекин барибир ўзбекигимизга бораётирмиз, юз-хотир қилаётирмиз. Шундай бўлишига қарамасдан, иккинчи томондан, юқорида айтган аччиқ гап-



ларимизни етарли деб, тапларимиз ўз эгаларини албатта топар, дея умид ҳам қилаётимиз.

Хуллас, айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи олимлар томонидан бериладиган «тайёр рецепт»лар солиқ тўловчиларимизда солиқларга нисбатан нохолисона муносабатда бўлиш кайфиятини туғдираётир, уларни чалғитаётир. Бу ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам алдаш билан баробар бўлиб, маълум маънода иммий жиноят сари ташланган қадамдир. Бу нарсага бифарқ қараб бўлмайди. Шу боисдан солиқ тўловчиларимиз, жумладан, айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи олимлар ҳам солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг туб моҳиятини тўғри идрок этмоқлари учун эътиборингизни қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотларга қаратмоқчимиз (8.3.1-жадвалга қаранг).

8.3.1-жадвал

**Солиқ ва имтиёз диалектикасини кўрсатувчи вариантлар**

т/б №	Вариантлар Кўрсаткичлар	Вариантлар			
		I	II	III	IV
1.	Фойда ёки даромад, млн сўм	1,0	1,0	1,2	1,4
2.	Солиқ ставкаси, %	30	25	25	25
3.	Солиқ суммаси, млн сўм	0,3	0,25	0,3	0,35
4.	Солиқ тўловчининг ихтиёрида қолган сумма, млн сўм	0,7	0,75	0,9	1,5
5.	Солиқ тўловчи эга бўлган қўшимча маблағ суммаси, млн сўм	-	0,05	0,2	0,35
6.	Бюджетга бориб тушмаган маблағ суммаси, млн сўм	-	0,05	-	-
7.	Бюджет эга бўлган қўшимча маблағ суммаси, млн сўм	-	-	-	0,5

Биринчи вариантда бу боғланиш яққол кўзга ташланмайди. Чунки, сиртдан қаралганда, бу ерда солиққа тортиладиган объектнинг (манбанинг) миқдори 1,0 млн сўмга, солиқ ставкаси 30% га тенг бўлиб, шуларга кўра бюджетга 0,3 млн сўмлик солиқ олинаётир ва 0,7 млн сўм солиқ тўловчининг

ихтиёрида қолаётир. Аслида эса шу ўриндаги солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик, бир томондан, солиққа тортиш объектнинг (даромад, фойда, иш ҳақи ва бошқалар) таркибига нималар киритилганлиги ва нималар киритилмаганлиги билан белгиланса, иккинчи томондан, бу нарса солиқ ставкасининг 30%ли даражасига ҳам боғлиқдир.

Дастлабки вариантда вужудга келган нисбат солиқ тўловчини қониқтирмаётир ва у солиқ бўйича яна маълум бир имтиёзга эга бўлишни хоҳлаб қолди, дейлик.

Аксарият ҳолларда бунинг икки йўли бор, ҳолос. Биринчи йўлда солиққа тортиладиган объект суммасидан маълум бир қисми солиққа тортилмайдиган қисмга ўтказилса, иккинчи йўлда солиқ ставкаси бирмунча камайтирилади. Айрим ҳолларда бу вазифани бир вақтнинг ўзида солиққа тортиладиган объект суммасини ва ўрнатилган солиқ ставкасини камайтириш орқали ҳам бажариш мумкин.

Солиқ бўйича имтиёз берилиши кўзда тутилганда солиқ тўловчилар, биринчи навбатда, солиқ ставкасининг пасайтирилишини хоҳлайдилар. Уларнинг шу хоҳиш-истаклари инобатга олинди-ю, солиқнинг белгиланган ставкаси 5 пунктга пасайтирилади ва унинг ставкаси 30% нинг ўрнига 25% ни ташкил этсин, дейлик. У ҳолда, ўз-ўзидан маълумки, бошқа шароитлар ўзгармаган тақдирда, солиқнинг суммаси 0,25 млн сўмни ташкил этиб, 1,0 млн сўмлик солиққа тортиладиган объектнинг 0,75 млн сўми солиқ тўловчининг ихтиёрига қолдирилади. Бунинг натижасида солиқ тўловчи кўшимча равишда 0,05 млн сўмлик маблағга эга бўлса, бюджет худди шу миқдордаги маблағдан маҳрум бўлаётир. Бу иккинчи вариантда вужудга келган ҳолат солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғланишнинг бузилганлигидан далолат бериб, бундай ўзгаришни амалга ошириш мумкин эмаслигини кўрсатаётир. Имтиёз олишдан умидвор бўлган солиқ тўловчилар бу диалектикадан огоҳ бўлмоқлари лозим. Акс ҳолда уларнинг худди шу тартибда солиқ бўйича имтиёз олишга ҳаракат қилишлари хомхаёликдан ўзга нарса эмас. Шунинг учун ҳам уларнинг бу соҳадаги

ҳаракатлари зое кетаверади, орзу-истаклари эса хомхаёлигича қолаверади. Бу амалга ошиши мумкин бўлмаган орзу-умиддир.

Борди-ю, маълум сабабларга кўра солиқ тўловчи шундай имтиёзга эга бўлиб қолса, у ўзининг маълум маънода ўзгалар ҳисобидан яшаётганлигини холисона тан олмоғи лозим. Бир вақтнинг ўзида у солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликни онгла равишда бузаётганлигини ҳам бўйнига олиши керак. Яна шуниси муҳимки, солиқ бўйича имтиёз олиш натижасида иккинчи вариантдаги вазиятни вужудга келтирган ҳамда солиқ ва имтиёз диалектикасини бузишга олиб келганларнинг хатти-ҳаракати натижасида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, давлатнинг молиявий аҳволи заифлашади, бюджет тақчиллиги вужудга келади, мавжуд бўлган унинг даражаси янада катталашади, давлатнинг обрўсига путур етади, айрим масалаларни ҳал этишда ёки уларни молиялаштиришда унинг қўли калталиқ қилиб қолади. Иккинчи вариантдаги вазият ана шундай нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам солиқ тўловчиларимиз билиб қўйишлари керак.

Шу вариантдаги вазиятнинг вужудга келиши солиқ бўйича имтиёз ўз вазифасини бажармаганидан, ўз мақсадига эришмаганидан, мақсадсиз, бефойда имтиёз берилганлигидан далолат бераётир. Бу имтиёзни бериш натижасида мазкур вазиятнинг вужудга келиши билан солиқлар иқтисодий (рағбатлантирувчи) функцияни бажаради, деган фикримиз бир-бирига мос тушмаётганлигини кўрсатаётир.

Жадвалда келтирилган учинчи вариантдаги рақамларга назар ташлайлик ва уларни мулоҳаза қилайлик. Учинчи вариантда ҳам солиқ тўловчи биринчи вариантдагига нисбатан 5 пункт кам бўлган солиқ ставкасига эга ва у иккинчи вариантдаги солиқ ставкасига тенгдир. Шундай фоизли солиқ ставкасига эга бўлганидан сўнг у иккинчи вариантдаги солиқ тўловчига ўхшаб қўлини қовуштириб, жонини койитмасдан ўтиргани йўқ. У ўз фаолиятини маълум даражада фаолаштирди, жонлантирди. Натижада 1,2 млн сўмлик даромад ёки фойдага (солиққа тортиладиган объект-

га) эга бўлган. Унинг 0,3 млн сўми ( $1,2 \times 0,25 = 0,3$ ) солиқ тариқасида бюджетга олинаётир, 0,9 млн сўми эса ( $1,2 - 0,3 = 0,9$ ), солиқ тўловчи ихтиёрига қолдирилмақда.

Учинчи вариантни вужудга келтирган солиқ тўловчи фаолиятининг диққатга сазовор жойлари қуйидагилардан иборат:

1. Биринчи ва иккинчи вариантлардагидан фарқли ўлароқ, учинчи вариантни вужудга келтирган солиқ тўловчи 1,2 млн сўмлик солиққа тортиш объектини яратган. Бу кўрсаткич олдинги ҳар икки вариантнинг ҳар бирига нисбатан 0,2 млн сўмга кўпдир;

2. Биринчи вариантдагига нисбатан 5 пункт паст солиқ ставкасига эга бўлишига (25%) қарамасдан, 30%ли ставка бўйича қанча солиқ тўланган бўлса (0,3 млн сўм), шунча суммани бюджетга ўтказишга мувофиқ бўлаётир. Бундай ҳолда, албатта, бюджет манфаатларига зид йўл тутилмаётганини аниқ;

3. Иккинчи вариантдаги билан бир ҳилдаги солиқ ставкасига эга бўлса-да, унга нисбатан 0,05 млн сўмлик маблағни кўпроқ бюджетга ўтказиш имкониятини яратаётир;

4. Солиқ тўловчининг ўз ихтиёрида қолган сумма дастлабки ҳар икки вариантдагиларга нисбатан кўпроқдир (мос равишда 0,2 млн сўм ва 0,15 млн сўм).

Келтирилган ҳулосалардан кўринаётирки, учинчи вариантни вужудга келтирган солиқ тўловчи солиқ бўйича имтиёзнинг асл моҳиятини имкон қадар тўғри тушунишга ҳаракат қилган ва шунга мос равишда ўз фаолиятини амалга оширган. Имтиёз бу ерда ўз кучини кўрсатган, хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш натижаларидан манфаатдорлигини реал равишда юқори поғонага кўтарган. Бу ерда солиқ бўйича имтиёз бериш ўз маъносига эга.

Шундай бўлишига қарамасдан, учинчи вариант натижасида вужудга келган вазият эътиборга лойиқ бўлса-а, бизнинг фикримизча, у ҳанузгача солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини тўла-тўқис очиб беришга етарли эмас. Чунки учинчи вариантда вужудга келган вазият бир томонламалик характериға эга. Демокчимизки,

қўлга киритилган натижа солиқ бўйича имтиёз олган томоннинггина манфаатларига тўлиқ мос келаётир. Тўғри, юқорида таъкидлаганимиздек, учинчи вариантнинг натижалари бюджет манфаатларига зид келаётгани йўқ. Лекин унинг биринчи вариант натижаларидан фарқ қилмаётганлиги ҳам кўриниб турибди. Ҳолбуки, солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектика бир вақтнинг ўзида ҳам имтиёз олган томоннинг, ҳам имтиёз берган томоннинг манфаатларига мос келишини тақозо этади.

Ана шу тарздаги мувозанат жадвалимиздаги тўртинчи вариантда вужудга келган бўлиб, у учинчи вариант эга бўлган ҳамма афзалликларга эга. Эга бўлганда ҳам, афзалликлар оддийгина такрорланиб қолмасдан, балки улар янада юқорироқ даражага кўтарилган. Энг эътиборга лойиқ ва бошқа вариантлардаги вазиятлардан тубдан фарқ қиладиган жойи шундаки, тўртинчи вариантда имтиёздан фақат имтиёзга эга бўлган томон кўшимча манфаат кўрмасдан, балки имтиёзни берган томон (дават, давлат бюджети) ҳам кўшимча манфаат кўраётир. Эътибор беринг-а? Солиқ ставкаси 5 пунктга камайтирилганлигидан максимал равишда фойдаланиш эвазига солиқ тўловчи ҳеч кўрқмасдан 1,4 млн сўмлик солиққа тортиладиган объектни яратди. Унинг 0,35 млн сўми бюджетга солиқ сифатида тўланди. Бунинг эвазига бюджет солиқ ставкасининг пасайтирилишига қарамасдан, олдинги вариантдагиларга нисбатан энг камидан 0,05 млн сўмлик кўшимча маблағга эга бўлди.

Демак, тўртинчи вариантдаги вазият солиқ бўйича имтиёзнинг асл моҳиятини ҳам имтиёзга эга бўлувчи, ҳам имтиёзни берувчи томонлар тўғри тушунган пайтларидагина вужудга келиши мумкин. Бу вариант натижалари манфаатлар муштарақлигига эришилганлигидан далолат бераётир. Солиқ ва имтиёз диалектикасининг туб моҳияти, асл мазмуни ҳам ана шундан иборатдир.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқчимиз: аслида солиқ ва имтиёз диалектикаси халқимиз орасида азалдан қўлланиб келаётган «сиз ҳам куймасин, кабоб ҳам», «қарс икки қўлдан чиқади», «сиздан угина, биздан бугина» каби

ақидаларга асосланган. Бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ. Солиқ бўйича имтиёздан умидвор бўлганлар халқимизда бу каби ақидалар бекордан-бекорга пайдо бўлмаганлигига ва уларнинг нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб турганлигига яна бир марта эътибор берсалар ва уларга риоя қилсалар, айтим мурддо бўлури эди.

Солиқ ва имтиёз диалектикасини билмасдан туриб солиқ бўйича имтиёзни истаб қолганлар диққат-эътиборини яна бир марта жадвалга қаратишларини ва қуйидаги саволга жавоб беришларини истардик: ҳозирги бизнинг шароитимизда солиқ бўйича имтиёз берилганда жадвалдаги вариантларнинг қайси биридаги вазият вужудга келиш эҳтимоли кўпроқ? Агар холисона жавоб берадиган бўлсак, вужудга келиш эҳтимоли кўп бўладиган вазият иккинчи вариантдаги вазиятдир. Чунки солиқ тўловчиларимизнинг аксарияти худди шу иккинчи вариантдагидек бўлишни хоҳлайдилар. Уларнинг назарида имтиёзнинг асл мазмуни ҳам худди шундан иборатдир. Бу тарзда фикр юритувчи солиқ тўловчиларимизга қарата: «Бизни маъзур тутасиз, сиз солиқ бўйича имтиёздан умид қилмасангиз ҳам бўлади. Сизга имтиёз бериш ўз маъносига эга эмас, бекордир!» дегимиз келади.

Жадвалдаги учинчи вариантда мавжуд бўлган вазият ҳам вужудга келиш эҳтимолига эга эканлигини тан олайлик. Бу эҳтимолилик иккинчи вариантдагига нисбатан анча оз бўлсада, солиқ тўловчиларимизнинг маълум бир қисми солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг биз баён этган мазмунини тўғри тушунаётирлар. «Имтиёзга эга бўлдик. Яхшироқ фаолият кўрсатайлик. Ҳеч бўлмаганда, олдин қанча солиқ тўласак, шу миқдордаги солиқ тўлашнинг уддасидан чиқайлик. Ўзимиз бойийлик, давлатимиз эса зиён кўрмасин!» деган фикрга борувчи солиқ тўловчиларимиз ҳам орамизда йўқ эмас. Уларнинг бу хатти-ҳаракатини имтиёз берган томонга ўзига хос тарзда миннатдорчилик билдириш белгиси сифатида қабул қилиш мумкин. Лекин бу миннатдорчиликнинг сидқидидан эканлигини исботлаш, уни амалда кўрсатиш бундай мулоҳаза қилувчиларнинг маълум маънода жон куйдиришларини, тиниб-тинчимасликларини,

куйиб-ёнишларини, уйқуни ҳаром қилишларини тақозо этади. Албатта, буларнинг ҳеч бири осоналик билан амалга ошмайди. Айрим солиқ тўловчиларимиз бунга бардош бера олмайдилар. Айримлари «Жон куйдириб нима қиладим, бюджет барибир олдинги миқдордаги солиғини олаётир-ку!» деган хулосага ҳам келадилар. Лекин бюджетга 0,3 млн сўмаик солиқ тўлаб, ўз ихтиёрига 0,7 млн сўмни эмас, балки 0,9 млн сўмни қолдирганлар ўзларининг шунга қодир эканликларига ишонч ҳосил қиладилар, 0,9 млн сўмаик маблағга реал эга бўлиш имкониятига эга бўлганларида 0,7 млн сўм билан чекланиб қолмайдилар. Биз солиқ тўловчиларимизнинг ана шундай бўлишлари тарафдоримиз. Ахир, бу ҳолда, ҳеч бўлмаганда, солиқ тўловчиларимизнинг молиявий аҳволи яхшиланаётир-ку! Шунинг учун ҳам, албатта, бундай хатти-ҳаракатни қўллаб-қувватламоқ зарур.

Аслини олганда биз тўртинчи вариантдаги вазиятнинг вужудга келишини ва унинг эҳтимоли энг юқори даражада бўлишини жуда-жуда истардик. Чунки бу вазиятнинг вужудга келиши солиқ тўловчиларимизнинг солиқ ва имтиёз диалектикаси масаласини қай тарзда тўғри идрок этганликларини кўрсатарди. Бу мураккаб масала. Лекин уни муваффақият билан ҳал этишнинг мумкин эканлигини жаҳон тажрибаси ва амалиёти узил-кесил кўрсатиб турибди.

Шундай қилиб, биз ушбу боб доирасида солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг асл моҳиятини оддийгина тарзда баён этдик. Ундаги фикрларни ҳар ким ўз ўлчови билан ўлчаса-да, очиқ-ойдин айтиб қўяйлик: ушбу фикрлар билан биз доноликни даъво қилаётганимиз йўқ, Американи ҳам кашф этмадик, янгидан велосипед ҳам ихтиро қилмадик. Аксинча, эътиборга олинмаётган реал бир ҳолатнинг эътиборга олинишини таъкидладик. Эсдан чиққан нарсани эсга туширдик. Бу нарсдан беҳабарлардан хабардор бўлишларини сўрадик. Ушбу фикрлар билан танишгандан сўнг айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодиётимиздаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган, афсуски, етарли даражада ўйламасдан берилаётган «тайёр рецепт»лар сони кескин камаяди дея умид қилиб қоламиз.

## 8.4. Солиқ имтиёзларининг салбий жиҳатлари

Солиқ имтиёзлари тараққиётни таъминлашда ва моддий манфаатдорликни оширишда алоҳида аҳамиятга эга. Давлат солиқ имтиёзларини тақдим этиб, тегишли жараёнларга ўз таъсирини ўтказиши, уларни жадаллаштириши мумкин. Шу муносабат билан солиқ имтиёзларининг ижобий жиҳатлари хусусида қанча гапирилса кам. Иқтисодий манбаларда уларнинг фақат ана шу жиҳатларига урғу берилаётганлиги, қандайлигидан қатъи назар мавжуд муаммоларни ҳал этишда солиқ имтиёзларининг «сеҳрли таёқча» даражасигача кўтарилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Лекин кейинги пайтларда масала шу даражагача бориб етдики, ҳатто «Талабаларнинг илмга чанқоқлигини таъминлаш учун нима қилиш керак?» дея савол берилса, биттамыз ҳеч иккиланмасдан ва ички ишонч билан «Илмга чанқоқ бўлмаган талабаларнинг стипендияларидан солиқ олиш тартибини жорий этиш лозим. Ана шунда улар ҳаракатга тушиб қолади», деган фикрни айтишдан ўзимизни тўхтатолмаяпмиз. Ёки энг умумий тарзда «Муаммони ҳал қилиш учун энди нима қилдик?» қабилидаги савол билан бош кўтарилса ёки теваратрофга назар солинса, унинг қандайлигини сира эътиборга олмасдан «Солиқлар бўйича имтиёзлар бериш керак!» деган анъанавий жавобга эга бўлиб қолаяпмиз ва муаммонинг ечими топилади, деб хотиржамликка берилаяпмиз.

Масаланинг бошқа бир муҳим томони ҳам бор: иқтисод илми бўйича қайси ихтисослик (иқтисодиёт назарияси; макроиқтисодиёт; микроиқтисодиёт; менежмент; маркетинг; агросаноат мажмуи иқтисодиёти; молия, пул муомаласи ва кредит; бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит; статистика ва эконометрия; иқтисодиётда математик методлар ва моделлаштириш ва ҳ.к.) бўлишига қарамасдан, ундаги айрим «игна билан қудуқ қазувчилар» томонидан «ишлаб чиқилган» ва «илмий-амалий жиҳатдан асосланган» «таклиф-тавсиялар»нинг маълум бир қисми томдан тараша тушгандек «солиқлар бўйича имтиёз бериш»га бориб тақалаяпти.

Устига-устак, иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш



ва уларни ҳал этиш йўлларига бағишланган давра суҳбатлари, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, эшиттиришлар, кўрсатувлар ва ҳ.к.лар шаклида амалга оширилган айрим тадбирларнинг «Таклифлар» ёки «Тавсиялар» қисмида ҳам «солиқ имтиёзларини бериш»га каттагина ўрни ажратилаяпти.

Қайд этилганларнинг барчаси яна бир марта солиқ имтиёзларининг турмуш тарзимизда қандай роль ўйнаётганлигини яққол кўрсатаяпти.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги ҳолатларнинг вужудга келиши, энг аввало, солиқ имтиёзларини сунъий равишда идеаллаштиришга (барча муаммоларни муваффақиятли ҳал этувчи воситага айлантиришга) бориб тақалади. Ҳолбуки, солиқ имтиёзлари, баъзи бировлар ўйлаганидек, фақат фаришта эмас. Уларнинг нуқсонлари ва салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Уларда ҳам табиат ва жамият тараққиётининг (марксча-ленинча фалсафанинг эмас) асосий қонунаридан бири бўлган қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни ўзини намоён этади. Шунинг учун солиқ имтиёзларининг фақат ижобий томонларини кўриб, унга «сажда қилаётганлар» ва уни «сеҳрали таёқча» даражасигача кўтариб, эътироф этаётганлар уларнинг салбий жиҳатларидан огоҳ бўлсалар, фойдадан холи бўлмас. Шу муносабат билан айнан шундай эканлигини жаҳон илғор тажрибаси узил-кесил тасдиқлаган ва солиқ имтиёзларига хос бўлган айрим салбий жиҳатлар хусусида тўхталамиз. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

– солиқ имтиёзлари натижасида амалда ҳеч қачон улар берилаётган чоғида кўзда тутилган мақсадларга эришиламаган. Уларнинг самарадорлиги эса муайян бир харажатларни ёки дастурларни бюджетдан бевосита мақсадли (очиқ-ойдин ва енгил, осон бошқариладиган) молиялаштириш орқали эришиладиган натижалар билан таққослаганда сезиларли даражада паст бўлган;

– солиқ имтиёзлари иқтисодий агентларнинг тенг рақобат қила олиш принципини бузади, бу эса иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигига салбий таъсир кўрсатади;

– солиқ имтиёзларига эга бўлган компаниялар ривожланишга бўлган интилишни йўқотадилар ва ўз имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади, имтиёзлар бекор қилинганда эса улар фаолият юритишдан тўхтайдилар;

– имтиёзга эга бўлмаган компаниялар қандай бўлмасин уни қўлга киритишга ҳаракат қиладилар;

– солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштиради ва коррупцияга имкон яратади;

– бир вақтлар берилган солиқ имтиёзларини амалда бекор қилиш жуда мураккаб ҳисобланади.

Соғлом фикрлайдиган оддий бир фуқаро сифатида энди юқоридаги тасдиқларга холисона эътибор берайлик-чи, уларда «жон» бормикан? Ҳаётга қараб (хаёл суриб эмас) мушоҳада юритишга қодир бўлган ҳар бир шахс уларнинг бежизга айтилмаганлиги хусусида ижобий хулоса чиқаришига бизда шубҳа йўқ. Шунга қарамай, мазкур ўринда солиқ имтиёзларига тегишли бўлган салбий жиҳатларнинг юқоридаги кўринишлари ғойибдан юзага келмаганлигини, у ёки бу муаллиф (жумладан, ушбу монография муаллифининг ҳам) фантазияси ёки ижоди маҳсули эмаслигини алоҳида қайд этиб ўтмоқчимиз. Солиқ имтиёзларига хос бўлган салбий жиҳатларнинг айнан юқоридаги кўринишларини объектив реаллик ёки иқтисодий ҳаёт юзага чиқарган. Уларни кўриб-кўрмаслик, сезиб-сезмаслик, билиб-билмаслик сиз билан бизнинг тўғри йўлда эканлигимиздан далолат бермайди. Шунинг учун уларни рад этишга шошилмасдан, солиқ имтиёзларининг юқорида келтирилган салбий жиҳатлари қандай саволларни кун тартибига қўйиши мумкинлиги тўғрисида бир ўйлаб кўрайлик-чи, манзара (вазият) қандай бўлар экан?

Бизнинг назаримизда, солиқ имтиёзларининг юқоридаги салбий жиҳатлари билан танишган ва ўзини иқтисодий билимга эгаман деб озгина ҳурмат қилувчи ҳар бир мулоҳазали ўқувчи уларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича қуйидаги саволларни ўртага ташлаши турган гап:

– агар солиқ имтиёзларини бериш натижасида кўзланган мақсадларга эришилмаган бўлса, уларни бериш керакми ёки

йўқми? Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги муайян бир харажатларни ёки дастурларни бюджетдан бевосита мақсада молиялаштириш орқали эришиладиган натижалар билан таққослаганда сезиларли даражада паст бўлган бўлса, бозор иқтисодиётининг ҳақиқий талабларидан келиб чиқиб қайси вариант танланиши керак? Бу ўринда муаммони солиқ имтиёзларини бериб қал қилиш керакми ёки уни бюджетдан молиялаштириш орқали қал этиш лозимми? Ҳозирги пайтда тегишли муаммоларни қал этишда, жумладан, солиқ имтиёзларига алоҳида ўрин берилаётганлигининг сабаблари нималардан иборат?

– солиқ имтиёзлари иқтисодий агентларнинг тенг рақобат қила олиш принципини бузса, иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигига салбий таъсир кўрсатса, булар солиқ имтиёзларини бериш ёки бермаслик масаласининг тақдирини қал этишда инobatга олинishi керакми ёки йўқми? Бозор иқтисодиёти шароитида ҳақиқий тараққиётни фақат рақобат таъминлай олиши аксиома сифатида этироф этилган бир пайтда буни қандай тушуниш керак? Бу ўз оёғига болта уриш билан баробар эмасми? Ёки...?

– солиқ имтиёзларига эга бўлган компаниялар ривожланишга бўлган интилишни йўқотсалар ва ўзларининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга уринсалар, имтиёзлар бекор қилинганда эса фаолият юритишдан тўхтасалар, шу умидда уларга солиқ имтиёзлари берилган эдими? Бу нарса солиқ имтиёзлари «тепличные условия»ни яратиш, чойни ичиб, шамасини чайнаб, оёқни узатиб ётиш, тоққа чиқмасдан дўлонага, жон куйдирмасдан жононага эга бўлиш мақсадида берилганлигини англамайдимми? Буларнинг барчаси бозор иқтисодиётининг талабларига зид эмасми? Вужудга келиши мумкин бўлган бундай вазиятни ўзбекона қандай баҳолаш мумкин? Бу ўзига хос тарздаги «тузини еб, тузликқа тупуриш» эмасми?

– имтиёзга эга бўлмаган компаниялар ҳар қандай йўл билан бўлса-да, уни қўлга киритишга ҳаракат қилсалар, бу қип-қизил фирромлик-ку!? Фирромлик эса, ўз навбатида, ҳалола рақобатнинг кушандасига айланмайдимми? Бунинг

оқибатида айшни нодон суриб, кулфатни доно тортмайди-ми? Унинг шундай бўлмаслигига ким кафолат беради?

– ҳар қандай давлат ёки жамият ўз олдидаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этишда, жумладан, техник тараққиётнинг жадаллашувига ва коррупциянинг олдини олишга ҳам таянади, шундайми? Давлатнинг қўлидаги муҳим молиявий дастаклардан бири бўлган солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштира ва коррупцияга имкон яратса, у ҳолда бундай дастакдан фойдаланиш масаласига нисбатан давлатнинг муносабати (позицияси) қандай бўлиши керак? Муносабат (позиция) «Солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштира, секинлаштираверсин ва коррупцияга имкон яратса, яратаверсин ҳамда буларга боғлиқ бўлмаган ҳолда солиқ имтиёзлари берилаверсин» тарзида бўлиши керакми ёки...?

– бугун берилган солиқ имтиёзларини эртага бекор қилишнинг иложи йўқ, тўғрими? Бунинг устига, бугун солиқ имтиёзини бериб, уни эртага бекор қиладиган бўлсак, бериб нима қилдик? Ундан кўра, бир вақтлар берилган солиқ имтиёзларини амалда бекор қилишнинг жуда мураккаблигини ҳисобга олиб, бу масалада «етти ўлчаб, бир кесиш» мақсадга мувофиқ эмасмикан? Ва ҳ.к.

Энди масаланинг қуйидаги томонига эътибор беринг: келтирилган саволлар оддий саволлар эмас. Бу саволлар киши юрагини орқага торттириб юбориши, ўзини эса «ноқдаун» ва ҳатто «нокаут» ҳолатига тушириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, солиқ имтиёзларининг талайгина салбий жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар кун тартибига бир қанча ҳаётий саволларни кўядики, уларнинг жавобларини ҳисобга олмасдан туриб қабул қилинган қарорлар сиз билан бизни кўзланган мақсад сари илдам етакламайди. Дарёга ғарқ бўлаётган одамнинг ўзини қутқариш мақсадида хаста илиниш учун қиляётган ҳаракати бесамар бўлганидек, солиқ имтиёзларининг фақат ижобий томонларига қараб, уларнинг салбий жиҳатларини инобатга олмаслик ёки уларни назар-писанд этмасдан эсдан чиқариш оқибати пухта ўйланмаган молиявий

қарорнинг қабул қилинишига олиб келади. Ҳолбуки, бизнингча, бу масалада етти ўлчаб, бир кесишнинг ўзи камлик қилади. Бу ерда етти ўлчаб эмас, балки етмиш ўлчаб, бир кесиш керак. Ўшанда солиқ имтиёзлари ҳар қандай муаммоларни ҳал этишда «сеҳри таёқча»га айланимайди.

### **8.5. Солиқларни тўлаш – қўллик эмас, ҳўрлик белгиси**

*«Шунга эришмоғимиз керакки, ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилинсин».*<sup>167</sup>

И.А.Каримов

Сиртдан қараганда, оддийгина гаплардан иборат бўлган фикр. Лекин уни ўқиш ёки унга эътибор бериш жараёнида салгина диққат қилинса, унинг тагида кўпчиликнинг эътиборидан ҳамон четда қолиб келаётган, ҳамон назар-писанд қилинмаётган оддий ҳаётий ҳақиқат ётганлигини аниқлашимиз мумкин.

Гап бу ерда, оддийгина тарзда, ҳар бир солиқ тўловчининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёки даромадини оширишга интилиши кераклиги тўғрисида кетаётгани йўқ. Ўзини «тадбиркорман» дегувчиларнинг ҳар бири ўз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ёки даромадини оширишга интилиши, табиий. Буни ҳаммамиз биламиз.

Эътибор беринг, бу ерда гап ҳар бир солиқ тўловчининг **солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириши ва даромадини оширишга интилиши зарурлиги** хусусида кетаяпти.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва даромадларни оширишга интилишнинг икки йўли бор. Биринчиси, солиқларни тўлаш-

<sup>167</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь.

дан бўйин товлаб ва олинган даромадларнинг бир қисмини яшириш орқали бўлса, иккинчиси, аксинча, солиқларни тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларни яширишга уринмасдан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва даромадларни оширишга интилишдир.

Бу ерда солиқларни тўлашдан бўйин товлаб ва олинган даромадларнинг бир қисмини яшириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва даромадларни оширишга интилиш йўли биз учун мақбул бўлмаган йўл эканлиги таъкидланаяпти. Бу йўлнинг Ўзбекистон халқи ва давлати манфаатларига зид эканлиги, кўпнинг ҳаққига хиёнат қилиш ва боши берк кўчага олиб кириш йўли эканлиги баралла айтилаяпти. Нима учун? Чунки бу йўл сиз билан бизни, ҳаммамизни, ўзбек халқини ва ўзбекистонликларни иқтисодий тараққиётнинг юқори босқичига олиб чиқолмайди, биз учун зарур бўлган мустаҳкам барқарорликни (иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳ.к.) ва тинчликни таъминламайди, тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишимизга, шак-шубҳасиз, тўванок бўлиб тураверади, орзу-ҳавасларимизни рўёбга чиқармайди.

Шунинг учун ҳам айрим ўзидан беш қадам нарини кўролмаётган «тадбиркор»ларимиз «Солиқдан қочмасак, даромадларимизни яширмасак, ишлаб чиқаришимизни ривожлантиришнинг ва даромадларимизни кўпайтиришнинг сира иложи йўқ», деб ўзига ўхшаган «тадбиркор»ларнинг кўнглига мойдек ёқиб тушаётган гапларни тарқатаётган бир пайтда масала бугунги кунда айнан шу тарзда қўйилаяпти. Бунинг боиси ҳам шундан иборат. Шунинг учун ҳам мамлакат раҳбари ана шу хусусда бонг ураяпти ва уни биз бутун вужудимиз қулоққа айланиб эшитишимиз ва ундан тўғри хулоса чиқаришимиз керак.

Жисмоний ёки юридик шахс эканлигидан қатъи назар барча солиқ тўловчилар солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиши зарур экан, бугунги кунда уларда ана шундай ҳиссиётни, ана шундай онгни шакллантириш, бизнинг на-

заримизда, алоҳида аҳамият касб этади. Солиқ тўловчиларда ана шундай ҳиссиёт, ана шундай онг, боринтки, ана шундай кайфиятни шакллантирмас эканмиз, олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этолмаймиз. Назоратни кучайтириш, текшир-текширлар орқали ҳам кўзланган мақсадларга етиб боришимиз амримаҳол. Чунки назорат қилиш ва текширувлар ўтказиш маълум бир даражага етгунга қадар ўзининг ижобий самарасини бериб туриши мумкин. Ўша даражадан ўтгандан сўнг улар тескари (салбий) самара беради. Бу ҳам тўғрилиги исбот талаб этмайдиган ҳаёт қонуни. Уни ҳисобга олмасликнинг ҳам иложи йўқ.

Солиқ тўловчиларда солиқларни ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлаб туришга нисбатан онгли муносабат, ҳиссиёт ва кайфият шаклланар экан, ишончингиз комиа бўлсин, назоратни кучайтиришга, текшир-текширларнинг сонини кўпайтиришга ва тадбиркорларнинг фаолиятига аралашувга ҳам ҳожат қолмайди. Чунки солиқ тўловчи тадбиркор белгиланган солиқ суммаларини ўз вақтида тўлаб турса, олган даромадини яширмаса, халқи, давлати ва жамияти олдидаги мажбуриятини ўз вақтида тўлиқ бажариб турса, унинг фаолиятини назорат қилишдан мақсад нима? Унинг фаолияти нима учун бўлар-бўлмасга текшир-текшир қилиниши керак? Бунинг мантиғи йўқ, тўғрими?

Бир вақтнинг ўзида ҳозирги кунда «тадбиркор»ларнинг орасида «Мен солиғини ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўламаяпман. Бутун ҳийла-найрангларимни, «маҳорат»имни ва «йўли»ни ишга солиб, олган даромадларимнинг бир қисмини яшириб қолаяпман. Буни давлат ҳам билиб турибди. Шунинг учун назорат қилиш кучайяпти. Текшир-текширларнинг адоғи кўринмаяпти», дейдиган мард йўқ. Ёки «Солиқ тўловчи, тадбиркор ёки шу Ватаннинг фарзанди сифатида мен белгиланган солиғини тўламасдан унинг манфаатларига хиёнат қилаётган, Ватаним ва халқим олдидаги ўз мажбуриятимни ихтиёрий равишда бажармаётган бўлсам, давлат қўлини қовуштириб, индамасдан ўтириши керакми? Бундай шароитда давлат томонидан уларга йўл қўймаслик учун, албатта, назорат кучайтирилади, текшир-

текширларнинг сони кўпаяди-да», дейётган ватанпарвар ҳам топиламаяпти.

Ана шундай шароитда, юқорида таъкидланганидек, барча солиқ тўловчиларда солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиш ҳиссиётини, ана шундай онгни шакллантириш ўта долзарб аҳамият касб этиши<sup>168</sup>, шубҳасиз.

Ҳўш, солиқ тўловчиларда бундай онга муносабат, ҳиссиёт ва кайфиятни қандай қилиб шакллантириш мумкин? Унга эришишнинг йўли қандай? Бунинг учун нима қилишимиз керак? Агар сиз билан биз орзу қилаётган айрим мамлакатларнинг фуқаролари (тадбиркорлари)да ана шу нарсалар шакланган бўлса, улар бунга қандай қилиб эришди экан? Нега улар «Солиқларни ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлаш керак!» деб қатъий ишониб, унга амал қиладилар-у<sup>169</sup>, бизда вазият бошқача?

<sup>168</sup> Бундай онгни шакллантиришда, шубҳасиз, мамлакат солиқ тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг эгаллаган позицияси принципиал аҳамият касб этади. Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, ўтган асрнинг 80-йилларида солиқ бошқармаси ходимининг қуйидаги айтган сўзлари муҳим аҳамиятга эга: «Дунёда солиқдан бўйин товлашдан каттароқ жиноят бўлмаса керак, деб ҳисоблайман. Мен ҳатто хотинимнинг ҳам хиёнатини кечирим мумкин, аммо солиқ тўлашдан ўз даромадини яширганларни ҳеч қачон!». («Банк ахборотномаси» газетаси. 2002 йил 7 – 13 ноябрь сони). Солиқ тизимида фаолият кўрсатган бу ходимнинг фикрларини сиз қандай изоҳлайсиз? Хулоса чиқаришга шошилманг! Бу ердаги асосий ғоя нимадан иборат? У бизнинг шароитимизда қандай янги кўриниш ва мазмун олиши керак? (Бу фикрдан монографиямизнинг тегишли, кейинги қисмида яна бир марта фойдаланамиз).

<sup>169</sup> Бироқ бу мамлакатларда ҳам солиқларни ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлаш кераклигига риоя этиш даражасини 100% деб бўлмайди. Солиқларнинг ундирилувчанлиги энг юқори бўлган мамлакат Швецияда унинг даражаси 98,5% га тенг. Шундай бўлишига қарамасдан, бу мамлакатдаги кўрсаткичнинг даражаси ва бошқа тараққий этган мамлакатлардаги шунга яқин бўлган кўрсаткичлар бизнинг юқоридагидек хулоса чиқаришимизга асос бўла олади.



Олдиндан айтиб қўяқолай, бу саволларнинг жавобини излаб янгидан велосипед ихтиро қилиш ёки Американи кашф қилишга сира ҳожат йўқ. «Рецепт» излаш ҳам керак эмас. «Солиқларни тўлаш керак!» деб қатъий ишонувчилар (солиқ тўловчилар) ўзларининг бу ҳаракатларини биргина «Биз нима учун тўлаётганимизни яхши биламиз!» деган жумла билан изоҳлашади.

Демак, кўриниб турибдики, ҳеч қандай муаммоларсиз солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришини таъминлашимиз керак экан, бунинг учун, энг аввало, ўзимизнинг солиқ тўловчиларимизда ҳам «Биз нима учун тўлаётганимизни яхши биламиз!» деган онгли муносабатни, ҳиссиётни ва кайфиятни шакллантиришимиз зарур.

Ўз навбатида, бунинг учун нима қилишимиз керак? Ахир, юқоридаги сўзларни қайта-қайта такрорлаганимиз билан солиқ тўловчиларда биз истаган онгли муносабат, ҳиссиёт ва кайфият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди-ку!

Бунинг учун, ҳақиқатан ҳам, солиқ тўловчилардан ундирилган солиқларнинг «қаёққа кетганини», уларнинг нима мақсадлар учун сарфланганини, ўша сарфланишнинг айнан мақсадга мувофиқлигини ва уларнинг қандай самара (иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳ.к) берганини солиқни тўлаб қўйган солиқ тўловчиларимизга ишонарли қилиб тушунтириб беришимиз керак.

Хўш, энди айтинг: тушунтириб бераёلمизми? Бу ишнинг уддасидан чиқоляпмизми? Бу ишларни ким қилиши керак? Бу кимларнинг вазифасига киради? Бунга фақат солиқчилар масъулни, ёки...?

Шу вазифани «Мен бажараяпман!» деяётган айрим «шов-воз»ларнинг тайёргарлик даражаси қандай? У ўзининг айтаётган гапларига ўзи ишонаптими? Ўзи томонидан айтилаётган фикрларга ўзи ишонмаса, шубҳа билан қараётган бўлса, ўзгаларни қандай қилиб ишонтирсин? Айримларимиз солиқларнинг қаёққа кетаётганини тушунтириб беришни ўзимизнинг «тирикчилик манбаи»миз деб қарамаёпмизми?

Солиқ тўловчиларимизда «Биз нима учун тўлаётганимизни яхши биламиз!» деган онгаи муносабатни, ҳиссиёт ва кайфиятни шакллантириш учун етарли ва ишонарли бўлган ин-формацион материалларга эгамизми? Улардан қандай фойдаланиш керак?

Умуман олганда, тўланган солиқ суммаларининг қаёққа кетаётганлиги тўғрисида ҳар бир солиқ тўловчида ишонарли ва тўғри тасаввурни шакллантириш учун ишни нимадан бошлашимиз ва нималар қилишимиз керак?

Бу ишни, бизнинг фикримизча, ҳар ким ўз оиласидан бошлаши лозим. Ўзимизнинг пешона теримиз билан топи-ган бойлигимиз ҳаддан зиёд ортиб кетган бўлишига қара-масдан, агар оиламизга давлатнинг қандайдир шакада (уларнинг қандайлиги бу ерда принципиал аҳамиятга эга эмас) зигирчалик нафи тегаётган бўлса ҳам, уларнинг бар-часи солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқлар ҳисо-бидан молиялаштирилаётганлигини азиз фарзандларимиз-нинг қулоғига қўйишимиз шарт. Бу ишни қилаяпмизми?..

Фарзандларимиз бюджет ҳисобидан молиялаштирилаёт-ган мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланаётганда борча опалар «Мана шу бино, ундаги инвентарлар, турли-туман ўйинчоқлар, овқатлар ва ҳоказолар солиқлар ҳисоби-дан бизнинг ихтиёримизга берилган. Уларнинг қадрига ети-шимиз керак. Катта бўлганимизда ҳаммамиз солиқларни ўз вақтида тўлаб қўйишимиз шарт, тўғрими, болажонлар?» дейишса, улар ҳам мавжуд муаммонинг ечилишига ўзлари-нинг муносиб ҳиссаларини қўшардилар-ку! Қўшаяпмизми?..

Мактаб, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юрталари-нинг фаолияти, асосан, нима ҳисобидан молиялаштирила-япти? Уларда таълим-тарбия олаётганларга ана шуларнинг ҳаммаси солиқлар ҳисобидан таъминланаётганлиги, бу со-лиқларни солиқ тўловчилар бўлган уларнинг ота-оналари тўлаётганлиги тушунтирилса, балки шу муассасалар муаки-га бўлган муносабат ўз уйимиздаги мол-мулкка бўлган му-носабат сингари ўзгарармиди? Маориф соҳасидаги муас-сасаларнинг келгусидаги аҳволи бугун шу муассасаларда таҳсил олаётганларнинг тартибли солиқ тўловчи бўлиб ети-

шишларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги уқтирилса ва шунга эришиласа, айти муддао бўлур эди-ку! Уқтираяпмизми? Ёжи...

Соғлиқни сақлаш муассасаларида ажал билан олишиб ётган, умуман, барча беморларга улар даволаниб «отдек» бўлиб чиққанларидан сўнг тиббиёт ходимлари баралла овозда «Бугунги кунда ҳаётга қайтганингнинг ёки тойчоқдек гижинглаб юрганингнинг асосий сабабларидан бири солиқ тўловчиларимизнинг солиқларни ўз вақтида тўлаганларидир. Масканимиз солиқ тўловчилар тўлаган солиқлар ҳисобидан тегишли дори-дармонлар ва асбоб-ускуналарни ўз вақтида олмаганида эди, ўзингни алақачон арши аълода кўрар эдинг», деб айтсалар, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш кескин камаярмиди!? Бу ишни қилаяпмизми? Афсус...

Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари нима ҳисобидан молиялаштирилаяпти? Фан ривожини ва фундамента тадқиқотлар учун маблағ қаердан олинаяпти? Ижтимоий таъминот билан боғлиқ муаммолар нима ҳисобидан ечилаяпти? Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқ нима ҳисобидан қопланаяпти? Кўп болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар нима ҳисобидан тўланаяпти? Иқтисодиётга харажатлар ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш нима ҳисобидан амалга оширилаяпти?

Бу саволларнинг жавоби битта: СОЛИҚЛАР.

Юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураяпти. Оилаларда – хотиржамлик. Тинчгина ухлаяпмиз. Фарзандларимиз чопқилаб юришибди. Улар ўғирланиб, ота-оналар қон қақшатилмаяпти. «Буюртмали ўлим» нима эканлигини иссиқ танамизда синаб кўрганамиз йўқ. Уддабурон тadbиркорларимиз ўз остоналарида отиб кетилмаяпти. «Рекетчилар ҳар дақиқада йўлимизни тўсиб тургани йўқ. Мол-мулкимиз талон-торож этилмаяпти. Сарҳадларимиз даҳасиз. Ҳар қандай нокас тумшугини тиқиб, номаъқулчиқ қилаётгани йўқ. Тинчлигимизни бузиш, юртимиздаги осойишталикка раҳна солиш ниятида бўлганлар ўз вақтида таъзирини олаяпти.

Ана шундай «Тинчлик» деган улуғ неъматга эришиш ўзидан бўлмаётгандир? Унга эришиш учун тер тўкишнинг ўзи камлик қилади. Маблағ ҳам сарфлаш керак. Маблағ қаердан олинаёлти? Солигини ўз вақтида тўлаб турган солиқ тўловчиларнинг солиқларидан. Ишонинг: бунинг бошқа манбаи йўқ. Унинг яккаю ягона манбаи – солиқлар.

Солиқларни ўз вақтида тўлаб туришнинг бундай хосияти бор эканлигини оммага ким тушунтириб беради? «Сиз тўлаётган солиқлар сизнинг тинчлигингизни таъминлашга ҳам хизмат қилаёлти!» деб ким жар солиши керак? Буларсиз солиқ тўловчиларда солиқларни ўз вақтида тўлаб туришнинг зарурлиги тўғрисидаги онгли муносабатни, ҳиссиётни ва кайфиятни қандай қилиб шакллантирамиз? Бу соҳада қандай ишлар қилинаёлти? Қилинаёлтимиз ўзи?..

Дунёнинг турли бурчакларида эркин қушдек учиб юрган бели бақувват давлатларнинг фуқароларини кўриб ҳавасимиз келади. Бели бақувват давлатларнинг фуқаролари бўлганлиги учун ҳам улар ўзларини эркин қушдек ҳис қилишади. Чунки улар бели бақувват давлатнинг паноҳида, ҳимоясида. Ўша давлатларнинг белини бақувват қилган нарса нима экан? Солиқлар! Давлат солигини тўлаб белини бақувват қилган фуқаросининг озод қушдек юришини, ҳурлигини таъминламасдан нима қилсин? Ўз фуқароларининг ҳеч кимдан кам бўлмаслигини таъминлаш ниятида бўлган Ўзбекистон деб аталиши давлатнинг ҳам бели бақувват ва қўли узун бўлишини ҳаммамиз истаймиз-ку! Истасак, ҳаракатимиз истагимизга мос бўлсин-да!

Зеро, солиқларни ўз вақтида тўлаш қулик эмас, озодлик белгисидир. Бу ҳам ҳаётда алақачон ўз тасдиғини топган аксиома. Унга шубҳа билан қарамасдан, қатъий ишониш, ўрни келганда сажда қилгандек иш тутиш солиқ сиёсати муваффақиятининг тасаввур этиб бўлмайдиган гаровидир.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун қўшимча саволлар:**

- ◆ Солиқ имтиёзларини қандай қилиб оқилона тақдим этиш мумкин? Бу нимага боғлиқ?
- ◆ Солиқ имтиёзларини беришда нималарга эътибор бер-

моқ керак, қандай асосий принципларга риоя этмоқ лозим?

◆ Иқтисодий ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтган ва ўзининг ҳаётийлигини ҳамон сақлаб келаётган солиқ имтиёзларини тақдим этиш принципларининг энг асосийлари нималардан иборат?

◆ Солиқ имтиёзларини бериш масаласида инобатга олинishi лозим бўлган принциплар бирор бир иқтисодчи олим ижодининг маҳсулими ёки...?

◆ Солиқлар бўйича имтиёзларни оқилона тақдим этиш масаласи қандай бир неча саволларнинг аниқ жавобга эга бўлиши тақозо этади?

◆ Солиқлар бўйича имтиёзларни оқилона тақдим этиш масаласини имтиёзни олаётган томоннинг солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик мавжудлигини қандай идрок этишисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу нима дегани? Унинг замирида нима ётибди?

◆ Солиқлар бўйича имтиёзларнинг оқилона тақдим этилишини ўзбекона айтилган ва аксиома сифатида турмуш тарзимизга қабул қилинган қандай мақоллар билан қиёслаш мумкин?

◆ Солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш учун ҳисобга олинадиган амалий ҳолатлар нималардан иборат?

◆ Шу кеча-кундузда истаган, ҳар бир тадбиркорга, фақат тадбиркорга эмас, аслида ҳар биримизга «Фаолиятингизнинг кўнгидагидек эмаслигига нима сабаб? Нима сизга халақит берапти? Нима қилинса, сизнинг фаолиятингиз сиз истаган тарзда ривожланиши мумкин?» деган мазмунда савол берилса, унинг жавоблари қандай бўлиши мумкин?

◆ Оддий тарзда айтиладиган бўлса, солиқ имтиёзлари нималар учун бериладими?

◆ Солиқ имтиёзлари фақат оёққа туриб кетиш ёки қадни ростлаб олиш учунгина бериладими ёки...?

◆ Солиқлар бўйича имтиёз нима мақсадда берилади?

◆ Солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этишда солиқ имтиёзларининг берилиш даражасига эътибор бериш керакми ёки йўқми? Бу ерда вазият қандай? Имтиёзларнинг берилиш

даражаси етарлими? Ёки улар керагидан ортиқчами? Бу масалада хорижлик мутахассисларнинг фикри қандай?

♦ «Солиқлар бўйича имтиёзлар етарли ёки улар керагидан ортиқча», деган фикрни биадирган мардни учратганмисиз? Бу борада аниқ мисоллар келтира оласизми?

♦ Солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлашда солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш муҳим роль ўйнар экан, бу жараёнда «Мавжуд солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқоляпмизми? Берилган имтиёзлар қандай ишлаяпти? Ишлаяптими ўзи? Ёки...» қабилидаги саволларнинг аниқ жавобга эга бўлиши принципиал аҳамиятга эгами ёки йўқми? Нега?

♦ Имтиёз берилганидан сўнг, ундан фойдаланиш керакми ёки...? Имтиёз бериш кимнинг зиммасида-ю, ундан фойдаланиш кимнинг зиммасида?

♦ Солиқ имтиёзлари ўз-ўзидан «ишлаб» кетиши мумкинми? Бу нима (ким)ларга боғлиқ?

♦ Бозор иқтисодиёти шароитида имтиёзга эга бўлишда муаммо пайдо бўлиши мумкин. Ундан фойдаланишда-чи?

♦ Берилган солиқ имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқолсак, нима бўлиши мумкин?

♦ Солиқлар бўйича имтиёзлар берилаётган пайтда қандай мақсадларни ўз олдимизга қўйяпмиз? Уларга эришяпмизми?

♦ Имтиёзга эга бўлганларнинг аҳволи қандай? Уларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланаяптими? Яхшиланмаётган бўлса, қўшимча солиқ имтиёзидан умидвор бўлишга ҳаққимиз борми?

♦ Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик қандай жараёнда ўзини намоён этади? Бу жараёнда солиқ нимани талаб қилади-ю, имтиёз нимани тақозо этади? Бу ердаги мувозанатни таъминлашга қандай эришилади?

♦ Солиқлар бўйича берилаётган имтиёзнинг икки томонламалик характери қандай намоён бўлади?

♦ Солиқ ва имтиёз диалектикасига мувофиқ бир томон ютиб, иккинчи томон ютқозиши мумкинми? Ёки ундан бир томон фойда, иккинчи томон эса зарар кўриши керакми?

◆ Солиқ имтиёзи қўлга киритилганидан сўнг, унга мушарраф бўлганнинг хатти-ҳаракати қандай бўлиши керак?

◆ Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик бовлиқаникнинг маъно-мазмунини идрок этишда ўзбекона айтилган қандай мақоллар бизга ёрдам бериши мумкин?

◆ Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини тўғри тушунмоқ учун бизнинг шароитимизда «Ҳаётда нимадан қочиб қутулишнинг иложи йўқ?» деган саволнинг жавоби қандай роль ўйнайди?

◆ Бозор муносабатлари соғлом ривожланган мамлакатларда солиқ ва имтиёз диалектикасининг негизини қандай фалсафий фикр ташкил этади?

◆ «Солиқ тўловчилар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл маъносини тўғри тушунишлари учун, дастлаб, фақатгина ўлимдан эмас, балки солиқ тўламасликдан ҳам қочиб қутулишнинг иложи йўқ эканлигини қалбан ҳис этмоқлари даркор. Солиқ тўловчиларимизда бундай ҳиссиёт пайдо бўлмас экан, улар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини идрок этишга ҳамон ожизликларича қолаверадилар», деган фикрга сизнинг муносабатингиз қандай?

◆ Юртимизда осойишталик, тинчлик, хотиржамлик ҳукм сураётганлиги ҳам солиқ ва имтиёз диалектикасининг асл моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилинаётганда назардан четда қолмаслиги керакми?

◆ Солиқ ва имтиёз диалектикасига муносабат билдирилаётганда солиқ тўловчиларимизнинг ўзини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ҳам ҳисобга олиниши лозимми?

◆ Солиқ тўловчиларга «Сиз давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинишни хоҳлайсизми?» деб савол берилганда рад жавобини берувчилар топиладими?

◆ Бюджет маблағни қаердан олади? Ижтимоий ҳимоя қилинишдан умидвор бўлганлар бу саволга ҳам тўғри жавоб беришлари керакми ёки йўқми? Ҳақиқий жавоб нимадан иборат?

◆ Ҳавас ҳамда солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик бовлиқлик масаласида нималар назарда тутилиши мумкин?

♦ «Бюджетга шунча солиқ тўлаяпмиз. Бу маблағлар қаёққа кетаяпти? Ҳеч ким бизга ҳисобот бермаяпти-ку!» тарзидаги «эътироз» ҳамда солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик бовариқлик орасида қандай узвийлик мавжуд?

♦ «Қанча солиқ суммаларини тўладик?» ва «Давлат томонидан менга қанча (қандай) ёрдам кўрсатилади?» саволлари ўртасидаги масала ҳақиқатда кимнинг фойдасига ҳал бўлаяпти (бўлиши мумкин)?

♦ Давлат солиқлар маълум бир қисмининг қаёққа кетганини тўғрисида ҳисобот бермади, деб ҳисоблайлик. Хўш, давлатнинг шундай йўл тутишига ҳаққи борми ёки йўқми?

♦ Ҳозирги пайтда амалда кўлланиб келинаётган солиқ қонунчилигига бирор бир ўзгариш киритмасдан, уларда мавжуд бўлган имтиёзлардан 100% фойдаланилса, хўжалик юритувчи субъектлардан бюджетга олинадиган солиқларнинг миқдорини (суммасини) қарийб 50% га камайтириш имкони бор экан. Солиқ ва имтиёз масаласи муҳокама этилаётган пайтда бу ҳолатнинг ёки вазиятнинг мавжуд эканлиги ҳам назардан четда қолмаслиги керакми?

♦ «Солиқлар бўйича бизга имтиёз берилса яхши бўлар эди», деган фикрга боришдан олдин «Бизга солиқлар бўйича берилган имтиёзларнинг ҳаммасидан тўлиқ фойдаланиб бўладими?» деб фикр қилинса, мақсадга мувофиқ бўлмайdimи?

♦ Солиқ соҳасида маълум бир ўзгаришлар киритилса, ҳақиқатан ҳам, иқтисодий ҳаётимиздаги муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетадимми?

♦ Иқтисодиёт назарияси, маркетинг, менежмент, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, халқаро валюта-кредит муносабатлари, ташқи иқтисодий алоқалар, бухгалтерия ҳисоби, информатика, бизнес, режалаштириш, баҳо ва ҳоказо соҳаларнинг айрим мутахассислари, айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи олимлар иқтисодиётдаги муаммоларни ҳал этиш учун «Солиқ соҳасида ўзгартиришлар керак», деган «тайёр рецепт» беришдан кўра ўз соҳаларида мавжуд муаммолар устида бош қотирсалар, яхши бўлмасмиди? Ёки бу соҳалардаги мавжуд муаммолар алаҳқачон шараф билан адо этилдими?



♦ «Тайёр рецепт»ни берувчилар рецептни беришдан олдин бу рецепт қабул қилинганидан сўнг унинг оқибати нимага олиб келар экан, деб ўйлаб кўришлари ёки ҳисоб-китоб қилишлари керакми ёки йўқми?

♦ Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг туб моҳиятини тўғри идрок этишнинг бир неча вариантларига изоҳ бера оласизми? Улар нималардан иборат?

♦ Ҳозирги бизнинг шароитимизда солиқ бўйича имтиёз берилганда вариантларнинг қайси биридаги вазият вужудга келиш эҳтимоли кўпроқ? Аслида қайсиси вужудга келиши лозим эди?

♦ Солиқ имтиёзлари фақат «фаришта» ёки «сеҳрли таёқча»ми ёки уларнинг салбий жиҳатлари ҳам борми? Бор бўлса, улар нималардан иборат?

♦ Солиқ имтиёзлари натижасида амалда ҳеч қачон улар берилаётган чоғида кўзда тутилган мақсадларга эришилмаган. Уларнинг самарадорлиги эса муайян бир харажатларни ёки дастурларни бюджетдан бевосита мақсадли (очиқ-ойдин ва енги, осон бошқариладиган) молиялаштириш орқали эришиладиган натижалар билан таққослаганда сезиларли даражада паст бўлган. Бу фикрларнинг қанчалик тўғрилигини исботлаб бера оласизми?

♦ «Солиқ имтиёзлари иқтисодий агентларнинг тенг рақобат қила олиш принципини бузади, бу эса иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади» деган фикрга қўшиласизми?

♦ «Солиқ имтиёзларига эга бўлган компаниялар ривожланишга бўлган интилишни йўқотадилар ва ўзларининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади, имтиёзлар бекор қилинганда эса улар фаолият юритишдан тўхтайдилар» деган фикрнинг тўғрилигини рад эта оласизми?

♦ Имтиёзга эга бўлмаган компаниялар қандай бўлмасин уни қўлга киритишга ҳаракат қиладилар. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

♦ Солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштиради ва коррупцияга имкон яратади. Шу фикр тўғрими?

◆ Бир вақтлар берилган солиқ имтиёзларини амада бекор қилиш жуда мураккаб ҳисобланади. Нега?

◆ «Солиқларни тўлаш – қулик эмас, озодлик белгиси» экан, шу фикрнинг тўғрилигини қандай қилиб тасдиқлай оласиз?

◆ Ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиши мумкинми? Бу йўлда қандай тўсиқлар учраши мумкин?

◆ Жисмоний ёки юридик шахс эканлигидан қатъи назар барча солиқ тўловчилар солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиши зарур экан, бугунги кунда уларда ана шундай ҳиссиётни, ана шундай онгни шакллантириш учун қандай ишларни қилиш керак?

◆ Назоратни кучайтириш, текшир-текширлар орқали ҳам қўзланган мақсадларга ўз вақтида етиб боришимиз мумкинми?

◆ Солиқ тўловчиларда солиқларни тўлашга нисбатан онгли муносабат, ҳиссиёт ва кайфиятни қандай қилиб шакллантириш мумкин? Унга эришишнинг йўли қандай? Бунинг учун нима қилишимиз керак? Агар сиз билан биз орзу қилаётган айрим мамлакатларнинг фуқаролари (тадбиркорлари)да ана шу нарсалар шакланган бўлса, улар бунга қандай қилиб эришди экан? Нега улар «Солиқларни ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлаш керак!» деб қатъий ишониб, унга ама қиладилар-у, бизда вазият бошқача?

◆ Энг аввало, ўзимизнинг солиқ тўловчиларимизда ҳам «Биз нима учун тўлаётганимизни яхши биламиз!» деган онгли муносабатни, ҳиссиётни ва кайфиятни шакллантириш учун нималар қилишимиз керак?

◆ Солиқ тўловчиларимизда «Биз нима учун тўлаётганимизни яхши биламиз!» деган онгли муносабатни, ҳиссиёт ва кайфиятни шакллантириш учун ишонарли бўлган инфор-

мацион материалларга эгамизми? Улардан қандай фойдаланиш керак?

◆ Умуман олганда, тўланган солиқ суммаларининг қаёққа кетаётганиги тўғрисида ҳар бир солиқ тўловчида ишонарли ва тўғри тасаввурни шакллантириш учун ишнинг нимадан бошлаш ва нималар қилишимиз керак?

◆ Солиқларни ўз вақтида тўлаб туришнинг ижобий хосиятлари бор эканлигини оммага кимлар тушунтириб бериши лозим? «Сиз тўлаётган солиқлар сизнинг тинчлигингизни таъминлашга ҳам хизмат қилаяпти!» деб кимлар «жар» солиши керак? Буларсиз солиқ тўловчиларда солиқларни ўз вақтида тўлаб туришнинг зарурлиги тўғрисидаги оғай муносабатни, ҳиссиётни ва кайфиятни шакллантира оламизми? Бу соҳада қандай ишлар қилинаяпти? Қилинаяптими ўзи?..

## 9-БОБ.

## БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ, УЛАРГА НИСБАТАН БИЛДИРИЛАЁТГАН ЭЪТИРОЗЛАР, МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ВА ЭЪТИРОЗЛАРНИ ЮМШАТИШ ЙЎЛЛАРИ<sup>170</sup>

Республикамызда ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан яқдиллик билан фикр

<sup>170</sup> Монографиянинг ушбу бобида муҳокама этилаётган масалалар онгли равишда бир неча махсус параграфларга ажратилмади. Бунга кўтарилган масалаларнинг мураккаблик даражаси, маълумотлар ёки далиллар билан таъминланганлиги, долзарблиги ва аҳамиятининг турли даражада эканлиги ва ҳ.к.лар сабаб бўлди. Боб материалларини диққат ва эътибор билан ўқиган ҳар бир ўқувчи уларни алоҳида-алоҳида параграфларга ажратишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, уларнинг, манتيкий жиҳатдан, бир-бири билан узвий боғланиб қолганлиги хусусида тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Бироқ бунинг бошқа бир асосий сабаби ҳам бор. Чунки қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай мавзунини бир неча «саволлар»га бўлиб, муҳокама этиш аллақачон бизда одат тусига кириб қолган. Айрим ҳолларда ҳатто мавзунини «саволлар»га бўлмасдан муҳокама этишни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Аслида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, мавзунини «саволлар»га бўлиб, муҳокама этиш, унинг фақат шу «саволлар» доирасида муҳокама этилишини тақозо қилиб, чеклаш характерига эга. «Саволлар» чекланганда мавзунинг тўлиқ очилмай қолиши, табиий. Шу боис фикрлар ранг-баранглигига катта эътибор ва ҳурмат билан қаралаётган ҳозирги бир пайтда, муаллифлар назарида, мавзунини баён этишда анъанавий тарздаги «саволлар қўйиши» усулидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик масаласи принципиал аҳамиятга эга эмас. Ҳаёт сабоқлари муаммони «қолип»дан чиқиб ҳам ҳал этиш мумкинлигини кўрсатапти. Албатта, бундай ноанъанавий тарзда йўл тутиш мавзунини баён этишда ўзбошимчаликка, бошбошдоқликка, ўзи бўларчилиikka, «анархия»га ёки «хаос»га олиб келмаслиги керак. Қаерда қайси вариант қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини ёки афзаллигини аниқлаш учун ушбу монографиянинг 1-, 9- ва 10-боблари материалларини унинг қолган боблари материаллари билан таққослашнинг ўзи етарли. Биз шу йўлни танаддик. Унга нисбатан ўзингиз

билдирилмаяпти.<sup>171</sup> Бир томондан, бунинг шундай бўлиши табиийдек туюлади. Чунки бу сиёсат умумдават, умумхалқ манфаатларига қаратилган бўлишига қарамасдан, кимнингдир манфаатларига тўлиқ мос келиши ёки келмаслиги мумкин. Шунга мувофиқ равишда, мос келса – ёқади, аксинча бўлса – ёқмайди. Иккинчи томондан, бюджет-солиқ сиёсати ҳамма вақт ҳам барчанинг манфаатларига бирдек мос келвермаслиги олдиндан аниқ. Бу нарсани шу сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизми ўзида мужассам этади. Бунинг устига, ҳозирги пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотлар, шахс эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги ва уларнинг ҳар бирига ҳурмат билан қарашнинг зарурлиги бюджет-солиқ сиёсатига баҳо берилаётган пайтда ўз изини қолдирмоқда.

Шундай бўлишига қарамасдан, «Мамлакатимиздаги бюджет-солиқ сиёсати сизга маъқулми? У сизнинг манфаатларингизни тўлиқ ифодалаяптими? Бу сиёсат сизга ёқаяпти-

учун қандай ҳулосани чиқарасиз – бу Сизнинг ҳукмингизга ҳавола. Бу борада бизнинг позициямиз ана шундай қатъий кўринишга эга бўлса-да, баъзи бир сабабларга кўра монографиямизнинг «мундарижа» қисмида ундан олган равишда воз кечдик ва шундай вариантнинг бўлиши мумкинлиги ҳеч қандай муаммони туғдира олмаслигини яна бир марта кўрсатишга ҳаракат қилдик.

<sup>171</sup> Бунинг айнан шундай эканлигини оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган материалларни таҳлил қилиш асосида аниқлашнинг иложи йўқ. Тегишли доираларда ва ҳатто халқаро миқёсда ҳам бу соҳада тўғри сиёсат юритилаётганлиги эътироф этилаяпти. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, айрим ҳолларда ва ўрни келган жойларда бу сиёсатга нисбатан ўзимизнинг норози эканлигимизни астагина билдиришга ҳаракат қиляпмиз. Унга нисбатан хайрихоҳ бўлганларни ҳам топаяпмиз. Минбарда мамлакатимиз бюджет-солиқ сиёсатининг афзалликлари ва халқпарварлиги хусусида гашириб, ундан тушгандан сўнг, ўз фикримиздан қайтаяпмиз. Унга тегишли бўлган айрим саволларнинг ҳақиқий жавобларини тополмасдан, муҳолифимизнинг фикрини қўллаб-қувватлашга мажбур бўлаяпмиз. Бу сиёсатнинг тўғри эканлигини қўллаб-қувватлаш ўзимиз (бу ерда биз «ўзимиз» деганда бюджет маблағлари ҳисобидан рўзгор тебратувчиларнинг барчасини назарда тутаяпмиз) учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигига қарамасдан, осонгина «таслим» бўлаяпмиз.

ми? Уни тўғри деб ҳисоблайсизми?» шаклида берилган саволларга жавобларимиз қандай бўлаяпти? Бундай саволларга жавоб бераётган пайтда ихтиёр ўзингизда бўлса «Маъқул эмас. Тўлиқ ифодаламаяпти. Ёқмаяпти. Нотўғри деб ҳисоблайман», деб жавоб беришингизга бизда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Баъзи бир ҳолатларни ҳисобга олиб, уларнинг барчасига бир сўз билан «Ҳа» деб жавоб берсангиз ҳам, бу жавобингизга, аслида, ўзингиз ҳам ишонмайсиз ва ўзгани ҳам ишонтиролмасангиз аниқ.

Савол «Мамлакатимиздаги бюджет-солиқ сиёсатининг нимаси сизга маъқул эмас? Нимаси ёқмаяпти? Нимаси нотўғри?» шаклида берилса ва сизни бурчакка олиб бориб, «тиқиб» қўйсақ, иложсиз қолгандан сўнг, охир-оқибатда «ёриласиз», «дард»ингизни ошқор этасиз. Аксарият ҳолларда улар, энг умумий кўринишда, қуйидагилардан иборат бўлади<sup>172</sup>:

- ◆ «бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошлари кам»;
- ◆ «солиқларнинг сони кўп ва улар кўпайиб бораёпти»;
- ◆ «солиқ ставкалари юқори даражада»;
- ◆ «солиқ имтиёзлари етарли даражада эмас»;
- ◆ «солиқ юки нисбатан оғир»;
- ◆ «солиқ юки нотекис тақсимланган»;
- ◆ «солиқлар етарли даражада рағбатлантирувчи эмас»;
- ◆ «солиқ қонунчилиги (тизими) нобарқарор»;
- ◆ «солиқ тизими ҳаддан зиёд фискал характерда»;
- ◆ «фойда (даромад) солиққа кўпроқ даражада тортилаяпти»;
- ◆ «молк-мулкдан камроқ солиқ олинаёпти»;
- ◆ «жисмоний шахслар даромади юқори даражада солиққа тортилаяпти»;
- ◆ «олдин мавжуд бўлмаган қўшиланган қиймат солиғи жорий этилган»;

<sup>172</sup> Уларнинг рўйхатини яна анча давом эттириш мумкин. Биз бу ерда уларнинг энг кўп марта такрорланаётганларини келтириш билан чекландик, ҳолос. Улар муаллиф фантазиясининг маҳсули эмас. Келтирилган «дард»лар турли доирадаги ва даражадаги аудиториялардан олинган ва улар кўчирма гап бўлганлиги учун ўзгаришсиз, қўштирноқ ичида келтирилаяпти.

♦ «солиқ тўлашдан бўйин товлаганларга нисбатан қаттиқ молиявий жазолар қўлланилаяпти»;

♦ ва бошқалар.

Бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан юқорида келтирилган «эътирозлар»ни «ётиги» билан, ҳолисона мушоҳада юригиб ва мантиқнинг тегишли қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда бир муҳокама қилиб (таҳлил этиб) кўрайлик-чи, қандай манзаранинг гувоҳи бўлар эканмиз?<sup>173</sup>

Дастлаб, биринчи ўринда келтирилган «бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошлари кам» шакли ва мазмунида билдирилган «эътироз»ни кўриб чиқайлик. Шу муносабат билан олдин яна бир марта шу тарзда «эътироз» билдирилаяптими ёки йўқми, шунини аниқлайлик. Бундай «эътироз»ни кимлар билдиришмаяпти? Бюджет ҳисобидан маош оладиганлар. Улар кимлардан иборат? Булар, асосан, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, фан, социал таъминот соҳаларида, давлат ҳокимияти, бошқарув ва суд органлари, фуқароларнинг ўзини ўзини бошқариш органларида фаолият кўрсатувчилардан иборат. Улар ҳақиқатан ҳам юқоридаги тарзда «эътироз» билдиришмаяптими ёки йўқми? Бу саволга нима деб жавоб берамиз? Саволнинг жавоби сизга маълум. У қуйидагидан иборат: уларнинг орасида оладиган ойлик маошим етарли эмас дегувчилар кўпчиликни ташкил қилади. Шундай бўлишига қарамасдан, бу соҳада фаолият кўрсатаётганларнинг камдан-ками «ойлигим кам» деб бошқа соҳага (нодавлат соҳасига) ўтиб кетаётибди, холос. Айрим ҳолларда эса «ўтган»лари ҳам тезда ортга қайтишга ҳаракат қилишмаяпти. Нега? Бунинг устига «ойлигим кам» деяётганларнинг аксарияти ўз соҳаларидан бошқа томонга «ўтиш» нияти йўқ. Нима учун?

«Бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошлари кам» тарзида «эътироз» билдирилаяётганда қуйидаги оддий саволларга жиддий эътибор бермоқ ва уларнинг аниқ жавобига эга бўлмоқ лозим:

<sup>173</sup> Бундай тарзда иш тутишда тарафдорларимиздан кўра муҳолифларимиз кўп бўлишини олдиндан билсак-да, бу ерда ҳам «билиб қўйган - яхши» ақидасига риоя этишни афзал деб билдик.

♦ ҳеч бўлмаганда, бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошларини ошириш нимага боғлиқ? Бу саволнинг аниқ жавобига эга бўлмасдан билдирилган эътироз эътирозлигича қолаверади. Бундай «эътироз»га ақлли одам эътибор бермайди, бошқини оғритиб ўтирмайди, вақтини беҳудага сарфламайди ҳам. Бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошларини ошириш, энг аввало, шундай оширишга имкон берувчи маблағларнинг бюджетда бўлишига боғлиқ. Ойлик маошларини оширишга имкон берадиган маблағ бюджетда бўлмаса, юқоридаги тарзда билдирилаётган «эътироз» хомхаёлликдан ўзга нарса эмас-ку! Бундай ҳолатни инобатга олмасдан туриб «Бюджетда маблағ борми-йўқми, бундан қатъи назар, бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошлари кам, уларни ошириш керак», деган тарзда билдирилган «эътироз» ўзининг молиявий асосига эга эмас ва уни объектив эътироз сифатида эътироф этиб бўлмайди. Бунинг устига, бюджет ҳисобидан ойлик маош оладиганларнинг ойлигини оширишда, энг аввало, бюджетда маблағларнинг бўлиши тақозо этилар экан, бунинг учун бюджетни қўшимча даромадлар билан таъминлаш ҳам лозим. Бу эса, ўз навбатида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқларнинг оширилишини талаб қилади. Бунга рози бўламизми? Бир вақтнинг ўзида, бошқа бир томондан, бюджетда тегишли ортиқча маблағнинг бор эканлиги ҳам ойлик маошни оширишга етарли даражада асос бўлавермайди. Бунинг учун навбатдаги саволга ҳам ҳолисона жавоб бериш мақсадга мувофиқ;

♦ бюджетдан олаётган маошимга арзигулик меҳнат қилаяпманми ўзи ёки йўқми? Бу жуда мунозарали савол. Унга жавоб излаб туриб барча «позиция»ларда масалани ўз фойдамизга ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Қилган меҳнатимиз муносиб тақдирланмапти, деган ҳулосага ҳам келамиз. Бундай пайтда ҳолислик охириги ўринга тушиб қолади. Қилаётган меҳнатим ҳақиқатан ҳам самаралими? У нимада ўз исфодасини топапти?<sup>174</sup> Булар ҳусусида бир ўйлаб қўринг-

<sup>174</sup> Шу мақсадда бюджет ҳисобидан маош оладиганларнинг бир кунлик меҳнат фаолиятларини ҳолисона бир таҳлил қилиб қўрингчи, қандай ҳулосага келаркансиз.



чи, манзара қандай бўларкин? Холисона хулоса чиқарилса, кўп ҳолларда кўпчилигимизнинг бюджетдан олаётган маошимизга муносиб меҳнат қилмаётганлигимиз маълум бўлади. Бундай шароитда ойлик маошларини ошириш масаласини кун тартибига қўйиш ўринаими? Бюджетдан олаётган маошимизга арзигулик меҳнат қилганлигимиз маълум бўлганда ҳам бундай масалани кун тартибига қўйиш ўзининг маъносига эга эмас;

♦ «эътироз»лар эътиборга олиниб, бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошлари асоссиз равишда оширилса, бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин? Аксарият ҳолларда бундай қарор қабул қилинишининг оқибатлари қуйидагилардан иборат: бюджет дефицитининг даражаси ортади; меҳнат мотивацияланишининг асосларига путур етади; ходимларда боқимандалик ва танбаллик кайфиятлари янада кучаяди; инфляция жароёнлар ўткирлашади; пул ва товар массаси ўртасидаги номутаносиблик ортади ва ҳ.к.;

♦ бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошларини оширишнинг асосида, ҳақиқатда, нима ётиши керак? Бу саволнинг объектив, яккаю ягона қуйидаги жавоби мавжуд: шу соҳада фаолият кўрсатаётганлар меҳнатининг унумдорлиги.<sup>175</sup> Бу ерда ҳам иш ҳақининг ўзгариши меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига боғлиқ бўлиши керак. Шу муносабат билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда бюджет соҳасида ишлаётганларнинг ойлик маошлари неча марта оширилди-ю<sup>176</sup>, улар меҳнатининг унумдорлигида қандай ўзгаришлар содир бўлди, деган саволга бир жавоб излангчи, жавобингиз нималардан иборат бўлар экан;

♦ одатда, кимларнинг ойлик маошлари юқорироқ ёки пастроқ бўлиши керак: бюджет соҳасида фаолият кўрсатаётганларникими ёки нодавлат секторидогиларники? Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджет соҳасида фаолият кўрсатаётганларнинг ойлик маошларига нисбатан нодав-

<sup>175</sup> Амалиётда буни аниқлашнинг қандай муаммолари мавжуд? Улар қандай ҳал қилинган ва қандай ҳал қилиниши керак?

<sup>176</sup> Бундан кўзланган мақсад ва унинг сабаблари нималардан иборат эканлиги хусусида ўйлаб кўринг.

лат секториди фаолият кўрсатаётганларининг ойлик маошлари юқорироқ бўлиши тўғри ҳисобланади. Нима учун? Чунки даваат секториди (бюджет соҳасиди) фаолият кўрсатаётганларининг ойлик маошлари кафолатланган бўлиб, уларнинг рискка таъсирчанлиги паст даражада. Нодаваат секторидигиларники эса – бунинг акси. Шу сабабли баъзи ҳолларда профессор ёки академикнинг иш ҳақидан механизатор ёки шахтёрнинг иш ҳақи юқори бўлиб қолган бўлса, ажабланишга ҳеч ҳожат йўқ.<sup>177</sup>

Республикамыздаги бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан билдирилаётган «этироз»ларнинг иккинчиси сифатида «солиқлар сонининг кўпайиши ва уларнинг кўпайиб бораётганлиги»ни кўрсатиш мумкин. Бу «этироз»нинг тарафдорлари мамлакатимизда жуда кўп. Шунинг учун унга нисбатан ҳақиқий «диагноз»ни қўйиш керак (ҳақиқий жавобни бериш керак, деб ўқинг). Бунда, энг аввало, қуйидаги уч саволнинг аниқ жавобига эга бўлиш принципиал аҳамиятга эга:

- ◆ шу кеча-кундузда солиқларнинг сони нечта?
- ◆ олдинги вақтларда (1, 5, 10, 20, 50, 70 йил олдин) солиқларнинг сони нечта бўлган?
- ◆ қиёслаганда солиқларнинг сони кўпайибдими ёки камайибдими?

Ҳақиқатан ҳам юқориди келтирилган ҳар учала саволнинг аниқ жавобига эга бўлмасдан туриб «солиқлар сонининг кўпайиши ва уларнинг кўпайиб бораётганлиги» хусусиди гапириш ёки шу мазмунда бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан этироз билдириш ўз маъносига эга эмас.<sup>178</sup>

Хўш, «шу кеча-кундузда солиқларнинг сони нечта?» деган саволга қандай жавоб берамиз? Шу савол билан, энг аввало, «солиқлар сони кўп ва улар кўпайиб бораётибди», де-

<sup>177</sup> Шу жойгача «бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошлари кам» тарзида «этироз» билдирилаётганда жиддий этибор берилиши ва аниқ жавобга эга бўлиши лозим бўлган саволларнинг энг ҳаётийларини келтириш билан чекландик. Уларни яна давом эттирасиз деган умиддамиз.

<sup>178</sup> Ёки сиз бу фикрга қўшилмайсизми? Қўшилмасангиз, бир ури-ниб кўринг-чи.

ган эътирозчининг ўзидан сўраб кўринг-чи, шу кеча-қундузда солиқлар сонининг нечта эканлигини билармикан? Билмайди. Ундан сўнг, эътирозчининг «эътирози»ни тўғри деб ҳисоблаб, унга «ҳамдард» бўлаётган ўзимизга ўзимиз мурожаат қилиб кўрайлик-чи, жавобимиз нимадан иборат бўларкин? Ўзимизда ҳам жавоб йўқ. Балки бу саволнинг аниқ жавобини унга нисбатан, маълум маънода, «булоқнинг бошида турган» солиқ коллежлари, Тошкент молия институти, Тошкент даваат иқтисодиёт университети, Солиқ академияси, Банк-молия академияси ва ҳ.к.ларнинг талабалари билишар? Билишмайди. Улар билишмаса, балки юқоридаги илм даргоҳларида фаолият кўрсатаётган иқтисодчи олимлар ёки профессор-ўқитувчилар бундан хабардордир? Афсуски, уларнинг аксарияти ҳам бундан хабардор эмас. Ва ниҳоят, бу саволнинг аниқ жавобини берувчи охирига нажот тариқасида шу соҳанинг «нонини еб юрган» солиқ тизимида фаолият кўрсатаётган амалиётчи мутахассисларга мурожаат қилиб кўринг-чи, улар бу жавобдан огоҳмиканлар? Йўқ, огоҳ эмас.<sup>179</sup> Бундай вазиятда юқоридаги саволнинг аниқ жавобини топанан деб мамлакатимизнинг қолган бошқа фуқароларига, жумладан, меҳнаткаш пахтақору галлақорга ёки деҳқону чорвадорга мурожаат қилиш маънога эга эмас.

Очигини айтиб қўяйлик, юқоридаги оддий саволнинг жавобини топиш осон иш эмас. У анча тер тўкишни ва пухта мушоҳада юритишни тақозо этади. Бунинг учун, ҳеч бўлмаганда, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси»ни қўлга олиб, унинг «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими» деб номланган 3-бобидаги «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари» деб номланувчи 23-моддасига қараш керак.<sup>180</sup> Бироқ ушбу моддани ҳижжалаб бир неча

<sup>179</sup> Бу шаклдаги қатъий жавоблар бизнинг шахсий кузатувларимиз нагижаларига асосланган. Бу билан биз уларнинг иқтисодий билим даражаси ёки савиясига баҳо бермоқчи эмасмиз. Аксинча, ушбу масалалага нисбатан мавжуд бўлган реал (ҳақиқий) ҳолатни қайд этмоқчимиз, холос.

<sup>180</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2008. – Б.20 – 22.

марта ўқиб чиқсангиз-да, унда «Ўзбекистонда шу кечаю кундузда мана шунча солиқлар бор», деган жумлани тополмай-сиз ва у ерда солиқлар сонининг нечта эканлигини тўғридан-тўғри аниқлаш имкониятига эга эмассиз.

«Кодекс»даги солиқларга қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

10) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ» деб, улар 10 турининг кўрсатилганлиги шу кеча-кундузда солиқлар сонининг 10 талигидан дарак бермайди. Чунки шу ернинг ўзида биргина 5-пунктдаги «ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар» деб ёзилганлиги улар сонининг 10 та эмаслигига шубҳа туғдиради. 7-пунктда келтирилган «мол-мулк солиғи» ва 8-пунктдаги «ер солиғи» юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида-алоҳида солиқлар эканлиги инобатга олинадиган бўлса, солиқлар сонининг 10 та эмаслиги ҳақидаги шубҳа янада кучаяди. Шу модданинг охирида «Ушбу кодексда белгиланган ҳолатда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

- ягона солиқ тўлови;
- ягона ер солиғи;
- тадбиркорлик фасолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ»<sup>181</sup> деб ёзилганлиги эса Ўзбекис-

<sup>181</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адабият вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2008. – Б.21.

тондаги солиқлар сонининг 10 та эканлигини очиқдан-ойдин чиппакка чиқаради.

Бунинг устига Солиқ кодексининг 23-моддаси охирида «Давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш даврида тегишли жамғармалар ташкил этилиши мумкин бўлиб, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар белгиланади»<sup>182</sup> деб қайд этилганлиги ҳам «Мамлакатимизда солиқларнинг сони 10 та», деб айтишга имкон бермайди.

Ва ниҳоят, қўйилган масалага нисбатан солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари (хусусан: а) тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар иштирокидаги солиқ тўловчиларга; б) оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятга; в) деҳқон хўжаликларига; г) бозорларга; д) гастроль-концерт фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга; адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари, адвокатлик бюrolари ва адвокатларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари) ҳам инобатга олинadиган бўлса, бу нарса шу кеча-кундузда солиқлар сонининг нечталигини аниқлашни янада мураккаблаштиради.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан яққол кўриниб турибдики, шу кеча-кундузда мамлакатимизда солиқлар сонининг нечта эканлигини аниқлашда «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг ўзига эга бўлиш ва унинг тегишли моддаларини кўр-кўрона мутолаа қилишнинг ўзи ҳам етарли эмас. Бу тарзда солиқлар сонининг нечта эканлигини аниқлашнинг иложи йўқ. Бунинг учун, ҳеч бўлмаганда, ўқувчининг (сановчининг) оддий кўзидан ташқари «ақл кўзи» ҳам бўлиши тақозо этилади.

Хуллас, Солиқ кодексига мувофиқ ҳозирги пайтда солиқлар сонининг нечта эканлигини аниқлаш сановчининг савиясига, иқтисодий билим даражасига боғлиқ. Савия турлича бўлганлиги учун Солиқ кодексини «Эшмат» қўлга олиб сана-

<sup>182</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адалия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2008. – В.22.

са, солиқларнинг сони «Х»та бўлади. «Тошмат»нинг ҳисоби-ча, бу нарса «Ү»тага тенг бўлиши мумкин. «Бегмат» санаганда эса уларнинг сони «Z» та чиқиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.<sup>183</sup>

Ажабланарлиси шундаки, санаш иқтисодчи олимлар ёки амалиётчи мутахассислар томонидан амалга оширилса ҳам натижа шунга ўхшаш бўлади. Чунки уларда ҳам савия турлича. Бунинг устига, солиқларнинг сонини аниқлашда қандай ёндашиш кераклиги ҳусусида улар ўртасида ҳамон якдиллик йўқ.<sup>184</sup> Уларнинг бир тоифаси солиқларнинг сонини аниқлашда фақат «солиқ» деб номланганларни санаш билан чекланишади. Иккинчи тоифадагилар эса фақат «солиқ» деб номланганлардан ташқари, яна «мажбурий тўловлар»ни ҳам инobatга олиш кераклигини қайд этадилар ва солиқлар сонини ана шундан келиб чиқиб аниқлайдилар. Солиқлар сонини аниқлашда яна бошқача тарзда ёндашадиганлар, яъни солиқларнинг таркибига юқоридаги икки «элемент»дан ташқари, яна «мажбурий ажратмалар» ва «йигим»ларнинг ҳам кўшиб ҳисобланишини таъкидлайдиган учинчи тоифадагилар бор. Ва ниҳоят, солиқлар сонини юқоридаги уч «элемент»нинг турли комбинацияларидан фойдаланган ҳолда аниқлаш тарафдорлари ҳам мавжуд.

Булардан кўриниб турибдики, солиқлар сонини аниқлашда ёндашувлар турлича бўлганлиги учун уларни қўллаш эва-

<sup>183</sup> Бунга сира ажабланмаслик керак. Бунинг учун ҳар биримиз қўлимизга санoқ чўпни олиб, илк марта санашни қандай ўрганган пайтимизни эсга олайлик. Мураббий-устозимиз ҳар биримизнинг қўлимизга 20 тадан бўлган санoқ чўпни бериб, «Қани, сананглар-чи, қўлларингизда нечта санoқ чўпи бор экан?» деб берган саволидаги жавобимизга кўра ҳаммамизнинг жавобимиз ҳам «20 та!» дан иборат бўлмаган: «Эшмат»лар гуруҳига кирган синфдошларимизнинг умумий жавоби «20 тадан кам», «Тошмат»ларники – «20 та!», «Бегмат»ларни эса – ҳатто «20 тадан кўп»ни ташкил этган.

<sup>184</sup> Бу нарса фикрлар хилма-хиллигига ёки ранг-баранглигига алоҳида эътибор ва ҳурмат билан қаралаётган ҳозирги пайтда янада кучаймоқда. Афсуски, айрим ҳолларда бу нарса-кераксиз ёки фойдасиз мунозараларнинг келиб чиқишига ва уларнинг узoқ вақт давом этишига сабаб бўлмоқда.

зига қўлга киритилган натижа – солиқлар сонининг нечталигини кўрсатувчи кўрсаткич ҳам турлича бўлиши, табиий.<sup>185</sup>

Шундай бўлишига қарамасдан, ҳозирги пайтда солиқлар сонининг нечталигини аниқлашда, уларнинг қандай аталишидан қатъи назар, «солиқлар», «йиғимлар», «тўловлар» ва «ажратмалар» барчасининг уларни тўловчилар учун мажбурий характердалиги ҳисобга олинадиган ва уларнинг ҳар бири ўз номи билан аталиб, мустақил солиқ сифатида эътироф этиладиган бўлса, бу кўрсаткич даражасининг 40 тадан ортиқ эканлигини аниқлашимиз мумкин.<sup>186</sup>

Юқорида қўйилган уч саволнинг биринчисига жавобни осонликча топмаганимиздан сўнг, энди навбатдаги иккинчи саволнинг, яъни «олдинги вақтларда (1, 5, 10, 20, 50, 70 йил олдин) солиқларнинг сони нечта бўлган?» деган саволнинг жавобини топишга ҳаракат қилиб кўрайлик-чи, ман-

<sup>185</sup> Бунга кейинги пайтларда солиқлар сонини сановчининг қайси мамлакат фуқароси эканлиги ўзининг таъсирини кўрсатиши мумкинлиги ҳам қўшилоқда. Чунки Россия фуқароси томонидан Интернетда эълон қилинган маълумотларга кўра, Россияда 22 та солиқ мавжуд. Гамбияда уларнинг сони 50 тага етади. Украинада солиқларнинг 99, Ўзбекистонда 118, Белоруссияда эса 124 тури бор (бу маълумотлар <http://www.gazeta.ru/> сайтидан олинган).

<sup>186</sup> Юқорида қайд этилганидек, бу ерда тегишли жавобни бераётган пайтда ўта эҳтиёткорлик қилоқ лозим. Чунки солиқларнинг сонини мана шунча деб фақат маълум бир санани ҳисобга олган ҳолда айтиш ўринли. Ўша сана учун тўғри бўлган солиқларнинг сони бошқа санага тўғри келмаслиги мумкин. Бошқа бир санада уларнинг сони ўзгариб (кўпайиб ёки камайиб), бошқача бўлиш эҳтимоли ҳам мавжуд. Гарчи солиқларни жорий этиш ёки улар айримларини бекор қилишнинг ўзига хос қатъий тартиби бўлишига қарамасдан, ҳозирги ўзгарувчан шароитда бу тартибга ҳамма вақт ҳам қатъий риоя этишнинг иложи бўлмаётган қолаётган. Давримизнинг шиддат билан ўзгариб бораётганлиги, ўрнатилган тартибга ҳамма вақт ҳам кўр-кўрона риоя этишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ва шундай қилинса, айрим ҳолларда, унинг ниҳоятда «қиммат»га тушиб қолиши мумкинлиги шуни тақозо этаётган. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда солиқлар сонининг аниқ эмас, балки 40 тадан ортиқроқ деб умумий тарзда эътироф этилаётганида ҳатто «ашаддий» сановчилар савиясининг ҳам турлича бўлиши мумкинлиги эрдан чиқмасин.

зара қандай бўларкин? Шубҳасизки, бу иккинчи саволнинг жавоби биринчисиникига нисбатан ҳам янада мураккаброқ. Шу кеча-кундузда солиқлар сонининг қанчалигини билмайдиганлардан бу иккинчи саволнинг жавобини кутиш мақсадга мувофиқ эмас.<sup>187</sup> Чунки бу саволнинг жавобини топиш биринчи саволнинг жавобини топишдан кўра кўпроқ меҳнатни талаб қилади.

Шундай бўлишига қарамасдан, бу иккинчи саволнинг ҳам аниқ жавоби бор. Бунинг учун «давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг рўйхати» деб номланган махсус манбага мурожаат қилмоқ лозим.<sup>188</sup> Ҳар қандай давлат тараққиётининг ҳар бир молиявий йили учун бу манба (ҳужжат) мавжуд бўлиб, унда, жумладан, давлат бюджети даромадларининг қандай солиқлар эвазига таркиб топганлиги номма-ном ёзилган. Қолгани, юқорида таъкидланганидек, сиз билан бизнинг қандай санашимизга боғлиқ.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида давлатимиз бюджетининг даромадлари 45 – 47 номдаги солиқларни қўллаш эвазига шакланган. 1995 йил 1 январь ҳолатида уларнинг сони 42 та бўлган. Шўролар даврининг охириги йилларида ҳам бюджет даромадларини шаклантиришда 50 дан кам бўлмаган номдаги солиқлар иштирок этган.<sup>189</sup> 1930 – 1932 йилларда собиқ Иттифоқда солиқ ислоҳоти ўтказилган бўлиб, унгача солиқ тўловчилар ва бюджет ўртасида муносабатлар 83 номдаги солиқлар<sup>190</sup> ёрдамида амалга оширилган.<sup>191</sup>

<sup>187</sup> Бугун солиқлар сонининг нечталигини билмайдиганлардан уларнинг сони кеча нечта эканлигини сўраш маънога эга эмаслиги ўз-ўзидан аниқ.

<sup>188</sup> Шу ўринда бу манбага (ҳужжатга) эга бўлиш, у билан атрофлича танишиш ҳаммага ҳам ҳар доим насиб этавермаслигини қайд этиб ўтишимиз лозим. Чунки бу манба (ҳужжат) «Фақат хизмат доирасида фойдаланиш учун» грифига эга.

<sup>189</sup> Бунинг айнан шундай эканлигини «Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг рўйхати» асосида йилма-йил аниқлаш мумкин.

<sup>190</sup> Бу ўринларда «солиқлар» сўзининг ишлатилиши баъзи бироваар-



Энди бу рақамларни ҳозирги пайтдаги рақамлар билан таққослаб кўринг-чи, солиқлар сони олдинги йилларга нисбатан кўпайибдими ёки камайибди? Жавоб аниқ: мамлакатимизда солиқлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани йўқ. Аксинча, уларнинг сони камайиб бормоқда. Бу юқорида қўйилган учинчи саволимизга жавоб.

«Солиқлар сони кўп ва улар кўпайиб бораёпти» тарзида солиқ сиёсатига нисбатан «эътироз» билдираётганлар шу ўринда қуйидаги саволнинг аниқ жавобига ҳам эга бўлишлари лозим: иқтисодий фаолиятни (жумладан, ишлаб чиқаришни) соғлом ривожлантириш ва давлат бюджетини етар-

нинг эътирозига сабаб бўлиши мумкин. Чунки марксча-ленинча назарияда солиқлар капитализмда меҳнаткаш халқ оммасини ҳукмрон синфлар томонидан қўшимча эксплуатация қилиш воситаси сифатида эътироф этилган. Бу назарияга мувофиқ социализмда кишини киши томонидан эксплуатация қилишга барҳам берилади ва шунга мос равишда уларни қўшимча эксплуатация қилиш қуроли сифатида солиқлар ҳам барҳам топиши керак эди. Ана шунини ҳисобга олган ҳолда шўролар даврида солиқларга «барҳам» беришга ҳаракат қилинди. Бу сўзнинг ўрнига «фойдадан тўловлар», «фойдадан ажратмалар», «фойданинг озод қолдиги» ва ҳ.к. шу каби сўзлар ишлайтилиб, «солиқлар»га ўзига хос тарзда «янги тўн» кийдирилган бўлса-да, аслида уларнинг мазмун-моҳияти ўзгармасдан қолаверди. Бунинг устига социалистик амалиёт ҳам «солиқлар» сўзидан бутунлай воз кечишнинг иложи йўқлигини кўрсатди. Солиқлар социализмнинг табиатига зид деб эътироф этилган бўлишига қарамасдан, ўша даврда ҳам «оборот солиғи», «даромад солиғи», колхоз-кооператив корхоналаридан олинган даромад солиғи», «бўйдоқлик солиғи» ва шу каби ибораларни ишлазмасликнинг иложи бўлмади. Шунинг учун социализмда ҳам қандай деб аталишидан қатъи назар, бир томондан, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли, иккинчи томондан, давлат ўртасидаги бюджет даромадларини шакллантиришга қаратилган муносабатлар мажбурийлик характерига эга бўлиб, улар солиқлардан бошқа ҳеч нарса эмас эди.

<sup>191</sup> Буни шўролар даврининг турли йилларида А.М.Александров, Э.А.Вознесенский, М.К.Шерменёв, В.М.Родионова, П.Н.Никольский ва бошқалар таҳрири остида «Финансы СССР», «Финансы социалистических государств» ва «Финансы социалистического общества» номлари билан нашр қилинган дарслик ва монографияларга мурожаат қилиш асосида аниқласа бўлади.

ли миқдордаги даромадлар билан таъминлаш нуқтаи назаридан қайси вариант мақбул: солиқлар сонининг камлиги-ми, ставкаларнинг максималлигими? Ёки солиқлар сонининг кўплигими, ставкаларнинг минималлигими?

Амалиёт ва тажрибанинг кўрсатишича, бу саволнинг жавоби изланаётган пайтда уни изловчилар беихтиёр бир неча гуруҳларга бўлиниб қолади. Уларнинг бир гуруҳи «солиқлар сонининг камлиги-ю, ставкаларнинг максималлиги мақбул»лигини ёқлаб, ўз аргументларини келтиришса, иккинчи гуруҳдагилар эса, аксинча, «солиқлар сонининг кўплиги-ю, ставкаларнинг минималлиги мақбул»лигининг афзал эканлигини исботлашга ҳаракат қилишади. Муҳокама жараёнида «солиқлар сони кўп ва уларнинг ставкалари максимал даражада бўлсин» дегувчилар топилмаса-да, бироқ «солиқлар сони кам ва уларнинг ставкалари минимал бўлса, айти муддао бўлур эди», дегувчилар ҳам пайдо бўлади.<sup>192</sup>

Савол юқоридаги шакл ва мазмунда қўйилган пайтда, энг аввало, унинг яккаю ягона жавоби мавжуд эмаслигини қайд этиш керак. Солиқ тизимига оид жаҳон тарихи ва мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, бир томондан, иқтисодий фаолиятни соғлом ривожлантириш, иккинчи томондан, давлат бюджетини етарли миқдордаги даромадлар билан таъминлаш учун юқорида келтирилган савол-жавобларнинг турли комбинацияларидан фойдаланилган ва уларнинг ҳар бири ўзининг тегишли самарасини берган. Шундай бўлишига қарамасдан, иқтисодий фаолиятни соғлом ривожлантириш ва бюджетни етарли даражадаги даромадлар билан таъминлашнинг ягона йўли юқоридаги саволга нисбатан жавобларнинг қайси варианты танланганлиги бўлолмайди. Ўз-ўзидан бу вариантлар қўлланилишининг ҳеч бири автоматик тарзда иқтисодий фаолиятнинг ривожланишига ва бюджетнинг етарли даражадаги даромадлар билан таъминланишига олиб келмайди. Бу вазифанинг муваффақиятли

<sup>192</sup> Бу билдирилаётган фикрлар муаллифларнинг шахсий кузатувлари ва турли доираларда ўқиган маърузаларининг натижаларига таянган ҳолда билдирилаяпти.

бажарилишига юқоридагилардан ташқари, яна кўплаб омиллар таъсир кўрсатади.<sup>193</sup>

«Солиқлар сони кўп ва улар кўпайиб бораётти» тарзида солиқ сиёсатига нисбатан «эътироз» билдираётганлар «Бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан солиқлар сонининг кўплиги ёки камлиги принципиал аҳамиятга эгами ёки йўқми?» деган саволнинг жавобидан ҳам огоҳ бўлоқлари лозим.

Сиртдан қараганда, саволнинг бу тарзда қўйилиши, ҳеч бўлмаганда, фалатироқ туюлади. Шунинг учун ҳам шу тарздаги савол эълон қилинганда, айрим ҳолларда, бирданига «Албатта, принципиал аҳамиятга эга. Солиқлар сони қанча кўп бўлса, бюджетга шунча яхши. Чунки бюджетга даромадлар шунча кўп боради», деган жавобга ҳам эга бўламиз. «Нега бундай жавоб берилди?» деб уни аниқлаштиришга ҳаракат қилсак, бундай тарздаги жавобнинг «бежиз» берилмаганлиги маълум бўлади. Юқоридаги жавоб математиканинг қуйидаги оддий қондасига асосланган экан: кўшилувчилар сонининг кўпайиши йиғиндининг ортишига олиб келади.

Бу тарздаги жавоб, маълум маънода, ўзининг мантиғига эга бўлса-да, бюджет даромадларини шакллантириш нуқтаи назаридан уни ҳар доим ҳам тўғри жавоб деб бўлмайди. Бундай жавоб, бошқа ҳолатлар ўзгармаган тақдирда, янги солиқлар сонининг кўпайтирилиши автоматик тарзда бюджетга ундириладиган солиқ суммаларининг ортишига олиб келсагина, ўринли бўлиши мумкин. Лекин бу дегани ҳамма вақт ёки доим ҳам шундай бўлаверади, дегани эмас. Иқтисодий ҳаётнинг кўрсатишича, солиқлар сонининг кўпайтирилиши бюджетга борувчи даромадлар суммасини ўзгартирмаслиги ёки ҳатто камайтириши ҳам мумкин. Бунинг худди шундай бўлиши мумкинлиги фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам ўринли. Кўриниб турибдики, бу ерда математиканинг оддий қондалари ҳам айрим ҳолларда ўз кучини йўқотаяпти. Бу ерда солиқлар сони ва бюджет даромадларининг суммаси ўртасида тўғри пропорционал боғланиш мавжуд,

<sup>193</sup> Бир уриниб кўринг-чи, булар қандай омиллар экан.

деб ҳам бўлмайди. Шу маънода бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан солиқлар сонининг кўплиги ёки камлиги принципиал аҳамиятга эга эмас, дейиш мумкин. Бу дегани давлат истаса – ягона битта солиқни қўлаб, хоҳласа – бутунги кундагидек 40 дан ортиқ солиқларни жорий этиб, ўзига тегишли бўлган маблағни бюджетга олиши мумкин, дегани билан баробардир.

Бу тасдиқнинг маъно-мазмунини тўлиқроқ ва тўғрироқ тушуниш учун умумий тарздаги «Солиқ суммаси нималарга боғлиқ?» деган саволнинг жавобига ҳам эга бўлиш керак. Жавоб, табиийки, «Солиқнинг суммаси солиққа тортиладиган объектнинг суммаси<sup>194</sup>га ва солиқнинг ставкасига боғлиқ»дан иборат бўлади. Бу энг умумий жавоб бўлса-да, эътибор беринг, биз бу ерда «Солиқнинг суммаси солиқнинг сонига боғлиқ», деган жавобни бермаяпмиз.

Шу жойда яна бир ўринли савол пайдо бўлади: бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан солиқлар сонининг кўплиги ёки камлиги принципиал аҳамиятга эга эмас экан ва давлат истаса – ягона битта солиқни қўлаб, хоҳласа – бутунги кундагидек 40 дан ортиқ солиқларни жорий этиб, ўзига тегишли бўлган маблағни бюджетга олиши мумкин экан, нега у ҳолда солиқларнинг сонини ягона (битта) қилиб ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмас?<sup>195</sup> Кўриниб турибдики, бу савол – манتيқий жиҳатдан мушоҳада қилишнинг натижаси. Шу тарзда мушоҳада қилинганидан сўнг бу саволдан қочиб қутулишнинг ҳеч иложи йўқ.

Ҳақиқатан ҳам, юқоридаги тасдиқлар тўғри бўлса, бутунги кунда 40 дан ортиқ солиқларни қўлашнинг нима кераги бор? Битта солиқдан фойдаланган ҳолда давлат ўзига тегишли бўлган суммани (даромадни) олавермайдими? Шундай қилинса, бошқаларга (солиқ тўловчиларга) ҳам яхши бўлар эди-ку!? Ўз навбатида, солиққа тортиш жараёнлари ҳам соддалашарди, тўғрими!? Ҳаммамизнинг ҳам ниятимиз, асли-

<sup>194</sup> Бу ўринда солиққа тортиладиган айлаанма, мол-мулкнинг қиймати, даромад ва шу кабилар назарда тутилмоқда.

<sup>195</sup> Мақсадга мувофиқ эмаслигини тасдиқловчи далилларни келтира оласизми?

да, шундан иборат эмасми? Ва ҳ.к. Бунақанги ҳаётгий саволларнинг кун тартибига қўйилмаслигига ҳеч ким қаролат беролмайди.

Бу саволларга асосли жавоб бериш учун, уларга қўшимча тарзда, яна бир саволнинг жавобини топиш зарур. Акс ҳолда, барча уринишлар бесамар кетади. Жавобимиз ишончли чиқмайди. Бу қўшимча тарзда бериладиган оддий савол қуйидагидан иборат: солиқ тизимининг олдига қандай вазифалар қўйилган? Бу саволнинг асосли жавобини топмасдан туриб, «Нега солиқларнинг сонини ягона (битта) қилиб ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмас?» деган саволнинг ҳақиқий жавобини топиб бўлмайди.

Юқоридаги саволга жавоб бера туриб солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифаларнинг бир нечтасини «шариллатиб» санаб беришнинг уйдасидан чиқолсак-да, айрим ҳолларда, энг асосий нарса, яъни бу вазифаларнинг сони, аслида, бор-йўғи қуйидаги иккитадан иборат эканлиги эсимиздан чиқиб қолади:

♦ давлат бюджетини етарли миқдордаги даромадлар билан таъминлаш;

♦ иқтисодий фаолиятнинг юқори суръатларда ривожланишини рағбатлантириш.<sup>196</sup>

Ҳақиқатан ҳам, солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифаларни қанчалик конкретлаштириб санамайлик, синчиклаб эътибор берадиган бўлсак, улар, охир-оқибатда, барибир юқоридаги икки вазифанинг бирига тегишли эканлиги маълум бўлади.

Бу ўринда солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифаларнинг ўзига хослигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозим. Уларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бу вазифалар бир вақтнинг ўзида параллел равишда бажариладиган ва ўзарс тенг кучга эга бўлган вазифалар ҳисобланади. Тенг шароитларда уларнинг бирортасига устуворлик бериш мақсадга мувофиқ эмас. Амалдаги солиқ тизимининг қўлланилиши

<sup>196</sup> Ўзингизга бир эрк бериб кўринг-чи, бу ифодага қандай изоҳларни берад экансиз.

натигасида ҳар иккала вазифа ҳам бирдек муваффақиятли бажарилмоғи лозим. Агар давлат бюджети етарли миқдордаги даромадлар билан таъминланса-ю, иқтисодий фаолиятнинг юқори суръатларда ривожланиши амалга оширилмаса ёки бунинг акси бўлса, солиқ тизимининг ўз олдига қўйилган вазифаларни бажармаганигидан далолатдир.

Хўш, ана шундай хусусиятларга эга бўлган вазифаларни қандай қилиб муваффақиятли бажариш мумкин? Ягона (битта) солиқни жорий қилибми ёки солиқларнинг турлитуманларидан фойдаланиш орқалими? Жаҳон тарихий ва иқтисодий тараққиётининг дарак беришича, бу вазифани ягона (битта) солиқни жорий қилиб муваффақиятли бажаришнинг мутлақо иложи йўқ. Буни жаҳондаги барча тараққий этган мамлакатларнинг илгор тажрибалари узиш-кесиш кўрсатаётти ва тасдиқлаётти. Аксинча, солиқ тизимининг олдига қўйилган юқоридаги ҳар икки вазифанинг муваффақиятли бажарилишига солиқларнинг турли-туманларидан фойдаланиш имкон бераётти. Шунинг учун тараққий этган мамлакатларнинг фуқаролари, ҳатто беихтиёр йўталиб қўйилганларида ҳам «Солиқни тўладингми?» деган саволнинг қўйилаётганигидан ҳайратга тушаётганлари йўқ.

Шунинг учун ҳам бюджет манфаатлари нуқтаи назардан солиқлар сонининг кўпайиши ёки камлиги принципиал аҳамиятга эга бўлмаса-да, агар бутунги кунда солиқлар сонини ягона (битта) қилиб ўрнатишнинг иложи бўлмаётган бўлса, бу нарса солиқ тизимининг олдига қўйилган ҳар икки вазифанинг қай вариантда муваффақиятли бажарилиши мумкинлигига бориб тақалади. Агар ягона (битта) солиқни жорий этиш эвазига солиқ тизимининг олдига қўйилган ҳар иккала вазифани муваффақиятли бажаришнинг иложи бўлса эди, давлат алақачон бу ишни амалга оширган бўлар эди. Афсуски, юқорида таъкидланганидек, бунинг иложи йўқ.

Бунинг устига ягона (битта) солиқ ўрнатиш хусусида қарор қабул қилишга ҳозирланаётган пайтда, ҳеч бўлмаганда, бунинг оқибатлари амалда нималарга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак.

Албатта, бизнинг шароитимизда ҳар бир солиқ тўловчи

(ёки тадбиркор) бу масалага нисбатан, энг умумий тарзда қуйидагича мулоҳаза юритиши, табиий: «Олдин харажат қилай. Қилган харажатларим эвазига тегишли даромадга эге бўлай. Олган даромадларим ҳисобидан қилган харажатларимни қоплай. Ундан сўнг фойда олсам, марҳамат, давлат солиғини олсин».<sup>197</sup>

Давлат ҳам сизнинг бу мулоҳазаларингизга «жон бор» деб ҳисоблади-да, барча солиқларни кўнглингиздагидек бекор қилиб, уларни барчасининг ўрнига «Бор-э!» деб ягона (битта) тарзда фойдадан олинадиган солиқни жорий этди, дейлик. Хўш, бунинг оқибатлари нима бўлар экан? Иқтисодиётда ягона (битта) солиқнинг жорий этилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Ана шу саволларга жавоб беради, деган умидда 9.1-жадвалда келтирилган маълумотларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

9.1-жадвалда келтирилган маълумотларга изоҳ бериш ва улардан тегишли хулоса чиқаришдан олдин баъзи бир ҳолатлар устида тўхталиб ўтиш керак. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

♦ жадвалда маълумотлари келтирилган «А», «Б», «В» ва «Г» корхоналар бир хил турдаги (масалан, «А» корхона этик чиқарадиган бўлса, «Б» корхона ҳам шу маҳсулотни ишлаб чиқаради ва ҳ.к.) ҳамма корхоналар маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади. Уларнинг айнан шу тарзда эътироф этилиши чиқарилиши лозим бўлган хулосаларнинг асосланганлик даражасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Аксинча, уларнинг ўрнига турли хилдаги маҳсулот (масалан, «А» корхона озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарса-ю, «Б» корхона автомобиллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса ва ҳ.к.) ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг маълумотлари таққосланадиган бўлса, чиқариладиган хулосаларнинг асосланганлик даражаси аёвсиз тус олади;

<sup>197</sup> Ёки сиз бу ўринда бошқача фикрлайсизми? Мулоҳазаларингизни бир баён қилинг-чи, уларга агрофдагиларнинг муносабати қандай бўлар экан? (Ажабланманг, бу ерда фикр, атайин, адабий тилда эмас, балки оддий фуқаро тилида ва унинг ўзига хос бўлган шевасида баён қилинди).

9.1-жадвал

Ягона (битта) солиқ жорий этилишининг  
иқтисодий (молиявий) оқибатлари<sup>198</sup>

Т/р	Кўрсаткичлар	Корхоналар			
		«А»	«Б»	«В»	«Г»
1.	Корхона эга бўлган ресурслар суммаси, млн сўм	1000,0	2000,0	2000,0	2000,0
2.	Олинган фойда суммаси, млн сўм	100,0	100,0	200,0	50,0
3.	Хўжалик фаолиятининг рентабеллик даражаси, %	10,0	5,0	10,0	2,5
4.	Фойда солиғининг Ставкиси <sup>199</sup> , %	25,0	25,0	25,0	25,0
5.	Фойда солиғининг суммаси, млн. сўм	25,0	25,0	50,0	12,5

♦ жадвалдаги «корхона эга бўлган ресурслар суммаси» деб номланган 1-кўрсаткичда унинг ихтиёрида бўлган ва ишлаб чиқариш мақсадаларига мўлжалланган барча ресурслар, яъни моддий, меҳнат, молиявий ва бошқа ресурсларнинг ҳаммаси назарда тутилаяпти. Унинг айнан ана шу тарзда эътироф этилганлиги ортиқча эътирозларнинг пайдо бўлишига ҳожат қолдирмайди;

♦ барча корхоналар учун мавжуд ҳамма солиқлар бекор қилиниб, уларнинг ўрнига ягона (битта) солиқ жорий этилган ва унинг ставкаси эса улар учун бир хил даражада – 25,0% даражасида ўрнатилган.

Ана шу умумий изоҳлардан кейин мамлакат иқтисодиётида ягона (битта) солиқ жорий этилишининг иқтисодий (мо-

<sup>198</sup> Тушунишга осон бўлиши учун бу ерда шартли рақамлардан фойдаланилади.

<sup>199</sup> Нега бу ерда фойда солиғининг ставкаси кейинги йиллардагидек 9,0 ёки 10,0% атрофида қилиб белгиланмасдан, унга нисбатан бир неча баробар юқори этиб белгиланаяпти? Бунинг сабаблари нимадан иборат деб ўйлайсиз?



лиявий) оқибатлари нималардан иборат бўлиши мумкинлигини аниқлашга ҳаракат қилайлик.<sup>200</sup> Шу муносабат билан «А» ва «Б» корхоналарнинг маълумотлари таққосланганда, дастлаб иккинчиси (2000,0 млн сўм) биринчисига (1000,0 млн сўм) нисбатан икки баравар кўп ресурсга эга бўлишига қарамасдан, бир хил суммадаги фойда (100,0 млн сўм) олганлиги маълум бўлади. Ҳар иккала корхонага нисбатан ягона (битта) солиқнинг ставкаси бир хил қилиб белгилангани учун улар бир суммадаги (25,5 млн сўм) солиқни тўлайдилар. Амалиётда бундай ҳолатнинг вужудга келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Ўз навбатида, бундай ҳолатнинг вужудга келганлиги ижтимоий адолат принципининг қўпол равишда бузилаганлигини кўрсатади. Чунки бу вариантда фуқароларнинг (солиқ тўловчиларнинг) хоҳиш-истаклари ҳисобга олинган ҳолда жорий этилган ягона (битта) солиқ нисбатан ёмон фаолият кўрсатган «Б» корxonани («А» корxonанинг рентабеллиги – 10,0%, «Б» корxonаники эса – 5,0%) ўзига хос тарзда рағбатлантираётти. Уни самарали фаолият кўрсатишга ундамаяпти. Бу ердаги ягона (битта) солиққа тортиш механизми таъсирчан кучга эга эмас. У бу кучдан бутунлай маҳрум бўлиб қолган.

Бундай вазият вужудга келган ҳолда ягона (битта) солиқдан иборат бўлган мавжуд солиққа тортиш тизимига нисбатан «А» корxonанинг муносабати қандай бўлади? Бу ерда ўзини бозор иқтисодиётининг энг оддий талабларидан (принципларидан) боҳабар бўлган «А» корxonанинг жайдарри фалсафаси, ҳеч бўлмаганда, қуйидагилардан иборат бўлиши, табиий: «Мен-ку, «Б» корxonонага нисбатан икки баравар кам бўлган ресурсга эга эдим. Шундай бўлишига қарамасдан, кечани кеча, кундузни кундуз, демасдан тинимсиз

<sup>200</sup> Шу жойда ягона (битта) солиқ жорий этилиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларнинг бир нечасини келтириш билан чекланамиз. Ҳолбуки, бундай оқибатларнинг сони жуда кўп бўлиб, уларнинг қолганларини, узоққа бормасдан, 7.1-жадвалда келтирилган маълумотларнинг турли комбинацияларидан фойдаланган ҳолда аниқлаш мумкин. Бу вазифани бажаришни эркин мушоҳада юритувчи ўқувчиларимизнинг ихтиёрига қолдирамиз.

фаолият кўрсатдим (ишладим). Натижада ўзимдан икки барабар кўп ресурсга эга бўлган «Б» корхона қанча фойда (100,0 млн сўм) олган бўлса, мен ҳам шунча фойда (100,0 млн сўм) олдим. Бу менинг «Б» корхонага нисбатан икки барабар яхши ишлаганимдан дарак беради. Лекин бу нарса ни давлат ягона (битта) солиқни жорий этиб, ҳисобга олмади. Мендан икки барабар ёмон ишлаган «Б» корхона ҳам қанча солиқ суммасини (25,0 млн сўм) тўлаган бўлса, унга нисбатан икки барабар яхши ишлаган бўлишимга қарамасдан, мен ҳам шу суммадаги (25,0 млн сўм) солиқни тўладим. Бундай бўладиган бўлса, жонимни куйдириб нима қилдим. Мен ҳам жонимни жабборга бермасдан, «Б» корхона сингари ишлаганимда, унга нисбатан олган фойдамнинг суммаси ҳам икки барабар кам бўларди ва солиқнинг суммасини ҳам икки барабар кам тўлардим. Умуман олганда, ҳаммамиз учун ягона (битта) қилиб белгиланган фойда солиғи менинг манфаатларимга тўғри келмас экан. Уни ўзгартирмаса, бўлмайди».

Энди ягона (битта) фойда солиғини қўлаш натижасида вужудга келган юқоридаги вазиятга нисбатан «А» корхонадан кўра икки барабар ёмон ишлаган (фаолият кўрсатган) «Б» корхонанинг муносабати қандай бўлар экан? Мана унинг энг оддий ва қисқача муносабати: «Етарли даражадаги ресурсларга эга бўлганимдан ҳеч хавотирланмасдан, фаолиятимни бамайлихотир, одатдагидек давом эттирдим, куйиб-пишмадим, елиб-югурмадим. Жонимни жабборга ҳам берганим йўқ. Шундай бўлишига қарамасдан, кечаю кундуз «ўлиб-тирилиб» ишлаган «А» корхона қанча фойда суммасига эга бўлса, меники ҳам уникидан кам бўлмайди. Лекин дунёнинг ишлари қизиқ экан. Тер тўкиб, астойдил, мендан икки барабар самарали ишлаган бўлишига қарамасдан, «А» корхона қанча солиқ суммасини (25,0 млн сўм) тўлаган бўлса, унга нисбатан икки барабар пастроқ даражада ишлаган мен ҳам шу солиқ суммасини (25,0 млн сўм) тўладим. Менга ўхшаганларнинг гамини еб, шу ягона (битта) солиқни жорий этган давлатнинг отасига раҳмат! Зап кўнгиладигидек иш бўлди-да!»

Энди эътибор берайлик-чи, «А» ва «В» корхоналарнинг бир-бирига бўлган муносабати қандай бўлиши мумкин? Шуни таъкидлаш жоизки, уларга тегишли бўлган юқоридаги рақамлар бу корхоналарнинг бир-бирига тақдим этилса, бу рақамларни таҳлил қилиш натижасида уларнинг бир-бирига нисбатан чиқарган хулосалари (муносабатлари) деярли бир хил бўлиб, улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: «Фаолиятни амалга ошириш мақсадида эга бўлган ресурсларимизга нисбатан имкониятларимиз бир-биримизникидан икки баравар кўплиги («В»нинг «А»га нисбати) ёки камлиги (аксинча, «А»нинг «В»га нисбати) билан характерланар эди. Шу нарса (фарқ) бошқа қолган кўрсаткичларимизга ўз таъсирини бир хил кўрсатибди, яъни биримиз иккинчимизга нисбатан фойда суммасига икки баравар кўп («В»нинг «А»га нисбати) ёки кам (аксинча, «А»нинг «В»га нисбати) эга бўлибмиз. Бу иккаламизнинг ҳам бир хил даражада (буни рентабеллик кўрсаткичларимизнинг бир хиллиги, яъни 10,0%лиги ҳам тасдиқлайди) ишлаганимизни кўрсатади. Худди шунингдек тўланган солиқларимизнинг суммаси ҳам бир-биримизникидан икки баравар кўп («В»нинг «А»га нисбати) ёки оз (аксинча, «А»нинг «В»га нисбати). Ҳамма ҳам биздек ишласа, ягона (битта) солиққа нисбатан ҳеч қандай эътирозимиз йўқ».

Шу ўринда «Г» корхонанинг ягона (битта) солиққа нисбатан муносабати ўзига хос эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Қуйидагилар унинг ана шундай «кайфият»и нималардан иборат эканлигини кўрсатади: «Аслида, мен ҳам «Б» ва «В» корхоналар сингари бир хил (2 000,0 млн сўмлик) ва «А» корхонага нисбатан икки баравар (2 000,0 : 1 000,0) кўп миқдордаги ресурсларга эга эдим. Шундай бўлишига қарамасдан, мен «А» ва «В» корхоналарга нисбатан тўрт (10,0 : 2,5) ва «Б» корхонага нисбатан икки баравар (5,0 : 2,5) ёмон фаолият кўрсатган бўлсам-да, биров мушугимни «пишг» дегани йўқ. Ҳатто даваат ҳам «Сен нима қилаяпсан ўзи?» деб сўрамади-я?! Бунинг устига менинг ёмон ишлаганимга (чунки улар ҳўжалик фаолиятининг рентабеллиги 5,0% дан 10,0% гача бўлиб турган бир пайтда меники бор-йўғи 2,5%

эди-да) давлатнинг раҳми келди, шекилли, солиғини ҳам бошқаларга нисбатан камроқ («А» ва «Б» га нисбатан 12,5 млн сўм ва «В»га нисбатан 38,5 млн сўм) олди. Бизга ўхшаганларнинг дардига малҳам бўладиган ягона (битта) солиқни ўйлаб топган давлатнинг отасига минг раҳмат!»

Юқорида баён қилинганлар ягона (битта) солиқ жорий этилишининг салбий оқибатларини кўрсатувчи бир неча ҳолатлардир, холос. Аслида, уларнинг сони жуда кўп. Айниқса, бу муаммога бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар нуқтаи назаридан эмас, балки турли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар нуқтаи назаридан қаралса, унинг оқибатлари янада ёмон бўлади, вазият янада кескинлашади.

Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазалар асосида ягона (битта) солиқ жорий этилиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларни инobatга олган ҳолда принципал аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

♦ солиқ тўловчилар назарида уларнинг «дардига малҳам» бўлиши мумкин бўлган ягона (битта) солиқнинг жорий этилиши бошқаларга нисбатан самарали фаолият кўрсатиб келаётганларни рағбатлантирмайди. Уларнинг яхши ишлашга бўлган интилишларини, қизиқишларини сўндиради. Иқтисодий (моддий) манфаатдорлик асосларига путур етказилади. Солиқ тизими ва солиқ сиёсатига нисбатан асосли эътирозларини кучайтиради, норозилик кайфиятини вужудга келтиради. Иқтисодий жараёнларнинг самарали ташкил этилишига катта зарар етказилади. Бозор принциплари асосида иқтисодий муносабатларни ривожлантириш асосларини заифлаштиради ва ҳ.к;

♦ бошқа солиқлар барчасини бекор қилиб, унинг ўрнига ягона (битта) солиқнинг жорий этилиши, асосан, самарали фаолият кўрсатмаётган ва шундай фаолият кўрсатишни уддалай олмаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг (солиқ тўловчиларнинг) манфаатларига кўпроқ мос келади. Улар учун ўзига хос «тепличные условия»ни, енгилликни яратиб беради. Уларда боқимандалик кайфиятини вужудга кел-

тиради. Солиққа тортишнинг бу механизми таъсирчанлиги улар фаолияти натижаларини яхшилаш учун етарли эмас;

♦ бир хил турдаги фаолият билан эмас, балки турли-туман турдаги фаолият билан шугулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мажмуидан иборат бўлган иқтисодиёт учун ягона (битта) солиқ жорий этилишининг салбий оқибатлари янада кескин бўлади. Уларнинг кескинлиги ҳатто шу даражадаки, бу нарса бундай солиққа тортиш механизмини амалиётда қўллаш имкониятини чиппакка чиқаради;

♦ энг асосийси, бундай солиққа тортиш механизмига эга бўлган солиқ тизими ўз олдидан, бир томондан, бюджетни етарли даражада даромадлар билан таъминлаш, иккинчи томондан, иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришдан иборат бўлган асосий вазифани бажариш имконини бермайди. Бу нарса эса, ўз навбатида, ягона (битта) солиқ жорий этилиши мумкинлигини узил-кесил рад этади.

Солиқ сиёсатига «солиқлар ставкалари юқори даражада» мазмунида ҳам эътирозлар билдирилаяпти. Ҳақиқатан ҳам, исталган солиқ тўловчидан у ёки бу солиқнинг ўрнатилган ставкаси ва унга нисбатан муносабат билдириш сўралса, ундан бу солиқ ставкасининг оқилона ўрнатилганлиги хусусида жавобни кутиш қийин. Солиқ тўловчиларнинг деярли ҳаммаси солиқлар ставкаларининг ўрнатилганига нисбатан, ҳеч бўлмаганда, бир оз пастроқ бўлишини исташади. Буни табиий ҳол сифатида ҳам эътироф этиш мумкин.

Бироқ, бизнинг фикримизча, солиқ сиёсатига «солиқлар ставкалари юқори даражада» мазмунида эътироз билдиришга шайланаётган пайтимизда, аввало, ўзимиз учун бир неча саволларга аниқлик киритиб олишимиз даркор. Ана шундай саволларнинг биринчиси «Солиқлар ставкаларининг ўрнатилган даражалари қандай?» деган саволдир. Бу савол биз билган бир ёки бир неча солиқлар ставкаларига эмас, балки амалдаги барча солиқлар ставкаларига нисбатан ўринли. Уларга нисбатан ўрнатилган солиқ ставкалари даражаларининг қандайлигидан беҳабар бўлсак, «солиқлар ставкалари юқори даражада» деб солиқ сиёсатига эътироз билдиришга ҳожат йўқ. Бир ёки бир неча солиқ ставкаларининг

ўрнатилган даражаларидан бохабарлигимиз ҳам бизга юқоридаги тарзда эътироз билдириш ҳуқуқини бермайди. Чунки, одатда, солиқлар ставкалари «томдан тараша тушгандай» ёки ўз-ўзидан эмас, балки бир-бирлари билан узвий боғлиқликда ўрнатилади. Бир солиқ ставкасининг у ёки бу даражада ўрнатилиши бошқа солиқ ставкаларининг қандай ўрнатилишига ўзининг таъсирини, айрим ҳолларда, бевосита, бошқа ҳолларда эса билвосита кўрсатади.

Солиқ сиёсатига «солиқлар ставкалари юқори даражада» деб эътироз билдирилаётганда «Солиқлар ставкалари даражасининг ўрнатилиши (белгиланиши) нима(лар)га боғлиқ?» деган саволнинг жавобидан ҳам огоҳ бўлмоқ лозим. Ҳар қалай, айримлар ўйлаётганидек, солиқлар ставкалари даражасининг ўрнатилиши мамлакат Президенти, Бош вазири, молия вазири, қўмита раиси ёки ҳокимларнинг оддий хоҳиш-истагига боғлиқ эмас. Аксинча, ҳар қандай солиқ ставкасининг даражаси, энг аввало, шу солиқнинг олдига қандай вазифанинг қўйилганлигига боғлиқ. Шунга мос равишда, солиқнинг ўрнатилиши лозим бўлган ставкаси унинг олдига қўйилган вазифани муваффақиятли бажаришга хизмат қилмоғи лозим. Айрим ҳолларда эса тақиқловчи (тўсқинлик қилувчи) солиқ ставкалари юқорироқ, рағбатлантирувчи солиқ ставкалари эса пастроқ даражада ўрнатилиши ҳам мумкин. Шунингдек, солиқ ставкасининг даражаси белгиланаётган пайтда бюджет даромадларини ўз вақтида ва белгиланган суммаларда шакллантиришнинг зарурияти ва бюджет харажатларининг худди шу тарзда амалга оширишнинг лозимлиги ҳам эътиборга олинади.

«Солиқлар ставкалари юқори даражада» деб солиқ сиёсатига эътироз билдиришдан олдин «Солиқларнинг ставкаларида қандай ўзгаришлар содир бўлди? Тенденция нимадан иборат?» деган саволларнинг жавоби ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Шу муносабат билан солиқларнинг ставкалари ошиб ёки камайиб, умумий тенденция ошиш ёки камайишдан иборат бўлса, шошилмасдан, олдин унинг сабабларини аниқлаб олмақ ва ундан сўнг бошқа яна бир неча муҳим омилларни ҳам ҳисобга олган ҳолда муносабат бил-

диришга оғиз жуфтламоқ лозим. Шу ўринда мамлакатимизда «Мустақилликнинг дастлабки йилларида қўшилган қиймат солиғи ставкасининг даражаси қандай эди-ю, ҳозир қай даражада? Худди шу нарсада юридик шахсларнинг фойдасидан олиннадиган солиқнинг ставкаларида қандай ўзгаришлар содир бўлди? Жисмоний шахсларнинг даромадидан олиннадиган солиқнинг максимал ставкаси қанчага ўзгарди? ва ҳ.к». шу каби саволларга жавоб бериб кўринг-чи, «солиқлар ставкалари юқори даражада» қабилда билдирилаётган эътирозлар қанчалик ўринли?!

Солиқ сиёсатига «солиқлар ставкалари юқори даражада» тарзида эътироз билдирилаётганда «Солиқ ставкаларини истаганча пасайтиришнинг имкони борми?» деган саволнинг жавоби устида ҳам бош қотириб кўриш мақсадга мувофиқ. Саволнинг бу мазмунда қўйилиши, бизнингча, табиий. Чунки бизнинг шароитимизда солиқнинг ставкаси қанчалик паст қилиб ўрнатилмасин, «Бўлди! Энди пасайтирмаслик керак», деган мардни топиш анча мураккаб. Аксинча, барибир, «Яна озроқ пасайтирилса, айни муддао бўлув эди», деган кайфият ҳали анчагача устунлик қилиб келаверади.

Назарий ва амалий жиҳатдан олиб қаралганда ҳам, аслида, солиқларнинг ставкаларини истаганча пасайтиришнинг имкони бор. Ҳатто уларни «нол»га тенглаштириб, солиқлардан бутунлай воз кечиш ҳам мумкин. Бироқ бунда биз, энг умумий ва қисқа тарзда айтиладиган бўлса, бир шартга рози бўлишимиз керак, яъни солиқлар ҳисобидан давлат томонидан бажариб келинаётган функцияларнинг (вазифаларнинг) мамлакат миқёсида, ҳеч бўлмаганда, олдингидек бажарилишини ўз зиммамизга олишимиз даркор. Бунинг иложи бўлмаганлигини, аксинча, кишилик жамияти тараққиёти учун тескари тенденциясининг ҳосилгини тарихий тараққиётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Буни идрок этиш учун ортга, тарихга назар солишнинг ўзи етарли. Шу сабабли солиқлар ставкаларини истаганча пасайтириш ғояси хомхалликдан ўзга нарса эмас.

«Солиқлар ставкалари юқори даражада» деб, солиқ сиёсатига эътироз билдираётганлар, ўзларининг эътирозлари

нуқтаи назаридан, «Даромадга қараб – буромад», «Кўрпангга қараб оёқ узат!», «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас» каби ўзбекона мақоллар бекордан-бекорга айтилмагани хусусида бир ўйлаб кўрсалар, бизнингча, айти муддао бўлур эди.

Солиқ сиёсатига «солиқ имтиёзлари етарли даражадамас ва солиқлар етарли даражада рағбатлантирувчи эмас» мазмунида ҳам эътироз билдирилаяпти. Солиқ тўловчиларнинг эътирозлари бу шаклларда намоён бўлаётган пайтда улар, дастлаб, «Солиқлар бўйича имтиёз беришдан мақсад нимадан иборат? Солиқ имтиёзларининг берилиш даражаси қандай? Мавжуд солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқа олаяпмизми? Солиқ имтиёзларини бериб, кўзлаган мақсадларга эришаяпмизми? У ёки бу солиқлар бўйича имтиёзга эга бўлганларнинг аҳволи қандай? Берилган солиқ имтиёзлари қандай «ишлаяпти»? «Ишлаяптими» ўзи? Ёки...? Солиқлар бўйича берилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқа олсак, унда нима бўлиши мумкин? Берилган солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланмасдан туриб қўшимча имтиёздан умидвор бўлишга ҳаққимиз борми ёки йўқми? Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик бовлиқлик нимадан иборат? Солиқ имтиёзлари фақат муаммоларни ҳал этишнинг «сеҳрли таёқча»сими ёки уларнинг салбий томонлари ҳам борми?» каби саволларнинг жавобларини топсаалар<sup>201</sup>, бизнинг назаримизда, бу тарздаги эътирозга ўрин қолмас эди.

Солиқ сиёсатига нисбатан «Солиқ юки нисбатан оғир ва у солиқ тўловчилар ўртасида нотекис тақсимланган», деган эътироз ҳам мавжуд. Бундай тарздаги эътирознинг билдирилиши, кўп жиҳатдан, эътироз билдирувчиларнинг «Солиқ юки деганда нима тушунилади ва у қандай ўлчанади? Солиқ юкининг оғирлиги қандай? Солиқ юкининг оғирлиги қай даражага етгунга қадар «чидаб туриш» мумкин? Солиқ юкининг оғирлигини камайтириш нима(лар)га боғлиқ? Солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида қандай тақсимланган?

<sup>201</sup> Бу саволларнинг жавоблари монографиямизнинг 7-бобида келтирилганлиги учун бу ерда уларга яна бир марта тўхталиб ўтишга ҳожат йўқ.



Солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида текис тақсимланганда вазият қандай бўлар эди? Солиқ юкининг оғирлигини ҳамма вақт ҳам салбий маънода талқил қилиш ўринлими?» деган саволларнинг жавобларидан<sup>202</sup> огоҳлиги ёки огоҳ эмаслигига боғлиқ.

«Солиқ қонунчилиги (тизими) нобарқарор» мазмунида билдирилаётган эътироз солиқ сиёсатига нисбатан билдирилаётган эътирозларнинг навбатдагиси ҳисобланади. Солиқ сиёсатига нисбатан бундай тарзда эътироз билдиришнинг ўзига хос бўлган объектив сабаблари мавжуд. Чунки солиқ қонунчилиги (тизими)да тез-тез ўзгаришлар содир бўлмоқда. Баъзи бир сабабларга кўра солиқларнинг ставкалари, солиққа тортиш объектлари, солиқларни тўлаш муддатларининг ўзгартирилишига йўл қўйилаяпти. Амал қилиб келаётган баъзи бир солиқлар бекор қилинаёпти. Уларнинг ўрнига янги солиқлар жорий этилаёпти<sup>203</sup> ва ҳ.к. Бундай ўзгаришларнинг содир этилганлигини солиқ тўловчиларнинг бир гуруҳи (кимдир) хурсандчилик билан кутиб олаяётган бўлса, уларнинг бошқа бир гуруҳи (кимдир) эса, аксинча, хафагарчилик билан қарши олаётир. Бундай вазиятда «солиқ қонунчилиги (тизими) нобарқарор», деб эътироз билдиришдан олдин «У нега нобарқарор? Нобарқарорликнинг сабаблари нималардан иборат? Нобарқарорлик қандай оқибатларга олиб келаяпти? Барқарорликни таъминлаш учун нималар қилмоқ зарур?» деган саволларга жавоб топиш керак.

Аслида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ қонунчилиги (тизими)нинг барқарор бўлгани маъқул. Солиқ тўловчиларнинг барчаси, тadbиркорлару хорижий инвесторлар ҳам шунини исташади. Чунки солиқ қонунчилиги (тизими) барқарор бўлса, улар ўзларининг фаолиятларини шунга қараб ташкил этишади. Солиқ қонунчилиги (тизими)нинг нобарқарорлиги эса у ёки бу турдаги фаолиятни амалга оширишда

<sup>202</sup> Бу жавоблар монографиямизнинг 6-бобида келтирилганлиги учун бу ерда тўхталиб ўтирмаймиз.

<sup>203</sup> Таъкидланган ўзгаришларга тегишан бўлган аниқ мисолларни келтира оласизми?

ёки тегишли молиявий қарорни қабул қилишга нисбатан тўхтатиб турувчи (тўсқинлик қилувчи) ролини ўйнайди.

Бошқа бир томондан, солиқ қонунчилиги (тизими) ўз олдига қўйилган мақсадга, яъни бир томондан, бюджетни етарли даражадаги даромадлар билан таъминлаш, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш жараёнини рағбатлантиришга эришишни тўлиқ таъминлаб турган бўлсагина, у барқарор бўлиши мумкин. Агар ана шу мақсадга етарли даражада эришишга муваффақ бўлинмаётган бўлса, унинг ўзгариб туриши, табиий.

Бу ерда солиқ қонунчилиги (тизими)нинг нобарқарорлигини назарда тутиб солиқ сиёсатига нисбатан эътироз билдиришга ҳозирланаётган пайтда бошқа бир нарса ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Гап бу ўринда давримизнинг ўзгарувчан эканлиги тўғрисида кетаяпти. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг ҳаётимизда шиддатли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишмоқда. Иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида бозор муносабатлари қарор топиб, уларнинг ҳар бири турли суръатларда ривожланмоқда. Бу жараённинг бошланиш даври аниқ бўлган бўлишига қарамасдан, унинг қанча давом этиши, қачон тугаши ва шунга мувофиқ равишда бозор муносабатларининг ҳам қачон тўлиқ ва барқарор таркиб топиши ҳамда юқори суръатларда иқтисодий тараққиёт даражасининг таъминланишига эришилиши маълум эмас. Бундай шароитда ўзгаришларнинг бўлиши табиий ва улар ўзига хос тарзда, жумладан, солиқ қонунчилиги (тизими)да ҳам ўз аксини топмоғи лозим. Хуллас, давримизнинг ўзи ўзгарувчан бўлиб турган бир пайтда солиқ қонунчилиги (тизими)нинг ўзгарувчан бўлмаслиги мумкин эмас. Акс ҳолда, солиқ қонунчилиги (тизими) ўзгарувчанлик хос бўлиб турган жамият тараққиётининг ривожланишига тўсқинлик ролини ўйнаши эҳтимолдан холи эмас.

Бир вақтнинг ўзида, бизнинг назаримизда, солиқ қонунчилиги (тизими)нинг нобарқарорлиги шундай барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи ўзига хос бўлган мактабнинг мамлакатимизда ҳали-ҳамон шаклланмаганлиги ёки

йўқлиги билан ҳам белгиланади. Мустақиллик йилларида бу соҳада жуда катта ютуқларга<sup>204</sup> эришилганига қарамасдан, қанчалик аччиқ бўлмасин, уларни ҳозирги давримизнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида тўлиқ мужжасам этувчи барқарор солиқ қонунчилиги (тизими)ни яратишга қодир деб бўлмайди.

Солиқ сиёсатига «солиқ тизими ҳаддан зиёд фискал характерга эга», деб ҳам эътироз билдирилаяпти. Бунда, энг аввало, солиққа тортиш масалаларида умумдават манфаатларига устуворлик берилаётганлиги, солиқ тўловчиларнинг манфаатлари эса иккинчи ўринга тушиб қолаётганлиги назарда тутилаяпти. Бундай эътирозга хайрихоҳ бўлишдан олдин баъзи масалаларга аниқлик киритиб олоқ зарур.

Шу муносабат билан, аввало, солиққа тортиш масалаларида бир томоннинг (давлатнинг ёки солиқ тўловчиларнинг) манфаатларига устуворлик беришнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини қайд этиб ўтмоқ лозим. Бу масалада давлатнинг ёки аксинча, солиқ тўловчиларнинг манфаатларига устуворлик бериладиган бўлса, бу солиқ сиёсатининг, ўзига хос тарзда, нотўғри юритилаётганидан даракдир. Барча ҳолларда бўлганидек, бу ерда ҳам солиққа тортиш масалаларида давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида манфаатларнинг муштарақлигига эришиш керак. Акс ҳолда, бунга эришишни таъминаламасдан ёки эътибордан четда қолдириб юргизилаётган солиқ сиёсати кўзланган натижани (самарани) бермайди.

Тўғри, айрим ҳолларда, у ёки бу мамлакат тарихий тараққиётининг баъзи бир босқичларида давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида бўлиши лозим бўлган манфаатлар муштарақлигидан чекинилиши ва бу нарса бирор бир томоннинг (ё давлатнинг, ёки солиқ тўловчиларнинг) фойдасига ҳал қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг қабул қилиниши томонлардан қай бирининг тегишли масъулиятни<sup>205</sup> ўз зиммасига олишига боғлиқ. Агар масъулият давлатнинг зиммаси-

<sup>203</sup> Бу ютуқлар нималардан иборат? Уларга бир неча мисоллар келтиринг-чи.

<sup>204</sup> Бу ерда нималар назарда тутилаяпти?

га юкланадиган бўлса, жумладан, шунга мос равишда, солиққа тортиш масалаларида ҳам устуворлик давлатнинг фойдасига ҳал қилиниши керак ва аксинча. Жамият тараққиётининг маълум бир босқичида ишлаб чиқаришни юқори суръатлар билан ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш ва уни кучайтириш, уларнинг ихтиёрига катта миқдордаги молиявий ресурсларни қолдириш ва ҳ.к.лар зарурияти вужудга келса, солиққа тортиш масалаларида устуворлик солиқ тўловчилар томон юз тутмоғи лозим.

Солиққа тортиш масалаларида, қайси томонга (давлатгами ёки солиқ тўловчиларга?) устуворлик берилишидан қатъи назар, бундай ҳолатнинг вужудга келиши, албатта, чекланган характерга эга бўлади. Чунки бу масалада устуворлик бир томонга доимий тарзда берилиши мумкин эмас. Бунинг айнан шундай эканлигини иккала томон ҳам олдиндан билиш салоҳиятига эга бўлмоғи ва уни соғлом тафаккур билан қабул қилмоғи лозим. Устувор ҳолатга эга бўлган томон бу нарсани доимий деб билиб, хотиржамликка бериюмаслиги (тушмаслиги) ва бир кун келиб ундан маҳрум бўлиши мумкинлигини олдиндан билиб, шунга монанд равишда ўз ишини ташкил қилмоғи керак. Манфаатлари иккинчи ўринга тушиб қолган томон эса бунинг вақтинча эканлигини, бир кун келиб, албатта, унинг кўчасида ҳам «байрам» бўлажagini билиб, «тўнани тескари» киймасдан, тушкунликка тушмасдан, «аччиқ» қилмасдан, эҳтиросларга бериюмасдан, беҳуда асоссиз эътирозларни қалаштириб ташлаюмасдан, ўз ўзини алдаюмасдан ўз фаолиятини мардларча давом эттирмоғи лозим.

Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиёти сари юз тутилганда «ўз аравангни ўзинг торт» қабилида иш тутмасдан, оддий томошабин бўлмасдан, бош ислоҳотчи сифатида ким масъулиятни ўз зиммасига олди? Бундай пайтда солиққа тортиш масалаларида устуворлик кимнинг фойдасига ҳал қилиниши керак эди? Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида кейин қандай ўзгаришлар содир бўлди? Шунга мос равишда солиқ сиёсати ҳам ўзгардими ёки йўқми? Бир пайт-

лар солиқ сиёсатининг «концентрация»лашган ифодаси бўлган солиқ юкининг даражасида қандай ўзгаришлар содир бўлди? У янада оғирлашдими ёки енгиллашди? Унинг даражаси мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қандай эди-ю, ҳозир қанча? ва ҳ.к.

Бу саволларга мустақил жавоб беришни ўқувчиларимизнинг ихтиёрига қолдирамиз ва улар бунинг уддасидан чиқадилар, деб ишонамиз. Шундай бўлишига қарамасдан, бу ерда қуйидаги биргина далилни келтириб ўтиш керак, деб ўйлаймиз: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, солиқ юкининг даражаси мамлакатимизда 1991 йилда 49,1% га тенг бўлган бўлса, унинг 1996 йилдаги даражаси 34,3% ни, 1999 йилда – 29,3% ни, 2002 йилда – 25,0% ни ва 2009 йилдаги даражаси эса 22,5% ни ташкил этган.<sup>206</sup>

Солиқ сиёсатига нисбатан билдирилаётган эътирозлардан бири «один мавжуд бўлмаган қўшилган қиймат солиғи жорий этилган» кўринишига эга.<sup>207</sup> Бундай тарзда эътироз билдирилаётганда, ҳеч бўлмаганда, «Бу солиқ бизда қачон жорий этилди ва нима учун? Один бу солиқнинг функцияси ни қандай солиқ(лар) бажарган эди? Бу солиқ жорий этилганидан сўнг нима ўзгарди? Масала кимнинг фойдасига ҳал бўлди? Ким ютди-ю, ким ютқазди? Унинг ставкаларида қандай ўзгаришлар содир бўлди? Улардаги умумий тенденция нимадан иборат?» деган саволларнинг жавобини ҳисобга олиш керак.

Дастлабки саволнинг биринчи қисми билдирилаётган

<sup>206</sup> Маълумотлар Тошкент молия институтида 2010 йилнинг март ойида «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг бўлим бошави, иқтисод фанлари номзоди, доцент А.Набиҳўжаевнинг «Ўзбекистоннинг инқирозга қарши дастури: биринчи натижалар ва тенденциялар» муаммоларига бағишланган презентация материалларидан олинган.

<sup>207</sup> Тадбиркорларнинг айрим топ доираларида бу эътироз «НДС деган бало» тарзида ҳам талқин қилинади.

эътироз нуқтаи назаридан принципиал аҳамиятга эга бўлма-са-да, билиб қўйган фойдадан холи эмас: Ўзбекистонда қўшилаган қиймат солиғи (ҚҚС), асосан, 1992 йилдан буён амал қилиб келмоқда. У дунёда биринчи марта 1954 йилда Францияда қўлланилган. Ҳозирги пайтда бу солиқ дунёнинг 140 га яқин мамлакатида қўлланилмоқда. Бугунги кунда ҚҚСнинг бир неча мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирати, Қувайт ва Венесуэла амалиётида қўлланилмаётганлиги унинг Ўзбекистонда ҳам қўлланилиши мумкин эмаслигига асос бўлолмайди.

Бу солиқнинг жорий этилишини мустақиллигимизнинг «шарофати» тарзида талқин қилиш ҳам инсофдан эмас. Аслида бу солиқ олдин ҳам, яъни шўролар даврида ҳам бор бўлиб, 1932 йилдан буён «оборот солиғи» номи билан амал қилиб келаётган эди. Агар бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан оборот солиғи бекор қилиниб, унинг ўрнига ҚҚС жорий этилган бўлса, бунинг ўзига хос бўлган объектив сабаблари бор.

Маълумки, режали иқтисодиётда амал қилган оборот солиғи баҳолар ўртасидаги фарқ, товар айланмасига нисбатан фойзда ва маҳсулот бирлигига нисбатан қатъий сўм ва тийинларда методларини қўллаш эвазига ҳисобланар эди. Ана шу 3 методнинг биринчиси, яъни баҳолар ўртасидаги фарқ методини қўллаш ҳисобига оборот солиғининг 80% дан ортиқроқ қисми ҳисобланар ва бюджетга ўтказиларди. Бунда олдиндан белгиланган чакана ва улгуржи баҳо-лар алоҳида аҳамиятга эга эди. Бозор иқтисодиёти шароитида олдиндан қатъий тарзда белгиланадиган чакана ва улгуржи баҳолар ўз аҳамиятини йўқотди. Уларнинг ўрнини талаб ва тақлиф асосида белгиланадиган эркин ёки шартнома баҳолари эгаллади. Бундай вазиятда оборот солиғининг асосий қисми ҳисобланадиган баҳолар ўртасидаги фарқ методидан фойдаланишнинг иложи бўлмай қолди ва бу нарса оборот солиғининг янги шароитдаги тақдирини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнади: оборот солиғи ҚҚС билан алмаштирилади. Бир вақтнинг ўзида, худди шундай функцияни бажариб келаётган ва 5%ли ставкада олинаёт-

ган иккинчи бир солиқдан – сотувдан олинадиган солиқдан ҳам воз кечилди.<sup>208</sup>

Шундай бўлишига қарамасдан, бизнинг фикримизча, оборот солиғини бозор иқтисодиёти шароитида ҳам яшашга ҳаққи ва имконияти бор эди. Чунки бундай вазиятда оборот солиғини ҳисоблашнинг баҳолар ўртасидаги фарқ методидан эмас, балки товар айланмасига нисбатан фоизда методидан фойдаланиш бундай имкониятни берар эди. Бироқ бу ерда бошқа бир омил, яъни оборот солиғининг фақат социалистик лагерь тизимидаги мамлакатларда қўлланилганлиги, дунёнинг бошқа мамлакатларида ундан фойдаланилмаганлиги ҳал қилувчи роль ўйнади. Иқтисодий алоқалар борасида халқаро ҳамжамият вакиллари билан «бир тилда гаплашиш»нинг зарурилиги ҳам оборот солиғининг ҚҚС билан алмаштирилишини тақозо этди.

Хўш, оборот солиғи ва сотувдан олинадиган солиқ бекор қилиниб, уларнинг ўрнига ҚҚС жорий этилганидан сўнг нима ўзгарди? Масала кимнинг фойдасига ҳал бўлди: ким ютди-ю, ким ютқазди? Бу саволларга қисқа ва аниқ жавоб бериш учун қуйидаги далилларни келтиришнинг ўзи етарли: оборот солиғи ва сотувдан олинадиган солиқ амал қилган даврларда биргина оборот солиғи ҳисобидан собиқ Иттифоқ давлат бюджети даромадларининг 30 – 33% қисми муттасил равишда шаклланиб келган. Улар бекор қилиниб, ҚҚС жорий этилганда эса дастлабки бир неча йил давомида бу солиқ ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг 20 – 22% шакланган, холос. Бир пайтлар бюджет даромадларининг 1/3 қисмини шакллантирган солиқни бекор қилиб, унинг ўрнига бошқа бир солиқни жорий этиш эвазига бюджет даромадларининг 1/5 қисми (дастлабки йилларда бўлса ҳам) шакллантирилган бўлса, масала кимнинг фойдасига ҳал бўлган экан?

Бунинг устига, ҚҚС жорий этилганда унинг асосий став-

<sup>208</sup> Ҳолбуки, бу солиқ халқ орасида оммабоплиги туфайли ва яна бошқа бир қанча сабабларга қўра «Горбачёв солиғи» номини олишга уағурган ҳам эди.

каси 32% қилиб белгиланган бўлса, мана бир неча йилдирки, унинг даражаси 20% ни ташкил этиб келаяпти. Айрим йилларда у 18% гача пасайиб борган эди. Бу солиқ ставкасининг ҳозирги йиллардаги даражасини унинг дастлабки ўрнатилган пайтдаги даражаси билан таққослаб, шу даврда унинг 37,5% га пасайтирилганлигини (баъзи бировлар қайд этаётганидек, 12% га эмас) аниқлашимиз мумкин. Демак, ушбу солиқ бўйича ставканинг ўзгариши пасайиш тенденциясига эга. Бу ерда, бир вақтнинг ўзиде, жорий этилган ҚҚСнинг ставкасини 10 - 15 йил орасида бундай суръатларда пасайтириш вазифасини удалаган мамлакатларнинг тарихда кўп эмаслигини ҳам қайд этиб ўтмоқ лозим.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар эътиборга олиндиган бўлса, солиқ сиёсатига «олдин мавжуд бўлмаган қўшилган қиймат солиғи жорий этилган» тарзда билдирилаётган эътирознинг қанчалик асосланганлиги-ю, қанчалик асосланмаганлиги яққол маълум бўлади-қолади.<sup>209</sup>

«Молк-мулкдан камроқ солиқ олинапти», деган эътироз солиқ сиёсатига нисбатан билдирилаётган эътирозларнинг кўринишларидан биридир. Бундай шароитда «Қандай сабабларга кўра бундай эътироз билдирилаяпти? Мол-мулкдан олиндиган солиқнинг ставкаси қай даражада? Ставка пастми ёки юқори? Бу солиқ мол-мулкдан самарали фойдаланишга ўз таъсирини кўрсатаётганими ёки йўқми? Бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғининг салмоғи қандай? Мол-мулк солиғини ҳисоблашда унинг қандай қиймати ҳисобга олинапти? Аслида, қандай қиймати ҳисобга олиниши керак? Мол-мулкдан кўпроқ солиқ олинса, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Унинг ижобий ва салбий жиҳатлари нималардан иборат?» каби саволларнинг жавобини излаш алоҳида аҳамиятга эга.

Қолаверса, бундай эътироз билдирилишининг ўзига хос бошқа сабаблари ҳам мавжуд. Чунки мустақиллик йилларида халқимиз ҳаётининг барча жабҳаларида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Шўролар даврида пастқам, томига

<sup>209</sup> Бунга тескари бўлган аргументларингиз бўлса, келтира оласизми?!



тупроқ босилиб, лой билан сувалган, девори пахса қилиб уриланган, қиш ойларида намдан асраш учун гиламининг тагига хас-хашак солинадиган хоналардан иборат бўлган уй-бинолар ўрнига барча шароитларга эга бўлган уйлар қад кўтарди. Уларнинг айримлари манаман деган шоҳ саройларидан қолишмайди. Икки ва ундан ортиқ бўлган оилалар одингидек бир хонадонга тиқилиб ўтираётгани йўқ. Бир пайтлардагидек, қишлоқнинг марказий кўчасидан онда сонда «Москвич-412» маркали автомобиль ўтиб қолса, барчамиз ҳайрат билан кўча томон талпинаётганимиз ва машинанинг ортидан ҳавас билан қараб қолаётганимиз йўқ. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган «Nexia», «Damas», «Tico», «Matiz», «Lacetti» ва ҳ.к.лардан бири кириб бормаган хонадон-у, етиб бормаган қишлоқ деярли қолмади. Дунёнинг энг машҳур компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларнинг ўзбекистонлик фуқаролар мулкига айланиб, мамлакатимиз бўйлаб «учиб» юрганини кўрганда одингидек «Бу нима экан?» дея ҳайратга тушаётганимиз йўқ. Шахсий техника воситаларига эга бўлиб бораётган фермерларнинг сони ҳам тобора кўпайиб борапти ва ҳ.к.

Кўриниб турибдики, юқоридагиларнинг барчаси меҳнаткаш халқимизнинг йилдан-йилга бойиб, мол-мулкнинг кўпайиб бораётганлигини кўрсатаётти ва бу нарса, ишончингиз комил бўлсин, жумладан, халқимиз турмуш тарзининг янада фаровон бўлишини таъминлашга қаратилган солиқ сиёсатининг натижаси ҳамдир. Шу ўринда «Солиқ сиёсатининг бунга алоқаси йўқ!» дегувчилар чучварани хом санашибди. Эслаанг, ота-онангиз, бобо-бувингиз ёки ёши табарруклардан бир сўраб кўринг: бир пайтлар оилада иккита сигир бўлса, бири солиқ сифатида олиб қўйилмасмиди? Ҳар йили мажбурий равишда тухум, сариқ ёғ, гўшт етказиб бериш ва уни «давлатга топшириш» шундоқ ҳам қосаси оқармаётган қишлоқ аҳолисининг зиммасига юкланмаганди? Томорқадаги «ортиқча» олма дарахтига нисбатан ҳам солиқ белгиланиб, бунинг оқибатида олма дарахтлари «жесилиб» кетганди-ку! Ҳатто ўша даврда қишлоқ жойларида асосий «транспорт воситаси», фойдали ва ишчи уй ҳайвони

санаалган эшакка нисбатан ўрнатилган солиқ уларнинг «қири-либ» кетишига олиб келмаганмиди?!

«Молк-мулкдан камроқ солиқ олинаяпти», деган «гап» қаердан ёки кимдан чиқди? Албатта, мол-мулкка эга бўлганлар ва эга бўлаётганлардан бу «гап»нинг чиққанлигига ишониб бўлмайди. Демак, солиқ сиёсатига нисбатан бундай тарздаги эътирознинг «муаллиф»лари – етарли даражада мол-мулкка эга бўлмаганлар ва эга бўлишнинг уддасидан чиқолмаётганлар. Ҳақиқатан ҳам солиқ тўловчиларнинг бундай тоифасига кирувчилар теварак-атрофда мол-мулкка эга бўлиш борасида юқорида содир бўлаётган бундай ўзгаришларни кўриб: «Давлат қаёққа қараяпти? Солиғини отнинг калласидек қилиб қўйса, бундай ҳолатлар содир бўлмасди», деган хаёлларга боришлари, табиий. Лекин, бизнинг фикримизча, бундай вазиятда етарли даражада мол-мулкка эга бўлмаганлар ва эга бўлишнинг уддасидан чиқолмаётганлар бундай муаммони қонунга қатъий риоя этган ҳолда муваффақиятли ҳал этганлар ва этаётганларга ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараб, солиқ сиёсатига нисбатан эътироз билдирмасдан, улардан ўрнак олсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бир вақтнинг ўзида, «молк-мулкдан камроқ солиқ олинаяпти», деган эътироздан хабардор бўлган ва мол-мулкни қонуний тарзда кўпайтиришнинг уддасидан чиқаётган мулкдорлар сукут сақламасдан, «Ошинг ҳалоо бўлса, кўчада ич!» қондасига риоя этган ҳолда бундай мол-мулкка қонун доирасида эришишнинг иложи борлигини билдириб қўйсалар, фойдадан холи бўлмас.

Солиқ сиёсатига доир эътирозларнинг яна бири «фойда (даромад) солиққа кўпроқ даражада тортилаяпти» шаклида ифодаланмоқда. Унинг асосли ёки асоссиз эътироз эканлигини аниқлашда, одатдагидек, «Бундай эътироз вужудга келишининг сабаблари нималардан иборат? Унинг асосида нималар ётибди? «Ҳисоблаш методологияси» тўғрими? Амалиётимизда фойда (даромад)нинг солиққа тортилиш даражаси қандай? Мустақиллик йилларида солиқнинг ставкаларида қандай ўзгаришлар содир бўлди ва бундаги тенденция нимадан иборат? Бюджет даромадларини шаклланти-

ришда бу солиқнинг салмоғи ва унинг тенденцияси қандай? Бюджет даромадларини шакллантиришда фойда (даромад) солиғи салмоғининг пасайиши нимадан далолат беради? «Олдин» ва бошқа мамлакатларда фойда (даромад)нинг солиққа тортилиш даражалари қандай (эди)? Ким имтиёзли (қулай) ҳолатда? «Тепличные условия»ни яратаверишнинг чегараси борми ўзи? «Ҳотамтойлик» доимо суиистеъмоқ қилинавериши керакми?» каби саволларнинг жавоби муҳим роль ўйнайди.

Аввало, шунини қайд этиш лозимки, бундай тарздаги эътирознинг билдирилиши ўз-ўзидан эмас, балки эътироз билдирувчиларнинг ўзига хос бўлган «ҳисоб-китоб»ларига «асосланган». Унга кўра, фойда ёки даромаднинг солиққа кўпроқ даражада тортилаётганлигини «аниқлаш» учун қуйидаги «усул»дан фойдаланилади: дастлаб солиқ тўловчи томонидан бюджетга тўланган солиқларнинг умумий суммаси аниқланади. Ундан сўнг эса ушбу сумма солиқ тўловчи фойдаси ёки даромадининг суммаси билан таққосланади. Натижада солиқ тўловчи фойдаси ёки даромадининг солиққа тортилувчанлик даражаси «маълум» бўлади. Унга кўра, баъзи ҳолларда бу «кўрсаткич»нинг даражаси жуда юқори бўлиб, у солиқ тўловчининг ихтиёрида «ҳеч вақо»нинг қолмаётганлигини ҳам «кўрсатиб» қўйиши мумкин. Бошқа ҳолларда эса шу «усул» қўлланиб ҳисобланган фойда ёки даромаднинг даражасидан тўланган солиқ суммалари кўпроқ бўлган суммани ташкил этиб ҳам қолади. Бундай ҳолда ҳисоблаш усулининг асосизлигидан беҳабар бўлган солиқ тўловчининг «фигони фалакка» чиқиши, табиий.

Жуда кўпчиликнинг назарида юқоридаги «усул»да фойда ёки даромаднинг солиққа тортилувчанлик даражасини аниқлаш тўғри йўл ҳисобланса-да, аслида бундай эмас. Чунки жаҳон амалиётида ўрнатилган тартибга мувофиқ ҳамма солиқларга нисбатан эмас, балки фақат фойда ёки даромаддан тўланадиган солиқларга нисбатан уларнинг (фойда ёки даромаднинг) солиққа тортилувчанлик даражасини ҳисоблаш ўз маъносига эга. Чунки солиқларни тўлаш манбаи фақат фойда ёки даромад ҳисобланиб қолмасдан, балки бун-

дай манбалар қаторига қўшилган қиймат, тушум, таннарх, молиявий натижа, фойда ва жами даромадлар ҳам киради. Шунга мос равишда, ҳар бир солиқнинг ўз тўланиш манбаига нисбатан солиққа тортилиш даражасини аниқлаш ўринли ҳисобланади. Бу «фойда ёки даромаднинг юқори даражада солиққа тортилаётганлиги»ни рўкач қилиб, солиқ сиёсатига нисбатан билдирилаётган эътироз асоссизлигининг бир томони.

Унинг иккинчи томони шундан иборатки, «фойда (даромад) юқори даражада солиққа тортилаяпти», деб солиқ сиёсатига нисбатан эътироз билдиришдан олдин, солиқ сиёсатига нисбатан ҳеч қандай эътироз билдирмасдан, «лом-мим» демасдан, нафасимизни ичимизга ютиб юрган пайтларимизда, яъни «Режали иқтисодиётда ёки Шўролар даврида фойда (даромад) солиққа қай даражада тортилган экан?» деб ўйлаб ҳам кўриш керак. Шундай қилинса, аввало, фойда ҳисобидан кўплаб солиқларнинг ундирилганлиги маълуум бўлади. Фонд ҳақи тўлови, қатъий рента тўлови, фойданинг озод қолдиғи, фойдадан ажратмалар ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Фойдадан олинadиган бу солиқлар қани ҳозир? Уларнинг ҳаммаси бекор қилинган ва ўрнига биргина фойдадан олинadиган солиқ жорий этилган. Бунинг устига, ўша пайтларда фойданинг солиққа тортилувчанлик даражаси турли йилларда 55% дан 62% гача етиб борган. Буни аниқлаш учун ўша йилларда ҳар йили нашр қилинган ва «Народное хозяйство СССР в ... году» деб номланган статистик тўпламнинг тегишли бетига мурожаат қилишнинг ўзи етарли. Ҳозирги пайтда эса бу кўрсаткичнинг ўртача даражаси, ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, 42 – 45% га тенг. Фойданинг солиққа тортилувчанлик даражаси 62% гача борган пайтларда жим турган пайтимизда унинг даражаси пасайиб, 42% гача етиб борганда «хизматга – туҳмат» ёки «яхшиликка – ёмонлик» тарзида иш тутсак, қандай бўларкин?

Солиқ сиёсатига «жисмоний шахслар даромади юқори даражада солиққа тортилаяпти» мазмунида эътирознинг билдирилиши унга нисбатан билдирилаётган эътирозларнинг яна бири ҳисобланади. Аввало, бундай эътирозларни қўйи-

даги саволларнинг аниқ жавобига эга бўлмасдан туриб билдириш ноўрин ҳисобланади: қандай сабабларга кўра бундай эътироз билдирилаяпти ёки унинг асосида нималар ётибди? Бюджет даромадларини шакллантиришда бу солиқнинг салмоғи қандай? Олдин қандай эди? Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги салмоғи кейинги йиллар орасида қандай тенденцияга эга? Бизда бу солиқни, асосан, кимлар тўлаяпти? Қолганлар-чи? Солиқ тўлаш бўйича оғирлик, асосан, кимларнинг зиммасига тушаяпти? Тушиши керакми ўзи? Даромад солиғининг ставкасини Россия Федерациясидагидек қилиб ўрнатишнинг бизда молиявий имконияти борми ёки йўқ? Жисмоний шахсларнинг даромадларидан ундириладиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси дунёнинг бошқа мамлакатларида қандай? ва ҳ.к.

Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, бундай эътироз билдирилаётган пайтда, энг аввало, шўролар даврида иш ҳақиға нисбатан солиққа тортилмайдиган минимумнинг амал қилганлиги, унинг юқори қисмидан 100 сўмгача бўлган қисмида даромад солиғининг махсус жадвал орқали аниқланганлиги, 100 сўмдан ошган қисмидан эса ягона бир ставкада, яъни 13% миқдорида даромад солиғининг олинганлиги эътиборга олинмоқда. Солиқ тўловчиларимиз орасида бундай эътирознинг пайдо бўлишида Россия Федерациясининг телеканаллари орқали намойиш этилаётган ва «самая низкая ставка в мире» деб эълон қилиниб, кўм-кўк олманинг шунга мос қисми кесиб кўрсатилаётган рекламалар ҳам ўзининг «муносиб» ҳиссасини қўшмоқда.

Ана шулардан «илҳомланиб» солиқ сиёсатиға нисбатан эътироз билдиришға шайланишдан олдин баъзи бир масалаларға аниқлик киритиб олиш зарур. Уларнинг энг муҳимлари сифатида, бизнингча, қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– биринчидан, шўролар даврида собиқ Иттифоқ давлат бюджети даромадлари қисмининг бор-йўғи 10% га яқини аҳолидан олинadиган тўловлар ҳисобидан шаклланиб, ундан 8,8% аҳолидан олинadиган даромад солиғининг ҳиссасига тўғри келар эди. Бюджет даромадларининг қолган қисми,

яъни 90% дан ортиқроғи эса «социалистик хўжалик»дан келиб тушадиган даромадлар ҳисобидан таркиб топган.<sup>210</sup> Ҳозирги шароитда эса вазият бошқа томонга ўзгарган. Кейинги йилларда биргина жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиқ эвазига Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг 12 – 15% шаклланамоқда. Бу ерда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган қатъий солиқ ва транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинadиган солиқларнинг суммалари ҳам эътиборга олинadиган бўлса, бюджет даромадларини шакллантиришда жисмоний шахслар даромадининг қанчалик роль ўйнаётганлиги маълум бўлади ва бу нарса, ўз навбатида, жисмоний шахслар даромадининг солиққа тортилиш даражасига ўзининг таъсирини кўрсатмасдан қолмайди;

– иккинчидан, жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиқ эвазига Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг 12 – 15% шаклланаётган бир пайтда унинг асосий қисми бюджет соҳасида фаолият кўрсатаётган жисмоний шахсларнинг ҳиссасига тўғри келаяпти. Аксинча, хусусий секторда фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар бу муаммонинг ўткирлигини ҳис қилишмайди ва бу муаммони ҳал қилишнинг турли йўллари мавжуд бўлиб<sup>211</sup>, улар муваффақиятли фойдаланишмоқда;

– учинчидан, жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиқнинг ставкасини Россия Федерациясидагидек 13% қилиб ўрнатишнинг молиявий имконияти бизда йўқ.

<sup>210</sup> Бундай маълумотларни шўролар даврида турли йилларда А.М. Александров, Э.А. Вознесенский, Г.А. Рабинович, В.М. Родионова, Т.В. Гуйда, М.К. Шерменёв, П.Н. Никольский, В.Г. Сенчагов, Н.И. Сычёв, В.И. Колесников, П.Н. Жевтяк, О.В. Врублевская, Н.А. Марголина, М.В. Романовский, А.М. Иванов ва бошқа муаллифлар таҳрири остида нашрдан чиққан «Финансы СССР», «Государственный бюджет СССР», «Финансы и кредит СССР», «Государственные доходы» каби дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан топиш мумкин.

<sup>211</sup> Гап бу ерда қандай йўллар хусусида кетаяпти? Бир ўйлаб кўринчи.

Эсингиздами, Россия Федерациясида бу солиқнинг ставкасини шу тарзда белгилаш сари қарорнинг қабул қилиниши арафасида жуда кескин мунозаралар бўлиб ўтган эди. Унинг қабул қилинишида Россия ҳукумати раисининг ўринбосари, молия вазири А.Кудриннинг қуйидаги сўзлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган эди: «Ҳозир<sup>212</sup> дунё бозорида 1 баррель нефтнинг баҳоси 27,0 АҚШ долларига тенг бўлиб турибди. Унинг баҳоси 17,5 АҚШ долларига тенг бўлганда ҳам бизда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкасини 13% даражада ўрнатишнинг реал молиявий имконияти мавжуд».<sup>213</sup> Ҳолбуки, кейинги йилларда жаҳон бозорида 1 баррель нефтьнинг баҳоси 150,0 АҚШ долларигача етиб борди;

– тўртинчидан, Россия Федерациясида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкасини 13% қилиб белгилаш сари қарор қабул қилинганда баъзи бир мақсадларга эришиш ҳам кўзда тутилган эди. Ана шундай мақсадлардан бири даромад солиғининг ставкаси шундай қилиб белгиланса, даромадларни легаллаштириш содир бўлади, хуфёна секторнинг қўлами қисқаради, дея умид қилинган эди. Амадда ҳали-ҳамон бу нарсага эришилмади. Мана унинг исботларидан бири: Росстатнинг маълумотларига кўра, Россиянинг бир минтақасида иш ҳақи сифатида 9,1 млрд рубль берилган бўлишига қарамасдан, 447,4 млн рублик даромад солиғи ундирилган.<sup>214</sup> Ҳолбуки, ундирилиши лозим бўлган даромад солиғининг суммаси 13%ли ставкага мувофиқ 1,183 млрд рублга тенг бўлмоғи лозим эди. Кўриниб турибдики, даромад солиғининг ставкаси пасайтирилган бўлишига қарамасдан, даромадларни легаллаштириш

<sup>212</sup> Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкаси 13% даражасида белгиланган йил назарда тутилаяпти.

<sup>213</sup> Бу фикр А.Кудрин томонидан оммавий ахборот воситалари орқали бир неча марта айтилади ва Россиянинг «Финансовая газета», «Известия», «Труд», «Коммерсант» ва бошқа газеталарида бир неча марта эълон қилинди.

<sup>214</sup> Бундай маълумотларни Россия Федерациясининг ОАВда кўплаб учратиш мумкин.

содир бўлмаган: ундирилган сумма ундирилиши лозим бўлган суммадан 2,6 мартага кам бўлган;

– бешинчидан, дастлабки жорий қилинган пайтида 45% этиб белгиланган бўлишига қарамасдан бугунги кунда<sup>215</sup> мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиқнинг энг юқори ставкаси 22% қилиб белгиланган бўлса, ундан ташвишга тушишга сира ҳожат йўқ. «Россия Федерациясида бу кўрсаткич 13%га тенг», деб хафа ҳам бўлмаслик керак. Аслини олганда, ўзбекона айтадиган бўлсак, «бу ҳали ҳолва». Чунки унинг даражаси, баъзи бир сабабларга кўра, сиз билан биз орзу қиладиган мамлакатларда анча юқори. Масалан, бу кўрсаткичнинг даражаси Филиппинда – 32,0% (Ўзбекистондагидан 45,4% га юқори); Таиландда – 37,0% (Ўзбекистондагидан 68,2% га юқори); АҚШда – 39,6% (Ўзбекистондагидан 80,0% га юқори); Кипр ва Тайпейда – 40,0% дан (Ўзбекистондагидан 81,8% га юқори); Австралияда – 47,0% (Ўзбекистондагидан 2,1 марта юқори); Испанияда – 48,0% (Ўзбекистондагидан 2,2 марта юқори); Япония, Австрия ва Исроилда – 50,0% дан (Ўзбекистондагидан ҳар бирида 2,3 марта юқори); Германияда – 53,0% (Ўзбекистондагидан 2,4 марта юқори); Францияда – 54,0%<sup>216</sup> (Ўзбекистондагидан 2,5 марта юқори) ва ҳ.к. Шунингдек, бу ерда мамлакатимиздаги жисмоний шахслар учун ўрнатилган энг юқори ставканинг дастлабки ўрнатилган вақтидан ҳозиргача икки мартадан кўпроққа қисқартирилганини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу сиёсатнинг яна шу тарзда давом эттирилиши ва мазкур юқори ставканинг янада камайтирилиши эҳтимолдан холи эмас.

Солиқ сиёсатига нисбатан биладирилайётган эътирозларнинг яна бири «солиқларни ўз вақтида тўламаганлар ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганларга нисбатан қаттиқ молиявий жазолар қўлланилаяпти» шаклига эга. Айрим доираларда

<sup>215</sup> 2010 йил назарда тutilаяпти.

<sup>216</sup> Бундай маълумотлар «Солиқ тўловчининг журнали», «Экономическое обозрение» журналлари ва «Солиқлар ва божхона хабарлари», «Солиқ инфо» газеталари орқали қўлаб эълон қилинади. Масалан, қаранг: Солиқ тўловчининг журнали. 2001. №4. – Б.56.



(ҳолларда) «Солиқларни тўлаш у ёқда турсин, қатто унинг жарималарини тўлашга ҳам солиқ тўловчиларнинг қурби етмай қолаяпти» мазмунида фикрлар билдирилаяпти. Бу эътирозга нисбатан «орани очиқ қилиб олиш»ни қуйидаги саволларнинг аниқ жавобсиз тасаввур этиб бўлмайди:

◆ молиявий жазо нима учун қўлланилади, у қўлланилиши керакми ўзи ёки йўқми?

◆ молиявий жазо қўлланилмаса, нима бўлади?

◆ қўлланилаётган молиявий жазоларнинг даражалари қандай, қаттиқми ёки...?

◆ амалдаги молиявий жазоларни қўллаб туриб кўзланган мақсадларга эришилаяптими?

◆ солиқларнинг ундирилув (йиғилув)чанлик даражаси қандай ва аслида у қандай бўлиши керак?

◆ солиқларнинг ундирилув (йиғилув)чанлик даражаси нисбатан паст бўлса, молиявий жазонинг даражаси қандай бўлиши керак?

◆ ҳаддан зиёд қаттиқ молиявий жазоларнинг қўлланилишидан даваат (бюджети) манфаатдорми?

◆ ҳар доим ҳам қаттиқ молиявий жазоларнинг қўлланилиши бизни кўзланган мақсад сари етаклайверадими?

◆ молиявий жазо қачон ёки қандай вазиятда ўз самарасини бериши мумкин?

Юқорида келтирилган саволларнинг қисқача, табиий, тўғри, ҳақиқий, илмий ва мантиқий жавоблари қуйидагилардан иборат:

◆ молиявий жазо ўрнатилган тартиб-қоида, ўз зиммасига олган мажбуриятни, шартномани ва ҳ.к.ларни бузмаслик, уларга қатъий ва тўлиқ риоя этишни таъминлаш мақсадида жорий этилади. Ўрнатилган тартиб-қоида бузилса, унга қатъий ва тўлиқ риоя этилмаган бўлса, мажбурият ва шартнома шартлари бажарилмаса, молиявий жазо, албатта, қўлланилиши керак;

◆ молиявий жазо қўлланилмаса, ўрнатилган тартиб-қоида бузилаверади, унга қатъий ва тўлиқ риоя қилмаслик давом этаверади, мажбурият ва шартнома шартлари бажарилавермайди;

◆ амалиётнинг кўрсатишича, мамлакатимизда қўлланилаётган молиявий жазоларнинг даражалари қаттиқ эмас. Уларнинг таъсирчанлиги паст даражада. Молиявий жазоларнинг даражаси «ўткир қилич» тусини олмаган. Тартиб, қоида, мажбурият, шартнома ва ҳ.к. бузарлар ҳаётини (фаолиятини) хавф остига қолдириб, «оёғи қуйган товукдек» югуртириб, уларни ташвишга солаётгани йўқ;

◆ амалдаги молиявий жазоларни қўллаб туриб, кўзланган мақсадларга тўлиқ эришиламаяпти. Юқорида таъкидланганидек, молиявий жазоларни қўллашдан мақсад тартиб-қоидани, ўз зиммасига олган мажбуриятни, шартнома шартларини ва ҳ.к.ларни бузмаслик, уларга қатъий ва тўлиқ риоя этишни таъминлашдан иборат. Бу эса тўлиқ таъминланмаган. Бу соҳада ижобий ўзгаришлар содир бўлаётганига қарамасдан, афсуски, ҳар қадамда ҳамон учраб турибди;

◆ солиқларнинг ундирилув (йиғилув)чанлик даражаси яхши эмас. У тараққий этган мамлакатлардаги даражадан анча паст. Аслида, ҳисобланган солиқ суммалари ўз вақтида бюджетга тўлиқ ўтказилиши керак. Бироқ амалиётда бу вазифани тўлиқ уддалашнинг иложи бўламаяпти. Буни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органларида фаолият кўрсатаётган 12 мингдан ортиқ ходимлар ҳам етарли даражада эплай олишмаяпти;

◆ солиқларнинг ундирилув (йиғилув)чанлик даражаси нисбатан паст бўлса, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, молиявий жазонинг даражаси, аксинча, яъни нисбатан юқори бўлиши керак. Унинг ана шундай даражаси солиқларнинг ундирилув (йиғилув)чанлик даражасининг кўзланган даражасига етгунга қадар сақланиб турмоғи лозим. Унга эришилганидан кейин молиявий жазонинг даражаси, маълум бир муддатда сақлаб турилганидан сўнг, пасайтирилиши мумкин. Солиқларнинг 100%лик ундирилув (йиғилув)чанлик даражасига эришилганида ва бу нарса барқарорлик касб этса, уларга нисбатан қаттиқ молиявий жазоларнинг сақланиб қолиши ўз маъносини йўқотади;

◆ ҳалдан зиёд қаттиқ молиявий жазоларнинг қўлланилишидан давлат (бюджети), аслида, манфаатдор эмас.

Юқорида қайд этилганидек, агар ўрнатилган солиқлар бюджетга белгиланган суммаларда ва ўз вақтида тушиб тураверса, давлат (бюджети) учун молиявий жазоларнинг умуман кераги йўқ. Аксинча, солиқлар белгиланган суммаларда ва ўз вақтида бюджетга тушавермаса, давлат «Солиқ тўловчиларнинг ўзларига инсоф берсин», деб қўлини қовуштириб, кутиб ўтиролмайди. У ҳам ўз ҳаракатини қилиши керак. Унинг ана шундай ҳаракатларидан бири таъсирчан молиявий жазолар тизимини қонуний тарзда жорий этиш ҳисобланади;

♦ йўқ, ҳар доим ҳам қаттиқ молиявий жазоларнинг қўлланилиши бизни кўзланган мақсад сари етаклайвермайди. Бу ерда қаттиқ молиявий жазонинг қўлланилиши кўзланган мақсадга эришишнинг яккаю ягона йўли эмас. Агар шундай деб ўйлаб, қоидабузар солиқ тўловчига нисбатан доим ёки аёвсиз равишда қўллайверсак, охир-оқибатда, ундан «ажралиб» қолишимиз мумкин. Солиқ тўловчини бундай йўл билан «ўдириш» – давлатнинг мақсади эмас. Бундай тарзда иш тутиладиган бўлса, бу давлат учун «ўз оёғига ўзи болта уриш» билан баробар саналади. Шунинг учун қаттиқ молиявий жазоларни қўллаш эвазига белгиланган муддатда кўзланган мақсадларга эришишнинг иложи бўлмаса ва бунинг айнан шундай эканлиги мутлақо аниқ бўлса, солиқ тўловчини «ўлдирмасдан», унга нисбатан «меҳр-шафқат» кўрсатиш – молиявий жазо суммаларининг ундирилиш муддатларини таъсирчан тарзда ортга суриш, молиявий аҳволини яхшилаб олишга имконият бериш, бир-икки марта «кечириш» ва ҳ.к.лар қилиш – мақсадга мувофиқ; бир вақтнинг ўзида, бундай шароитда, баъзи ҳолларда, ашаддий тартиббузар солиқ тўловчини аниқлаб, унга нисбатан қаттиқ молиявий жазоларни қўлаб, бошқаларга ўрناк қилиш мақсадида, аҳволига «маймунларни йиғлатиб», унинг «бахридан кечиш» ҳам ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин;

♦ илғор халқаро тажрибанинг кўрсатишича, молиявий жазо таъсирчан бўлса ва соғлом вазиятда ўз самарасини беради. «Чивин чаққандай» ҳам таъсир кўрсатмайдиган молиявий жазодан, айтишга арзигулик, самара кутиб бўлмайди.

Бундай вазиятда солиқ тўловчи учун ўрнатилган тартибни онгли равишда бузиб, «чивин чаққандай» таъсир кўрсатадиган молиявий жазони олиш фойдали ёки афзал ҳисобланади. Умумий вазиятнинг соғлом эмаслиги<sup>217</sup> ҳам молиявий жазонинг самарадорлигини йўққа чиқариши мумкин.

Солиқ сиёсатига «солиқларни ўз вақтида тўламаганлар ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганларга нисбатан қаттиқ молиявий жазолар қўлланилаяпти», дея эътироз билдирилаятганда бозор муносабатлари рисоладагидек ривожланган мамлакатларда ёки жаҳон амалиётида солиқ тўловчилар томонидан худди шундай хатоликка йўл қўйилганда қандай чоралар кўриломоқда экан, деб ҳам ўйлаб кўрмоқ лозим. Масалага шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бизнинг амалиётимизда қўлланилаятган молиявий жазоларда ҳали-ҳамон инсонпарварлик хислатлари устунлик қилиб келаятганлиги маълум бўлади.

Эсингиздами, солиқ суммалари нотўғри ҳисобланиб, тўлангани учун (тўланмаганлиги учун эмас!) жаҳонга машҳур немис теннисчиси Ш.Граффнинг отаси бир неча ой қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Бу жараёнда унинг фарзанди немис ҳалқининг милаий қаҳрамони эканлиги, унинг бир ўзи юз минглаб немис фуқаролари тўлаши мумкин бўлган солиқ суммаларини алақачон тўлаб қўйганлиги инобатга олинмади.<sup>218</sup>

Бошқа яна бир машҳур немис теннисчиси Б.Беккер 1992 – 1996 йиллар мобайнида олган даромадларининг бир қисмини солиқ ташкилотларига қамайтирган ҳолда кўрсатган. Бўлиб ўтган суд ишида унга нисбатан шартли равишда 2 йил қамоқ жазоси белгиланган.<sup>219</sup>

Италиялик тенор А.Паваротти дунёда бундай салоҳиятга эга бўлган танҳо опера ижрочиси бўлишига қарамасдан, солиққа тортиш масалаларида унинг бу хизматлари ҳам ҳисобга олинмади. Солиқ қонунчилигига қисман риоя этмаганли-

<sup>217</sup> Ўйлаб кўринг-чи, бу ерда нималар назарда тутилаяпти?

<sup>218</sup> Бу тўғрисида монографиямизнинг 267 – 268-бетларига ҳам бафсилроқ қаранг.

<sup>219</sup> Қаранг: Банк ахборотномаси. 2002 йил. 7 – 13 ноябрь.

ги учун солиқ тўлашдан бош тортганликда айбланиб, оммавий ахборот воситалари орқали у бутун дунёга шармандаи шармисор қилинди. Дунёдаги миллионлаб мухлисларнинг мухаббатига сазовор бўлган киноактриса С.Лоренга нисбатан ҳам муносабат шундай бўлди.

АҚШлик машҳур киноактёр У.Снайпснинг тақдири бундан ҳам баттарроқ бўлди: судлашилгандан сўнг олган даромадларидан 3,0 млн АҚШ долларарида тўламаган солиқларини узр сўраб, 15 кун ичида иккига бўлиб тўлаганига қарамасдан, унга нисбатан белгиланган 3 йиллик турмага ўтириш жазосидан қутулиб қололмади.

Бу масалада жаҳонга машҳур футбол мураббийси голландиялик Г.Хиддинкни худонинг ўзи бир асради, дейишимиз мумкин. Тўланмаган солиқ суммалари аниқланиши билан, фақат судлашиб ўтиришни сира хаёлига ҳам келтирмасдан, «виринг» демасдан, тезда чопқиллаб бориб, тегишли суммани бюджетга тўлаб қўйиши уни қамоқ жазосидан қутқариб қолди.

Эътибор беринг: юқорида номлари тилга олинганлар – ўз мамлакатларининг оддий фуқаролари эмас. Уларнинг ўз халқлари ва давлатлари олдидаги хизматлари шу қадар каттаки, биргина солиқлар тўлаш борасидаги уларнинг бу гуноҳлари, ўзбекона айтганда ва одамгарчилик нуқтаи назаридан қаралса, инсоф қилинса, кечирилса арзийди. Лекин бундай қилинмади. Бунинг ўрнига уларнинг бу борадаги хатоликлари фақат ўз мамлакатлари ичида эмас, балки бутун дунёга «достон» қилинди. Уларнинг бундай айбларини ва уларга нисбатан қўлланилган жазоларни солиқ тўловчиси бўлган дунё мамлакатларининг ҳар бир хонадони эшитди (билди). Энди бир ўйлаб кўринг: шундай обрўга, салоҳиятга ва бойликка эга бўлган Ш.Графф, Б.Беккер, А.Паваротти, С.Лорен, У.Снайпс, Г.Хиддинк ва бошқаларга нисбатан бу борада шундай муносабат қилинганда, ўзларини сақлаб қолиш учун уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмаганда, солиққа тортиш масалаларида хатоликка йўл қўйиши мумкин бўлган оддий фуқаролар – солиқ тўловчиларнинг аҳволига «маймуналарнинг бундан-да баттарроқ йиғлаши» турган гап.

Бу келтирилган далиллар ўзимиздаги ҳақиқий вазият билан таққосланса, солиқ сиёсатига «солиқларни ўз вақтида тўламаганлар ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганларга нисбатан қаттиқ молиявий жазолар қўлланилаяпти», дея эътироз билдиришга оғиз жуфтлаётган пайтимизда нафасимиз ичимизга тушиб кетмайдими? Бу масалада мамлакатимиздаги қайси машҳурларимизнинг бошига бундай «қора кун» солинди? Аксинча, улар эл-юрт ардоғида эмасми? Уларга «гард» ҳам юқтирмасликка ҳаракат қилмаяпмизми? Ҳатто бир неча йил давомида солиқларни тўлаб келмаганлиги аниқланса ҳам, баъзи ҳолларда, оддий «учар тадбиркор»имизнинг қарамоғида «жўжабирдек жон» бор эканлиги ҳисобга олинмаяптими? Ҳолбуки, барча мамлакатларда бўлгани сингари, бизнинг мамлакатимизда ҳам Ватанимизнинг асосий қонуни – Конституциянинг 51-моддасида «Фуқаролар қонуни билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар»<sup>220</sup> деб ёзиб қўйилган. Унга қатъий риоя этиш ҳар фуқаро, ҳар бир солиқ тўловчи учун – ҳам қарз, ҳам фарз эмасми?<sup>221</sup>

Энди ўтган асрнинг 80-йилларида солиқ бошқармаси ходимининг қуйидаги айтган сўзларига бир эътибор беринг: «Дунёда солиқдан бўйин товлашдан каттароқ жиноят бўлмаса керак деб ҳисоблайман. Мен ҳатто хотинимнинг хиёнатини ҳам кечиришим мумкин, аммо солиқ тўлашдан ўз даромадини яширганларни ҳеч қачон!»<sup>222</sup> Солиқ сиёсатига «солиқларни ўз вақтида тўламаганлар ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганларга нисбатан қаттиқ молиявий жазолар қўлланилаяпти» тарзида эътироз билдириш нуқтаи назаридан бу билдирилган фикрнинг замирида нималар ётганлигини аниқлашга ўқувчимизни бу ерда ҳам қодир деб ҳисоблаймиз ва унга нисбатан эркин мулоҳаза юритишни уларнинг ихтиёрига қолдирамиз.

<sup>220</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.13.

<sup>221</sup> Бу тўғрисида монографиянинг 7-боб 5-параграфида батафсил тўхталиб ўтган эдик.

<sup>222</sup> Қаранг: Банк ахборотномаси. 2002 йил 7 – 13 ноябрь.

Бюджет-солиқ сиёсатининг замонавий долзарб муаммолари, уларга нисбатан билдирилаётган эътирозлар, муаммоларни ҳал этиш ва эътирозларни юмшатиш йўлларининг бир қисми ана шу юқорида баён қилинганлардан иборат.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун қўшимча саволлар:**

♦ Республикамизда ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан яқдиалик билан фикр билдирилаяптими? Билдириламаётган бўлса, бунинг сабаблари нималардан иборат?

♦ Оддий бир солиқ тўловчи сифатида «Мамлакатимиздаги бюджет-солиқ сиёсати сизга маъқулами? У сизнинг манфаатларингизни тўлиқ ифодалаяптими? Бу сиёсат сизга ёқаяптими? Уни тўғри деб ҳисоблайсизми?» шаклида берилган саволларга жавобларингиз қандай бўлур эди?

♦ Сизга «Мамлакатимиздаги бюджет-солиқ сиёсатининг нимаси сизга маъқул эмас? Нимаси ёқмаяпти? Нимаси нотўғри?» шаклида савол берилса, нима деб жавоб берган бўлур эдингиз? Жавобларингизни асослаб беришга тайёрмисиз? Аргументларингиз нималардан иборат?

♦ Ҳозирги пайтда бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан билдирилаётган «эътироз»ларнинг энг умумий кўринишлари нималарни кўрсата оласиз?

♦ «Бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошлари кам» шакли ва мазмунида билдирилган «эътироз»нинг негизида нималар ётибди? У қанчалик асосланган-у, қанчалик асосланмаган?

♦ «Бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошлари кам» тарзида «эътироз» билдирилаётганда қандай оддий саволларга жиддий эътибор бермоқ ва уларнинг аниқ жавобига эга бўлмоқ лозим?

♦ Бюджет-солиқ сиёсатига «солиқларнинг сони кўп ва улар кўпайиб бораётибди» тарзида «эътироз» билдирилаётганда «Шу кеча-кундузда солиқларнинг сони нечта? Олдинги вақтларда (1, 5, 10, 20, 50, 70 йил олдин) солиқларнинг сони нечта бўлган? Қиёслаганда солиқларнинг сони кўпайибдими ёки

камайибдимиз?» каби саволларнинг жавоблари эътиборга олиниши керакми ёки...?

♦ «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси»ни қўлга олиб, унинг «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими» деб номиланган 3-бобидаги «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари» деб номиланувчи 23-моддасига қарасак, бу ерда солиқларнинг сони нечта эканлигини аниқлашнинг иложи борми? Нега? Бу ерда қандай мураккабликлар мавжуд?

♦ «Солиқ кодекси»га мувофиқ ҳозирги пайтда солиқлар сонининг нечта эканлигини аниқлаш сановчининг савиясига, унинг иқтисодий билим даражасига боғлиқ», деган фикрга қўшиласизми ёки уни рад этасиз? Нима учун?

♦ Солиқларнинг сонини аниқлашда қандай ёндашувлар мавжуд? Бу борада яқдилликнинг йўқлигига нималар сабаб?

♦ Умуман олганда, олдинги вақтларда (1, 5, 10, 20, 50, 70 йил олдин) солиқларнинг сони нечта бўлган? Бу саволнинг жавобини топишда қандай мураккабликлар бор?

♦ Иқтисодий фаолиятни (жумладан, ишлаб чиқаришни) соғлом ривожлантириш ва давлат бюджетини етарли миқдордаги даромадлар билан таъминлаш нуқтаи назаридан қайси вариант маъқул: солиқлар сонининг камлиги-ю, ставкаларнинг максималлигими? Ёки солиқлар сонининг кўпчилиги-ю, ставкаларнинг минималлигими?

♦ Бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан солиқлар сонининг кўпчилиги ёки камлиги принципиал аҳамиятга эгами ёки йўқми?

♦ «Давлат истаса – ягона битта солиқни қўлаб, хоҳласа – бугунги кундагидек 40 дан ортиқ солиқларни жорий этиб, ўзига тегишли бўлган маблағни бюджетга олиши мумкин», деган тасдиқ ўринлими ёки...?

♦ Солиқ суммаси нималарга боғлиқ?

♦ Бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан солиқлар сонининг кўпчилиги ёки камлиги принципиал аҳамиятга эга эмас экан ва давлат истаса – ягона битта солиқни қўлаб, хоҳласа – бугунги кундагидек 40 дан ортиқ солиқларни жорий этиб, ўзига тегишли бўлган маблағни бюджетга олиши мумкин



экан, нега солиқларнинг сонини ягона (битта) қилиб ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмас?

♦ Солиқ тизимининг олдига қандай вазифалар қўйилган? Уларнинг ўзига хослиги нимадан иборат?

♦ Ягона (битта) солиқ жорий этилишининг иқтисодий (молиявий) оқибатлари қандай бўлиши мумкин?

♦ Ягона (битта) солиқ жорий этилиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларни инobatга олган ҳолда принципиал аҳамиятга эга бўлган қандай хулосаларни чиқарса бўлади?

♦ Солиқ сиёсатига «солиқлар ставкалари юқори даражада» мазмунида эътироз билдиришга шайланаётган пайтимизда, аввало, ўзимиз учун қандай бир неча саволларга аниқлик киритиб олишимиз даркор ва уларнинг ҳақиқий жавоблари нималардан иборат?

♦ «Солиқ имтиёзлари етарли даражадамас ва солиқлар ҳам етарли даражада рағбатлантирувчи эмас» мазмунида солиқ сиёсатига эътироз билдирилаётганда, дастлаб, қандай саволларга аниқлик киритиш керак?

♦ Солиқ сиёсатига «Солиқ юки нисбатан оғир ва у солиқ тўловчилар ўртасида нотекис тақсимланган», деган эътирознинг билдирилиши, кўп жиҳатдан, эътироз билдирувчиларнинг нималардан огоҳлиги ёки огоҳ эмаслигига боғлиқ?

♦ «Солиқ қонунчилиги (тизими) нобарқарор» мазмунида солиқ сиёсатига эътироз билдирилишининг қандай ўзига хос объектив сабаблари мавжуд?

♦ «Солиқ қонунчилиги (тизими)нинг нобарқарорлиги шундай барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи ўзига хос бўлган мактабнинг мамлакатимизда ҳали-ҳамон шакланмаганлиги ёки йўқлиги билан ҳам белгиланади» деган фикрга муносабатингиз қандай?

♦ Солиқ сиёсатига «солиқ тизими ҳаддан зиёд фискал характерга эга», деб ҳам эътироз билдирилаётганда, энг аввало, қандай масалаларга аниқлик киритиб олоқ зарур?

♦ «Олдин мавжуд бўлмаган қўшилаган қиймат солиғи жорий этилган» кўринишида солиқ сиёсатига эътироз билдирилаётганда, ҳеч бўлмаганда, «Бу солиқ бизда қачон жорий

этилади ва нима учун? Олдин бу солиқнинг функциясини қандай солиқ(лар) бажарган эди? Бу солиқ жорий этилаганидан сўнг нима ўзгарди? Масала кимнинг фойдасига ҳал бўлди? Ким ютди-ю, ким ютқазди? Унинг ставкаларида қандай ўзгаришлар содир бўлди? Улардаги умумий тенденция нимадан иборат?» деган саволларнинг жавобини ҳисобга олиш керакми ёки йўқми? Бу борада сизнинг жавобларингиз нималардан иборат?

♦ Солиқ сиёсатига «Молк-мулкдан камроқ солиқ олинапти», деган эътироз билдиришдан олдин «Қандай сабабларга кўра бундай эътироз билдирилаяпти? Мол-мулкдан олинadиган солиқнинг ставкаси қай даражада? Ставка пастми ёки юқори? Бу солиқ мол-мулкдан самарали фойдаланишга ўз таъсирини кўрсатаяптими ёки йўқми? Бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғининг салмоғи қандай? Мол-мулк солиғини ҳисоблашда унинг қандай қиймати ҳисобга олинапти? Аслида, қандай қиймати ҳисобга олинаши керак? Мол-мулкдан кўпроқ солиқ олинса, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Унинг ижобий ва салбий жиҳатлари нималардан иборат?» каби саволларнинг жавобини излаш алоҳида аҳамиятга эга эмасми? Бу саволларга жавоб беришга уриниб кўра оласизми?!

♦ «Фойда (даромад) солиққа кўпроқ даражада тортилаяпти» шаклида солиқ сиёсатига эътироз билдирилаётган экан, «Бундай эътироз вужудга келишининг сабаблари нималардан иборат? Унинг асосида нималар ётибди? «Ҳисоблаш методологияси» тўғрими? Амалиётимизда фойда (даромад)нинг солиққа тортилиш даражаси қандай? Мустақиллик йилларида солиқ ставкаларида қандай ўзгаришлар содир бўлди ва бундаги тенденция нимадан иборат? Бюджет даромадларини шакллантиришда бу солиқнинг салмоғи ва унинг тенденцияси қандай? Бюджет даромадларини шакллантиришда фойда (даромад) солиғи салмоғининг пасайиши нимадан далолат беради? «Олдин» ва бошқа мамлакатларда фойда (даромад)нинг солиққа тортилиш даражалари қандай (эди)? Ким имтиёзли (қулай) ҳолатда? «Тепличные условия»ни яратаверишнинг чегараси борми ўзи? «Ҳотам-

тойлик» доимо суиистеъмом қилинавериши керакми?» каби саволлар жавобининг эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ эмасми?

♦ Солиқ сиёсатига «жисмоний шахслар даромади юқори даражада солиққа тортилаяпти» мазмунида эътироз билдирилаятган пайтда нималар ҳисобга олиниши керак? Бунда «Қандай сабабларга кўра бундай эътироз билдирилаяпти ёки унинг асосида нималар ётибди? Бюджет даромадларини шакллантиришда бу солиқнинг салмоғи қандай? «Олдин» қандай эди? Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги салмоғи кейинги йиллар орасида қандай тенденцияга эга? Бизда бу солиқни, асосан, кимлар тўлаяпти? Қолганлар-чи? Солиқ тўлаш бўйича оғирлик, асосан, кимларнинг зиммасига тушаяпти? Тушиши керакми ўзи? Даромад солиғининг ставкасини Россия Федерациясидагидек қилиб ўрнатишнинг бизда молиявий имконияти борми ёки йўқ? Жисмоний шахсларнинг даромадларидан ундириладиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси дунёнинг бошқа мамлакатларида қандай? ва ҳ.к.» каби саволларнинг жавобини билиш муҳим эмасми?

♦ «Солиқларни ўз вақтида тўламаганлар ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганларга нисбатан қаттиқ молиявий жазолар қўлланилаяпти» шаклида солиқ сиёсатига эътироз билдирилаятганда молиявий жазо нима учун қўлланилади? «У қўлланилиши керакми ўзи ёки йўқми? Молиявий жазо қўлланилмасе нима бўлади? Қўлланилаятган молиявий жазоларнинг даражалари қандай, қаттиқми ёки...? Амалдаги молиявий жазоларни қўлаб туриб, кўзланган мақсадларга эришилаёптими? Солиқларнинг ундирилув (йиғилув)чанлик даражаси қандай ва аслида у қандай бўлиши керак? Солиқларнинг ундирилув (йиғилув)чанлик даражаси нисбатан паст бўлса, молиявий жазонинг даражаси қандай бўлиши керак? Ҳаддан зиёд қаттиқ молиявий жазоларнинг қўлланилишидан даваат (бюджети) манфаатдорми? Ҳар доим ҳам қаттиқ молиявий жазоларнинг қўлланилиши бизни кўзланган мақсад сари етаклайверадими? Молиявий жазо қачон

ёки қандай вазиятда ўз самарасини бериши мумкин?» сингари саволларнинг ҳақиқий жавоби топилса, «Эътироз» қай аҳволга тушиб қолиши мумкин?

◆ Солиқ сиёсатига «солиқларни ўз вақтида тўламаганлар ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганларга нисбатан қаттиқ молиявий жазолар қўлланилаяпти», дея эътироз бидирилаятганда бозор муносабатлари рисоладагидек ривожланган мамлакатларда ёки жаҳон амалиётида солиқ тўловчилар томонидан худди шундай хатоликка йўл қўйилганда қандай чоралар кўриломоқда экан, деб ҳам ўйлаб кўрмоқ лозимми? Ундай бўлса...?

## 10-БОБ.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ АСОСЛАРИ (УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ)<sup>223</sup>**

Ҳар қандай сиёсат сингари бюджет-солиқ сиёсати ҳам жуда нозик бўлганлиги туфайли уни такомиллаштиришнинг фундаментаал асослари (устувор йўналишлари)<sup>224</sup> хусусида тўхталиш осон эмас. Бироқ бу ўринда мамнуният билан шуни қайд этиш керакки, бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментаал асослари (устувор йўналишлари)ни белгилашда, энг аввало, буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари беқиёс. Вобомизнинг қуйидаги бир неча фикрларига эътибор бериш ва уларнинг маъно-мазмунига тушунишнинг ўзи фикримизни тасдиқлаш учун етарли.

Амир Темур фикри: *«...раиятдан хирож йиғишда уни оғир аҳволга тушириб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқ қилиб қўйишдан сақланмоқ зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг гариблашувига олиб келади. Хазинанинг гариблашиб қолиши эса сипоҳнинг тарқа-*

<sup>223</sup> Баъзи бир сабабларга кўра, монографиямизнинг ушбу бобини ҳам, худди унинг олдинги бобидагидек, алоҳида-алоҳида параграфларга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобламадик. Бу ўринларда шундай йўл туттишнинг афзаллиги ёки аксинча, камчилиги хусусида баҳо беришни ўқувчининг ихтиёрига қолдираяпмиз.

<sup>224</sup> «Фундаментал асослар» ва «устувор йўналишлар» ўртасида принципиал фарқларнинг бўлиши мумкинлигини олдиндан кўра билиш имкониятига биз ҳам эга бўлсак-да, лекин баъзи бир сабабларга кўра, бу ўринда уларни айна шу тарзда, яъни «фундаментал асослари (устувор йўналишлари)» шаклида ишлатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Нега? Бу шунчалик «сўз ўйини»ми ёки бошқа нарсами? Бунинг сабабларини тушунтириб бера оласизми?

«...сипоҳнинг тарқалиб кетиши, ўз навбатида, салтанатнинг заифлашишига олиб келади».

(Темур тузуклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – Б.122 – 123).

Жаҳонгир Амир Темурнинг бу фикридан бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари)га бевосита дахлдор ва ҳозирги давримиз нуқтаи назаридан ҳам принципиал аҳамиятга эга бўлган бир неча хулосаларни чиқариш мумкин. Хусусан, бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш (натижаси)да:

– биринчидан, энг аввало, солиқ тўловчиларни «...оғир аҳволга (бу ерда «солиқ тўловчиларнинг оғир аҳволга тушиши»га замонавий тус бериб, қабул қилмоқ лозим – таъкид бизники. Т.М.) тушириб қўйишдан...» сақланиш керак;

– иккинчидан, «... мамакатни қашшоқ қилиб қўйишдан (бу ерда «мамакатнинг қашшоқлиги» иборасини тор маънода эмас, балки кенг маънода идрок этмоқ лозим – таъкид бизники. Т.М.) сақланмоқ зарур»;

– учинчидан, солиқ тўловчилар хонавайрон қилинадиган бўлса, бу нарса «казинанинг (давлат бюджетининг – таъкид бизники. Т.М.) ғариблашувига (бюджети дефицити даражасининг белгиланган чегарадан чиқиб кетишига – таъкид бизники. Т.М.) олиб келади»;

– тўртинчидан, казина ғариблашиб қоладиган бўлса, бу нарса, ўз навбатида «...сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади»;

– бешинчидан, «сипоҳнинг тарқалиб кетиши, ўз навбатида, салтанатнинг (давлатнинг – таъкид бизники. Т.М.) заифлашишига олиб келади».

Албатта, чиқарилган хулосаларнинг 4- ва 5-пунктларида келтирилган «сипоҳнинг тарқалиб кетиши» ибораси энди бугунги кунда фақатгина армиянинг тарқалиб кетишини аниқлатмайди. Балки бу ўринда эндиликда, унга қўшимча равишда, шу иборанинг замирида солиқ тўловчиларнинг хуфёна секторга ўтиб кетиши ёки капиталнинг четга чиқиб ке-

тиши ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар ҳам назарда тутилиши керак.

Шунингдек, бу ерда бобомизнинг фикрида қуйидаги мантикий боғланишнинг мавжудлигини кўра билиш, айниқса, диққатга сазовор: «солиқ тўловчиларнинг оғир аҳволга тушиб қолиши – мамлакатнинг қашшоқлашуви – бюджетнинг ночорлиги – давлат салоҳиятининг заифлашуви». Масала ана шу занжирли кўринишда талқин этиладиган бўлса, у ҳолда бу боғланишда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари)га тегишли бўлган асосий роялардан бирининг мужассам эканлиги маълуум бўлади. Бу роя бутунги кунда ҳам бутун дунёда, бизнинг фикримизча, аксиома сифатида эътироф этилмоқда.

Амир Темур фикри: *«...кимда-ким бирор саҳрони обод қилса ёки кориз (ер остидан қурилган ариқ) қурса, ё бирон боғ кўкартурса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса) қонун-қоидага мувофиқ хирож олсинлар».*

(Темур тузуклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – В.124).

Бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари)да солиқ имтиёзлари масаласига алоҳида ўрин ажратилиши керак. Бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг юқорида келтирилган иккинчи фикрида ана шундай имтиёзни қай тартибда тақдим этишнинг мақсадга мувофиқлиги ўз аксини топган. Бир вақтнинг ўзида, бобомизнинг «...кимда-ким бирор саҳрони обод қилса ёки кориз (ер остидан қурилган ариқ) қурса, ё бирон боғ кўкартурса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса», деган фикрлари, бир томондан, бутунги кунда ҳам ўз шаклу шамоилини тўлиқ сақлаб қолган бўлишига қарамасдан, иккинчи томондан, янгича мазмун касб этиб,

«янгидан ташкил этилаётган кичик корхоналар ва микро-фирмалар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, ишлаб чиқаришни модернизация ва реконструкция қилишга жиддий эътибор бераётган ва ҳ.к. корхоналар» шаклини олмаяптими? Ўша даврда айтилган фикрлардан бугунги кунда ҳам тўлиқ фойдаланилмаяптими?

Соҳибқирон Амир Темурнинг «...биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили райят ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса) қонун-қоидага мувофиқ хирож олсинлар», дея берган амри бугунги кунда озроқ ўзгаргандек туюлса-да, ҳамон ўз кучини йўқотмабди-ку?! Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига нисбатан 1 йил, 2 йил ва ҳ.к. муддатларда солиқлардан озод қилиш тартибининг ўрнатилиши замирида бобомизнинг гоёси ётган экан-ку?! Бунинг устига, жаҳонгир Амир Темурнинг юқоридаги фикрида, бизнингча, ҳозирги шароитда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари) сифатида эътироф этилиши лозим бўлган яна бир гоё мавжуд.

Гап бу ўринда бобомизнинг «...иккинчи йили райят ўз розилиги билан берганини олсинлар...» деган фикри хусусида кетаяпти. Унга қўра, солиқлар бўйича имтиёзларда бир неча давр белгиланиши керак, яъни биринчи даврда солиқлар умуман олинмайди. Иккинчи даврда солиқлар солиқ тўловчининг розилиги асосида олинади. Учинчи даврдан бошлаб эса солиқлар ҳамма қатори қонун-қоидага мувофиқ олиниши керак. Бир тасаввур қилиб кўринг, агар шундай тартиб ўрнатиладиган бўлса, у қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Наҳотки, ўзига имтиёзли шароитни яратиб берган давлатига маълум бир муддатдан кейин солиқни ўз ихтиёрлари билан тўлайдиган бирорга ҳам инсофли солиқ тўловчи топилмаса?! Топилади! Топилажак, албатта! Бу бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари) сифатида буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг бундан бир неча аср муқаддам айтган фикрларида ҳамон маълум бир фойдаланилмаган захира-ларнинг мавжудлигидан далолат эмасми?!



Бизнинг фикримизча, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиқиши мумкин бўлган бу хулосалар илмий ва амалий асосга эга бўлиб, улар ҳанузгача ўз қадр-қимматини йўқотмаган ва йўқотмагай, иншооллоҳ! Бир вақтнинг ўзида, улар замонавий бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундамента асослари (устувор йўналишлари) бўлиб, ҳақи узоқ йиллар давомида жамиятимизнинг тараққиётига, Ўзбекистонимизнинг буюк давлатга айланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг замонавий фундамента асослари (устувор йўналишлари) нималардан иборат бўлиши мумкинлиги хусусида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг фикрлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу муносабат билан монографиямизнинг ушбу боби доирасида биз республикамиз Президенти Ислам Каримов томонидан бюджет-солиқ сиёсати хусусида билдирилган фикрлар тўғрисида мулоҳаза юритишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бунинг, назаримизда, бир неча асосли сабаблари мавжуд.

Биринчидан, шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг асарлари билан танишар эканмиз, айнан ана шу асарларда бюджет-солиқ сиёсатининг назарий масалаларига асос солинганига (назарий асосларининг яратилганига) гувоҳ бўламиз.

Иккинчидан, ҳозирги пайтда биз ишлаб чиқилаётган ва ҳаётга татбиқ этилаётган бюджет-солиқ сиёсатининг асл моҳиятини тўғри идрок этишни истар эканмиз, давлатимиз раҳбарининг бу хусусда билдирган фикрларига алоҳида эътибор билан қарашимиз даркор.

Учинчидан, давлат раҳбари сифатида бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар барчанинг (ҳатто шу соҳада фаолият кўрсатаётган тегишли мутахассисларнинг ҳам) эътиборига етарли тарзда етиб бормаганлигини холисона тан олишимиз керак.

Тўртинчидан, «Президентимиз бюджет-солиқ сиёсати тўғрисида қандай фикрларни билдирган?» деган саволга фақат тегишли иқтисодчилар ва иқтисодчи олимларнинг тор

доирасигина жавоб беришга қодир бўлса, уларнинг айрим-лари «Нима учун айнан шундай фикрлар билдирилган?» деган саволга малакали тарзда жавоб беришга ҳамон ожизлик қилишмоқда.

Шу ва шунга ўхшаш яна бир неча асосли сабабларни инобатга олган ҳолда Юртбошимизнинг турли йиллардаги бюджет-солиқ сиёсатига оид бўлган фикрларини қуйида келтирайлик ва улар тўғрисида мулоҳаза юритишга ҳаракат қилайлик. Шубҳасиз, уларда ҳозирги пайтда ва яқин келажакда мамлакатимизда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари) ўз инъикосини топган.

Биринчи фикр: **«Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади».**

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.358).

Сиргдан қараганда, оддий сўзлардан иборат бўлган бир фикр. Лекин ана шу биргина фикрнинг ўзида жуда катта ва принципиал аҳамиятга молик маъно бор. Энг аввало, мамлакат доирасида иқтисодий сиёсатни амалга оширишда солиқларнинг алоҳида ўрни бор эканлиги қайд этилаяпти. Ҳақиқатан ҳам давлат ўзи ишлаб чиққан иқтисодий сиёсатни амалга оширишда ёки уни ҳаётга татбиқ этишда турли воситалардан, дастаклардан, усуллардан ва ҳоказолардан фойдаланади. Иқтисодий сиёсатни амалга оширишда турли шакллардан фойдаланиладиганлар қаторига баҳоаларни шакллантириш механизмини, божхона тизимининг ўзига хос тартиб ва қоидаларини, Марказий банкнинг пул-кредит инструментларини, давлатнинг марказлаштирилган инвестиция дастурларини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Юқоридагиларнинг ҳар бири ҳам давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда маълум роль ўйнайди.

Уларнинг орасида солиқларнинг «...иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил...» эканлиги

Президент томонидан эътироф этилиши, албатта, бежиз эмас. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг энг маданийлашган, энг табиий ва энг соғлом йўли ҳақиқатан ҳам солиқлардир. Буни жаҳон тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Бу жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам узил-кесил эътироф этилган.

Президент томонидан билдирилган бу фикрнинг мазмуни тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, яна бир марта солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда бу ерда фақат «омил» сифатида қаралмаётганлигини кўрсатиб ўтишимиз керак. Бу ерда солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда «бошқарувчи омил» сифатида ҳам қараляпти. Бу ерда солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда «муҳим бошқарувчи омил»дир деган фикр ҳам билдириляпти. Айнан солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда «энг муҳим бошқарувчи омил» эканлигининг маъносини шу фикрни ифодаловчи сўзларнинг бирортасини ҳам «тушириб» юбормасдан идрок этмоқ лозим. Ана шундагина биз «омил», «бошқарувчи омил», «муҳим бошқарувчи омил» ва ниҳоят, «энг муҳим бошқарувчи омил» деб номланган сўз ва иборалар ўртасида ўрни келганда «ер билан осмонча» фарқ борлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Иккинчи фикр: *«Солиқлар хазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим».*

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – В.358).

Бу ерда икки асосий ғоя илгари суриляпти. Биринчисида солиқлар хазинани тўлдиришда асосий элемент эканлиги таъкидланаяпти. Бир вақтнинг ўзида хазинани тўлдиришда солиқлардан бошқа элементларнинг ҳам бор эканлиги тан олинапти. Улар (масалан, турли тўловлар, ажратмалар) давлат

казинасини тўлдиришда асосий роль ўйнамаса-да, лекин хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат бюджети ўртасидаги муносабатларда ўзига хос вазифани бажаради.

Иккинчи ғояда, соддароқ қилиб айтсак, жуда кўпчилик жавобини билишни истайдиган «давлат бюджетининг даромад қисми қанча бўлиши керак?» деган ҳаётий саволнинг жавоби ўз аксини топган. Демак, келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромад қисмининг ҳажми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур миқдорда бўлиши керак. Бу фикрда, бир томондан, кўйилган саволнинг умумий жавоби ўз аксини топган бўлса, иккинчи томондан, ўша саволнинг конкрет жавоби ҳам ифодаланган. Чунки юқоридаги саволга у ёки бу нарсани ҳисобга олган ҳолда олдиндан «давлат бюджетининг даромад қисми мана бунча бўлиши керак», деб бир хил тарзда жавоб бериш маънога эга эмас. Мулоҳазаларимиздан маълум бир даврда (одатда, бюджет йили давомида) энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини тўлиқ бажариш ёки ҳал этиш учун қанча миқдордаги маблағ талаб қилинса, давлат бюджетининг даромадлари қисмида солиқлар ёрдамида шунча миқдорда маблағ тўпланиши лозим, деган умумий ҳулоса келиб чиқади.

Албатта, энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган маблағларнинг бир қисмини давлат бошқа манбалар ҳисобидан ҳам қоплаши ёки молиялаштириши мумкин. Давлат қимматбаҳо қоғозларини муомалага чиқариш, ташқи давлатлардан қарз олиш ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини бажариш учун молиялаштиришнинг бу шаклларида ҳам амалиётда мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда фойдаланиб келинмоқда. Бу нарса энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини бажаришда давлат бюджетининг даромадлари етарли бўлмаган ҳолда майдонга чиқади. Солиқлар ёрдамида тўпланган даромадлар етарли бўлган тақдирда муомалага қимматбаҳо қоғозларни чиқариш (ички қарз) ва чет мамлакатлардан қарз олишга (ташқи қарз) ҳожат қолмас эди. Жаҳон амалиётида етишмаган

маблағга эга бўлишнинг биз санаб ўтган ҳар икки йўли ҳам нормал ҳолат сифатида қаралса-да, уларнинг ҳар иккаласи ҳам қарзий маблағ (ички ва ташқи қарз) бўлганлиги учун ўзида каттагина рискни намоён этади. Бу рискнинг бир қисми сиёсий рискдан иборатдир. Шунинг учун ҳам «давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим», деган фикрга алоҳида ҳурмат билан қарамоқ керак. Чунки бу фикр ва унинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Учинчи фикр: **«Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бир томондан, ходимларни ўз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши, иккинчи томондан, иш ҳақи даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлишига ёрдам кўрсатиши, меҳнаткашларнинг даромадларидаги тафовут асоссиз равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим».**

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.360).

Синчковлик билан эътибор берадиган бўлсак, бу ерда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдига аслида уч мураккаб вазифанинг қўйилганлиги маълум бўлади:

♦ жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ходимларни ўз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши керак. Бунинг маъноси шундан иборатки, жисмоний шахслардан солиқлар олинганда бу солиқлар уларни ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга ундаши лозим. Бу солиқларнинг олинishi уларда асоссиз норозилик кайфиятининг туғилишига олиб келмаслиги керак. Вазифанинг бу тарзда қўйилиши принципа аҳамиятга эга бўлиб, бу нарса жисмоний шахсларга

нисбатан солиқ сиёсати ишлаб чиқарилаётган пайтда, албатта, инobatта олинishi шарт;

◆ жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар иш ҳақи даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлишига ёрдам кўрсатиши лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи ва унга сарфланган меҳнат ўртасидаги ўзаро муносабат энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ижтимоий адолат принципининг ҳаётга татбиқ этилиши, кўп жиҳатдан, ана шу муносабатнинг даражаси билан белгиланади. Аксарият ҳолларда иш ҳақининг даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлган тақдирда ижтимоий адолат принципига қатъий риоя қилинаётганлиги маълум бўлади. Бу нарсага эришиш жамият тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдига ана шу мутаносибликни таъминлашга ёрдам кўрсатиш вазифаси қўйилаяпти;

◆ жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар меҳнаткашларнинг даромадларидаги тафовут асоссиз равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим. Бу вазифани, аслида, юқорида қайд этиб ўтилган иккинчи вазифадан ажратиб олиб, алоҳида тарзда тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки иш ҳақи, сарфланган меҳнат самараси, даромадлар ўртасидаги тафовут бир-бири билан узвий боғланган тушунчалардир. Шундай бўлишига қарамасдан, меҳнаткашларнинг даромадлари фақат иш ҳақидан таркиб топмаганлиги учун биз бу вазифани иккинчи вазифадан ажратиб олиб, алоҳида тарзда кўрсатиб ўтишга жазм этдик.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдига қўйилган бу вазифада, дастлаб, меҳнаткашларнинг даромадлари ўртасида, албатта, тафовутларнинг бўлиши қайд этилаяпти. Бу тафовутлар асосли бўлган ҳолларда катта бўлиши мумкинлиги ҳам таъкидланаёпти. Тафовутлар асоссиз равишда катта бўлган пайтда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бу нарсага барҳам бериши лозимлиги кўрсатиб ўтилаёпти. Чунки бундай қилинмаса, бу нарса аҳоли қатламлари ўртасида турли зиддиятларнинг келиб чиқишига ва уларнинг кучайишига замин яратиши мумкин.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдига қўйилган вазифаларнинг мураккаблиги шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси параллел равишда бир вақтнинг ўзида бажарилишни тақозо этади. Бир вазифанинг бажарилиши иккинчи ёки учинчи вазифанинг бажарилишига акс таъсир қилмасдан ёки тўсқинлик қилмасдан, аксинча, навбатдаги вазифаларнинг бажарилишига ёрдам бериши керак. Бу, ўз навбатида, «бир ўқ билан икки қуёنни» эмас, балки «уч қуённи уриш» билан баробардир. Ҳолбуки, бир ўқ билан икки қуённи, айниқса, уч қуённи уриш учун (қўйилган уч вазифани бажариш учун) мерганлар (жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга нисбатан тегишли солиқ сиёсатини ишлаб чиқувчилар ва уни ҳаётга татбиқ этувчилар) ўта моҳир бўлоқлари лозим.

Тўртинчи фикр: ***«Корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши оқибат натижада ишлаб чиқаришни жонлаштиришга олиб келиши лозимки, бу нарса иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда гоят катта аҳамиятга эга».***

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.360).

Билдирилган бу фикр, бизнинг назаримизда, изоҳга муҳтож эмас, ўқувчиларга шундоқ ҳам тушунарлидир. Шундай бўлишига қарамасдан, фикрда билдирилган тадбирларнинг (солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши) амалга оширилиши ўзининг маълум бир чегарасига эга эканлигини қайд этиб ўтмоқ лозим. Гап бу ерда солиқ тўловчиларнинг хоҳиш-истакларига қараб солиқ юкини камайтириш ёки қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасини пасайтириш тўғрисида кетаётгани йўқ. Худди шу маънода солиқ юкини камайтириш ва қўшилган қийматдан олинадиган

солиқ ставкасини пасайтириш тўғрисидаги бу фикр айрим манфаатдор солиқ тўловчилар қўлида «байроқ» вазифасини бажаришга мўлжалланмаган. Бундан ташқари, мазкур фикрда билдирилган тадбирларнинг бажарилиши бевосита қуйида келтирилган уч шартга боғлиқ бўлиб, улар бу тадбирларнинг бажарилиш чегарасини белгилаб беради:

♦ корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг энгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг пасайтирилиши шу тадбирлар амалга ошириладиган давр мобайнида бюджетдан қилинадиган харажатларни молиялаштиришга салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Бу, ўз навбатида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджетдан қилинадиган харажатларнинг мос равишда қисқартирилишини тақозо этади;

♦ солиқ юкининг энгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг пасайтирилиши, оқибат натижада, бюджет дефицити даражасининг ошишига олиб келмаслиги лозим;

♦ хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини энгиллаштириш, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасини пасайтиришдан асосий мақсад ишлаб чиқаришни жонлантиришдир. Бу нарса содир бўлсагина, юқоридаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда бу ўзгаришлар ўзининг маъносига эга бўлмай қолади. Солиқ юкининг энгиллашиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг пасайиши натижасида ишлаб чиқариш жонланса, бунинг эвазига бюджет юқоридаги ҳар иккала тадбирнинг амалга ошишидан кўпчилик ўйлаганидек зарар кўрмайди. Аксинча, ишлаб чиқаришнинг жонланиши оқибатида солиқ юкининг энгиллашиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг пасайиши натижасида бюджетга бориб тушмайдиган солиқлар суммаси компенсация қилиниши мумкин. Бу нарсанинг содир бўлиши иқтисодиётнинг барқарорлашганлигидан далолатдир.

Бешинчи фикр: ***«Аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани – фискал (хазина тўлдириш),***



**қайта тақсимлаш ва раббатлантириш вазифасини тўла даражада бажариши керак».**

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.358).

Кўриниб турибдики, бу ерда солиқ тизимининг оддига ўзига хос уч вазифанинг қўйилиши кераклиги кўрсатилаган:

1. Фискал (хазинани тўлдириш);
2. Қайта тақсимлаш;
3. Раббатлантириш.

Лекин бундан солиқ тизими фақат шу уч вазифани бажариши керак экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки солиқ тизими юқоридагилардан ташқари, яна бир неча вазифаларни ҳам бажаради, масалан, назорат қилиш, тақиқлаш ёки тўсқинлик қилиб туриш ва бошқалар. Шунинг учун ҳам юқоридаги фикрни ифодалашда «аввало» деган сўз бежиз ишлатилмаган. Бу ушбу фикр бўйича мулоҳаза юритилаётган пайтда эътиборга олинishi лозим бўлган биринчи моментдир.

Иккинчидан, бу фикр талқин қилинаётган пайтда солиқ тизимининг оддига қўйилган вазифалар кетма-кетлиги назардан четда қолмаслиги керак. Бу ерда солиқ тизимининг оддига биринчи гадаги вазифа сифатида фискал (хазинани тўлдириш) вазифа қўйилапти. Қайта тақсимлаш ва раббатлантириш вазифаларининг иккинчи ва учинчи ўринларга қўйилиши, ўз навбатида, мантиқнинг тегишли қоидаларига қатъий риоя қилинганлигидан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам солиқ тизими дастлаб фискал (хазинани тўлдириш) вазифани бажариб бўлганидан сўнг қайта тақсимлаш ва ундан кейингина раббатлантириш билан боғлиқ вазифалар кун тартибига қўйилади.

Учинчидан, бу фикр тўғрисида мулоҳаза юритилаётган вақтда вазифаларнинг бажарилишига ёки уларнинг бажарилиш даражасига ҳам (қай даражада бажарилишига ҳам) алоҳида урғу берилганлиги ҳисобга олинishi лозим. Дарҳақиқат, бу ерда солиқ тизимининг, аввало, ўзига хос бўлган 3

вазифани бажариши кераклиги аниқлаштирилибгина қолмасдан, балки уларнинг «тўла даражада» бажарилиши кераклиги ҳам қайд этилган.

Тўртинчидан, солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифаларининг кетма-кетлиги ҳар доим ҳам шу тартибнинг (кетма-кетликнинг) сақланиб қолиши кераклигини тақозо этмайди. Тарихий тараққиётнинг алоҳида олинган маълум бир босқичида бу вазифалар кетма-кетлиги ўзгариши, кейинги қаторда турган вазифалар олдинги қаторга ўтиши мумкин. Бу нарса умумий тарзда қайси вазифанинг мамлакат тараққиёти учун биринчи даражали вазифага айланганлигига боғлиқ.

Олтинчи фикр: **«Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси – ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хомашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир».**

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.359).

Аввало, шунини қайд этиш лозимки, Президентимиз томонидан библириланган фикрни ўқиб, ўқувчида «Бу фикр олдинги фикрга зид эмасмикан?» деган тасаввур туғилмаслиги керак. Чунки бу фикрда олдинги фикрдаги асосий гоялардан бири янада ривожлантирилаяпти, янада конкретлаштирилаяпти. Олдинги фикрда солиқ тизимининг олдига қўйилган ўзига хос уч вазифанинг учинчиси рағбатлантириш деб кўрсатилган бўлса, бу фикрда ана шу рағбатлантириш билан боғлиқ вазифага анча аниқлик киритилган.

Маълум бир белгиларни инобатга оладиган бўлсак, бу ерда солиқ тизимининг олдига қўйилган рағбатлантириш билан боғлиқ энг муҳим вазифаларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- ◆ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш;
- ◆ моддий хомашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурс-

ларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш;

♦ тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш.

Бу ердаги биринчи пунктда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш тўғрисида гап кетаётгани йўқ, балки айнан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш тўғрисида гап кетаяпти. Ана шу ердаги «ривожлантириш» сўзига алоҳида урғу бериб қаралган тақдирдагина фикрнинг асл моҳиятини тўғри идрок этиш мумкин.

Амалдаги солиқ тизими барча ресурслардан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши лозим. Бу ерда ресурсларнинг қандай шаклда (моддий хомашё, табиий, молиявий, меҳнат ва бошқа) бўлиши принципаал аҳамиятга эга эмас. Бозор иқтисодиёти барча ресурслардан ҳар доим самарали фойдаланишни тақозо этади. Бу ўринда фикрдаги «самарали» сўзига алоҳида эътибор берилиши унинг туб моҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

Солиқ тизимининг олдига қўйилган рағбатлантириш билан боғлиқ энг муҳим вазифаларнинг навбатдагиси тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир. Бу ерда ҳам тўпланган мол-мулкнинг киймга тегишли эканлиги принципаал аҳамиятга эга эмас. Ундан қатъи назар бозор иқтисодиёти тўпланган мол-мулкдан ҳар доим самарали фойдаланиш кераклигини талаб қилади. Бозор иқтисодиёти «Бу тўпланган мол-мулк меники. Унинг тақдирини ўзим ҳал қиламан. Хоҳласам фойдаланаман, хоҳламасам йўқ» қабилаида иш тутишни ёқтирмайди. Бошқа бир томондан тўпланган мол-мулкнинг тақдирига унинг эгасигина (бозор иқтисодиётининг тегишли қонун-қоидаларини билмайдиганлар) бефарқ қараш мумкин. Давлат эса бундай қила олмайди. Солиқ тизими орқали, аксинча, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилаверади. Давлатнинг бу соҳадаги хатти-ҳаракатини табиий равишда қабул қилмоқ лозим.

**Еттинчи фикр: «Солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил – корхоналар зиммасидаги солиқ юқини кескин камайтиришдир».**

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.359).

Иқтисодчи олимлар ва амалиётчи мутахассислар, молиячилар, солиқ хизмати ходимлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари орасида жуда кўп мунозараларга сабаб бўлаётган масалалардан бири «солиқ юқи» ёки «солиқ оғирлиги» масаласидир. Бу муаммага нисбатан билдирилган фикрларни (уларни билдирганларнинг қайси тоифага кирганлигини ҳисобга олмаган ҳолда) бир неча гуруҳларга бўлиш ва унга муносабатни энг умумий тарзда қисқача қилиб қўйидаги кўринишларда ифода этиш мумкин:

- ◆ солиқ юқи оғир;
- ◆ солиқ юқи ҳаддан зиёд оғир;
- ◆ солиқ юқи шу кеча-кундузнинг талаблари даражасида белгиланган;
- ◆ айрим ривожланган мамлакатлар билан қиёслаганда солиқ юқи оғир эмас;
- ◆ солиқ юқини ҳозирги даражасидан пасайтириш мумкин эмас ва ҳ.к.

Масалага муносабат бундай хилма-хил ёки ранг-баранг бўлиб турган бир пайтда юртбошимиз томонидан юқоридаги фикрнинг билдирилиши муаммонинг жавобига анча ойдинлик, аниқлик киритади.

Билдирилган бу фикр тўғрисида мулоҳаза юритиш жараёнида дастлаб амалдаги солиқ тизимини ўзгартириш зарурлигини қайд этиб ўтмоқ лозим. Бу нарса шубҳасиздир. Солиқ тизимини ўзгартириш зарур экан, бу жараён маълум бир тамойилларга асосланган бўлиши керак. Ана шу тамойиллар орасидаги бош тамойил корхоналар зиммасидаги солиқ юқини кескин камайтиришдир.

Бу ерда ҳозирги пайтда корхоналар зиммасидаги солиқ юқининг анча оғир эканлиги тан олинаётти. Шунинг учун

ҳам солиқ юкини камайтириш эмас, балки кескин камай-тириш заруралиги таъкидланаяпти.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозим. Гап шундаки, давлатимиз раҳбари томонидан кор-хоналар зиммасидаги солиқ юкига нисбатан бу тарздаги фикрни ҳаспўшламасдан очиқ-ойдин айтилиши қўйи дои-раларда «Солиқ юкига нисбатан аниқ вазиятни «юқорида-гилар» билишмайди» тарзида айтиладиган фикрларнинг асоссиз эканлигини кўрсатиб беради.

Саккизинчи фикр: ***«Ислоҳотнинг иккинчи босқичи-да иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш би-ринчи навбатдаги вазифага айланган чоғда солиқ тизими биринчи гада рағ-батлантирувчилик вазифасини бажариши керак».***

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.359).

Юқорида биз биринчи фикрга изоҳ бераётган пайтимиз-да солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифалар кетма-кет-лиги жамият тараққиётининг талабларидан, унинг олдига маълуом бир даврда қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бирмунча ўзгариши мумкин деган фикрни билдир-ган эдик. Келтирилган юқоридаги фикр бунинг худди ана шундай эканлигини тасдиқлаяпти.

Мустақил мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотларни изчил-лик билан амалга ошириб борар экан, бу ислоҳотларнинг иккинчи босқичида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш биринчи навбатдаги вазифа си-фатида кун тартибига қўйилган. Бундай шароитда солиқ тизими, энг аввало, фискал (ҳазинани тўлдириш), қайта тақ-симлаш вазифаларини эмас, балки биринчи гада рағбат-лантирувчилик вазифасини бажариши керак. Кўриниб ту-рибдики, бу ерда мамлакатимиз доирасида иқтисодий бар-қарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлашнинг аҳволи бевосита солиқ тизимининг биринчи навбатда рағ-

батлантирувчилик вазифасини бажариши билан узвий боғлиқ қилиб қўйилмоқда. Бошқача айтганда, иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш борасида эришган ютуқларимиз кўп жиҳатдан солиқ тизимининг биринчи галда рағбатлантирувчилик вазифасини қай даражада бажарганлиги билан ҳам белгиланади. Янада оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ тизими биринчи навбатда рағбатлантирувчилик вазифасини тўлиқ бажарса, мамлакат миқёсида иқтисодий барқарорлик таъминланади ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга эришилади.

**Тўққизинчи фикр: «Солиқ тизими ҳам бозор инфраструктурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Уни ҳали чинакамига ташкил этишга тўғри келади».**

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.49).

Келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, бозор инфраструктурасини солиқ тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уни солиқ тизимисиз тўла тарзда таркиб топган, кам-кўстсиз бозор инфраструктураси дейиш мумкин эмас. Бозор инфраструктурасининг тўлақонли фаолият кўрсатиши ҳам, кўп жиҳатдан, солиқ тизимини ўша инфраструктура таркибида борадигига боғлиқ.

Фикрнинг иккинчи қисмига эътибор берилса, бу соҳада ҳам жуда катта иш қилиш зарур эканлиги маълум бўлади. Гап бу ерда бозор инфраструктурасининг таркибий қисми сифатида солиқ тизимининг тан олинishi учун қилиниши лозим бўлган ишлар тўғрисида кетаяпти. Солиқ тизими бозор инфраструктурасининг тўлақонли таркибий қисми сифатида тан олинishi учун ҳақиқатан ҳам чинакамига ташкил этиш керак. Бу ердаги фикрнинг аса моҳиятини тўғри идрок этмоқ учун «чинакамига» дейилган сўзга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Тўғри, ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида мустақил давлатимизнинг солиқ тизимини ташкил этиш бўйича жуда

катта ишлар қилинди. Дастлаб, айтишимиз мумкинки, Ўзбекистоннинг мустақил солиқ тизимига асос солинди, солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди, МДҲ давлатлари орасида биринчилар қаторида Солиқ кодекси қабул қилинди, солиқ хизмати ходимларининг таркибий тузилиши бўйича жиддий ўзгаришлар амалга оширилди, солиқ тизимига тегишли бўлган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари умумлаштирилди, солиқ идораларининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди ва ҳ.к.

Албатта, солиқ тизimini ташкил этиш бўйича мамлакатимизда қилинган ишлар рўйхатини ана шу тарзда яна анча давом эттириш мумкин. Лекин уларнинг ҳаммасини тўплаб, фақат «Солиқ тизимимиз ташкил қилинди», дейишимиз мумкин. Бу фикрни билдириш ёки шундай хулоса чиқариш учун асосларимиз етарлидир. Бироқ бу соҳада амалга оширилган ишлар «Солиқ тизимимиз чинакамига ташкил қилинди», дейишга етарли эмаслигини ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда кўрсатиб турибди. Солиқ тизimini тартибга солиб турувчи меърий ҳужжатлардаги ноаниқликлар, «Солиқ кодекси»нинг мунозараали жойлари, солиқ хизмати ходимлари айримларининг хизмат вазифасига номуносиблиги, солиқ хизмати кўрсатиш сифатининг нисбатан пастлиги, солиқ тизимига нисбатан асосли эътирозларнинг мавжудлиги, айрим даврларда солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги, солиқ маданиятининг етарли даражада эмаслиги ва ҳ.к. лар ана шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам «Уни (солиқ тизimini – қайд бизники Т.М.) ҳали чинакамига ташкил этишга тўғри келади».

Ўнингчи фикр: **«Солиқ хизмати фақат солиқ тўплаш идорасигина бўлиб қолмасдан, балки тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилинишида кўмаклашиши керак».**

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.49).

Бизнинг назаримизда, бу билдирилган фикр, энг аввало,

ҳар бир солиқ хизмати ходимининг кўз олдига туриши ва доимо қулоғи остида жаранглаб турмоғи лозим. Минг афсуски, солиқ хизматини ҳозирги пайтда фақат солиқ тўловчиларгина эмас, балки солиқ хизмати ходимларининг кўпчилиги ҳам солиқ тўлаш идораси сифатида талқин қиладилар. Улар томонидан турли шаклларда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ҳам шунга мосдир. Ҳолбуки, масаланинг қолган томонлари аксарият ҳолларда солиқ хизмати ходимларининг диққат-эътиборидан четда қолмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, солиқ хизмати томонидан «солиқ тўлаш» вазифасининг бажарилиши ёки қай даражада бажарилиши фақат шу билан боғлиқ ишлар билан белгиланмайди. Бу вазифанинг бажарилиши солиқ хизмати ходимлари томонидан тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилинишдаги кўмаклашувига ҳам бевосита боғлиқдир.

Ҳолисона тан олайлик, ҳозирги пайтда молиявий фаолиятни ташкил этишда тадбиркорларга кўмаклашувга жонбозлик кўрсатаётган солиқ хизмати ходимларини ҳар доим ҳам учратавермаймиз.

Тўғри, бу соҳада ҳам маълум ишлар қилинаёпти. Масалан, турли маслаҳатлар беришлар уюштирилаяпти, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар амалга оширилаяпти. Лекин бу билан биз «Солиқ хизмати ходимлари тадбиркорларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда кўмаклашаяпти» дейиш учун етарли асосга эга эмасмиз.

Тадбиркорларнинг молия интизомига риоя қилишларида кўмаклашув масаласига нисбатан ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. Бунинг устига айрим ҳолларда солиқ хизматининг айрим ходимлари бу масалага нисбатан «кутувчанлик позицияси»ни эгаллаётганлари ҳам ҳаммага аён.

Хуллас, ҳар икки ҳолда ҳам бу масалаларга нисбатан солиқ хизмати ходимларининг қизиқувчанлиги ёки манфаатдорлигининг ниҳоятда паст даражада эканлиги маълум бўлади.

Бу ерда молиявий фаолиятни тўғри ташкил этиш ва мо-



лиявий интизомга қатъий риоя қилиш, энг аввало, ҳар бир тадбиркорнинг ўзига тегишли масала эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Шундай бўлишига қарамасдан, бу масалаларга нисбатан солиқ хизмати ходимлари пассив «томошабин» позициясини эгалламасликлари керак. Чунки тадбиркорларнинг молиявий фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг молиявий интизомга риоя қилиш натижаларидан солиқ хизматининг ходимлари ҳам манфаатдордирлар. Манфаатдор бўлганда ҳам ўша тадбиркорлардан кам бўлмаган даражада манфаатдор эканликларини улар билишлари керак.

Бир тасаввур қилиб кўрайлик, тадбиркорлар билан солиқ хизмати ходимлари бир ёқадан бош чиқариб, ўз фаолиятларини ташкил қиладилар-у, бунинг натижасида тадбиркорларнинг молиявий фаолияти жуда яхши ташкил қилинди ва улар ҳисобот йили давомида молиявий интизомга қатъий риоя қилишган бўлсин. Ҳўш, бунинг оқибатида нима бўлади? Шубҳасизки, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бунинг натижасида тадбиркорлар молиявий жиҳатдан бакувватлашадилар, ўзларининг ҳамкорлари олдида уларнинг обрўси ортади, уларга нисбатан ишонч янада мустаҳкамланади, жамоанинг кайфияти яхшиланади, фаолиятнинг келажагига (истиқболига) ишонч ортади, уларнинг давлат (бюджет) олдидаги мажбуриятлари ўз вақтида адо этилади, фақатгина тадбиркорнинг эмас, балки давлатнинг (бюджетнинг) ҳам молиявий аҳволи мустаҳкамланади, ортиқча текширув ёки назорат ишларини амалга оширишга эҳтиёж қолмайди, катта миқдордаги маблағлар иқтисод қилинади, улардан янада оқилона фойдаланишнинг имконияти вужудга келади ва ҳ.к. Шундай экан, «Солиқ хизмати фақат солиқ тўплаш идорасигина бўлиб қолмасдан, балки тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилишда кўмаклашиши керак»лиги шубҳасиздир.

Ўн биринчи фикр: ***Муайян бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш солиқ***

**тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир».**

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.361).

Бу ўринда ҳозирги пайтда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг йўналишларидан бирига эътибор қаратилаётти ва унинг энг муҳим йўналиш эканлиги қайд этилаётти. Бошқа бир томондан, республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида маълум бир чегара бўлса-да, унинг етарли даражада аниқ эмаслиги таъкидланаяпти.

Юзаки қараганда ёки бир томонлама ёндашилганда, алоҳида олинган солиқ турининг республика ёки маҳаллий солиқлар(и) таркибига киритилиши принципаал аҳамиятга эга эмасдек кўринади. Бу нарса, айниқса, солиқ тўловчи нуқтаи назаридан қаралганда яққол сезилади. Ҳақиқатан ҳам солиқни тўлаш натижасида солиқ тўловчига тегишли бўлган маблағларнинг бир қисми унинг ихтиёридан мажбурий равишда (қонунга биноан) олиб қўйилгани учун бу маблағнинг кейинги тақдири уни қизиқтирмаслиги табиийдек. «Маблағ менинг ихтиёримдан кетганидан кейин унинг республика бюджети ёки маҳаллий бюджетларга бориши мен учун унчалик аҳамиятга эга эмас» мазмунидаги фикрлар ҳам билдирилади. Ҳолбуки, солиқларнинг маҳаллий ва республика (давлат) солиқларига бўлиниши ҳамда уларнинг шунга мос равишда маҳаллий ва республика бюджетига бориб тушиши оддий солиқ тўловчилар ўйлаганидек унчалик аҳамиятга эга бўлмаган масала эмас.

Аксинча, ўзининг таркибий тузилишига кўра бир неча маъмурий-ҳудудий бўлинмалардан ташкил топган бизнинг мамлакатимиз учун бу масала энг муҳим масалалардан биридир. Чунки ана шу алоҳида-алоҳида олинган маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг бир-бирига мос равишда ривожланиш суръатлари, улар ўртасидаги мавжуд номутаносибликларга, ўзаро ривожланишлардаги узилишларга барҳам берилиши, маъмурий-ҳудудий бўлинмалар ўртасидаги мавжуд тафовутларнинг маълум даражада қисқариши, мам-

лакат доирасида ягона молиявий сиёсатнинг юргизилиши, ҳудудлар доирасида иқтисодий ривожланишдан манфаатдорликнинг сўнмаслиги ва шу кабилар республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ ва оқилона чегаранинг ўтказилишига бевосита боғлиқдир.

**Ўн иккинчи фикр: «Солиқ сиёсатининг вазифаси – бир томондан, бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан – корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат».**

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.52).

Юқорида билдирилган фикрда солиқ сиёсати вазифасининг иккиёқдамалик характери яққол кўриниб турибди.

Бир томондан, солиқ сиёсатининг вазифаси давлат бюджетини даромадлар билан таъминлаш эканлиги кўзда тутилаяпти, аммо бу вазифа бюджетни даромадлар билан оддийгина таъминлашдан иборат эмас. Бу ерда вазифанинг бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан иборатлигига эътибор қаратилаяпти. Таъкидланган фикрнинг ўзагини «...барқарор сафарбарлигини таъминлаш...»дан иборат бўлган иборалар ташкил этади.

Солиқ сиёсатининг амалга оширилиши натижасида бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдек вазифанинг бажарилиши принципиал аҳамиятга эгадир. Бу вазифанинг бажарилиши давлат молиявий аҳволининг мустаҳкамлигидан далолат беради, давлат зиммасига юкланган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишига молиявий замин яратади, бюджет соҳасини узлуксиз молиялаштиришда муаммолар пайдо бўлмайди, давлат ўзининг функцияларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш имконига эга бўлади ва ҳ.к. Аксинча, солиқ сиёсатини амалга ошириш натижасида бюджет даромадларининг барқарор сафарбарлигини таъ-

минлаш вазифасининг бажарилмаслиги жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги шундоқ ҳам аёндыр.

Иккинчи томондан, солиқ сиёсати корхоналарни республикамиз учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантириши ҳам керак. Бу ерда гап солиқ сиёсатини амалга ошириш натижасида, энг аввало, республикамиз ички бозорининг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳақида кетаяпти. Ҳақиқатан ҳам солиқ сиёсати ана шу эҳтиёжни тўлароқ қондиришга хизмат қилиши керак. Бундан ташқари, солиқ сиёсати умумий тарзда корхоналарни маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантирмасдан, балки уларни республикамиз учун зарур бўлган ёки республикамиздаги талабга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантириши керак.

Бу ердаги солиқ сиёсатининг олдига қўйилган ҳар икки вазифадан бирининг бажарилиш даражасини иккинчисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ерда вазифалардан бирини биринчи даражали, иккинчисини эса иккинчи даражали аҳамиятга эга деб тасаввур қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳар иккала вазифага баб-баравар, бир кўз билан қарамоқ лозим. Булар параллел йўналишга ва тенг кучга эга бўлган вазифалардир.

Ўн учинчи фикр: *«Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларини тўлдиришни таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш... йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда».*

(Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлод, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.349).

Бу фикрдан келиб чиқадиган дастлабки хулоса солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисми эканлигидир. Молиявий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан

солиқ сиёсатининг муваффақиятига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳақли равишда мамлакатимизда мустақил молиявий сиёсатни «солиқ сиёсатини ўтказиш... йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда» деган фикр билдирилмоқда. Бир вақтнинг ўзида мустақил молиявий сиёсатни амалга оширишда солиқ сиёсатининг олдига қўйилиши лозим бўлган вазифалар ҳам шу жойда ўз аксини топган. Бу вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- ♦ республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш;
- ♦ бюджет даромадларини тўлдиришни таъминлаш;
- ♦ амалий фаолиятни рағбатлантириш.

Агар юргизилаётган солиқ сиёсати ана шу уч вазифани бажариш имконини берса, уни сира иккиланмасдан изчил солиқ сиёсати деб ҳисоблаш ва у мустақил молиявий сиёсатни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб қайд этиш мумкин.

Ўн тўртинчи фикр: **«Бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни умумий равишда соғломлаштириш ташкил этиши лозим».**

(Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.349).

Ушбу фикр республикаимиз солиқ сиёсатининг мазмунини белгилаб беришда алоҳида ўрин эгаллайди. Дастлаб бу ерда бюджетнинг даромад қисмини кенгайтириш керак эканлигини англаб олиш унча мураккаб эмас. Бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг бир неча йўллари мавжуд. Улардан бири солиқ ставкаларини юқорига кўтаришдир. Лекин бу йўл бизнинг шароитимизда мақбул эмаслигини юқоридаги фикрлар яққол кўрсатиб турибди. Аксинча, бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни соғломлаштириш ташкил этиши кераклиги таъкидланаяпти. Албатта, иқтисодий вазиятни соғломлаштириш осон иш эмас. Лекин бизнинг олдимизда бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг ўзга мақбул

варианти йўқ. Буни ҳар бир солиқ тўловчи тўғри англаб оломи лозим.

Иқтисодий вазиятнинг умумий равишда соғломлашганлиги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг фаоллашганлигидан, ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланилаётганлигидан, манфаатлар муштарақлигига эришилганлигидан, кам харажат қилиниб кўп самара олинаётганлигидан ва ҳ.к.лардан далолат беради. Буларнинг барчаси охири оқибатда солиққа тортиладиган объект ҳажмининг кўпайишига (ортишига) олиб келади. Солиққа тортиладиган объект ҳажмининг кўпайиши эса, ўз навбатида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда бюджетнинг даромад қисмини кенгайтганлигидан далолатдир.

Ўн бешинчи фикр:

***«Янги солиқ сиёсати доирасида солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солигининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизими-ни жорий этиш вазифаси қўйилади».***

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.361).

Билдирилган бу фикрни таҳлил қилиш янги солиқ сиёсати доирасида уч муҳим вазифанинг кун тартибига қўйилаётганлигидан далолат беради.

1. Солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш.

Янги солиқ сиёсати доирасида дастлабки вазифанинг бу тарзда қўйилиши амалдаги солиқ тушумларининг таркиби ҳозирги даврнинг талабларига тўлиқ жавоб беролмаётганлигини кўрсатади. Солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, бир томондан, уларнинг айримларидан бутунлай воз кечишни ва янгиларини жорий этишни тақозо этса, иккинчи томондан, сақланиб қолиши мўлжалланилаётган солиқ тушумларининг ўзаро нисбатини, ўзаро пропорциясини анча ўзгартиришни ҳам талаб қилади.

2. Ресурслар, мол-мулк солигининг ролини ошириш.

Қўйилган бу вазифа биринчи вазифанинг мантиқий давоми ҳисобланади. Чунки ресурслар ва мол-мулк солиғининг ролини ошириш сари юз тутиш, ўз навбатида, солиқ тушумлари таркибининг ўзгаришига олиб келади. Бошқа бир томондан ресурслар ва мол-мулк солиғининг ролини ошириш тўғрисида аниқ вазифа белгиланган экан, бу нарса бизнинг шароитимизда ҳамон ресурслар ва мол-мулкдан етарли даражада самарали ва оқилона фойдаланиб келинмаётганлигини билдиради. Бу ерда ресурслар ва мол-мулк солиғининг ролини оширишдан кўзланган мақсад ана шу солиқлар ёрдамида улардан самарали ва оқилона фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатишдир.

3. Жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш.

Янги солиқ сиёсати доирасида бу вазифанинг қўйилиши жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар механизмида бир неча жузвий камчиликларнинг борлиги, амалдаги солиқда тортиш механизми жисмоний шахсларнинг фаоллик даражасини оширишга етарли даражада таъсир кўрсатмаётганлиги, бу механизмни давр талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришнинг зарурлиги билан белгиланади. Гап бу ерда жисмоний шахслар даромадларининг ортиб бориши билан тўланадиган солиқ суммаларининг ҳам ортиб бориши тўғрисида эмас, балки улардан солиқ ундиришнинг илғор тизимини жорий этиш тўғрисида кетаяпти. Бу илғор тизимнинг жорий этилиши жисмоний шахслар ва бюджет манфаатларига баравар мос келиши, жисмоний шахсларни фаолаштириш ва ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини оширишга олиб келмоғи лозим.

Ўн олтинчи фикр: *«Молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топиллиши шарт».*

(Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан

қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.143].

Келтирилган бу фикрда «бюджет-солиқ сиёсати» деб номланган ибора ишлатилмаган бўлса-да, у бевосита бюджет-солиқ сиёсати билан боғлиқдир, ундан бюджет-солиқ сиёсатига тегишли бўлган «ҳид» келиб турибди. Чунки бу ерда гап зарур маблағни қидириб топиш тўғрисида кетаяпти. Зарур маблағни алоҳида олинган давлат доирасида қидириб топишни эса фаол ва самарали бюджет-солиқ сиёсатини юргизмасдан иложи йўқ. Зарур бўлган маблағнинг миқдори бу ерда таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлашгагина етарли бўлиб қолмасдан, балки бу маблағлар уларни ривожлантириш имконини ҳам бериши керак.

Юқоридаги соҳаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур бўлган маблағларнинг қидириб топилишини молиявий аҳволнинг оғирлигига ёки унинг мураккаблигига боғлиқ бўлмаган масалалар сифатида қаралаёпти. Молиявий аҳволнинг мураккаблиги тўғрисидаги фикр бу ерда фақат давлатнинг молиявий аҳволига тегишли бўлмасдан, балки барча солиқ тўловчиларга ҳам тегишлидир. Вазифанинг юқоридаги тарзда қўйилиши солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг оғирлашувига олиб келади. Солиқ тўловчилар солиқ юки оғирлашувининг сабабларидан бири молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлишига қарамасдан, маблағлар бир қисмининг таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун сарфланаётганлигини ва бу нарса ҳаётга татбиқ этилаётган солиқ сиёсатида ўз ифодасини топаётганлигини тўғри идрок этмоқлари лозим.

**Ўн еттинчи фикр:** *«Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсати бошқача, яъни бизларда жуда катта бойлар ҳам бўлмайди ва мутлақо қашшоқлар ҳам бўлмайди. Мана шу сиёсатни биз ушлаб турамиз. Яъни солиқ сиёсати ҳисобидан ижтимоий ночор*



**аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга эътиборни бирор дақиқа ҳам су-сайтирмаямиз».**

(Қаримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б.9).

Билдирилган бу фикрнинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор бермоқ лозим:

♦ давлатимизнинг ўз фуқаролари тақдирига бефарқ қарамаслиги яна бир марта очиқ-ойдин айтилаяпти. Лекин бу ерда гап бойларнинг ва қашшоқларнинг умуман бўлмаслиги тўғрисида кетаётгани йўқ. Бу соҳадаги сиёсатнинг юргизиши бойларнинг ва катта бойларнинг бўлишига ҳамда жуда катта бойларнинг бўлмаслигига, қашшоқларнинг бўлишига ҳамда мутлақо қашшоқларнинг бўлмаслигига имкон бериши керак. Акс ҳолда «Бойлар ҳам, қашшоқлар ҳам бўлмас экан» қабилида хулосага келинса, бу нарса тadbиркорлик фаолиятини сўндиришга, боқимандалик кайфиятининг мустаҳкам ўрнашиб олишига олиб келиши мумкинки, буларнинг барчаси бозор иқтисодиётининг тегишли тамойилларига мутлақо зиддир;

♦ кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини солиқ сиёсатисиз амалга оширишнинг иложи йўқлиги қайд этилаяпти. Ана шундай ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларнинг барчаси («Ижтимоий ҳимояга муҳтож эмасман» дегувчилар камданкам топилади) солиқ юкининг бир оз оғирлигига бардош беришлари керак. Бундан ташқари, юқоридаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда солиқ сиёсатининг юргизиши ижтимоий ночор бўлмаган аҳоли қатламларида солиқ юкининг «анчагина» оғир бўлишини тақозо этаётганлигини улар ҳам билишлари лозим;

♦ ижтимоий ночор аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашни кўзда тутиб юргизилаётган солиқ сиёсати жамият аъзоларининг кескин табақалашувига, аҳоли даромадларининг асоссиз ўсишига олиб келмаслиги лозим. Бу нарса биз томонимиздан шундай сиёсатни доимо ушлаб туришни ва

унга нисбатан эътиборни бирор дақиқа ҳам сусайтирмасликни тақозо этади.

Ўн саккизинчи фикр: **«Солиқлар қанчалик паст даражада бўлмасин, ҳеч кимга, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ёққан эмас. Муҳими, солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур. Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим».**

(Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. // Халқ сўзи. 2002 йил 15 февраль).

Бу келтирилган фикр устида мулоҳаза юритиб, бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришда принципиал аҳамият касб этиши мумкин бўлган бир неча хулосаларни чиқариш мумкин. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

♦ солиқ сиёсати ишлаб чиқиладиган пайтда бу сиёсатнинг солиқ тўловчиларга ёқиши ёки ёқмаслиги масаласи олдинги ўринга турмаслиги керак. Чунки, юқорида қайд этилганидек, «Солиқлар қанчалик паст даражада бўлмасин, ҳеч кимга, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ёққан эмас». Бундай фикр бекордан-бекорга билдирилмаяпти. Унинг илмий-назарий, амалий ва ҳаётий асоси бор. Бу асос солиқларнинг мажбурий характерга эга эканлиги билан белгиланади. Ҳақиқатан ҳам, у ёки бу нарсанинг кимгадир (солиқ тўловчиларга) маъқул келишини ёки ёқиши мумкинлигини, аввало, унинг ихтиёрийлиги белгилаб беради. Акс ҳолда, маъқул келиш ёки ёқиш тўғрисида гапириш ўринсиздир;

♦ солиқ сиёсати такомиллаштириладиган пайтда солиқларнинг «...асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши... зарур»лигига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бу нарсалар, қолаверса, солиқ сиёсатини такомиллаштиришда энг муҳим нар-

са сифатида эътироф этилмоғи керак. Кўпчилик ҳолларда солиқ сиёсатининг муваффақиятини ҳам шулар белгилаб беради;

♦ «...солиқлар... ..маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши... зарур» деган ғоя солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг марказий ўринларидан бирида туриши керак;

♦ ва ниҳоят, солиқ сиёсатини такомиллаштириш масалалари кун тартибига қўйилаётган пайтда «солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим»лиги эътибордан четда қолмаслиги зарур. Шунингдек, бу ерда солиқлар ёрдамида умуман рағбатлантириш тўғрисида гап кетаётгани йўқлигини қайд этиб ўтиш лозим. «Солиқлар корхоналарнинг фаолиятини рағбатлантириши керак» деган фикр ҳам билдирилмаяпти. Аксинча, бу ерда гап «корхоналарнинг тадбиркорлигини» рағбатлантириш хусусида кетаяпти.<sup>225</sup>

Ўн тўққизинчи фикр: ***«Биз бундан буён ҳам солиқлар миқдорини камайтириш сиёсатини изчиллик билан олиб боришимиз керак. Айни вақтда солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошиб бориши, бу жараён, айниқса, табиий ва минерал-ҳомашё ресурсларидан фойдаланиш борасида кучайиши керак».***

(Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз // Ҳақ сўзи. 2002 йил 15 февраль).

Бу билдирилган фикрда, оддий тарзда, солиқ сиёсатининг олдин қай томонга йўналтирилганига ва кейин қай томонга йўналтирилиши лозимлиги ўз аксини топган. Ўз навбатида, «...солиқлар миқдорини камайтириш сиёсати...» солиқ юкининг энгиллаштирилишига олиб келади. Шунингдек,

<sup>225</sup> «Корхоналарнинг фаолияти» ва «корхоналарнинг тадбиркорлиги» ўртасидаги фарқларни кўра оласизми? Улар нималардан иборат?

солиқ сиёсатида солиқлар рағбатлантирувчи ролининг ошиб боришига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Бироқ бу ерда унинг ўзига хос характерли хусусияти шундан иборатки, солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш «...табиий ва минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш борасида кучайиши керак».

Йигирманчи фикр: ***«Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири – солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир. ... устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Бусиз ҳеч қандай вазифани ҳал этиб бўлмайди».***

(Каримов И.А. Бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир / / Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь).

Бу билдирилган фикрда солиқ сиёсати ва уни такомиллаштиришга нисбатан қуйидаги бир неча ғоялар илгари сурнамоқда:

♦ солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш мамлакатимиз тараққиётининг устувор вазифаси сифатида эътироф этилган. Бу нарса эътироф этилганда ҳам оддий тарзда эмас, балки «принципиал муҳим устувор вазифа» сифатида қайд этилган;

♦ солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг ролига ўзига хос тарзда баҳо берилиб, устувор вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг аҳамияти кўрсатилган ва бу нарса «...устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ» тарзида ифодаланган. Шу ўринда, ҳозирги пайтда мамлакатимиз тараққиёти олдида турган устувор вазифаларнинг аниқ кўринишлари<sup>226</sup> нималардан иборат эканлигидан огоҳ бўласак, солиқ сиёсатини

<sup>226</sup> Улар нималардан иборат эди ўзи?!

такомиллаштиришнинг бу жараёндаги роли янада яққолроқ намоён бўлади;

♦ бу ерда мамлакатимиз Президенти томонидан «бусиз ҳеч қандай вазифани ҳал этиб бўлмайди» деган фикр билдирилганда уни фақат устувор вазифаларнинг бажарилиши билан боғлаб қўймаслик керак. Аслида, том маънода ҳам, солиқларсиз ва солиқ сиёсатини такомиллаштирмасдан туриб жамиятимиз одида турган ҳар қандай вазифани ҳам ўз вақтида ва муваффақиятли бажаришнинг иложи йўқ.

Йигирма биринчи фикр: **«Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борда бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга».**

(Каримов И.А. Бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир / / Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь).

Бу ўринда солиққа тортиш масаласида, энг аввало, қуйидаги икки ҳолатга алоҳида эътибор бериш кераклиги таъкидланаяпти:

♦ амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш;

♦ бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш.

Бироқ бу тарздаги фикрлар билдирилишининг негизида бошқа муҳим ҳолатлар ҳам, яширин тарзда ётган бўлишига қарамай, ўз аксини топган. Гап бу ерда, шунингдек, солиққа тортиш масаласининг ниҳоятда мураккаблиги ва қалтислигини ҳисобга олган ҳолда таваккалчиликка йўл қўйишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, бу масалага нисбатан ўзгартиришлар киритишдан олдин амалиётда синалган принцип ва ёндашувлар аввалроқ ишлаб чиқишимизнинг зарурлиги хусусида кетаяпти. Бунинг муҳимлиги шундан иборатки, бюджет-солиқ сиёсати, жумладан, унинг ажралмас қисми

ҳисобланган солиқ сиёсатининг муваффақиятини, аслида, бу соҳада қилинган ўзгаришларнинг амалиётда синалган принциплар ва ёндашувларга қай даражада мувофиқ келиши белгилаб беради. Агар қилинган ўзгаришлар ана шу принциплар ва ёндашувларга тўғри келса, уларнинг муваффақият қозониши муқаррар ва аксинча.

Солиққа тортиш масаласида бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу нарса, айниқса, бизнинг шароитимизда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки солиққа тортиш масалалари бизнинг мамлакатимизда, асосан, кейинги 20 йил давомида муҳокама қилиб келинаётган бўлса, аслида бу масалалар бир неча 100 йиллик тарихга эга. Илк марказлашган давлатлар ташкил топгандан буён унинг аҳамияти янада ортиб борган. Бу борадаги жуда кўп масалалар алақачон ўзининг оқилона ечимини топган. Шу маънода бизнинг шароитимизда солиққа тортишнинг жуда кўп масалаларини «синаб кўриш», «эксперимент ўтказиш» ёки «тажриба қилиб кўриш» орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқ эмас. Ўрни келганда, айрим солиққа тортиш масалаларида «биз бу масалани ўзгача ҳал қиламиз», «бу масалада бизнинг ўз йўлимиз бор» ёки «биз бошқа йўлдан борамиз» қабилидаги қарорлар ҳам ҳаётда ўзини оқламай қолади. Бироқ бу нарса хорижий мамлакатларнинг солиққа тортиш борасидаги илғор тажрибалари Ўзбекистонга автоматик тарзда ўтказилиши керак деган маънони англатмайди. Чунки ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари солиққа тортиш масалаларида, албатта, ўз «из»ини қолдириши, табиий. Шу муносабат билан бу ўринда солиққа тортишга доир хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланмоқ лозимлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Йигирма иккинчи фикр: ***«Бугун ҳаётнинг ўзи солиқлар адресли бўлишини тақозо этмоқда. Солиқ тўловчи нима учун ва қанча солиқ тўлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи даркор».***

(Каримов И.А. Бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь).

Солиқларнинг «адресли бўлиши» уларни жорий этишдан мақсад нима эканлигини янада конкретлаштириш оқибадир. Бугунги кунда «Солиқлар, асосан, икки мақсадда, бир томондан, бюджет даромадларини шакллантириш, иккинчи томондан, тегишли фаолиятни тартибга солиш (рағбатлантириш) мақсадида жорий этилади» дейишнинг ўзи етарли бўлмай қолди.

Худди шунингдек, «Солиқ суммалари умумий «қозон»га (бюджетга) бориб тушади ва шунга мувофиқ равишда сарфланади» деган фикр ҳам анча эскириб қолди. Солиқ тўловчи учун тўланаётган солиқ суммаларининг бюджетга бориб тушишини билиш энди етарли эмас. Уни «Ундан сўнг нима бўлади?» деган саволнинг жавоби кўпроқ қизиқтиради. Ана шу «ундан сўнг» нима бўлишини аниқ билган ва унинг мақсадга мувофиқ эканлигига ишонган солиқ тўловчилар томонидан солиқ суммаларини бюджетга ўтказиш борасида муаммолар келиб чиқмаяпти. Аксинча, «ундан сўнг» нима бўлишини аниқ билмайдиган солиқ тўловчилар олдида «Нега тўлашим керак?» деган савол кўндаланг турибди. Саволнинг аниқ ёки ишончли жавобига эга бўлмаганлар солиқ суммаларини иложи борича камроқ тўлаш имкониятларини қидириб топишга ҳаракат қиляптилар ва бунинг уддасидан чиқаяптилар ҳам. Буни ҳам ҳаётнинг ўзи тақозо этапти.

Ана шундай вазиятда Президентимиз томонидан масаланинг «Солиқ тўловчи нима учун ва қанча солиқ тўлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлоғи даркор» тарзида яна бир марта кун тартибига қўйилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Ҳақиқатан ҳам, солиқ тўловчилар нима учун ва қанча солиқ тўлашлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлсалар ҳамда унинг мақсадга мувофиқ эканлиги хусусида қатъий ишонсалар, бюджет-солиқ сиёсатидаги мавжуд талай муаммолар алақачон ўз ечимини топган бўлур эди.

Йигирма тўртинчи фикр: **«Солиқ органларини ташкил этишининг бутун тизимида ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш зарур. Бу идораларнинг бош вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашгина эмас, балки, энг муҳими, солиққа оид жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб боришдан иборат».**

(Каримов И.А. Бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь).

Бу фикрдан қуйидаги мантиқий худосаларни чиқариш мумкин:

♦ солиқ органларини ташкил этишнинг бутун тизимида муаммолар мавжуд, улар охиригача муваффақиятли ҳал этилмаган, шу боис бу тизимда туб ўзгаришларни амалга ошириш зарур;

♦ солиқ органлари идораларининг бош вазифаси фақат солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашдан иборат эмас. Уларнинг вазифасини ана шу тарзда идрок этиш амалиётига чек қўйиш даркор;

♦ солиқ идоралари солиққа оид жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериши ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиши лозим. Ҳақиқатан ҳам, бутунги кунда солиқ органлари томонидан солиққа оид жиноятларнинг содир этилганини қайд қилиш, булар натижасида давлатга етказилган зарарни аниқлаш ва уни қоплаш (ундириш) борасида ишларни амалга оширишдан кўра улар томонидан солиққа оид жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга



қўмақлашишнинг ҳар томонлама афзал эканлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда;

♦ солиқ органлари солиқ тўловчилар билан мунтазам равишда етарли даражада иш олиб бормаяптилар. Ҳолбуки, амалда бу ишни етарли даражада олиб боришлари керак. Бу ерда «мунтазам» сўзининг замирида нима ётганлигига жиддий эътибор бериш ва унга тўлиқ эришишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Йигирма бешинчи фикр: *«Дастур доирасида<sup>227</sup> амалга оширилган яна бир муҳим тадбири- миз – солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир».*

(Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ваганимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.41).

Бу фикр замирида нималар ётибди? Унда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қандай чоралар кўрилганлиги назарда тутилаяпти? Бу саволларга жавоб бермоқ учун:

♦ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам мамлакатимиз хўжалик субъектларига кенг қўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари бериш давом эттирилганлиги;

♦ енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок

<sup>227</sup> Бу ерда 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури назарда тутилмоқда.

этаётган корхоналар учун даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзларнинг яратилганлиги;

- ◆ уй-жой қурилиши ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларининг 5 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этилганлиги;

- ◆ корхоналар муассисларининг капиталлашув ва инвестиция киритишга йўналтириладиган дивидендларининг 5 йил давомида солиққа тортилмайдиган бўлганлиги;

- ◆ инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 млрд сўмдан ортиқ маблағнинг хўжалик юритувчи субъектлар тасарруфида қолдирилганлиги ва уларнинг айланма маблағларни тўдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилганлиги<sup>228</sup> билан характерланадиган объектив реалликларга эътибор бермоқ лозим.

Ҳозирги пайтда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари), асосан, ана шулардан иборат. Уларни эътиборга олган ҳолда ва улар доирасида амалга оширилган бюджет-солиқ сиёсати муваффақиятли равишда бизни буюк келажак сари етаклайверади.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун қўшимча саволлар:**

- ◆ Бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари)ни белгилашда буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг хизматлари қандай? Бу борада ул зотнинг қандай фикрларидан бохабарсиз? Уларни шарҳлай оласизми? Амир Темурнинг бундан бир неча аср бурун билдирган фикрлари «эскириб» қолмадикан? «Эскирмаган»лигини исботлаб бера оласизми? Улардан ҳануз фойдаланиб келинаётганлигини қандай далиллар тас-

<sup>228</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.41.

диқлайди? Соҳибқирон Амир Темур томонидан айтилган бу фикрларни бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари) деб аташга нималар асос бўлиши мумкин?

♦ «...раиятдан хирож йиғишда уни оғир аҳволга тушириб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқ қилиб қўйишдан сақланмоқ зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг ғариблашувига олиб келади. Хазинанинг ғариблашиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқалиб кетиши, ўз навбатида, саатанатнинг заифлашишига олиб келади». Жаҳонгир Амир Темурнинг бу фикридан бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари)га бевосита дахлдор ва ҳозирги давримиз нуқтаи назаридан ҳам принципа аҳамиятга эга бўлган қандай хулосаларни чиқариш мумкин? Бобомизнинг бу фикрида қандай мантиқий боғланиш мавжуд?

♦ «...кимда-ким бирор саҳрони обод қилса ёки қориз (ер остидан қурилган ариқ) қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса) қонун-қоидага мувофиқ хирож олсинлар». Бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг келтирилган бу фикрида солиқ имтиёзини қай тартибда тақдим этишнинг мақсадга мувофиқлиги ўз аксини топмаганими? Бунинг устига, жаҳонгир Амир Темурнинг юқоридаги фикрида ҳозирги шароитда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари) сифатида эътироф этилиши лозим бўлган яна қандай бир ғоя бор?

♦ Мамлакатимиз Президенти Ислоом Каримовнинг замонавий бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари)ни белгилашдаги хизматлари нималардан иборат? Президентимизнинг ана шу масалага бевосита дахлдор бўлган қандай фикрларини биласиз? Уларни мустақил изоҳлашга қодирмисиз? Бир уриниб кўринг-чи.

Соҳибқирон Амир Темур ва Президент Ислом Каримовларнинг бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари) борасидаги қарашларида умумийлик, ўхшашлик, бир-бирини тўлдирувчанлик, давомийлик жиҳатлари борми? Уларни топишга астойдил уриниб кўринг-чи.

◆ Президентимиз «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омиа бўлиб қолади» деган фикрни билдираяпти. Нега? Бунинг сабаблари нималардан иборат?

◆ «Солиқлар хазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминалаши лозим» деганда мамлакатимиз раҳбари қандай икки асосий ғояни илгари сураяпти?

◆ «Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бир томондан, ходимларни ўз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши, иккинчи томондан, иш ҳақи даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлишига ёрдам кўрсатиши, меҳнаткашларнинг даромадларидаги тафовут асоссиз равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим». Синчковлик билан эътибор беринг-чи, бу ерда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдига, аслида, қандай уч мураккаб вазифанинг қўйилганлиги маълум бўлади?

◆ «Корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши оқибатда ишлаб чиқаришни жонлантиришга олиб келиши лозимки, бу нарса иқтисодийётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда ғоят катта аҳамиятга эга». Фикрда билдирилган тадбирларнинг (солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши) амалга оширилиши ўзининг маълум бир чегарасига эга эканлиги қайд этиб ўтилмаётими?

◆ «Аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани – фискал (ха-

зина тўлдириш), қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасини тўла даражада бажариши керак». Бу ерда солиқ тизимининг олдига ўзига хос уч вазифанинг қўйилиши кераклиги кўрсатилмаганми? Нега улар бундай кетма-кетликда келтирилган?

♦ «Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси – ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хомашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир». Президентимиз томонидан билдирилган фикрни ўқиб, ўқувчида «Бу фикр олдинги фикрга зид эмасмикан?» деган тасаввур туғилмайдими? Нега? Маълум бир белгиларни инобатга оладиган бўлсак, бу ерда солиқ тизимининг олдига қўйилган рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган энг муҳим вазифаларни қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?

♦ «Солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил – корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир». Солиқ юки масаласига муносабат хилма-хил ёки ранг-баранг бўлиб турган бир пайтда Юртбошимиз томонидан юқоридаги фикрнинг билдирилиши муаммонинг жавобига анча ойдинлик, аниқлик киритадими? Ундан қандай хулосалар келиб чиқади?

♦ «Ислохотнинг иккинчи босқичида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш биринчи навбатдаги вазифага айланган чоғда солиқ тизими биринчи гада рағбатлантирувчилик вазифасини бажариши керак». Бундай фикрни билдириш асосида нималар ётади?

♦ «Солиқ тизими ҳам бозор инфраструктурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Уни ҳали чинакамига ташкил этишга тўғри келади». Бу фикрни қандай изоҳлайсиз?

♦ «Солиқ хизмати фақат солиқ тўплаш идорасигина бўлиб қолмасдан, балки тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилинишида кўмаклашиши керак». Нега бундай фикр билдирилаяпти? Қўйилган вазифанинг удаланиши қандай натижаларга олиб келиши мумкин?

♦ «Муайян бюджетларни шакллантириш манбалари

бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир». Нега? Бу ўринда нималар назарда тутилаяпти?

♦ «Солиқ сиёсатининг вазифаси – бир томондан, бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан, корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат». Бу фикрда солиқ сиёсати вазифасининг қандай характери яққол кўриниб турибди? Уларнинг асосий мазмуни нималардан иборат?

♦ «Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларини тўлдиришни таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш... йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда». Бу фикрдан келиб чиқадиган дастлабки хулоса нима? Унда мустақил молиявий сиёсатни амалга оширишда солиқ сиёсатининг олдига қўйилиши лозим бўлган вазифалар ўз аксини топганми?

♦ «Бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни умумий равишда соғломлаштириш ташкил этиши лозим». Ушбу фикр республикамиз солиқ сиёсатининг мазмунини белгилаб беришда қандай ўрин эгаллайди?

♦ «Янги солиқ сиёсати доирасида солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг родини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади». Бу фикрда янги солиқ сиёсати доирасида қандай муҳим вазифаларнинг кун тартибига қўйилаётганлиги мужассам этилган?

♦ «Молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт». Бу фикр бевосита бюджет-солиқ сиёсати билан боғлиқми? Ундан бюджет-солиқ сиёсатига тегишли бўлган қандай «ҳид» келиб турибди?

♦ «Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсати бошқача, яъни бизларда жуда катта бойлар ҳам бўлмайди ва мутлақо қашшоқлар ҳам бўлмайди. Мана шу сиёсатни биз ушлаб турамиз. Яъни солиқ сиёсати ҳисобидан ижтимоий ночор аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга эътиборни бирор дақиқа ҳам сусайтирмаймиз». Билдирилган бу фикрнинг қандай жиҳатларига алоҳида эътибор бермоқ лозим?

♦ «Солиқлар қанчалик паст даражада бўлмасин, ҳеч кимга, ҳеч ҳачон ва ҳеч қаерда ёққан эмас. Муҳими, солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур. Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим». Бу фикр устида мулоҳаза юритиб, бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришда принципиал аҳамият қасб этиши мумкин бўлган қандай ҳулосаларни чиқариш мумкин?

♦ «Биз бундан буён ҳам солиқлар миқдорини камайтириш сиёсатини изчиллик билан олиб боришимиз керак. Айни вақтда солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошиб бориши, бу жараён, айниқса, табиий ва минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш борасида кучайиши керак». Бу фикрда солиқ сиёсатининг олдин қай томонга йўналтирилганлиги ва кейин қай томонга йўналтирилиши лозимлиги ўз аксини топганми? У нималарда кўринади?

♦ «Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири – солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир. ...устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Бусиз ҳеч қандай вазифани ҳал этиб бўлмайди». Бу фикрда солиқ сиёсати ва уни такомиллаштиришга нисбатан қандай ғоялар илгари сурилмоқда?

♦ «Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга». Бу ўринда солиққа тортиш масаласида, энг аввало, қандай икки ҳолатга алоҳида эътибор бериш кераклиги таъкидланаяпти? Шунингдек, бу тарздаги фикрлар билдирилишининг негизида бошқа муҳим ҳолатлар ҳам,

яширин тарзда ётган бўлишига қарамай, ўз аксини топганми? Улар нималардан иборат?

♦ «Бутун ҳаётнинг ўзи солиқлар адресли бўлишини тақозо этмоқда. Солиқ тўловчи нима учун ва қанча солиқ тўлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи даркор». Бу фикрларнинг замирида нималар ётибди?

♦ «Солиқ органларини ташкил этишнинг бутун тизимида ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш зарур. Бу идораларнинг бош вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тупишини таъминлашгина эмас, балки, энг муҳими, солиққа оид жинойтларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги биланларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб боришдан иборат». Бу фикрдан қандай мантиқий хулосалар чиқариш мумкин?

♦ «Дастур доирасида амалга оширилган яна бир муҳим тадбиримиз – солиқ юқини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир». Бу фикр замирида нималар ётибди? Унда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида солиқ юқини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қандай чоралар кўрилганлиги назарда тутилмапти?